

# Жаҳон АДАБИЁТИ

*Адабий-бадший, ижтимоий-публицистик журнал*

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ  
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА  
МАЎНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 8 (195)

2013 йил, август

## МУНДАРИЖА

### НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

**Эй насими субҳ**  
(Ш.Сирожиддинов, Г.Одилова).....2

### НАСР

Муҳаммад Шариф. **Ҳикоялар**. .....8

**Ф.М. ДОСТОЕВСКИЙ. Иблислар.**  
Роман. (Рус тилидан Иброҳим Гафуров  
тарж.).....47

**Али Муҳаммад АҒФОНИЙ. Оху хонимнинг  
эри.** Роман. (Форс тилидан Миродил Обидов  
тарж.).....97

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Мушоира. (Музаффар Аҳмад тарж)....36

**УСТОЗ ТАРЖИМОНЛАР БИСОТИДАН**  
Уйғун.....90

### АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

Расул Ҳамзатов. **Буюк туйғу.** (Рус тилидан  
Асрор Мўмин тарж).....128

Михаил Бахтин. **Романда замон ва  
хронотоп шакллари.** (Рус тилидан Узоқ  
Жўрақулов тарж).....135

Қ.Ўрозимбетов, Г.Матёкубова. **Сухбат**...155

С.Абросимов. **Хива рўёси.** (Рус тилидан  
Омонуллоҳ Мутал тарж).....164

### ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ

**Унутилмас сиймолар** .....180

**Муқовамизда** .....200

**Тақвим**.....204



## ЭЙ НАСИМИ СУБҲ

Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимга айт,  
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимга айт.

Буки лаъли ҳасратидин қон ютармен дам бадам,  
Базми айш ичра лабо-лаб бодаошомимга айт.

Ком талху бода захру ашк рангин бўлганин,  
Лаъли ширин, лафзи рангин, шўхи худкомимга айт.

Шоми ҳижрон рўзгоринг тийра нечун қилди, деб  
Сўрмагил мендин бу сўзни, субҳи йўқ шомимга айт.

Ул пари ҳажрида нангу номким тарк айладим,  
Кўнгил отлиг ҳажр водийсида бадномимга айт.

Эй кароматгўй, ишим оғози худ исён эди,  
Шамъи раҳмат партави етайму анжомимга айт.

Йўқ Навоий бедил ороми гам ичра, эй рафиқ,  
Ҳолини, зинҳорким, кўрсанг дилоромимга айт.

### Ғазалнинг инглизча таржимаси

*O breeze of dawn, go and describe my state to the one who is joy of my heart,  
Tell my beauty whose curls are black and whose face is tender as a flower.*

*My yearning for her ruby lips caused me infinite pain,  
Tell the one with whom I drank of the cup of joy about all this.*

*Tell my playful selfish darling whose every word is wisdom  
That my spirits are low and that the wine I drink is bitter and my tears have  
turned to blood.*

*Do not ask me why the night of parting has turned my life into darkness  
But recount all this to the night which will never end with the dawn.*

*Having preferred the love of this peri I have forgotten my name and all shame,  
Tell of this to that creature that shames me and is called my heart.*

*Ah fortune-teller, I was ever a rebel, now tell me  
Will the light of blessing shine on my end?*

*No, Navoiy, sadness destroys when one's sweetheart is gone,  
Describe my state to the heartless one who is the joy of my heart.*

*Л.Кметюк таржимаси*

*Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимга айт,  
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимга айт.*

Ғазалнинг матласида Алишер Навоий тонгги шамолга мурожаат қилиб ёрга интилувчининг, яъни ўзининг ночор ҳоли ҳақидаги хабарни кўнгилига ором берувчи, гулдек юзини қора ва шикангажақлар беркитиб турган, қадди чечакларга бурканган, гул ифорли, сарв дарахтидек тик ва нозикқомат бўлган маҳбубасига етказишни истамокда. Шамол жонсиз нарса, бироқ шеърнинг бадиий кучини, таъсирини ошириш мақсадида шоир унга худди инсондек мурожаат қилмокда. Навоий ўз шеърларида жонсиз нарсаларга ҳам инсон хусусиятларини кўчириб, уларга тирик мавжудотга муносабатда бўлгандек муомала қиладики, бундай санъат ташхис дейилади. Мазкур ғазалда маъшуқа васлига эришишдаги муаммолардан азобланаётган ошиқнинг ҳоли ва унинг ёрини бу кўргуликлардан хабардор қилишга бўлган интилишлари акс этиш билан бирга шоирнинг қадимги ғарб ва шарқ илми негизида ҳосил бўлган олам ва одам ҳақидаги фалсафий қарашлари ўз инъикосини топмокда.

Байт шоирнинг “Ҳайрат ул аброр” достонида “Сўз таърифида”ги дунёнинг яралишига оид фикрларига ҳамоҳангдир. Ҳар икки ҳолатда ҳам насим шунчаки оддий шамол эмас, у турли мўъжизалар ижодкори, хабарчиси. Достонда азалдан эсан насим илоҳий амр (“Кун” – “Ярал”) мазмунида келтирилган, у сабабли борлик яралган, ишқ, ошиқ ва маъшук каби тушунчалар пайдо бўлган.

Шеърда келтирилган насим айнан тонгда эсан. У қоронғу тун тугаб, борлик ёришаётган файзли ва залворли дамларнинг элчиси, ошиқнинг мурожаати, хабарларини етказиш учун энг қулай восита.

Байтда кечанинг кундуз билан алмашиши, ёруғликнинг зулмат устидан ҳукм юргизиши, азалдан борликнинг яралиши ва унинг марказида ҳазрати инсоннинг тутган ўрни каби омукта қарашлар намоён бўлмокда. Келтирилган ёрнинг зулфи юзи, қадди каби тушунчалар ташбеҳ мазмунида ҳам англашилиб, “зулф” инсоннинг мақсадига, яъни илоҳий асрорга эришишдаги парда, тўсиқ вазифасини англатади. Чунки у ёр юзини, шунингдек, ошиқ тақдирини белгилайдиган сўзлар, илоҳий калом манбаи, Кавсар булоғи мазмунини ҳам англаувчи лабни яширади, ошиқ хаёлини чалғитади.

*O breeze of dawn, go and describe my state to the one who is joy of my heart,  
Tell my beauty whose curls are black and whose face is tender as a flower.*

Сўзма-сўз таржимаси:

О тонгги шамол, бор ва менинг аҳволимни тасвирлаб бер, менинг юрагимга қувонч берувчига зулфлари қора ва юзи гулдек нозик гўзалимга айт.

Биринчи мисра таржимасидаги breeze of dawn тонгги шаббодадан кучлироқ эквивалент бу – zephyr сабаби илоҳий насимга хос хусусиятлар айнан zephyr да мавжуд.

Бу сўзнинг замирида ёқимли шамол, майин шамол ва ҳаво мужассам. Мазкур сўз инглиз мумтоз адабиётида кўпроқ учрайди. Шу сабадан “Бобурнома”нинг инглиз тилига Лейден-Эрскин таржималарида – Бобур томонидан қўлланган насим, сабо каби сўзлар zephyr деб таржима қилинган. Таржимоннинг ютуғи шундаки, шамолга жонли мавжудотдек мурожаат қилинишини инглизча таржимага кўчира олган.

Инглизча тилида гарчи байтнинг маъноси аниқ очиб берилса-да, шеърий санъатларни узатиш масаласида бироз чалкашлик юзага келган.

Бу таржимада ташбих санъатини узатишда икки хатоликка йўл қўйилган:

1. *Tell my beauty whose curls are black*-сочлари қора бўлган гўзалимга айт. Бу ташбих эмас, оддий сифатлаш, яъни, сочлари қора гўзалимга айт. Нега байтда Навоий сочи сунбул эмас, айнан зулфи сунбул демокда? Зулфнинг тасаввуфий ас-рорлари аммо шоир яратаётган ҳолатни дунёвий нигоҳ билан тасаввур қиладиган бўлсак, эсаётган тонги ёқимли насим маҳбубанинг сочларини тўзғийдиган даражада кучли эмас. У қора сунбулдек зулфларни майин эркалаб, ошиқ қалб изтиробларини ёр қулоқларига етказиши мумкин. Шу сабабдан шоир шамолга айнан зулф ҳақида сўзламокда. Бу ўринда сунбулга ўхшатишни инглиз тилидаги тўлқинга ўхшатиш *wave* билан алмаштирилганда, *sоч* – *hair* ўрнида, *curl* – зулф, гажак ишлатилганда мақсадга мувофиқ бўларди. Ташбих жувзлари миқдори ҳам инглиз тилида қайта яратилар эди.

2. *whose face is tender as a flower*: – қисмидаги кимнингки, ва -дек сифат муқоясасини билдирувчи *as* сўзининг қўлланиши аслиятдаги ташбихи муяжжадни, ташбихи муфассалга айлантирмокда. Маълумки, воситаи шабих ва ваҳҳи ташбих тушиб қолган ташбихи муяжжад, ташбихи муфассалга қараганда ўхшатиш белгисининг кучлилиги билан ажралиб туради. Ташбих жувзлари мувофиқлигини инглиз тилида қуйидагича қайта яратиш мумкин эди: *Tell my wavy black hair, tender flower face andcypress height beauty*. Сўзма-сўз таржимаси: Тўлқин сочли, гул юзли, сарв қомагли гўзалимга айт.

*Буки лаъли ҳасратидин қон ютармен дам-бадам,  
Базми айш ичра лабо-лаб бодашоимимга айт.*

Мазкур байтда ўхшатиш, муболаға санъатларидан усталик билан фойдаланилган. Лаъл – қирмиз рангли товланувчи тош. У айнан шу жиҳати билан кадр топган. Навоий уч байтда кет-кет ёр лабини лаълга ўхшатмокда. Тарихдан маълумки, бундай кимматбаҳо тошлар кўплаб одамларнинг жонига зомин бўлган. Бу ҳолат унинг қизиллиги қон чақирришга, тўкилишига сабаб сифатида талқин қилинган. Байтда тасвирланишича, ошиқ ёрнинг лаъл лаби иштиёқда ниҳоятда қийналган, бу азоблар оқибатида у сурункали равишда лабдек қизил қон ютиш азобига мубтало бўлган, бу ҳолатидан ёрни огоҳ қилиш зарур. Бироқ ёр ошиғи билан иши йўқдек. У тунлари айш-ишрат базмида май қуйилган лиммо-лим қадахларни ичиш билан машғул.

*My yearning for her ruby lips caused me infinite pain,  
Tell the one with whom I drank of the cup of joy about all this.*

Сўзма-сўз:

Унинг ёқут лабларини соғиниш мени чексиз оғриққа дучор этди,

Ким билан қувонч коса (пиёласидан) ичган бўлсам, ўшанга ҳаммаси ҳақида айт.

Кўриниб турганидек, иккинчи мисрадаги маъно аслиятга мувофиқ эмас. Яъни аслиятда илоҳий қаҳрамон – Навоий маъшуқаси васлига етмаган, унинг ҳажрида азоб чекиб турган бир ҳолатида, ёрнинг тунлари айш-ишрат базмида май қуйилган қадахларни ичиш билан машғулликдан гиналанса, таржимадаги илоҳий қаҳрамон қачонлардир маъшуқа билан бахт майини сипқорганлигидан хабар бермокда. Навоий ғазалларида илоҳий қаҳрамон асосан висол лаззатидан баҳраманд бўлмаган, ҳажр азобига гирифтор ошиқ сиймосида намоён бўлади. Таржимоннинг Навоий яратган ошиқ образи ҳақидаги тасаввури бироз торлиги сабабли, байт маъносини теранроқ англаб етмаган. Натижада таржима ҳам шунга яраша чиққан.

*Ком талху бода захру ашк рангин бўлганин,  
Лаъли ширин, лафзи рангин, шўхи худжомимга айт.*

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

Агар шеърда талх, ширин каби бир-бирига карама-қарши маъноли сўзлар ишлатилса, тазод санъати қўлланилган бўлади. Байтдаги бошқа сифатлар ҳам айнан антоним бўлиши шарт эмас, мазмунда зиддиятнинг мавжуд бўлиши ҳам бу санъатни хосил қилаверади.

Ошиқнинг рўзғори издан чиққан. Тотлик таъмини талх тутган. Ҳижрон азоби зўрайиб, одатий кўз ёшлар алвон май тусини олган. Бироқ бу ҳолатдан ширин лабли, турфа ваъдалар бериб, сўнг улардан тонувчи, ўзига бино қўйган худбин ёр бе-хабар деган ошиқ насимга унга бу ҳолни етказишни илтижо қилмоқда. Таржимада эса бадийий тасвир бироз сийқалашиб, мен ичаётган шаробнинг аччиклигидан, кўз ёшим қонга айланди дейилади:

*Tell my playful selfish darling whose every word is wisdom  
That my spirits are low and that the wine I drink is bitter and my tears  
have turned to blood.*

Сўзма-сўз:

Ҳар бир сўзи доно, фақат ўзини севувчи нағмакаш азизимга айт,  
Рухим чўкиб кетди, мен ичаётган шароб аччиқ ва менинг кўз ёшларим қонга айланди.

Шунингдек, оғзимни талх тутди маъносини берувчи ком талх умумлаштирилиб (генерализация) – рухим чўкиб кетди деб берилган. Назаримизда, таржимон сифатсиз тағлама билан ишлаган. Акс ҳолда шу ўринда маъно жиҳатдан муқобил эквивалент, инглиз адабиётида учровчи *life turned sour* – ҳаётим маъносиз (тахир) га айланди иборасини қўллаган бўлур эди. Бу ҳолатда инглиз тилида аслиятдаги тазод санъати ҳам қайта яратиларди. Шу байтни куйидагича инглиз тилига ўгириш мумкин:

*Tell my playful selfish darling whose lips are sweet,  
That my life turned sour, and my tears to wine color how she did.*

Сўзма-сўз таржимаси:

Менинг ўзини севувчи нағмакаш, лаблари ширин азизамга айт,  
Ҳаётим тахирга, кўзёшларим эса шароб рангига айланди у туфайли.

Ушбу таржимадаги *sweet* (ширин) ва *sour* (тахир) сўзлари аслиятдаги тазод санъатини қайта яратишга хизмат қилмоқда.

Бироқ ошиқнинг аҳволини англаган насимнинг ўзи ҳам хайрону лол, ошиқнинг кундан кун ортиб бораётган азоблари шамолни ҳам ташвишга солмоқда:

*Шоми ҳижрон рўзгоринг тийра нечун қилди, деб  
Сўрмагил мендин бу сўзни, субҳи йўқ шомимга айт.*

Шамолнинг безовталигини англаган ошиқ унга ёруғ кунларнинг ўрнини қоронғулик эгаллаганининг сабабини сўрамастикни, агар зарурат топилса, бу масалада тонгини шомга айлантирган ёрнинг ўзига мурожаат қилишни уқтирмоқда. Чунки ҳамма нарса унга боғлиқ, у истаган нарсагина бўлади. Сабаб ҳам, оқибат ҳам, вужуд ҳам, мавжуд ҳам, маъшук ҳам, ошиқ ҳам асли удир. Севувчини ўзи истади, ижод қилди, ишқ яралди, ошиқ қилди, маъшук бўлди. Ошиқнинг бошига не кўргуликни солишини фақат у билди. Шундай экан, ҳар нарсанинг сабабини унинг ижодкоридан сўрамоқ тўғридир.

Ошиқ энг дастлабки ҳолатига шукроналик қилмоқда, маҳбубаси висолидаги чоғлар унинг хаёлида энг ёрқин хотиралар сифатида ўрин олган. Лекин нима сабаб бўлдики, у ёридан айрилди. Шундан шавқ ўрнини азоблар, кун ўрнини тун эгаллади. Бунда ҳам ҳикмат бор. Муҳаббат завқини тўлиқ туймоқ, висолнинг қадрига етмоқ учун ошиқ фирок ўтида куйиши, ҳижрондан қонли ёшлар тўкиши шарт. Навоийнинг бу қарашида оламнинг шунчаки ўз-ўзидан яралмаганлиги, диалектик ривожланишининг ва ижтимоий ҳаётнинг бир бутунликда даврли ва ти-

зимли тараққиётда эканлиги акс этмоқда. Борлик, ибтидо ва интиҳо нима, инсон ким каби азалий саволларга Навоий мажозий тарзда жавоб топишга интилмоқда. Бироқ бу саволларга энг тўғри жавобни Яратганнинг ўзи билади. Ахир у махзан ул асрор-ку.

*Do not ask me why the night of parting has turned my life into darkness  
But recount all this to the night which will never end with the dawn.*

Сўзма-сўз:

*Нима учун айрилиқ туни ҳаётингни қоронгуликка айлантирди деб сўрама,  
Лекин буни ҳеч қачон тонг билан тугамайдиган тунимга айт.*

Мазкур байт инглиз тилида маъно жиҳатдан аслиятга яқин таржима қилинган. Шоирнинг насимга мурожаати, ошиқнинг дардини субҳи йўқ шомга айтиш ҳақидаги илтижоси, инглиз тилида *night which will never end with the dawn* – ҳеч қачон тонг билан тугамайдиган тун тарзида чиройли ифодалаб берилган.

*Ул пари ҳажрида нангу номким тарк айладим,  
Кўнгул отлиғ ҳажр водийсида бадномимга айт.*

Суюкли ёр ишқида ошиқ бор номусу номдан айрилди. Унинг кўнгли хижрон водийсига айланди, фироқ ўтидан девона бўлган ошиқ оқибатда ёмон номга эга бўлди. Бундай кўйга тушганлигидан уни шунга мубтало қилганнинг хабари бор-микан.

Навоий назарида ошиқ нафақат Фарҳод каби ёр учун жаҳду жадал қилиб курашадиган, балки Мажнун сингари савдойи бўлиши, инсонлар назарида маломатларга қолиши, ақлдан озиб девоналарча рўзғор кечириш ҳолатини бошдан ўтказиши мумкин экан.

*Having preferred the love of this peri I have forgotten my name and all shame,  
Tell of this to that creature that shames me and is called my heart.*

Сўзма-сўз:

*Ўша парига бўлган ошиқлигим туфайли мен ўз номимни ва бор  
уютни унутдим,  
Ўша менинг юрагим чақирган ва мени шарманда қилган мавжудотга  
айтинг.*

Бу байт ҳам инглиз тилига аниқ ва бадиийлиги сақланган ҳолда таржима қилинган. Аслиятдаги нангу номким сўзлари орқали ҳосил қилинган аллитерация инглизча таржимадаги *name and all shame* сўзлари билан қайта ярагилиб, аслиятга фонетик уйғунликни ҳосил қилган.

*Эй қароматгўй, ишим оғози худ исён эди,  
Шамъи раҳмат партави етқайму анжомимга айт.*

Ошиқ мурожаат қилаётган насим келтирганимиздек, оддий ел эмас. У мўъжизавий қудратга эга, қаромат қилиш хислати унга ёт эмас. Ошиқ ва маъшуқа ўртасида элчи бўлган шамол ёрнинг асл ниятидан, ошиқ тақдирига муносабатидан хабардор. Қолаверса, унга бу хусусиятни маъшуканинг ўзи инъом этган. Бунда маъшуканинг маҳбубалиги аён бўлмоқда. Агар у ошиғига дўст бўлмаса, насим қароматгўй бўлмас эди, балки елнинг ўзи ҳам бўлмас эди. Насимнинг мавжуд бўлиши ва мўъжизавий қудрати уни ошиққа хизмат қилдириш нуктаи назаридан ижод қилинган.

Ошиқ ўз фаолиятини исён деб баҳолади. Ишқини кўнгулдагидек билмади. Гуноҳкор бўлди. Бироқ ҳар бир ҳолатда ҳам у ёр раҳматидан, висолда ваҳдатга эришиш орзусидан умидвор. Бундан мосуво бўлиш нақд фалоқат, ҳалоқат. У яна ҳамдаму балогардони бўлган шамолга мурожаат қилишдан ўзини тиймаяпти. Ёрини арзу ҳолидан хабардор қилиб, энди қай миқдорда унинг раҳмати нурига эришиши мумкинлиги билан қизиқмоқда.



*Ah fortune-teller, I was ever a rebel, now tell me  
Will the light of blessing shine on my end?*

Сўзма-сўз:

*О келажакни сўзловчи, мен ҳар доим тўнтариш қилиб юрар эдим, энди айт-чи,  
Энди сўнгимда раҳмат нурлари ёритармикин?*

Бу байт таржимасида ҳам аслиятдаги маъно тўлалигича сақланган. Насимга мурожаатнинг кулминацион нуқтаси инглиз тилида ишонарли қайта яратилган.

*Йўқ, Навоий бедил ороми гам ичра, эй рафиқ,  
Холини, зинҳорким, кўрсанг дилоромимга айт.*

Ошиқ ғамга мубтало бўлиб, оромини йўкотган. У яна бир марта шамолга мурожаат қилиб, дилдан губорни кўтарувчи ёрни хабардор қилишни истамоқда.

Насим ошиқнинг дўсти, ҳамдарди, элчиси. У илоҳий сўз, у Жаброил, у Муҳаммад, у Исо, у Мусо, у Пир, у Кришна, у муғбача, у соқий, у борликни англашга қаратилган дунёвий билимлар мажмуидир. Навоий шеъриятидаги мазкур сиймо ва тушунчаларнинг ҳар бирини насим тимсолида талкин қилиш ва ҳар сафар янги ва турфа маънолар кашф қилиш мумкин. Бу эса Навоийнинг буюк даҳолигидан далолат беради.

*No, Navoiy, sadness destroys when one's sweetheart is gone,  
Describe my state to the heartless one who is the joy of my heart.*

Сўзма-сўз:

*Йўқ, Навоий ёри кетиб қолганни гам адо қилади  
Менинг аҳволимни юрагимнинг қувончи бўлган юраксизга  
тасвирлаб бергин.*

Эътибор қаратадиган бўлсак, силсилавий таркиб топган мазкур ғазалда шоир ҳар бир мисрада насимга ўз аҳволидан сўзлайди. Мақтада эса, рафиқ холини кўрса ёрга тасвирлаш кераклигини айтади. Яъни умуман бу ҳолатга тушган ҳар қандай инсонни ҳам ғам адо қилишини таъкидлайди. Таржимада бу ўринда *my state* менинг аҳволим ишлатилган. Шу ўринда *my* эмас балки, *his* олмоши ишлатилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

*No, Navoiy, sadness destroys when one's sweetheart is gone,  
Describe his state to the heartless one who is the joy of my heart.*

Алишер Навоий ғазаллари маъно ва сўз жилоси асосига тузилган ҳикмат шодаларидир. Бой маъно ва бадиий завқни теран тушуна билиш, ҳазм қилиш бироз мушкул. Аммо уни туйган киши ўзида мислсиз завқ ва шоир закосига эҳтиром ҳиссини туяди. Навоий асарларини чет тилларига таржима қилишдан мақсад эса ана шу ҳиссиётни Ғарб китобхонида уйғота билишдир. Кўриб турганимиздек, сўзлар жилваси ва ифода услубини юзага келтирувчи мумтоз шеърый санъатлар Ғарб таржимони учун бироз қийинлик қилмоқда. Навоий асарларини чет тилига ўгиришдан аввал дастлаб мумтоз шеърый санъатларимиз қонуниятларини инглиз тилига таржима қилиш бу ишда самарали натижа бериши мумкин. Интернет энциклопедик тармоқларида Ғарб шеъриятида кенг қўлланувчи санъатлар, қофия турлари ҳақида батафсил маълумот берилган. Аммо, Шарқ адабиётидан таржимага чоғланган ғарблик таржимонлар учун бундай қулайлик йўқ. Бироқ, таржимонларнинг бу ишга бўлган журъатлари хурматга лойиқ. Ҳазрат Навоийнинг руҳлари барчамизга мададкор бўлсин.

*Шўхрат СИРОЖИДДИНОВ  
филология фанлари доктори,  
Гулноза ОДИЛОВА  
филология фанлари номзоди*



Муҳаммад ШАРИФ

## ҲИКОЯЛАР

### ПАРВОЗ

– Айбланувчи Бозоров Адҳам, ўрнингиздан тулинг! Марҳамат, ўзингизни судга таништилинг: қачон, қаерда туғилгансиз, касбингиз нима? Ҳозир ўқиб эшиттирилган айбловномадаги жиноятга нега қўл ургангиз, яъни самолётни қандай қилиб ва нима мақсадда олиб қочганингиз ҳақида батафсил гапириб беринг. – Қирра бурун, тиканак соч, икки юзига қон тепиб турган ҳакам пистокси бўйинбоғини тўғрилаб, залнинг чап бурчагига ярим ўтирилди. Темир панжара ортида кўзлари жовдираганча кафтларини жуфтлаб, тиззалари орасига олиб ўтирган маҳбус бир қалқиб олди.

Қорамағиз, сийрак қошлари остидаги кўйкўзлари чўккан ўрта яшар киши ўзини дадил тутишга ҳаракат қилар, лекин униқиб, титилиб кетаётган шимининг почаси шабадада қолгандек тинимсиз ҳилпирадди. У ўрнидан тургач, суд залининг салобати босибми ёки ҳозиргина ҳакам ўқиб эшиттирган айбловнинг залворидан гангилми, қийналиб ютинди, негадир кўйлагининг тугмаларини бир-бир пайпаслаб ушлаб чиқди.

– Мен... мен... айбланувчи Бозоров Адҳам Тўқлиевич, бир минг тўққиз юз олтмиш тўққизинчи йили шу ўзимизни қишлоқда...

– Номини айтинг, қайси қишлоқ?! – Ҳакам унинг сўзини чўрт кесди.

– Мен, Бозоров Адҳам Тўқлиевич бир минг тўққиз юз олтмиш тўққизинчи йили шу ўзимизнинг... Саккизқўрғон қишлоғида деҳқон оила-сида туғилганман. Шу қишлоғимиздаги ўттиз бешинчи мактабда ўн йил ўқидим. Кейин тумандаги касб-хунар билим юртида ўқидим, маълумотим ўрта-маҳсус. Шу қишлоқда униб-ўсиб вояга етдим. Ғамхўр ҳукуратимиз яратиб берган шароит туфайли астойдил ва ҳалол меҳнат қилиб... ота-онамга ёрдам бердим, уйландим, ҳозирда тўрт нафар фарзандни вояга етказмоқда эдим... – У тутилиб, адвокатга бирров ер остидан кўз ташлади. Тепакал, кирпимўйлов адвокат унга тасдиқ маъносида билинар-билинамас бош ирғаб, кўзойнагини кўрсаткич бармоғи билан кўтариб олди.

Адҳам қарра жадвали ёдига тушган ўқувчидек бироз рухланди:

– Шу... тўрт нафар фарзандни элимизга, давлатимизга яхши хизмат қиладиган фарзандлар қилиб тарбиялаш мақсадида тиним билмай механик-уста сифатида меҳнат қилиб... элга беминнат хизмат кўрсатиб келатган эдим. Шу... шу икки минг ўнинчи йилнинг тўққизинчи июль куни эрталаб соат ўнда умримда энг катта хатога йўл қўйдим... ва қутилмаганда шу ҳозир айтилган ўша ишни қилдим, ўша самолётни олиб қочдим... бундан қаттиқ пушаймонман. Одил суддан менга шафқат қилишни, вояга етмаган тўрт нафар фарзандим, кексайган, қаровга муҳтож ота-онам борлигини ҳисобга олишини сўрайман...

Адвокат ўсиқ қошларини чимирганча Адҳамга норози тикилиб, унга имо қилмоқчи эди, улгурмади, ҳакамнинг овози янгради:

ЖАҲОН АДАБИЁТИ



– Айбланувчи Бозоров, сизга ҳали охирги сўз берилгани йўқ. Ҳали улгурасиз бу гапларни айтишга. Ҳозир бу оғир жиноятга сизни нима етаклагани, кимлар билан тил бириктириб, қандай мақсадда бу ишни содир этганингиз ҳақида судга гапириб беринг. Хўш, бу жиноятга сизни нима ундади?

– Мен Бозоров Адҳам шу... икки минг ўнинчи йилнинг ёз кунларида, июннинг ўрталари эди, аниқ куни эсимда йўқ, шу... фуқаро Маннопов Орифни уйимга таклиф қилдим.

– Маннопов Ориф ким эди ўзи?

– Шу... учувчи Маннопов, ўша самолётни бошқарадиган киши. У таклифимга рози бўлди. Кейин уйдаги даканг хўрозимни сўйиб ошга босдим. Ош едик, ичдик. Шу...

– Нима ичдиларинг, чойми, сувми? – ҳакам кинояли лукма ташлади.

– Шу... ўзимизни ароқ-да... Кейин учувчи Маннопов Ориф билан анча яқин бўлиб қолдик. Кейин... шу жиноят йўлида уни чалғитиш илинжида ўн беш кун давомида ҳар куни товук сўйиб, ошга босдим ва унга едирдим, бундан орасида спиртли ичимлик ҳам қўйиб бердим, хуллас, шу тариқа унинг ишончига кириб, кейин самолётни олиб қочдим... бундан жудаям қаттиқ пушаймонман.

– Бозоров, сиз оилангиз аҳволи оғирлиги, қарамоғингизда вояга етмаган фарзандлардан ташқари кекса ота-онангиз ҳам борлигини рўқач қилиб, афв сўраяпсиз. Лекин ўн беш кун учувчи Манноповга зиёфат бергансиз, бунча пулни қайдан топдингиз? – ҳакам ўсмоқчилади.

– Шу... фермерларнинг тракторларини, кишлоқда одамларнинг машиналарини тузатишдан чойчақа тушиб туради, шу... рўзгордан сал тежаб... Товуқлар ҳам унчалик товук эмасди, уч ойлик жўжа эди, холос. Ҳокимият баҳорда кишлоғимиздаги камхарж хонадонларга янги тухумдан чиққан жўжаларни текин тарқатган, ҳалиги... ҳа, радиода айтгандек, дунёда иктисодий инқироз деган нарса кетяпти, озик-овқат нархи ошиб боряпти, шунга тайёр туриб, томорқа даромадини оширинглар деб жўжа берганди, шундан бизга ҳам элликта текканди, ўлганидан қолгани йигирматача эди.

– Дастлабки тергов жараёнида берилган гувоҳларнинг кўрсатмаларидан маълум бўлишича, сиз жиноятни содир этиш арафасида улфатларингиз орасида бир неча марта “қараб туринглар, ҳали яна учаман!” деб айтгансиз. Кишлоғингизда ҳам фалончи яна учармиш, деган гап тарқаган экан. Айтинг-чи, сиз аввал ҳам учган эдингизми? Қачон ва қаерда, нимада учгансиз?

– Шу... болалигимда бир марта ракетага осилиб учганман.

Залда гурр кулги кўтарилиб, дарров сўнди. Ҳакам чимирилди.

– Бозоров?! Сиз суд залида ўтирибсиз, жиноятингиз нақадар жиддийлигини биласизми?

– Ўртоқ судя, ростдан ҳам учганман. Парашутли ракета бор-ку, ўшанга осилиб учганман. Бешинчи синфда ўқирдим, далада мол боқиб юргандим. Кечга яқин кучли шамол туриб, кунботиш томондаги тоғ ортидан қопқора булутларни ҳайдаб чиқиб келди. Роса қаттиқ жала ёки дўл келяпти, деб мен уйга шошилдим. Бу ҳалиги... бизда дўлни эритиш учун отадиган замбараклар бор. Аввал еру кўкни зириллатиб замбаракдан роса отишди, дўл қаттиқ шекилли, кетидан беш-олтита ракета ҳам қўйиб юборишди.

Ҳакам энсаси қотгандек ён-атрофга таажжуб билан аланглади. Ёнидаги халқ маслаҳатчиси ёндошиб унинг қулоғига пичирлади: “Бизда авваллари дўлга қарши шунақа ракета отишган, дўлни аэрозол билан эритиб, кейин ўзи парашутда ерга тушиб келарди, ҳозир ҳам отишади, фақат парашутсиз,

“Алазан” деган ракета отишади, ракетанинг ўзи ҳавода парчаланиб, ёниб кетади,” деди. Ҳакам, “ҳа, шундайми”, дегандек бош ирғаб, айбланувчининг сўзларига энди бироз қизиқиш билан қулоқ сола бошлади.

– ...Молимни судраб қайтаётиб Туятойдига етганимда пушти ранг парашутли ракета осмондан қиялаб тушиб қолса бўладими? Ўша пайтлар қишлоғимизда кўпчилик парашут тутиб оларди, ундан спорт дарси учун кийим тикиларди, пишик бўларди-да, шу... ипи молга зўр арқон бўларди, уч-тўрт йил бемалол хизмат қиларди. Хурсанд бўлганимдан сигирни қишлоққа қараб ҳайдадим-да, ўзим ракета кетидан чопдим. Энди ерга қўнайин деганда шамол кучайиб, ракетани парашут тортиб кетди, қарасам, қўнмоқчи эмас, яна кўтарилиб боряпти. Шартга ракетага осилдим, қизиб турган экан, сассик ҳидиям ҳали кетмаганди. Ўзи унча катта эмас, йўғонлиги юз эллиқалик қувурча, узунлиги бир ярим қулоқ келади, каллаги бироз тутаб турибди. Ерга қўндиришга кучим етмади, ўзимам чиллашир бола эдим-да... Бир гуриллаб келган шамолда парашут ҳаволаб кетди, мен ракетага маҳкам чирмашиб олдим. Қарасам, ердан бир метр, кейин икки метр баландладик. Шу... шамол зўрайиб, учиб кетавердим. Туятойди баландликда эмасми, қишлоғимиз устидан ўтаётганда нақд эллиқ-олтмиш метр тепада эдим чамамда... – у гапида бироз тутилиб, негадир бир қизариб олди, кейин тараддулланиб, завқ билан гапида давом этди. – ...Қишлоқни тепасидан кўрдим, пастда шамол чанг-тўзон кўтарган, томлардаги ғўзапоялар учган, кимнидир шифери кўпорилиб томи очилган, тераклар чайқалиб-чайқалиб турибди, ора-сира қарсиллаган товуш ҳам чиқади. Ҳамма ўзи билан овра бўлгани учун тепада мен ҳар қанча бақирмайин ҳеч ким эшитмайди. Шу алпозда учиб кетавердим... чамамда ўн беш минутча учдим. Юзимга шатирлаб ёмғир ура бошлаганда Илонқирдаги пахта даласига қўндим. Шийпонда ўтирган сувчилар узокдан ракетани кўриб замбаракчиларга телефон қилган экан, ҳали парашутни йиғиб улгурмасимдан машинада етиб келишди, ракетага қўшиб парашутни ҳам олиб қўйишди. Йўл-йўлакай мени уйимга элтиб, отамга бу бола заҳарланибди, бирор ҳафта қатик ичириглар, деб кетишди. Шу... парашутни олиб қололмадим, шунга бўлса керак қишлоқ устидан учиб ўтганимга ҳалигача ҳеч ким ишонмаган.

– Бозоров сиз ракетани кўрган киши унга яқинлашмай, зудлик билан «Дўлга қарши ҳарбийлашган бўлинма»га хабар бериши лозимлигини билмасмидингиз? – Энди халқ маслаҳатчиси Адҳамни саволга тутди.

– Йўқ, ўша пайт билмаган эканман, – деди Адҳам аланглаб.

Халқ маслаҳатчиси ўзича маъноли бош ирғаб, бошқа саволим йўқ, дегандек ҳакамга қаради.

– Ўртоқ прокурор, сизда айбланувчи Бозоров Адҳамга саволлар борми? – ҳакам пастда оқловчи билан юзма-юз ўтирган тўқ зангор формадаги прокурорга юзланди.

Прокурор стол устидаги тергов ҳужжатларини варақлаганча Адҳамга юзланмасдан салмоқланиб гап бошлади:

– Бозоров Адҳам, қани айтинг-чи, учир аппаратларини бошқариш учун сиз махсус ўқув машғулотлари ўтаганмисиз ёки парвоз учун тегишли идоралардан рухсатнома олганмисиз?

Адҳам овози чиқар-чиқмас “йўқ” деди.

– Сиз ҳеч қандай малакасиз ва тегишли давлат идоралари рухсатсиз самолёт бошқариш жиноят эканини билардингиз, шундайми?

– Йўқ, – Адҳамнинг ранги ўчди ва ҳимоячи томонга илтижоли бокди.

– Бозоров Адҳам! Сиз яшаётган қишлоқ қўшни давлат чегарасидан бор-йўғи ўн километр узокликда, холос, – прокурор сўзида давом этди. – Қани айтинг-чи, сизда учир, аэронавигация бўйича махсус билим ва малака

бўлмагани туфайли мамлакатимизнинг давлат чегарасидан ташқарига чиқиб кетишингиз, қўшни давлат ҳаво ҳудудини бузиб кириб, давлатлараро можарога сабабчи бўлишингиз мумкинлигини билармидингиз?

Адҳамнинг нафаси ичига тушиб кетди, бир қанча пайт муз қотиб турди. Кейин бирдан тилга кирди:

– Йўқ, мен ҳеч кимнинг ҳаво ҳудудини бузмоқчи эмасдим, кишлокдан ҳам кетмоқчи эмасдим. Умрим бўйи шаҳарга ҳам бир неча марта тушганман, холос. Шу... кишлок устидан бир марта учиб ўтиш эди холос ниятим.

– Бозоров, сиз дастлабки тергов пайти самолётни олиб қочдим дегансиз, ҳозир ҳам шу гапни такрорляяпсиз. Ваҳоланки, айрим гувоҳларга кўра учувчи Маннопов Ориф сизга ўн беш кун учишдан сабоқ берган, эвазига сиз уни ҳар кун ош ва ароқ билан сийлагансиз. Шундай экан, фуқаро Манноповнинг ўзи сизга самолёт рулини тутқазмаганми?

– Йўқ, сира ундай бўлмаган. У фақат мен берган саволларга жавоб қайтарган, холос. Мен ўзи касбим механик бўлгани учун техникага қаттиқ қизиқаман, ёшлигимда ҳам биров менга ўйинчоғини беришга кўрқарди, дарров майдалаб, ичак-чавоғини ағдарардим-да. Қишлоғимизда Ҳаким бойвачча биринчи бўлиб шу... ўзимизда ишлаб чиқарилган “Тико” машинасини олганда, синфдошларим билан гаров ўйнаб, эрталабгача машинани сочиб, кейин кечгача қайта йиққанман, битта гайкасиям ортиб қолмаган. Ўша “Тико” ҳозир ҳам юрибди ғизиллаб. Бу курғур самолётни ҳам кўриб, ичимга ўт тушди-да. Бу нима, у нимага керак деган саволларимдан Маннопов роса безор бўлиб, ҳаммасини бир бошдан гапириб берган. Шу миждов одам менга бошқа савол бермасин, қутулайин, деган-да.

– Бозоров! Дастлабки суриштирув пайтида берилган гувоҳларнинг кўрсатмаларига биноан тергов пайти исмини аниқлашнинг имкони бўлмаган, қўшни кишлокқа турмушга чиққан бир аёлнинг номини учиш билан боғлиқ ҳолатларда сиз кўп марта тилга олгансиз. Қани айтинг-чи, сиз содир этган жиноятга ўша шахснинг алоқаси бўлганми?

– Йўғ-э... Мен сира бундай демаганман... Ҳеч кимнинг номини тилга олган эмасман. Ҳалиги... Мен балки мастлик пайти болаликда бўлган воқеаларни гапирган бўлсам, буни кимдир бошқа нарсага йўйган бўлиши мумкин.

Прокурор менда бошқа савол йўқ дегандек, ҳакамга қараб бош чайқади.

– Адвокатда саволлар борми Бозоровга? – ҳакамнинг овози янгради.

Адвокат ўрнидан турди, стол устидаги даста қоғозлардан бирини олиб, синчиклаб кўздан кечирган бўлди ва айбланувчига ўтирилди.

– Бозоров Адҳам, ҳозир суд залида самолёт деб аталаётган ўша учиш аппаратини биринчи марта қачон кўрдингиз?

– Биринчи марта шу... июнь ойининг ўрталарида эди, эрталаб осмонда бир нарса тариллаб учиб ўтди, кишлокда ҳамма кўчага югуриб чиқди, болалар ана самолёт, деб қичқирди, ўшанда узоқдан кўрдим.

– Хўп, кейин сиз бу учиш аппаратини кўргани боргансиз. Ўшанда нимани кўрдингиз, батафсил гапириб беринг-чи, нима экан ўша нарса?

– У кичкина, худди ўзимизнинг уч ғилдиракли мотоциклга ўхшайди, илгарилари “Муравей” деган мотоцикл бўларди, далага бўлка нон ташийдиган, ўшанга ўхшаш, фақат тепасида кўршапалакка ўхшаш қаноти бор, сим билан тортилган. Қаноти ҳам шу... ўзимизнинг брезентдан. Ўриндиғи орқасида катта парраги бор. Номини делтаплан, ҳа... моторли делтаплан дейишди.

– Хўш, сиз шу делтапланга ўхшаш бошқа учиш аппаратларини аввал кўрганмисиз, қачон, қаерда?

– Телевизорда кўрганман спортчилар учганини. “Оламга саёҳат”га

ўхшаш бир кўрсатув бор, ўшанда олимлар Сибирдан келаётган турналар билан ёнма-ён учганини ҳам кўрганман, кейин бойвачча саёҳатчилар ҳам эрмакка учади, деб эшитганман.

– Сиз ўша учиш аппаратига ўтирганингизда нимани бошқаряпман деб ўйладингиз, самолётми ёки бошқа нарсами?

– Шу кичкина уч ғилдирак мотоцикл, фақат қаноти бор, деб ўйладим.

– Ҳурматли судя, қўлимда Россияда ишлаб чиқарилган учиш аппарати ҳақида интернетдан олинган тўлиқ маълумот бор, бу ерда у “Ветер” русумидаги учиш аппарати, қисқа қилиб “Делтамотор” ёки “Делталёт” деб аталган. Яъни у биз биладиган катта самолёт эмас, шу сабаб бу маълумот суд тергови материалларига илова қилиниши ва бу учиш аппаратини самолёт деб эмас, делтамотор деб қайд этилишини сўрайман.

Ҳакам маъқул дегандек бош ирғади. Адвокат ҳакамга узатаётган қоғозга прокурор шубҳа билан қаради, “интернет иғвонинг уяси-ку, у ердан олинган маълумотга ишониб бўлармиди?!” дея димоғида тўнғиллади, лекин ошқора эътироз билдирмади.

– Агар Бозоровга бошқа саволлар бўлмаса, иш бўйича асосий гувоҳ суд залига кирсин.

Ўрта бўй, сочлари тим қора, бурни бироз пачоқроқ киши эшикни оҳиста қиялатиб, эпчиллик билан сирғалиб кирди. Кўйлагининг ёқаси сарғайиб тутилган, шимининг тиззаси сузилган, титилиб кетган қайишининг учи ёнбошида пичоқ қинидек осилиб қолган киши суд залининг ўртасига эҳтиётлик билан қадам ташлаб келди, тўрдаги баланд курсида ўтирган ҳакам, ёнидаги халқ маслаҳатчиси, аксари ҳамқишлоқларидан иборат залдаги одамлар ва панжара ичидаги Адҳамга югурик нигоҳ ташлаб олди.

Ҳакам ундан ўзини таништиришни сўради, сўнг ёлғон гувоҳлик берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлигини эслатиб, тилхатга қўл қўйдиртирди.

– Отажонов Собит, даслабки тергов жараёнида сиз гувоҳ сифатида ўтгансиз, судга ҳам гувоҳ сифатида чақирилдингиз. Энди шу ишга тааллуқли бўлган, яъни иш бўйича билганларингизни судга гапириб беринг-чи!

– Мен ўзим пахта завўдда ўт ўчирувчи бўлиб ишлайман. Шу йили ёзда анови Фарғонадан шу кичкина самолётни обкелишди. Завўднинг ичида учадиган-қўнадиган асфальт йўл бор дейишди. Бу самолёт...

– Делтамотор, – ҳакам унинг сўзини тўғрилади.

– Тўғри, тўғри! Анови делтамотор завўддан учиб, адирдаги тутқаторларга дори сепди. Қишлоқда шу делтамотор пайдо бўлгандан кейин ўртоғим, яъни Бозоров Адҳам тинчини йўқотди. Уни болалиқдан бери биламан, бир синфда ўқиганмиз. Бир куни ёнимга келиб, учувчи билан таништириб кўйгин, деди. Мен таништирдим. Кейин уни уйига меҳмонга чақирди. Завўдга, анови учувчи Орифнинг ёнига ўн беш кун катнади, анови делтамоторни томоша қилгани. Ўртоғим ўзи техникага муккасидан кетган, умр бўйи қўли мойдан чиққан эмас. Шуни орасида бир куни келиб, ўртоқ, мен учмасам бўлмайди, деди. Ўртоғим ўзи ёшлигида бир учган, анови ракетага осилиб учган.

Залда бирров кулги кўтарилди. Ҳакам столга ястанганча иягини кафтига тираб, Собитга тикилди.

– Ҳа, анови парашутли ракетага осилиб учган. Бироқ бунга қишлоқда ҳеч ким ишонмаган. Мактабда қизлар ҳам ишонмаган, айниқса...

Собит бир тутилиб олди, кимнингдир исмини айтмоқчи бўлдию, кейин шаштидан қайтиб, гапида давом этди.

– ...Айниқса, анови синфимиздаги баъзи болалар, кейин қишлоқдагилар

калака қилгани ўртоғимга қаттиқ ботиб кетган. Кейин ўртоғимни кўча-кўйда кўрганлар “ҳа, ракетачи” деб мазах қиладиган бўлди. Ўшанда ўртоғим барибир учаман, деб кўнглига тугиб қўйган бўлиши мумкин. Шундан бўлса керак, ҳар куни келиб анови делтамоторни томоша қиларди. Кейин ўриндиғига ўтириб, худди учаётган одамдек лабини дўриллатиб овоз чиқарар, анови чорчўпга ўхшаш алюмин рулини ҳали у томонга, ҳали бу томонга тортгандек бўларди. Учувчи йигит ўртоғимга учаётганда қанотлар қандай бошқарилиши, шамол ёнбошдан урганда чорчўпни қайси томонга кўпроқ тортиш кераклигини гапириб берарди. Аммо-лекин учувчи учишни ўргатган эмас, анови ўртоғим учмаса ҳам учгандек бўлиб, мазза қилсин, деган-да. Ўртоғим учаман деган билан унга биров рухсат бериб қўярмиди... Асли бир омади гап эди-да бу. Бир куни, анови июль ойининг тўққизинчи куни эрталаб дори келмай қолди. Соат ўнлармидийкан, учувчи бола қоровулхонада кўк чой ичиб ўтирганди. Ўртоғим ҳар галгидек ўзича учаётгандек бўлиб анови делтамоторда овуниб ўтирганда билмасдан калитни бураб юборган, мотор тариллаб ўт олиб, анови нарса бирдан юриб кетган. Ҳаяжонланган бўлса керак, ўртоғим адашиб газни босиб юборгану шундан кейин учиб кетган. Учгандан кейин кўндиришам керагу, қанотларини буриб қайтаришга уринган, шунини орасида кўшни қишлоққа ўтиб кетган. Кейин қайтишда қулаб тушди. Кўрган-билганларим шу-да энди.

Ҳакам гувоҳга саволлар борми, дегандек пастга қаради. Прокурор томоқ кириб олиб, сўроққа тутди:

– Тергов жараёнида олинган баъзи гувоҳларнинг сўзларига кўра, Бозоров учгандан кейин сиз унинг ортидан мотоциклда қувиб, йўл-йўлакай “Адҳам учяпти”, деб бақириб кетгансиз. Сиз Бозоровнинг ниятидан хабардор бўлгансиз, унинг учиши тасодиф эмаслигини билгансиз, шундайми?

– Йўғ-э, бу тасодиф бўлган бўлиши мумкин. Ўртоғим учиб кетганини тасодифан билиб қолиб, анови мотоциклимни ўт олдириб, ортидан қувганман. Ҳа тўғри, бақирганман, одамлар ёрдам берсин деганман-да.

– Унда нега тўппа-тўғри кўшни қишлоқдаги врачлик пунктига бориб, у ердаги аёлларга Бозоровнинг учаётгани ҳақида айтгансиз. Улар ишонмаган, кейин сиз ҳаммасини ташқарига чақириб чиққансиз, шу тўғрими?

– ...Ҳа, тўғри. Мен уларни кўчага чақириб чиққанман. Худо кўрсатмасин, мабодо ўртоғим қулаб тушса, биринчи тез ёрдам кўрсатсин деганман.

– Бозоров ўша жойдан икки-уч марта пастлаб учиб ўтган, нега айнан ўша жойда айланган?

– У мени таниб қолиб пастлаган, “эй каллаварам, сен нима қилиб юрибсан бу ерда, бор, тез учувчини топиб кел, бу матоҳни энди қандай кўндираман”, деган. Мен унга завўдга қайтиб уч, деганман. Кейин завўдга қайтишда анови делтамотор пастлаб кетиб, қаноти Маҳкам буванинг бақатерагини шохига тегиб, айланиб кетди, шундан ўша чолнинг ҳовлисига тушди.

Прокурор менда бошқа савол йўқ дегандек қўл силтади. Ҳакам қўлидаги «Ролекс» соатига бир қараб олиб, гувоҳга бошқа саволлар бўлмаса, иш бўйича жабрланувчилар чақирилсин, деди.

Залга тим қора костюмда, тўқ қизил бўйинбоғ таққан пўрим бир киши кирди. Ўзини таништириб, салмоқ билан сўз бошлади:

– Бизнинг “Мовий осмон” қўшма корхонамиз қишлоқ хўжалигига катта зиён келтирадиган зараркунандаларга қарши кимёвий дори сепишда Россия Федерациясидан келтирилган тўртта делтамотордан фойдаланади. Бунга тегишли ташкилотлардан олинган махсус рухсатномамиз бор, – у шу сўзларни айтиб, ҳакамга бир муддат тикилиб турди. – Шу тумандан олинган буюртма бўйича тутқаторларни дорилаш учун битта делтамоторни жўнатган эдик.



Тўққизинчи июль куни мазкур делтамотор мана бу шахс томонидан олиб қочилган, кейин унга шикаст етказилган.

– Ширкатингиз қанча зарар кўрди бу жинойт орқасидан?

– Энди... аппаратнинг мотор ва паррак қисми бутун, қанот қисми ва филдираклари шикастланган. Ўзимизда қанот қисмини таъмирлашнинг имкони йўқлигидан янгисига буюртма берганмиз. Бизга маълум бўлишича, айбланувчи Бозоров етказилган барча зарарни тўла қоплашни ўз зиммасига олган.

– Айбланувчига суд қандай жазо қўллашини сўрайсиз?

– Қонунда белгиланган жазо берилишини сўрайман.

Прокурор менда савол бор деб, қўшма қорхона вакилига юзланди:

– Айтинг-чи, учувчи Маннопов Ориф сизнинг қўл остингизда ишлайдими?

– Ҳа, худди шундай.

– Маннопов дастлаб гувоҳ сифатида хужжатларда кўрсатилган. Лекин суд мажлисига чақирилганда унинг Россияда хизмат сафарида экани айтилган. У қандай хизмат сафари билан кетган?

– Маннопов энг тажрибали учувчиларимиздан бири. Биз янги “Ветер – 2” делтамоторини харид қилганмиз, ҳозиргиларидан кўра икки баробар кўп дори олиб учади. Янги аппаратда тажриба машқларини ўташи учун уни Россияга жўнатганмиз. Биласиз, ҳозир қишлоқ хўжалигида энг долзарб палла, ҳар бир дақиқа ғанимат, Манноповни шошилишга тўғри келди.

Прокурор чўзиб “тушунарли-и”, деди адвокат ҳам саволим йўқ дегандек, бош чайқади.

Залга ёши саксонларга яқинлаган, мошкичири соқоли калта кузалган, эгнига енгил кулранг чакмон илган, кўлидаги дўлана ҳассасига оғирлигини тўла ташламай юришидан тетиклиги сезилиб турган чол “бисмилло” деб кириб келди. Қария ҳакамнинг ўзингизни таништиринг, деган саволига ажабланиб, “мен Рихсиев Маҳкамбой бўламан, тузукми”, деб ҳаммага эринмай, синчиклаб қараб чиқди. Панжара ичидаги Адҳамни танимай бироз тикилди, сўнг таниб, бошини сарак-сарак қилди.

– Отахон, сиз шу жинойий иш бўйича жабрланувчи деб топилгансиз. Жинойят содир этилган куни нима бўлди ўзи, нимани эслай оласиз, шуни қисқа қилиб гапириб беринг судга.

– Энди мен нимаям дердим. Ўша куни эрталабдан роса офтоб қизиди, қисталоқ, ўтирган жойингда дув-дув тер оқади. Бир маҳал намози қазога бир думалаб олай деб таҳорат олиш учун обдастани қидириб қолдим. Болларим сув исиб турсин деб обдастани кўрғонни ўртасидаги кунгайга кўйибди. Ҳалиги жойда бориб обдастани шундай ушлаганимни биламан, қисталоқ, дастаси куёшда чўғ бўлиб турган экан, кўлимни жиз куйдирди. Ўрикнинг тагига ўтиб, қайноқ сувда бир амаллаб ҳаҳ-ҳаҳлаб таҳорат олиб, энди айвонга қараб юрган-нимни биламан, қисталоқ, бир пайт осмони палакдан бир нарса тариллаб келдию ҳовлига қарсиллаб тушди. Яна немис босди-ёв, қоч Маҳкам, деб бир ирғиб ўзимни айвонга урдим... Таҳоратам синди-да шу жойда...

Залнинг ҳар жойида пикир-пикир кулги кўтарилди. Ҳакам столга қаламнинг кети билан уриб, тартибга чақирган бўлди. Гувоҳ безътибор сўзини давом эттирди:

– Кўрғонни этагида бир ярим яшар новвос ётганди кавшаниб. Пенса пулимни йиғиб олган эдим бузоқлигида, неварамни тўйига атаб. Эти йилтираб, жир битиб қолувди. Шу денг, ҳалиги жойда осмондан тушган палакатдан шайтонлаб қочаман деганда арқонга ўралиб, боши четининг орасида қолиб, гупиллаб ағдарилди. Шу бўйи қайтиб одам бўмади, қассобга сўйдириб, гўштини сотдик энди, нимаям қилардик бошқа?!



– Айбланувчи Бозоровга даъвоингиз борми? Суддан ўзингизга етказилган зарарни ундириб беришни сўрайсизми?

– Энди мен нима дердим. Давойи достоним йўқ бунга, ўзи, қисталок, рўзгори зўрға тебраниб турибди. Отаси бечора ишга ярамай қолган, бунда онаси касалманд, хотини боғчада ишлайди, олган пули нимаям бўларди, бу ёқда тўртта мишиқиси бор... Бу қорамойга ботиб трактир тузатади. Биззи давлат халқпарвар, шу болага раҳм қилиб, енгилроқ жазо берилса, дейман. Бу бола ўзи бир аҳмоқлик қилди... Ҳаҳ даюс, осмонда пишириб қўйибдими сенга?! Учаман дейсан-а! Яна ҳукуматти осмонида-я?!

– Раҳмат, отахон, ўтиришингиз мумкин, – деди ҳакам гувоҳнинг сўзи тугар-тугамас, кейин томоғини бир қириб олиб суд музокарасидан аввал танаффус эълон қилди.

Ҳакам залдан чиқиши билан ҳамқишлоқлар панжара томон гурр талпинди, лекин соқчилар яқинлашишга қўймай, ҳаммани суд залидан ташқарига ҳайдади. Ҳовлига чиқиб кимдир нос отди, кимдир тамаки тутатди. Сада тагида чўнқайиб ўтирган бир киши тиззасига таяниб ўрнидан турди-да, улар томонга юрди. Собит уни кўриб:

– Қайда юрибсан, ҳеч бўлмаса шу ерга вақтида келсанг ўлармидинг? – деди аччиғланиб.

– Сал кеч қопман, залга киритишмади. Бир соатча бўлди, Латофат келиб мановини ташлаб кетди, – деди у қўлидаги қора елимхалтани кўрсатиб.

– Нима экан бу? – Собит елимхалтани очган эди, тубида икки юз сўмлик пул дасталари кўринди.

– Агар анови учадиган матоҳга етказилган зарар қопланса, Адҳамни шартли жазо билан қўйиб юборишлари мумкин, деб эшитибди. Шу гапни айтди-да, дарров қайтиб кетди.

2011 йил

## СОМОН ЙЎЛИ

### Биринчи ҳикоя

Кўкдан тилларанг сомон ёғиларди.

Ёқа-енгингдан кириб борса, жикка терлаган баданга ёпишиб, ачитиб-кичитадиган майда сомон зарралари, қилтириқлари, қилтаноклари...

Аҳёнда бир ўйноқилаган эпкин чанг ва ғубор орасидан сомон талқонини кўкка кўтариб чиқади-да, ботаётган қуёш нурларига тутати. Қуёш нури олтин зарраларга қоришганча бир лаҳза муаллақ қотиб, сўнг чил-чил сочила бошлайди. Йилтираган сомон зарралари яна пастга тушиб, қуюқ чангга қўшилади ва борлиқни ғубор чулғаб олади.

Тупроқ, сомон ва ёввойи ўтларнинг омухтасидан иборат эринчоқ чанг қишлоқ ичидан чиқиб кетишни истамайди. Йўл-йўлакай саратондан мажолли қуриб, шалпайиб қолган япроқлар устига қўнади. Беҳининг майдатук, барқутсимон япроқлари чангни бошқалардан икки ҳисса кўп тутиб қолади. Қишлоқни қуюқ тумандек чулғанган ғубор орасидан мирзатеракларнинг учигина кўзга ташланади.

Қалин чанг остида қулоқни қоматга келтирувчи моторнинг тариллаган овози тинмайди. Ботир дўхтир Николай пошшонинг замбарагини ёдга солувчи қўлбола комбайнда буғдой янчади. Бу матоҳ бошоқдан буғдойни ажратиш учун эмас, кесак ва сомон чайнаб, чангини атрофга пуркаш учун ишлаётгандек.

Юзига сақич бойлаб кетган чит дурра тутган дўхтир “замбарак” оғзига тўхтовсиз дасталаб буғдой тикади. “Замбарак”нинг эгаси бошқа мижозларга ҳам улгуриши учун дўхтирни тинимсиз тезлайди ва ўзи ҳам жонхалак сомон тортади. Ботир дўхтирнинг икки бўйсара қизи ва кенжатои буғдой боғларини пешма-пеш етказиб турибди. Уларнинг юзидан қуйилаётган тер гупиллаб урилаётган чангга қўшилиб, лойкага айланади. Ботир пешонасидан кўзига оқиб тушаётган терни артиб олишга имкони бўлмаганидан кўзини қайта-қайта юмиб-очар, шунда шўр лойка кўз ёшлари изидан пастга қараб сизар, лекин йўл-йўлакай ҳовур-ҳароратда қуриб, эғнида юпқа лойсувоққа айланишга улгурарди. У комбайннинг оғзидан тўкилаётган донни элас-элас кўриб колар ва ғайратига ғайрат қўшиларди. Комбайннинг ёнбошига ўрнатилган паррак буғдойнинг пучагини учириб, шамол пудаб турарди.

Аслида, оддий бир ўткинчи бу манзарани илғаши қийин, унинг назарида Ботир ва болалар адирда кўтарилган қуюн ичида адашиб, чопиб юрган шарпалардек туюларди.

Қишлоқда бу кеч қўлбола комбайнлардан бир эмас, икки-учтаси ишлаб тургани боис қайси кўчадан кирилмасин, қуюқ чангга дуч келиниши тайин. Буғдой чиқариш мавсуми ҳали бирор ҳафта давом этар. Қўлбола комбайнларга навбатда турганларнинг рўйхати ҳам узун. Эринганлар ўтган-кетган машинами, от-улов янчиб ўтсин деб буғдойни шундоқ йўл ўртасига ёйиб қўйган.

Қишлоқнинг чанг босган меваси ва узумлари куз келиб, ёмғирлар бошлангандан кейингина ювилади. Ана ўшанда беҳилар ҳам тилларанг бўлиб товланади. Лекин ҳали унғача анча бор. Ҳозир эса тун яримлаб қолди. Комбайнлар ҳам тинчиди. Эгалари уларни симёғочдан узиб, навбатдаги хонадон эшиги тагига судраб элтди ва ўзлари чўмилгани анҳорга тушиб кетди.

Ботир дўхтир болалари билан буғдойни қоплаб, ичкарига ташиб қўйгандан сўнг, анҳор бўйига тушди, чўмилиб чиққач, тегирмончи билан бир шиша винони бўлишди. Шароб унинг ёғочдек қотган бармоқларини юмшатиб, том битган қулоқларидаги шовкинни тарқатиб юборгандан кейин сувнинг шарқирашию теракларнинг шовуллашини эшитди, тунги салқинни туйди ва жим қолди. Узоқ сукут сақлади ва бирдан ўрнидан турди-да, тегирмончига ҳеч нима демай жўнаб қолди.

– Ҳўв дўхтир, нима бўлди, қайга шошяпсиз? – унинг ортидан бақирди ҳайрон қолган тегирмончи.

Саҳар пиёзга дори септиришим керак, деди у.

Ботир адирда экилган пиёзини дорилатиш учун бугун ишдан келишда қўшни қишлоқдаги захарчининг уйига ўтганди. Агар пиёз шу кунларда доридан қолса, ҳосилни бит еб битиради. Бу ўйдан унинг оёқлари ўз-ўзидан илдамлаб кетди.

Чанг қишлоқ узра қўниб-ўтириб бўлди. Сомон зарралари деразалардан уйларга кириб борди, кимнингдир тўнтарилмай қолиб кетган қозонини босди, токка осилган солмадаги сути юзини қоплади. Қишлоқнинг шакли-шамойили энди бор бўйича кўринди. Бодраб чикқан юлдузлар қишлоқ кўчалари ва катта асфальт йўлни қоплаган сомонларда жилваланди.

Тонгга яқин ҳаво мусаффоланди ва енгил шабада турди. Чангга териси юпқаларнинг тунги аччиқ-аччиқ чучкириклари ҳам тиниб, ёзнинг оромбахш ва салқин тонги ота бошлади.

Катта йўлдан машиналар ғизиллаб ўта бошлаган пайт Ботир адирга отланди. У кўча томонга эмас, ҳовли тепасидаги далага юрди. Шу тарика адирга элтадиган йўлга кесиб чиқиш мумкин. Ёмғирларда

ювилиб, куёшда туллаб, ўрқачга ўхшаб қолган пахсадан ошиб ўтди, кейин қўшниларнинг девори бўйлаб юрди. Қишлоқ чети бўлгани учун кўплар девор олмай, дарахт ва буталарни тигиз экиб қўра қилган, баланд бақатераклардан тортиб, пастак дўланаю наъматаклар далани қишлоқдан ажратиб турарди.

Ботир дарахтлар оралаб кетар экан, илқис тонгги сокинликни бузиб янграган қуш сайроғини эшитди. Кутилмаганда таралган бу сас унинг ҳали тўла уйғонмаган сезгиларини хушёр торттирди. Қушнинг товушида дарахтзорнинг сеҳрли садоси ҳам бор эди. Ботир бу оҳангни эшитмаганига юз йиллар бўлди-ёв.

Ҳали тонг оқариб улгурмади, тонги майинлик ва сокинлик аро янграган товуш уни ерга михлаб қўйгандек бўлди. Ботир шу қотганича бир қанча пайт туриб қолди. Товуш иккинчи марта такрорлангандан кейин яна ўзига келиб, атрофга зор аланглади.

“Наҳотки яна шундай қушлар биз томонларга қайтиб келган бўлса?!”

У қулоқларига ишонқирамай, дарахтларни бир-бир кўздан кечири бошлади. Энкайиб дарахтлар оралаб юрди. Қуш яна овоз берди. У чўккалади. Ортидаги қайрағочга суяниб, кўзини юмди ва ўзини алланечук сархуш ҳис қилди.

Атрофга таралган товуш дарахтларга урилиб акс-садо берар, бора-бора қуюқ барглар орасига сингиб кетишидан аввал оқараётган тонг ҳавосида зангор-яшил из қолдириб кетаётгандек туюларди.

Ботир кўзини кирт очиб, овчидек атрофга аланглади. Ёввойи бир ҳиссиёт ич-ичидан тўлқин уриб кела бошлади. Қаердан келмоқда эди бу товуш. Қушни хуркитиб юбормаслик учун оёқ учида, дарахтларни бир-бир ушлаб қадам ташлади. Қушнинг сайроғи тингач, бу сеҳрли оҳанг қайта янграшини кутиб карахт қотар ва шохларни кўз қири билан кузатар, кўз қорачиғининг қўққис ҳаракати ҳам қушни хуркитиб юборгудек эди.

Ҳар гал сайроқ янграганда, у қуш турган жойга тобора яқинлашиб қолганини ҳис қилар ва ҳаяжони ортарди. Субҳидам, мусаффо ҳаво, сада ва дўланаю наъматаклар, шудрингда юмшаган шох-шаббалар, ёввойи ялпиз ва чучукмиянинг ўтқир ҳиди ҳамда қишлоқ четидаги бу сокинлик, буларнинг бари қўшилиб уни аллақаерларга чорлагандек бўларди.

У чакалакзор орасида анча юрди. Орада қуш узоқ вақтгача товуш бермади. Лекин у ҳар бир дарахт ва бутани сергаклик билан кузатишдан тинмади. Ва ниҳоят, у ярим қуриб бўлган қайрағоч шохида ўтирган қушни барглар орасидан илғади. У яна ҳам яқинроқ бориб бамайлихотир кузатмоқчи бўлди ва қурғаб қолган ариқ ичидан қайрағочга яқинлаша бошлади. Илқис унинг шундоқ ёнидаги қоратол ковагидан чумчуқ пириллаб учиб чиқдию хуркиган қуш учди-кетди. Ҳавода тўлқин-тўлқин из қолдириб, лоп-лоп этиб ғойиб бўлди. Қайрағочнинг қуруқ шохи титраганча қолди. Ботирнинг кўксидан ҳам бир нима потирлаб чиқиб, қушга эргашиб кетгандек бўлди. Нима эди у?! Нега энди уни яна ташлаб кетди? Неча замонлар бўлди унинг юраги бундай урмай қўйганига...

Ботир қоратолга елка тираганча сирғалиб ўтирди, оёғи остидаги ажриқларни чимдиб юлди, қадок бармоқлари ер тирнай бошлаганда қўлига лаппакдек тош илинди. У тошни тозалаб ялтиратмоқчидек кафтига ишқаб арта бошлади ва шу алпозда хотираси ҳам тиниқлаша бошлагандек бўлди.

\* \* \*

Ўзи ёшлигидан миқти, лекин абжир ва чайир бола эди. Маҳалласидаги болаларга бош бўламан деб ўзини ўтга-чўкка урар, маҳалла шаъни,

кишлоқ шаъни деб жанжалга бош суқишдан тап тортмас, тўйларда кураш тушар, эшакдек чайир бу боладан бир-икки синф юқорида ўқийдиган ўспиринлар ҳам ҳайиқиб турарди. Шу сабабдан у тўйларда ўчоқ атрофида йиғиладиган йигитлар даврасида фахрли меҳмондек ўтирарди. Дошқозон учун қовланган, қарсиллаб олов чатнаб турган ерўчоқ атрофида олди-қочди суҳбатлар, аскиялар, армиядаги ярми лоф саргузаштлар тинмасди. Ҳарбий хизматдан янги келган, дўпписини пешонасига қўққайтириб, қўйлагининг олдини киндиккача очиб, учини белбоғнусха туғиб юрадиган посон йигитлар билан тенгма-тенг бўйлашадиган Ботирга тенгқурларининг ҳаваси келарди. Мактабда “ким бўлсам экан” мавзусида иншо ёзилганда Ботир “Мен армияга бораман. Менинг ҳам бошқаларга айтадиган ўз саргузаштларим бўлишини хоҳлайман,” деб ёзганди.

Ботир кишлоқда фақат икки ўртоғини “ошна” деб чақирар, “ошна” деб чақирилган ўша икки болага ҳаммининг ҳаваси келарди. Ўша пайтда муҳаббат ва дўстлик ҳақидаги ҳинд фильмлари машҳур бўлиб, кимлардир ундаги қўшиқларга тақлид қилса, Ботир муштлашув сахналарини қайта-қайта кўриш учун туман марказига қатнаб чарчамасди.

Мактабни тугатиш йили синфдошлар охириги марта ғўза чопикқа чиқишди. Олдинда ҳали битириш кечалари, орзу-ҳавасларга тўла янги дунё. Синфдош қизлару йигитлар бу дамлар қайтиб келмаслигини ҳис қилгандек аҳил тортиб қолган. Энди аввалгидек оёқ остида топталган ёки ногоҳ чопиб ташланган ғўза ниҳоли ҳақида қайғуришлар ўрнини бошқа туйғулар эгаллаган. Эгатларда чўккалаб олиб қуриладиган суҳбатларнинг адоғи йўқ, нигоҳлар, қарашлар алланечук сирли ва маъноли.

“Исталин” лақаби билан машҳур туман маориф бўлими мудирини ўша пайтлар катта бир йиғинда “Косонсойда куёш нури биринчи бўлиб Гўрмиронга тушади, бироқ бу кишлоқдаги мактаб ўқувчилари далага нима сабабдан ҳаммадан кеч чиқади?!” деб ўшқирганди. Мактаб директори ва ўқитувчилар эса йигит-қизларни оқшом пайти даладан қайтаролмай ҳалак эди.

Лекин Ботир ҳамон ўша-ўша, унинг чапани феълида ғурур ва ориятдан ўзгаси йўқ эди. Қизлар ҳақида эса уларни ҳимоя қилиш зарурати туғилгандагина ўйларди. Кузатувчан одам борликда соат сайин ўсиш-ўзгаришни илғайдиган серавж май кунларининг бирида Ботир дала-нинг уватиға тушди. Эгатлар тутқаторнинг тагида бўлгани учун ажриқ ва ғумайга тўла эди. Синфдошлари анча илдамлаб кетиб, ўқарикқа яқинлашиб қолганди. У гоҳ тошлоқда кемшиқ бўлган кетмончасини тошга қўйиб теради, гоҳ ажриқларни юлқилайди, лекин ишда тиним ҳам йўқ, унум ҳам йўқ. Лекин у ортда қолиб кетганига сира парво қилмайди, чунки одатда қизлар иш охирида ҳашар қилиб, эгатини қайтариб келишини билади.

Кун қизигандан қизиб борар, ердан кўтарилган ҳовурда ўқарик томондаги синфдошлар жимирлаб кўринарди. Тепарокда қизлардан бири ёмғирпўшини тутнинг шохига илиб кетибди. Ботир ўша зангор, чумчук галасидек қутилмаганда бир кўтариладиган иссиқ елда ҳилпираб қўяётган ёмғирпўшни марра белгилаб, унга етгунча бош кўтармасликка аҳд қилди. Ҳадеб эгат охирига қарайверса, худди олдинга эмас, орқага қараб кетаётгандек туюлади.

Ботир пақкага етиб келганини боши ёмғирпўшга текканида сизди. На-фас ростлаш учун бошини кўтармоқчи эди, шохга илинган силлиқ либос унинг юз-кўзидан сирғалиб ўтди. Ботир кетмончасини ерга урган қўйи қотиб қолди. Унинг бутун вужуди ёқимли бир ҳисдан сесканиб кетди

ва беихтиёр ерга ўтирди. У сармаст эди. Бироздан сўнг ўзига ҳеч ким қарамаётганига ишонч ҳосил қилгач, бошини яна бир марта кўтариб, юзини ёмғирпўшга қайтадан тегизди...

Ва парвоз қилаётгандек бўлди. У пахта даласи узра учарди, бошларига оқ дурра танғиб олган қизлар, кўйлагини бошига ёпинғич қилган болалар пастда ер таталаб ётар, у эса тобора баландроқ учар, кўм-кўк осмонда лочин каби қанот керар, сўнг камон ўқидек пастга шўнғир, кейин қалдирғочдек ер бағирлаб учар, бора-бора ўзини печакгулга қўнаётган капалакдек ҳис қиларди. Ногоҳ унинг назарида баҳор осмони булут тўплаб, момақалдиरोқ турди, яшин чатнаб, шаррос ёмғир қуйди. Юз-кўзига тасирлаб урилаётган муздек томчилардан сесканиб, ваҳм аралаш ёввойи қутку ичида телбалардек қичқириб, ич-ичидан кўкрак қафасига потирлаб урилаётган тилсим қушни учириб юборгандек бўлди гўё.

Гўё бирдан ёмғир тиндию атроф чароғон бўлди, у ҳали кўрмаган турфа ранглар, сезмаган ҳидлар орасида каловланиб ўтирар экан, бу сержило оламда унга нимадир, кимдир таниш эди. Синфдоши Замира, унинг ёмғирпўши, хиди, кумуш кўнғирокдек жарангдор ва ёқимли овози...

Ботир шу алпозда анча вақт қолиб кетди. Юраги гупиллаб урар, калласида жарқалдирғочдек чарх ураётган фикрлар кетидан қувиб етолмасди. У кўзини юмганча эгат ичига ётиб олди. Анча вақтдан кейин кўзини очди. Энди у дунёга бошқача нигоҳ ташларди. Худди бир умр чанг бойлаб ётган дераза ойналарини кимдир ярақлатиб ювиб қўйгану ташқарида у шу пайтга қадар сезмаган ҳаёт тўқ ва бой рангларда жўшқин давом этарди.

У нималарнидир энди тушунгандек бўлди. Анҳордаги сувнинг шовуллаши, толкўприкнинг ғийчиллаши, қушларнинг чуғур-чуғури, қизларнинг юк машинада далага кўшиқ айтиб келишию кўшиқ тугагандан сўнг бир-бирларига урилиб-сурилиб, қикирлаб қулишлари, бари-бари кулоқлари тагида жаранглай бошлади. Бу товуш-овозларда у авваллари илғамаган маъно, йўқ-йўқ, ҳеч кимга кўрсатиб ёки айтиб бўлмайдиган сир борлигини англагандек эди. Навбатчи киз пиширадиган макарон бўтқаю бакда чала қайнаган ва мумқоғоз хиди келиб турадиган чой нега хуштаъмлигини энди илғагандек. Шаррос жала қуйиб юборганда қизлару болалар бир туп чинор тагидан паноҳ топганию елка-тирсаклари бир-бирларига ногоҳ тегиб кетгандаги орзиқиш-сесканишлар, тер ва намдан таралган ҳидлар, буларнинг бари-бариди энди маъно бор эди.

У худди шунга ўхшаш, лекин бундан анчайин кучсиз, ёки агар ҳидларда ранг бўлгандайди, шу ҳиднинг очроқ рангини қачонлардир бир кўргандек эди. Ўтган йили қишда институтда ўқийдиган опаси икки толиба дугонасини олиб келганди. Ўша куни қишлоқда тўй эди. Толиба қизлар ясан-тусан қилиб, атир-упа суриб тўйга чиқиб кетишгач, Ботирнинг кўзи сандал устида қолган “Ёшлик” деган журналга тушди. У журнални кўлига олгач, ундан жуда ёқимли, лекин бегона бир ҳидни туйди. Ўшандан буён бу хуш бўй толиба қизлару ёшлик ҳақидаги журналлар билан боғлиқ бўлиб хотирасига ўрнашиб қолганди.

Лекин бугунги ифор....

Ботир бутунлай ўзгарди. Энди Замиранинг ҳар бир ҳаракатию сўзидан ўзгача бир маъно топарди. Қиз нимаики демасин, нимаики қилмасин, унинг учун ёқимли туюларди. “Замира” деган исм маъно касб этди, Замиранинг кўчаси сариштарок, дарвозаси ёнида ўсган шотути кадрдонроқ кўринадиган бўлди. У ана шундай хушхаёллар оғушида юрган кезларда тасодифан Замира билан ёнма-ён эгатга тушиб қолди.

Улар ишлаётган дала четида бир ташландиқ боғ бўларди, кўп дарахт-



лари қуриб кетган, ғўзадан ошиб чиққан пероб сувдан ичиб, колганлари яшнаб турарди. Боғ қаровсиз бўлишига қарамай, баҳор ва ёзда ғўзага ишлов беришга келган мактаб ўқувчиларию колхозчиларга соя берарди.

Ботир ва Замира бошқалардан ортда қолиш учун кетмончаларини ерга енгил урар ва тез-тез суҳбат қуриб, эгат ичида узоқ ўтириб қолардилар. Ўшанда уларнинг суҳбатини бузиб боғдан бир қушнинг ажиб сайроғи эшитилди. Ногаҳон янграган бу оҳанг кетмонларнинг чақир-чукур тошлоқ ерга урилишидан чиққан товушни бир лаҳза бўлса-да, босиб кетди. Ботир тошдек котди, Замира хайрат ила аланглади. Улар бу қуш ҳақида кўп эшитган, бироқ ўзини ҳеч қачон учратмаганди. Ботир қушлар ҳақида билганларини гапира кетди. Аслида у бу гапларни бир синф пастда ўқийдиган, ҳамма “қуш жинниси” деб атайдиган боладан эшитган, кўп марталаб қушлар уялайдиган жарларга бирга борганди.

Улар азбаройи қизиқишдан боққа киришди. Қушни хуркитиб юбор-маслик учун оёқ учида қадам ташлашди. Дарахт ва буталар қуюқлашган жойда Ботир баланд ёнғокнинг шоҳлари орасида ўтирган бир қушнинг думинигина кўра олди. У Замирани сўзсиз ўзи томон имлади. Замира унга шу қадар яқин келдики, Ботир унинг гупиллаб ураётган юрак товушини, илиқ нафасини сезди ва ихтиёрсиз ҳолда унинг яноғидан шартта ўпич олди. Замира “вой” дедию хуркиб, сапчиб қочиб кетди. Қуш ҳам пирр этдию учди-кетди. Ботирнинг юраги эса типирчилаб қолди. Замира томонга қарашга ботинолмай, кўзи лоп-лоп учиб бораётган қуш ортидан эргашди.

Ботир армияда икки йил хизмат қилиб келгандан кейин Замирага уйланди. Хизматдан аввал бир йил тиббий билим юртида ўқиганди, ҳарбийда фелдшер бўлиб ишлади. Қайтиб келганида кўп нарсалар ўзгариб кетди... Шўро Иттифоқи кулади, ғоялар ўзгарди, одамларнинг ҳаётга қарашлари янгиланди, ҳаётнинг ташвишлари-да янги қиёфа топди, етти ухлаб тушга кирмаган воқеалар пайдо бўлди.

Онаси ёшлигида ўтиб кетган, отаси касалманд бўлгани учун Ботир тенгқурларидан кўра эртароқ уйланди. Ўқишни давом эттириш учун икки йил тиббий университетга ҳужжат топширди. Кирилмагач, умид узди-да, туман марказидаги шифохонада ишлади.

Лекин бир маош билан рўзғор тебратиш, тўшакка миҳланган отага қараш, укани уйлантиришнинг ўзи бўлмади. У ерга ёпишди. Колхозлар тарқатилиб, ўрнига фермерлар чиққан, мол-кўй боқиш учун парча ер қолмаган. У чек ер олиб шундан даромад кўтармоқчи бўлди. Бир неча йил уриниб тузукроқ ҳосил кўрмаса-да, пиёз экиш ҳадисини олди. Бу вақт ичида одамгарчилиги ва зехн-фаросати туфайли ўзи фелдшер бўлса ҳам халқ орасида “дўхтир” деган ном қозонди. Халқ бировга шунчаки ном бермайди, бунинг учун аввало тан бериши керак. Аслида ҳам Ботир анча-мунча шифокордан кўра кўли енгил ва тажрибалироқ эди. Қишлоқда унга тиним йўқ, энди енг шимариб кетмонга узанса, кимдир ҳовлиқиб келиб қолади. “Тез юринг, онаминг қон босими кўтарилиб кетди”, ёки “ўғлим томдан йиқилди” деб келувчиларнинг кети узилмайди. Касаллик фурсат кутмаганидек, беморлар ҳам вақт кутмайди, Ботир кечасию кундузи тиним билмайди. Шунинг орасида деҳқончилик ҳам қилади.

Сув қаҳат бўлиб чек ердан олинадиган арзимаган даромаднинг ҳам баракаси учди. Энди у фермерлардан ижара ер олиб, пиёз эка бошлади. Касалхонадан келадию далага чопади. Ижара ҳақини ҳосилдан тўлайди. Лекин ҳар йили посанги ўша: ови юрса тови юрмайди, тови юрса ови чопмайди, дегандек. Ҳосил зўр бўлганда пиёз арзон, пиёз қиммат бўлганда ҳосилнинг мазаси йўқ. Ҳар иккиси ҳам бўлганда ҳосилни шира еб би-



тиради. Лекин Ботир халқ орасида юрадиган гапга ишонгиси келади: деҳқоннинг пирлари пиёзни етти йил экиш керак, шу етти йилдан биттасида пиёз остонангни тиллодан қилиб ташлайди, деган эмиш. Бу йил беш йил бўлади пиёз экишни бошлаганига. Икки йил қолибди. Кейин нима қилади? Пиёздан бой бўлмаса, картошка экади. Барибир меҳнат қилиш керак, болалар катта бўляпти.

Лекин дўхтир зоти ерга ёпишмасин экан, ўзи шу касб эгаларига жинпин теккан бўлса ажабмас. Қишлоқдан учта дўхтир чиққан. Иккитаси ҳозир нафақада, умри ер чопиш билан ўтди. Валижон дўхтир қишлоқ этагидаги адирда йигирма йил тош териб, қўриқ очди. Ишдан келади-да, эшакаравага ўтириб боғига йўл солади. Йўлда “Қаро кўзимни” хиргойи қилади, авваллари маст бўлиб қолса тўйларда ҳам шу кўшикни айтиб ҳаммани безор қиларди. Энди биров билан иши йўқ, кетмондан ҳориган пайтлари боғининг тепасидаги дўнгликка чиқиб олиб, най чалади. Баъзан найнинг ғамгин нолиши ярим тунга қадар тинмайди. Бу йил сув тақчил, боғ қуриб ётибди, найдан чиққан куй ҳам саратоннинг жазирамасидек юракни ўртайди.

Раҳматилла дўхтир ҳам унинг ёнидан боғ қилган. Бирок бу дўхтирнинг ичадиган одати йўқ, най ҳам чалмайди, лекин кетмонни кўлидан кўймайди.

Учинчи дўхтир бу икковидан анча ёш. Ҳали боғ савдоси бошига тушмаган. У ҳозир Россиянинг тиббий экспедициясига кўшилиб Қизил денгиз соҳилидаги бир мамлакатда ишлаб юрибди. Ойлиги хартугул яхши экан уй-жойини тиклаб олди. Айланиб-айланиб охири у ҳам ерга ёпишадиган кўринади. Шу ёзда таътилга келганида қишлоқдан томорка ер олиб, терак ва гилос кўчати ўтказиб кетди. Келади-да бир кун тупроқ ялагани.

Нега дўхтирлар ерга деҳқондан ҳам қаттиқ ёпишади. Оппоқ халатини кийиб, энгига гард юқтирмай юрса бўлмасмикин? Нега ўзини ҳадеб ерга уради...тупроқ титкилайди. Балки кўп қон, кўп ўлик кўрганидандир...

Ботир ариқ ичида тин олиб, бу хил ўйга чўмиб қанча ўтирганини билмади. Куёш эса сўраб-нетмай терак бўйи кўтарилиб қолибди. Адирга етгунича кун кизиб кетади. Пиёзга дори сепадиган захарчи ҳам кутиб-кутиб кетиб қолган бўлса керак.

У энди уйига қайтишдан бошқа чораси қолмаганидан оғир қадамлар билан ортга қайтди. Уйининг вассажуфт шифтига термулиб ётишни ўйлаб юраги сикилди. Қишлоқда вассали уй деярли қолмаган, ё фанердан кўшнова қилиб нақш солинган ёки гипскоғоздан шакл бериб, мойбўёқ сурилган, баъзилар шифтига турли рангларда шуъла таратадиган энг охирги русумдаги чироқлар ўрнатган. Ҳовлига тушиб келар экан, отасидан қолган уйга ёнбош солинган чала иморатга қараб, балки бугун гувала куйсамми, деб ҳам ўйлади.

Кеча тунда чиқарилган сомонни маллага солиб ташиётган хотини эрининг эрта қайтганидан ҳайрон бўлди.

“Ҳа, иш битдими?! Пиёзга захар септирдийизми?” деб сўради.

У нима жавоб қилишни билмай туриб қолди. Нима десин энди хотинига?

“Мен бир қушни, ёшлигимдаги қушни учратдим. Сенга кўнгил кўйганимда, сандан илк бўса олганимда учратган қушни. Эсингдами ўшанда... э, у пайтлар сен бошқача эдинг, мен бошқача эдим, ҳаёт бошқача эди. Хуллас, адирга кетаётиб ўша қуш товушини эшитдим, ўзини кўрмоқчи бўлиб пиёзга бора олмадим. Шира еб ётган пиёз яна захарсиз қолди. Энди қачон касалларимдан бўшайману қачон далага бораман, унғача пиёзни шира еб ётар. Манови чаладеворнинг томи яна ёпилмай қолади, қиши билан деворлари нураб тушади, янаги йил ёзда яна қайтадан

урамиз. Болларинг мактабга яна эски кийимларини кийиб боради. Сен эса кизингни сепига ташлайдиган помбархитни ололмайсан. Ҳаммаси ўша қушни деб бўлди, биргина қуш-а. Ўша зорманданинг бўй-бастини тўлиқ кўра олган бўлсам ҳам бошқа гап эди!” дейдими.

Бу хотин зоти тушунадими ўзи? Жинни бўлибди, деб ўйлайди. Ундан кўра, сассиқпопишакни кўрсангиз яхши бўларди, деб киноя қилиши тайин.

“Дарвоқе, сассиқпопишаклар ҳам келмай қўйди-я биз томонларга,” Ботир бу ўйдан кейин илжайди ва хотини кўриб қолмаслиги учун юзини терс ўгирди. Ў, аёл зотидан бир нарсани яшириб бўларканми?!

“Э қанақа одамсиз ўзи, нега тиржаясиз, заҳар нима бўлди, заҳар”, деди энсаси қотиб.

“Заҳарчи кемади.” Хотини кулгисини сезиб қолганидан жаҳли чиқди унинг.

“Нега кemas экан, нима бўпти?”

“Заҳарчи заҳар ичиб ўлипти.” У жаҳл билан узумток устунини тепганди, кечаги чанг ва сомон зарралари бошига дув тўкилди.

2010 йил

### **Иккинчи ҳикоя**

Ботир дўхтир ишдан қайтатуриб, Шаҳобнинг дўконига кирди. Қишлоқда “тижорат” номини олган, йўл бўйида чувт дўппидек кўкқайиб турган дўкон кези келганда майхона вазифасини ўтарди. Шу кунга қадар биров бу депарада чойхона юритиб, бири икки бўлмаган. Бунинг сабабини ҳеч ким билмайди. Касод бўлган чойхоначиларнинг ўзлари ҳам буни гоҳ насиячилардан кўрса, гоҳ солиқчиларга ёпиштиради. Қолаверса, замона тезкор, дўконга бирров бош сукқан ҳамқишлоқлар учун ичимлик ҳам, газак ҳам шу ернинг ўзида муҳайё, ўриқдан бўшаган шатмоқ яшиқлар бир зумда курсига, кўча газетаси дастурхонга айланади.

Ҳозир ҳам тўрт улфат дўконнинг четида тешиқкулчадан бўшаган қоғоз қутини ўртага қўйиб, кўр тўкиб ўтирибди. Ўртада иккита лаби учган пиёла, пиёз пўстидек юпқа кесилган уч-тўрт бўлтам колбаса, уч дона пахтаолма бор. Дўкон деворларига наридан бери оҳак сурилган, тўрда шилдироқ елимқоғозли сурат осилган, унда хитой қизи сохта жилмайиб турибди, иккинчи суратда сават тўла субтропик мевалар. Ранглари шунчалар тиниқки, қизгина ютинса, томоғидан ютуми кўринадигандек, бу ёқда эса кивининг ҳар бир тукигача дикқайиб турибди. Кивини умрида кўрмаган, лекин ҳар сафар бу мевани тукли картошкага ўхшатиб мутойиба қиладиган улфатларнинг суҳбати қизгин.

– “Бунёдкор”га бразилиялик тренер кепти. Туркиянинг “Фенербахча”сига тренерлик қиларди-ку, ўша!

– “Бунёдкор”ми, шу аввалги “Қурувчи-да?”

– Ҳа-да, яқинда Бразилиядан бир ўйинчи ҳам сотиб олди-ку.

– Туркия бразилиялик тренерни қайтариб олмоқчи эмиш, қанча сўраса берамиз дебди, шу ростми?

– Бизникилар осонликча қайтариб бермаса керак.

– Э, ота-бобоси пул-да, ким кўп тўласа, ўшанга кетаверади-да.

Ботир дўхтирнинг эшик ғийқиллашига монанд саломи суҳбатни бўлди.

– Келинг, дўхтир. Пиёз қалай? – деди дўкончи. – Бу йил энди “Нексия”нинг рангини олай дедими?!

Сархуш улфатларга қия қараш қилиб олган дўхтир бу гапдан бўйинини

ичига тортди, жиккаккина гавдаси яна бир қарич чўкиб кетгандек бўлди. Улфатлар ялт этиб дўхтирга қаради. Бирма-бир бош ирғаб, саломлашилди.

– “Нексия”нинг расмини чизиб қўйганмиз, лекин ранг кирмаяпти, эски “Москвич”га қараб тортадимиз, дейман... шира еб битиряпти-ку, дори сепишим керак эди, боролмаяпман, – деди уф тортиб дўхтир.

– Хавотир олманг, дўхтир, дориям топилади, захарчим келади ўзи кидириб, Худонинг буюрган соатида. Бирорта боши айлангани кеп қолар, у дорини сепгандан кейин бу “дори”ни қимаса бўмайди. Унгача биз билан... – Саидали қувлик билан чап кўзини қисиб, пештахтадаги шишаларга имо қилди.

– Дўхтир, захарчи кемаса, пиёзингизга дорини ўзим сепиб бераман. Аппарат топсак бўлди, келинг, сиз ҳам бир одамга ўхшаб дам олинг. Бирор минут тин олинг-да энди, дўхтир. Олинг битта шишани, келинг! – Бўрибой Ботирни қистай бошлади.

– Ўзи шундоғам томоғимдан ҳеч нарса ўтмаяпти, Бўрибой.

Ботир шу кунларда ўзи ҳақида қишлоқда тарқалган гап бу ерда ҳам чайналиб, даврада эрмак бўлишдан чўчиди. Дарҳол дўкончига юзланиб, ярим кило шакар, бир кило макарон тортишни сўради. Буларни қарз-насия дафтарига ёздириб қўйиб, кейин ёғ қачон келишини суриштирди-да, дўкончидан ўпкalandи:

– Ўтган гал завудёғ кеганда бизникилар ололмапти-ку.

Дўкончи ўзини оқлади:

– Ака, рўйхат билан тарқатсак ҳам етмай ётибди. Рўйхатни маҳалла раиси тузятти-ку, – деди.

Шу пайт улфатлар орасида дўхтир хавотир олган мавзуда қочирим бўлди.

– Дўхтир! Биз томонларда ғалати-ғалати қушлар пайдо бўптими? Одамлар шундай деяпти. Сиз ҳам биттасини кўрибсизми-эй, шу ростми?

– Э, баттол... Сен ҳам эшитдингми? – дўхтир зўрма-зўраки илжайди, бироқ ушлаб туролмади, бўлари бўлди, кабилида ростакамига кулиб юборди.

Дўкончи бу гапдан беҳабар эканми ёки атайин талмовсиради.

– Қанақа қуш экан? Кўлга қўнган қашқалдоқларми? Шаҳарликлар келиб отиб кетишяпти экан.

– Дўхтир кўрган қушни отиб бўмасмиш, қандайдир хосияти бор эканми, кейин у ҳаммага ҳам кўриниш бермас экан.

Ботирнинг кулгусидан дадиллашган улфатлар пайровни илиб кетдилар.

Дўхтир уч кун аввал касалхонадан қайтишда кўшни қишлоқлик доричининг уйига кирган, адирдаги пиёзини дорилатиш учун у билан келишган, доричи “заҳар сепсанг шаҳар сеп, кун қизигандан кейин бошим оғриб кетяпти”, деб нолигач, булар эртаси тонгда пайкал бошида учрашишга келишиб, тарқалганди.

Иттифоқо, дўхтир уйига келаётиб кўчасида икки ғилдиракли кўлбола комбайнни маҳалла болаларига судратиб кетаётган тегирмончини кўриб қолди. Дўхтир эшиги тагига тўкиб қўйилган юз эллик боғ буғдойни янчиштишга тегирмончини бир амаллаб кўндирди, айна мавсум пайти, тегирмончи бир кетса, қайтиб бу томонларга яна қачон келади?! Улар ярим тунда буғдойни комбайндан ўтказиб бўлишди. Ҳорган-толган дўхтир эртаси тонг шаҳар адирга кетар экан, Абдусалом домланинг ҳовлиси тепасидаги дарахтзорга етганда бир қушнинг товуши қулоғига чалинди. Дўхтир бу қушни кўрмаганига, эҳтимолки, унутганига, ўзининг айтишича, йигирма йилдан кўп бўлибди. Не бўлибдики, дўхтир тонг палласида бу қушнинг товушига маҳлиё бўлиб, уни бир кўриш иштиёкида дарди-дунёсини унутибди-да, яқин тушгача чакалак ичида қолиб кетибди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Ҳаёт ўша ҳаёт, оғримаган бош борми, ташвишсиз калла борми? Рўзгор ғори, турмуш мушти, мол-ҳолга қараш, болалар ғишаваси, хотиннинг хархашаси, буларнинг бари эркакнинг гарданида. Ўзи йигит киши қирққа кирганда бир айниб олади. Бўлмаса, қизи бўйига етиб қолган каппа-катта одамга бало борми кушнинг кетидан қувиб. Дўхтири тушмагур зах арикнинг ичида ўтирганча, ўз хаёллари билан андармон бўлиб, бу дунёга нимага келдию нималар қилди, не ҳузур топдию не жабр қўрди, деган бўлмагур хаёлларни миясидан қувиб чиқаргунча қуёш нақд тиккага келибди. Доричи адирда дўхтирни узоқ кутиб, кейин сўкина-сўкина кетворибди. Дўхтир нима учун адирга боролмаганини ҳеч кимга айтмаган эса-да, кечқурун барибир хотинига ёрилган экан.

Эртаси хотини қўшнисига шикоят қилибди:

“Қандай одам эдики, адирда пиёзини шира босиб ётган бўлсаю, наҳот бу кишим ёш боладек қушларнинг кетидан юраверса, бу кетишда қачон косаси оқаради, билмадим... Ўзи неча йиллардан бери пиёз экиб, ҳали бир нарсани дўндирган эмасди”, дея ғиғони чиқибди. Устига-устак ўша куни захарчи ўлип қопти, деб ҳазил қилганию бугун ростдан ҳам ўша одамга жаноза ўқилганини айтиб, ёқасига туфлабди.

Бу гап қишлоққа яшин тезлигида тарқайди. Қўшиб бичилади.

Ўша қуш аслида ажина экан, дўхтирни йўлдан оздирмоқчи бўлганмиш, ўша ерда эски садақайрағоч бўлиб, унда инсу жинслар макон қурганмиш. Бечора дўхтирни ажина озғирди, деб айримлар болаларини уйига қамаб ўтирибди. Абдусалом домланинг энаси ўша садақайрағоч тагида чирок ёқиб, ис чиқаргувчи эди, кампир дунёдан ўтгандан кейин бу жой завол бўлиб, ажиналар макон қургани аниқ. Бундай яхши дўхтир бу оламда битта эди, кечаю кундуз одамларнинг ҳожатини чиқарарди, ажина ҳам келиб-келиб бизнинг дўхтирга йўлиқадими, деб кўпчилик афеус чекибди.

Бошқалари эса ўша қуш аслида ажина эмас, фаришта бўлгани, захарчининг ўлими яқинлашганини дўхтирнинг қўнглига солгани, зеро, захарчи барибир ўлар экан, дўхтирнинг пиёзига захар сепиб ўлди, деган гапдан соддадил ва жўмард дўхтир бир умр азият чекиб юриши мумкин эди, дейишибди. Баъзилар дўхтир энди авлиё бўлиб кетса керак, ҳаммага укол қилиб, дори ёзиб бериб юрарди, энди бир назар ташлаганда ҳар қандай касал тузалиб кетса ажабмас, наҳотки, бизнинг қишлоқдан ҳам авлиё чиқса, ахир қишлоқнинг номи бежиз Гўрмирон – гўри мирон эмас, яъниким, мирлар қабристонини, эҳ-хе, бу ерда қанча-қанча азиз авлиёлар ётибди, деб қувонган ҳам эмиш.

Бошқалар бундай гап айтган одамларни жеркиб ташлабди. Ажинага бало борми шундай замонда? Кеча тухумидан чиққани ҳам компьютер нималигини билса, сигирини далага ҳайдаб кетаётгани ҳам қулоғига Эм Пэ учми, тўртми тутиб олган бўлса, томга ғўзапоя ирғитаётиб бу ёғи Россия, у ёғи Кореяда ишлаб юрган акасими ё укаси билан телефонда гаплашса, шундай замонда ажина қоладими, дебди.

Аслида, дўхтир ўша қушни болаликдаги дўсти, ўқишдан кейин шаҳарда қолиб кетган ўртоғига тутиб бермоқчи бўлганмиш. Чунки булар болалигида қушман деган жон борки хоҳ ерда, хоҳ осмонда бўлсин, тинчлик бермаган, ҳатто қиш қаттиқ келган узоқ бир йили симёғочда очлик ва совуқдан қунишиб ўтирган қирғийни кун бўйи дов-дарахтга қўндирмай, қирма-қир қувиб, охири ҳолдан тойдириб ушлаб олган экан. Бу қушни кўргани келган қишлоқ болаларининг ҳар бирига қирғийга емак учун сичқон солиғи солганини ҳам эслабди одамлар. Ўшандан буён тенгқурлар бирор воқеани эслашмоқчи бўлса, “сичқон солиғи” солинган йилдан икки йил кейин бўлувди бу воқеа, деб гапирди.

Бошқаси, қўйсаларинг-чи, отам замонидан бери тиним билмай меҳнат қиладиган дўхтир нима жин урибдию, ўша кун салқин дарахтзорда, зах ариқнинг ичида бир мириқиб ухлаб олган экан, қовуғини шамоллатибди, ҳозир ўзи даволанаётган эмиш, шира еб ётган пиёзи билан ҳам иши йўқмиш, дебди. Яна бирови, эҳтимол, дўхтир чироқ ёқилган садақайрағоч тагига сийиб-нетгандир, дарди шундан бўлиши ҳам мумкин, дебди.

Гарчанд дўхтир бу гапларнинг ҳаммасидан бохабар бўлмаса-да, турли уйдирмалар тарқалганини билар, бу гаплар ўзига нашъа қилса-да, кап-катта одамнинг ҳақиқатан ҳам бир қушга алағда бўлиб, аввало, ҳаёт-мамотдек долзарб бир ишдан қолгани уни кўп хижолатга қўйса, иккинчи жиҳатдан захарчи “ўлибди” деб хотинига айтганию эртаси кечга бормай ҳазили рост бўлиб чиққанидан ортиқ изтиробда эди.

“Нафасимни ел учирса бўлмасмиди, кўпни кўрган одамлар бежиз ҳазил харом дейишмаган”, деб ич-ичидан куйинарди дўхтир. Лекин бу изтиробларини бировга билдирмай юрганди. Мана бугун Бўрибой бу ҳақда гап очиб қолди.

Дўхтир энди ноилож қолганини сезиб, улфатлар тепасига келди, Бўрибой дорини ўзим сепиб бераман деди-ку, пиёзни шу кунларда до-рилатмаса, бу йилги меҳнатига куйиб қолаверади. Ернинг ижара пулини чўнтагидан тўлайдими кейин? Маоши йўлкирадан зўрға ошиб-ошмаса. Хотинга эса худо беради, қиши билан йўқчиликдан нолиб, қулоқ-миясини ейди.

– Қани бўлмаса, сал сурилинглар-чи, – деб дўхтир Бўрибойнинг ёнига чўқди. Иккита пиёла беш кишига бегўхтов навбат билан айлантирилди. Дўкончи колбасадан икки юз грамм кесиб, кўк елимидишга парраклаб, узатди. Улфатлар дўхтирнинг хомуш ва ҳорғин руҳиятини яна чўктирмаслик учун қушни эсламай, гапни бошқа томонга буриб юборишди.

– Дўхтир, сиз қайси уруғдан эккансиз, гибридми, харсидонми?

– Гибрид.

– Эсиз, испанес дегани чиқибди, ўшандан экмабсиз-да, даҳшат ҳосил берармиш, тарозини ҳам зўр босармиш. Мана, ўтган йили қўқимбойлик биттаси эккан экан, далани ўзида таламон қилиб кетибди харидорлар. Шартта битта “Нексия” олибди, физиллатиб ҳайдаб юрибди, уйини ҳам ремонт кипти, оппок, катта темир дарвоза ўрнатибди. Бу дарвозадан “Камаз” ҳам кириб кетаверар экан. Қолган пулга укасига битта “Тико” оберибди.

– Э, танийман, қишлоққа кириб боришдаги заправка қани, ўшандан кейинги кўчада туради.

– Ҳа, худди ўша.

– Лекин четдан келаётган бу уруғларнинг бари бир йилдан кейин ай-нийди, ўзидан уруғ олиш қийин, ҳар йили янгитдан уруғ сотиб олишинг керак. Пул қани унга. Ўзимизнинг ота-бобомиз экиб келган қоратол яхши, жайдари, захар ҳам кўп керакмас.

– Дўхтир эшитдингизми, янги германски дори чиқибди. Пиёзга до-рини қалин қилиб сепилар экан. Дори ернинг бетини юпка елимқоғозга ўхшаб ёпиб кўяркан, шунда пиёздан бошқа битта ҳам ўт чиқмас экан, ана, пиёзўтоқ ҳам шарт эмас, – деди улфатлардан бири ва пахтаолмадан бир бўлак карсиллатиб тишлади.

Лекин Бўрибой уни ошиғич тўхтатди, олманинг орасидан чиқиб келган оппок қуртни бармоғининг учи билан олиб ташламоқчи эди, қурт пастга, пиёланинг ичидаги арокка тушди.

Бўрибой гапни давом эттирди:

– Ҳўв ўртоқ, бегона ўт чиқмайди эмас, чиқади. Пиёзга ўхшаган игна-



баргли ўт борки, ҳаммаси чиқади. Фақат пиёзни ўт босиши камроқ бўлади, лекин бу дори курғур ҳам қиммат-да! – Бўрибой гап асносида кўрсаткич бармоғининг учи билан ароқнинг бетигаги куртни пиёланинг лабига суриб чиқарди, кейин чертиб юборди.

– Пиёзни битига қарши Хитойни “карате” си ҳам яхши иш бермай қўйди, ундан ўзимизда чикқан “делта форс” тузук кўринади.

– Э, йўк, хитойнинг заҳари кучли барибир. Асосийси, арзон.

– Зарари-чи, зарари? Ўлдиради-ку одамни!

Гап айна қизиб турган пайт дўконга молдўхтир Ибрат кириб келди. Ибрат икки-уч даврада гап егани учун серульфат одам эди. Лекин ҳозир улфатларнинг қистовига қарамай, адирга қўтир бўлган молни кўришга кетаётгани, молнинг эгаси кўчада машинасида кутиб турганини айтди. У тезда харидини қилиб, эшикка йўналган эди, Бўрибой узилиб қолган суҳбатни наинки давом эттириш, бунга қадар айтилган гапларга бир далил ва тирик гувоҳ ҳам келтириш илинжида унинг диққатини тортди:

– Мана, узоққа бормамайлик. Мана, шеригимнинг божаси, икки кун аввал шундоқ пиёзга заҳар сепиб чиққан-да, шундоқ эгатнинг тепасида ўлган-қолган.

– Йўғ-э, у пиёзга сепмаган, – энди остонага қадам қўйган Ибрат тўхтаб, ортига ўгирилди: – у бодрингга сепган.

– Шу, заҳар ўлдирган-да?!

Ибрат эшикдан ташқари мўралаб, мол эгасига бақириб бироз кутиб туришни сўради, ортига қайтиб, даврага қўшилди:

– Сен қулоқ солиб тургин, бу шанба куни бўлган. Мен бир кун аввал, жума куни пиёзга дорини сепиб чиққанман божамнинг аппаратига. Ўзи пиёзим ўн икки сўтих ерда, иккита эгат қолганда аппарат бузилиб қолди, роса дамлайман, лекин сепмайди-да, оғзидан дори чулдираб оқиб тураверди суннат қилинмаган боланинг пешобига ўхшаб. Ҳалиги ичидаги колсози бор-ку, узук сингари, ўшаниси кетган экан. Эртасига, шанба куни бўлган бу, божамнинг олдига бузук аппаратни кўтариб бордим. Аввал жаҳли чиқди, “минг раҳмат сизларга, кеча бир ҳамқишлоғингиз девор ушлатиб кетувди, бугун сиз аппаратимни расво қибсиз”, деди.

Ибратнинг бу гапидан кейин улфатлар дўхтирга зимдан қараб олди, дўхтир ерга қараб илжайди. Ибрат гапида давом этди:

– Божам билан биз аввалдан куч синашиб юрардик. Бу гапидан кейин шартга белидан қисиб, бир кўтарган эдим, дод деди, жон ака, деди. Кейин қўйиб юбордим. Бирга чойхонада тушлик қилдик ҳазил-хузул билан. Кейин ўша ерда уч-тўртта бола шахмат ўйнаб ўтирган экан. Мен ҳам ўйнадим. Ҳаммасини ютдим-да, кейин бирма-бир пешонасига чертиб чиқдим. Божам уларни мазах қилиб роса кулди, ётволиб кулди. Шунда соат уч ёки тўрт бўлганди. Шунда битгаси аппарат кўтариб ўтди-да! Энди божам кечки бодринг экиб қўйган-ку. Бодринг мана шундоқ бўлиб, кўм-кўк яшнаб турибди, шишани сингари... – Ибрат бир тамшаниб олди.

Унга дарров пиёла тутқазиди. У шошилинч пиёлани бўшатиб, гапида давом этди:

– Божам ҳалиги аппарат кўтариб ўтганга ҳазил-хузул билан, бодрингни кўрдингми, яшнаб ётибди, ҳали оқпалак бўлмасидан дори сепиб қўяйлик, мени аппаратимни мана бу аканг бузибди, сеники қачон бўшайди, деб сўради. Деса айтдики, Батка деди, Батка дерди-да божамни.

– Ҳа, тўғри, уни Батка дейишарди.

– Соат бешларда бўшайди, мен ҳозир бир жойда дорини сепиб қўяй, кейин бўшайди, деди ҳалиги аппарат кўтарган. Шунда соат тўрт яримми, бешларми? Шунда мен ҳалиги жойдан туриб, бўпти божа, деб кетдим. Уйга



келдим, ётдим. Эртасига бозор. Сен қуй, жуфт бўлсин.

– Ҳа, қуй-да Ибратга, дўхтирга ҳам.

– Эртаси бозор. Бозорга кетдим. Бозорга бориб, укамни кўриб қолдим. Божангиз касалхонада экан, хабар олдингизми, деди. Нега, кеча отдек эди-ку, десам, ишонмайсизми, реанимацияда ётибди экан, деди. Шу кечкурун ичволиб йиқилиб-пиқилиб тушгандир-да, деган хаёл билан ҳалиги жойда реанимацияга келдим. Реанимацияга келсам, акаси турибди эшикнинг тагида. У билан бироз гаплашиб турдик, ҳалиги жойда ярим соатча гаплашдик. Кейин гапнинг орасида Батка тузукми десам, ҳе, Батка ўлган, деди. Ҳайрон бўлдим. Йўғ-е, десам, ҳа, деди. Энди шу ерда гаплашиб турган бўлсак, ана шу эшикнинг орқасидаги йўлакка киргизиб қўйибди ҳалиги аравачада. Мен билмайман-ку, қайда десам, ана, деди. Шундоқ борсам ... Батка! Шундоқ кулиб қараб ётибди-да... – Ибрат бир зум тин олди. – Ўшанда соат бешларда унга аппаратни олиб келиб берган. Ҳалиги жойда дорини сепган, оқпалакка, битта заправкада. Иккинчи заправкани қилган, ҳалиги аппаратга сувни, дорини қуйгандан кейин нима хаёл биланки шундоқ аппаратнинг оғзига энкайиб қараган-да. Ҳалиги жойда дорининг хиди димоғига гуп уриб, нафас йўлини гип ёпган. Божам пўрт ташлаворган ўзини. Ҳа-ҳа билан касалхонага олиб келишган. Қонини ювган, бошқа қилган, лекин барибир бўмаган. Жигари шишиб, нафас органлари кетиб бўлган. Бўмади. Улди. – Ибрат шу гапни айтди-да, кейин дик ўрнидан туриб, дўкондан чиқиб кетди.

– Жойи жаннатда бўлсин, ўзиям ҳеч қандай заҳардан тап тортмасди. – Ботир дўхтир хўрсинди.

– Анови-чи, Ақромнинг укаси, пиёзга заҳар сепавериб томи кетиб қолди-ку, – улфатлардан бири гап қўшди.

Бироз сукутдан кейин Бўрибой яна гапга кирди:

– Ҳа, заҳар билан ҳазиллашиб бўларканми? Лекин заҳар билан ҳазиллашмоқчи бўлсанг, билгин, бир йил ёки икки йил. Ундан ортиғига дори ҳазилни кўтармайди. Мен вақтида тўхтатдим. Шеригим Адҳам Россияга кетиб қутулди. Биз икковимиз заҳар сепмаган дов-дарахт қолгани йўқ бу депарада. Лекин Адҳам чатоқ эди. Битта шишани уриб олиб, иссиқми-совуқми, дорини чангитиб сепаверарди. – У сархуш бошини силкитди. – Аммо-лекин, хузурини аппаратнинг эгаси кўрди. Уйига ёнғоқдан нақшинкор дарвоза қурганини кўрдингларми, ўша биззи меҳнат-да. У пайтда ҳозирги “вертолёт” аппаратлар чиқмаганди. Энди-чи, бир шиша бензинни қуясан-да, патиллатиб бир гектарга бир зумда сепаиб ташлайсан. Аммо-лекин, дўхтир, сиз хавотир олманг. Мен “вертолёт”и бор бир одамни биламан, сизни пиёзингизга ўшанда дори сепамиз. Эртагаёк!

Ботир дўхтир дўкондан чиқиб уйига йўл олганда тунги салқин тушиб қолган, осмонда юлдузлар бодрокдек потраган, анҳорда қурбақаларнинг қуриллаши қулоқни қоматга келтирарди. Узоқдан қўлбола комбайннинг тариллаган овози эшитилар, чанг, сомон ва яна аллақандай ёввойи ўтларнинг хиди келарди.

Ботир бугўдойини чиқариб, елпиб, сандиққа ҳам тўкиб қўйганини, бу йилги энг оғир меҳнатлардан бири ортида қолганини эслаб, юлдузларга мамнун тикилиб борарди. Айниқса, кўкдаги сомон йўли ярқираб, сирли живир-живир қиларди. Худога шукр қилиш керак, дерди у. Мана, нимаси ёмон, ҳамма нарса жойида, эртага пиёзга ҳам дори сепади. Худо хоҳласа, кузда пиёз бир бўлиб берса, балки чала ётган уйи ҳам битиб кетар, эҳтимолки, “Нексия”, балки “Матиз”, жуда бўлмай қолса, “Москвич” сотиб олар. “Москвич” тузук, барибир дехқоннинг машинасида...

2010 йил

### Учинчи ҳикоя

Одамлар бир неча кундан буён интиқ, муҳим бир янгилик юз беришини кутиб тараддудда эди. Вақт ўтгани сайин ҳаяжон ортиб борарди. Турли уйдирмаю миш-мишларга қулоғи динг, бирор кун чанқовбости хабар топилмаса, қирғоққа чиқиб қолган балиқдек нафаси қистайдиган одамлар сўфи азон айтмасидан аввал катта йўл бўйига чиқиб олиб, чўнқайиб олганча уйқули кўзларини тинимсиз ишқалаб, гоҳо хомуза тортиб, бир нималарни эринчоқ муҳокама қилишарди. Тонг қоронғусида гангур-гунгур қилиб бомдод намозига кетаётганлар эса буларга қараб: «Каллаи саҳарлаб тўпланиб қопти булар? Анжон носи жума саҳар келарди шекилли... деб бир-бирларига имлаб қўяди.

Кун бўйи ҳеч бир хабар келмади. Олди-қочди гаплардан ўзини узоқ тутадиган қишлоқнинг сипороқ кишилари ҳам шомга яқин катта йўл бўйидаги дўкон атрофида уймалашиб қолди. Қишлоқда норасмий майхона вазифасини ўтайдиган бу дўконда ҳамиша уч-тўрт чоғли улфат ичиб ўтиради. Одатда ароқдан ҳазар қиладиганлар бу улфатларга юзини терс қилиб ўтади, лекин бир гап бўлса беҳабар қолиб кетмайин деган илинждами, бугун улар анча юмшаб қолган. Улфатларга яқин келмаса-да, ҳазил-ҳузул гапларига узоқдан енгил кулиб, босиқлик билан жавоб қайтариб қўяди. Дўкон атрофида одамлар сони кўпайган сари, қувлашмачоқ ўйнаган, велосипед минган болалар ҳам шу атрофда йиғила бошлайди. Қош қорайиб, осмонда кўршапалаклар ғиз-ғиз учади, пастда эса ғала-ғовур, оломонга келиб қўшилаётган кўнгиллилар сони ортиб боради. Об-ҳаво, экин-тикин, мол-қўй, сабзи-пиёз нархидан бошланган суҳбат айланиб-айланиб яна Ботир дўхтирга келиб тақалади. Ботир ўзи фельдшер бўлса ҳам уқуви ва меҳнатқашлиги туфайли халқ орасида дўхтир деган ном олганди. Дўхтир қандоқ улов миниб келар экан, рангию русуми қанақа бўлади, деган мавзуда баҳс кетади. Ўзи дўхтирнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси бормиди, деб кимдир сўрайди. Чуст дўппи кийса қўзиқоринга ўхшаб қоладиган бўйи бир қарич дўхтир “Ласетти”ми ёки “Нексия” миниб келса, тепкига оёғи, йўлни кўришга бўйи етармикин, дея бош қашийди бошқаси бироз ғашланиб. Тагига ёстиқ қўйиб олади-да, дейди кимдир ва гуррос кулги кўтарилади. Одамлар турли тусмоллар ва тахминлардан чарчаганда, ўзи эр кишига омад етти марта кулиб боқади, шулардан биттасини ушлаб қолсанг қолдинг, бўлмаса пиёзни аччиқ чайнаб қолаверсан каби пурмаъно “ҳикмат”ларга навбат келади.

– Омад келса шу-да, ҳеч кутилмаган жойда, кутилмаган пайтда ишинг ўнглиниб кетади, мана-ман деган дўхтирлар етолмаган мартабага битта фельдшер етишиб турибди-ку!

– Омад ҳар кимга ҳам келавермайди, омади борга келади-да!

– Энг муҳими, берар жойидан қисмаса бўлди, шунда ҳар кимнинг ҳам омади чопаверади, – дўкон ичидан кимдир ширакайф овозда ташқарида турганларга хитоб қилади, ортидан: “Ҳа, отангга балли!” деган тасаннолар ва пишанглар эшитилади.

Оломон орасида гоҳ ёшларга хос ҳавасмандлик кайфияти ҳукмронлик қилса, гоҳо ҳасад аралаш айтилган гап-сўзлар, гоҳида эса мўйсафидларга хос доно ўгитлар эшитилади. Шунда ҳовлиққанроқ бировнинг: “Эҳ, ҳаёт худди кинога ўхшайди-я!” деган ҳаяжонли овози янграйди.

Ўзи воқеанинг бошланиши етти кун аввал, Ботир дўхтир тонг қоронғусида туриб, бир тоғора сомон ювиб турган пайт юз берди. Бир новвос ва учта қўйнинг қаровини дўхтир кўпам болаларига ишонмайди,

ишга кетишидан аввал охурларини емга тўлдириб қўяди. Ҳозир ҳам сомонни ювиб, кепак сепиб, яхшилаб терт қорди, кўлига илашган майда тош-кесакми, шиша синиқларими, ҳафсала билан териб ташлади. Шу пайт дарвоза тарақлаб, кимдир безовта чақириб қолди. Бемаҳалда келган ким бўлди экан? Дўхтир сомон ва кепак юқи кўлларини кўйлаги этагига нари-бери артиб эшикка йўналди. Оппок сутга чайилгандек қимматбаҳо улов дарвозага тақалиб турарди. Бетоқат турган пўрим йигит дўхтир билан кўшқўллаб сўрашди.

– Ассалому алайкум, дўхтир ака! Танидингизми?.. Ҳа, ҳа, ўша кишининг ўғиллариман. Узр, тонг саҳарлаб беҳузур қилдим. Дадамлар сизни сўраяптилар. Кеча кечқурун касалхонада ётмайман деб инжиқлик қилдилар. Уйга олиб келдик. Бугун азондан сизни йўқлаб қолдилар, тез етказиб келинглар, деб мани жўнатдилар. Ҳовлингизни сўраб-сўраб зўрға топиб келдим. Бормасангиз бўлмайди энди, дўхтир ака.

Дўхтир ўйлаб ҳам ўтирмай “ҳозир, ўн минутда чиқаман” деб уйига кириб кетади.

Ўша кунни эрталаб бор-йўқ бўлган воқеа шу эди. Лекин қишлоққа кирган “Малибу” русумли бу уловни кўрганлар кўп эди. Улов кимнинг уйига келгани, кимни олиб кетгани тайин гап. Бироқ...

Шаҳарга тушганлар тушдан кейин янги-янги гап топиб келди. Улов тумандаги энг бой киши ҳисобланмиш Абдурахимбойга тегишли экан. Кўша-кўша иморатлари, қават-қават дўконлари, турнақатор уловлари бор бу эски савдогар кишини танимаган одам деярли йўқ эди. Абдурахимбой анчадан буён хасталикка чалинган, фарзандлари Тошкентда бир неча марта даволатиб келса-да нафи тегмаганидан ёши етмишдан ошган чол энди ҳеч қаерга боришни истамасди. Шу ҳафта бошида оғирлаб қолганда, кўярда-кўймай уни туман касалхонасига, реанимацияга ётқизишибди. Ботир дўхтир навбатчиликда турган кунлари Абдурахимбойга қараган экан. Тунги навбатчилигида касал тепасида мижджа қоқмай чиқадиган, ўзиям қўли енгил, сўзи малҳам бўлган дўхтирга чолнинг меҳри тушиб қопти. Кеча касалхонада бошқа турмайман, Ботир дўхтирни уйимга олиб келинглар, менга ўша қарасин, дебди. Одамлар топиб келган гап шу эди.

Дўхтирнинг уйига келган улов таърифи бир кун ўзаро суҳбатларга мавзу бўлди. Никелли ялтироқ қуйма ғилдираги, ён кўзгуларининг автомат тарзда буралиши, томидаги қорайтирилган ойнасининг ўзи очилиб-ёпилиши, газ босганда ёқимли гувиллаши, юрганда шувиллаши роса гап бўлди. Шу тарика дўхтир ва Абдурахимбой мавзуси бир ҳафта одамлар оғзида чайналди. Ахийри кимдир “Кимсан Абдурахимбой дунёнинг ярмини сўраб келган одам, қолган ярмини фарзандлари сўраб ётибди, энди бу дўхтирга шунчалик меҳри тушган экан, хизматини ўз обрўсига яраша тақдирласа керак”, деган тусмолли гап чиқарди. “Кексайганда одам кўнгли юмшаб сермеҳр бўлиб қолади, Абдурахимбой меҳри товланиб турган бўлса, дўхтирнинг ҳаётини обод қилиб юбориши ҳеч гап эмас”, деди биров. “Ниҳоят, дўхтирнинг тўрига тилла балиқ тушди”, деганлар ҳам бўлди.

Одамзотга ўзи нима керак?! Бугун “тилла балиқ”дан ким нима сўраган бўларди? Қишлоқнинг кўплаб хонадонларида ҳар кеч дастурхон атрофида шу мавзуда баҳс бошланди. Ёшлар ўз йўлига, кўча-кўйда кўришиб қолган чоллар, қатикқа оқлик сўраб чикқан хотинлар ҳам бундан четда қолмади. Кўпчиликнинг назарида бугунги замон одамнинг энг катта орзуси ҳамманинг кўзини оловдек куйдирадиган пўрим, ярақлаган улов миниб юриш эди.

\* \* \*

Дўхтир Абдурахимбой ҳақида кўп эшитган, лекин унинг ўзини илк бор касалхонада, бемажол, ранги рўйи сомондек сарғайган ҳолда кўрди. Бугун унинг ҳовлисига тонг сахарда кириб келар экан, улкан нақшинкор темир дарвозаю йўлакда қатор терилиб турган уловлар, гирд айланасига иморат солинган ҳайҳотдек катта ҳовлини кўриб сир босди. Уртада фавворали мармар ҳовуз, атрофида кўзни тиндирадиган ям-яшил майсазор, уч-тўрт туп дуркун арча ва шамшод кўчатлари яшнаб турибди. Ҳовлининг айланасига баланд қилиб темир қувурдан ишқом солинган. Қувурлар окқа бўялган, ишқом устунларидаги қуйма нақшларга зарҳал ранги беҳол югуртирилган. Узумтоқлар яхши кузалган, кўринишидан яқинда яйратиб хомтоқ қилинган, узумғужумлари сарғайишга бошлабди. Ҳовлига тўқ жигарранг тош бир текис ётқизилган, гўё юрганда кишининг оёғи қолиб, туфлиси маза қилаётгандек. Дўхтир Абдурахимбойнинг кенжа ўғли ортидан эргшиб қаҳрабо мармар ётқизилган зинапоядан кўтарилиб, кенг ва ёруғ хонага кирди. Деразага яқин жойга каравот кўйилиб, унда Абдурахимбой оппоқ чойшаб-тўшакка чўкиб ётарди. Хонанинг тўрида серҳашам, уч табақали ойнаванд жавон қад ростлаб турибди. Бир томонда чарм қопланган юмшоқ оромкурсилар. Абдурахимбой дўхтирни кўриб, синик жилмайди.

– Дўхтир болам, келдингизми?! Катталиқ қилди деманг, касалхонада битта менга эмас, бошқаларга ҳам қилган муомалангизни кўриб сизга меҳрим тушди. Малол келмаса, уч-тўрт кун ёнимда ўзингиз турсангиз дегандим.

– Сираям малоли йўқ, отахон. Сиздек оқсоқолларга хизмат қилиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз, – деди дўхтир бироз сўзамоллик қилиб.

Абдурахимбойнинг яна икки ўғли ҳам шу ерда экан, бирин-кетин хонага кириб келишди, дўхтир билан қўшқўллаб сўрашгач, каттаси оғиз очди:

– Дўхтир, касалхонани главрачига айтилган, сизда прогул бўмайди. Бу ердаги хизматингиз ҳам иш ҳисобига ўтади, сиз хавотир олманг, ўзингиз билан яна алоҳида раччўт қиламиз, отага яхши қарасангиз бўлди, – деди.

Ўғиллари чиқиб кетаётганда Абдурахимбой кенжасини қайта чорлади:

– Дўхтир боламнинг уйига бир қоп картишка, бир қоп пиёз, бир халта гуруч, ўн кило завўдёғ, уч кило гўшт элтиб бергин, – деди.

Абдурахимбой ётган хонанинг ёнбошидаги кичик меҳмонхона дўхтирнинг ётоғига айланди. Тушдан кейин касалхонанинг бош шифокори келиб чолнинг қон босимини ўлчаб кўрди, дўхтирга кўрсатмалар берди. Томчи уколга қўшиладиган суюқликларни ёзиб кўлига тутқазди. Дўхтирнинг қиладиган иши кўпроқ чол билан суҳбатлашиб ўтириш бўлди. Осма уколдан кейин баъзан чолнинг оёқ-қўлларини укалайди, кейин аста ёнбошлатиб, бир муштини курагига кўйиб, иккинчи мушти билан оҳиста уради. Чол силкиниб-силкиниб кетади.

– Отахон, сал чидайсиз-да энди. Шундай қилмасам, қон айланмай қолади, – дейди.

– Балли, дўхтир болам, балли, – деб қўяди чол.

Кечқурунлари қизлару неваралар йиғилиб келиб, ҳовли тўйхонага ўхшаб кетади. Қўша-қўша тилла узук такқан, икки бетлари қип-қизил, ялтир-юлтур либос кийган қизлар отаси тепасида бир-бир кўз ёши қилиб чиқиб кетгандан сўнг, деразалари ланг очиқ ёнбош хоналарда дунёнинг ишлари, тилла нархи, янги чиққан газмоллар, охирги русумдаги уловлару “Айфон” деган қўл телефонлари ҳақида баралла ва қизғин суҳбатлар бошланади. Бу дабдабаю асъасалардан дўхтир хангу манг эди.

– Болам, айбга буюрмасангиз бир нарса сўрасам, – деб қолди чол бир куни. – Уч-тўрт марта шифер ҳақида телефонда куйиниб гапирганингизни эшитиб қолдим. Нима гап, дўхтир болам?

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Дўхтир хижолат бўлди. Кейин ўтган йили отасидан қолган эски уй ёнидан янги иморат солгани, бу йил киш қирмай шу чала иморатнинг томини ёпиб қўйиш режаси борлигини айтди. “Бир дўкончига ўттизта шифер айтиб қўйувдим, ҳар гал синиқ шиферларни рўпара қилади”, деди хафа бўлиб. Чол, ҳа шунақами, деб қўйди. Кечкурун кенжа ўғли келганида дўхтирнинг уйига ўттизта шифер элиб беришни буюрди. Дўхтир кўп хижолат чекди. Кейин менга энди бошқа ҳеч нарса керак эмас, хизматим охирида ҳам рози қиламан деб юрманглар, қаттиқ хафа бўламан, деди.

Отахонни кўргани келиб-кетувчи кўп. Баъзан кун бўйи одам узилмайди. Бундай кезларда дўхтир чолнинг фарзандларини чақириб, овозига залвор қўшиб: “Ота чарчаб қоляптилар, бугунга бўлди, келганларни меҳмонхонадан кузатиб қўяверинглар”, деб уқтиради. Учовлон фарзанд қўллари кўксиди, “Бир оғиз гапингиз-да, дўхтир”, деб чиқиб кетишади. Дўхтир эса томчи уколни улаб қўйиб, ўз ўй-хаёлларига чўмганча ўтиради.

– Дўхтир болам, бир гап сўрасам кўнглингизга оғир олмайсизми? – деди чол бир куни хокисор овозда. Дўхтир, “бош устига, хафа бўлган номард”, деди кулиб.

– Қишлоғингизда бир қушни кўрганингиз ҳақида ҳалигача гап айланармиш, касалхонада ётганимда ҳам шу гап қулоғимга чалингандек бўлувди. Нима бўлганди, қандай қуш эди у?

– Ҳа, уми... – дўхтир ишшайиб кулиб юборди. Пешонасида доим таранг йиғилиб тургувчи бўртиқ ажинлари ёйилиб, яйраб кетди. – Хўжанинг феъли тушдан кейин айнийди, дейишарди, пақирники эрталабданок айнир эканми... шуни орқасидан бир тасодиф ҳодиса болалиқда бўлган воқеаларга уланди, кейин бунга ҳазил-хузул гаплар аралашди. Лекин айтишга арзимайдиган бир гап.

– Нега арзимайди, дўхтир болам? Бу дунёда ҳар бир нарса, ҳатто анови деворга қоқиб қўйилган миҳ ҳам бежиз эмас. Унинг ҳам ўзига яраша, арзирли тарихи бор. Ким, нега қоқди уни? Ҳа, бир мақсадни кўзлаб қоққан бўлса, нега эплаб болға урмади. Эви бўлганида деворга дарз туширмаган бўларди. Демак, эви йўқ одам миҳ урган, эҳтимол, болға ушлашни ҳам тузук-қуруқ билмас. Суриштирсангиз, нега уста одам эмас, эвсиз бир киши миҳ ургани сабабини ҳам топасиз. Шунақа, гапирсангиз гапдан гап чиқади. Айтинг болам, айтинг!

– Ўзингиздан қолар гап йўқ, тирикчилик деб одамнинг кети ер искашга вақт тополмай қоладиган дамлар бўлади, – дўхтир салмоқлаб сўз бошлади. – Бу ёқда касалхонадаги иш, у ёқда рўзғор, бир томонда далага пиёз экиб қўйганман, дорилатиш керак, томорқадан ўрилган буғдойни янчиш керак. Шунақа кунлар эди. Кечаси буғдой чиқариб, тонг сахар адирга олландим. Захарчи билан шира босиб ётган пиёзни дорилатишга бир кун олдин келишиб қўйган эдим. Қишлоқдан чиқишда чакалакзор бор, шуни оралаб кетиб борардим. Тонг энди оқариб келаётган, ҳаво назаримда ёғи олинмаган қуюқ сутдек, дўхтирлар тили билан айтганда кислородга роса тўйинган эди. Шу пайт бир қуш овоз бериб қолди. Унинг ҳар сайроғи гўё қуюқ ҳавода из қолдириб кетарди. Мен таққа тўхтадим. Дастлаб миямга биров йигирматалик игна санчди-ю кейин бутун дунё ўзгариб кетди. Йигирма йилдан ҳам кўпроқ бўлган экан шу қушнинг сайроғини эшитмаганимга – дўхтир завқ-шавққа тўлиб сўзлай бошлади. Бу қушни ўзини кўриш учун чакалак оралаб тентирагани, бироқ қушни хуркитиб, кўролмаё қолганидан аламга ботгани ҳақида гапирди.

– Қуш лоп этиб учдию кетди. Аммо юрагимни ўртаб кетди. Бир қафт носни тил тагига ташладим-да, ўтиравердим. Болалигим, мактаб, мен кезган



кўчалар, мен чўмилган ариқлар, сойлар, синфдошларим, илк марта кўнгил берган пайтларим, бари-бари кўз олдимдан кино лентасидек ғизиллаб ўта бошлади. Лоф бўлмаса, отахон, носни кучими ёки бошқа нарсами, баъзи жойларини худди кино лентасидек орқага қайтариб, қайта-қайта кўраман, секинлатиб ҳам кўраман. Хотирам ҳеч бунақа тиниқ ишламаган эди ўзиям. – Дўхтир гапида давом этар экан, эшитяптими-йўқми, чолга бирров назар ташлаб оларди. Орада бироз сукут сақлаб қолса чол “гапираверинг, эшит-япман, дўхтир” деб кўярди. Дўхтир ўша куни, ундан кейин ҳам пиёзга дори септира олмагани ўзига, айникса, хотинига қаттиқ алам қилгани, эрта баҳордан бошлаган меҳнатию қарз-қавола қилиб сарфлаган сармоясининг тақдири ҳал бўлар паллада битта қушни деб ҳамма иши чаппа айланганини айтди. Оқибатда пиёзнинг зарари билан фойдаси учма-уч бўлиб, дўхтир қарзлардан зўрға қутулиб олгани, устига-устак дори сепадиган йигит ўша куни адирда узоқ маҳтал бўлганию эртасига қаердадир дори сепатиб захарланиб ўлганини эшитган чол, аттанг, дегандек бошини сарак-сарак чайқамокчи эди, мажоли келмади. Қишлоқда бу қуш билан боғлиқ воқеа тўқилиб-бичилиб, биров дўхтирни авлиёга, биров жин чалиб кетган овсарга чиқарганини эшитиб кулмокчи ҳам бўлди, лекин куч топа олмай энгил хириллаб қўйди.

Чол бу қадар ғамгин, айни пайтда қувноқ ва беғубор ҳикояни сира эшитмаган эди. Бир қуш, нари борса чумчуқдан катта, каптардан кичкина бир жонзот киши ҳаётида бу қадар ўрин тутади деб ким ҳам ўйлабди ахир. Чол шу хаёллар билан уйкуга кетди. Эртасига муолажалардан кейин дўхтирдан ёнига ўтиришни сўради.

– Биласизми? Болалигимдан нима ёдимда қолган... бир сўмлик, уч сўмлик, ўн сўмлик эзилган, букланган, ёғ босган пуллар. Отам кечқурун дўкондан қайтганидан сўнг танга-сўм аралаш бир сумка пулни уйнинг ўртасига тўкарди. Кейин онам келтирган қайноқ маставага босим мурч сепиб, устидан қаттиқ кўшиб, ёғоч қошиқда яхшилаб экалаб олгандан сўнг пешонасидан маржон-маржон тер оқизиб ичарди. Онам икковимиз эса пулларни саралар эдик. Отам маставани ичиб бўлгач, юкига чой куйиб, косани ҳафсала билан уч-тўрт марта айлантириб чайгач, бир кўтаришда сипқорарди. Кейин пешонасидаги терларни белбоғи билан артиб, ўнг ёнбошига болиш кистирганча бир сўз демай бизни кузатиб ўтирарди. Ўн сўмлик қизил пуллар камдан-кам чиқар, чиқиб қолса, онам дазмол босиб, букилган белини тўғрилар, сўнг тоқчадаги чинни чойнак ичига солиб кўярди. Ўн сўмликдан кейинги энг кадрлиси кўкимтир беш сўмлик эди. Уч сўмлик ва бир сўмлик дасталанган пулларни отам кассага топшириш учун эртасига олиб кетарди. Ҳовуч-ховуч тангалар уйда қоларди. Ўша пайтлар ўн беш тийинга битта пиражка билан шакарли чой берарди. Йигирма тийинга яримта лағмон еса бўларди. Тангалар мен ва сингилларим учун катта бойлик эди. Онам йирик пулларни бодринг тузланадиган бонкага солиб, оғзини маҳкамлагач, омборхонага кўмиб, устидан шолча ташлаб кўярди. Шу тариқа мен пул санаб катта бўлдим. Кейинчалик мен топган пулларни бу депарада унча-мунча одам тополган эмас...

Чол бироз тўхтаб нафас ростлади. Дўхтир ярим пиёла сув тутди. Чол ичмади, лабларини хўллаб олди холос.

– ...Биласизми, дўхтир болам? Отам раҳматли юрак хуружидан вафот этган. Дўконниям, уйниям ревизор босавериб юрагини олдириб бўлган эди. Охирги текширувларни кўтара олмади. У киши ўтганларидан кейин онам бор пулларни тиллага айлантирди. Албатта, мени ўқишиму иш бошлашим учун ажратилган сармоя алоҳида эди. Сингилларимга ҳам бир сидра тилла тақинчоқлар ҳадя қилди. Бироқ кексайганларида

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**



вос-вос бўлиб, бир халта тиллани ҳали ёстик тагига, ҳали тахмондаги кўрпа орасига яшириб кун ўтказди. Кўша-кўша занжирлар, билагузугу сирғалар, ёкут кўзли узуклар тўла халтанинг жаранг-журунги ҳалигача қулоғим остида туради. Шу тариқа онамнинг эси кирди-чикди бўлиб оламдан ўтди, худо раҳмат қилсин. Мен ота-онамдан фарқли, кўп ва катта давра кўрдим, чет элларга чикдим, энди замон ҳам ўзгарган эди. Шундан хулоса чиқариб, қариганимда бойликка вос-вос бўлиб қолмайин деб мол-мулкимни эрта кунда фарзандларимга тенг тақсимлаб бердим, қўлимда мол қолдирмадим. Болаларим мен каби отаси пулнинг дастидан бевакт ўлиб кетишини кўрмасин дедим. Кексайганимда неваралар билан овуниб, хотиржам ҳаёт кечирмоқчи бўлдим. Бу осон бўлмади. Ҳозир қўядими, йўқми, билмадим, бир пайтлар “Қирол Лир” деган кино бўларди. Мулкини қизларига бўлиб бериб, ўзи кўчада қолади қирол бечора. Ўшанга ўхшаб қолмайманми, деган гап ҳам ўтди кўнгиладан. Кейин ҳартугул, бизда мусулмончилик, эл-юрт истиҳоласи бор деб ўйладим. Ўйлаганим тўғри чикди, фарзандлардан нолимайман, гарчанд онаси эрта ўтиб кетган бўлса ҳам, болаларимга яхши тарбия бера олдим назаримда. Бир қарашда ниятим ҳам амалга ошгандай бўлди...

Чолнинг гапи бўлинди. Узун-қисқа бўлиб ҳовлига тўрт нафар кекса киши кириб келди. Барчаси бирдек оҳорли оқ яктак-иштон кийган, фақат айримларининг бошида чувт дўппи бўлса, баъзиларида оқ “ҳожидўппи”. Бири патак соқол, бошқаси мошкичири, қолган иккиси кўса. Чолларнинг ягона ўхшаш жиҳати юз териларининг бирдек тиниклиги, ҳатто энди пишиб келаётган қирмизак олма каби жиндек қизиллиги ҳам борлигида эди. Дўхтирнинг ёдига раҳматли отасининг заҳил юзи тушиб, юраги бир ачишиб олди. Чоллар беморнинг атрофида ўтириб, узоқ суҳбат қилишди, ўтган-кетган, яқин-йироқ гаплардан гапиришди. Сўнгида отахонга далда бериб, Қуръондан бир пора туширгач, узундан-узун дуолар қилишди. Тиловатимиз “ҳатми қуръон” ўрнида ўтсин, деб илтижо қилинди. Мехмонлар кетгандан сўнг чол миждалари нам, узоқ жим қолди.

– Эски қадрдон оғайнилар, – деди у дўхтир эшитяптими, йўқми, эътибор бермай. – Навқиронлик пайтларимиз ким кўп пул қияпти, ким зўр иморат соляпти, ким энг зўр улов сотиб олди деб рақобат қилардик. Баъзида дўст, баъзида ҳамкор, кези келса рақиб эдик. Энди бўлса ҳар йили қурбонлик ойида бозорга тушиб, халқ кўзида танлаб-танлаб, семиз-семиз қўй олиб, кимўзарга сўямиз. Охир дунёда Пулсиротдан миниб ўтаман деб умид қилган қўйимиз қанча гўшт, қанча ёғ берганини киши билмас овоза қилдирамиз. Сизларни бу ҳашамларингизга охир дунёда Пулсирот эмас, темир-бетон кўприк керак, дейдиган мард йўқ. Ҳозир ҳам остона ҳатлаб улгурмай булар мен кетиб, ўзлари қолаётганидан энгил тортишди. Ўзларининг тетиклиги, мендан узоқроқ яшашларини ўйлаб қувониб кетишди. Буни улар хонада ўтиришганида кўзлари айтиб турганди.

Бу гапдан кейин чол жим қолди, чуқур хўрсиниб, нурсизланиб бораётган кўзларини деразадан ташқари қадади. Ҳашаматли ҳовли сув қуйгандек жимиб қолган, ҳар замон мусичанинг “му-ку-ку-ку” деб сайрагани эшитилади. Ишқомдаги узумнинг иссиқдан шалпайган япроқлари ногоҳ келган эпкинда бир елпиниб қўяди, шунда ранги кўкимтирдан сарғишга тортиб, шира бойлаб келаётган узум доналарида қуёш нурлари жилва қилиб қолади. Чол бу манзарани кўра оляптими-йўқми, билиб бўлмасди. Чол яна гапирмоққа чоғланди, лекин лаблари қурукшаб қолган эди. Дўхтир ҳўл дока билан унинг лабларини артиб чикди, докани сиқиб, оғзига бир-икки томчи сув томизиб қўйди.

– Дўхтир болам, ҳали ташқарида бир куш сайрагандек бўлдими?..

– Кукулаган мусича эди, отахон.

– Малол келмаса, жойимни деразага яқинроқ суриб берсангиз, – деди чол пичирлаб. Дўхтир чаққонлик билан каравотнинг аввал бош томони, кейин оёқ томонини енгил кўтариб сурди. Каравот шундоқ дераза тагига келиб қолди.

– Ҳаҳ, мусича... Отам мусичани энг ношуд жонзот деб ёмон кўрарди. Ҳали йўлакда, ҳали айвонда тухуми тушиб синиб ётарди. Жуда омонат уй қуради ўзиям. – Чол ташқарига суқланиб қаради. Лекин мусича қорасини кўрсатай демасди. – Кулмасангиз, кўнглимга бир тилак келди, дўхтир болам... Сизга кўриниш бериб турадиган ўша ажабтовур қушга ўхшамасаям, отам ёмон кўрган бўлсаям, ўзи бир ношуд жонивор бўлсаям, қани энди шу мусича ҳозир пирр этиб учиб келиб, мана шу дераза рахига қўнса... мунчоқдек хайрон кўзларига боқсам...

Чол қуруқ суякка айланган бармоқларини қалтиратиб қўлини дераза рахига узатди. Юпқа ва қуруқшоқ териси остидан бўртиб турган томирлари дир-дир титраб кетди. Сўнг ҳилвираб қолган бўйин териларини осилтириб ташқарига талпинди. Чолнинг гавдасидан бир ҳовуч шақиллаган суяк қолган, бироқ бўртиқ елка суяклари, ўткир қиррали жағи, қирра бурни ва кўзининг устига тушиб турган қалин, ўсиқ оқиш қошлари бир пайтлари унинг кўркама ва келбатли киши бўлганини айтиб турарди.

Чол узумтоқлар орасидан кўм-кўк осмонга туйнук топиб, узоқ термулди. Туйнук қариянинг нурсиз кўзларига дурбиндек қўл келдими, нигоҳи ўткирлашгандек бўлди. Осмону фалакда қанот қоқмай сокин чарх ураётган бир куш ногаҳон ана шу мовий туйнукдан лип этиб ўтиб қолди. Чол бир сесканди-ю қушнинг қорасини илғаб қолди ва афтидан ана шу оний лаҳзаларда унинг нигоҳи қушнинг қанотлари устига қўнгандек бўлди:

Пастда гугурт қутиси янглиғ гоҳ тартиб билан терилган, гоҳ бетартиб қалашиб, бир-бирига суяниб қолган паст-баланд уйлар қалашиб ётарди. Уйлар тугагач, далалар бошланади, қўнғир тоғ этагидаги сарғиш яйдоқ адирлар қадар чўзилган экинзорлар ястаниб ётибди. Бозорлар, дўконларда ғиж-ғиж оломон, одам дегани далаларга ҳам сочилиб, тинимсиз ғимирлаб ётибди. Шаҳардан қишлоққа, қишлоқдан шаҳарга уловлар бетўхтов қатнайди. Адоқсиз йўллар бир-бирига уланиб кетаверади. Бир қишлоқ тугаб-тугамай иккинчиси бошланади, буғдойзордан кейин пахта даласи, пахтадан кейин пиёз пайкали келади. Бир парча бўш ер йўқ. Фақат ҳар бир қишлоқ четида девор ёки панжара билан ўралган хайҳотдек, тақир ва кўнғир очиқ майдонлар бор холос. Жажжи тупроқ тепаликларга тўла шу жойдагина ҳаракатсизлик, сукунат бор. Янги пайдо бўлган, нам тупроғи ҳали қуриб улгурмаган тепалик устига югуриб чиқиб, атрофга шошилинич назар солгач, қуриб сарғайган ўт-ўлан ва шувоқларни шитирлатиб қочиб қолган юмронқозикқина бу сукунатни бузиб туради, холос. Янги тепаликни кетмоннинг орқа юзи билан тапиллатиб уриб мустаҳкамлаб кетган одамлар эски темир панжарали дарвозадан ташқари хатлашлари ҳамон енгил тортиб, бу сокин гўшанинг мавжудлигини-да унутишга улгуришади.

Чол энди чимирилган, тунд, истехзоли, шодон ва ғамгин, ғазабнок ва кувнок чехраларни ҳам илғай бошлайди. Ҳаёт гўё бир улкан мусобақа, илдамлаб кетганлар шодон, ортда қолганлар ташвишда, тўхтаб, чорасиз қолганлар ғуссага ботган. Умр шундоқ мусобақа билан ўтади ва марра ўша – митти дўнгликларга тўла тақир майдон. Кимдир маррага етиб келганда яна бир тупроқ тепалик пайдо бўлади.

Чол ўзининг ҳамманикидан баланд оқ тунукали томини илғаб қолади.

Атрофга аланглаб, ҳайратга тушади – манови жажжи тупроқ тепаликларга тўла яйдоқ макон уйига бу қадар яқинлигини шу пайтгача сезмаган экан. Манзил шунчалик яқинмиди, деб ўйлайди чол юксакда туриб. Ерда ғимирлаётган қора-куралар орасида фақат бир кичик жуссагина бошқалардан фарқли, баъзан ғимирлашдан тўхтаб, осмонга, сокин парвоз қилаётган қушга тикилганча, узок ўйга чўмиб қолади, гўё шу одамгина чолни тушуниб тургандек. Чол бу кимсани танигандек бўлади, пастлайди, ва яна пастлайди. Ахир бу одамни мен танийман-ку, деб ўйлайди...

– Дўхтир болам, бу сизмисиз?! – Чолнинг юзига мамнуният ифодаси балкиб чикди.

Қариянинг гапидан дўхтир беҳос чўчиб тушди, алаҳсиради деган ўйга борди, бироқ унинг чувак юзидаги бахтиёрликни кўриб ҳайрон қолди.

\* \* \*

Дўхтир хотинига телефон қилиб, бу кеч уйга қайтыпман деб айтган экан, қишлоқ ўша соатдаёқ бундан хабар топган эди. Катта йўл бўйидаги паккага айланган дўкон атрофидан кетолмай қолган одамлар баҳси тобора қизиб борарди. Ҳа, бугунги кун одамнинг энг катта орзуси – улов. Ҳамманинг кўзини оловдек куйдирадиган, яраклаган, мойи артилмаган улов. Абдурахимбойдек дунёнинг бир четини еб ётган одам учун битта улов “карнайчидан бир пуф” дегандек гап.

Бир маҳал сутга чайилгандек оппоқ машина тигдек ўткир чироклари билан тун қоронғусини чок-чокидан сўкиб келиб, дўкон ёнида тўхтади. Уловдан Ботир дўхтир ҳеч нарса бўлмагандек иршайиб тушиб келди. Кўзлари нурдан қамашган одамлар ҳангу манг эди. Оппоқ улов моторини ёқимли визиллатганча ортига қайтиб кетганда, дўхтир эса дўконга кириб, бир кило шакар, икки кило макарон харид қилиб, буни насия дафтарига ёздириб қўйганида уларнинг ҳайрати ўн, эҳтимол, юз чандон ошган эди.

– Ким айтди ҳаёт кинога ўхшайди деб? – кимдир зарда аралаш тўнғиллади.

2012 йил



## АҲИЛЛИК, ТОТУВЛИКНИ СЕНДА КЎРДИМ...

Шеър мутолааси – кўнгил байрами. Яхши шеър ҳамиша малҳам вазифасини ўтайди. Агар мутолаа ҳақиқий байрам кайфияти билан омухта бўлса, унда шеър қадри, мутолаа қадри, байрам кайфиятининг қадри янада ортади.

Биз бу галги сонимизни одатий анъанамиздан хиёл четлашган ҳолда жонажон Ўзбекистонимизга бағишладик. Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан мамлакатимизда яшаб, турли тилларда ижод қилаётган шоирларнинг ижодидан саралаб, Ватан, она юрт, қадриятларимиз, Ўзбекистонимиз халқларига хос урф-одатлар, меҳр-оқибат ҳақидаги шеърлардан байрамий гулдаста туздик.

Мушоирага марҳамат, азизлар!

### Валентина СОЛДАТОВА

Солдатова Валентина Ильинична. 1932 йил Россиянинг Кемерово вилоятида туғилган. 1964 йилдан Ўзбекистонда яшайди. Фалсафа фанлари номзоди, доцент. Шоир, бир неча шеърӣй тўпламлар муаллифи. Тошкентдаги Рус ва Украина миллий-маданий марказларининг фаол иштирокчиси.

#### ЎЗБЕКИСТОНДА КУЗ

*Биз кутамиз кузни бесабру тоқат,  
У бизга бахш этар салқинлик, роҳат.*

*Қушлар чуғури ҳам тобора кам-кам,  
Далалар ҳувуллаб этар хотиржам.*

*Ям-яшил япроқлар қувраб, саргайиб,  
Куз тўкин бойлигин ташлайди ёйиб.*

*Оптоқ қор қонлар сўнг пахтазорларни,  
Куз шарафлар бобо пахтакорларни.*

*Кузги ҳаво бирам тоза, мусаффо,  
Ҳарир тола кўкни боғлар шу асно.*

*Осмон остидаги унган неки бор –  
Неъматлар деҳқонга ўқийди алёр.*

*Осмонга бўй чўзган хирмонларни сиз,  
Сут ва ун қорилган тоғларми дейсиз.*

*Мева, ҳосил, хирмон дер бари-бари:  
“Олтиндир деҳқоннинг саҳий қўллари!”*

### Владимир КУДРЯЦЕВ

Кудряцев Владимир Леонидович. 1936 йилда туғилган. 1950-1953 йилларда меҳрибонлик уйида тарбияланган. Ўзбекистондаги Рус маданий марказининг ва “Булоқ” адабий-ижодий бирлашмасининг аъзоси.

#### ЭЗГУ САХОВАТ

*Боғлар шовуллайди. Гуллар барқ урар.  
Дон боғлаб тўлишар олтин бошоқлар.  
Болалар ўсади қувонтириб кўз. –  
Меҳру саховат-ла ўраб олсангиз.*

*Меҳрни бешик деб билган ҳар бир жон  
Қуёш ва сув каби зарур маҳали.  
Сабаби, Меҳр деган ҳаётбахш калом,  
Балолардан асрар тўмюр мисоли.*

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

36

... Ватанни ёв босган урушлар пайти,  
Бемажол инграниб тўккан эдим ёш.  
Биз ўзбек меҳридан ҳаётга қайтиб,  
Душманларга қарши тўпладик бардош.

Ёв босган йўллардан амаллаб ўтдик,  
Аччиқ тақдир муштин кўп тотдик сарсон.  
Биз – минг-минглаб етимона деб тутдик,  
Шу юрт паноҳ бўлиб берди меҳр, нон...

Теварак-атрофга боққанмиз ҳайрон,  
Кўзимизда қайнаб турарди қаҳр.  
Шунда ўртамизга тўшди таржимон,  
Унинг исми эди муқаддас Меҳр.

Эмишки, Ер шари китнинг бошида  
Чайқалиб турармиш...

Эҳ, мен куламан:  
Ахир Меҳр-муруватга суюниб, ҳа-ҳа,  
Тинч-сокин турганин аниқ биламан.

Изгиринда, қорда, рутубатларда  
Ер шари тинч-омон турган бўлса, бас,  
Бунга боис, меҳру муруватлардан  
Куч олиб яшар Ер мангу, муқаддас!

## Шерян АЛИЕВ

Шерян (Шерлан) Алиев. 1937 йил Украинанинг Қрим вилоятида, Қора денгиз туманида туғилган. Жиззахда вояга етган. Шоир, журналист. Низомий номидаги Тошкент педагогика университетини тамомлаб, ўқитувчи, туман газетасининг масъул котиби, Жиззах вилояти телерадиокўмитасининг бош муҳаррири бўлиб, ишлаган, бир қанча шеърый тўпламларнинг муаллифи.

### ЭЙ, КИТОБЛАР

Эй, китоблар, сассиз хитоблар,  
Оят каби севдим сизларни.  
Ўқиганга қувват берасиз,  
Қурашларга ундаб бизларни.  
Теранликни, гайрат-қувватни  
Денгизлардан оласизларми?  
Жасоратни, ҳақ-адолатни  
Халқ дилидан оласизларми?  
Сизни ўйлаб, хаёлга толиб,  
Тикиламан сўзларингизга.  
Қурашларда ўлса қаҳрамон,  
Ургатасиз “жанг” сўзин бизга.  
Оловларга отдилар сизни,  
Лекин ёниб кетмадингиз сиз.  
Олчоқ, мунофиқлар олдида  
Етиб сажда этмадингиз сиз.  
Сизга душман – менга ҳам душман,  
Қурашларга чиқарман жадал.  
Сизни севиб, қилмадим пушмон,  
Сиз қувончсиз, фахрсиз мукаммал.  
Чунки сизлар фақат дўст эмас,  
Мўъжизалар тула сандиқсиз.  
Сиз инсонга пок вужуддаги  
Она қалби каби содиқсиз!  
Сақлайсизлар аввал-азалдан,  
Она тилнинг ҳар бир сўзини.  
Яшайсизлар юриб қўлма-қўл,  
Сизда курар халқ ўз-ўзини.  
Сизни шундоқ яшасинлар деб,  
Юрак қони ила ёзганлар.  
Қалбга бориб жойлашсинлар деб,  
Кўкракларни чуқур қазганлар.  
Нурга тўлар китоб кирган уй,  
Ёнар маърифатнинг чироғи.  
Сизлар борки – дунё ёруғдир,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ



Китоб – маданиятнинг боги!  
 Фикрларнинг торозусида  
 Улчанади сиздаги маъно.  
 Агар ёлгон сўзлар айтсангиз,  
 Бундай кунни кўрмайлик асло.  
 Узоқ умр суриб бўларми  
 Сиздан ибрат олмасак ахир?  
 Ҳаётдан завқ тотиб бўлурму  
 Юксакларга учмай тафаккур!  
 Бировлар бор уйнинг тўрида  
 Зийнат учун китоб сақлагай.  
 Бу ҳам яхши, ва лекин афсус  
 Бир китобни очиб боқмагай.  
 Ахир билса, китоб ўқиса,  
 Китоб ичра ақлу дониш кўп.  
 Гар ўқиса, китоб зўр давлат,  
 Бонг урарди “Мана – офтоб!” деб.  
 Эй, китоблар! Сассиз хитоблар!  
 Оят каби севдим сизларни.  
 Ўқиганга чирой багишлаб,  
 Яшамоққа чорланг бизларни!

## Семён ГУТГАРЦ

Гутгарц Семён (Самуил Хаимович). 1938 йил Киевда туғилган. 1941 йилда эвакуация қилинган. 1946 йилдан буён Тошкентда яшайди. Муҳандис-самолётсоз. Шоир, ёзувчи, сценарийнавис.

### ТАҚДИРИМ ТОШКЕНТ

Эшалонлар ҳайқириб жўнаб кетмоқда Шарққа,  
 Болалигимни олиб учар номаълум ёққа.

Шарқда бир ўлка бормиш, турармиш қуёш балқиб,  
 Пичирлайман: “Хайр, Киев!” – видомиди бу балки?!

Бешафқат вақт бизларга қувонч багишламади,  
 Лекин Тошкент бизлардан меҳрини аямади.

Болалар шовқинига тўлди кичкина ҳовли,  
 Тандирноннинг ҳиди ҳам ёдимда ҳали-ҳали.

Сўнг... катта ёшда Днепр кенглиklarини кўрдим,  
 Лек дилда Ўрда, Анҳор билан суҳбатлар қурдим.

Кўрдим минг хил шаҳарлар – озодаю саришта,  
 Барибир ҳам Тошкентга бошлар мени ҳар ришта.

Тошкентдан олисласам еб ташлар мени ҳижрон,  
 “Қачон етиб борарман?” – ўтда қоврилади жон.

Фақатгина мен эмас, улкан мамлакат у вақт  
 Тошкентнинг ҳурмат, меҳрин ёдда тутарди албат.

Оддий бир темирчининг уйидаги болалар,  
 Қандай эсдан чиқарсин уруш даврини улар?

Менсиз жўнайверсинлар поездлар гарбга томон,  
 Мангу шаҳрим, сен билан мен биргаман ҳар қачон!

## Станислав КОЛМАКОВ

Колмаков Станислав Всеволодович. 1938 йил Запорожье (Украина)да туғилган. Юрист, ички ишлар подполковниги. Шоир ва эссенавис, ўндан ортиқ шеърий тўпламлар муаллифи. Заргарлик тошлари ҳақида “Тошлар салтанати” номли луғат-китоби ҳам бор.

### ТАНДИРНОН

Ўзбегимнинг нони, яъни тандирнон!  
 Мўъжизалар ичра мўъжиза, аъло!  
 Уйогин ҳам ерга туширмай асло  
 Оғзимга соламан, ширин, қадрдон!

Шунчалар ширинки, юшоқ, хушбўй ис,  
 Тишласанг, оғзингда эриб кетар, бас.  
 Уни табаррук деб айтишмас бежиз,  
 Неъматлар ичра ҳам ўрни муқаддас.

Ҳеч ким пичоқ тиқиб озор бермайди,  
 Тишлаб ҳам узмаслар ўндан бир бўлак.  
 Авайлаб ушатар, меҳмон ҳурмати,  
 Меҳмон ҳам қўшқўллаб тутмоғи керак.

Жон каби юшоқдир ноннинг теграси,  
 Ўртаси кисирлаб синади осон.  
 Энг бахтли инсон бу – нони бор киши,  
 Нонсиз тириклик йўқ, нон зарурдир, нон!

Дастурхонга аввал нон қўйилади,  
 Сўнгра чой, сўнг қанд-қурс, мураббо, асал.  
 Нон ҳақи-ла ҳатто онт ичилади,  
 У – шунчалар улуг, муқаддас азал...

Нонни қўлга олиб жим қолдим беун,  
 Бўйсуниб ўзбаки урф-одатларга.  
 Шу азиз неъматга етказгани-чун,  
 Шукурлар айтаман Парвардигорга!

## Вячеслав Ли

Ли Вячеслав Борисович. 1944 йилда Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида туғилган. Москва пединститутини тамомлаган, ўрта мактаб ўқитувчиси, газета муҳбири бўлиб ишлаган. Ўзбекистон Корейс маданий марказлари Ассоциацияси ёзувчилар ва журналистлар гильдияси (уюшмаси)нинг раиси. Ўзбекистонда “Вақт япроқлари” шеърий тўплами нашр қилинган.

\* \* \*

Тонг уйғонди бугун ҳам эрта,  
 Осмон кўм-кўк. Дунё чарогон.  
 Ҳаловат бор ҳув далаларда,  
 Чўққиларни кўз-кўзлар Чимён.

Сув оқади қўшиқлар куйлаб,  
 Мажнунтоллар силкинади шод.  
 Шаҳар-қишлоқ, водийлар бўйлаб,  
 Ороланар энг гўзал ҳаёт.

Ерга соя тўшайди чинор,  
 Бу меҳрни замин қилар ҳис.  
 Агар қалбда пок ҳисларки бор,  
 Демак, биз ҳам инсон эканмиз.

Шукрона бор борлиқ тилида,  
 Ҳар қадамда ҳаётдан мастлик.  
 Мумкинми бу ўзбек элида  
 Яшаб туриб, бахтли бўлмаслик?!

Севдикми шу ватанни магар,  
Сақлагаймиз ҳурмат, садоқат.  
Тинч бўлинг, эй танги одамлар,  
Юртдошларим, сизга бахт, омад!

## Владимир КУЗНЕЦОВ

Кузнецов Владимир Иванович. 1947 йилда туғилган. 1971 йил Россиядаги физика-техника институтини тамомлаган. Зеленограддаги илмий марказда, Россия ФА нинг АҚШ ва Канада институтида Россиянинг Қозоғистон ва Озорбайжондаги элчихоналарида ишлаган. Шоир, дипломат-маслаҳатчи. “Севаман”, “Мўъжизалар буржида” (Ўзбекистон ҳақида) шеърӣ тўпламларининг муаллифи.

### УЛУҒ ШАҲАРЛАР

Уч улуг шаҳар бор дунёи дунда,  
Ер юзи ҳайратда жим боқар: эвоҳ!  
Улар – кўз қувончи, завқ эрур дилда,  
Самарқанд, Бухоро ва яна Хива!

Нақшларда асрлар намоён бўлар,  
Истеъдод, меҳнат ва ижод мужассам.  
Ҳар бир гишт муқаддас тарихдан сўзлар,  
Жим тинглаб тургудай Парвардигор ҳам.

Шаҳарлар, тилайман виқор, шукуҳлар,  
Инсон ижод қилсин энг аъло ишни.  
Бобо тарих ўзи яхшироқ билар,  
Каерда, нимани, қачон қуришни.

Балки янгиланар юлдуз, бурж, фалак,  
Е сафи ўзгарар сайёраларнинг.  
Лек муқаддас ўрни мангу туражак  
Хиваю Бухоро, Самарқандларнинг.

## Людмила ОРЛОВА

Орлова Людмила Николаевна. 1947 йил Ингушетияда туғилган. Москвадаги М. Ломоносов номидаги университетни тамомлаб, “Рабочая трибуна”, “Правда Востока”, “Торговая газета” да Марказий Осиё бўйича мухбир бўлиб ишлаган.

### ЭЪТИРОФ

Хайём.  
Ҳофиз.  
Хусрав. –  
Сеҳрли номлар.  
Сизга меҳрим бўлак. Сизлар – илҳомбахш.  
О, жозибадор Шарқ, аллақачонлар,  
Ишиқингни қалбимга нақш қилганман, нақш.

То қуёш сочаркан дунёга пок нур,  
То замин Ишқ, Шафқат ҳукмида экан,  
Ут-оловли, гўзал шеър ёзиларкан,  
Шарқнинг шоирлари пешқадам эрур.

### ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Тўлди ёндафтарим саҳифалари,  
Унда иншо бўлди ишқ тўла ҳикмат.  
О Шарқ, донишманд Шарқ, шу туҳфаларинг –  
Аъло ҳикматларинг учун минг раҳмат!

### ШАФТОЛИ

Шафтоли гуллади. Қийғос гуллади.  
Қайларгадир кетиб қолгим келади.  
Қочгим келар уйдан, таишвишдан йироқ,  
Богда шафтолилар гуллаётган чоқ.

Кўз ёшлар қуриди. Битди ўпка, кек –  
Худди бир азиз дўст келиб қолгандек.  
Осмон пок, ўйлаган ўйларим ҳам, пок,  
Богда шафтолилар гуллаётган чоқ.

Кундузлар чарогон. Хаёт фаровон.  
Хадемай болалар кезади шодон.  
Мен ҳам шод яшайман, шўх-шаън ва қувноқ,  
Богда шафтолилар гуллаётган чоқ.

### Валерий КАЗАНЖАНЦ

Казанжанц Валерий Иванович. 1950 йил туғилган. Психология фанлари мутахассиси. Шоир, адиб, “Нуҳ кемаси” адабий-ижодий уюшмасининг раҳбари. Ўзбекистондаги Арман миллий-маданий маркази бошқаруви раҳбарларидан.

### МУҲАББАТИМ МЕНИНГ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ҳар томчининг шаклу шамойили бор,  
Тақдири бор, қилар вазифаси ҳам.  
Ҳар нигоҳ ва ҳар бир нафасда такрор  
Замона шиддати, ранги мужассам.

Мана, йиллар ўтди, қадим ва улуг  
Мамлакат йўл топди дунёлар ора.  
Покиза нурлардан келажак ёруғ,  
Зероки, нур билмас чеку чегара.

Омон бўл, мустақил Ватаним менинг,  
Яйра, эй табиат, чирой оч яна.  
Боқий давом этсин тантаналаринг,  
Улуг Мустақиллик, эзгу тарона!

Нафас, эзгу умид, пок севги аҳди,  
Ўз йўлингни излаш эркинлиги ҳам,  
Мақсадга интилиш, яшамоқ бахти –  
Арзийди бари-чун шукрона айтсам!

Бахтлиман: уйимда тўла дастурхон,  
Тўнлар уйқуларим осуда, хумор.  
Жаннати ватаним – ҳур Ўзбекистон,  
Мен унга фарзандман! Шукрим кўп, бисёр!

Уйим тоқзор, гулзор билан чулганган,  
Нурларга вобаста ҳовлида ўсдим.  
Ўзбекча мулоқот қилар мен билан,  
Эшигимдан кириб келган ҳар дўстим.

*Иқболга ошнодир умрим кунба-кун,  
Қайғу-ғамни нари иргитар жоним.  
Қалбим, муҳаббатим, меҳрим, инчунун,  
Бахтим – сен ўзингсан, Ўзбекистоним!*

## Мекембой ЎМАРОВ

Мекембой Ўмаров. 1949 йилда Тошкент вилоятининг Қибрай туманида таваллуд топган. Шоир, Ўзбекистон ва Қозоғистон ёзувчилар уюшмаларининг аъзоси. Бир қанча шеърий ва насрий асарлар, шунингдек, қозоқ тилидаги ўрта мактаблар учун ёзилган дарсликлар, ўқув қўлланмаларнинг муаллифидир. Алишер Навоий, Ўткир Ҳошимов асарларини қозоқ тилига таржима қилган. У Олмаота ва Тошкент шаҳарларида ўтказилган бир неча Халқаро айтишув мусобақаларида ҳам оқин сифатида иштирок этиб, ғолиб чиққан.

### ЭЛЛАР ТИЛАГИ

*(Бу терма шеър Тошкент шаҳрида улуг қозоқ шоири Абайга  
хайкал очилган кунлар муносабати билан ёзилди)*

*Яхшиликка боглардинг,  
Ҳар бир кунни,  
Чечанликда ўтказмай сен ҳеч кимни.  
“Хушёрлик-у эпчиллик,  
Тадбиркорлик  
Бари бор!” – деб мақтардинг ўзбегимни.*

*Улуг иш – денгиз ошмоқ,  
Тоғ ошмоқ ҳам,  
Ёвники – ёқалашмоқ, довлашмоқ ҳам.  
Гапинг рост, донишмандим,  
Огайнининг  
Ўир-бири-ла шаҳри ҳам  
Ёвлашмаган.*

*Кенг далада қозогинг  
Тинмай кезди,  
Топилган бир яхшини мингдай сизди.  
“Ўзбекнинг қилмайдиган ҳунари йўқ!”  
Сендан бурун ким айтган  
Бундай сўзни?!*

*Юрганнинг йўқ тоғ-тошни  
Узоқ ошиб,  
Қазигуртдан тушгансан уч бор ошиб.  
Амир Темур баҳодир,  
Навоий ҳам  
Турар, ана, ўзингга қучоқ очиб.*

*Ўзбек билан қозоқнинг  
Авлодига,  
Омад қўшди Тангрим ҳам  
Омадига.  
Оёқлардан тортса ҳам  
Қасд ёвларинг  
Қўшилди чирой, савлат – савлатинга.*

*Вақт – шамол,  
Кимса йўқдир ўтса ундан,*



Орзу шул:  
Юксалайлик ўнгдан сўлдан.  
Юртбошимиз  
Нурли сўз айтди топиб:  
"Қарсак ҳам чиқади, – деб, –  
Икки қўлдан.

Тошкентда ўрнинг топдинг  
Гулдай бўлиб,  
Тонг қолмасдан бўларми  
Завққа тўлиб.  
Юртбошимнинг ўринли топган сўзин  
Маъқул, деди Нурсултон кундай кулиб.

Огасининг ҳузурига уни келиб,  
Ярашимли сўз айтди маъқул қилиб.  
Президентлар кўмайдан бол оқизди,  
Бирига ёқар сўзни  
Бири билиб.

Халойиқ шод яйраса –  
Ким чидайди?!  
Табиат ҳам заминни қамчилади.  
Президентлар айтганда қутлуг тилак,  
Оқ ёмғирлар қувониб томчилади.

Ҳар кимнинг бахти ерда ёниб юрсин,  
Ҳар ким ўз nasibасин топиб юрсин.  
Навоий ҳам Остонага борганида,  
Аллоҳнинг нури кўкдан ёғиб турсин.

Зўрдан қўриб,  
Кечаги тўрдан қўриб,  
Сариорқага қиронлар тўлган қўниб.  
Не бахтдир бу –  
Навоий Остонада  
Турса агар Қозоққа қўргон бўлиб!

## Ақчагул ТҮЛЕГЕНОВА

Ақчагул Тўлегенова. 1971 йили Навоий вилоятининг Конимех туманида туғилган, 1994 йилда Қозоғистон Миллий университетининг журналистика факультетини битирган. 2002 йилда шоиранинг "Эркалагим келади", 2006 йилда "Соғинч" номли шеърий китоблари чоп этилган. Ҳозирда Конимех тумани халқ таълими бўлимида бўлим мудири вазифасида ишлайди.

### ҚАЛДИРҒОЧ

Бор дунёси бунёддай ҳаяжондан,  
Бизнинг уйга қалдирғоч уя солган.  
Бизнинг уйга қалдирғоч уя солгач,  
Худо менга зўр бахтни бера қолган!

Ҳар ҳаракат – гўзаллик, комиллик бор,  
Ишсиз турмас, қимирлар, учмас бекор.  
Одамларда мен сийрак учратаман,  
Қалдирғочда комил бир тотувлик бор!

Жуфтлик – поклик лаззатин топиб улар,  
Чирқиллайди уяда ётиб улар.  
Эвоҳ, дейсиз, дунёда одамлар бор,  
Фароғатни юрарлар сотиб улар.

*Кел, қалдиргоч, жонимга уя солгин,  
Жипс тотувлик – қушларда, дей оларман.  
Аҳиллик, тотувликни сенда кўриб,  
Одам бўлиб юрганимга уяларман.*

*Улансин тонгларга тун, азиз қушим,  
Ҳар доим меҳрга ташна ғариб бошим.  
Ер юзида топмасам ҳаловатни,  
Сен мени уянгга ол, қалдиргочим!*

*Уянгга киргиз мени, полапон қил,  
Тухумдан энди чиққан чалажон бил.  
Уянгда бир ухлайин мазза қилиб,  
Вужудимни аллала сен қуш – оқил!*

*Кел, қалдиргоч, ёнингда тин оларман,  
Жипс тотувлик – қушларда, дей оларман.  
Аҳиллик, тотувликни сенда кўриб,  
Одам бўлиб юрганимга уяларман.*

## *Наврўзбой Жарбўсин ўғли*

Наврўзбой Жарбўсин ўғли. 1975 йил Навоий вилоятининг Конимех туманидаги Қизилқудуқ овулида туғилган, 1997 йил Қозоғистон Миллий университетини битирган. Конимех туманида ўқитувчи. Шеърлари вақтли матбуотда мунтазам эълон қилиб борилади. Қозоғистонда ўтказилган бир қанча халқаро даражадаги мушоираларда иштирок қилиб, совриндор бўлган.

### **АБАЙ**

*Улуғ Гёте, рост, оламда шухратли,  
Пушкин ҳам бор, Лермонтов бор – бари зўр.  
Криловнинг масаллари ибратли,  
Даҳоларнинг сўзи – олтин, кумуш, дур.*

*Бу кенг жаҳон – буюкларнинг элидир.  
Буюкларни таниб олсин ҳамма дер.  
Бор дунёни ўз шеърига қаратди  
Саъдий, Ҳофиз, Фузулий ва Алишер.*

*Сўз подшоҳи сараланган элларда  
Кўз етмаган чўққиларга сўз етди.  
Манов бир гап нақ улўғлик эмасми –  
Абай барин ўз тилида сўзлатди!*

*Шоир сўзи – сўнмас юлдуз, ўлмас кун,  
Буюклик шу – буюкларни сўзлатар!  
Сўз зарғари – Абай, десам, энди ким  
Маъқулламай, сўзларимни рад этар?!*

*Буюклардан сўз очмоқнинг вақтидир,  
Даҳолардир ҳар бир халқда аржуманд.  
Ҳар қандай халқ бахтлидир-ов, бахтлидир,  
Абай каби ўғли бўлса донишманд.*

*Улуғ қалблар халққа машъала бўлса,  
Улуғларнинг тили – ширин, ажаб, хўб!  
Агар Абай замонида туғилса,  
Пушкинлар ҳам кетарди-я қозоқ бўн!...*

<sup>1</sup> Абайнинг кўплаб жаҳон шеърияти вакиллариининг шеърларини қозоқ тилига таржима қилганлигига ишора.

## Владимир ВАСИЛЬЕВ

Васильев Владимир Германович. 1948 йил Россиянинг Ярославль вилояти, Рибинск шаҳрида таваллуд топган. Тошкентда таҳсил олган. Техника фанлари номзоди. Шоир ва адиб. “Уқ парвози” шеърӣй тўпламининг, “Фан – фан сифатида”, “Меҳмонхона”, “Микробча” номли романлар муаллифи. Тошкентда яшаб, ижод қилади.

### БИЗ КИММИЗ?

*Ольга Бейсга*

Тақдир китобида  
 Биз ўзи киммиз?  
 Уринсиз қўлланган  
 Тиниш белгимиз?!  
 Балки галат тушган,  
 Еки терс турган  
 Пойинтар-сойинтар  
 Нуқталармизми?  
 Еки сознинг  
 Оҳангдорлигин бузиб,  
 Янглиш чалинишидан безиб  
 Тор қаторда турган  
 Пардалармизми?  
 Балки биз, балки биз  
 Умид ҳарфимиз?  
 Эҳтирос мавж уриб  
 Турган чогида,  
 Е тўполон авжга  
 Келган чогида  
 Эзуликка довул  
 Қоқар зарбимиз?!  
 Балки қора тунда  
 Порлаган бир из –  
 Илоҳий ваҳийнинг хабарчиси биз?  
 Фалакни огоҳлаб  
 Бало-қазодан,  
 Фалокатларданми,  
 Қулфат, азобдан,  
 Омон қолмоқ йўлин  
 Кўрсатадирмиз?  
 Тақдир сатрлари,  
 Тақдир сатрлари,  
 Бизми ўша –  
 Айтилганларнинг бари.  
 Не ёзилса – амалга  
 Оширадирмиз,  
 Амал оширмоққа  
 Шоширадирмиз.

Тақдир китобида  
 Биз ўзи киммиз?  
 Биз – қогоз, сиёҳ ва нонга маҳкуммиз...

## Николай ИЛЬИН

Ильин Николай Димитриевич. 1950 йил Златоуст (Россия) шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультетини тамомлаган. Ўзбекистон олий таълим даргоҳларида фаолият кўрсатади. “Биринчи дафтар”,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

“Руҳият оҳанглари”, “Вақт беланчаги” каби шеърӣй тўпламлари муаллифи. Ўзбек шеърӣятидан таржималар қилади.

## МИНОРАДАН ТАРАЛАДИ САС

*Тонг тирқиш излайди тун гирдобида,  
Оқиб кирса дейди фалаклардан нур.  
Арабий хатга тил урган чогида  
Илоҳий овозлар ёприлиб келур.*

*Шунда... тун уфқни тарк этмай туриб-оқ  
Ваҳийлар етади фалак қаъридан.  
Дунё кўз ишқалаб очади қовоқ,  
Парвардигоримнинг даъватларидан.*

## ТОШКЕНТ ЭЪТИРОФИ

*Болаликнинг шўх байрамлари,  
Ёш дўстларга садоқат, вафо. –  
Қардошликка айланса бари,  
Бундан афзал нарса йўқ асло!*

*Япроқларнинг тилларанг нақши,  
Ҳар ҳовлининг эшигида гул –  
Не нарса бор шаҳардан яхши,  
Сени севиб қолган бўлса ул!*

*Табиатнинг самимий қалби,  
Тарих каби узун ҳикоя –  
Сени севса мамлакат халқи,  
Афзал не бор бундан ҳам гоят!*

*Хотирангни ёритса дангал,  
Болаликдан таралган бир нур –  
“Яхшиликка – яхшилик” деган  
Сўздан аъло нима бор ахир!*

*Музаффар АҲМАД  
таржималари*



Ф.М. ДОСТОЕВСКИЙ

## ИБЛИСЛАР

Роман<sup>1</sup>

САККИЗИНЧИ БОБ

ИВАН-ШАХЗОДА

Улар чиқишди. Петр Степанович тўс-тўполонни босиш учун «мажлис»га қайтиб кирмоқчи бўлди-ю, яна шунча овора бўлиб ўтираманми деб, фикридан қайтди ва икки дақиқадан сўнг чиқиб кетганларнинг изидан жон ҳалпида югурди. Чопиб кета туриб Филипповнинг уйига яқинроқдан чиқадиган тор кўча эсига тушди; тиззасигача лойга ботиб, тор кўчадан югурди ва ҳақиқатан ҳам, Ставрогин билан Кириллов дарвозадан ўтишаётганда уларга етиб олди.

– Дарров етиб келдингизми? – деди Кириллов. – Жуда соз. Киринг.

– Сиз бир ўзим тураман деб айтмовдингизми? – сўради Ставрогин даҳлизда қайнаб турган самовар ёнидан ўтаркан.

– Ҳозир кўрасиз ким билан яшашимни, – тўнғиллади Кириллов, – ичкарига кириг.

Ичкарига киришган заҳоти Верховенский боя Лембке берган имзосиз хатни чўнтагидан чиқарди-да, Ставрогиннинг бурни тагига қўйди. Учовлари ҳам ўтиришди. Ставрогин миқ этмай хатни ўқиди.

– Хўш? – сўради у.

– Бу аблах ёзганини қилади, – тушунтирди Верховенский. – У сизнинг ихтиёрингиздаги одам бўлгани учун маслаҳат беринг, нима қилайлик. Ишончим комилки, балки у эртагаёқ Лембкенинг олдига боради.

– Борса бораверсин.

– Қандай? Олдини олса бўлади-ку.

– Сиз янглишяпсиз, у менга боғлиқ эмас. Менга эса бари бир; у менга дўқ қилаётгани йўқ, фақат сизга дўқ-пўписа қилаяпти.

– Сизга ҳам.

– Ундай эмас.

– Аммо бошқалар сизни соғ қўймасликлари мумкин, наҳотки тушунмасангиз? Қулоқ солинг, Ставрогин, бу хаммаси сўз ўйини. Наҳот чиқаргингиз келмаяпти?

– Нима пул керак бўладими?

– Албатта, икки мингча, жуда бўлмаса, бир ярим минг. Эртага ёки бугун менга беринг ва мен уни Петербургга жўнатиб юбораман, ўзи шуни хоҳлаяпти. Истасангиз, Марья Тимофеевнани ҳам қўшиб юбораман, – буни эйтиборга олиб қўйинг.

<sup>1</sup> Давоми. Боши 2013 й. 1-2-3-4-5-6-7-сонларда.



Нимадандир унинг мияси чувалашиб қолган, гап-сўзлари ҳам қандайдир жуда эҳтиётсиз, ўйламай гапириб юборарди. Ставрогин унга ажабланиб қарарди.

– Марья Тимофеевнани жўнатишнинг ҳожати йўқ.

– Балки ўзингиз хоҳламаётгандирсиз? – истехзоли кулди Петр Степанович.

– Балки, хоҳламасман.

– Хуллас, пул бўладими ё йўқми? – чидамсиз қаҳр-ғазаб билан амрона қичқирди у Ставрогинга. Ставрогин унга жиддий назар солди.

– Пул бўлмайди.

– Ҳей, Ставрогин! Сиз ниманидир биласизми ёки аллақачон бир нима қилдингизми? Майшатбозликми?

Унинг башараси қийшайди, лабларининг чети учди, бирдан қандайдир ўринсиз ва ярашмайдиган тарзда кулди.

– Ахир сиз мулк учун отангиздан пул ундирдингиз, – хотиржам деди Николай Всеволодович. – Онам сизга Степан Трофимович учун олти ё саккиз минг берди. Ўша пулдан бир ярим мингни бера қолинг. Охир-оқибат мен бегоналар учун қачонгача пул бераман, шундоқ ҳам кўп пул сарфладим, менга ҳам алам қилади... – у ўз сўзларидан илжайиб қўйди.

– Э, сиз ҳазиллашяпсизми?..

Ставрогин ўрнидан турди, шу заҳоти Верховенский ҳам сапчиб қўзғалди ва беихтиёр эшик томонни тўсди. Николай Всеволодович уни йўлдан четлатиш учун ҳаракат қилди-ю, аммо бирдан тўхтади.

– Мен сизга Шатовни бермайман, – деди у. Петр Степанович сесканиб тушди; икковлари бир-бирларига тикилишиб қолдилар.

– Мен сизга боя Шатовнинг қони сизга нима учун керак бўлиб қолганлигини айтдим, – кўзларидан ўт чакнаб деди Ставрогин. – Сиз бу бўёқ билан тўдаларингизни мустаҳкамламоқчисиз. Сиз ҳозир Шатовни қойилмақом қилиб ҳайдаб чиқардингиз: у ҳеч қачон «чақмайман» демаслигини, ёлғон гапиришни эса пасткашлик деб билишини яхши тушунардингиз. Аммо мен-чи, мен сизга нима учун керак бўлиб қолдим? Чет элда кўришгандан бери ҳоли-жонимга қўймайсиз. Менга шу пайтгача бу борада тушунтирганларингизнинг бари фақат алаҳсираш. Яна сиз мени Лебядкинга бир ярим беришга қистаяпсиз, бу Федька уни сўйиб кетишига бир баҳонайи сабаб бўлади. Мен сизнинг фикрингизни уқиб турибман, мени хотинини ҳам сўйсин дейсиз. Мени шу тариқа жиноятга бошлаб, сўнг кишанлаб олиб устимдан ҳукмрон бўлмоқчисиз, тўғрими? Нима қиласиз устимдан ҳукмрон бўлиб? Нима керагим бор сизга? Алал оқибат кўзингизни катта очиб қаранг: сизнинг одамингизга ўхшайманми? Мени тинч қўйинг.

– Олдингизга Федьканинг ўзи келдими? – бўғилиб деди Верховенский.

– Ҳа, у келди; унинг баҳоси ҳам бир ярим минг... Ҳе, ана ўзи айтсин, ана ўзи турибди... – қўлини чўзиб кўрсатди Ставрогин.

Петр Степанович шарт ўгирилиб қаради. Остонада, ним қоронғуликда калта пўстин кийган бошяланг Федьканинг гавдаси қорайиб кўринарди. У текис тишларининг оқини кўрсатиб тиржаярди. Унинг сарғимтил турланган қора кўзлари хонага эҳтиёткорона назар солар, афандиларни кузатарди. У нима гаплигини англамасди; чамаси, уни ҳозир Кириллов бошлаб келган ва энди унга саволомуз қараб-қараб қўярди; у остонада турар, ичкарига киришга оёғи тортмасди.

– У ҳойнаҳой бу ерда бизнинг олди-сотдимизни кўргани ва пулнинг дарагини эшитгани турган бўлса керак, шундай эмасми? – сўради Ставрогин ва жавобини ҳам кутиб турмай хонадан чиқди. Верховенский худди ақлдан озаётгандай унга дарвозада етиб олди.

– Тўхта! Қимирлама! – деб қичқирди у Ставрогиннинг тирсагидан тутиб. Ставрогин кўлини силтаб тортди, лекин тортиб ололмади. У кутуриб кетди: сўл кўли билан Верховенскийнинг сочларини чангаллади-да, бор кучи билан уни кўтариб ерга урди-ю, дарвозадан чиқди-кетди. Аммо у ҳали ўттиз одим ҳам юрмаган эдики, яна Верховенскийни қувиб етди.

– Ярашайлик, ярашайлик, – дея титраб-қақшаб пичирлади у.

Николай Всеволодович елкаларини учирди-ю, аммо тўхтамади, қайрилиб ҳам қарамади.

– Менга қаранг, мен эртагаёқ сизга Лизавета Николаевнани олиб келаман, хоҳлайсизми? Йўқми? Нега жавоб бермайсиз? Айтинг, нима истайсиз, мен қиламан. Қулоқ солинг: мен сизга Шатовни бераман, хоҳлайсизми?

– Сиз уни ўлдирмоқчи бўлиб юрган экансиз, тўғри экан-да? – қичқирди Николай Всеволодович.

– Нима қиласиз Шатовни? Нимага? – дерди Верховенский бўғилганча жавабаси тутиб, ўзи ҳам чамаси билмаган ҳолда дам-бадам олдинга югуриб ўтаркан, Ставрогиннинг тирсагидан тутиб. – Менга қаранг, мен уни сизга бераман, ярашайлик. Сизнинг ҳисобингиз улуғ, аммо... ярашайлик!

Ставрогин ниҳоят унинг афтига қаради ва ҳайратга тушди. Бу ҳозиргина хонада кўрганидай ёки доимгидай нигоҳ, доимгидай овоз эмасди; бу тамомила ўзгача бир афт-башара, ўзгача турқ эди. Овозининг оҳанги ҳам бошқача: Верховенский ялиниб-ёлворар, ўтинарди. Бу энг қимматли нарсаси тортиб олинаётган ёки тортиб олиниб бўлган, аммо ҳали ҳуши ўзига келмаган бир одам эди.

– Э, сизга ўзи нима бўлган? – қичқирди Ставрогин. Анови эса жавоб бермади, аммо ҳамон унинг ортидан чопар ва қатъият акс этган кўзлари билан ёлвориб боқарди.

– Ярашайлик! – пичирлади у яна. – Қулоқ солинг, менинг қўнжимга худди Федькага ўхшаб пичоқ солинган, аммо сиз билан мен ярашаман.

– Э, мени бошингизга урасизми, ҳувари! – қаттиқ дарғазаб бўлиб, ажабланиб қичқирди Ставрогин. – Нима, бир сир борми бу ерда? Нима, мени тумор қилмоқчимисиз?

– Қулоқ солинг, биз фитна чиқарамиз, – ғўлдирарди анови шоша-пиша алаҳлаётгандай. – Сиз ишонмайсизми биз фитна чиқаришимизга? Биз шундай фитна соламизки, ҳаммаси остин-устин бўлиб кетади. Кармазинов ҳақ, тутадиган жойи йўқ. Кармазинов жуда ақлли. Бутун Россияда фақат ўнтагина шундай тўда бўлса, кейин мени тутиб бўпти.

– Яна ҳаммаси шунақанги аҳмоқлар, – истар-истамай оғзидан чиқиб кетди Ставрогиннинг.

– О, пича аҳмоқроқ бўлинг, Ставрогин, пича аҳмоқроқ бўлинг ўзингиз! Биласизми, сизга бундай истак билдирай десам, сиз ахир унчалик ҳам ақлли эмассиз: сиз кўрқасиз, сиз ишонмайсиз, сизни миқёслар чўчитади. Нега энди улар аҳмоқ бўлсин? Улар унақа аҳмоқ эмас; ҳозир кимга қарама, ақли ўзиники эмас. Ҳозир айрича ақллар ғоятда оз. Виргинский жуда тоза одам, бизга ўхшаганларга қараганда ўн баровар тозароқ; майли, уни қўя турайлик. Липутин фирибгар, аммо мен унинг бир нуқтасини биламан. Ўзининг бир нуқтаси бўлмаган фирибгар йўқ. Фақат Лямшиннинг ҳеч

қандай нуктаси йўқ, лекин у менинг қўлимда. Яна бир нечта шундай тўда бўлса, менинг қўлимда ҳамма ерда паспортлар ва пул бўлади, бу озми? Биргина шунинг ўзи етмайдими? Яна яширин жойлар, борсин қидираверсин. Битта тўдани юлиб ташлайди, бошқасига орқасини қўйиб ўтиради. Биз фитна ясаймиз... Наҳот, сиз ва мен бунга тўла кифоя эканимизга ишонмайсиз?

– Шигалевни олинг, мени тинч қўйинг...

– Шигалев жуда ўткир одам! Биласизми, у Фуръега ўхшаган даҳо; аммо Фуръедан жасоратлироқ, Фуръедан кучлироқ; мен у билан шуғулланаман. У “тенглик”ни ўйлаб топган!

“Унинг иситмаси бор, алаҳсираяпти; унга бошқача бир нарса бўлганга ўхшайди”, – Ставрогин яна бир карра унга разм солиб қаради. Икковлон тўхтамай кетиб боришарди.

– Унинг дафтарида ҳаммаси яхши, – давом этарди Верховенский, – унда жосуслик бор. Унда жамиятнинг ҳар бир аъзоси бошқасини назорат қилади ва етказиб туради. Ҳар бир кимса ҳаммага тегишли ва ҳамма эса бир кишига. Барчаси қуллар ва қулликда тенг. Наридан тўхмат ва қотиллик, энг муҳими эса – тенглик. Энг аввало таълим, илм-фан, қобилиятларнинг даражаси пасаяди. Илм-фан ва истеъдодларнинг юксак даражаси фақат юксак қобилиятларгагина тегишли, юксак қобилиятларнинг кераги йўқ! Юксак қобилиятлар ҳар доим ҳокимиятни эгаллаб олган ва мустабид бўлган. Олий қобилиятлар мустабид бўлмай иложи йўқ ва ҳар доим фойда келтиришдан кўра кўпроқ бузғунчилик қилган; улар ё қувғинга учраган ва ё калласи кетган. Цицероннинг тили кесилган, Коперникнинг кўзи ўйилган, Шекспир тошбўронга учраган – шигалевчилик ана шу! Қуллар тенг бўлмоғи даркор: ҳали истибдодсиз на эркинлик ва на тенглик бўлган, аммо подада тенглик бўлмоғи даркор, ана сизга шигалевчилик! Ва-ха-ха, сизга ғалати туюляптими? Мен шигалевчилик тарафдориман!

Ставрогин қадамни жадаллатар, уйга тезроқ етиб боришни истарди. “Бу таъвия маст бўлиб қолганга ўхшайди, аммо дарров қаерда бунча ичиб улгурди? – ўйларди у. – Наҳотки, коньяк ичган бўлса?”

– Қулоқ солинг, Ставрогин, тоғларни текислаш – яхши фикр, кулгили эмас. Мен Шигалевни айтяпман! Таълимнинг кераги йўқ, илм-фан ортикча даҳмаза! Илм-фансиз ҳам материал яна минглаб йилга етади, аммо бўйсунмишга ўрганиш лозим. Дунёда фақат бир нарса етишмайди: Итоаткорлик. Таълимга ташналик доим аслзодалар ташналиги бўлган. Озгина оила, озгина севги-муҳаббат бўлдими, тамом, эгалик қилиш истаги бошланади. Биз истакларни ўлдираемиз: ичкиликбозлик, фиску фасод, чакувни авж олдираемиз; ақл бовар қилмас бузукчиликка йўл қўямиз; ҳар бир даҳони ҳали гўдак чоғидаёқ сўндираемиз. Ҳаммасини битта махражга: тенгликка олиб келамиз. “Биз касб-ҳунарни ўргандик, биз виждонли кишилармиз, бизга бошқа ҳеч нарса керак эмас”, деб чиқишди яқинда инглиз ишчилари. Фақат зарур нарсагина зарур – бундан сўнг ер юзининг шиори шундай бўлажак. Аммо талваса ҳам керак; биз, ҳокимлар бунинг эпини қиламиз. Тўла итоаткорлик, тўла қиёфасизлик, шу билан бирга ўттиз йилда бир марта Шигалев талвасага солади, шундан сўнг ҳамма маълум бир нуктагача бир-бирининг гўштини ейди, шундай қилинса, зерикиб қолишмайди. Зерикиш аслзодаларнинг сезгиси; шигалевчиликда истаклар бўлмайди. Истак ва азоб бизга, қулларга эса шигалевчилик.

– Сиз ўзингизни истисно этасизми? – деган сўз оғзидан чиқиб кетди Ставрогиннинг.

– Сизни ҳам. Биласизми, мен дунёни папага бермоқчи эдим. Майли, у ялангоёқ, пиёда бўлиб халқ орасига чиқсин: “Мана, кўринг, мен қай ахволга тушдим!” – деб айтсин, кейин ҳамма унинг орқасидан кетади, ҳатто кўшин ҳам. Папа тепада, атроф-тумонотда биз, тагимизда эса шигалевчилик. Фақат тепага Internationale рози бўлиши керак; ўшандай ҳам бўлмай. Чоли тушмагур эса дарров кўнади-кўяди. Унинг бошқа чораси ҳам йўқ, ҳали менинг бу сўзларимни эсларсиз, ва-ха-ха, аҳмоқонами? Айтинг, аҳмоқонами, йўқми?

– Бас, – гўлдиради Ставрогин ғаши келиб.

– Бас, қулоқ солинг, мен папани ташладим! Жин урсин шигалевчиликни! Жин урсин папани! Куннинг муҳим бир гапи бўлсин, шигалевчиликка бало борми, чунки шигалевчилик заргарона иш. Бу идеал келажакда асқотади. Шигалев заргар ва аҳмоқ, филантроплар ҳаммаси аҳмоқ. Қора иш керак. Шигалев эса қора ишдан қочади. Қулоқ солинг: Ғарбда папа бўлади, бизда, бизда эса сиз бўласиз!

– Э, нари тулинг, маст бўлиб қопсиз! – тўнғиллади Ставрогин ва қадамни тезлатди.

– Ставрогин, сиз гўзал йигитсиз! – завқ билан кичкириб юборди Верховенский. – Чиройли йигитсиз, биласизми? Сиздаги энг қимматли нарса шуки, сиз баъзан буни билмайсиз. О, мен сизни ўргандим! Мен сизга бурчакда туриб ён тарафдан бот-бот қарайман! Сиз ўзингиз биласизми, йўқми, сиз ҳатто соддадил, камсукумсиз? Ҳалиям шундай, шундай. Сиз ўша соддадилликдан азоб чексангиз керак. Мен гўзалликни севаман. Мен нигилистман, лекин гўзалликни севаман. Ахир нигилистлар гўзалликни севмайдилар, деб ўйлайсизми? Улар фақат санамларни севмайдилар, мен эса санамни севаман! Сиз менинг санамимсиз! Сиз ҳеч кимни ҳақорат қилмайсиз, шунинг учун сизни ёмон кўришади; сиз ҳаммага баравар қарайсиз, шунинг учун сиздан ҳамма кўрқади, бу яхши. Елкангизга қоқиб кўйиш учун ҳеч ким ёнингизга келмайди. Сиз ёмон оқсуяксиз. Оқсуяк демократ бўлса, у ғоятда мафтункор! Сиз ўзингизни ҳам, бошқа бировни ҳам қурбон қилишингиз ҳеч гап эмас. Сиз айнан керак одамсиз. Менга, айнан сизга ўхшаган одам керак. Мен сиздан бошқа ҳеч кимни билмайман. Сиз сардорсиз, сиз куёшсиз, мен сизнинг оёғингиз остида бир чувалчанг...

Кутилмаганда у Ставрогиннинг кўлини ўпди. Ставрогиннинг елкаси увишиб, живирлашиб кетди ва чўчиб кўлини тортиб олди. Улар тўхтаб қолишди.

– Ақлдан озибсиз! – пичирлади Ставрогин.

– Балки валдираётгандирман, алаҳлаётгандирман! – илиб кетди анов тез-тез бидирлаб, – аммо мен биринчи қадамни топдим. Шигалев биринчи қадамни ҳеч қачон ўйлаб тополмасди. Шигалевлар кўп! Аммо Россияда фақат ва фақат битта одам биринчи қадамни кашф қилди ва уни қандай кўйишни билади. Ўша одам менман. Нега менга бундай қарайсиз? Менга сиз, фақат сиз кераксиз, сизсиз мен нолман. Сизсиз мен бир пашша, шиша идишдаги ғоя, Америкасиз Колумб.

Ставрогин унинг телбавор кўзларига тикиларди.

– Қулоқ солинг, биз аввал фитна чиқарамиз, – ёмон ҳовлиқарди Верховенский Ставрогиннинг сўл енгидан дам-бадам тутиб. – Сизга боя айтдим: биз халқ ичига қирамиз. Сиз биласизми, биз ҳозирнинг ўзидаёқ жуда кучлимиз? Бизникилар сўйиб, ёндираётган ё аниқ нишонга ўқ узаётган ёки тишлаётганларнинг ўзигина эмас. Булар фақат оёқ тагида ўралашганлар.

Мен интизомдан бошқасини тушунмайман. Мен социалист эмас, фирибгар муттаҳамман, ха-ха-ха! Кулоқ солинг, мен уларнинг ҳаммасини ҳисобга олдим: болалар билан бирга уларнинг худоси ва бешиги устидан куладиган муаллим бу айни бизнинг одам. Маълумотли қотилни у ўзи ўлдирган одамдан кўра билимдонроқ, унинг пул топиш учун ўлдиришдан бошқа чораси қолмаган эди деб ҳимояси остига оладиган адвокат ҳам бизники. Ўлдириш қандоқ бўларкин деб қаролни ўлдирган мактаб ўқувчилари ҳам бизники. Судда жинойтчиларни оқловчи вакиллар ҳам бизники. Судда унчалар либераллик қилолмадим, деб қўрқиб-қақшаган прокурор ҳам бизники, бизники. Идора хизматчилари, адабиёт намоянадалари, о, бизникилар кўп, жуда кўп, буни ўзлари ҳам билишмайди! Бошқа бир томондан, мактаб ўқувчиларию турли тентакларнинг итоаткорлиги энг юқори нуқтасига етди; тарбиячи мураббийларнинг ўт пуфаклари ёрилиб кетган; ҳамма ерда нафсониятпарастлик ҳад-чегара билмайди, иштаҳалари оч ҳайвондай, кўз кўрмаган, кулоқ эшитмаган... Биласизми, биласизми, биз тайёр ғоя-пояларнинг ёлғиз ўзи билан қанчадан-қанчасини оламиз-қўямиз? Бориб кўрдим – Litte деганнинг “жинойт бу ақлдан озиш” деган тезиси қутурган эди; келиб кўрсам – энди жинойт ақлдан озиш эмасмиш, у баайни соғлом фикр, қарийб бурчини ўташ эмиш, нари борганда, олийжаноб норозилик. “Маълумотли қотилга пул зарур бўлиб қолса, ўлса, ўлдирибди-да, нима қилибди!” Аммо бу ҳали ҳолва. Рус худоси “суюкоёқ” олдида бўйнини қисиб қолди. Халқ ғирт маст, оналар маст, болалар маст, черковлар бўм-бўш, судларда эса: “Икки юзта дарра урилсин ёки нажас пақир ташилсин” дан бошқа гап йўқ. О, наслнинг ўсишига йўл беринг! Аттанг, аттанг, кутиб ўтиришга вақт йўқ, йўқса, улар маст бўлса бешбаттар бўлаверсин! Оҳ, эвоҳ, эвоҳ, қайда ул йўқсиллар! Аммо бўлгай, иш шунга қараб кетяпти...

– Афсус, биз бунчалар аҳмоқлашиб кетибмиз, – ғўлдиради Ставрогин ва яна йўлида давом этди.

– Кулоқ солинг, мен ўз кўзим билан кўрдим: олти яшар болакай маст-аласт онасини етаклаб борар, онаси эса уни шақиллаб сўкарди. Мени бундан хурсанд деб ўйлайсизми? Бизнинг қўлимизга тушса, биз, албатта, тузатамиз... агар зарур бўлиб қолса, қирқ йилга чўл-сахрога ҳайдаймиз... Аммо бир ёки икки авлоднинг ҳозир бузилиши зарур; бу кўз кўриб, кулоқ эшитмаган бузукчилик, энг тубан бузукчилик бўлади, бунда одам боласи ифлос, кўрқоқ, шафқатсиз, худбин маразга айланади, – мана бизга худди шу керак! Бунда “буғи чикиб турган қон” ҳам керак, кўзи ўргансин, эти қотсин. Нега куляпсиз? Мен ўзимга қарши бораётганим йўқ. Мен ўзимга эмас, филантроплару шигалевчиларга қарши бораман. Мен фирибгар муттаҳамман, социалист эмасман. Ха-ха-ха! Афсус, вақт кам. Мен Кармазиновга май ойида бошлаб Покровда<sup>1</sup> тугатамиз, деб ваъда бердим. Тезми? Ха-ха! Сизга бир гапни айтайми, Ставрогин: шу пайтгача рус халқида цинизм (уятсизлик) бўлмаган эди, тўғри у доим оғзини шалоқ қилиб сўкинган. Биласизми, бу кул қарол ўзини кўпроқ ҳурмат қилган, Кармазинов ўзини бунчалар ҳурмат қилолган эмас. Уни тоза юмдалашган, аммо у худосидан воз кечмаган, Кармазинов эса худосини сақлаб қололмади.

– Вой-бў, Верховенский, мен биринчи марта сизни эшитишим, мени лол қилиб қўйдингиз, – деди Николай Всеволодович, – сиз, демак, ҳақиқатан ҳам социалист эмас, аллақандай сиёсий... шуҳратпараст экансиз-да?

– Фирибгар, фирибгар. Менинг кимлигим сизни қизиқтирадимми? Сизга

<sup>1</sup> Покров – насроний байрами, 1 (14) октябрь.



ҳозир кимлигимни айтаман, шунга олиб боряпман. Сизнинг кўлингизни бекорга ўпганим йўқ. Аммо халқ ҳам бизнинг нима исташимизни билиши керак, ановлар эса “тўқмоқ кўтариб фақат ўз одамларини уради”. Эҳ, вақт кўпроқ бўлсайди! Вақт йўқлиги чаток. Биз вайрон қилишни эълон этамиз... Нега, нега, ҳар қалай, бу жуда зарур! Аммо, аммо, мушаклар, суяклар чиниқсин, чиниқсин. Биз ўт кўямиз... Биз афсоналар тарқатамиз... Ана ўшанда ҳар бир қасмоқ бойлаган “тўда” асқотади. Мен сизга мана шу тўдаларда шундай овчиларни топиб бераманки, ҳар қандай отишга жон деб боради ва яна миннатдор ҳам бўлиб юради. Хў-ўш-ш, ана шунда ғалва устига ғалва бошланади. Шунақанги алғов-далғов бўладики, бунақасини ҳали дунё кўрмаган... Рус тўзонда қолади, еру замин эски худоларни кўмсаб йиғлайди... Хў-ўш-ш, ана ўшанда биз чиқарамиз... Кимни?

– Кимни?

– Иван-Шоҳни.

– Кимни-и?

– Иван-Шоҳни; сизни, сизни!

Ставрогин бир зум ўйланиб қолди.

– Сохта шоҳми? – кутилмаганда сўради жазаваси тутган ановга хайратланиб қараб. – Э! Сизнинг режангиз шундоқ экан-да.

– Биз уни “яшириниб юрибди” деб эълон қиламиз, – қандайдир оҳиста ишқивозлик билан шивирлади Верховенский, худди кайфи ошган маст одамдай. – Биласизми, бу “яшириниб юрибди” дегани қандай сўзлигини? Аммо у пайдо бўлади, пайдо бўлади. Биз афсонанинг бичилганларидан кўра яхшироғини тарқатамиз. У мавжуд, аммо ҳеч кимса уни кўрмаган. О, қандок зўр афсонани ёйиш мумкин! Энг асосийси – янги куч келаётир. Ана шу керак, ана шуни иташади. Социализм деганида нима бор: эскиликни буздинг, янгисини тузмадинг. Бизда эса бу шунақанги бир кучки, кўз кўриб, кулоқ эшитмаган! Бизга бир марта тиргак керак ерни кўтариш учун. Кейин бари кўтарилади!

– Сиз мени унда жиддий назарда тутган экансиз-да? – зардали кулди Ставрогин.

– Нега куласиз, яна бундай аччиқланиб? Мени кўрқитманг. Мени кўрқитманг. Мен ҳозир ёш боладайман, мени мана шундай кулги билан ўлардай кўрқитиб қўйиш мумкин. Кулоқ солинг, мен сизни ҳеч кимга кўрсатмайман, ҳеч кимга: шундай қилиш керак. У мавжуд, аммо уни ҳеч ким кўрмаган, у яшириниб юрибди. Э, биласизми, юз минг одам ичидан биттасига мисол учун, кўрсатиб қўйиш ҳам мумкин. Кейин: “Кўрдик, кўрдик”, деган гап бутун ер юзига ёйилади: Иван Филиппович Саваоф худони ҳам одамлар кўз ўнгида аравада осмонга учиб кетганини кўришган, худо ҳақи, ўз кўзлари билан. Сиз-ку, Иван Филиппович эмассиз; сиз гўзал, худо каби мағрурсиз, ўзингиз учун ҳеч нарса истамайсиз, қурбон бўлиш манглайингизга битилган, “яшириниб юрибсиз”. Асосийси, афсона! Сиз уларга бир қараб қўясизу ғалаба қозонасиз, енгасиз. Сиз янги ҳақиқатларни элтасиз, “яширингансиз”. Бу ёғига биз икки-учта Сулаймон ҳукмларидан ясаб тарқатамиз. Тўдаларимиз, бошлиқларимиз шай – газетанинг ҳожати йўқ! Агар ўн мингтадан битта ариза қондирилса, кейин ҳамма илтимос кўтариб келади. Ҳар бир вилоятда ҳар бир мужик биладик, қаердадир битта шундай уя бор, ана шу уяга аризани ташлаш кўрсатилган. Шунда замин нидо солиб инграйди: “Янги ҳақ қонун келаётир”, шунда уммонлар кўпириб тошади, чирик томошахона қулайди, ана ўшанда тош-метиндан

бино ясашни ўйлаб кўрамиз. Дунёда илк бора! Биз курамиз, буни фақат биз курамиз!

– Дахшат! – деб кўйди Ставрогин.

– Нега, нега сиз хохламайсиз? Қўрқасизми? Ахир мен сизни тутганим, сиз ҳеч нарсдан кўркмайсиз. Ақлга тўғри келмайдими? Мен ахир ҳозирча Америкаси йўқ Колумбман; ахир Колумбни Америкасиз тушуниб бўладими?

Ставрогин оғиз очмасди. Бу орада уйга яқинлаб қолишди ва эшик олдида тўхташди.

– Қулоқ солинг, – деб унинг қулоғига энгашди Верховенский, – сиздан пул сўрамайман; эртага Марья Тимофеевнани бир ёқлик қиламан... текин, ва эртагаёқ сизга Лизани олиб келаман. Лизани хоҳлайсизми, эртага?

“Нима деяпти, мияси айниб қолганми?” – жилмайди Ставрогин. Эшик ичкаридан очилди.

– Ставрогин, Америка бизники бўлдимми? – охирги марта унинг кўлидан тутди Верховенский.

– Нима кераги бор? – жиддий, қатъият билан деди Николай Всеволодович.

– Хоҳиши йўқ, ўзим ҳам билган эдим! – деб қичқирди ёмон қаҳр-ғазабга миниб анов. – Сиз ярамас, бузук, мажруҳ бойвачча, ёлғон айтяпсиз, ишонмайман, сиз оч юҳосиз!.. Тушунинг ахир, сизнинг ҳисобингиз ҳозир жуда ҳам катта, мен сиздан шундоқ воз кечиб кетолмайман! Ер юзида бошқа сизга ўхшагани йўқ! Сизни хорижда кўз остига олганман; сизга қараб туриб кўзга босганман. Бурчакдан туриб боқмасам эди, бу фикр хаёлимга ҳам келмасди!..

Ставрогин жавоб бермай пиллапоядан кўтарила бошлади.

– Ставрогин! – унинг изидан қичқирди Верховенский, – сизга бир кун... икки кун... майли, уч кун муҳлат бераман; уч кундан ортиқ беролмайман, кейин – жавобингизни кутаман!

## ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

### СТЕПАН ТРОФИМОВИЧ ХАТЛАНДИ

Бу орада мени ажаблантириб, Степан Трофимовични ларзага солган воқеа рўй берди. Эрталаб соат саккизда уникидан Настасья югуриб келиб қолди, хўжайинни “хатлаб” кетишди, деган хабарни етказди. Мен аввалига ҳеч нарсани тушунмадим: ходимлар келиб “хатлашибди”, қоғоз-поғозларни йиғиштириб олишибди, битта аскар бола тугунчага ўраб “қўларавага” солиб олиб кетибди. Ақл бовар қилмайди. Мен дарҳол Степан Трофимовични кўргани жўнадим.

Уни ғалати бир аҳволда топдим: аҳволи паришон ва қаттиқ ҳаяжонда эди, аммо шу билан бирга шубҳасиз жуда кўтаринки алфозда эди. Хонанинг ўртасидаги столда самовар қайнаб турар, бир стаканга чой кўйилган, аммо ичилмай эсдан чикқанди. Степан Трофимович ўз хатти-ҳаракатларига эътибор бермай, стол атрофида гир айланар, хонанинг ҳар бурчагига чарх урарди. У одатдагича қизил пахталигини кийиб олган, аммо мени кўргач, нимчаси билан камзулини апил-тапил эгнига илди, аммо авваллари яқинлари олдида ҳам шу пахталикда тортинмай юраварди. У шу захоти кўлимни ҳарорат билан тутди.

– Enfin un ami!<sup>1</sup> (У кўксини тўлдириб нафас олди). Cher, мен фақат

<sup>1</sup> Ниҳоят дўстим! (франц.).

сизни чақирдим, бошқа ҳеч ким билмайди. Айтинг, Настасья эшикларни ёпиб қўйсин ва ҳеч кимни киритмасин, албатта, агар ановлар бўлса... Vous comprenez?<sup>1</sup>

У худди жавоб кутгандай, менга безовталаниб қарарди. Албатта, мен дарҳол сўраб-суриштира кетдим, узук-юлук гаплардан, тўхтаб-тўхтаб қолишлару ортиқча иловалардан сўнг шуни билдимки, эрталаб соат еттида унинг ҳузурига “кутилмаганда” ҳокимнинг шотири келибди...

– Pardon, j’ai oublié son nom. Il n’est pas du pays<sup>2</sup>, аммо, чамаси, уни Лембке олиб келган, quelque chose de bete et d’allemand dans la physionomie. Il s’appelle Rosenthal<sup>3</sup>.

– Блюм эмасми?

– Блюм. Отини худди шундай деди. Vous le connaissez? Quelque chose d’hebe et de tres content dans la figure, pourtant tres severe, roide et serieux<sup>4</sup>. Полициядан, югурдаклардан, je m’y connais<sup>5</sup>. Мен ҳали ухлаб ётгандим, тасаввур қилинг, мендан китобларингиз ва қўлёзмаларингизни “кўрсам” бўладими, деб сўради, oui, je m’en souviens, il a employe ce mot<sup>6</sup>. У мени камокқа олмади, фақат китобларни... Il se tenait a distance (у ўзини четга олиб турди), кейин менга келишининг сабабини айтди, у ўйлаган эканки, мен... enfin, il avait l’air de croire que je tomberai sur lui ummediatement et que je commencerai a le battre comme platre. Tous ces gens du bas etage sont comme ca<sup>7</sup>, улар тузук одамга дуч келиб қолган-да, шундай. Ўз-ўзидан, мен дарров тушундим. Voila vingt ans que je m’y prepare<sup>8</sup>. Мен унга барча кутиларни очиб бердим, калитларни қўлига тутқиздим; ҳаммасини ўзим бердим, унга барини бердим. J’etais digne et calme<sup>9</sup>. Китоблардан у Герценнинг чет элда чиққан нашрларини, “Колокол” (Жом)нинг муқоваланган нусхаси, поэманинг тўрт нусхаси, et, enfin, tout ca<sup>10</sup>. Ундан кейин қоғозлар, хатлар ва менинг айрим тарихий, танқидий ҳамда сиёсий лавҳаларим. Ҳаммасини олиб кетишди. Настасья, аскар бола қўларавага солиб олиб кетди, устига этак ёпиб қўйди, дейди, ҳа, худди шундай, этак билан устини ёпибди.

Бу абдирашга ўхшарди. Биров буни тушунармикин асти? Мен яна ундан сўрашимни қўймадим: Блюм бир ўзи келдими, йўқми? Кимнинг номидан келган? Қай ҳуқуққа асосан? Нима ҳаққи бор? Нима деб тушунтирди?

– У бир ўзи эди, ёлғиз ўзи, – дерди Степан Трофимович французчани русчага аралаш-қуралаш қилиб, – айтгандай, яна кимдир ҳам бор эди, эшикда дахлизда қоровул турган эди. Настасьядан сўраш керак, у яхшироқ билади. Мен қаттиқ ҳаяжонга тушдим. У оғзи тинмай гапирди, гапираверди... бир талай гапларни гапириб ташлади, дарвоқе, у жуда кам сўзлади, мен тинмай гапирдим... бутун ҳаётимни албатта, шу жиҳатини ҳикоя қилиб бердим... Қаттиқ ҳаяжонландим, аммо менга ишонинг, ўзимни яхши тутиб турдим. Сонеан, яна билмадим, мен йиғлаб юбордим, шекилли. Қўларавани улар ёнимиздаги дўкончадан олишди.

– Оҳ, худойим, наҳот, бу ҳаммаси рост бўлса! Аммо, худо ҳаққи, Сте-

<sup>1</sup> Сиз тушундингизми? (франц.)

<sup>2</sup> Узр, унинг номи эсимдан чиқибди. У бу ерлик эмас (франц.)

<sup>3</sup> Башараси тўнкага ўхшайди, немисми-ей. Исми шарифи Розентал (франц.)

<sup>4</sup> Сиз уни биласизми? Тўнкага ўхшайди, жуда ўзига бино қўйган, яна тўмтайган, тепса тебранмас ва қурук (франц.)

<sup>5</sup> Бу менга маълум (франц.)

<sup>6</sup> Ҳа, эсладим, у шу сўзни ишлатди (франц.)

<sup>7</sup> Қисқаси, у мени дарҳол унга ташланиб дўппослайди, деб ўйлабди. Бу паст табақа одамлар ҳаммаси шунақа (франц.)

<sup>8</sup> Мана, йигирма йилдирки, мен ўзимни шунга тайёрлайман (франц.)

<sup>9</sup> Ўзимни хотиржам ушлаб турдим (франц.)

<sup>10</sup> Хуллас, шулар ҳаммаси (франц.)

пан Трофимович, аниқроқ қилиб айтинг, ахир бу гаплар ҳаммаси тушга ўхшайди-ку!

– Шер, мен ҳам туш кўраётгандайман... Биласизми, у Телятниковнинг отини айтди, менимча, худди шу киши даҳлизда беркиниб турган бўлса керак. Ҳа-я, эсладим, у менга прокурорни айтди, чамаси, Дмитрий Митриччи... айтмоқ-чи, у ералаш ўйнаганимизда мендан ўн беш рубль қарз бўлиб қолган. Хуллас, мен унча тушунмадим. Аммо мен уларни бошлаб лақиллатдим, Дмитрий Митрич билан менинг нима ишим бор. Ундан буни ошкор қилманг деб ўтиндим, ҳатто ўзимни ерга уриб бўлса ҳам ялиниб-ёлвордим, сиз нима дейсиз? Ниҳоят, у рози бўлди. Ҳа, эсимга тушди, унинг ўзи сўради, буни ошкор қилмаган маъкул деди, чунки у фақат “кўриш” учун келган экан, бошқа ҳеч нарса, ҳеч нарса... агар ҳеч нарса чиқмаса, ҳеч нарса бўлмас экан. Шунинг учун биз ҳаммасини дўстона келишиб олдик, мен бундан жуда мамнунман.

– Вой, сизни қаранг, у сизга бундай ҳолларда қўлланадиган тартиб ва қафолатларни таклиф этибди, сиз эса ўзингиз буни рад қилибсиз! – деб қичкириб юбордим астойдил юрагим ачишиб.

– Йўқ, шундай қафолатсиз бўлгани яхши. Жанжалнинг нима кераги бор? Майли, вақт-соати келгунча шундай дўстона бўлаверсин... Биласизми, бизнинг шаҳримизда билиб қолишса... менинг рақиблирим... яна бу ерда анов чўчкага ўхшаган прокурор тўра нима қилиб юрибди, у менга икки маротаба одобсизлик қилди, уни ўтган йили гўзал ва мафтункор Наталья Павловнанинг хосхонасига яширинганида тоза абжағини чиқариб беармон калтаклашган. Ундан кейин, эй азиз дўстим, менга эътироз билдирманг ва мени гаранг қилманг, илтимос, нега деганда, одам бахтсиз пайтида жуда даҳмазага айланади, яна ўлганнинг устига тепгандек қилиб юзта ошнаси аҳмоққа чиқариб дашном ёғдиради. Ҳай, қўйинг-чи, ўтиринг, чой ичинг, очиги, жуда чарчадим... Бироз оёқ узатиб чўзилсаммикин, бошимга сирка қўйишсаммикин, нима дейсиз?

– Дарров шундай қилинг, – дедим мен, – ҳатто муз қўйиш ҳам мумкин. Анча уринибсиз. Рангингиз оқарган, қўлларингиз қалтираяпти. Ётинг, нафасингизни ростланг, бирпас гапирмай туринг. Мен ёнингизда кутиб ўтираман.

У ётишни пайсалга соларди, аммо мен қаттиқ турганим сабабли, Настасья идишда сирка келтирди, мен сочиқни хўллаб бошига қўйдим. Кейин Настасья курси устига чиқиб, бурчакда турган санам олдидаги чирокни ёқди. Мен бунга ажабландим; илгари ҳеч қачон санам олдида чирок ёқилмаганди, энди бўлса бирдан пайдо бўлиб қолганди.

– Кеча ановлар кетгандан сўнг мен чирок ёқишни буюрдим, – гўнғиллади Степан Трофимович менга айёрона қараб кўяркан, – сени қўлга олиш учун келганлар хонангда мана бундай нарсаларни кўришса, бу уларга таъсир қилади, у ёқда кўрганларини айтишса керак, ахир...

Настасья шамчирокни ёқиб бўлгач, эшикда турганча, ўнг қўлини юзига қўйиб йиғламсираганча унга термулди.

– Eloignez-la<sup>1</sup> бир баҳона қилиб, – деб бошини силкитди Степан Трофимович дивандан туриб, – мен русларнинг бунақа раҳмдиллигини кўтаролмайман, et puis sa m'embete<sup>2</sup>.

Аммо Настасьянинг ўзи чиқиб кетди. Мен Степан Трофимович ҳадеса эшикка олазarak бўлаётгани ва даҳлиз томонга безовта қулоқ тутаётганини пайқадим.

<sup>1</sup> Чиқариб юборинг (франц.).

<sup>2</sup> Ғашимни келтиряпти (франц.).

– Il faut etre pret, voyez-vous<sup>1</sup>, – маънодор қараб деди у менга, – chaque moment...<sup>2</sup> келиб олиб кетишади, ва фу-у – одамнинг ном-нишони қолмайди!

– Худойим-ей! Ким келади? Ким сизни қўлга олади?

– Voyez-vous, mon cher<sup>3</sup>, у кетаётганда мен очигини сўрадим: мени энди нима қилишади, дедим?

– Қаерга сургун қилишади деб сўрамадингизми? – жаҳлим чиқиб кичқирдим.

– Мен сўраганимда шуни ҳам назарда тутган эдим, аммо ҳеч нарса демай кетиб қолди. Биласизми: уст-бош, кийим-кечак, айникса, иссиқ кийим, буни уларнинг ўзи билади – нимани олишни айтади – шундай, бўлмаса, битта аскар шинелида ҳам жўнатиб юбораверишади. Аммо мен ўттиз беш рублни (у бирдан Настасья чиққан эшикка аланглаб овозини пасайтирди) билдирмай нимчамнинг киссасидаги тешикка тиқиб қўйдим, мана бу ерда, пайпаслаб кўринг... Менимча, улар нимчамни ечиб олмасалар керак, ҳамёнимда хўжакўрсинга етти рубль қолдирдим, “бор-йўғим шу” дегандай бўласизми, ана майда-чуйда чақа пуллар стол устида турибди, инчунин, улар пулни беркитганимни сезишмайди, ҳаммаси шунинг ўзи бўлса керак, деб ўйлашади. Ахир худо билади, бугун қаерда ётишга тўғри келади.

Бундай эс-хушни йўқотишни кўриб, мен бошимни қуйи эгдим. Аён эдики, у айтиб бераётгандай қилиб, на қамокқа олиш, на тинтув қилиш мумкин эмасди, албатта, унинг мияси чалкашиб кетганди. Тўғри, бу нарсаларнинг ҳаммаси ҳозирги сўнги қонунлар чиккунга қадар рўй берганди. Яна шу нарса ҳам тўғри эдики, унга жўялироқ тартиб-қоидани таклиф этишган (унинг ўз сўзларига қараганда), аммо у гўё уларни бошлаб алдаган ва воз кечганди... Албатта, илгарилар, яъни шу яқин атрофларда ҳоким иложи бўлмай қолган ҳолларда... Аммо бу ерда ниманинг ҳам иложи бўлмай қолиши мумкин? Мана шу нарса мени чалғитмоқда эди.

– Бунда балки Петербургдан телеграмма келгандир, – деб қолди бирдан Степан Трофимович.

– Телеграмма! Сиз ҳақингиздами? Нима, Герценнинг китобию сизнинг поэмангиз устидами, эсингизни едингизми, бунинг нимасига қамайди?

Ёмон аччиғим чиқди. Унинг юзи тиришди, чамаси хафа бўлди – у менинг бакирганимдан эмас, камашга арзийдиган сабаб йўқ, деганимдан оғринди.

– Бизнинг замонамизда яна ким билади уни нима учун қамокқа олишларини, – деб тўнғиллади у сирлироқ қилиб. Калламдан ақл бовар қилмас бемаъни бир фикр лип этиб ўтди.

– Степан Трофимович, менга бир дўст сифатида, – дея кичқирдим мен, – ҳақиқий бир дўст сифатида айтинг-чи, мен сизни сотмайман: сиз биронта яширин жамиятга аъзомисиз ё йўқми?

Буни қарангки, мен бу ерда ҳам ҳайрон бўлиб қолдим, бу ҳолда ҳам, унинг ишончи комил эмасди: у ўзининг биронта яширин жамиятда иштирок этишини аниқ билолмасди.

– Ахир қандай ҳисобласак экан, vuez-vous...

– Нимани “қандай ҳисобласак?”

– Бутун қалбинг билан тараққиётга тааллуқли экансан, унда... Ким кафолат бериб айтолади: тааллуқли эмасман, деб ўйлайсан-у, яна бундоқ қарасанг, нимагадир албатта, тааллуқли бўлиб чиқасан.

1 Биласизми, тайёр туриш керак (франц.).

2 Ҳар дақиқада (франц.).

3 Биласизми, азизим (франц.).



– Қандай қилиб ахир, бу ерда ё ха, ё йўк?

– Cela date de Petersbourg<sup>1</sup>, ўшанда биз хоним билан журнал чиқармоқчи бўлганмиз. Илдиз ана шу ерда. Ўшанда кўзларини шамғалат қилиб чиқиб кетдимки, шундан сўнг бизни унутиб юборишди, энди эсларига тушиб қолган. Шер, шер, ахир сиз билмайсизми? – қичқирди у оғриниб. – Бизни қўлга олиб, ёпиқ аравага ўтқизиб, ана, Сибирга ҳайдашади бир умрга ёки зиндонда унутиб қолдиришади...

У бирдан қайноқ-қайноқ кўз ёшлар тўкиб йиғлаб юборди. Кўз ёшлар дарё бўлиб оқди. У кўзларини ўзининг қизил ҳарир рўмолчаси билан тўсиб, титраб йиғлади, беш дақиқалар чамаси йиғлади. Мен ич-ичимдан сесканиб тушдим. Бу одам бизга йигирма йил башорат ўқиганди, бизнинг хутбагўйимиз, устозимиз, бузругимиз, бизга бамисли Кукольник<sup>2</sup> каби эди, бизнинг бошимиз узра салобат билан улуғвор юксалган, унинг қошида биз чин юракдан ўзимизга шараф деб ҳисоблаб таъзим-тавалло қилардик, – мана энди у шўхлик қилиб кўйган кичкинтой бир болакай каби йиғлар ва гўё калтак олиб келгани кетган муаллимни орзиқиб кутарди. Унга юрак-юрагимдан ачиндим. У мен ҳозир олдида қандай ўтирганимга ишонса, “ёпиқ аравага” шундай ишонарди чоғи, ва уни шу куни эргалабдан, худди айни шу дамда, мана ҳозир кутарди, яна нима денг, Герцен китобларию яна қандайдир ўзининг поэмаси учун! Кундалик ҳаётни бунчалар мутлақо билмаслик бир ёқдан кўнглингни юмшатар, иккинчи томондан жирканч туюларди.

У ниҳоят йиғидан тўхтади, дивандан турди, мен билан гапини давом эттириб, яна у ёқдан-бу ёққа юра бошлади, орада дарчага дам-бадам қараб қўяр ва даҳлизга қулоқ тутарди. Гап-сўзимиз ҳам бир боғдан-бир тоғдан эди. Менинг берган барча далдаларим, тасаллиларим деворга теккан нўхотдек сапчиб қайтарди. Гапларим қулоғига кирмасди, шундай бўлса-да, унга шу тобда далда ниҳоятда зарур эди ва шу маънода оғзим тинмай сўйлардим. Менсиз ахволи чатоклигини кўриб турар, у ҳам мени бир зумга ҳам ёнидан жилдирмаслигини сезардим. Мен унинг ёнида қолдим ва яна икки соатдан ортиқ бирга ўтирдик. Гап орасида у Блюм тинтув пайтида топилган иккита варақани ҳам олиб кетганлигини эслади.

– Яна қандай варақалар! – эси паст одамдай кўрқиб кетдим. – Ахир сиз...

– Э, менга ўнтасини ташлаб кетишганди, – деди у рўйхуш бермай (у мен билан дам рўйхуш бермай димоғдорлик билан, дам одамнинг раҳмини келтириб ўзини паст олиб сўйлашарди), аммо мен саккизтасини бир ёқлик қилдим, Блюмнинг қўлига иккитасигина тушди...

У бирдан ғазабдан қизариб кетди.

– Vous me mettez avec ces gens-la!<sup>3</sup> Наҳот, сиз мени мана шу аблахлар, яширинча қоғоз ташлаб кетувчилар, анов ўғилчамиз Петр Степанович-у, aves ces esprits-forts de la lachete!<sup>4</sup> Оҳ, худойим!

– Воҳ, сизни уларга қандайдир аралаштириб юборишмадими ишқилиб... Айтмоқ-чи, бекор, бундай бўлиши мумкин эмас! – дедим.

– Savez-vous<sup>5</sup>, – кўксидан отилиб чиқди унинг, – гоҳо шундай ҳис қиламанки, que je ferai la-bas quelque esclandre<sup>6</sup>. О, кетманг асло, мени ёлғиз

<sup>1</sup> Бу Петербургда бошланган эди (франц.).

<sup>2</sup> Н.В. Кукольник – сохта улуғвор, сийқа ватанпарвар трагедиялар муаллифи.

<sup>3</sup> Сиз мени шу одамлар билан бир деб ўйлаясизми! (франц.)

<sup>4</sup> Шу қабих хурфикрлилар билан-а! (франц.)

<sup>5</sup> Биласизми (франц.).

<sup>6</sup> У ерда бирон жанжал чиқарсам керак (франц.).

қолдирманг! Ma carrier est finie aujourd'hui, je le sens<sup>1</sup>. Мен, биласизми, анави подпоручикка ўхшаб у ерда бировга ташланиб, тишлаб олишим мумкин...

У менга худди кўрққан ёки кўрқитмоқчи бўлгандек – ғалати қилиб қаради. У, ҳақиқатан, “ёпик арава” келавермаган, вақт эса ўтиб бораётганидан кимдандир ё нимадандир борган сари асаби қайнаб, ғазаби тошарди; қахрга минарди. Кутилмаганда, Настасья ошхонадан нимагадир дахлизга чиқиб, кийим қозикқа тегиб кетиб тушириб юборди. Степан Трофимович қалтираб кетди ва турган жойида ўликдек қотиб қолди; аммо аҳвол ойдинлашгач, у Настасьяга чинқириб берди, оёқларини тапиллатди, ошхонага қайтариб ҳайдади. Бир дам ўтгач, у менга ноумид ҳолда қараб, шундай деди:

– Мен адо бўлдим! Шер, – бирдан у менинг ёнимга келиб ўтирди-да, жуда мунгли ва увол бўлиб тик кўзимга боқди, – Шер, сизга онт ичиб айтаманки, мен Сибирдан кўрқмайман, о, je vous jure<sup>2</sup> (унинг кўзларидан ҳатто ёш чиқиб кетди), мен бошқа нарсадан кўрқаман...

Мен унинг авзойига боқиб, ниҳоят, менга фавқулудда кутилмаган бир гапни айтмоқчи деб ўйладим, лекин, назаримда, у шу пайтгача бу гапни айтишдан ўзини сақлаб келганди.

– Мен шарманда бўлишдан кўрқаман, – деб шипшиди у сирли қилиб.

– Нима шармандалик? Э, ахир аксинча эмасми! Степан Трофимович, ишонинг, буларнинг ҳаммаси шу бугуноқ равшан бўлади, сизнинг фойдангизга ҳал бўлади...

– Сиз мени кечирришларига ишонасизми?

– “Кечирриш” бу ерда нима қилиб юрибди! Ахир қанақа сўзлар булар! Сиз нима гуноҳ қилибсиз? Менга ишонинг, сиз ҳеч нарса қилмагансиз!

– *Quen savez-vous*,<sup>3</sup> менинг бутун ҳаётим... шер... улар ҳаммасини эслатишади... агар ҳеч нарса топмаганларида ҳам, унда яна ҳам бешбаттар... – қўшиб қўйди у кутилмаганда.

– Нимаси бешбаттар?

– Бешбаттар.

– Тушунмадим.

– Дўстгинам, дўстгинам, майли, Сибир, майли Архангельск бўлсин, майли, ҳақ-ҳуқуқлардан маҳрум қилишсин, – бир бошга бир ўлим! Аммо... мен бошқа нарсадан кўрқаман (яна ўша пичирлаш, ўша кўрқиб қараш, ўша сирлилик).

– Нима, нима ўзи?

– Калтаклашади, – деди у зўрға ва менга довираб қаради.

– Ким сизни калтаклайди? Қаерда? Нима учун? – кичқирдим мен у эсидан оғмаётганмикин деб кўрқиб.

– Қаерда? Хўш, ўша ёқда... шунақа ишлар қилинадиган жойда.

– Қаерда қилинади бу ишлар?

– Э, шер, – қулоғимга яқин келиб шивирлади у, – бирдан тагингиздаги пол сурилади, сиз белингизгача пастга тушасиз... Буни ҳамма билади.

– Чўпчак! – кичқирдим унинг гапини тушуниб, – эски чўпчаклар, нахотки, шу пайтгача, бунга ишониб юрган бўлсангиз? – Мен хахолаб кулиб юбордим.

– Чўпчак! Бир нарсадан пайдо бўлгандир ахир бу чўпчак; калтакланган ёрилмайди. Мен ўн минг марталаб буни тасаввур этганман!

– Сизни, сизни нима учун? Сизнинг ҳеч қандай гуноҳингиз йўқ-ку?

<sup>1</sup> Менинг ҳаёт йўлим бугун тугади, мен буни сезяпман (франц.).

<sup>2</sup> Сизга қасам ичаман.

<sup>3</sup> Сиз нимани ҳам билардингиз.

– Ундан баттар! Ҳеч гуноҳим йўқлигини билишса, баттар калтаклашади.  
 – Кейин сизни Петербургга олиб кетишларига ишонасизми?  
 – Дўстгинам, мен боя айтдим, ҳеч нарсага ачинмайман, *ma carriere est finie*.<sup>1</sup> Скворешникада хоним мен билан хайрлашгандан кейин, менга ҳаётимнинг қизиғи қолмади... аммо шармандалик, шармандалик, *que dirait-elle*<sup>2</sup>, нима дейди ахир?

У дарди дунёси қоронғу бўлиб менга қаради ва бечоранинг юзига қон тепди. Мен ҳам бошимни ҳам қилдим.

– У ҳеч нимани билмайди, чунки сизга ҳеч нима бўлмайди. Мен сиз билан умримда биринчи марта гаплашиб тургандайман, Степан Трофимович, мени эрталабдан жуда хайрон қилиб кўйдингиз.

– Дўстгинам, мен ахир қўрқитаётганим йўқ. Аммо майли ҳатто мени кечиришсин, майли, яна бу ерга олиб келишсин ва ҳеч нарса қилишмасин – ана худди мана шунда мен адои тамом бўламан. *Elle me soupçonnera toute sa vie...*<sup>3</sup>, мендан, мендан, шоир ва мутафаккир, бир одам, ўзи йигирма икки йил таъзим қилиб келган бир зотдан!

– Ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмайди.

– Келтиради, – деб шивирлади у теран ишонч билан. – У билан Петербургда бир кеча гаплашганмиз, катта рўза пайти эди, йўлга тушишдан олдин, икковимиз ҳам кўрқиб қолган эдик... *Elle me soupçonnera toute sa vie...* энди нима дейман? Ақл бовар қилмайди. Ким ҳам бу шаҳарчада бунга ишонарди, *c'est invraisemblable... Et puis les femmes...*<sup>4</sup> Хоним хурсанд бўлади. У ҳақиқий дўст каби жуда ранжийди, самимий ранжийди, аммо кўнглининг тубида – хурсанд бўлади... Унинг кўлига бир умрга менга қарши бир курол тутқизаман. О, ҳаётим барбод бўлди! Йигирма йил у билан саодатманд яшагандан сўнг... ана сизга оқибат!

У юзини қўллари билан тўсди.

– Степан Трофимович, бўлиб ўтган воқеани дарҳол Варвара Петровнага хабар қилсангизмикин? – таклиф қилдим унга.

– Худо сақласин! – сапчиб ўрнидан туриб кетди у. – Асло, асло, ҳеч қачон, Скворешникада хайрлашганда айтилган сўзлардан кейин, ҳеч қа-чо-он!

Унинг кўзларида ўт чакнади.

Биз, шундай ҳаёл содир бўлиб қолди-да, ҳамон ниманидир кутиб, назаримда, бир соат ё ундан ортиқроқ шундай ўтиравердик. У яна чўзилиб ётди, ҳатто кўзларини юмди-да, йигирма дақиқалар шундай миқ этмай ётди, мен донг қотдим, деб ўйладим. Бирдан у шиддат билан ўрнидан турди, бошидаги сочиқни улоқтирди, дивандан сакраб тушди, ўзини тошойнага солиб, қалтираб бўйинбоғини боғлади, гулдурос солиб Настасьяни чақирди, палтоси, янги шляпаси ва ҳассасини келтиришни буюрди.

– Бошқа чидолмайман, – деди у хириллаган товуш билан, – чидолмайман, чидолмайман!.. Ўзим бораман.

– Қаёққа? – сакраб турдим мен ҳам.

– Лембкега бораман. Шер, мен шундай қилишим керак, бунга мажбурман. Бурчим шуни талаб қилади. Мен гражданиң ва инсонман, пайраха эмасман, ҳақим бор, ҳақимни талаб қиламан... Йигирма йил ҳақ талаб қилмадим, бир умр ҳақларимни унутиб келдим, бу жинойт... лекин энди ҳақимни талаб қиламан. У менга ҳаммасини айтсин, ҳаммасини. У теле-

<sup>1</sup> Менинг ҳаёт йўлим тугади (франц.).

<sup>2</sup> У нима дейди? (франц.).

<sup>3</sup> У мендан бир умр шубҳаланиб юради...

<sup>4</sup> Бу ақлга тўғри келмайди... Ундан сўнг хотинлар...

грамма олган. Мени кийноққа солишга унинг ҳаққи йўқ, бўлмаса, қама, қама, қама!

У қандайдир чинқириб хитоб қилар ва оёқларини тапиллатарди.

– Маъкул, маъкул, – дедим мен иложи борича босиқлик билан, аммо ундан ортиқ хавотирда эдим, – бундай ғамга ботиб ўтиргандан кўра шу яхши, аммо сизнинг аҳволи руҳиянгиз менга маъкул кўринмайди; қаранг, кимга ўхшайсиз ва шу алфозда у ерга қандай борасиз. Il faut etre digne et calme avec Lembke<sup>1</sup>. Сиз ҳозир ҳақиқатан, кимгадир ташланиб, тишлаб олишингиз ҳеч гап эмас.

– Мен ўзимни топшираман. Тўғри арслоннинг оғзига кирарман...

– Унда мен ҳам сиз билан борай.

– Сиздан шуни кутгандим, садқангизни қабул қилдим ҳақиқий дўстнинг садқаси, аммо уйгача, фақат уйгача: сиз мени деб, ўзингизни фош қилиб қўйманг. O, soyez-moi, je serai calme!<sup>2</sup> Мен ўзимни ушбу дақиқаларда a la hauteur de tout ce qu'il y a de plus sacre...<sup>3</sup>

– Мен, балки, ичкарига ҳам сиз билан бирга кирарман, – унинг гапини бўлдим. – Кеча уларнинг бемаъни қўмиталаридан Висоцкий орқали менга айтишди, эртанги байрамга мени ҳам таклиф этишган, олтига шотир йигитлар қаторида бор эканман. Шотирлар хонимларга хизмат кўрсатишар, патнисларга қарар, меҳмонларни жойларига ўтқизар ва сўл елкаларида ок кизил тасмалар тақиб юришар экан. Мен рад этмоқчи бўлиб тургандим, аммо энди шу баҳонада Юлия Михайловна билан гаплашиб олгани уйга кираверсам бўлади... Сиз билан бирга бораверамиз.

У бошини силкиб тинглар, аммо афтидан, ҳеч вақони англамасди. Биз бўсағада турган эдик.

– Шер, – у қўлини тўрдаги шамчироқ томонга чўзди, – Шер, мен ҳеч қачон бунга ишонмагандим, бироқ... майли, майли! (У чўқинди). Allons!<sup>4</sup>

“Ҳа, шуниси маъкулроқ, – деб ўйладим мен у билан эшик олдига чиқиб, – йўлда тоза ҳаво олади, кейин биз ўпкамизни босиб оламиз, уйга қайтамузу ором олиб ётамиз...”

Аммо уйдаги гап кўчага тўғри келмайди. Йўл-йўлакай яна бир саргузаштни бошдан кечирдик, у Степан Трофимовични яна-да қаттиқ ларзага солди ва йўлга қатъият билан ундади... Илло, тан олишим жоизки, мен дўстимдан шу бугун эрталабдан бери давом этаётган куйди-пишдилик, жонсаракликни сира кутмагандим. Бечора дўстим, окқўнгил дўстим!

## ЎНИНЧИ БОБ

### ФЛИБУСТЬЕРЛАР. ТАҲЛИКАЛИ ТОНГ

#### I

Шундай қилиб, йўлда яна бир ажойиб воқеага дуч келдик. Аммо ҳаммасини бир чеккадан оқизмай-томизмай айта қолай. Степан Трофимович билан уйдан чиқишимиздан бир соат аввал шаҳар кўчаларидан бир қанча одамлар ўтиб боришар, ўткинчилар уларни ажабланиб томоша қилишарди, булар Шпигулин фабрикасининг ишчилари бўлиб, ҳаммаси етмишга яқин,

<sup>1</sup> Лембкенинг хузурида ўзини муносиб тутиб туриш керак (франц.).

<sup>2</sup> О, ишонинг, мен босиқ бўламан (франц.).

<sup>3</sup> Ўзимни энг муқаддас нарсалар даражасида тутаман (франц.).

<sup>4</sup> Кетдик! (франц.)

балки ундан ҳам ортиқроқ эди. Улар ўз ҳолича тартиб билан шовкин-сурон қилмай, индамай ўтиб боришарди. Фабрикада ҳаммаси бўлиб тўққиз юзтача одам ишлар, булар ҳокимнинг қошига бориш учун сайланганлар эди, хўжайинлар кетиб қолишгани учун булар унинг бошқарувчисидан ҳақиқат тополмай, ҳокимга чиқишга қарор берган эдилар; бошқарувчи хўжайинлар номидан фабрикани ёпиб, ишчиларни ишдан бўшатиб, ҳаммасининг ҳақини сурбетларча уриб қолган, ҳозир бу нарса барчага кундай равшан бўлган эди. Бошқа бировлар ҳанузгача сайлов бўлмаган, нега деганда, арз-ҳол қилиш учун етмишта ишчи танланмайди, бу жуда кўп, булар энг камситилган кишилар тўдаси, холос, улар ҳар ким ўз ҳолича арзу шикоятга йиғилишган, кейинчалик бутун дунёга бонг урилган ҳеч қандай фабрика «исёни» юз бермаган деган гапни айтишади. Яна учинчи аллакимлар ушбу етмишта ишчи оддий исёнчи эмас, балки ҳаммаси сиёсий ғаламис деб таърифлашади, уларнинг фикрича, ушбу ашаддий ғаламисларни кимлардир олқишлаган, ясама варақалар билан исёнга ундаб кўтарган. Хуллас, гапнинг қисқаси, кимлардир ундаганми, фитна уюштирганми – бу ҳали-ҳанузгача аниқ маълум эмас. Шахсан ўзимнинг фикрим шуки, ишчилар ўша ясама варақаларни мутлақо ўқимаган, ўқиган тақдирда ҳам лоақал биронта сўзига тушунмаган, нега деганда, бундай нарсаларни ёзадиганлар услублари тамомила яланғоч бўлишига қарамай, ўтакетган даражада ноаниқ ёзадилар. Аммо гап шундаки, фабрика ишчилари ҳақиқатан, оғир тангликка тушган, – полицияга арз-дод қилганларида, у арз-додларини эшитмаган, – охир-оқибат табиийки, тўдалашиб бориб “нақ генералнинг ўзига” дардимизни айтамыз, деган қарорга келишганди, агар мумкин бўлса бошимизга қоғозимизни кўямиз, тартиб сақлаб эшиги олдига борамиз, қошимизга чиққан заҳоти ҳаммамиз тиз чўкамиз-у даргоҳига дардимизни айтиб тавалло қиламиз, деган хаёлда эдилар. Менга қолса, бу ўринда на исён ва на сайланганларга ҳожат йўқ эди, зеро, бу эски тарихдан қолган усул; рус аҳли азалдан “нақ генералнинг ўзи” билан гаплашишни севади, ўз билгича шундан мамнун бўлиб, қаноат ҳосил қилади, унинг учун бу ўзаро гапнинг қандай натижа билан тугашининг асло фарқи йўқ.

Шунинг учун имоним комилки, гарчи Петр Степанович, Липутин, балки, яна аллаким, ҳатто Федька денг, аввалдан фабрика ишчилари орасида ўралашиб юрган (ҳақиқатан ҳам шундай бўлганига анча ишонарли кўргазмалар бор) ва улар билан гаплашган эсалар-да, лекин булар синамоққа икки, уч, нари борса, беш кишидир, лекин шундан ортиқ эмас, алҳол, шунда ҳам бу сўйлашувлардан ҳеч қандай натижа чиқмаган. Исёнга келганда, фабрика ишчилари буларнинг ташвиқотларидан нималарнидир тушунган бўлсалар-да, яна ўша заҳоти ўта бемаъни ва тўғри келмайдиган бир иш деб билиб, қулоқ ҳам солмай қўйганлар. Федька эса бошқа гап: Петр Степановичга қараганда, бунда унинг омади юришганга ўхшайди. Бундан уч кун ўтгандан кейин шаҳарда рўй берган ёнғинда, мана энди ошкор бўлишича, ҳақиқатан ҳам, Федька билан бирга иккита фабрика ишчиси ҳам қатнашган, ундан сўнг бир ой ўтгач, туманда ўт қўйиш ва қароқчиликда айбланиб, собиқ фабрика ишчиларидан уч киши қўлга тушган. Мабодо, Федька уларни бевосита тўғридан-тўғри бу ишга тортиб улгурганида ҳам, фақат мана шу беш киши бўлиши мумкин, бинобарин, бошқалар борасида бундай гаплар эшитилмади.

Ҳар нечук, қандай бўлмасин, ишчилар ниҳоят бир тўда бўлишиб, ҳоким уйининг олдидаги майдончага келишди ва овоз чиқармай батар-



тиб сафланиб туришди. Кейин оғизларини очиб, эшикка термулганча, пойлашаверди. Менга айтиб беришларича, улар бу ерга келишлари биланоқ дарҳол бошларидан шапкаларини ечишган, бу вилоят ҳокими етиб келмасидан ярим соат олдин рўй берган, яъни худди атай қилгандай ҳоким бу пайтда уйда бўлмаган. Полиция ҳам аввал яккам-дуккам, сўнг ёпирилиб келган ва албатта, тарқалинг, кетинг, деб дўк-пўписа қила бошлаган, аммо ишчилар деворга рўпара келган подадаги кўйлар каби оёқда маҳкам туриб олган ва биз “генералнинг ўзи” билан гаплашамиз, деб қисқа жавоб қилишган, қарорлари қатъий эканлигини билдиришган. Ғайритабиий бақирик-чақириқлар тўхтаган; бунинг ўрнига ҳаммалари ўйланиб қолишган, сирли шивир-шивирлар, ташвишлар, тадориклар бошланиб, бошлиқларнинг қошлари чимрилган, лаблари қимтилган. Полиция бошлиғи фон Лембкенинг ўзи етиб келишини кутишга қарор берган. Ҳоким учта от қўшилган извошда учиб келди ва ҳали аравадан тушмай турибоқ жангга киришди деганга ўхшаш гаплар бари бекор. У ҳақиқатан, уч от қўшилган орқаси сариқ извошда учиб юрар, учиб юришни жонидан ҳам ёқтирар ва “разолат мақомига етказилган вакил маслаҳатчилар” тобора кўпроқ ақлдан озиб бораркан ва бу билан Гостиний ряддаги барча савдогарларни завқу шавқ қувончларига ғарқ қиларкан, у извошда ён томонга атай маҳкамланган тасма камарни қаттиқ тутганча бор сумбати билан қад ростлар, худди маҳобатли ҳайкаллардагидек ўнг қўлини маконлар узра кенг ёзар ва шу тариқа шаҳарни кўздан ўтказарди. Аммо ҳозирги ҳолда у жангга ташланмаган, аммо извошдан отилиб тушгач, болохонадор қилиб сўкинмасликнинг асло иложи ҳам йўқ эдики, буни у фақат ҳукуматини баралла кўрсатиб қўйиш учун қилди, холос. Найзали милтиқлар кўтарган аскарлар чақирилди, замбараклар ва казаклар сўралиб, қаерларгадир телеграммалар жўнатилади, деган гаплар ҳам бекор: булар бари сийқаси чиққан чўпчак, энди унга буни тўкиб чиқарганларнинг ўзлари ҳам ишонишмайди. Сув тўлдирилган ёнгин бочкалари келтирилди, халойиқ ундаги сувга ботирилди, дейилгани ҳам ғирт ёлғон. Бор-йўғи, Илья Ильич қизишиб кетиб, ҳеч ким менинг кўлимдан куруқ қочиб қутулмайди, деб қичқирди, холос. Афтидан, бочкаларни ҳам шу гапдан сўнг ясашган ва кейин бу гап пойтахт газеталаригача етиб борган. Ҳаммасидан ҳам тўғрироғи, оломон шу ерда турган барча полициячилар ёрдамида ўраб олинди, Лембкега хабар бериш учун биринчи бўлинманинг приставини жўнатишди, чопар полиция бошлиғининг извоши Скворешники томонга учиб кетди, фон Лембке ярим соат илгари ўз аравасида ўша тарафга йўл олганди...

Аммо тан олиб айтишим керакки, бир савол мен учун ҳамон ечилмай қолмоқда: майли, ҳатто етмиш кишидан иборат бўлса ҳам – арз-дод қилувчиларнинг оддий тўдасини қандай қилиб ҳокимият заминини ларзага солувчи ғалаёнга айлантириб юборилди? Чопар билан бирга йигирма дақиқадан сўнг етиб келган Лембкенинг ўзи нима учун худди шу фикрга ёпишиб олди? Тахминим шундай (албатта, бу менинг шахсий фикрим), ростдан ҳам, бошқарувчи билан яқин ошна-оғайнигарчилик қиладиган Илья Ильич учун ушбу оломонни фон Лембкега худди мана шу тахлитда тушунтириш ҳатто фойдадан холи эмасди, шунда айнан унинг ишни ҳақиқий маънода тафтиш қилишига ҳожат қолмасди; бу йўлни унга яна айнан Лембкенинг ўзи кўрсатганди. Кейинги икки кун ичида у билан яширинча ва шошилинч тарзда икки марта кўришган, лекин гап бари бир пойма-пойлигича қолиб кетганди, аммо бу суҳбатдан Илья Ильич

ҳар қалай, шундай бир хулоса чиқардики, бошлиқ варақалар масаласига қаттиқ ёпишган ва шу билан бирга фабрика ишчиларини кимлардир ғалаён қилишга кўндирган, деган фикрга келиб тўхтаган ва бунга шунчалар ишонган эдики, энди агар ишчиларни кимдир кўндиргани ёлғон бўлиб чиқса, бундан кўра ачинарлироқ ҳол бўлмасди. “Петербургда ўзларини кўрсатиб қўйишмоқчи шекилли, – деб ўйлади бизнинг айёр Илья Ильич фон Лембкенинг хузуридан чиқиб кетаркан, – майли, бизнинг фойдамизга”.

Аммо ишончим комилки, шўрлик Андрей Антонович ҳатто ўзини кўрсатиб қўйиш, кўз-кўз қилиш учун бўлсин, ғалаён чиқишини истамасди. У то уйлангунча боқир, маъсум юрган йигит, ижрочиликни қотирадиган мансабдор эди. Давлатнинг тинчгина мўмайгина ўтинини олиб, шундоқ бир ифбатли соддадил Минхен билан бош қовуштириб яшаш ўрнига тақдир уни ёши қирққа чиққан княз кизига дучор қилиб қўйган бўлса бу унинг айби эмас, албатта? Мен шуни ҳам яхши биламанки, бечора Андрей Антоновични Швейцариядаги маълум маҳсус касалхонагача олиб бориб ётқизган, аввалданок иситмаси аниқ ошқора бўлган ҳол-аҳволи худди мана шу машъум тонг чоғидан бошланди ва мана энди айтишларича, у гўё ўша ерда янғидан куч-қувватга кириш пайида экан. Лекин агарда айни ушбу тонг чоғидан алланималарнинг аниқ далиллари юзага чиққан, деб ҳисоблаганда ҳам, менинг назаримда, ҳали бу воқеалар рўй бермасданок, улар арафасида ҳам худди шунга ўхшаган, лекин бунчалар аниқ-ошқора бўлмаган ҳоллар рўй берган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Менга энг нозик пичир-пичирлардан яна шу нарса ҳам маълумки, Андрей Антонович ушбу воқеалар арафасида тунги бемаҳал соат учда хотинининг ётоғига кириб, уни уйқудан уйғотиб, “ўзининг ултиматуми”ни эшитишини талаб қилади. У ўз талабида шунчалар қаттиқ турдики, хоним аччиқ қилиб, сочларидаги бурмаларини ҳам олмай, тўшакдан туришга мажбур бўлди ва юмшоқ кушеткага ўтириб, юзида истехзо ва заҳархандалик билан эшитишдан ўзга чораси қолмади. Худди мана шунда хоним умрида биринчи марта Андрей Антонович уни қаттиқ исканжага олганини сизди ва ичида кўрқиб ҳам кетди. Мана, ниҳоят эс-хушини йиғиштириб олса ва кўнгли юмшаса қани эди, аммо у кўрқиб кетганини билдирмай, илгаригидан ҳам бешбаттар қайсарлик қилиб оёғини қаттиқ тираб олади. Унинг (чамаси, барча бошқа эрли хотинлар каби) Андрей Антоновичга муомаласининг ўз усули бор эди, у кўп бора синовдан ўтган ва эрни неча бора қутуришгача олиб борган эди. У шундан иборат эдики, хоним ғазаб-нафратга тўлган ҳолда оғзини маҳкам юмиб оларди, бир соат, икки соат, борингики, бир кун ва ҳатто уч кунлаб миқ этиб оғиз очмасди, – эри нима деб гапирмасин, нима қилмасин, ҳатто дераза тоқчасига чиқиб, ўзимни учинчи қаватдан пастга ташлайман деса ҳам, сира гапирмасди, – ўзингиз ўйланг, ҳиссиётчан одам бунга қандай чидасин ахир! Юлия Михайловна эрини кейинги пайтлардаги хатолари ёки ҳоким сифатида унинг маъмурий қобилиятларига ғаши келгани учун жазолармикин; хотинининг узоқни кўзлаган сиёсий мақсадларини англамай, ёшлар ҳамда бутун жамоатчилигимиз ўртасида олиб бораётган ишларини танқид қилгани учун қаҳр-ғазаб қилармикин; эрининг уни Петр Степановичга бемаъни ва аҳмоқона тарзда рашк қилишидан аччиқланиб жаҳл отига минармикин, – хуллас, қандай бўлмасин, Андрей Антонович қанчалик ҳаяжонланмасин, у юмшамасликка қарор қилди. У хотинининг ётоғида гиламлар устида у ёқдан-бу ёққа чарх уриб айланаркан, ҳамма-ҳаммасини, юрагини ўртаган, азобга солган барча

нарсаларни апил-тапил, узук-юлук тўкиб солди, “хаммаси чек-чегарадан чиқиб кетди”, деди. Менинг устимдан кулмаган одам йўқ, бурнимдан ип ўтказиб олишган, деб ичини ёрди у. “Тупурдим бу сўзларга! – деб чинқириб юборди у хотинининг жилмайганини кўриб, – бурнимдан ип ўтказишгани, нима, ёлғонми!..” “Йўқ, хоним, вақт келди; билиб қўйинг, энди куладиган, ноз-карашма қилиб ўтирадиган пайт эмас. Биз танноз хонимнинг ясан-тусан хонасида ўтирганимиз йўқ, балки ҳаво шари ичида учрашиб қолиб, бир-бирларига ҳақиқатни айтишлари керак бўлган хилқатларга ўхшаймиз”. (Рост, у тутилиб, чалкашиб кетар, ўзининг тўғри фикрларини жўяли шаклга солиб ифодалай олмасди). “Сиз, сиз, хоним, мени ўз ҳолимга қўймадингиз, мен бу жойни фақат сизни деб, сизнинг нафсониятингизни деб қабул қилдим... Нега захарханда куласиз? Ўпкангизни босинг, ховлиқманг. Билиб қўйинг, хоним, билиб қўйингки, бу жойни эплаш қўлимдан келади, қурбим етади, ёлғиз битта бу жой эмас, бунақа ўнта жойни ҳам эплайман, чунки бунга қобилятим бор; аммо сиз билан, хоним, сиз турганда, хоним – қўлимдан келмайди, зотан, сизнинг олдингизда мен қобилятларимни йўқотаман. Иккита марказ бирга яшолмайди, сиз эса иккита марказ ясадингиз, биттаси – менда, иккинчиси сизнинг хонангизда, – ҳокимиятнинг иккита маркази, хоним, лекин мен бунга йўл қўймайман, йўл қўймайман!! Хизматда, худди эр-хотинчиликда бўлганидек, марказ битта, иккитасининг иложи йўқ... Яхшилигимга нима жавоб қайтардингиз менга? – хитоб қиларди у. – Бизнинг эр-хотинлигимиз фақат шундан иборат бўлдики, сиз доимо, ҳар соат, ҳар дақиқада мени майда, арзимас, ҳатто тентак, тубан деб таърифлаб келдингиз, мен эсам доимо, ҳар дамда ўзимни камситиб, сизга майда, арзимас, тентак эмаслигимни исботлашга мажбур бўлдим, мен аҳмоқ эмасман, ҳамма менинг олийжаноблигимдан ҳайратга тушади, – қанчалар мени ерга уради буни сизга исботлаш! Ахир иккимиз учун ҳам бу хўрлик эмасми?” У оёқларини тез-тез тапиллатиб, депсина бошлади, натижада Юлия Михайловна ўз ориятини сақлаб ўрnidан туришга мажбур бўлди. У дарров жимиб қолди, бироқ бирдан кўнгли бўшашиб кетди ва кўллари кўкрагига уриб хўнграб йиғлашга (ҳа, хўнграб) тушди. Юлия Михайловнанинг ҳамон миқ этиб оғиз очмаётганидан ўзини қаттиқ йўқотиб, беш дақиқача хўнгради. Ниҳоят, тамомила эсини йўқотиб, уни Петр Степановичга рашк қилишини айтиб юборди. Ҳаддан ортик тентаклик қилиб қўйганини сезиб, қутуриб қаҳр-ғазабга минди ва “худони рад этишга йўл қўймайман”, деб қичқирди, “уятсиз, имонсиз даврангни тарқатиб юбораман”, ҳоким ва демак, “унинг хотини ҳам” худога ишониши керак; “ёш йигитчаларингни кўзимдан йўқот”, “сиз, хоним афандим, агар ориятингиз бўлганда, эрингизнинг обрўси учун курашишингиз, мабодо у лаёқатсиз бўлган тақдирда ҳам (ҳолбуки, менинг лаёқатим ўзимга етарли!) ақл-идрокимга риоя қилишингиз лозим эди, ҳолбуки, мени бу ерда ёмон кўришларига сиз сабабчисиз, сиз уларни менга қарши қилиб қўйгансиз!..” Мен аёллар масаласига барҳам бераман, бу бадбўй хидни тамом қуритаман, мураббиялар учун уюштирилаётган эртанги аҳмоқона байрамни ўтказишни бекор қиламан, ҳаммасини қувиб соламан; биринчи учраган тарбиячини эртага эрталаб вилоятдан ҳайдаб чиқараман, “Казакларни чақираман! Атай, жўртгага шундай қиламан!” деб тинмай чинқирарди. “Биласизми, биласизми, – деб бакирарди у яна, – фабрикадаги ишчиларни сизнинг аблах одамларингиз гиж-гижляпти, мен буни яхши биламан!” Биласизми, атайлаб, жўртгага варақалар тарқатишляпти, ҳа, жўрт-т-та-га! Биласизми,

менга ўша тўртта аблахнинг номлари маълум, биласизми, мен буларни деб ақлдан озяпман, бутунлай, бутунлай!!! Аммо шу ерга келганда Юлия Михайловна бирдан тилга кирди-да, мен ўзим бу жинояткорона кирдикорлардан анчадан бери хабарим бор, буларнинг ҳаммаси аҳмоқликдан бошқа нарса эмас, сиз буни бекорга жиддий нарса деб ўйлабсиз, анов шумтакаларга келганда, уларнинг тўрттасини эмас, битта кўймай ҳаммасини яхши биламан (шу ерда у ёлғонлади); лекин, кўриб турибсиз, бу ишлардан мен эс-хушимни йўқотганим йўқ, аксинча, ўз ақл-идрокимга янада ортиқроқ ишонаман ва ҳаммасини уйғун бақамти бир тўхтамга келтиришдан умидворман, деб қатъият билан айтди: ёшларни кўнглини шундай кўтариш, тўғри йўлга солиш ва бирданига, кутилмаганда уларга сизларнинг барча орзу-ниятларингиз бизга яхши маълум деб, бундан кўра нурлироқ йўлларни кўрсатиш, янги мақсадлар сари йўллаш керак, деди. О, шу дамларда Андрей Антонович қандай аҳволга тушганлигини бир кўрсангиз эди! Петр Степанович уни яна бошлаб лақиллатиб кетганлиги, устидан хўп маза қилиб кулганлиги, хотинига ундан анча олдин ва анча кўпроқ нарсаларни айтганлиги, ва ниҳоят, Петр Степановичнинг ўзи барча жинояткорона кирдикорларнинг тепасида турганлигини билгач, ҳоким қутуриб кетди. “Билиб қўй, эй, эси паст, захар-заққум хотин, – деб ўдағайлашга тушди у барча занжирларни парчинлаб узиб ташларкан, – билиб қўй, мен сенинг ярамас жазманингни ҳозироқ қамайман, оёғига кишан солиб, қалъага жўнатаман – ёки ўзимни мана шу ернинг ўзида пастга ташлайман!” Бу дағдагадан Юлия Михайловнанинг фиғони ошиб, кўкариб кетди ва у қаттиқ қаҳ-қаҳ уриб кула бошлади, кулгиси дам баландлаб, дам пастлаб жуда узоқ янграб турди, худди француз театрларидек, Париждан юз минг ақча тўлаб чақиртириб келинган актёр хотин танноз ролини ижро этаркан, уни рашк қилишдан тийилмаган эри устидан унинг юзига тик қараб туриб худди мана шундай кулади. Фон Лембке ўзини ойна томонга отмоқчи бўлиб чоғланди, аммо бирдан худди қоққан козиқдай қотиб қолди, иккала кўлини кўксига қўйди-да, ранги ўликниқидек оқариб, кулаётган хотинига ўқрайиб қаради. “Биласанми, биласанми, Юлия... – деди у ҳансираб, ёлворган овозда, – биласанми, менинг ҳам бирон нарса қилиш кўлимдан келади!” Аммо бу кейинги сўзлар кетидан яна қайтадан янграган уйнинг томини бузгудек қаттиқ қаҳқаҳа остида у тишларини қаттиқ қисди, ичидан бир ингроқ отилиб чикди ва кутилмаганда, дераза томонга эмас, хотинига ташланди, мушт кўтарди! Аммо муштини хотинининг бошига туширмади, асло, асло; лекин шу заҳоти турган жойидан ғойиб бўлди. Қандай чопиб борганини билмайди, аммо кабинетига етиб келди, ечинмаёк кийимлари билан тўшалган ўринга юзтубан ўзини ташлади, чойшабга бошини титраб-қақшаб буркади-да, шу алфозда икки соатча ётди, – на ухлолди ва хаёл суролди, ўзини кўкрагига тош бостириб қўйилгандек сизди, юраги туганмас ғам-алам, умидсизликка тўлди. Гоҳ-гоҳида иситма тутгандай бутун вужуди зиркираб қалтирарди. Унинг хаёлида ҳеч алоқаси бўлмаган, ўринсиз бир нарсалар гавдаланарди: мисол учун, гоҳида Петербургдаги ўн беш йиллар илгариги девор соат унинг кўз ўнгига келарди, бу соатнинг дақиқаларни кўрсатадиган мили узилиб тушган эди; гоҳ шўх-хандон хизматдош ўртоғи Милбуа эсига тушарди: бир гал Александр боғида чумчуқ ушлаб олиб, шунда икковларидан бирининг бугун амали ошганлигини эслаб, боғни бошларига кўтариб хандон отиб кулган эдилар. Мен, у ўзи сезмаган ҳолда соат еттиларга бориб ухлаб қолган, чиройли тушлар кўриб қотиб уйқуни

урган деб ўйлайман. Соат ўнларда у кўзини уйқудан очиб, илон чаққандай сакраб ўрнидан турди, ҳаммаси бирдан эсига тушди, пешонасига қарс этиб урди: на чой ичди, на Блюмни, на полиция бошлиғини қабул қилди, бир туман йиғинининг аъзолари унинг келиб раислик қилишини кутиб ўтиришган экан, шунга ҳам бормади, у ҳеч нарсани эшитишни, тушунишни хоҳламас, эси телба-тескари бўлиб, Юлия Михайловнанинг хосхонаси томонга югургилади. У ерда Юлия Михайловнанинг ёнида анчадан буён сиғинди бўлиб яшайдиган қариндоши қари кампир Софья Антроповна Юлия Михайловна соат ўнлардаёқ бир талай одамлар билан бирга Скворешникига, Варвара Петровна Ставрогинанинг уйига жўнаб кетишганини тушунтирди, у ерда икки ҳафтадан сўнг бошқа бир байрамни ўтказмоқчи бўлиб мўлжаллаётган экан, шунинг учун олдиндан жойни кўрмоқчи бўлиб, уч кун бурун Варвара Петровна билан келишиб қўйишган экан. Бу хабардан лол қолган Андрей Антонович кабинетига қайтиб келди ва шу заҳоти от-арава ҳозирлашни буюрди. Сабрсизликдан юраги қинидан чиқиб кетай дерди. Шу тобда дарҳол Юлия Михайловнани кўрмаса сира иложи йўқ эди – фақат кўрса, бас, фақат ёнида бир зум турса, бас; балким хоними унга бир қиё бокиб қўяр, унга кўзи тушар, аввалгидек бир табассум ҳада этар ва балким кечирар – о-о! “Э, нима бўлди ўзи бу отларга?” У беихтиёр стол устидаги қалин китобни варақлади (у баъзан шу китобдан истаган бир жойини омад келтирсин деб очиб, ўнг томондаги саҳифанинг тепасидан уч қаторини ўқирди). Бу сафар: “*Tout est pour le mieux dans le meilleur des mondes possibles*”. Voltaire “*Candide*”<sup>1</sup>. У тупуриб, аравага ўтириш учун югурди: “Ҳайда Скворешникига!” Араваканинг ҳикоя қилишича, хўжайин йўл бўйи тоза шоширган, лекин манзилга яқинлашганда, у бирдан орқага, шаҳарга қайтишни буюрган: “Тез бўл, тез бўл, тезроқ”, деб қўймаган. Шаҳар кўрғонига етмай аравани тўхтатган, “ҳазрат, менга тўхта деди, аравадан тушиб, йўлни кесиб ўтиб, далага юрдилар; заҳар танғиб қолгандир деб ўйладим, ҳазрат эса ўт-ўланларни томоша қила бошладилар, бир замон турдилар, во ажабо, мен нима қилишимни билмадим». Аравакаш шуларни гапириб берганди. Ўша куни эрталабдан об-ҳаво қандай бўлганини эсладим: Андрей Антоновичнинг кўз ўнгида ястанган сентябрнинг ҳавоси совуқ ва тиниқ эди; дон-дун аллақачон ўриб олинган далалар яланғоч қорайиб, тумтайиб ётарди; увиллаб эсган шамол сарғайган, қовжираган яккам-дуккам ўт-ўланларни совурадди. У ўзини, қисматини куз ва совуқ ўлик хас-хашакка айлантирган чечакларга ўхшатарди гўё. Ундай бўлмаса керак. Ҳатто аниқ биламанки, бундай деб ўйламаган ва ҳатто чечакларни хаёлига ҳам келтирмаган, аравакаш ҳамда худди шу пайт хабар билан етиб келган биринчи бўлинманинг пристави кўзига эҳтимол шундай кўрингандир, бу пристав кейинчалик мен борганимда ҳоким ҳақиқатан қўлида бир даста сариқ гулларни кўтариб турган эди, деб гапириб юрди. Пристав Василий Иванович Флибустьеров шаҳримизга яқинда келган, ижроия ишларида ўзининг қандайдир ҳаддан ошиқ жонбозлиги, алланечук ҳовлиқмалиги билан отнинг қашқасидай танилиб қолган, бу ўпкаси йўқ маъмурни ҳеч ким соғ холда кўрмаганди. У икки ғилдиракли учар извошдан сакраб тушиб, ҳокимнинг нима билан машғуллигига ақли етгач, кўзини ола-кула қилиб, “шаҳарда нотинчлик бўляпти”, деб вағирлади.

– А? Нима? – унга ўтирилди юзида жиддият билан Андрей Антонович, у заррача ҳайрон бўлмади, аравакаш ва аравани ҳам эсламади, у худди ўз кабинетига тургандай эди.

<sup>1</sup> “Дунёлар ичида энг яхшиси бўлмиш ушбу дунёда ҳаммаси яхши”. Волтер. “Кандид” (франц.).



– Биринчи бўлинма пристави Флибустьеров бўламан, жаноби олийлари. Шахарда исён чикди.

– Флибустьеров? – такрор сўради Андрей Антонович ўйга ботиб.

– Худди шундай, жаноби олийлари. Шпигулин фабрикаси ишчилари исён кўтаришпти.

– Шпигулин ишчиларими?

“Шпигулин ишчилари” деганда у алланарсани эслагандай бўлди. У ҳатто сесканиб тушди-да, бармоғини пешонасига нуқди: “Шпигулин ишчилари!” У индамай, ўйга ботганча, шошилмай коляска томон юрди ва шахарга ҳайдашни буюрди. Пристав извошда унинг орқасидан кетди.

Мен албатта, тасаввур қиламан: йўл-йўлакай унинг хаёлидан кўп масалаларда анча-мунча қизиқ нарсалар бирма-бир ғира-шира ўтгандир, аммо ҳоким қароргоҳи олдидаги майдонга кириб бораркан, у қандайдир аниқ мақсадни кўзлаган деб айтиш қийин эди. Аммо у “исёнчиларнинг” оёқда маҳкам турган сафлари, городской мишрабларнинг уларни ҳалқадай ўраб олгани, полиция бошлиғининг нима қилишни билмай (балки, атай нима қилишни билмай) тургани ва барча фақат унинг келишини кутаётганини кўргач, юрагидаги қон жўшиб, кўпириб кетди. Ранги ўчганча, у коляскадан тушди.

– Шапкаларингни ол! – деган сўз хансираганча базўр оғзидан чикди унинг. – Тиз чўк! – дея кутилмаганда чинқирди у, ҳатто ўзи ўзига хайрон қолиб. Ишнинг бундан кейинги бутун ечими эҳтимол, худди мана шу кутилмаган ҳолат билан боғланганди. Бу гўё киш тугаётганда баланд тепаликларга чиқиб чана учишга ўхшарди, чаналар тепадан шувиллаб тушиб келаётганда, тепанинг ярмида тўхтаб қола олармиди? Ўзига қасдма-қасд қилгандай, Андрей Антонович бир умр феъл-атворининг очик-ойдинлиги билан ажралиб турар ва ҳеч қачон ҳеч кимга қичқирмаган, оёқларини ерга уриб депсинмаган; бундай одамлар агар чаналари мабодо тепаликдан тушаётганда кулаб кетса, жуда хатарли бўлиб қоладилар. Унинг кўзлари жимирлашиб, боши айланиб кетди.

– Флибустьерлар! – деб бўқирди у янада бемаънироқ чинқириб, шунда овози бирдан хиппа бўғилди. У энди нима қилишини билмай, аммо бутун вужудида ҳозир нимадир қилажагини ҳис қилиб ва билиб, серрайиб туриб қолди.

“Оҳ, худойим!” деган нидо келди издиҳомдан; бир йигит зўр бериб чўкина бошлади; учтами-тўртта киши ростдан ҳам, тиз чўкмоқчи бўлишган эди, аммо бошқалар бутун забт-маҳобати билан уч-тўрт қадам олдинга силжишди ва дабдурустан бутун издиҳом вағирлаб юборди: “Ҳазрат олийлари... қирқдан шартлашилган эди... бошқарувчи гумашта... кучларинг етмайди дейди” ва ҳоказо ва ҳоказо. Ҳеч нарсани тушуниб бўлмасди.

Во ажабо! Андрей Антонович ҳеч нарсани тушунмай гаранг бўлиб турарди: бир даста қуриган чечак ҳамон кўлида эди. Боягина Степан Трофимовичга ёпиқ арава қанчалик аён бўлса, энди ҳокимга исён шундай равшан эди. Кўзларини унга лўқ қилиб қараб турган “исёнчилар” оралаб унинг кўз ўнгиди уларни “жунбушга келтириб” Петр Степанович дам у ёққа-дам бу ёққа ўтарди, бу ҳол унинг хаёлини бир зум тарк этмасди, ҳа, шу Петр Степанович, унинг кўришга кўзи йўқ бу Петр Степановични...

– Гаврон уринг! – қичқирди у яна кутилмаганда.

Орага ўлик сукунат чўқди.

Аниқ маълумотлару менинг тахминларим бўйича бу ишни боши

куйидагича бўлди. Аммо ундан у ёғига маълумотлар у қадар аниқ эмас, инчунин, менинг тахминларим ҳам. Дарвоқе, айрим фактлар йўқ эмасди.

Биринчидан, шоша-пиша калтаклашга киришилди; чамаси, хушёр полиция бошлиғи бунга олдиндан ҳозирлик кўриб қўйганди. Ҳар қалай, фақат икки ёки уч кишигина жазоланди; бу гапим аниқ. Ҳамма ёки тўданинг ярми калтакланди деган гап ғирт ёлғон. Гўё шу ердан ўтиб бораётган қандайдир камбағал бир аёлни ушланиб, нима учундир калтаклашибди, деган гап ҳам бекор; ҳар ҳолда кейинроқ бу аёл ҳақида Петербург газеталаридан биридаги хабарда ўқидим. Бизда кўплар аллақандай қабристондаги ғарибхонада яшовчи мискин художўй хотин, Авдотья Петровна Торопигина ҳақида гапириб юришди. Эмишки, у кўноқдан ўз хонақосига қайтаётганда, майдондаги одамлар орасини ёриб ўтиб, воқеани ўз кўзи билан кўргач, “Вой, уятсизлар!” деб, ерга тупурибди. Шу қилганига уни ҳам ушлаб “жазога тортишибди”. Бу воқеани бизда газеталарда ёзишдан ташқари, шаҳарда унга хайрия ёрдами ҳам уюштиришди. Мен ҳам хайрияга йигирма тийин ажратдим. Нима экан денг? Маълум бўлдики, бизда ҳеч қандай художўй кампир бўлмаган экан! Мен ўзим қабристондаги хонақога бориб суриштирдим: у ерда ҳеч қандай Торопигина ҳақида эшитишмаган экан; яна денг, миш-мишларни сўзлаб берсам, улар ростакамига қаттиқ хафа бўлишди. Мен ўзи аслида бўлмаган мискин Авдотья Петровнани эслаётганимнинг боиси, сал бўлмаса Степан Трофимовичнинг бошига ҳам шундай савдо тушаёзди; ҳатто Торопигина ҳақидаги бемаъни миш-миш қандайдир бир тарзда Степан Трофимовичга боғлиқ ҳолда тарқалган бўлиши ҳам мумкин, мен демоқчиманки, миш-миш кейинча оғиздан-оғизга ўтиб, аллақандай ғариб Торопигинанинг бошидан кечирган воқеа тусини олган. Ҳаммасидан ҳам, майдонга чиққанимиздан сўнг у қандай қилиб кўзимдан бирдан ғойиб бўлганига ҳеч тушунолмаيمان. Мен ёмон бир кори ҳол рўй бериб ўтирмасин деб, уни майдон четидан айлантириб ҳоким қароргоҳи олдига олиб ўтмоқчи эдим, аммо аллақимдан бир нарсани сўрайман деб чалғиб қолдим, бундай қарасам, Степан Трофимович ёнимда йўқ. Ғайришуурий тарзда дарҳол уни энг хатарли бир жойдан қидиришга тушдим; менинг назаримда, унинг чанаси ҳам баланд тепадан пастга учиб қулагандай эди. Ҳақиқатан ҳам, уни бўлаётган воқеаларнинг нақ ўртасидан топдим. Эсимда, унинг кўлидан маҳкам тутдим; лекин у менга осуда ва ғурур ичида чексиз шишиниб боқди:

– Шер, – худди тори узилиб кетгандай қалтироқ товуш билан сўйлади у. – Агар улар бизнинг кўз ўнгимизда бу майдонда писанд қилмай хоҳлаган ишларини қилаётган эканлар, унда жилов ўз кўлига текканда... мановдан нима кутиб бўлади?

Шунда у хуноби ошиб қалтираб, чексиз бир иддао билан ўзининг фош қилувчи қўрқинчли бармоғини нарироқда кўзини лўқ қилиб бизга қараб турган Флибустьеровга қадади.

– Мановми? – ўдағайлади миршаб боши кўз ўнги қоронғилашиб. – Қайси манов? Сен ўзинг кимсан? – деб бостириб келди у муштларини туғиб. – Сен кимсан? – деб бўқирди у изтироб ичида титраб-қақшаб (айтиб қўяйки, у Степан Трофимовични башарасидан жуда яхши танирди). Яна бир зум ўтса, у албатта, Степан Трофимовичнинг ёқасидан тутарди; аммо, хайриятки, унинг бақирганини эшитиб, Лембке бошини буриб қаради. У ҳеч нарсани тушунмай, ниманидир эсига туширгандай бўлиб Степан Трофимовичга тикилди, сўнг бирдан сабрсизлик билан кўлини силтади. Флибустьеров тек

қолди. Мен Степан Трофимовични издиҳом ичидан олиб чиқдим. Воқеан, унинг ўзи ҳам бу ердан кетмоқчи бўлиб турганди.

– Уйга, уйга кетайлик, – деб қаттиқ туриб олдим мен, – Лембке бўлмаса, калтак остида қолиб кетардик.

– Сиз бораверинг, дўстгинам, мен айбдорман, сизнинг бошингизни балога қўйдим. Амал, мансаб, ҳаммаси олдингизда, мен эсам, – *mon heure a sonne*<sup>1</sup>.

У ҳоким қароргоҳига шаҳдам қадам қўйди. Эшикдаги қоровул мени танирди; биз, икковимиз Юлия Михайловнага кирмоқчимиз, дедим. Қабулхона залида биз ўтириб кута бошладик. Мен азиз дўстимни ёлғиз қолдиришни истамасдим, лекин унга яна нималардир дейишни ортиқча деб билардим. У нима десамикин, ватан учун ўзини аниқ ўлимга чоғлаган одам қиёфасига кирганди. Биз бошқа-бошқа жойга ўтирдик, мен эшикка яқин, у эса анча нарида тўрда, ўйга ботганча бошини қуйи эгиб, икки қўли билан ҳассасига суянганча ўтирарди. Айвони кенг шляпасини чап қўлида ушлаб олганди. Биз шу тариқа ўн дақиқалар кутдик.

## II

Тез-тез қадам ташлаб, Лембке полиция бошлиғи билан бирга кириб келди-да, бизга паришон ҳолда қараб, ўнг томондаги кабинетига юрди, бироқ Степан Трофимович унинг қаршисидан чиқиб, йўлини тўсди. Бошқаларнинг қад-қоматига ўхшамайдиган Степан Трофимовичнинг баланд сумбати кўзга ташланмай иложи йўқ эди, Лембке тўхтади.

– Ким бу? – полиция бошлиғидан ўсмоқчилагандай ғудраниб сўради у Степан Трофимовичга бошдан-оёқ назар ташларкан.

– Собик коллеж ассессори Степан Трофимович Верховенский, жаноби олийлари, – жавоб берди Степан Трофимович виқор билан бошини эгиб. Жаноби олийлари ҳамон аҳмоқона бир зайлда ундан кўзини узмасди.

– Нима гап? – у амалдорлар каби гапни қисқа қилиб, сабрсизлик билан ижирғаниб Степан Трофимовичга кулоғини тутди, чамаси, уни ниҳоят, оддий арзгўйлардан бири бўлса керак, деб ўйлади.

– Бугун уйимни жаноби олийларининг номидан келиб тинтув қилишди; шунинг учун истардимки...

– Номидан? Номидан? – тоқатсизланиб сўради Лембке нимадир эсига тушиб. Степан Трофимович аввалгидан ҳам салмоқлироқ қилиб номини такрор айтди.

– Э, ҳа-а-а!.. Бу... анов уя... Мухтарам жаноб, сиз шундай ишлар қилгансизки... Сиз профессормисиз? Профессормисиз?

– Бир пайтлар университетда маърузалар ўқиганман.

– Ё-ш-ш-лар-га-ми? – сескангандай бўлди Лембке, лекин у ҳалиям гап нима устида бораётганлиги, ким билан гаплашаётганлигини англаб етмаганди. – Мен, марҳаматли жаноблари, бунга йўл қўймайман-н, – ёмон жаҳли кўзиб деди у. – Мен ёшларни тан олмайман. Булар бари варақалар. Бу жамиятга қарши хуруж, марҳаматли афандим, денгиз босқини, флибустьерлик... Нима арзингиз бор?

– Аксинча, рафиқангиз эртанги байрамида мендан ўқишни сўровди. Мен арз қилаётганим йўқ, ўз ҳақ-хуқуқимни билдиргани келдим...

– Байрам? Байрам бўлмайди. Мен байрамингизга йўл қўймайман-н!

<sup>1</sup> Менинг соатим етди (франц.).

Маъруза? Маъруза? – кутуриб кичкирди у.

– Мен истардимки, мен билан одобдан чиқмай гаплашсангиз, жаноби олийлари, оёгингизни тапиллатмасангиз, менга ёш боладай бақирманг.

– Сиз, эҳтимол, ким билан гаплашаётганингизни биларсиз? – қизарди Лембке.

– Яхши биламан, жаноби олийлари.

– Мен жамиятни муҳофаза қиламан, сиз эса уни бузасиз. Бузасиз! Сиз... Айтмоқчи, сизни эсладим: сиз генералнинг хотини Ставрогиннинг хонадониди мураббийлик қилгансиз, тўғрими?

– Ҳа, мен... генералнинг хотини Ставрогина хонадониди... мураббий бўлганман...

– Ҳа, йигирма йил мобайнида ҳозир бўлаётган барча нарсалар... барча мевалар... ўчоғи бўлгансиз... Чамамда, сизни ҳозир майдонда кўрган эдим. Бироқ, кўрқинг, марҳаматли афандим, кўрқинг; сизнинг фикр йўналишингиз маълум. Амин бўлингки, мен буни назарда тутаман. Мен, марҳаматли афандим, маърузаларни қўймайман, иложи йўқ. Бундай арзингизни бошқа ерда айтинг.

У яна ўтиб кетмоқчи бўлди.

– Яна қайтараман, сиз хато қиялпасиз, жаноби олийлари: сизнинг рафиқангиз эртанги байрамда адабий-бадий бир нарса ўқиб беришимни сўраган эди. Аммо энди менинг ўзим ўқишдан воз кечаман. Мен илтижо қилиб сўрайманки, қандай қилиб, нима учун мени бугун тинтув қилишганини мумкин бўлса, тушунтириб берсангиз? Менинг айрим китобларим, қоғозларим, мен учун жуда қимматли хатларимни олиб кетишди аравага солиб...

– Ким тинтув қилди? – чўчиб тушди Лембке ва ҳуши тамомила ўзига келгач, бирдан қип-қизариб кетди. У шартта полиция бошлиғига ўгирилди. Худди шу онда эшикда Блюмнинг бесўнақай, узун, елкаси чиққан гавдаси кўринди.

– Э, мана ўзи, шу киши, – деб уни кўрсатди Степан Трофимович. Блюм айб қилиб қўйган, аммо бўш келмайдиган қиёфада олдинга чикди.

– Vous ne faites que des betises<sup>1</sup>, – ранжиб, аччиғи чиқиб уни сўқди Лембке ва бирдан бутунлай ўзгариб, ҳуши ўзига келди. – Кечиргайсиз... – тили тутулиб ва ғоятда хижолат бўлиб деди у тобора қизариб-бўртиб, – бу бари... ҳаммаси, фақат англашилмовчилик, холос... фақат англашилмовчиликнинг ўзи.

– Жаноби олийлари, – деди Степан Трофимович, – ёшлигимда мен қизиқ бир воқеанинг гувоҳи бўлган эдим. Бир куни театрда биров аллакимнинг олдига тез юриб борди-да, ҳамманинг кўз ўнгида унга шапалоқ урди. Лекин шу заҳоти бу шапалоқ ейиши керак бўлган бутунлай бошқа одам эканлигини билгач, жаҳли чиқиб, олтидан қиммат вақтини бой беришни истамай, худди ҳозир сиз жаноби олийларига айнан ўхшаб: “Мен янглишибман... Кечиргайсиз, бу англашилмовчилик, фақат англашилмовчиликнинг ўзи”, деб айтди. Бекор азият чеккан киши хафа бўлиб, бақирган эди, бояғи айбдорнинг ғаши келиб: “Сизга айтдим-ку, бу англашилмовчилик деб, яна мenden нима истайсиз, нега бақирасиз!” – деди.

– Бу... бу, албатта, жуда кулгили экан, – оғзини қийшайтириб кулди Лембке, – бироқ... бироқ, кўрмаяпсизми, аҳволимнинг қанчалик ёмонлигини?

У чинкириб юбораёзди... ва чамаси юзини кафтлари билан тўсмоқчи ҳам бўлди.

<sup>1</sup> Сизнинг ишингиз фақат аҳмоқлик (франц.).

Бу кутилмаган аянч, изтиробли нидо, йиғига ҳам ўхшаб кетар ва бунга қараган одамнинг тоқати етмасди. Бу эҳтимол, кечадан бери бутун рўй бераётган воқеаларни илк бор тўла бўй-басти билан жуда ёрқин идрок этиши ва ундан кейинги бутун жони-жаҳонини ўртаб таҳқирлаган, етган алам-умидсизлик ичида куйиб ёниш; ким билсин, эҳтимол, яна бир сониядан сўнг у зални бошига кўтариб хўнграб йиғлаб юборармиди, валлоху аълам. Степан Трофимович унга кўзи ола-кула бўлиб қаради, кейин бирдан бошини солинтирди-да, ўта ғамгузор товуш билан деди:

– Жаноби олийлари, менинг мижғов шикоятим билан бошқа бошингизни қотириб ўтирманг, фақат менинг китобларим ва хатларимни қайтариб беришларини айтиб қўйсангиз, бас...

Унинг гапи оғзида қолди. Худди ушбу дақиқада Юлия Михайловна ўзининг барча шотирлари ҳамроҳлигида шовқин-сурон билан қайтиб келди. Бироқ бу ўринда мен ҳаммасини иложи борица батафсил ҳикоя қилишни истаيمان.

### III

Биринчидан, ҳаммалари учта қоляскадан тушиб, бараварига қабулхонага бостириб кирдилар. Юлия Михайловнанинг хосхоналарига ташқари эшикдан, тўғри чап томондан алоҳида кириларди; аммо бу сафар ҳамма ўзини залга урди, бунинг сабаби, наздимда, улар Степан Трофимовичнинг шу ерда эканлигини эшитишган, унинг бошидан кечган воқеалар ва шу билан бирга Шпигулин ишчиларининг юриши Юлия Михайловнага у шаҳарга кириб келгандаёқ оқизмай-томизмай етказилганди. Қандайдир айби учун уйда қолдирилган Лямшин ҳаммадан бурун воқеадан хабар топиб, Юлия Михайловнанинг қулоғига етказиб улгурганди. У бир қирчанғи козоқи отни ёллаб, Скворешники йўлига учиб борган ва хушхабар билан қайтаётганлар рўпарасидан чиққанди. Юлия Михайловна ўзининг юксак жасоратига қарамай, бундай ғаройиб янгиликларни эшитиб, бари бир бироз хижолат бўлди; ҳар қалай, бир зумгина давом этди, холос. Мисол учун, масаланинг сиёсий томони уни ташвишлантирмасди; Петр Степанович бир эмас, тўрт маротаба Шпигулин ғаламисларини таг-туғи билан қуритиш керак, деб унинг қулоғига қуйганди, Петр Степанович эса бир оз вақтлардан бери хоним наздида қатта эътибор топиб, дегани деган эди. “Аммо... бари бир бунинг учун унинг таъзирини бераман”, деб кўнглидан ўтказди у эрини назарда тутиб; йўл-йўлакай шуни ҳам айтиб ўтайки, Петр Степанович атай қилгандай бу сафарги юришда қатнашмаган, эрталабдан бери уни ҳеч ким кўрмаган эди. Яна шуни ҳам эслатишим керакки, Варвара Петровнанинг ўзи меҳмонларни кутиб олгач, улар билан бирга шаҳарга қайтди (Юлия Михайловна билан бир қоляскада келди), у эртанги байрам хусусида ўтадиган кўмитанинг охирги йиғилишида албатта қатнашиш ниятида эди. Уни ҳам, шак-шубҳасиз, Лямшин томонидан етказилган Степан Трофимович борасида хабарлар қизиктирмай қўймас, балки, ташвиш-ҳаяжонга ҳам соларди.

Андрей Антоновичнинг адабини бериш бир зум кечиктирилмай дархол амалга оширилди. Эвоҳ, буни у гўзал рафикасига кўз кирини ташлагандаёқ сезди. Хонимнинг чехраси чарақлаб очилиб, мафтункор табассум-ла, тезда Степан Трофимовичга пешвоз бориб, унга узун қўлқоп тортилган кўлини узатди-да, ажойиб мақтову тасаннолар ёғдирди, – ниҳоят, у Степан Трофимовични ўз уйида кўрганидан боши осмонга етиб, шу тобда унга тезроқ ғамхўрлик қилиш, меҳрибончилик кўрсатишдан бошқа иши-хуши



йўқ одамдай тутди ўзини. Эрталабки тинтув ҳақида оғиз очмади; ўзини ҳали ҳеч нарсадан хабари йўқдай кўрсатди. Эрига бир оғиз сўз қотмади, ҳатто унга қараб ҳам кўймади, гўё йўқдек эди. Бу ҳам етмагандай, у Степан Трофимовични дарҳол ҳукмфармо эгаллаб олди-да, ичкарига олиб кириб кетди, – ўзини Лембке билан гаплашадиган гапи йўқдай, бор бўлса ҳам, уларни давом эттириш мутлако фойдасиздай тутди. Яна бир қарра такрорлай: ўзини жуда баланд келиб тутаётганига қарамай, Юлия Михайловна яна катта хатога йўл кўйди. Бунда унга Кармазинов ҳам кўмаклашиб юборди (Юлия Михайловна ундан бирга юришни алоҳида илтимос қилиб сўраган, шу баҳона у ниҳоят, Варвара Петровнанинг хонадонига ташриф этган ва бундан Варвара Петровна ўз ожиз кўнглида ғоятда мамнун бўлганди). У эшиқдан ичкарига қадам ташлаган заҳоти (у бошқалардан орқада қолиброк кирди) Степан Трофимовични кўриб, қичқириб юборди-ю, унга кучок очиб пешвоз юрди, ҳатто Юлия Михайловна ҳам бир четда қолиб кетди.

– Ох, қанча сувлар оқиб кетди! Ниҳоят, кўришдик... Excellent ami<sup>1</sup> .

У ўпишди, юзини ўпишга тутди. Ўзини йўқотиб қўйган Степан Трофимович у билан бўсанўш қилишдан бошқа иложи қолмади.

– Шер, – дерди у менга кеч оқшом ўша кунги барча воқеаларни эсларкан, – ўша пайтда мен ҳар иккимиздан қайси биримиз тубанроқ эканимизни хаёлимдан ўтказдим. Умикин, мени кучоқлаб туриб, яна шу заҳоти ерга урмоқчи бўлган, ёки менмикин, ундан нафрати кўзиб туриб, яна шу заҳоти ўпишиш учун бўй чўзган, ахир мен юзимни ўгириб олсам ҳам бўлардику... туф-эй!

– Қани, қани, айтинг, ҳаммасини айтинг, – чайналиб, минғирлаб тамтамланарди Кармазинов, худди йигирма беш йиллик умрни шу бир зум ичида сўйлаб адо қилиб бўладигандай. Аммо бу бемаъни ҳавойилик “киборона” оҳангда эди.

– Эсланг, сиз билан охирги марта Москвада Грановскийга бағишланган кечада учрашгандик, мана, ўшандан буён йигирма тўрт йил ўтибди... – деб салмоқлаб (демак, киборона гап оҳангидан қочиб) гап бошлади Степан Трофимович.

– Се cher homme<sup>2</sup> , – унинг елкасини қўллари билан меъёридан ортик қисганча такаллуфсизлик билан қичқирди Кармазинов, – э, тезроқ бизни ичкарига бошланг, Юлия Михайловна, бафуржа ўтириб бизга ҳаммасини сўйлаб беради.

– Аслида мен бу тегманозик хотинга ўхшаган билан ҳеч яқин бўлган эмасман, – буларнинг ҳаммасини ўша куни кечасиёқ ғазабдан қалтираганча менга шикоят йўсинида ҳикоя қилганди Степан Трофимович. – Ҳали қарийб ўсмир чоғларимиз эди, ўша пайтлардаёқ ундан кўнглим қолган, у ҳам менга рўйхуш бермасди...

Юлия Михайловнанинг салони тезда одамлар билан гавжум бўлди. Ўзини бепарвороқ кўрсатаётган бўлса-да, Варвара Петровна бошқача ҳаяжон ичида эди, мен унинг Кармазиновга бир-икки бор нафратланиб кўз ташлагани, Степан Трофимовичга эса қахрланиб бокқанини пайқаб қолдим, бу қахр унда олдиндан туғилган ва бу рашкнинг қаҳри, муҳаббатнинг қаҳри эди: агарда Степан Трофимович мана шу гал қандайдир пўк ташласа ё ҳамманинг кўз ўнгига Кармазиновдан бўш келса, назаримда, махбуба ўрнидан сакраб туриб, унинг башарасига туширадигандай эди. Мен Лиза ҳам шу ерда эканлигини айтишни унутибман, илгари уни ҳеч қачон бунчалар хурсанд, шўх-

<sup>1</sup> Азиз дўстим (франц.).

<sup>2</sup> Қимматли (франц.).

кувнок ва бахтиёр ҳолда кўрмагандим. Албатта, Маврикий Николаевич ҳам шу ерда эди. Бундан ташқари, Юлия Михайловнанинг қуршовидаги одатдаги ёш хонимлар ҳамда бирмунча тийиксиз навқирон ёшлар тўдаси орасида (дарвоқе, улар доирасида тийиксизлик шўхлик-кувноклик, сариқ чақага арзимайдиган бетамизлик эса ақл-фаросат белгиси деб қабул қилинарди), иккита-учта янги нухсаларга кўзим тушди: булар қандайдир питир-питир қилаверадиغان келгинди поляк, ўзининг ҳазил-хузулларига тўхтамай хузур қилиб овозини баралла кўйиб кулаверадиغان, аллақандай жуда соғлом немис чол, доктор ва яна ниҳоят, Петербургдан келган жуда ёш, давлат кишиларидай басавлат, худди хода ютгандай ғўдайган, ҳаддан зиёд узун ёқа таққан қандайдир князвачча. Лекин Юлия Михайловна бу меҳмонни жуда қадрлаши ва ҳатто унинг олдида ўз салонидан ташвишланаётгани сезилиб турарди. . .

– Cher monsieur Кармазинoff<sup>1</sup>, – деб гапга тушди Степан Трофимович диванга виқор билан ўтириб ва қутилмаганда Кармазиновдан қолишмайдиган даражада тамтамланиб, – cher monsieur Кармазинoff, бизнинг собиқ замонамиз кишисининг ҳаёти ва унинг маълум дунёқараши жиллакурса кейинги йигирма беш йил орасида бир зайлда, бир тусда бўлиб кўриниши мумкин. . .

Немис Степан Трофимович жуда ҳам қизиқ бир нарсани айтди, деб ўйлаб худди кишнагандай бўлиб қаттиқ хаҳолаб кулди. Степан Трофимович сохта бир ҳайрат билан унга қаради, аммо у бунга заррача ҳам эътибор бермади. Княз ҳам узунчоқ ёқалари-ю кўзидаги пенсенни тўғрилаб немисга бокди, лекин зиғирча ҳам ажабланаётганини билдирмади.

. . . – Бир тусда кўриниши мумкин, – сўзларини иложи борича такаллуфсизлик билан чўзиб атайлаб қайтарди Степан Трофимович. – Мана ушбу чорак аср мобайнида менинг ҳаётим ҳам шундай ўтди, et comme on trouve partout plus de moines que de raison<sup>2</sup>, зероки, мен бу фикрга тўла кўшиламан, бинобарин, шундай бўлиб чиқдиким, мен шу чорак аср давомида. . .

– C'est charmant, les moines<sup>3</sup>, – дея пичирлади Юлия Михайловна ёнида ўтирган Варвара Петровнага қараб.

Варвара Петровнанинг нигоҳида ғурур порлади. Бироқ Кармазинов француз тилида айтилган иборанинг порлоқлигини кўтаролмади-да, дарҳол Степан Трофимовичнинг сўзини тажанглик билан бўлди.

– Менга келсак, менинг бундан кўнглим тўқ, мен мана етти йил бўладиким, Карлсруэда ўтирибман. Ўтган йили шаҳар кенгаши янги сувоқава қувури ўтказишга қарор қилганда, мен ўзимни шундай ҳис қилдимки, мана шу Карлсруэ сувоқаваси масаласи менга жонажон юртимнинг барча масалаларидан кўра қадрлироқ ва яқинроқ бўлиб туюлди. . . бу ердаги ислохотлар деб аталмиш давр ичида, албатта.

– Гарчи ўз қалбимга қарши бораётган бўлсам-да, бу гапларига хайрихоҳлик билдираман, – деб хўрсинди Степан Трофимович бошини маънодор қуйи эгиб.

Юлия Михайловна ғоятда мамнун эди: суҳбат ниҳоят теран бир йўналиш олганди.

– Мағзава оқизадиган қувурми? – баланд овоз билан сўради доктор.

– Сув қувури, доктор, сув қувури, мен ўша пайтда лойиҳани тузишга ёрдам берганман.

Доктор хандон ташлаб кулди. Унинг орқасидан ҳамма докторнинг башарасига қараб туриб хаҳолади, доктор буни фаҳлмади ва ҳамма кулаётганидан ўлардай мамнун эди.

<sup>1</sup> Мухтарам жаноб Кармазинов (франц.).

<sup>2</sup> Ҳамма жойда соғлом қарашдан кўра кўпроқ роҳиблар учраганидек (франц.).

<sup>3</sup> Роҳиблар ҳақида чиройли гап (франц.).

– Бу гаплар унчалик тўғри бўлмаса керак, Кармазинов, – бетоқатлик билан ўртага тушди Юлия Михайловна. – Карлсруэ ўз йўлига, аммо сиз лакиллантишни яхши кўрасиз, лекин биз бу сафар сизга ишонмаймиз. Рус кишилари, ёзувчиларидан ким сизчалик кўп замонавий нусхаларни яратди, шунчалар энг замонавий масалаларни кўтариб чиқди, замонавий арбоб кийёфасининг асосини ташкил этадиган энг муҳим замонавий нукталарни бошқа ким очиб берди? Сиз, фақат сиз, бошқа ҳеч ким. Ана шундан кейин бизни ватанингизга бефарқликда ва Карлсруэдаги сувоқава қувурини ҳамма нарсдан юқори кўйишингизга ишонтириб кўринг-чи! Э-ҳа-ҳа!

– Ҳа-я, мен албатта, – тамтамланди Кармазинов, – Погожев деган қахрамоним тимсолида славянпарастларнинг барча камчиликлари, Никодимов кийёфасида эса ғарбпарастларнинг барча нуқсонларини очиб ташлаганман...

– Ол-а, ҳаммасини эмиш, – секингина пичирлади Лямшин.

– Лекин мен буни андак йўл-йўлакай кўрсатиб ўтганман, қандай қилиб бўлмасин, ишқилиб бу хира, шилқим вақт ўтсин дейман-да ва боз устига... ҳамюртларимнинг нурли-нурсиз хира суллоҳ талабларини ҳам қондирмоқчи бўламан.

– Сизга балки маълум бўлса керак, Степан Трофимович, – хаяжон билан сўзини давом эттирди Юлия Михайловна, – эртага биз гўзал сатрларни эшитиш бахтига муяссар бўламиз... Семен Егоровичнинг энг охириги нафис насрий илҳомларидан бири, у “Мерси” деб аталади. Бу асарида у бошқа энди кўлига қалам олмаслиги ҳақида ёзади, ҳатто кўкдан фаришта тушиб илтимос қилса ҳам, ёки яна ҳам яхшироғи, бутун олий жамият ундан бу фикрини ўзгартиришни сўраганда ҳам, ҳеч қачон қарорини ўзгартирмаслигини айтади. Бир сўз билан айтганда, қаламни умрбод ташлайди, мана шу ғоятда фусункор “Мерси” ўқувчилар жамоатчилигига қаратилган мурожаат бўлиб, унинг узоқ йиллар давомида софдил рус тафаккурига қилиб келган тўхтовсиз хизматларини доимо олқишлаб, кўкларга кўтариб келганлигининг шукронасига миннатдорлик ҳис-туйғулари билан лиммо-лим тўлиб-тошгандир.

Юлия Михайловна шу тобда ўз иззат-фароғатининг юксак чўккиларига чиққан эди.

– Ҳа, мен хайрлашаётирман, “Мерси” дейман-у жўнаб кетаман ва ўша... Карлсруэда... кўзимни юмаман, – секин хўрлиги келиб деди Кармазинов.

Бизнинг аксар улуғ ёзувчиларимиз каби (бизда эса улуғ ёзувчилар бис-ёр) у мақтовларни кўтаролмас, ўзининг заковати, сўзамоллигига қарамай дарҳол тоб ташлаб бўшашиб кетарди. Аммо, мен ўйлайманки, бу кечирарли ҳол. Айтишларича, бизнинг Шекспирларимиздан бири ўзаро гап кетганда, “Нима ҳам қилиб бўларди, биз улуғ инсонларда бошқача илож ҳам йўқ” ва ҳоказо, деган экан бунинг фарқига бормай.

– Ўша Карлсруэда кўзларимни юмаман. Биз, улуғ инсонлар, ўз вазифамизни адо этиб бўлгач, тақдирлаш, мукофотлар кутмай тезроқ кўз юмишимиз керак. Мен ҳам шундай қиламан.

– Менга манзилини айтинг, мен Карлсруэга бориб қабрингизни зиёрат қиламан, – ҳаддан зиёд хандон отиб кулди немис.

– Ҳозир ўликларни темир йўллар орқали ҳам жўнатишяпти, – деб қолди кутилмаганда камсукум ёшлар ичидан аллаким.

Лямшин завқи келиб, таъсирланиб, кийқириб юборди. Юлия Михайловнанинг қош-қовоғи уюлди. Николай Ставрогин кириб келди.

– Сизни бўлимга олиб кетишибди, деб эшитдим-ку? – овозини баланд

кўтариб деди у ҳаммадан бурун Степан Трофимовичга қарата.

– Йўқ, мен ўз бўлмамада қолдим, – деб ҳазил қилди Степан Трофимович.

– Аммо мен умид қиламанки, бу менинг илтимосимга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди, – яна гапни илиб кетди Юлия Михайловна, – мен умид қиламанки, сиз анави бемаъни воқеага қарамай (унинг нималигини мен ҳали-ҳанузгача аниқ билолганим йўқ), бизнинг рижо-ю таманноларимизни унутмасиз ва биз ўқувчиларингизни асарингиз мутолаасидан бебаҳра қилиб қўймасиз.

– Мен билмадимки, мен... энди...

– Рости, мен жуда озурда бўлдим, Варвара Петровна... ўзингиз бир тасаввур қилинг, мен эндигина русларнинг пойдор ва ажойиб ақл эгаларидан бири бўлмиш киромий зот билан яқиндагина шахсан танишиб бошим осмонга етиб турганда, муни қарангки, қутилмаганда, Степан Трофимович биздан узоклашмоқчи бўлиб турибдилар.

– Мақтов шунчалар аён айтилдики, эшитмасликни сира иложи қолмади, – деди дона-дона қилиб Степан Трофимович, – лекин мен каминайи камтаринга сизнинг эртанги байрамингизда иштирок этиш зарурати бормикин, билмадим, ҳар нечук, мен...

– Ийе, сиз уни жуда эркалатиб юборасиз-ку! – дея кичкирди Петр Степанович хонага югуриб кириб келатуриб. – Мен уни эндигина қўлга олгандим, бирдан қутилмаганда эрталаб денг – тинтув, қамок, полиция унинг ёқасидан олган, мана энди кўринг, ҳокимнинг уйида уни хонимлар қуршаб олиб, алла қилишяпти-я! Э, энди бу шароитда унинг ашула айтмаган жойи қолмайди-ку; бунақа байрам бенефис унинг ҳатто тушига ҳам кирмаган. Ана энди унинг социалистларни абжақ қилишини кўринг!

– Ҳечам ундай эмас, Петр Степанович. Социализм шундай улуғ ғояки, буни Степан Трофимович билмаслиги мумкин эмас, – жонқуярлик билан унинг ёнини олди Юлия Михайловна.

– Ғоя ҳақиқатан буюк, аммо унга риоя қилувчилар ҳар доим ҳам буюк эмаслар-да, *et brisons-la, mon cher!*, – деб фикрини охирига етказди Степан Трофимович ўғлига қарата, ўрнидан кўзгаларкан.

Аммо шу пайт яна қутилмаган воқеа рўй берди. Фон Лембке салонга кириб келганига бирмунча вақт бўлган эса-да, ҳамма унинг кириб келганини кўрган эди-ю, лекин ҳеч ким эътибор бермаганди. Аввалги фикридан қайтмаган Юлия Михайловна ҳамон ундан юз ўгирмоқда эди. У эшик яқинида ўтирганча, бўлаётган гап-сўзларга тумтайиб жиддий кулоқ тутарди. Эрталабки воқеалар имо-ишора билан тилга олинганини эшитгач, у жойида ўтиролмай безовталана бошлади, сўнг князнинг қалин крахмалланган олдинга туртиб чиққан ёқаларига кўзи тушиб, ҳайратланганча бақрайиб унга қараб қолди; кейин ҳозиргина югуриб кирган Петр Степановични кўриб, овозини эшитиб, бирдан сесканиб тушди, Степан Трофимович социалистлар ҳақидаги зарбулмасалини эндигина тугатган ҳам эдики, бирдан унинг олдига борди, йўл-йўлакай елкаси билан Лямшинни туртиб ўтди, Лямшин шу захоти ўзини кўркиб кетган ва ажаблангандай кўрсатиб, елкаларини худди қаттиқ оғриётгандай уқалаганча ўзини четга тортди.

– Бас! – деди фон Лембке чўчиб тушган Степан Трофимовични куч билан қўлидан тутиб, уни қаттиқ сиқаркан. – Бас, замонамизнинг флибустьерлари аниқланди. Гап-сўз тўхтатилсин. Чоралар кўрилди...

У шундай баланд овозда сўйладики, бутун хона эшитди, гапини шахд

<sup>1</sup> Шу ерда тўхтатсак ҳам бўлар (*франц.*).

билан тугатди. Ҳамма музтар ва ўсал бўлди. Ҳаммада ёкимсиз бир таассурот қолди. Мен Юлия Михайловнанинг ранги оқариб кетганини кўрдим. Ҳаммаси бемаъни бир тасодиф билан тугади. Чоралар кўрилганлигини маълум қилган Лембке кескин бурилди-да, хонадан шиддат билан чиқиб кета бошлади, аммо икки қадам юрмай гиламга қоқилди-ю, мункиб кетди, йиқилишига оз қолди. У бир зум тик қотди, қоқилган жойга кўз ташлади ва: “Алмаштирилсин!” – деди-да, ташқарига чиқиб кетди. Юлия Михайловна унинг орқасидан чопди. У чиқиши ҳаманоқ ғовур-ғувур кўтарилди, ҳеч нарсани тушуниб бўлмасди. Кимлардир “юрагига қил сиғмайди” дейишса, бошқалари “гирифтор” дейишарди. Учинчи бировлари пешонани нукиб кўрсатишарди; Лямшин икки бармоғини шох қилиб боши устига қўйди. Қандайдир оилавий машмашаларни тилга олишар, албатта буларнинг ҳаммасини шивирлаб айтишарди. Ҳеч ким кетишга ошиқмас, ҳамма ниманидир кутарди. Мен Юлия Михайловна нима қилиб улгурганини билмадим-у аммо беш дақиқалардан сўнг у қайтиб кирди, бор кучи билан осуда, хотиржам кўринишга ҳаракат қиларди. У мужмалроқ қилиб Андрей Антонович бироз ҳаяжонланиб турганини айтди, ҳечкиси йўқ, у болаликдан шундай, деди, мен биламан “анча яхши”, эртанги байрам унинг кайфиятини кўтаради, деб қўйди. Кейин одоб юзасидан яна Степан Трофимовичга бир қанча мақтов-тасаннолар билдириб, дарҳол овозини баландлатиб кўмита аъзоларини мажлисни очишга таклиф этди. Шундан сўнг кўмита ишида қатнашмайдиганлар тарқалмоқчи бўлиб туришди; аммо оғриқ-изтиробларга тўлган бу серташвиш куннинг саргузаштлари ҳали-вери тугайдигандек эмасди. . .

Мен Николай Всеволодович кириб келгандаёқ бир нарсани сездимки, Лиза унга ялт этиб тикилиб қаради-ю, кейин ундан узоқ вақт кўзини узмади, – бу шунчалар узоқ давом этдики, ҳатто бошқаларнинг эътиборини ҳам тортди. Мен Маврикий Николаевич унга томон орқадан эгилганини кўрдим, афтидан, қизга ниманидир пичирлаб айтмоқчи бўлди, аммо, чамаси, фикридан қайтиб, ҳаммага худди ўзи айбдордай бирма-бир олазарак боқиб, тезгина яна қаддини ростлади. Николай Всеволодович ҳам ўзига қизиқиш уйғотди: унинг башараси одатдан ташқари оқарган, нигоҳи эса ҳаддан ортиқ паришон эди. У кириб келганда Степан Трофимовични саволга тутди-ю, кейин шу заҳоти буни унутди гўё, ва менимча, уй сохибаси билан ҳам саломлашмади ҳисоби. Лизага эса бир марта ҳам қарамади, – буни хоҳламагани учун эмас, албатта, балки, аниқ айтаманки, қизни ҳам мутлақо пайқамасди. Шунда Юлия Михайловна вақтни йўқотмай охириги мажлисни очишни таклиф этгандан сўнг бир зум чўккан сукут ичида бирдан овозини атайлаб баландлатган Лизанинг янгроқ товуши эшитилди. У Николай Всеволодовични чақирди.

– Николай Всеволодович, сизнинг қариндошингиз, хотинингизнинг акаси бўлмиш бир Лебядкин деган капитан бор экан, менга нукул уятсиз хатлар ёзади, сизнинг устингиздан шикоят қилади, қандайдир сирларингизни ошкор қилмоқчи бўлади. Агарда у ҳақиқатда ҳам қариндошингиз бўлса, айтинг унга, мени хафа қилмасин, мени унинг даҳмазасидан қутқаринг.

Бу сўзларда ёмон бир иддао жаранглади, буни ҳамма сизди. Эҳтимол, бу қизнинг ўзи учун ҳам қутилмаган ҳол бўлди, аммо айб аниқ қўйилмоқда эди. Киши ўзини баланд томдан пастга ташлаётганда, кўзини шундай маҳкам юмиб олади.

Аммо Николай Ставрогиннинг жавоби ундан ҳам ўтиб тушди.



Энг қизик томони, биринчидан, шунда эдики, у сира ҳайрон бўлмади ва Лизани жуда ҳам бамайлихотир диққат билан эшитди. Унинг юзида на хижолат, на ғазаб акс этди. У ғаддор саволга оддий, қатъий, сидқидилдан жавоб қилди:

– Рост, надоматлар бўлсинки, мен ўша одамга қариндош бўламан. Мана, беш йил бўладики, унинг синглиси Лебядкинага уйланганман. Менга ишонинг, сизнинг талабингизни албатта, унга етказаман. Амин бўлинг, у сизни бошқа безовта қилмайди.

Варвара Петровнанинг чехрасида шу онда акс этган дахшатни ифода-лашдан қаламим ожиз. У худди ўзини ҳимоя қилгандай олдинга ўнг қўлини чўзиб телбанамо бир қиёфада ўрнидан турди. Николай Всеволодович унга, Лизага, атрофдагиларга қаради-да, бирдан такаббурлик билан илжайди; у шошмасдан ташқарига йўл олди. Николай Всеволодович эшикка чиқиш учун ўтирилганда, Лиза сакраб дивандан турганини ҳамма кўрди, қиз унинг орқасидан чопиб чиқмоқчи бўлди, лекин хуши ўзига келди-ю, югурмади, ҳеч кимга бир оғиз сўз айтмай аста-секин чиқиб кетди, Маврикий Николаевич унинг орқасидан ўзини отди...

Шу кеча шаҳарда кўтарилган шов-шувлар, гап-сўзларни эслаб ўтирмай. Варвара Петровна шаҳардаги уйига қамалиб олди, айтишларича, Николай Всеволодович онаси билан кўришмай, тўғри Скворешникига жўнабди. Степан Трофимович мени кечкурун маҳбубасининг қошига жўнатди, ундан мени қабул қилишни тайинлаб сўранг, деди, аммо бахтга қарши мени қабул қилмадилар. Степан Трофимович ларзага тушди, йиғлади. “Шуми никоҳ! Шуми никоҳ! Бахти қаро хонадон”, – деб такрорлади у тўхтовсиз. Шу билан бирга у Кармазиновни ҳам эсидан чиқармас, уни ёмон сўкарди. Яна у ғайрат билан эртанги чиқишига тайёрланар, о – нафосат соҳиби-да! – тошойна олдида туриб машқ қилар, умри бино бўлиб айтган ўткир сўзлар, ҳазилларини эслар, улар ёзиб кўйилган дафтларини титкилар, эртага сўз орасига баъзиларини қистириб кетиш учун мўлжалларди.

– Азиз дўстим, мен буни улуғ ғоя учун қиламан, – дерди у менга ўзини оқлагандай бўлиб. – *Сег ami*, мен йигирма беш йил муқим турган ўрнимдан бирдан қўзғалдим, қаёққа – билмайман, аммо мен йўлга тушдим...

## УЧИНЧИ ҚИСМ

### БИРИНЧИ БОБ

### БАЙРАМ. БИРИНЧИ ҚИСМ

#### I

Ўтган “Шпигулинлар” кунининг турли машмашаларига қарамай, байрам бўлди. Мен шундай деб ўйлайманки, агарда Лембке ўша кечаси тўсатдан ўлиб-нетиб қолганида ҳам, бари бир байрам ўтаверарди, Юлия Михайловна бу байрамга шунчалар кўп ва алоҳида маъно ҳамда урғу берарди. Афсус, унинг кўзлари “шира босиб” охириги дамларгача ҳеч нарсани илғамай кўйган ва жамоатчилик ўртасидаги кайфиятларни тушунмас эди. Охирироғига бориб тантанали байрам куни қандайдир улкан бир саргузаштсиз, баъзи бировлар олдиндан қўлларини бир-бирига ишқалаб туриб айтмоқчи, “ечимсиз” ўтишига ҳеч ким ишонмай кўйди. Рост, кўплар ўзларини жуда

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

жиддий қилиб, қовоқ солиб, сиёсий бир тус бериб кўрсатишарди; аммо, умуман олганда, ҳар қандай ижтимоий жанжал-суронли тўс-тўполон рус кишисини чексиз хурсанд қилади. Рост, бизда фақат жанжал-тўполонга ташналикдан ташқари яна бир қандайдир бағоят жиддий нарса: умумий дарғазаблик, қандайдир сира қонмайдиган хусумат мавжуд эди; ҳаммага бир нарса жонига тегиб кетгандай туюларди. Қандайдир ҳамма учун умумий бўлган чалкаш беҳаёлик ҳоким бўлди, бу ғоятда танг ва ғоятда зўраки беҳаёлик эди. Фақат хонимлар, ёлғиз бир нуқтада асло чалкашмас эдилар: у ҳам бўлса улар Юлия Михайловнага шафқатсиз бир нафрат билан боқардилар. Хонимларга дахлдор барча йўналишлар шу нуқтага келганда бирлашарди. У шўрлик бўлса, буни ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди; у энг охирги дамларгача ҳамон атрофим аёён-ашрофлар билан қуршалган ва уларнинг ҳаммалари “жон-дилдан менга садоқатли”, деб ишонарди.

Мен бизда турли-туман нусхалар пайдо бўлганига ишора қилиб ўтган эдим. Ўтиш замони муваққат ликирлаб турганда, ҳар доим ва ҳар қайда нурли-нурсиз нусхалар юзага чиқади. Мен ҳаммадан олдин (энг муҳими) шошиб-пишиб юрадиган, отинг курғур, “илғорларни” айтаётганим йўқ, улар кўпинча жуда аҳмоқона бўлса-да, лекин ҳар қалай, у ёки бу даражада олдиларига мақсад кўядилар. Йўқ, мен фақат қаланғи-қасанғиларни айт-япман. Ҳар қандай замон эврилганда, ана шу мараз қаланғи-қасанғилар кўтарилади, улар ҳар қандай жамиятда мавжуд, уларда ҳеч қандай мақсад бўлмайди, инчунин, заррача фикр ҳам йўқ, улар фақат нотинчлик ва ташвиш, қаноатсизлик бошлаб келадилар. Нафсламрига, мана шу разиллар ўзлари билмаган ҳолда, маълум мақсад билан ҳаракат қилаётган ана ўша “илғорлар” кичик тўдасининг ҳукми-ҳиккасига тушиб қолади ва булар энди қаланғи-қасанғиларнинг бирини ўзи хоҳлаган томонга буриб юбораверади, гоҳида бу галанинг ўзи ҳам тамомила мияси айниганлардан ташкил топади ва шунақаси ҳам бўлиб турарди. Бизда мана ҳаммаси ўтиб кетгандан сўнг Петр Степановични байналмилал бошқарарди, Петр Степанович эса Юлия Михайловнани йўлга соларди, Юлия Михайловна эса унинг кўрсатмаси билан турли-туман қаланғи-қасанғиларни сошлаб туради, деб юрадиганлар ҳам топилади. Бизнинг энг обрў-эътиборли ақл эгаларимиз энди ўзларига ўзлари хайрон бўлишади: ўшанда биз қандай қилиб адашиб-улоқиб қолдик? Бизнинг ғира-шира ноаниқ замонамиз нимадан иборат эди ва эврилиш, ўзгаришнинг ўзи нимадан-нимагача эди – буни мен билмайман, ўйлайманки, буни бошқа ҳеч ким ҳам билмайди – эҳтимолки, буни бошқа ёқдан келганлар билар. Бу орада бирдан бемазадан-бемаза одамларнинг қўли баланд келиб, барча муқаддас нарсаларни баралла танқид қилишга тушдилар, ҳолбуки, илгари улар оғиз очишга ҳам журъат қилмасдилар, шу пайтгача баландда турган олдинги қаторни эгаллаганлар эса, бирдан ўзлари жим турган ҳолда, уларнинг гап-сўзларига қулоқ сола бошладилар; айримлари эса ҳатто шармандаларча қўллаб, хихилашгача тушдилар. Аллақандай Лямшинлар, Телятниковлар, заминдор Тентетниковлар, хоназод мишиқи Радишчевлар, мунгли, аммо кибрли илжайган жухудлар, кулонғич келгинди сайёҳлар, пойтахтлик тарафкаш шоирлар, йўналиш ва истеъдод ўрнига бурмабел кўк камзул ва бўялган этик кийган шуаро, ўз унвонларининг бемаъни бефойдалиги устидан кулган, андак ортиқча ақча кўрсатиб қўйилса, ўша заҳоти қиличларини ташлаб, темир йўлга мирзаликка оғиб кетувчи майорлар ва полковниклар; адвокатликка қочиб ўтган генераллар; ўсар воситачилар, ўсаётган тожирлар, сонсиз-саноксиз семинария толиблари, аёл масаласининг тимсоли бўлган аёллар, – булар-

нинг бари тўсатдан тўла устун бўлиб қолди, яна кимнинг устидан денг? Клубнинг устидан-да, обрў-эътиборли мансабдорлардан-да, ёғоч оёқларда юрувчи генераллардан-да, бизнинг ҳеч таслим бўлмайдиган ўта жиддий хонимларимиз жамиятидан-да устун бўлиб қолдилар. Агардаки, Варвара Петровнадай бир аёл, ўғлининг машмашасидан илгари, мана шу аблахлар инон-ихтиёрида югуриб-елиб юрганда, бизнинг бошқа Минерваларимизни<sup>1</sup> нима дейиш мумкин, уларнинг каллаварамликларини кечиришдан ўзга илож ҳам йўқ. Энди эса ҳаммасини Байналмилалга тўнкашади. Бу фикр шунчалар томир отдики, энди келгиндилар устидан ҳам чақимчилик қила бошлашди. Ҳали кўп бўлгани йўқ, ёши олтмиш иккига кирган, бўйнига Станислав нишонини таққан маслаҳатчи Кубриков ҳеч ким чақирмаса ҳам ўз ихтиёри билан келиб, ҳумор товуш билан уч ой мобайнида тўла-тўқис Байналмилал таъсирида бўлдим, деб айтди. Унинг ёши ҳамда хизматларини ҳурмат қилиб, аниқроқ ва ишонарлироқ айтинг, дейишганда, у ҳеч қандай далил-ҳужжат келтиролмаган, фақат “буни бутун юрагимда ҳис қилдим” деган ва ўз фикрида қолган, шундан сўнг уни бошқа сўроққа чақиришмаган.

Яна такрорлайман. Бизда ҳам ғоятда эҳтиёткор, бошидаёқ ҳеч кимга қўшилмай, ўз кўрғонига қамалиб яшаган кичикроқ бир одамлар тўдаси ҳам бўлган. Аммо табиат қонунига қандай кўрғон дош берсин? Энг эҳтиёткор хонадонларда ҳам рақс тушишга эҳтиёжи бўлган навқирон қизлар ўсади. Мана шу ойимларнинг ҳаммалари ҳам мураббияларга хайр-саховат учун иона қилдилар. Чексиз порлоқ, ажойиб бал, базм қилиш мўлжалланарди; ғаройибдан-ғаройиб гап-сўзлар тарқалганди, лорнет таққан князлар келармиш, чап елкасига тасма таққан, ўнта хушрўй навқирон йигит шотир эмиш; Петербургдан қандайдир арбоблар бўлармиш; машҳур ёзувчи Кармазинов иона кўпроқ тушсин деб, вилоят мураббиялари либосида ўзининг сўнги “Мерси” асарини ўқирмиш; ажойиб либосларда “адабиётнинг жуфт рақси” ўтармиш ва ҳар бир либос битта бадиий йўналишни ифодалармиш. Ниҳоят, алоҳида либос кийиб “соф рус тафаккури” ҳам ўйинга тушармиш, – бу энди энг катта янгилик эди. Шундай экан, иона бермай бўладими? Ҳамма иона бериш учун ёзилди.

## II

Байрам куни дастурга кўра икки қисмга бўлинган эди: тушдан соат тўртгача адабий-бадиий қисм, сўнг кеч соат тўққиздан у ёғи тун бўйи бал. Аммо шу кун тартибининг ўзидаёқ бошбошдоқликнинг куртаклари намоён бўлди. Биринчидан, одамларда аввалданоқ нонушта дастурхони ёзилармиш деган овоза тарқалган эди, у адабий қисмдан кейин, атай ташкил этилган танаффус чоғида ўтармиш, – албатта, нонушта зиёфат дастурга кирган бўлиб текин бўлармиш, унда шампань ҳам берилармиш деган гаплар. Чипта баҳосининг жуда қимматлиги (уч рубль) мишмишларда асос бордай қилиб кўрсатарди. “Бўлмаса мен иона тўлаш учун ёзилармидим? Байрам бир кеча-кундуз экан, қоринни ҳам тўйғизиш керак-да. Одамлар очикади ахир”, – бизда мана шундай ўйлашарди. Очиғини айтишим керакки, Юлия Михайловна ўзининг ҳавойи фикрлари билан бу ношойиста овозаларнинг чиқишига сабаб бўлди. Ҳали бир ой илгариёқ УЛУҒ МАҚСАДНИНГ илк жозибали тўлқинларида, у дуч келган одамга ўзининг

<sup>1</sup> Минерва – Қадимги Рим асотирларида донишмандлик илоҳаси, илм-фан, санъат, ҳунар ҳомийси (тарж.).

байрами хақида дoston ўқир, бу байрам чоғида қадах сўзлари айтилиши борасида эса ҳатто пойтахт газеталаридан бирига хабар жўнатганди. Энг муҳими, уни ўшанда мана шу қадах сўзлари ўзига мафтун қилиб қўйган: ўзи ҳам қадах сўзи айтишни орзу қилар ва юраги орзиқиб ўша сўзларни тўқирди. Улар бизнинг байроқ ғояларимизни ифодалаши (Қандай байроқ? Гаров ўйнайманки, шўрлик хоним ҳали икки оғиз сўз ҳам тўқимаганди), улар мақола шаклида пойтахт газеталарида чиқиши, олий раҳбарларнинг эътиборига тушиб, уларни мафтун этиб, таҳсинларига сазовор бўлиши ва шундан сўнг мамлакатнинг барча вилоятларига тарқалиб, ҳаммани ҳайратга солиб, тақлидларга сабаб бўлиши керак эди. Аммо қадах айтиш учун шампань зарур, шампанни эса оч қоринга ичиб бўлмайди, ўз-ўзидан равшанки, нонушта ҳам даркор. Кейин хонимнинг саъй-ҳаракатлари билан кўмита тузилди-да, ишга жиддийроқ тарзда киришилди-ю дарҳол унга аниқ исботлаб берилдики, агарда базм қилинадиган бўлса, катта маблағ йиғилган тақдирда ҳам, мураббияларга тортиқ қилиш учун ҳеч вако қолмайди. Шундай қилиб, масаладан икки турли натижа келиб чиқади: болтазарча базм<sup>1</sup> ва қадахлар ҳамда мураббияларга тўксон рубль атрофида мукофот тегади ёки байрам баҳонасида анча-мунча хайрия маблағи, нима десак экан, ўз йўли билан тушади. Ҳар қалай, кўмита хонимни қўрқитиб қўймоқчи бўлади ва шу билан бирга учинчи йўлни таклиф этади, бу оқилона ва келиштирувчи йўл бўлиб, яъники, байрам ҳар жиҳатдан шоҳона обрў-эътибор билан ўтади, унда фақат шампань бўлмайди, шундай қилиб, жуда катта маблағ қолади ва ундан тўксондан кўра анча салмоқли бўлган мукофот ажратиш мумкин. Аммо Юлия Михайловна кўнмади; унинг табиати ўта нозик эди. Агар биринчи фикрни амалга оширишнинг иложи бўлмаса, деб туриб олди хоним, – унда дарҳол кенг суратда бошқа бир чорани қўллаш зарур, яъни бошқа барча вилоятларнинг ҳаваси ва ҳасади келадиган даражада улкан пул йиғиш керак. “Авом охир-оқибат тушуниб етсин ахир, – дея тугатди хоним кўмитада сўзлаган баландпарвоз нутқини, – умуминсоний мақсадларга эришиш бир зумлик жисмоний лаззат-фароғатлардан кўра қиёслаб бўлмайдиган даражада юксакроқдир, байрам том моҳиятига кўра фақат буюк ғояни ўртага ташламоқдир, шунинг учун ҳам, сарф-харажати камтарин, немисча усулдаги бал, мажозий бир кичкина бал билан кифоялансак етарлидир, нима ҳам қилдик, қуриб кеткур шу одмигина балсиз ўтказишнинг сира иложи бўлмаса!” – шу қадар ёмон кўриб қолди хоним бал тушмагурни. Бирок охирида ниҳоят уни хотиржам қилишди. Ва ниҳоят, ўшанда, мисол учун, жисмоний лаззат-фароғатлар ўрнини қоплайдиган “адабий-бадий жуфт ракс” сингари нафосатга дахлдор тадбирларни ўйлаб топиб, таклиф киритишди. Ана ўшанда Кармазинов ҳам алоҳа “Мегси”ни одамларга ўқишга рози бўлди (унгача ҳаммани миждовланиб мунтазир қилиб ўлдирди) ва шу йўл билан бизнинг аҳлларимизнинг батамом тийиқсиз ақли-идрокидан ошхўрлик ғоясини ситиб-сидириб ташлашга жазм этди. Шундай қилиб, ҳар қалай, бал гарчи ундай маънода бўлмаса ҳам, бари бир, улуғвор тантананага айланадиган бўлди. Жуда ҳам баланд кўкка ҳаволаб кетмаслик учун бал бошланишидан олдин лимон солинган чой билан думалоқ печений, ундан сўнг оршад ва лимонад, охирида ниҳоят, музқаймоқ берадиган бўлишди. Доим ниманидир чайнагиси, ниманидир егиси келиб турадиган одамлар бўлади, улар доим ташна, – шуларга қатор тушган хоналарнинг энг охирида

<sup>1</sup> Болтазар – қадим Бобил салтанати охирги подшоҳининг ўғли. Болтазар эрдан аввалги 539 йилда Бобил билан Форс ўртасида уруш бораётганда тунда бир базм қилади. Шу тунда у форслар томонидан ўлдирилади. Бу бахтсиз базм тимсоли.

алоҳида бир буфет очиб қўйиш мумкин, бу иш Прохоричга (клубимизнинг бош ошпази) юклатилади, қўмита ҳам барча ишларни жиддий назорат остига олади, – ким нима сўраса, шу берилади, фақат бир шарт – пули тўланади, залга кираверишда эшик тепасига бу ҳақда эълон ёзиб қўйилади, буфет дастурдан ташқари хизмат кўрсатади дейилади. Лекин эрталаб мутолаага ҳалал етказмаслик учун умуман буфет очмасликка қарор қилишди, ваҳоланки, буфет Кармазинов “МеҒси”ни ўқишга рози бўлган оқ залдан анча нарида бешта хонадан кейин очилиши мўлжалланганди. Шуниси ажойибки, мана шу воқеага, яъники “МеҒси”ни ўқишга, ҳатто энг амалий фикрловчи кишилар қўмитада жуда улкан аҳамият бериб қарамокда эдилар. Шоирона фикрлайдиган кишиларга келсак, мисол учун шаҳар бошлиғининг хотини сардоройим, Кармазиновга у мутолаани тугатиши биланоқ ўзининг оқ зали деворига мраммар лавҳа ўрнатишини маълум қилди, унда зарҳал ҳарфлар билан фалон йил, фалон ой, фалон куни худди мана шу ерда улуғ рус ва Европа ёзувчиси қаламини қўя туриб, “МеҒси”ни ўқиди ва шу йўсинда бизнинг қадимий шаҳримиз аҳли афкори киёфасида биринчи маротаба ўз рус китобхонлари билан хайрлашди, деб ёзиб қўйилади ва ушбу лавҳани “МеҒси” ўқилгач, беш соатдан сўнг балга йиғилганлар ҳаммаси ўз кўзи билан кўриб ўқишади. Мен шуни аниқ биламанки, Кармазинов эрталаб мен асарни ўқиётганимда буфет мутлақо очилмасин, деб талаб қилган, айрим қўмита аъзолари бу бизнинг одатларимизга тўғри келмайди деб, эътироз билдирсалар ҳам, қулоқ солмаганди.

Шаҳримиз аҳли ҳали ҳамон базми жамшид (болтазар базми) бўлади, қўмита буфет очиб бизни зиёфат қилади деб ишониб юрган маҳалда, аҳвол мана шундай бўлиб чиқди. Ҳатто боён ойимлар ранг-баранг ширинликлар, мурабболар ва бошқа ғаройиб ноз-неъматларни сўйлаб, сўлак оқизиқишарди. Катта маблағ йиғилганини бутун шаҳар биларди, иона ва хайриялар тикилиб ётибди дейишарди, туманлардан пайдарпай одам келяпти, чипталар етишмаяпти. Чипта пулидан ташқари йирик хайриялар қилинганлиги ҳам барчага маълум эди: мисол учун Варвара Петровна чиптага уч юз рубль тўлабди ва яна бунинг устига ўз гулхонасидаги гуллар билан бутун зални безатибди. Сардоройим (қўмита аъзоси) тадбир учун уйини берибди, байрам чироқлари, машғаллари билан чароғон қилибди; клуб эса машшоқлар ва хизматкорлар ажратибди, Прохорични кун бўйи хизмат кўрсатишга тайинлабди. Бундай катта миқдорда бўлмаса ҳам, яна бошқа хайриялар ҳам оз эмасди, шунга қараб чиптанинг дастлабки баҳосини уч рублдан икки рублга тушириш тўғрисида мулоҳазалар бўлди. Қўмита ҳақиқатан аввал уч рубль қимматлик қилиб, боён ойимлар келмай қўйишармикин, деб хавотирланган эди, шунинг учун ҳар бир хонадонга битта чипта етарли, битта боён ойим чипта олсин, қолган барча шу хонадонга тегишли ойимлар гарчи улар ўн нафар бўлсалар ҳам, текин кираверсалар бўлади, деб таклиф киритишганди. Аммо бу хавотирлар ўринсиз эканлиги маълум бўлди, аксинча, барча боён ойимлар ҳаммалари келишди. Ҳатто энг камхарж ходимлар ҳам қизларини олиб келишди, аёнки, қизлари бўлмаса, ионани хаёлларига ҳам келтиришмасди. Бир ўта ночор мирза котиб ўзининг еттита қизини, бунинг устига хотини билан жиянини бошлаб келди, уларнинг ҳар бирининг қўлида уч рубль тўланган чипталар бор эди. Тасаввур қилиш мумкин шаҳарда қанча ғала-ғовур бўлганини! Байрам икки қисмга бўлинганининг ўзини кўринг, аёллар эрталабки мутолаага алоҳида, кечки бал базмга алоҳида либослар киядиган бўлдилар. Кейинчалик маълум



бўлишича, бизнинг ўртаҳол хонадонларимиз байрам муносабати билан оиланинг чойшабларию рўйжалари, уст-бошлари ва ҳаттоки тўшакларини ҳам кейинги икки йил ичида шахримизда ҳаддан ташқари кўпайиб кетган ва яна кун сайин кўпайиб бораётган жухудларимизга гаровга қўйганлар. Хизматчиларнинг ҳам деярлик ҳаммаси моюналарини олдиндан сўраб олишган, айрим заминдорлар эса чорва молларининг бир қисмини пуллашган, буларнинг ҳаммасини ўз қизлари, аҳли аёлларини маликалардай ясангириб келиш учун қилишган, кўриб қўйинг-да, биз кимдан каммиз. Бу сафарги либослар, ясан-тусаннинг ҳашамати бизнинг жойларимиз учун ақл бовар қилмаслик даражада эди. Байрамдан икки ҳафта илгариёқ шахримиз оилавий латифаларга лиқ-лиқ тўлиб кетган, бизнинг таниқли майнавозчиларимиз уларни дарров оқизмай-томизмай Юлия Михайловнанинг саройига етказар эдилар. Оилалар ҳаётдан чизилган ҳажвий суратлар тарқалди. Мен ўзим Юлия Михайловнанинг альбомида шунга ўхшаган бир қанча расмларни кўрдим. Латифалар тўқиб чиқариладиган жойда буларнинг ҳаммаси барчага яхши маълум эди; назаримда мана шунинг учун ҳам оилаларда охириги пайтларда Юлия Михайловнага нисбатан ҳалигиндай нафрат билан қараш кучайганди. Мана энди кимни қараманг, сўкинади ва эсига тушиб, тишларини ғижирлатади. Аммо олдиндан шу нарса равшан эдики, ўшанда кўмита қандайдир хатога йўл қўйса, нимадир етишмай қолса, ана унда кўринг қаҳр-ғазабни. Мана шунинг учун ҳам, барча ўзича жанжал чиқишини кутарди; уни ахир шундай интиқлик билан кутгандан кейин, қандай қилиб амалга ошмай қолсин?

Роппа-роса туш чоғида оркестр садоси янгради. Ўзим ўн иккита “Тасма таққан ёш йигит” қаторида шотир эдим, бу шармандали кун қандай бошланганини ўз кўзим билан кўрдим. Ҳаммаси эшик тагида ур-йиқит, тиқилинч билан бошланди. Биринчи қадамданок полициядан тортиб ҳаммаси қандай қилиб бундай хатога йўл қўйди экан? Мен келаётган одамларни айбламайман: оила бошлиқлари ўзларининг обрў-эътибор, хизмат даражаларига қарамай, ҳеч кимни туртиб-суртишмас, тиқилишмас, аксинча, кўчадаёқ саройга кириш учун ёпирилиб, бир-бирларини итаришиб-суриб бораётган шахримиз оломонини кўриб, ҳаддан ортиқ лолу ҳайрон бўлиб қолишди, менга буни кейин ҳикоя қилиб беришди. Бу орада экипажлар кетма-кет келар, ниҳоят, кўчадан умуман ўтиб бўлмай қолди. Ҳозир бўлиб ўтган бу воқеаларни қаламга олатуриб, мен шуни аниқ айта оламанки, шахримиздаги энг ярамас аблаҳлардан бир қанчалари Лямшин ва Липутин ҳамда мен каби шотир бўлиб турган айрим кишилар томонидан чипталарсиз ўтказиб юборилган эди. Ҳар ҳолда, туманлару яна аллақайлардан ҳеч ким танимайдиган номаълум одамлар келганди. Бу ваҳшийлар залга киришлари билан бир овоздан (худди ўргатиб қўйилгандек) буфет қаерда деб суриштиришар, сўнг буфет йўқлигини билгач, ҳеч қандай одобга риоя қилиб ўтирмай, шу кунгача сира кўрилмаган шовкин-сурон солиб сўқинишарди. Рост, уларнинг баъзилари маст ҳолда келишганди. Баъзи бирлари худди ёввойилардек сардоройим саройининг ҳашаматидан ҳайратга тушиб, илгари ҳеч қачон бундай нарсени кўрмаганлари учун ичкарига кирган заҳоти оғизларини очиб анграйиб қолишар, тўрт томонга аланг-жалаң қарашарди. Мана шу улкан Оқ зал гарчи бироз эскириб қолган бўлса-да, ҳақиқатан ғоятда улуғвор эди, унга икки хил бўёқ берилган, шифт қадим усулда безалган ва олтин ҳошиялар юритилган, равоқлар, деразалар орасида кўзгулар, оқ-қизил дарпардалар, мрамар ҳайкаллар (майли-да, бари бир ҳайкал-да),

зарҳал, қизил баркут қопланган Наполеон замонларининг кўхна залворли мебел жиҳозлари билан безатилган эди. Залнинг охирида эса асарларини ўқийдиган адиблар учун баланд эстрада ясалган, бутун залга эса худди театрнинг партеридек бошдан-оёқ стуллар қўйилган, улар оралаб ўтиш учун йўл қолдирилганди. Аммо ҳайратга тушишнинг илк дақиқаларидан сўнг бемаънидан бемаъни савол-сўроқ, гап-сўзлар бошланарди. “Биз, балки, асар ўқишларини хоҳламасак ҳам керак. . . Биз пул тўлаб келганмиз. . . Одамларни ғирт аҳмоқ қилишди. . . Биз хўжайинмиз, Лембкелар эмас!..” Хуллас, уларни бу ерга худди мана шунга ўхшаш норозилик билдириш учун киритишгандек эди гўё. Айниқса, бир тўқнашув эсимда қолган, унда кеча Юлия Михайловнага меҳмон бўлиб келган, ёқаси тик чиқиб турадиган қўйлак кийган, ўзи кўғирчоқдек ғўдайган княз ўзини кўрсатди. У ҳам ҳоким оймнинг қўймай қилган илтимосига кўра, ўзининг чап елкасига тасма тақиш ва бизнинг қаторимизда шотирлик қилишга рози бўлган эди. Бунинг қарангки, мана шу пружинага ўрнатилган шағамдай бир зот гарчи оғиз очиб гапирмаганда ҳам, кези келганда қўлидан иш келаркан. Бир маҳал орқасидан бир талай аблаҳларни эргаштириб юрган сўлақмондай истеъфодаги чўтир капитан: “Буфетга қайси томондан боради?” – деб князга хиралик қила бошлаган эди, княз полиция назоратчисига имо қилди. Унинг кўрсатмаси дарҳол ба-жарилди: маст капитан қанча сўкинмасин, уни дарров ташқарига чиқариб юбордилар. Бу орада чинакам “томошабинлар” ҳам кўриниб қолди, улар уч қатор бўлиб стуллар оралаб жойларига ўтиб боришди. Тартибсизлик пасайди, аммо энг «тоза» томошабинларнинг қиёфаларида норозилик ва ажабланиш акс этарди; айрим хонимлар эса кўрқиб турардилар.

Ниҳоят, барча жойлашиб ўтирди; музыка ҳам тўхтади. Бурунларини қоқиб, томоқларини қириб, у ёқ-бу ёққа қарай бошлашди. Меъёрдан ортиқ тантанавор кутишар – бу яхши аломат эмасди. Аммо “Лембкелар”дан ҳали дарак йўқ эди. Ҳар томонда ипаклар, баркутлар, биллурлар ёниб, яракларди; ҳавода муаттар ислар кезарди. Эркаклар барча орден нишонларини тўлдириб тақишган, чоллар эса хатто мундирларини кийиб олишганди. Ниҳоят, сардоройим ҳам Лиза билан бирга келди. Лиза шу тонг, шу фусункор либосларда нақадар гўзал эди! Сочлари зулф қилиб ўрилган, кўзлари ўт бўлиб порлар, юзи табассумдан янада очилиб кетганди. Ҳаммани кўзи унда; бошдан-оёқ назар солишар, шивир-шивир қилишарди. У кўзи билан Ставрогинни қидираётган бўлса керак дейишарди, аммо на Ставрогин, на Варвара Петровнадан дарак бор эди. Мен ўшанда кизнинг юзидаги ифода нимани билдиришини англаб етолмадим: нечук унинг чехраси шунчалар бахтиёрлик, қувонч, куч-ғайрат билан чарақларди? Мен кечаги воқеани эслаганим сари бошим қотарди. Аммо “Лембкелар” ҳамон кўринишмасди. Бу энди хато эди. Мен кейин шуни билдимки, Юлия Михайловна охириги дақиқагача Петр Степановични кутган, ахир кейинги пайтларда усиз бир қадам ҳам қўймас, аммо ҳеч қачон бунинг ўзи бўйнига ҳам олмасди. Қавс ичида айтиб ўтайки, Петр Степанович яқинда кўмитанинг охириги йиғилишида шотирлик тасмасини тақишдан бош тортиб, Юлия Михайловнани йиғламоқдан бери қилди. Кейин у Юлия Михайловнани ҳайрон қолдириб ва ҳаддан ташқари хижолатга қўйиб (бунинг олдинроқдан айтиб ўтаётирман) эрталаб ҳеч қаерда кўзга кўринмади ва адиблар мутолаасига ҳам келмади, хуллас, то кечгача кўздан ғойиб бўлди. Ниҳоят, одамлар сабрсизлана бошладилар. Эстрадада ҳам ҳеч ким кўринмасди. Орқа қаторларда худди театрдагидек қарсақ чалишга тушдилар. Қариялар ва бегойимлар хўмрайишарди.

“Лембкелар” ўзларини тарозуга солишни ҳаддан ошириб юборишди чоғи. Томошабинларнинг энг интизомли қисми ўртасида ҳам шивир-шивир юриб қолди, чамаси, байрам бўлмайдиганга ўхшайди, Лембке ҳақиқатан касал бўлиб қолган шекилли, ва ҳоказо ва ҳоказо, аммо, худога шукур, Лембкелар ниҳоят келишди; эри хонимни қўлтиқлаб олганди; тан олиб айтаманки, мен ҳам уларни келишмайди деб хавотир олгандим. Аммо масаллар ўз йўлига, ҳақиқат эса ўз кучини кўрсатарди. Томошабинлар енгил тортишди. Ҳамма Лембке соғ-саломат экан, деб баравар хулоса чиқарди, эсимда, қанчадан-қанча одамларнинг кўзи унда эди. Тавсифим тўлароқ бўлиши учун шуни ҳам билдириб ўтайки, бизнинг юқори табақага тегишли кишилар ичида Лембкени қандайдир касал, деб ўйловчилар кўп эмасди; унинг адо этаётган ишларини рисолада деб йўйишар, ҳатто кеча майдонда бўлиб ўтган воқеани маъқуллашарди. “Қанийди, бошидан шундай бўлса, – дейишарди мансабдорлар. – Бўлмаса, филантроп бўлиб келишади-ю, яна шунинг ўзи билан тугатишади, филантропияга керак нарсани унутиб қўйишади”, – ҳар ҳолда клубда шундай фикрга келишганди. Фақат унинг жиззакилик қилганини айблашарди. “Буни совуққонлик билан қилса тузук, аммо ҳали янги-да”, – дейишарди билимдонлар. Ҳаммалари Юлия Михайловнадан ҳам кўз узмасдилар. Айти бир нуқта масаласида мендан солномачи сифатида жуда аниқ тафсилотларни талаб қилишга, албатта, ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ: бунда ўзининг сири, бунда аёл зоти бор; аммо мен фақат бир нарсани биламан: кеча оқшом хоним Андрей Антоновичнинг бўлмасига кириб, то кеча яримдан оғунча у билан бирга бўлди. Андрей Антонович кечирилган ва қаноатлантирилганди. Эр-хотин тўлиқ муросага келишди, ҳаммаси унутилди, изҳори дилнинг сўнгида ўтган кечанинг бағоят уятли воқеасини эслаб, фон Лембке барибир тиз чўқди, шунда хонимнинг майин қўллари ва оташин лаблари меҳри тошиб, ийиб, бўшашиб кетган валломатларча назокатли эрнинг оғзини тўсиб, бўсаларга кўмиб ташлади. Ҳамма хонимнинг чехраси бахтдан порлаганини кўрди. Хоним улуғвор либосларда ғоздай юриб борарди. У энг юксак орзу-истакларига етгандай эди, орзуларининг гултожи бўлган байрам амалга ошганди. Эстрада олдидаги ўз жойларига ўтишаркан, эр-хотин тўрт томонга таъзим қилишар ва таъзимларга жавоб қайтаришарди. Уларни дарҳол аъёнлар қуршаб олишди. Сардоройим уларга пешвоз чиқди. . . Аммо шу тобда бир ярамас англашилмовчилик бўлиб ўтди: оркестр ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ тантанали куй-туш чалиб юборди, бу қандайдир тантанавор эмас, балки ошхонада чалинадиган куй эди, бизнинг клубимизда расмий зиёфатда кимнингдир шарафига қадаҳ кўтарилганда, шундай мусиқа чалинади одатда. Буни ҳоким ва рафиқасининг кириб келиши муносабати билан шотирлик қилаётган Лямшин уюштиргани менга аён эди. Албатта, кейин у аҳмоқлик қилдим ёки ортиқча ғайратим кўзиб кетди, деб баҳона кўрсатиши мумкин эди. . . Афсус, мен ўшанда ҳали улар баҳонайи сабаблар устида қайғурмай қўйганлари, фақат ҳозирги дамнигина ўйлаётганларини билмасдим. Аммо иш тантанали мусиқа чалиш билан тугагани йўқ: томошабинларнинг ажабланиб қулишлари билан бирга бирдан залнинг охирида равоқлар остида афтидан, яна Лембкеларни қутлаб бўлса керак, ура садолари янградилар. Овозлар унча кўп эмас эди-ю, лекин тан олиб айтмай, биров вақт янграб турди. Юлия Михайловна қизариб кетди, унинг кўзлари порлади. Лембке тек туриб қолди-да, бақираётганлар томонга ўгирилиб, залга улуғвор ва жиддий кўз югуртира бошлади. . . Уни шоша-пиша жойига ўтқазди. Мен яна юрагим така-пука бўлиб, унинг чехрасида кечагига ўхшаш хатарли илжайиш пайдо бўлганини кузатдим,

у кеча эрталаб хотинининг меҳмонхонасида рўпара бўлмасдан олдин унга шундай илжайиш билан тикилиб боккан эди. Назаримда, ҳозир ҳам унинг башарасида қандайдир бадкор ёвуз бир ифода зухур этди, энг ёмони, бу бироз кулгилироқ ҳам эди, – курбон келтиришга мажбур бўлган одамларда бўлади бундай ифода, у эса хотинининг энг олий мақсадларига ўзини бахшида айламоқда эди. . . Юлия Михайловна шоша-пиша мени ўзи томон имлаб чақирди-да, югуриб Кармазиновнинг олдига боринг, у тезроқ чиқиб, бошласин, деб шипшиди. Лекин мен эндигина бурилиб кета бошлаган эдим, шу пайт олдингисидан ҳам бешбаттарроқ бошқа бир хунук воқеа рўй берди. Ҳамма кўзини тикиб кутиб турган бўм-бўш эстрада сахнасида унда чоғроқ стол, унинг ёнида стул, стол устида эса мўъжаз кумуш патнисчага сув тўлдирилган стакандан бошқа ҳеч нарса йўқ эди, – мана шу бўм-бўш сахнада бирданига фрак кийиб, оқ бўйинбоғ таққан капитан Лебядкиннинг улкан гавдаси кўринди. Мен шу қадар ҳайратга тушдимки, ўз кўзимга ишонмадим. Афтидан, капитан хижолат чекиб эстраданинг ичкарироғида тўхтаб қолди. Бирдан томошабинлар орасида: “Лебядкин! Сенми?” – деган бақирик эшитилди. Капитаннинг аҳмоқона қип-қизил башарасига (у бутунлай маст эди) бу чақирқдан бемаъни бетамиз бир кулги ёйилди. У кўлини кўтарди, пешонасини артди, сочи саватдай бошини силкитди ва бор нима бўлса бўлди дегандай, олдинга икки қадам ташлади ва бирдан қаттиқ бўлмаса-да, кўнғирокдай овози билан пиқирлаб кулди, бахтиёр қиҳ-қиҳлаган бу товущдан унинг бутун бесўнақай гавдаси силкиниб турди ва кўзлари қисилиб кетди. Буни кўриб томошабинларнинг ярми кулди, беш-ўнтаси қарсақ чалди. Жиддий вазмин одамлар ковоқ солиб бир-бирларига аланглашарди; бунинг ҳаммаси алҳол ярим дақиқача давом этди. Бирдан эстрадага бант таққан Липутин билан икки хизматчи чопиб чиқишди; улар оҳиста капитаннинг қўлтиғидан олишди, Липутин эса унинг қулоғига нимадир деб шивирлади. Капитан қошини чимирди: “Ундай бўлса, майли”, деб тўнғиллади, қўл силтади, томошабинларга яғриндор елкасини тескари ўгирди-да, хизматчилар билан бирга чиқиб кетди. Аммо сал ўтмай Липутин яна сахнага сакраб чиқди. Унинг лабларида шакар қўшилган сиркани эслатадиган одатдаги доимий энг ширин табассуми ўйнади, қўлида эса бир варақ оқ қоғоз тутганди. У майда қадамлар билан тез-тез юриб, сахнанинг энг олдига чиқди.

– Жаноблар, – деб мурожат қилди у жамоатга, – кулгилироқ бир англашилмовчилик бўлган эди, олди олинди; бироқ мен шу ерлик ўзимизнинг шоирнинг ўтиниб қилган илтимосини умид билан ўз устимга олдим... Одамийлик ва юксак мақсадларни ўз олдига қўйган ҳолда... айна чокда булар бизнинг ҳам барчамизнинг мақсадимизки... у ҳозир қандай киёфада эканидан қатъи назар... вилоятимиздаги бечора қашшоқ ўқиган муаллима қизларнинг бошларини силаш учун йиғилган эканмиз... ана шу бир афандимиз, яъники шу ерлик ўз шоиримиз... номини очик айтилмаса ҳам... бал бошланмасдан олдин... яъни мен мутолаа бошланмасдан олдин демокчиман... ўз шеърини бу ерда ўқиб эшиттирилишини ёлвориб сўради. Гарчи бу шеърни ўқиш дастурга кирмаган бўлса ҳам... нега деганда унинг қўлимизга текканига фақат ярим соат бўлди... аммо бизга шундай туюлмоқдаки, (кимга бизга? Мен бу узук-юлук, чалкаш-чулкаш сўзларни қандай бўлса, шундайича келтиряпман) ҳиссиётларининг ажойиб соддалиги, ундан ҳам ажойиброқ қувноқлиги билан омухта бўлиб кетган ҳолда бу ерда ўқиб беришга муносибдир, зероки, ундаги шўх қувноқлик бугунги байрам тантанамизга ғоятда ярашади... Қисқаси, мазмунан... бунинг усти-

га бор-йўғи бир неча қатор, холос... мен хайрихоҳ жамоатчилигимиздан ижозат сўраган бўлардим.

– Ўқинг! – бўқирди бир овоз залнинг орқароғидан.

– Ўқийверайми?

– Ўқинг, ўқинг! – деган аллақанча овозлар эшитилди.

– Жамоатчиликнинг талабига биноан мен ўқийман, – қийшанглади яна Липутин ҳамон ўша шакардак табассуми билан. Ҳар қалай, у журъати етмагандай бўлиб турарди, назаримда, у ҳаяжонланмоқда эди. Булар қанчалар сурбет бўлмасинлар, барибир гоҳида улар қоқиладилар. Дарвоқе, семинария талабаси қоқилиб ўтирмасди, Липутин эса ҳар ҳолда эски жамиятга мансуб эди.

– Олдиндан огоҳлантириб қўяйки, бу илгари байрамларга ёзиладиган мадҳия эмас, бу шундай бир қувноқ ҳазил, кулгили ва ўйноқи ёзилган ва боз устига энг ҳаётий ҳақиқатни ифода қилган.

– Ўқи, ўқи!

Липутин қоғозни ёзди. Рост, уни ҳеч ким тўхтатишга улгурмади. Бунинг устига у шотирлик тасмасини тақиб олганди. У жарангдор овоз билан ўқиди:

– Ерлик ватандошимиз мураббияга, байрам шоиридан.

*Салом, салом, мураббия!  
Яйра, ўйна, парвоз қил,  
Жорж-Зандмисан ё бошқа,  
Кулиб, айшингни соз қил!*

– Э, бу Лебядкин-ку! Қип-қизил Лебядкиннинг ўзи! – деб қичқиришди бир нечталар. Хахолаб кулишди, унда-бунда қарсақлар ҳам чалинди.

*Ўқитиб нардан-бери,  
Фаранг алифбосига  
Чулдирасин, понмарю  
Кўз қисиб боласига!*

– Ура! Ура!

*Ислоҳотчи асримиз  
Уқмас ҳатто пономар:  
Ойим, зигирча зарур  
Бўлмаса ўтмас ҳунар.*

– Баракалла, баракалла, ана шу “зигирча” ҳаммасидан аъло!

*Аммо энди базм қилиб,  
Жийнаб бердик сармоя,  
Рақсга тушиб, қоқилиб,  
Сепинг жўнатдик боя –*

*Жорж-Зандмисан ё бошқа,  
Яйраб ўйнаб маза қил.  
Сепли бўлдинг, мураббия,  
Тупур энди, ханда қил!*

Очиғини айтсам, ўз кулоқларимга ишонмасдим. Бу шунақанги бетамизлик эдики, бир аҳмоқчилик қилгандир-да деб, ҳатто Липутинни кечириб бўлмасди. Ҳолбуки, Липутин сира аҳмоқ эмасди. Бошқаларга бўлмаса ҳам,

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**



менга уларнинг ниятлари аён эди: ишқилиб, тезроқ ишқал чиқаришмоқчи эди. Бу жиннисанғи шеърнинг айрим сатрлари ва айниқса, охиргилари сира куракда турадиган эмасди. Липутиннинг ўзи ҳам ҳаддидан ошириб юборганини сезиб қолди: у қилгиликни қилиб, худди жасорат кўрсатгандай бўлиб, саҳнадан тушгиси келмай қакқайиб турар, гўё яна ниманидир кўшимча қилмоқчига ўхшарди. У чамаси, бошқача бир тарзда чиқишни мўлжалларди; аммо бу “томоша”га қарсак чалган бир қанча ҳавосотга тушиб, жим бўлиб қолишди. Ҳаммадан ҳам бемаъни томони шунда эдики, уларнинг аксарияти “томоша”ни пасквиль – майнавозчилик каби эмас, ҳақиқатан мураббиялар хусусида кўтаринки ҳаққоний бир шеър, ғоявий бир нарса деб қабул қилишди. Аммо шеърнинг ортиқ даражадаги бефаросатлиги охирида уларни ҳам ҳайрон қилиб қўйди. Жамоатчиликнинг бошқа бир қисми эса норози бўлиб ўтирар, афтидан, хафа эди. Бу таассуротларни баён этарканман, мен хато қилаётганим йўқ. Юлия Михайловна кейинчалик бу ҳол агар яна бир зум давом этганда, мен ҳушимдан кетардим, деб гапириб юрди. Шунда ҳамма ҳурмат қиладиган энг обрўли қариялардан бири кампирини ўрнидан турғизди-да, одамларнинг хавотирли нигоҳлари остида залдан чиқиб кета бошлади. Яна ким билсин, агар шу дамда фрак кийган, оқ галстук такқан Кармазиновнинг ўзи қўлида дафтарини кўтариб чиқиб келмаганда, чол-кампирнинг кетидан бошқалар ҳам эргашиб чиқиб кетишармиди балки. Юлия Михайловна унга худди халоскордай кўзлари порлаб боқди... Аммо бу пайт мен саҳна ортига ўтдим; мен Липутинни кўришим керак эди.

– Сиз буни атай қилдингиз! – дедим унга қўлидан ушлаб.

– Мен, худо ҳақи, сира ўйламовдим, – деб дарҳол эгилиб-букилди у ўзини бахтсиз одамдай кўрсатиб, – шеърни ҳозиргина беришди, мен уни кувноқ ҳазилми деб ўйлабман...

– Сиз сира ундок деб ўйламагансиз. Наҳотки сиз шу ўта бемаза нарсани кувноқ ҳазил десангиз?

– Мен шундай ўйлайман.

– Сиз ғирт ёлғон гапиряпсиз, уни сизга ҳозир олиб келишгани йўқ. Сиз буни ўзингиз жанжал чиқариш учун кеча Лебядкин билан бирга тўқигансиз. Охирги қатор сизники, пономарь ҳақидаги гап ҳам. Лебядкин нега саҳнага фрак кийиб чиқди? Демак, сиз уни чиқишга тайёрлагансиз, агар ичиб олмаганда?

Липутин менга совуқ заҳарханда билан қаради.

– Сизнинг нима ишингиз бор? – бирдан сўради у ғалати хотиржам бўлиб.

– Нега ишим бўлмасин? Сиз ҳам манави тасмани тақиб юрибсиз... Петр Степанович қаерда?

– Билмайман; шу ердадир; нима қилди?

– Менга ҳаммаси равшан. Бу Юлия Михайловнага қарши фитна, жанжал чиқармоқчисизлар...

Липутин яна менга қайрилиб қаради.

– Сизга нима? – деб иршайди ва елкасини қисиб нари кетди.

Устимдан худди совуқ сув қуйгандай бўлди. Барча гумонларим рост чиқяпти. Яна балки янглишаётгандирман деб юрган эканман! Энди нима қилишим керак? Мен Степан Трофимович билан маслаҳатлашмоқчи эдим, аммо у ойна қаршисида туриб, турли табассумларини синаб кўрар, қўлидаги турли белгилар қўйилган қоғозга тинмай дам-бадам қарарди. У ҳозир Кармазиновдан кейин саҳнага чиқиши керак, шунинг учун мен би-

лан гаплашишга вақти йўқ эди. Юлия Михайловнага югуриб бораймикин? Аммо бунга ҳали эрта: унга энди ўзини “ўта садоқатли” одамлар томонидан “куршалган” деб ҳис қилишдан қутулиш учун янада қаттиқроқ сабоқ зарур. Мен айтсам, у асло ишонмас ва мени фолбинга чиқариши мумкин эди. Бунинг устига нима ҳам ёрдам берарди? “Э-ҳа, – деб ўйланиб қолдим, – ҳақиқатан ҳам, менга нима зарур, ҳаммаси бошланганда, тасмасини ечаман-у уйга кетаман”. Эсимда, худди шундай “ҳаммаси бошланганда” дедим.

Бироқ Кармазиновни эшитгани борай. Саҳна орқасида охириги марта атрофимга қараб, бу ерда хийла кўп бегона одамлар борлигини сездим, ҳатто аёллар у ёқдан-бу ёққа юриб, чиқиб-кираётганларини кўрдим. “Саҳна орқаси” торроқ бир жой эди, у залдан зич дарпарда тортиб тўсилган, орқадаги коридор орқали бошқа хоналарга кириларди. Бу ерда бизнинг адибларимиз кутиб ўтиришарди. Лекин шу дамда мени Степан Трофимовичдан кейин саҳнага чиқадиган маърузачи, айникса, ҳайратга солди. У ҳам аллақандай профессорлардан эди (мен ҳозир ҳам унинг аниқ кимлигини билмайман), у аллақайси муассасадан қандайдир талабалар низосидан сўнг ўз ихтиёри билан кетган экан ва бир неча кун бурун бизнинг шаҳримизга келиб қолган. Уни ҳам Юлия Михайловнага тавсия этишган ва хоним уни бажонидил қабул қилган. Мен ҳозир шундан хабарим борки, у то саҳнага чиқадиган бўлгунча хоним ҳузурида бир оқшом қатнашган, зиёфат давомида миқ этиб оғиз очмаган, Юлия Михайловнани қуршаган давранинг гурунгига муносиб ва мувосо бош лиқирлатиб, лабларининг чети билан табассум қилибгина турган ва ҳаммада ўзининг кибру ҳавоси ҳамда тезгизакдай жиззакилиги билан ёқимсиз таассурот қолдирган. Унга Юлия Михайловнанинг ўзи саҳнага чиқишни таклиф этган. Шу тобда у худди Степан Трофимович сингари у бурчакдан бу бурчакка бориб келар, оғзини кимирлатиб тинмай пичирлар, лекин кўзларини ойнага эмас, ерга тикарди. Гарчи дам-бадам хирсу ҳаво билан илжайса ҳам, аммо жилмайишларини ойнада синаб кўрмасди. Унинг бўйи паст, ёши қирқларга борган, тепакал ва ярғоқ, соқолига бироз оқ оралаган, яхши кийинган эди. Лекин ҳаммасидан қизиғи, у ҳар айланганда, ўнг муштини юқорига кўтарар, боши тепасида айлантитар ва бирдан аллақандай рақибини ер билан яксон қилиб ташлагандай куйи туширарди. Бу қилиғини у дам сайин такрорларди. Мени ваҳима босди. Тезроқ Кармазиновни эшитгани югурдим.

*Рус тилидан  
Иброҳим ҒАҒУРОВ  
таржимаси*

*(Давоми бор)*



УЙҒУН  
(1905-1990)

ЖАҲОН АДАБИЁТИ  
90

# КУЁШ ЎЛКАСИНИНГ КУЙЧИСИ

Уйғун (1905-1990) XX аср ўзбек адабиётида машхур шоир ва драматург сифатида теран из қолдирган ижодкорларимиздан биридир. У Қозоғистоннинг Жамбул вилояти Марки қишлоғида туғилган. Тошкентда, Самарқандда ўрта ва олий таҳсил кўрган. Илк шеърый тўплами “Баҳор қувончлари” 1929 йилда босилган. Ўттизинчи йилларда “Иккинчи китоб”, “Қуёш ўлкаси”, “Шеърлар”, “Муҳаббат” каби қатор шеърый тўплamlари билан шоир сифатида танилган. 40-50 йилларда эса “Она”, “Қалтис ҳазил”, “Ҳаёт қувончлари”, “Олтин кўл”, “Навбахор” сингари сахна асарлари яратган. Айниқса, “Алишер Навоий” (1943, И. Султон билан ҳамкорликда) драмаси фавқулodда шуҳрат қозонди, халқ ичида энг севилган асарга айланди, тўйларда ва турли тантанали йиғинларда Алишер ва Гули монологининг мухлислар томонидан ижро этилгани бунинг далилидир. Энг муҳими, бу асар Навоийни халқимизга танитишда бемисл хизмат қилди. Уйғун кейинги йилларда ҳам унумли ижод этди, бир неча шеърый тўплamlар билан бирга “Абу Райҳон Беруний”, “Ибн Сино”, “Зебунисо” каби улуғ аждодларимизни замондошларимизга таништирувчи сахна асарлари яратди. Хусусан, “Парвона” (1956) драмасининг олтмиш йилдан бери томошабинлар томонидан олқишланаётгани драматургнинг улкан истеъдод соҳиби эканлигини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон халқ шоири Уйғун моҳир таржимон ҳам эди. У Шекспир, Пушкин, Лермонтов, Чехов, Лев Толстой каби бир қанча жаҳон классиклари асарларидан айрим намуналарни ўзбек китобхонига танитган. Унинг жаҳон шеърятидан қилган таржималари 6 жилдлик “Асарлар”идан ўрин олган. Қуйида ана шу таржималардан баъзиларини ўқийсиз.

*Тоҳир ҚАҲҲОР,  
ЎЗДЖТУ доценти*

## Вильям ШЕКСПИР

### СОНЕТ

*Биров роса мақтанади насаби билан,  
Биров бойлик, биров мулки, бисоти билан,  
Биров кучи, биров темир асаби билан,  
Биров лочин, искович ит ва оти билан.*

*Одамларда ҳар хил ҳавас, ишқибозлик бор,  
Аммо ҳар ким учун фақат биттаси афзал.  
Мен бир нарса билан бўлдим гоят бахтиёр,  
Фақат ўша тақдиримни қила олди ҳал.*

*Сенинг севгинг қимматроқдир жавоҳирлардан,  
Қадрлироқ эрур шоҳлар тожу тахтидан.  
Гўзалроқдир зарбоф либос, олтину зардан,  
Ёқимлироқ овчиларнинг омад бахтидан.*

*Ҳа, истасанг ҳаммасини олишинг мумкин,  
Мени мангу гадоликка солишинг мумкин.*

# Тарас ШЕВЧЕНКО

## ПОДШОЛАР

### I

Аполлон<sup>1</sup> нинг қари синглиси,  
 Ҳеч бўлмаса, бир соат, бир оз  
 Биз тарафга таширф этсангиз,  
 Юксалтириб илоҳий овоз –  
 Гўзал қасидалар айтсангиз.  
 Қўлласангиз бир сафар мани;  
 Мадҳ этишига тушсак иккимиз.  
 Шоҳлар ёки бирор нарсани.  
 Чунки сизга ростини айтсам,  
 Жонга тегди анов мужиклар,  
 Бойвуччалар, эрга тегмасдан  
 Номусидан айрилган қизлар.  
 Истар эдим тожли бошларнинг  
 Саргузаштин сўзласам тула.  
 Валиаҳдлар қиссасин куйлаб,  
 Хуморимни ёзсам бир йўла...  
 Ҳеч боки йўқ агар билмасам,  
 Ердамингиз бўлса бу йўлда,  
 Муқаддас ёғ билан мойланган  
 Кокилларни ушлардик дўлда.  
 Ташланг кўҳна Парнас<sup>2</sup> ингизни,  
 Бунда келинг бир соат, бир оз,  
 Ёқимли, илоҳий товушингизни  
 Соз мақомда янгрatingиз боз.  
 Бу тож кийган зумрани бошлаб  
 Кўрсатамиз орқа-олдидан –  
 Сўқирларга яхши соатда,  
 Кел, кенгашичим, бошлайлик тезда.

### II

Ҳеч киши йўқ Қуддус шарифда,  
 Дарвозага қулф солинган.  
 Майдонига Довуд шаҳрининг  
 Гўё вабо ястаниб олган.  
 Йўқ, вабо йўқ, ярамас бир вақт  
 Исроил<sup>3</sup> ни қоплаб олмишдир.  
 Шоҳ уруши! Бечора халқнинг  
 Бошига гам, кулфат солмишдир.  
 Барча қувват, шоҳ князлари,  
 Тамомий халқ: ўсмир, ёш<sup>4</sup> қари,  
 Шаҳар ичра беклаб Кивот<sup>4</sup> ни,  
 Ташқарига чиқдилар бари.  
 Талай жонлар чиқди майдонга  
 Жавлон қилиб ва от солдириб,  
 Жанг қилдилар майдонда; азиз –  
 Гўдакларин етим қолдириб.

<sup>1</sup> А п о л л о н – қадимги юнон мифологиясида санъат Худоси.

<sup>2</sup> П а р н а с – юнон мифологиясида худолар яшайдиган тоғ, тоғли жой, макон демак.

<sup>3</sup> И с р о и л – яҳудийлар қабиласи ва ўшалар яшайдиган ўлка.

<sup>4</sup> К и в о т – таврот сақланадиган махсус шиша яшик.



Шаҳар ичра, гамхоналарда  
 Ёш, есирлар – шўрлик бошилилар,  
 Қоронги, зах, тор қулбаларда  
 Ёш жувонлар, қора қошилилар –  
 Термулишиб гўдақларига  
 Инглайдилар. Пайгамбарлари,  
 Тўймас ҳоким, подшолари  
 Довудни кўп қаргайди бари.  
 У бўлса-чи, зарбоф жандада,  
 Хонасининг баланд томида  
 Биқинини ушлаб, ҳар томон  
 Бориб-келиб, босиб юрмоқда  
 Худди мушук иштаҳа билан  
 Қарагандай думба ёгига,  
 У кўз ташлаб қўяр қўшиниси –  
 Гуриянинг гўзал боғига.  
 Тани қизил, юраги ўйнар,  
 Олов бўлиб ёнади кўзи.  
 Гуриянинг хотини, шоҳнинг  
 Қули – Вирсавия бир ўзи  
 Худди жаннат ичра Ҳаввадай,  
 Ўзининг соз гўзал боғида  
 Ювар эди оппоқ тўшини:  
 Чўмиларди сув қучоғида.  
 Подшонинг ўйи бузилиб,  
 Чўрисига тикилиб турди:  
 Гўзал Вирсавия авлиё  
 Подшонинг юрагидан урди.  
 Қоронгулик дунёни кўмиб,  
 Пардасини судрамоқдадир.  
 Қайгули бир зўлматга чўмиб,  
 Қуддус шариф мудрамоқдадир.  
 Довуд гўё ўзни йўқотган,  
 Турли туман хаёл суради.  
 Ҳеч тўймас шоҳ ўз хонасида  
 Нар и бери босиб юради.  
 Ўз-ўзига дейди: мен... бизлар  
 Бу юрамиз – тангри халқига!  
 Ўзим шоҳман! Ва ўз еримда  
 Мен Худоман! Мен ҳамма нарса...  
 Бир оз ўтгач қуллар бош эгиб,  
 Кечки таом, май келтирдилар.  
 Шоҳ буюрди: кечки таомга  
 Хотинларин келтирсин қуллар!  
 Гўзал Вирсавия ҳам келди  
 Тангри шоҳи олдига шу он.  
 Таом еди пайгамбар билан,  
 Шароб ичди, кўз олди туман.  
 Таомдан сўнг ўз шоҳи билан  
 Бир оз дам олишга жўнади...  
 Гурия ҳам ётар, ухлолмас,  
 Бу хўрликка қандай кўнади?  
 Ўйидан шоҳ олтин, қумушмас,  
 Балки асл Вирсавиясин,  
 Ўғирлаганини яхши билади...  
 Шоҳ ўлдирди уни, билмасин деб –

Вирсавиянинг қилган ишини  
 Шу равишда маҳв этди Довуд  
 Кимсасиз қул, ғариб кишини.  
 Сўнгра халқ олдида, халқни алдаб,  
 Шоҳ озгина йиглаган бўлди.  
 Оят ўқиб эски тавротдан  
 Юрагини тиглаган бўлди.  
 Сўнгра яна аввалгидай маст,  
 Шодлигини кўкка етказди.  
 Ўша гўзал қул хотин билан  
 Ишратини давом этказди.

## Абай ҚҲНОНБОЕВ

\* \* \*

Бозорга қараб турсам, ҳар ким борар,  
 Излагани не бўлса – шу топилар.  
 Биров овқат олади, биров маржон.  
 Ҳар кимга бир хил нарса бермас бозор.

Ҳар кимнинг излаган бир нарсаси бор,  
 Чамалаб оқчасига шундан олар.  
 Биров уқмас бу сўзни, биров уқар,  
 Баҳосин фаҳмламай ҳайрон қолар.

Сўз уқар ушбу кунда киши борми?  
 Демайман: сўзим юртга бирдай ёқар.  
 Ёзган сўнг ерда қолмас тешик мунчоқ.  
 Бировдан биров олиб, элга тарқар.

Бир кишимас, ёзганим ялпи юрт-ку,  
 Ғижинмасдан, чироқлар, уқсанг ярар.  
 “Ит маржонни не қилсин” деган сўз бор  
 Дили ўтли йигитлар бир ўйланар.

\* \* \*

Ярқ этмас қаро кўнглим не қилса ҳам,  
 Осмонда ой билан кун чақилса ҳам.  
 Дунёда сира сендай менга ёр йўқ,  
 Сенга ёр мендан ортиқ топилса ҳам.

Шўрлик ошиқ саргайса, согинса ҳам,  
 Ёр кетиб, тўғри сўздан янглишса ҳам,  
 Чидайди ёр ҳажрига рози бўлиб,  
 Масхара ва хўрликда топинса ҳам.

\* \* \*

Талай сўз бундан бурун кўп айтганман,  
 Тагин ўйлаб, кўп қайғу еб айтганман.  
 Ақлликлар орланиб уялган-чун,  
 Уйланиб, тузаларми, деб айтганман.

Қозоқнинг бошқа юртдан сўзи узун,  
 Бирининг бири уқмас айтган сўзин.  
 Кўзнинг ёши, юракнинг қони билан  
 Эритишга бўлмайди ички музин.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Юртим-ай, ҳаволанмай, сўзга тушун,  
 Ўйлан-чи сиртин қўйиб, сўзнинг ичин.  
 Иржангламай тингласанг ниманг кетар,  
 Ахир, сўзни яратган тинглаш учун.

Адашиб англама йўл тополмай,  
 Берироқ тўғри йўлга чиқ қамалмай.  
 На илминг бор ва меҳнат қиласан,  
 Ўтмоқдасан ҳатто мол ҳам боқолмай.

## Абдулла ТЎҚАЙ

### ЧИН ВА ЁЛҒОН

Бошида дунёда ер йўқ, сувгина бўлган эмиш,  
 Унда ёлғиз Чин билан Ёлгонгини сузган эмиш.

Бу ики душманга тангридан берилмиш бир кема,  
 Бас, ўтирмиш бир-бирига тескари шул кемада.

Кўп ўтмай Чин бирла Ёлгон чиқарганмиш бир уруш,  
 Бўлмаса, дўстлик етарлик, жанг эрур беҳуда иш.

Бир уриб лунжига Ёлгон Чинни ўхшатган эмиш:  
 Қайтадан чиқмас бўлиб Чин мангуга ботган эмиш!

### ТИЛАНЧИ

Киш, бўрон, муздай ҳаво, япроқ мисоли қор тушар,  
 Ел қувар қорни ва локин қор “тушай” деб тортишар.

Ишқирар ел, изгирар ел, қор бўронин орттирар,  
 Шул замон масжид ёнида мунгайиб кўр чол турар.

Кеча-кундуз ушбу ерда, йўқчилик қийнар уни,  
 Тўрвасин тутган – тилар нон ёз, баҳор, куз, қиш кунни.

Кўп аянч ҳол, кўп аянч ҳол, кўп қийин, оҳ, кўп қийин;  
 Берсангиз-чи, бир тийин, ҳа, танга эрмас, бир тийин.

Айтсам айтай энди сизга: бу киши хўп бой эди;  
 Ичгани болдан, шакардан, оши гарчча мой эди.

Ёр эди бир вақт бу кўр чол катта шуҳрат-шонга ҳам,  
 Донги кетганди Қозону Ханкрман, Астирхонга ҳам.

Ул бинолар, сизга айтсам, ул ҳисобсиз мулку мол,  
 Ранг-баранг ҳар хил матолар – истаган нарсангни ол.

Ул тройка отлари, ҳаддан гўзал файтонлари,  
 Қайда энди тулки пўстин, қайда, ҳай-ҳай тўнлари?

Соз эди! Кўп соз эди! Мен шундан ортиқ не дейин?  
 Қип-ялангоч, кўрдингизми, берсангиз-чи, бир тийин.

*Барча ҳазрат бошида бу чолнинг эди мафтунлари,  
Қолмади бу чол учун ҳеч қилмаган афсунлари.*

*Бош эгиб, жилпанглашиб, пул, хайру эҳсонлар тилаб,  
Юрдилар чол теграсида йўрга тойдек йўргалаб.*

*Қайда бой чогидаги жондан севикли дўстлари:  
Қайга қочган барчаси: Гайнуқлари, Ахмушлари?*

*Кўп аянч ҳол! Кўп аянч ҳол! Кўп қийин, оҳ, кўп қийин;  
Берсангиз-чи, бир тийин, ҳа, танга эрмас, бир тийин.*

*Беш намоз вақти, намоз аҳлига жавраб қўл чўзар,  
Ҳазратим бу чолни кўрмас, кўз қирин ташлаб ўтар.*

*Шундақа! Пул борлигида ҳамма дўсту ҳамма ёр;  
Пул ҳиди чиқмай қолганда барча ёнингдан қочар!*

## Сулаймон РУСТАМ

### МЕНИНГ ИЛҲОМИМ

*Мен илҳомни, ҳамма билур, бўшлиқлардан олмайман.  
Бармогимни пешонамга қўйиб ўйга толмайман.*

*У шоирдан, бу шоирдан кўчирмайман шеъримни,  
Шоир каби бу ҳаётда биламан ўз еримни.*

*Мени таъриф этсалар ҳам тез-тез сўзнинг бошида,  
Бундан бошим айланмайди умримнинг бу ёшида.*

*Сийнам бир кон, қўлим болга, сўзим эса темирдир,  
Меҳнатимнинг натижаси, озми-кўпми, шеъримдир.*

*Ўша мени Ватанимга ва халқимга боглаган,  
Илҳом тўла юрагимни шу қадар ёш сақлаган.*

### ВАСИЯТ

*Азиз болам, яқин кел, яхши қулоқ ос менга,  
Кел, сўзлайин отамдан не қолди мерос менга.*

*Эллик йил темир янчган пўлат болга, бел, паркор,  
Орзумиздан яралган бу давлатга эътибор.*

*Она тупроққа ҳурмат, халққа чуқур муҳаббат.  
Бу – чарчашни билмаган қўлларимдаги қувват.*

*Буларсиз яшамасдим, ўтмасдан дилдан-дилга,  
Тушмасди шоир номим буларсиз тилдан-тилга.*

*Ўғлим, кўзинг яхшини, ёмонни ажратолсин,  
Майли, бу оддий мерос ҳам мендан сенга қолсин.*



*Али Муҳаммад АФҒОНИЙ*

## **ОҲУ ХОНИМНИНГ ЭРИ**

*Роман*<sup>1</sup>

### **Ўн бешинчи боб**

Бокқа борилган куннинг эртаси кечки пайт эди. Сайид Мирон уйга қайтаётганди. Кун шу қадар иссиқ эдики, ҳеч бир соя бакор келмасди. Кўча ҳавоси фаррошлар сепган сувдан дим бўлиб кетган. Алихонлур кўчасининг ўртасидаги озик-овқат ва кундалик эҳтиёж моллари билан савдо қилувчи бир неча дўкондан иборат гузарга етмасдан баланд бўйли, ингичка бел, чиройли ва мафтункор, энги калта гулдор кўйлак кийган, қўлида ёзги соя-бон ва сумка кўтариб олган бир аёл унинг қаршисидан келаётган эди. Бир бойлам гулдастадек безанган бу аёл мастона хиром билан одим ташларди. Кўзни қамаштирарли даражада ялтир-юлтир безаниб, ғирт европача ярим яланғоч кийинган бу нозанин Ҳумо экани унинг хаёлига ҳам келмади. Уни танигач эса ҳайратдан шундай довдираб қолдики, ҳатто тўхтаб, у билан гаплашиш у ёқда турсин, бу либосда қаерга кетаётганини сўрашга ҳам мажоли бўлмади. Оёғида илон терисидан тикилган баландпошна туфли, болдирлари яланғоч. Дўкони олдида ўтирган қадди букик соқолли яхфуруш гўзалликнинг бу ганжинасини шундай берилиб томоша қилардики, ҳатто Сайид Мироннинг ўтганини ҳам пайқамасди. Масхарабозча қилиқлар билан бир неча қадам Ҳумонинг орқасидан борди, боши ва елкасини ибодатхона пиридек силкитиб кўйди-да, бошқа дўкондорлар ҳам эшитадиган қилиб деди:

*Баланд-баланд бўйларинг бор, айланай, ёрим,  
Қаерларга кетаяпсан, қурбонинг бўлай, ёрим?!*

Кейин орқасига қайтди ва бўғиқ оҳангда нола қилди:

– Кел, шохлари биллуриим!

Бу дўзахи чол Ҳумонинг беҳаё кўзларга ташланиб турган оппоқ ва яланғоч билақларига шаъма қилаётгани маълум эди. Уят ва шармандалик сиртмоғи унинг бўғзини сиқди. Нафсониятдан юзлари кўкариб кетди. Қани энди ўша жойда ер ёрилса-ю уни ютиб юбора қолса! У ердан ўтиб кетгач, қассобнинг шогирди ишора билан яхфурушга унинг келганини билдириб, эҳтиёт бўлишга ундади. Сайид Мироннинг ғазабдан қони қайнарди. Бу шўрлик аёл илгари ҳеч нарсадан беҳабар эди, аммо энди ҳамма нарса унга аён бўлганди. Булар одамми ёки тош ҳайкалларми, деб орқасига ҳеч

<sup>1</sup> Давоми. Боши журналнинг ўтган сонларида



качон қайрилиб қарамаган бу аёл аслида ҳар гал шу гузардан ўтганида мана шундай ҳаёсиз масхарабозликка сабаб бўларди. Лекин у ўзини ҳеч нарсани билмагандек тутарди. Чаманзордаги тилларанг қирғовулдек, у бошини олдинга қараб чўзганча кетиб борарди. Айни пайтда ҳамманинг кўзи ундалигини аниқ ҳис этиб турар эди. У ўзининг аёллик ғурури ва ҳусни таважжуҳини яхшигина сақлаб қолганди. Аммо, минг афсуски, мана шундай бир енгилтаклик ва обрўсизлик эвазига! Бу аёл шу қадар сурбетлашиб кетгандики, на ўз обрўсини ўйларди, ва эрининг шаънини. Сайид Мирон унинг нима учун ўтган кечада беписандлик билан туркча гулдор кўйлакни эслаб қолганини ва бу билан Сайид Мироннинг фикрини билиб олмоқчи бўлганини энди англаб етди:

“Аттанг, бугун ўша кўйлакни олиб келиб, ўша кимсасиз боғда уни кийганимда эди. Бу йилги ёз ҳам тугади, ўзимни шу кўйлакда кўриш армон бўлиб қолди. Яна ўша матодан топиб, енгларини уч чорак қилиб қўшиб тиктирмоқчиман”.

Сайид Мирон йўлини қилиб жим турган ва ўз ваъдаси ва унинг кўрсатмасига қарши ўша кўйлакни кийиб ташқарига чиққанига атайлаб эътибор қилмаганди. Бу борада Хумо қанчалик кўп гапирса, у шунчалик кам жавоб берган ва шу тарика суҳбат мавзуси ўзгарган эди. Кўп ўтмай Хумо ҳам қайтиб келди. Гўё эрининг қаттиқ норозилиги ва девоналарча ғазабини тушуниб етган ва шу сабабдан ўзига оро бериб, олдиндан тайёргарлик кўрган бўлишига қарамай, айланиб келиш фикридан воз кечганди. Ёки эрининг ҳам ўзи билан бирга боришини кутганмиди? Хонага кириб, кўзи эрининг кўзига тушганида, эри уни ҳурмат қилишига ишончи комил бўлганига қарамай шундай вазоҳатга дуч келдики, ҳатто салом бериш ҳам эсидан чиқиб қолди. Сайид Мирон қошларини чимирган, қовоғини солган, лабларини маҳкам қимтиганча ёғоч сандиқ устида шундай ўтирардики, кўриб ҳар кимнинг ҳам эҳсонаси чиқарди. Хумо зинадан баландпошна туфлисида битта-битта юриб чиқиб келар экан, Сайид Мирон қаҳр ва ғазаб билан унга ўшқирди:

– Бу ҳаёсиз матони киймагин демаганмидим сенга?!

У нафрат тўла нигоҳ билан унинг болдирлари, билаклари ва бутун гавдасини кўздан кечирди. Гўё ҳозирок қимматбаҳо кўйлакни эти ва териси билан бирга аёлнинг танасидан шилиб оладигандек ва парча-буриш қилиб ташлагудек эди. Тупук сачраган пастки лаби пир-пир учарди. Хумо ошқора совуққонлик билан, аммо юраги титраганча соябони ва сумкасини хона эшиги яқинидаги токчага қўйиб, жавоб берди:

– Ўттиз туман пул сарфлаган кўйлагингни ташлаб юбор, демоқчимисиз?!

– Ўттиз туман сарфлаган бўлсанг, жаҳаннамга! Уни устингда кўришни мутлақо истамайман!

Аёл ранги-рўйи ўчган ва унга нисбатан бўлган шунча йиллик муҳаббат ва эҳтиромдан умидсизликка тушган ҳолда бошини бир томонга буриб, Уҳ! Илтмос, ерга туфланг, жаҳлингиздан тушасиз! – деди:

Сайид Мирон тишларини қисиб, ҳар қандай меҳр-шафқатдан холи кўзларини чакнатиб, у томон қадам ташлади. Бош бармоғини букиб, тўрт бармоғи билан жувоннинг ўнг юзига шапалоқ урди:

– Беҳаё! Падарлаънати! Энди мени обрўйимни тўкишга навбат келдими?!

Хумо ўзини орқага тортди. Юзини қўли билан беркитиб, ташвиш ва изтироб ила унга қаради. Гўё ҳалигача нима бўлганини ва эри жиддий гапирётганини тушунмагандек эди. Сайид Мироннинг бу ҳолати, бу қараш

унинг учун бутунлай янгилик эди. Шу пайтгача эрининг юрагида пайдо бўлган гўзал умидларини рўёбга чиқарувчи ғаройиб бир калидни топгандек бўлганди. Энди эса шунча йиллик ишқ ва дўстлиги қисқа бир лаҳзада ва арзимас бир нарсани деб нафратга айланишини кўргач, заррача кўркмасдан ўз сандиғи томон йўл оларкан, деди:

– Ҳа, мен ҳаётингизни барбод қилдим, энди обрўйингизни ҳам тўқмоқчиман. Ёшлик давримнинг энг гўзал олти йилли сиздек одам билан бекаму кўст яшаб ўтказдим. Айтган гапларингиз – мендан тўйганингиз белгиси эмасми?! Агар шундай бўлса, менинг юзимга уришингизга ҳожат не эди? Мен ва сиз ўртамиздаги дўстлик масаласи менга қўл кўтаришингиздан бошқа ҳамма нарса ҳақида келишиб олгандик. Кеча сиз хотинингизга мени ҳайдаб юбориб, унинг ҳаётини аввалги ҳолатига қайтаришга ваъда бергансиз. Сизни беш қўлдай яхши билиб бу ниятингиздан беҳабар бўлишим ва икковингизнинг фитнангизни фаҳмламаслигим учун мен эшакнинг миясини еган бўлишим керак эди. Аммо хотирингиз жам бўлсин, мен бу уйда хўрлик дарсидан сабоқ олмагандим. Унга хурмагим туфайли мана шундай ярашмайдиган ва ҳақоратли тарзда ҳайдамасингиздан олдин бу уйдан кетаман.

– Кетсанг – жаҳаннамга! Агар ҳозирок кўзимдан йўқолсанг, яна ҳам яхшироқ бўларди. Кўча-кўйда одамларга ҳамма жойини намойиш қиладиган аёл учун ўша бозор ва кўча-кўй яхши. Мен какликка ўхшаб бошимни қорга тикиб, бу шармандалик ва иснодни кўрмасликка ололмайман. Ух, Ҳумо, қандай қилиб яланғоч баданингни кўз-кўз қилгани кўчага чиқишга ботиндинг? Энди бу гузардан қандай ўтишга ҳам ҳайронман?! Одамлар энди мени мана бунақа кўғирчоқдай гўзали бор экан, деб бармоқлари билан бир-бирларига кўрсатишади. Бирга яшаб, мени бахтли қилганинг шумиди?!

– Бас, бас, етар. Бундан ортиқ мени хўрламанг ҳам, таъна ҳам қилманг. Уйингизда мен бўлмасам, гузардан бошингизни ғоз кўтариб ўтаверасиз. Мен жуда катта жиноятлар ва хиёнатлар қилганман. Аслида мен лаънатлашга ва тошбўрон қилишга лойиқман. Сиз нима десангиз ва одамлар нима деса, ўшаман. Аммо энди ўрним бу уйда эмас.

Ҳумо энтикиб-энтикиб йиғлади. Сандикдан бўхчасини олди. Унга солаётган тўқ қизил кўйлак билан умидсизларча кўзини артди ва ғамгин ҳолда сандикдаги нарсаларни олиб, ниманидир қидирди. Бирдан Сайид Мироннинг кўнгли юмшаб, унга раҳми келиб кетди. Қийналиб, оғзидаги тупукни ютди ва олдингидан юмшоқроқ оҳангда деди:

– Қидириб, овора бўлишингга ҳожат йўқ, мана шу сандиқ ва ундаги ҳамма нарса сеники. Уни қулфлагин-да, қаерга кетаётганингни айт. Ҳаммолга айтаман, олиб бориб беради.

Унинг гап оҳангида мурасага далолат қилувчи ҳазил бор эди, аммо қийин ва ғалаёнли аҳволга тушган Ҳумо олдингидан ҳам кўпроқ дилшикасталик билан буни жиддий тушунди. Кўзларидан қайноқ ёш томчилари тўкилди. Токчадан пардоз кутисини ва шунга ўхшаш бошқа нарсаларни бирма-бир олиб, сандиққа жойлади. Шиша чироқнинг керосинини тўқди. Туздон, қошиқ, мис жом ва шунга ўхшаш бошқа майда-чуйдалар билан деярли сандиғи тўлди. Сайид Мирон сомон тикилган ўриндикнинг дастаси устида ўтириб, кўз қири билан уни кузатарди. Бир неча дақиқа олдинги ғазабини енгилш учун сигарета ўраш билан машғул бўлди. Ҳумо доим пардоз қилганида ишлатадиган ва мархума Холабегимдан қолган жимжимадор тош ромли ойнасини олди, ярим йиғи, ҳам табассум билан Сайид Миронга қаради. Охунинг айғоқчилари Акрам ва Хуршиднинг қизи ҳовлининг бир бурчагидан

қараб туришарди, Хумо гапга оғиз очмасидан эри у томонга қўл силкитди:

– У ҳам сенга. Мана бу гиламлардан бирини ҳам сенга бераман. Енгилми, оғирми, керак бўлган ҳар бир нарсани олишинга рухсат. Ҳар ҳолда ёшлигининг энг яхши олти йиллик даврини мендек бир одам билан бекорга ўтказган аёл кетмоқчи бўлган пайтида шунчалик ҳаққи борки... (у жумлани тугатмади), бир нечта уй анжомининг бор-йўқлиги менга билинмайди, аммо сен учун муҳим аҳамиятга эга. Бу хона, ундаги сенинг қўлинг теккан барча нарсалар сеники.

– Яхшиликларингиз учун миннатдорман. Агар Оху рухсат берса, ўша битта гилам менга етади. Уйингиздан бошимни баланд кўтариб чиқиб кетаётганимнинг ўзидан хурсандман. Энди менга етар. Қўйинг, мен кетай, ёш болалари бор аёлнинг бахтини ўзига қайтарай. Олти йилдирки, у ғамташвишда, мен эса юрак ҳовучлаб яшайман, юрак ҳовучлаб яшаш эса ғамташвишда яшашдан кўра минг чандон азобли. Мен қадримни йўқотганман, уни топишга ҳаракат ҳам қилмаётганимни айтганингизда, сизнинг ҳақ эканингизни тан олишим керак-ку. Лоақал ўзимни кўчада кўрсам, кимлигимни, нималигимни ва нима қилишим кераклигини билиб оламан.

– Бор, Худонинг паноҳига топширдим! Менга ҳам энди етар. Қўй, мен ҳам бир неча кун хотиржам яшай. Ишқ жаннати ўзининг самовий буюқлигига қарамай, яшаш масъулиятидан холи бўлса, у жаҳаннамдан ҳам тубанроқ бўлади. Биз биринчи кунданок бир-биримиз учун яратилмаган эдик, фақат зўрма-зўраки бир-биримизга суйкаланар ва ўзимизни алдардик. Бор, хайр. Уртамиздаги аҳду паймон шу дамдан бошлаб бекор бўлди!

Хумо сандиқнинг қопқоғини ёпиб, қулфлади. Бир-иккита ювилган кўйлак, пардоз кутиси, тилла тақинчоқлар кутичаси тугилган бўҳчасини қўлтиқлаб олди. Эрининг орқасидаги токчада турган бир поралик кичик Куръонни олиб, ҳалиги энги калта кўйлак, бошида рўмол билан хонадан ташқарига чиқди. Зинадан тушаётганида юраги батамом тўкилди. Умидсиз кўзлари билан Хуршидни ҳовлида қидириб тополмади. Агар аёл уйда бўлганида лоақал ўзаро инсоний дўстлик ва эҳтиром юзасидан унинг йўлини тўсган бўларди. Аммо, афсус! У анчадан бери ҳар куни эрталаб офтоб чиқиши билан ишига кетар ва деярли ярим кечада қайтарди. Ҳовлида ҳовуз бўйида ўтирган, очиқ юз ва лабларида кулги билан идишларни юваётган Акрам ўрнидан туришга ҳаракат ҳам қилмади, фақат жудаям ноинсофлик бўлмасин деб даромади гап билан деди:

– Ҳой, Хумо хоним, уялмайсизми?! Бу ишингиз яхши эмас. Шунча йил бирга яшаб, эрнинг арзимаган койиши деб шартта жўнайверасизми? Бошим кал-у, кўнглим нозик экан-да? Кўрнамаклик қилдингиз!

Хумо тўхтамасдан жавобан деди:

– Бу гапларни менга эмас, унга айтинг, Акрам хоним. Жаннат энди бу таъна-маломатларга арзимамайди. Аёл киши эрнинг таъна-маломатларини эшитиб яшагандан кўра фоҳишалик қилгани аъло. Мен энди унга ёқмай қолганман.

Уйда ётган Хонжон бу гапларни эшитиб, эшик олдида келди ва хотинига пўписали ишора қилиб, хонага киришни буюрди. Хумо гўё алангаланиб турган олов устидан ўтаётгандек катта-катта қадам ташлаб, ҳовлини бу бошидан нариги бошигача юриб ўтди ва йўлак бурилишида кўздан ғойиб бўлди. Шу пайт Сайид Мирон кўйлагининг ёқалари очиқ ҳолда катта хона деразаси олдида келди. Ўша ерда чордона куриб ўтирди. Гўё Акрам ва унинг эри билан гаплашаётгандек деди:

– Бу ойимча жуда кеккайиб кетибди. Камбағални сийласанг, чориғи билан тўрга чиқар! Унинг кетидан борманглар. Қаерга хохласа, кетаверсин!

Бир неча дақиқадан сўнг Сайид Мирон ҳаво олгани ва баъзи ишларини битириб келгани ҳовлига чиқди. Зина чеккасида шошилмай шимининг тупроқ ва буғдойга тўлиб қолган қайирма почасини қоқди. Бош кийимининг чангини пуфлади, яъни ўзини Хумонинг кийимларини бор-йўқлигидан ташвиш қилмаётгандек ва ҳозир ҳам Хумо учун кўчага чиқмоқчи эмасдек кўрсатди. Бироз имиллаб турди, сигаретасини охиригача чекиб тугатди, муштугининг тешигини кафтига уриб тозалади ва йўлга тушаркан, ўзича деди:

– Агар уни талоқ қилсам, тўғри бўлмайди. Эртага Холукарамга хабар юбориб, бир иш бор, шаҳарга келиб кетсин, дейман ва Хумонинг қўлини унинг қўлига тутқазиб юбораман.

Унинг ўша лаҳзада уйдан ташқарига чиқишдан мақсади Хумони қайтариш эмас эди. Чунки у кеч тушиб улгурмасидан бу ёш аёл ўз оёғи билан уйга қайтиб келишига имони комил эди. Аммо уни қорама-қора пойламоқчи ва ўша ҳолатда қаерларга боришини кузатмоқчи эди. Унинг шаҳарда оилавий борди-келди қиладиган бир-иккита аёл дўстларидан бошқа ҳеч кими йўқ эди. Улар ҳам эридан аразлаб келган аёлни бир кеча ҳам уйига сиғдирадиган одамлар эмасди. Хумо ҳатто уйлик қўйлагини кийиб олишга ҳам улгурмаган эди. Қаерга бормасин, ўша ярим яланғоч ва корсетга ўхшаб ҳамма томондан сиқиб турадиган кийимда қийналар эди.

Офтоб ботишига яқин қўлида сангак нон ва чодир остида пиширилган картошка билан ишдан қайтаётган Хуршид хоним кўча бошида ўзининг уй эгаси билан тўқнаш келиб қолди. Эракнинг қиёфаси хўмрайган ва ҳаракатлари бежо эди. Ўзининг маслаҳатгўй ва эски қўшнисини билан ёнма-ён бир неча қадам ташлади ва сирли равишда қисқа қилиб унга деди:

– Хумони калтакладим, у мандан аразлади. Қаерга кетганини билмайман. Қайтармикин-йўқми, деб пойлаб турибман.

Ишчи аёл гўё аёлларнинг хулқ-атворидан, айниқса Хумонинг ўзига хос табиатидан Сайид Мироннинг беҳабарлиги устидан кулгандек деди:

– Воҳ, агар аразлаган бўлса, қандай қилиб ўздан-ўзи қайтиб келиши мумкин? Балки катта акасининг уйига кетгандир. Мен ҳозир қайтаман ва у ерга бориб, ҳамма нарсани билиб келаман. Сиз ҳам бу ерда турманг, яхши эмас. Қаерга кетган бўлса ҳам “Бўйни узун хола”<sup>1</sup> уни топиб келади.

Хуршид шундай деб, шошиб уйга кириб кетди. Нон ва ғарибона овқатни кизининг қўлига тутқазди ва дарҳол қайтиб келди. Ўн беш-йигирма дақиқа ўтди, хонага кириб чирокни ёққан Сайид Мирон унинг хаста ва хириллаган овозда болаларини уришаётганини эшитди. Аёл ўз ишидан қайтиб келди ва болалари афтидан унинг келишини кутиб, бирга овқатланишмай, қаҳатчиликда қолгандек картошкаларни еб қўйишган эди. Хуршид авзойи бузилганини билдирмасликка ҳаракат қилиб катта хонага борди. Бошини “йўқ” деган маънода силкитди ва яна уй эгасини ишонтириб деди:

– Ташвиш қилманг, қаерга кетганини мен биламан. Қувватга киришиш учун бир бурда нон еб олай, кейин шайтоннинг гўрига кириб кетган бўлса ҳам топиб келаман. Нодон аёл, бола бўлиб қолганми, дейман. Шундай бемаҳалда бу нима қилиқ бўлди. Тунги зулмат аёл кишига жаҳаннамнинг чоҳи эканини билмайди, шекилли. Қаерда бўлса ҳам у бир ўзи қайтиб кела оладиган одам эмас. Яхши, Машҳадий, наҳотки ўртангларда шундай қаттиқ

<sup>1</sup> “Бўйни узун хола” – болалар эртакларида туяни шундай аташади.

жанжал бўлган бўлсаки, уни уришгача бориб етибсиз? Нима сабабдан уришгандинглар?

Кўшни аёл хона этагидаги гиламга ўтирди, оёғини узатиб, оғриқ ва чарчокдан нолиди. Бир пасга келиб, бир четда турган Оху деди:

– Калтаклаш қаёқда, иккита бармоғи билан туртиб қўйди, холос. Бугун кечкурун яна ясан-тусан қилиб шаҳарга чиққиси келиб қолибди. Хўш, кетмоқчи ёки жаҳл қилмоқчи бўлса, бу жонинг ордона қолгур нима учун уни алмаштирмади?! Ҳа, шунинг учунки, гавдасининг паст томони текис туриши учун тагидан ҳеч нима киймаганди. Эрининг олдида кийим алмаштиришга уялган ёки қўрққан. Бу ойимча нима учун ўз обрўсини ўйламайди?!

Яна қайтадан ғазаби қайнаган Сайид Мирон кўрсаткич бармоғини ҳавода силкитиб деди:

– Хуршид, қаерга кетганини билсам бўлди, Худо номи билан қасам ичаманки, эртага куёш чиқиши билан уни озод қиламан! Менинг хотиним бўлмагач, нимани хоҳласа қилаверсин, қайси гўрга хоҳласа, бораверсин!

Оху тик турганича деворга суянди. Гўё бетараф одамдек, кўзларини катта-катта очиб қўшимча қилди:

– Ҳумо мана шунақа ғалати, ярим яланғоч холда тунни эрининг уйидан бошқа ерда қандай ўтказишига ақлим бовар қилмайди. Дўсти ёки танишининг уйи бўлганда ҳам эркаксиз уй қаерда бор?! Сурбет одамлар ҳаётнинг пасту баланди ҳақида қандай ўйлашини билиш учун сурбет бўлиши керак. Эртага бу одамнинг хотини бўлмаслигини билган тақдирда ҳам, талоғини олмай туриб, уйдан чиқиб кетмаслиги керак эди.

Хуршид қўшимча қилди:

– Агар дўсти ёки танишиникига борганида, улар аллақачон хабар беришарди, одам юбориб, айтган бўлишарди. Бошқа бирор жойга кетган бўлса, ҳадемай қайтиб келади, ёки, агар қайтиб келмаса, йўқ, йўқ, у бегона уйга бориши мумкин эмас. Агар Ҳумо шунақа аёл бўлганида, шу кунгача бу уйда қолмаган бўларди. Тепада Худо турибди, тўғри, у чаманзор қушига ўхшаб очик ҳавони, эркин учиб юришни, ўзини кўз-кўз қилишни яхши кўради, аммо бузуқ ва фоҳиша эмас. Машҳадий, у гўзал ва ёш нарса эди, агар сиз уни ҳомиладор қилиб қўйганингизда, у ўзи билан ўзи овора бўлиб, бу ташвишлар бошингизга тушмасди. У сизни яхши кўради. Мен бун аниқ биладан, чунки бир неча марта ўзи менга иқрор бўлган. Шунга қарамай, охир-оқибатда бу ишларингиз яхшилик билан тугамаслигини кўнглим сезиб турибди. Мен биринчи кунданок айтганман ва яна айтаман: агар сиз уни бугун талоқ қилмасангиз, эртага талоқ қиласиз. Эрининг бўйнига ўз ишқидан арқон солган ва ўлдирган аёлни ана шу арқон билан бўғиб ўлдириш керак.

Охунинг юраги қайнаб-тошмоқда эди. Ички бир мамнунлик билан шошилиб деди:

– Бизни чиқитга чиқариб бўлгандан кейин нима фойдаси бор? Ким билан гаплашмай, шундай дейди.

Тун қоронғу пардаси билан борлиқни қора кафандек ўраб, бутун борлиқни ўз комига торга бошлади. Гўё ўз мурдасини секин-аста қирғоққа олиб кетаётган тўфондан кейинги денгизга ўхшарди. Ҳумони-ку қўяверинг, шу пайтгача уйдаги қўшни ёш ва ёлғиз аёллардан ҳеч бири кечкурунлари шундай кеч уйга қайтган эмас. Оху ва Хуршид хоним Сайид Мироннинг кўрсатмасига биноан бошларига чодир ёпиб, ўжар аёлни излаб уйдан ташқарига чиқишди. Уни топиш қийин ишмиди? Албатта, йўқ. Қаерга кетган бўлса ҳам уни ўз холига ташлаб қўйиш керакмас! Албатта, у катта



хатога йўл қўйди. Сайид Мирон қидирувчиларнинг орқасидан йўлаккача борди ва уларга деди:

– Демак, аввал Розия тикувчининг уйига борасизлар. Албатта, Ҳумони қидириб келдик, демайсизлар (Марзиянинг отини адашиб Розия деди).

Хуршид хоним:

– Воҳ, кошки шуни ҳам билмасак. Буни тайинлашингизга ҳожат йўқ. Биз, ножўя гапирган бўлсам кечирасиз, Оху хоним билан ўтхўрлардан эмасмизки, ҳар бир ишнинг йўл-йўриғини билмасак. Мен Оғабўзўргнинг уйига борганимда ҳам Муҳаммад Ҳусайн ўғлимиз йўқолиб қолди, уни қидириб юрибмиз, бу ерга келмадим, деб сўрадим. Бошқа жойларга борганда ҳам шундай қиламиз. Агар Ҳумо ўша ерда бўлса, ўзлари нима учун келганимизни тушуниб олишади. Сиз Қамар вазирни бундай ишларда бошқалардан кам деб ўйламанг, айниқса Шамс<sup>1</sup> вазир ҳам унинг ёнида бўлса.

Сайид Мирон жилмайиб қўйди-да, уйга қайтди ва ҳовлининг бир бурчагида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Унинг ўзи қўшнисига Қамар вазир деб лақаб қўйган ва бу лақаб унинг феълига анчагина мос эди.

Агар Ҳумони топиб уйга олиб келишса, унга қаттиқ-қуруқ гап айтиш тўғри бўлмасди.

Агар олти йил олдин, ҳали расман никоҳдан ўтмасдан илгари бир куни шомда у уйдан чиқиб кетиб, шундан тунги соат иккида уйга қайтиб, унга ушбу шапалокни туширганида, ҳозир иш бу даражага етиб бормаган бўларди. Демак, хотинининг мана шундай ўзбошимча бўлиб кетишига унинг ўзи айбдор экан. Энди уни бу йўлдан қайтариб ўзи истаганча бошқаришга кучи етармикан? Балки истаса у билан яшашни давом эттириши мумкин эди. Аммо Хуршид хонимнинг тили билан айтганда, эртадан кўра бугун уни талок қилса яхшироқ бўларди.

Дақиқалар жуда қийин ўтарди. Соатнинг сония мили бир марта айланиб чиққан қисқа муддат орасида Сайид Мирон ўрта ҳисобда икки марта соатини чўнтагидан чиқариб қаради. Ниҳоят икки аёл уйдан бир чиқиб кетганча йўқолган қочқиндан ном-нишон топмай тунги соат тўртдан ошганда қайтиб келди. Улар қайтгунча бир неча марта ҳовли эшиги тақиллаб, одамлар инсонийлик ва ғамхўрлик юзасидан “Хуршид хонимнинг йўқолган кичик ўғли топилдими?” деб ҳол-аҳвол сўраб кетишди.

Қидирувчилар масаланинг бу томонини ўйлаб кўришмаган эди. Ҳумо бир марта борган ва ҳозир ҳам бориш эҳтимоли бор бўлган ҳар бир уйга кириб чиқишди. Ҳумонинг эски дугонаси Сусаннинг ўзи ва отаси уйда бўлмагани учун эшикни уларнинг ошпази очди, бошқалардан кўра кўпроқ гумон қилингани эрсиз Марзия тикувчи, ўзи ва куёви ва бошқа қидирувчилар қўлда чироқ билан катта шаҳарнинг ярим маҳалласини икки ярим соат давомида айланиб чиқишганди. Баъзида тез юришганидан чироқлари ўчиб қолган, баъзида чарчаганларидан ва нафаслари қисганидан, айниқса, қораталоғи касал Хуршиднинг тинкаси қуриганидан бир бурчакда ўтириб нафас ростлаб олишганди. Уларнинг ўз оёқ товушлари ва сояларидан кўрқиб қочган пайтлари ҳам бўлган. Қисқаси, улар уйга бир талай қуруқ гап-сўзлардан бошқа ҳеч нарса сиз қайтиб келдилар.

Сайид Мирон кийимини ҳам ечмасдан эрталабгача курсида ўтириб кетма-кет сигарета тутатиб чиққан оғир, дардли тун охирига етди. Узун ва кенг хонада қафасдаги шер каби у ёқдан-бу ёққа юрар, гоҳида ёпиқ кўча эшигигача бориб, яна қайтиб келарди. Эртасига тушгача ҳам қидирув иш-

<sup>1</sup> Амир Арслон Номдор ҳикоясида подшоҳнинг Қамар вазир ва Шамс вазир деган иккита бир-бирига зид характерли яхши ва ёмон вазирлари бўлган.

лари давом этди. Баъзи кўшнилари ўз хусну жамоли билан бутун маҳаллани ўзига қаратган бу ёш аёлнинг қочиб кетганини истехзоли қарашлар ва маъноли кўз қисишлар билан бошқача талқин қилишар ва тасдиқлашарди. Бу талқинлар унинг тарбиясиз феъли ёки одамларнинг фикс-фужурларидан кўра кўпроқ аёлнинг гўзаллигига таъзимнинг ўзига хос кўриниши эди – қаерга кетган бўлиши мумкин? “Бундай эр билан яшагандан кўра одам расво ва шармандали фоҳиша билан яшагани яхшироқ”. Уйдан чиқиб кетаётган пайтида Хумонинг оғзидан чиққан ва ўша кеча ва кундуздан сўнг барчага тарқаган бу сўзлар аёлнинг қаердалигидан далолат бермасмиди?!

Тушга яқин ҳолдан тойган Сайид Мирон кўчада Акрамнинг эри билан учрашиб қолди. Бир неча кундан бери яна ишсиз қолган ёки ўзи ишни ташлаб қўйган бу одам ҳар доим шубҳали кўринарди. Одамлар ундан кўрқарди. Одамлар уни таъминот идорасининг махфий полициячиси, аммо айни пайтда ўғрилар ва тунги йўлтўсарлар билан алоқаси бор, дерди. Ҳақиқат шунда эдики, Хонжон идора учун бирор савобли иш қилмасдан ҳатто махфий полиция идорасининг расмий аъзоси бўлмасдан туриб ўзини давлат таъминотига ўтказиб олганди. У махфий полиция билан, махфий полиция у билан, ҳар иккови бир-бири билан ўйин қиларди. Разолатда сувилондан қолишмасди, чақарди-ю, аммо заҳарсиз чақарди. Сайид Мирон уни бошқа кўшниси Оқожон каби ёқтирмаслигига ва нима учун суриштирмай унга уйдан ижарага хона берганидан пушаймон бўлишига қарамай, қалбининг бир бурчагида унга нисбатан миннатдорчилик ҳиссини туярди. Унинг орқасидан шунча гап-сўзлар айтилишига қарамай, бир куни мана шу одам Хумонинг қариндоши Жофирни махфий полиция таъкиб қилаяпти, уни уйга қўймаслик керак, деб айтмаганмиди?! Газмолларни олиб кетишларидан бир ой олдин бир кун кечқурун новвойхона эшиги олдига келиб, агар тақиқланган моллар бўлса, тезроқ бошқа жойга олиб бориб қўйиш кераклигини тавсия қилмаганмиди? Бу одам ёмон бўлса ҳам ҳар ҳолда унга яхши хизмат қилганди. Ёқимсиз ва номаъқул хулқ-атворида қарамай, гарчи нима иш қилиши номаълум бўлса-да, кўчанинг одами эди ва уйда хонасига кириб ухларди, ҳеч қачон ҳовлига чиқиб ўтирмасди, ашула айтмасди ва хотинининг акси ўлароқ, ҳатто кўшниларининг отини ҳам билмасди. Акрам уни яхши кўрмаса-да, эри уни нима билан кўрқитиб қўйгани маълум эмасди, аёл бечора ҳеч қачон у билан баланд овозда гаплашишга ботинолмасди. Шундай қилиб, ҳозир Хонжон Ҳожи Охунд кўпригидан ўтадиган йўлда машҳур отарчилар кўчаси этагида электр симёғочига суяниб турар ва “Гувете” ҳикоясидаги Мефистофелга ўхшаб мийиғида қулганча кўчанинг нариги бетидаги болохонани томоша қиларди. Бу истехзо илгари ҳам Сайид Миронга таниш эди, худди шунинг учун ҳам уни ёқтирмасди, ҳар доим Хумо билан елкама-елка кетишаётганини кўрганида унга шундай ҳолатда салом берардики, гўё уларнинг барча сирларидан воқифдек. Хонжон уни кўриши билан деди:

– Ҳа, жуда вақтида етиб келдингиз. Бу ёққа қаранг, билаги яланғоч аёл!

У муюлишдаги уйнинг айвондаги қия очиқ деразасига ишора қилди. Тўр парда ва эшикнинг гулли духоба пардалари орқасидан келишган қоматли, сочлари йиғиштирилган аёлнинг тунги қўйлақдаги гавдаси, оппоқ билаклари, узун шода зираклари кўриниб турарди. Юзлари бўғриққан, кўзлари шишиб кетган, роса пардоз-андоз қилган бошқа бир аёл деразани очиб, кўчанинг ҳар икки томонига ва симёғоч остида томоша қилиб турганларга қараб қўйди, гадоиларни қарғагандек, пештахам сўзларни минғирлаб айтганча деразани ёпди. Сайид Мирон Хонжон бу билан нима демоқчи

бўлганини ҳали тушуниб етмаганди. Аммо ишора қилиб кўрсатган аёллар кимлигини яхши биларди. Бу ер шаҳарнинг нуфузли ва машҳур раисининг хотини Исмаат Курде ва унинг турли-туман шогирдларининг уйи ёки иш-хонаси эди. Хонжон ўзини катта одамнинг дўсти деб билувчи одамга хос нафратли нигоҳ билан унинг ҳайрон чехрасига қараб деди:

– Бу унинг ўзи деб ўйламаяпсизми?

Шу пайт аёл бурилиб, дераза олдига келди. Чиройли, яланғоч билаги ва хуснига қарши ўлароқ у ғоятда нафратли боқар эди. Баданидаги қоннинг ярми юз-кўзига урган Сайид Мирон бу одамдан шу қадар дарғазаб бўлдики, агар орқасидаги симёғоч бўлмаганида, ўн қадам орқага чекиниб, кўприқдан йикилиб тушган бўларди. Тишларини ғижирлатиб қисди, бироқ унга бирор нарса дейишга ўзида куч тополмай, алам билан ундан нари кетди. Оёғи остини кўриши учун ҳали анча вақт ўтиши лозим эди. Ғазабдан боши шундай оғир эдики, кўр бўлиб қолишига оз қолганди. Баланд овозда сўкинарди:

– Падарлаънати, сафсатабоз, агар қўлимдан келганида мушт тушириб оғзингни қонга белаган бўлардим! Бир суннор учун куйиб-пишадиган кўрқоқ ўғри! Фоҳиша хотининг бир кийимлик сатин учун этагини кўтариб, ич кийимини менга кўрсатишга тайёр туради, қачон кўча эшигини тақиллатсам оёқ яланг ва чодирсиз югуриб чиқиб келади. Бу уйда насибанг охирига етди. Шу бугун ёки эртага кўч-кўронинг билан уйдан ҳайдайман.

У шунақанги ғазаб отига минган эдики, Хумони талоқ қилишдан бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйламасди. Тушлик вақти бўлишига қарамай, уйга бориш ўрнига тўғри нотариус идораси томон шошилди. Бироқ ярим йўлдан извошда орқага қайтди-да, новвойхонадан бир миқдор янги пуллардан олди. Нотариусга етиб борганида дўсти шайхулислом ўз одатига қарши ўлароқ тушлик қилгани чиқиб кетган экан. У ҳам кетиб, бирор соатдан кейин ёки эртасига келсинми? Шармандалик ва исноддан Хумони талоқ қилмай туриб, дўстларга кўринишни истамаётган эди. Мана шунда унинг бир сўзлилиги исботини топади. Фақат пешиндан кейин соат тўртдагина у уйга кириб келди. Лабларининг рангидан ҳалигача тушлик қилмагани кўриниб турарди. Оху уни айвон соясида кутиб, Акрам билан шиппак тўкиб, гаплашиб ўтирарди. Хуршиднинг боши боғланган ўғли Мухаммад Хусайн Маҳдини музқаймоқ пиширадиган идиш қилиб, орқасидан қўлини елкасига қўйиб силкитар ва ўйнашарди. Ярим соат илгари шу иккала бола шафтоли данагини таллашиб уришиб қолган ва Мухаммад Хусайннинг боши қонга беланганди. Оху болаларига бу кал бола овқат ичган идишдан фойдаланмасликни тавсия қилиши мумкин эди-ю, аммо у билан ўйнаманглар, дея олмасди. Булардан ташқари тепа кўчадаги аёл қўшнилардан бири боласининг кўз оғриғини қолдириш учун қулоғидан қон чиқаргани келганди. Хуршиднинг қизи Охунинг топшириғига биноан ҳовлида сомон сувоқ деворлардан ялангоёк юриб чакмоқтош қидирарди. Сайид Мирон йўлакнинг охиригина зинасидан бошланиб катта хонада тугайдиган доимий йўлини буриб, айвондаги катта тош устига ўтирди. Чуқур ажин босган қорамтир чехрасидан унинг қаттиқ чарчагани ва ҳолдан тойгани билиниб турарди. Биров йилт-йилт этиб турган кўзларида хотиржамлик ҳукмрон эди. Охуга синчков назар солди, бош кийимини орқага сурди, кенг пешонасида ялтираб турган йирик ва майда тер томчиларини рўмолчаси билан артди ва чуқур нафас олди.

– Энди қайси гўрга борса, бораверсин. Менга у ҳам керакмас, қимматчилик ҳам керакмас.

Қўлини бир томонга қараб силкитди-да, кўзларидан ўт чакнаб қўшимча қилди:

– Уни талоқ қилдим!  
 – Нима дедингиз, ростданам Ҳумони талоқ қилдингизми?!  
 – Нега ростдан бўлмас экан? Мендан узилган қўлни бўри ейдими, мушукми – барибир эмасми. Пешиндан шу пайтгача нотариусда эдим. Ишим шунчалик тез битади, деб ўйламагандим. Чунки нотариуслар одатда талоқ муддатини қайта-қайта чўзаверадилар. Мени кўриши билан шайхулисломдан, чириган тишнинг давоси нима, деб сўрадим. У, агар ҳақиқатан чириган бўлса, суғуриб ташлаш, деди. Шунда мен, жуда яхши, мана бу юз туман хотинимнинг маҳри, ўн туман ҳам бугун мен учун елиб-югурган шогирдингизга инъом, мени бу тиш азобидан иложи борича тезроқ кутқаринг, дедим. Шундай қилиб, бошқа бирор оғиз гапирмасдан унинг сийға никоҳини бекор қилди. Талоқ хатини ҳам ёзиб қўйди, эртага унга имзо чекаман. Уч йиллик нафақасини ҳам қонунда белгилангандан икки баробар қилиб бердим.

Оху эри нима деяётганини дафъатан англолмай қолди. Заиф оҳ тортди-да, муштдеккина бўлиб, ўтириб қолди. Чексиз шодликдан вужуди бўшашиб, ўзини беҳол ҳис қилди. Нигоҳи беихтиёр эридан Акрамга, ундан янги қўшнига ўтди ва бир титраб тушди. Акрам девоналардек у томон югурди. Тўқийётган шиппагини қўлидан тортиб олди-да, яноқларидан чўлпиллатиб ўпа кетди.

– Опажон, энди рўмолингиз меники. Кеча унинг товуғи ховлида қақағлаганида у кетади, деб хабар бергандим! Ё оллоҳ, бугун кечқурун бу уйда байрам. Ҳеч ким ҳеч қандай шодликдан ўзини тиймайди. Ух, туринг ўрнингиздан, қўлини ўпинг!

Хотинлар бақириб-чақириб унинг атрофида ҳар бири ўз суюнчисини сўрар, Оху эса тинмай жилмаярди. Ниҳоят “Буруншоҳ” боғи этагидаги дўлана дарахти ўз мўъжизасини кўрсатди. Унинг қудратли ишлари ва номаълум табиатига офарин! Хуршиднинг кизи тентак, ақли йўқ, ҳаётнинг яхши-ёмонликларидан беҳабар, дейишларига қарамай, секин Охуга яқинлашди, унинг қулоғига бир нималар деб пичирлади, Оху кулди ва унга бир шоҳи бериб, синган кўзани олиб, том устидан боришни ва даф бўлган аёл орқасидан ерга ташлашни буюрди. Сайид Мирон ўрнидан туриб хонага кетаркан, қатъий оҳангда деди:

– Агар ҳамма хотинларга ўхшаб ўз обрўси ва ҳурмати билан бу уйдан кетганида унга шафқат қилиб, уй асбоб-анжомларидан нимани хоҳласа бериб юборишга тайёр эдим. Аммо бу қилган хатоси учун кўкрагини қўйишга тош ҳам бермайман. Нафақасини етарли даражада бердим. Бундай аёл бундан ортиқ раҳмдилликка лойиқ эмас. Оху, юр хонага, йигирма тўрт соатдан бери туз ҳам тотганим йўқ.

Оху эрига овқат иситгани ошхонага кетаркан, ўзини қушдек енгил сезарди. Шунга қарамай, ўзини вазмин тутмоқда эди. Унинг ўрнида бошқа аёл бўлганида ўйинга тушиб кетган бўларди. Қалб эшиги яна қўлдан кетган саодат томонга қараб очилган эди. Олмос парчаси каби олти йил давомида жигарини лахта-лахта қон қилиб келган даҳшатли ғам-андуҳ офтобга қўйилган кофурдек бирйўла ғойиб бўлганди. Ўтган азоб-уқубатларнинг аччиқ хотираси унинг вужуди лавҳасидан батамом ўчиши учун анча вақт керак бўларди. Гулдуроснинг тоғлардаги акс-садоси тингунча ҳали анча бор эди. Аммо не бўлганда ҳам воқеалар силсиласи тўфон тугаганидан далолат бериб турарди. Бир неча йиллик қонли гина-қудуратлар бир соат ичида пок ва самимий дўстликка айланган эди. Эри бир соатча ўша ерда ухлади ва кейин ўрнидан туриб, уйдан ташқарига чиқди. Оху кечгача калити энди ўз

кўлида бўлган катта хонага икки-уч марта кириб чиқди. Ҳар гал бир мунча муддат ўзининг қадрдон ва қадимий меҳмонхонасидаги гиламлар, мебел, девор ва эшикларни синчковлик билан текшириб чиқди. Ўша ерда, ўриндик орқасида Ҳумонинг эсидан чиқариб қолдирган тўр рўмоли ётарди. Хонадан ёсуман атирининг хиди димоққа уриларди. Келинлар ҳавас қиладиган юзлаб нарсалар солинган кийим сандиғи ўзининг доимий жойида турарди. Ҳумо тилла тақинчоқларини олиб кетганди, сандиқни ёки унинг ичидаги баъзи нарсаларни олиб кета олмасмиди? Олиб кетса, ундан нарига! Бу сандиқни ҳам олиб кетиб, ўзидан ҳеч қандай нишона қолдирмаса яхшироқ бўларди. Охирги марта хонага борганида чирокни ёқди, пилигини пасайтириб кўйди. Эшик ва деразаларни зич ёпиб, ўлган одами тирилиб келганидан ҳайратга тушган одамларга хос шодлик билан ўз хонасига қайтди. Тузалмас яраси кесиб олиб ташланган бемордек ўзини хотиржам ва енгил ҳис қилди, у бутунлай ҳақ эди. Бундан ҳам ортиқ хурсандлик ва бахт борми?! Сийға деб аталган, асли сууқоёқ аёл уқубатли олти йил давомида даволпо<sup>1</sup> каби унинг елкасидан босиб турарди. Унинг дастидан нималар кўрмади Сайид Мирон? Ўзиям пуф деса учиб кетгудек бўлиб турган эканми! Кечқурун болалар Ҳумонинг талоқ бўлгани ва оталарининг шу ердалигидан териларига сиғмай кетишди ва ёз бўлишига қарамай, одатдагидан кўпроқ ўтиришди. Сайид Мирон узоқ денгизлар, хавф-хатарлар ва балолар сафаридан соғ-саломат оиласи бағрига қайтган қадимги ипакфуруш савдогарлар каби ҳижрон азоби чеккан хотини ва болалари билан очилиб-сочилиб гаплашарди. Айни дамда Оху шу ердагилар ичида ёши энг каттаси бўлса-да, кўнгилчан бўлганидан ўзини ҳаммадан кичик деб биларди. Кўзлари хумор сузилар, аммо буни кулгилар, ҳазиллар ва шўх-шўх суҳбатлар билан яширарди. Сайид Мироннинг ҳаракатлари ва нигоҳидан чарчагани билиниб, суҳбатларга у қадар қовушиб кетолмаётганди. Гўё барча ҳаракатлари бўлиб ўтган ишларни қоплашга етарли эмас деб биларди. Оху эрининг катта хонадан олиб келган жойини алоҳида солди. Ўзининг азиз эридан олти йиллик жудоликдан сўнг яна унга етишаётганидан боши осмонда – аёвсиз қурғоқчилик туфайли катра сувга зор ёш қайрағоч каби висолга ташна эди у. Ғалвалар уни қаттиқ толдирган, юрагини қонга тўлдирган эди. Айни пайтда ғоят хотиржам ва босиқ кўринарди. Аёлларга хос сабр-тоқат муқаддас ҳижоб каби уни эридан ва эрини ундан ажратиб турарди. Ишқ нон билан пишлоқмидики, у билан қоринни тўйғазиб бўлса. Ёки олий даражадаги улуғ мартабамидики, уни деб кураш олиб борсанг! Мана шу эри унга бемехр бўлиб қолган, умидларга тўла қалб шишасини жафо тошига уриб синдирган эди. Демак, у вафодор хотинига қилган жафоларидан пушаймон бўлдим, энди унга ҳар қанча меҳрибонлик кўрсатса оз. Сайид Мирон бутунлай уйқу ва чарчоққа таслим бўлган бир пайтда умидлар ва хотиралар бирдан ёпирилиб келиб, Охунинг мажруҳ дилини осонгина ҳаяжонга соларди. Агар илгарилари ҳар тунда ғам-аламдан ухломмаган бўлса, бу кеча шодлигидан уйқуси келмаётганди. Ўтган ишлар ўтиб кетди, ҳозирнинг ҳам путури кетганди, фақат келажакни ўйлаш қолганди. Яхши кунлар кулиб боққанда ҳаётни янгидан бошлаш учун вақти етарли эди, айтишади-ку, гулзор қадрини булбул билади, деб. Агар болаларнинг уйқуси қочиб, уни кузатишмаётган бўлганларида, бошларини ёстикдан кўтариб оталаридан хабар олиб турмаганларида, Оху ҳеч нимага қарамасдан туртина-суртина бориб, ўзини эрининг бағрига отган бўларди. Эртасига эрталаб чой пайтида Сайид Мирон унга ярашув нигоҳини ташлаб, маликалик тахтини унга нисор этди.

<sup>1</sup> Узун қўл ва оёқли афсонавий махлук, гўё у одамларни миниб юриш учун овлар экан.



Олти йилдан сўнг биринчи марта болаларнинг бир-бирлари билан муносабатлари яхши, вазмин ва чиройли эди. Улар оналардан кам хурсанд эмасдилар. Клара ва Бижан мактабга кетишга ҳозирлик кўрар, аммо кетишга шошилишмаётганди. Оху эрининг ёқимли табассумларига учиб, болаларнинг ҳар бирини бирор жойга ёки бирор ишга юбориб, уйни бошқалардан бўшатишга ёки катта хонага бориб, Сайид Миронни ишора билан чақириб олиш, шунчалик ёниб орзу қилгани, дил дарчасининг калити ва муҳаббат муҳри бўлган қайноқ бўсалар олди-бердиси билан ўз қатъий қарорининг остига имзо қўйишга чоғланган эди. Худди мана шу саросимали бир вазиятда эшикнинг зулфини шиқирлади, иккинчи дақиқада ҳовлига Мирзонаби ва унинг орқасидан Ҳумо кириб келаётганини кўриб, барчалари хайратдан донг қотиб қолишди. Мирзонаби ҳар гал бу уйга бирор тасодиф туфайли келиб қоларди – Сайид Мирон борми-йўқми, ўзининг доимий одатига кўра тўғри болалар хонасига борарди, чунки у ер Ҳумонинг хонасидан кўра тинчроқ эди. Хуллас, Оху уларга кўзи тушиб, гўё эшик олдида Азроилни кўргандек бўлди. Аъзойи бадани титраб, ранги бўздек оқариб кетди. Ичида бир нарса узилиб тушгандек ҳис қилди. Эрига қаради, унинг ҳам чехраси ўзгариб кетганди.

Сайид Мирон дўстининг ҳурматига ўрнидан турмоқчи бўлгандек оғир кимираб қўйди ва яна жойлашиб ўтириб олди. Ундан юзини ўгирганча совуққина оҳангда саломига алик олиб сўрашди. Ўзини орқага ташлаб, деворга суянганида чакка томирлари чатнаб кетгандек бўлди. Оху ички изтироб ва кўркувдан қўли қалтираганча стаканда чой узатиб, деди:

– Ҳойнаҳой, Машҳадий, нонушта қилмаган бўлсангиз керак?

Мирзонаби истехзо билан қулиб, самимий, аммо чарчаган ва бирмунча ташвишли оҳангда деди:

– Мана шундай эрта тонгда бировларнинг уйига бостириб келган одам нонушта қилмагани маълум, Ҳумо ҳам шундай. Ҳумо хоним, нега айвонда турибсан? Кел, болам, ичкарига кир, бегона эмассан-ку, ёки эрингдан уялаяпсанми?!

Ҳумо гуноҳкорона ва пушаймон ҳолда ичкарига қадам қўйди. Кўз кири билан эрига қаради ва қовоғини уйганча ундан узоқда, пойгоҳ томонда ўтирди. Мирзонаби чойини айлантириб, оталарча оҳангда меҳрибонлик билан деди:

– Бу қиз нима деяпти, нима учун уйдан чиқиб кетди?

Сайид Мироннинг кўзлари одатдагидан катталашиб, савол берувчига юзланди. Оху сабри чидамай, аммо одоб билан гапиришга ҳаракат қилиб, унинг сўзини бўлди:

– Биз Ҳарсиндан бунчалик тез қайтиб келгансизлар, деб ўйламагандик. Болаларни ҳам олиб келдингларми?

– Болаларни олиб келмадик, аммо Ҳожарни олиб келдик. Аҳволи яна ёмонлашиб қолди, биз тезда шаҳарга қайтишга мажбур бўлдик. Ўтган куни кечқурун шаҳарга кириб келдик ( у шу ерга келганда Ҳумога қаради), нима учун Рустам бунчалик кеч қолганини билмайман. Бу ҳам менга ортиқча бир ташвиш бўлди. Эрталаб биз келган машинада жой бўлмагани учун у биз билан бирга қайтолмади. Кечқурун хотини билан бошқа машинада ёки отда келаман, деб қолувди. Одам ўзи касал бўлса бўлсин-у, касал боқувчи бўлмасин экан. Бунинг устига агар бемор чалажон бўлса, танасига шабада тегса ҳам у дунёга бориб келаверади. Шунча сарф-харажатлар ва вақт ўтказишлардан кейин ҳам ўладими, қоладими, билмайман. На яхши деб бўлади, на ёмон. Уни кўрсатишга доктор олиб келай, бир-икки кун болалар билан бизниқига

келиб турсаларингиз, сизларникига одам юборай, деб уйдан кўчага чиққан эдим. Бахтимга кўчада буни кўриб қолдим, бошида катта рўмол, кетаётган экан. Яъни, мен унимас, у мени кўриб қолди. Мен ўзим бир ҳардамхаёл одамман. Қаёққа кетаяпсан, деб сўрадим, сизларникига деди. Мен бизнинг қайтганимизни ва Ҳожарнинг касаллигини билибсизлар, ҳаммангиз, ёки ҳеч бўлмаганда Машҳадий келиб қолади, деган ўйда ортиқча суриштириб ўтирмасдан уй эшигига у билан бирга бордим ва ичимда Худонинг ўзи етказди, деб суюндим. Аммо кейин билсам, у уйдан аразлаб чиқиб кетган экан. Уй эшиги олдида етганимизда қарасам, тўсатдан бошини деворга кўйиб хўнг-хўнг йиғлай бошлади. Мен нима қилишимни билмай қолдим. У ергача у ўз оёғи билан келган эди, қаерга боришини билмай боши гаранг. Аста суриштириб кўрган эдим, кичик бир Қуръонни чўнтагидан чиқардида, оёғимга йиқилиб, агар уйингиздан паноҳ бермоқчи бўлсангиз, лоақал бир ҳафтагача бу ердалигимни Машҳадийга айтманг, айниқса мени унинг олдида олиб боришга уринманг, дейди. Агар у мени чиндан яхши кўрса, бутун шаҳарни кезиб ахтаради, ёки ҳеч кимдан истиҳола қилиб ўтирмай талоғимни берса, яхши, дейди. Бир қарасанг осмондан келади, бир қарасанг ғирт болача ўйлайди. Мен отанг қатори одамман, хотин эрига жаҳл қилиб ҳам отасининг уйига кетиб қолмаслиги керак, десам, у мени калтаклади, дейди. Мен унга, нима, баданинг шишаданмидики, синиб, чил-чил бўлса, дедим. Ўша куни кечқуруноқ уни бу ерга олиб келмоқчи бўлдим. У бўлса яна хўнграб йиғлашга тушди, агар бу ердан бирор одам у ёққа борадиган бўлса, қочиб кетаман, деб кўрқитди. Мен хушёр тортиб қолдим.

Бу ёқда Ҳожарнинг аҳволи тобора ёмонлашиб борарди. Бир бурчакда ўзини билмай ётар ва кимдир тепасида ўтириши лозим эди.

Ҳақиқат шу эдики, Ҳумо биринчи кечани мутриблар уйида ўтказди ва бу ҳикоямизда номаълум бўлиб қоладиган сабабларга кўра, у ерда ҳам ортиқ қолмаган ва иккинчи кечада эрининг дўстининг уйига борган ва унинг бахтига бир кеча олдин эмас, худди ўша куни кечаси у Ҳарсиндан қайтиб келган эди. Фақат ёш аёл ҳар томонлама ўйлаб кўриб, ўша биринчи кечани қаерда ўтказганини ҳеч ким билмаслигини истарди. Мирзонабига ҳам учрашиб қолганида ҳозир шу пайтда эримнинг уйдан келаяпман, деб айтганди. Унинг ишни чалкаштириш мақсадида айтган таклифидан асли гапнинг сирини тушуниб олди. У Ҳумонинг айбини яширишдан кўра кўпроқ ҳақиқатда Сайид Мироннинг обрўсини сақлашга эътибор берди, аммо дўстини баттар шубҳага қўймоқда эди. Мирзонаби сигарета тутатди ва қисқа бир сукутдан сўнг ўшандай жиддий қиёфада давом этди:

– Эртасига эрта билан сизларга уйимга келинлар, деб хабар бермоқчи эдим, ҳеч ким бўлмади. Болалар йўқ эди, муттаҳам Маҳқули ҳам қайтиб келганимиздан бери қорасини кўрсатмайди. Уйни худога топшириб қай гўрга кетганини билмасдим. Қайтиб келганида ҳам бир қўли синган эди, оҳ-нола қилиб, у ҳам менга даҳмаза бўлди. Хотинимнинг аҳволи шундай оғирлашган эдики, мен ҳатто ўзимни ҳам унутиб қўйган эдим. Кўлимдан бир иш келмай ўз ёғимга ўзим қоврилардим. Аммо Худонинг хоҳиши шундай бўлгач, нима ҳам қилиб бўларди? Худога шукрки, Ҳумо хоним бор эди, акс ҳолда у нобуд бўларди.

Турган жойида тинмай ғимир-ғимир қилаётган Сайид Мирон девор ёнига чўкка тушди ва пичирлаб сўради:

– Ҳойнаҳой, ҳозир аҳволи яхшидир?!

Томоғи, кўкраги ва танасининг ўттиз уч бўғинини сиқиб эзаётган ғазабдан бу жумлани зўрға ирод этди. Унинг сўзларидаги аламли ва аччиқ

ишорани иккала аёл дарҳол тушунди. Бу пайтда Оху билан секин ва сирли суҳбатлашаётган Мирзонаби гап нимада эканини пайқамади. Оху уни Ҳожарнинг ахволи ҳақидаги саволлар билан кўмиб ташлади. Бемор аёлнинг ўша кечаси тўрт ойлик ҳомиласи тушгани маълум бўлди. Сайид Мирон ўзини дўстининг ғам-ташвиши ҳақида қайғураётган қилиб кўрсатиб ўтирмай, сўзида давом этди:

– Хуллас, бўлар иш бўлган. Мен унинг ишини бир ёқлик қилдим. Ўзи истаган нарсани қилдим. Энди у на менинг хотиним ва на мен унинг эриман.

Сайид Мироннинг пастки ясама тишлари икки марта оғзидан чиқиб, қайтиб жойига тушди. Ҳумога шундай ғазаб билан қарадики, ҳамма ҳозир уни уради, деб ўйлади. Аммо, ўзининг айтишича, энди улар ўртасида ҳеч қандай алоқа бўлмагач, қандай қилиб аёлга қўл кўтаради? Бу гапни эшитиб, хайратга тушган Мирзонаби ишонқирамай нигоҳини Ҳумодан Сайид Миронга ва Охуга қаратди ва аниқ бир одамга юзланмасдан деди:

– Нималар деяпти? Бу нима дегани? Бижан, сен айт, даданг Ҳумони талоқ қилдимми?

Бижан қиёфасига ярашмаган ҳолда қовоғини солиб, бошини ирғади. Оху гапни бошқа ёққа буриш учун сўради:

– Яхши, Машҳадий Наби, энди айт-чи, Ҳожарнинг ахволи қалай? Аёл киши бир марта бола ташлагандан етти марта туққани осон. Мен доим бу шўрлик аёлдан ташвишда эдим. Бечора жуда заиф, хомиладорлик юкини кўтара олмайди, бунинг устига оғир иш қилади. Айтишим керакки, Машҳадий Наби, бу боланинг қони сенинг бўйинида. Хотинингнинг соғлиғи ва тинчлигини асло ўйламайсан. Лоақал унга битта хизматкор олиб бер. Маҳқули унинг азоб-укубатини кўпайтиришдан бошқа қайси оғирликни унинг елкасидан ололади? Сен ўзинг бир неча марта Ҳожар касалманд, деб айтгандинг.

– Ахир мен нима қилай, Бижаннинг онаси? Бир неча ой дам олсин деб уни отасининг уйига юборгандим, шундай бўлиб қолди. Бир докторнинг қасами тўғри чиқиши учун бўлса-да, мана бу Ҳарсиннинг ҳам эшиги очила қолмади. Уни олиб шаҳарга келдим, йўлда ахволи баттар оғирлашди. Ҳозир ҳам мана шундай ҳушсиз ва гап-сўзсиз ўринда ётибди, нима еб-ичса қайт қилиб ташляпти. Нима қилишимни билмайман.

Суҳбат Ҳожарнинг касаллигига кўчди. Оху нонушта дастурхонини йиғиштиргач, дарҳол уни кўргани боришини айтди. Уша биринчи кунидек уни бу аҳволдан хабардор қилмагани учун Мирзонабидан гина қилди ва умуман ҳамонки уйда ҳеч ким йўқ, Рустам ва хотини ҳам Ҳарсинда қолишган экан, нима учун шаҳарга кириб беморни олиб тўғри уларнинг уйига олиб бормади? Бунақа пайтда галга солиб бўларканми? Сайид Мирон шу пайтгача жим ўтириб, сигарета чекарди. Талоқ сўзини эшитгач, Ҳумо ерга кириб кетгудек аҳволда эди. Шу орада Мирзонабининг болаларига ҳам тарбиячилик қилган хизматкори Маҳқули нафаси оғзига тикилиб келиб қолди. У кўпни кўрган, аммо боласифат киши бўлиб, шоҳ ҳарам оғаси бўлишга мос одам эди. Синган қўлини сочиқ билан боғлаб, бўйнига осиб олганди. Мирзонаби унинг даҳшатга тушган қиёфасини кўриб, сесканиб тушди ва:

– Ҳа, Маҳқули, нима гап? – деб сўради.

– Хон, тезроқ юринг, хоним оғирлашиб қолди.

Мирзонабининг ранги учиб, сукут билан Сайид Миронга қаради. Сигаретасини охириги марта тортиб, гилам устига тушган кулни гугурт кутиси

билан йиғиштириб олди ва ўрнидан турди. Оху ҳам шошиб самовар ва стаканларни йиғиштирди, дили ғашланиб, қора чодирини олгани кетди, табиийки, Сайид Мирон ҳам совуққонлик қилмади. Икки эркак ва уларга ҳамроҳ бўлиб бир аёл хонадан чиқаётганда Мирзонаби орқасига ўгирилди-да, мунг билан Ҳумога қараб деди:

– Сен, кизим, ҳозир шу ерда қол. Болаларча аҳмоқлигингни йиғиштир. Агар оила қурмоқчи бўлсанг, бу йўлинг кетмайди.

Ўша куни пешинда Сайид Мирон ва Оху уйга қайтишмади. Ҳожарнинг аҳволи ҳаддан ташқари ёмон эди. Эри иккита доктор олиб келган ва бундан ташқари доя Обжи Суғро йигирма йиллик тажрибасини аямай ишга солишига қарамай, касалманд аёл ўзидан кейин бешта ёш боласини тақдир ҳукмига ташлаб, ҳаётдан кўз юмди. Хотиннинг ўлими эрнинг бахтиқаролиги, дейишади, Мирзонаби шундан қаттиқ ғамга ботганди, аммо кўрайлик-чи, етти ёт бегона Оху нима қилдйкин!

Эр ва хотин ўша ерда, Мирзонабининг уйида уч кун қолишди. Мирзонинг укаси ва Ҳожарнинг отаси талай ҳарсинликлар билан шошиб етиб келишди ва росмана мотам маросимларини бошлаб юборишди. Мана шу уч кеча-кундузда Оху бошқалардан кичик бўлган Бижан ва Маҳдини ўзининг олдига олиб кетди. Уйда кечалари Ҳумо Хуршид хонимнинг хонасига бориб ётарди. Кундуз кунлари болаларга тушлик ва кечки овқат тайёрларди. Оху иши қайнагани устига бу кўнгилсизлик дард устига чипқон бўлган эди.

Эр ва хотин учинчи куни пешиндан кейин уйга қайтишди. Холукарам ҳам Чағосафиддан шаҳарга келган эди. У амакисининг кизи ноўрин аразлаб кетганидан аллақачон воқиф бўлди ва энди унинг уйга қайтган-қайтмаганини билгани келган эди. Сайид Мирон уни совуқ қарши олди. Ўтирмасдан ва тери қотмасдан Ҳумонинг келганини ва ҳозирда Хуршид хонимнинг хонасида эканини билиб, бир адабини бериб кўйиш учун ғазаб билан ўша томон юрди. Кўшнилари югуриб ўртага тушишди ва уни тўхтатиб қолишди. Ҳумо талоғини олганини билгач, деди:

– Машҳадийга раҳмат, бу аёл ҳеч қандай иззат-ҳурматга лойиқ эмас. У ё Ҳожи устага ўхшаган одам билан лойкашлик қилиши ёки шаҳар кўчаларида санқиб юргани яхши. Мана шу бечора Хуршидга қойил, модомики аҳвол шундоқ экан, менинг энди ҳеч қачон у билан ишим бўлмайди! Ўз қилмишларининг мевасини еяверсин. Фақат бир нарсани билмоқчиман, мана шу икки кеча у қайси гўрда эди?

Ҳумо кўрққанидан Хуршиднинг хонасига кириб беркиниб олганди. Холукарам ана шу аёл ва эшикни тўсиб олган Акрам билан гаплашмоқда эди. Жума куни бўлгани учун Хуршид ишга бормаган эди. Эри Оқожон бир ҳафта олдин тегирмонга иш бошқарувчилик ишига кирган бўлиб, кечалари уйга келмаётганди. Хуршид деди:

– Бу икки кечада у эрининг дўсти Мирзонабининг уйида эди.

Акрам хуфёна, истехзоли оҳангда Хуршиднинг орқасидан пичирлаб деди:

– Унинг бадбахт хотинини асфаласофилинга равона қилиш учун борган эди. Бечора аёл эрини шу аёлга уйланмоқчи, деб ўйлабди.

Бу гап Ҳожар ўлгандан кейин ҳамма хотинларнинг оғзида миш-мишга айланиб, буларнинг келиб чиқишига Мирзонабининг хизматкори Маҳқули сабаб бўлган ва у Охуга шундай деган эди:

– Хўжайин Ҳумони кўриши билан докторга боришни ҳам унутиб қўйдилар.

Бу эркак ёши қирқдан ошган бўлишига қарамай ҳали уйланмаган эди. У қизларга ўхшаб, ноз-карашма билан гапирар ва бунга унинг ўзига хос камтарлиги сабаб эди. Кўзларини юмиб, уятдан ранги ўзгариб, тескари қараганча кўшимча қилди:

– Баҳромнинг онаси, гапимга хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, хоним Ҳарсиндан қайтганида аҳволи яхши эди, мана шу аёлни кўрди-ю, мазаси қочди.

Бу энди аёлларнинг фолбинлик хусусияти ёки узунқулоқ гаплармиди, бундан ҳеч нарса маълум бўлмади, балки ҳеч қачон маълум бўлмас ҳам: айтишларича, Мирзонаби ошхонада Хумонинг яланғоч билagini ушлаб, кулоғига, сен талоғингни олавер, ўзим сени бажонидил қабул қиламан, деганмиш.

Бу миш-мишнинг ғирт ёлғон экани шундан аён эдики, Хумо эрининг дўсти уйига кирганида эгнидаги енги калта кўйлагини ечиб ташлаб, бўхчасидан уйлик кўйлагини олиб кийиб олган эди. У мутриблар уйдан чиқиб, Нана бибининг уйига бормоқчи бўлди. Лекин Ҳарсиндан қайтган Мирзонабига дуч келиб қолиб, фикри бирдан ўзгарди. Бу миш-мишнинг тўғрилигига далил шу эдики, Мирзонаби оғир-вазмин, орзу-ҳавасларга берилган одам эди, аммо бу орзу-ҳавасларидан ҳеч кимга оғиз очмасди, албатта. Охунинг тили билан айтганда, бақириб-чақириб юрган эмас, жим юргандан кўрқиб керак. Боши кетса ҳам намозни қанда қилмайдиган бу одам башараси айтиб турганидек, унчалик ҳам пок ва беозор, кўзи аёл зотига тўйган одамга ўхшамасди. Ҳаммадан кўпроқ Сайид Мирон ва ўлмасидан олдин Ҳожар унинг сарвкомат ёш аёлга ошиқи беқарор бўлиб қолганини билишарди. Бир неча марта Ҳожарнинг ва Сайид Мироннинг олдида ди-лидаги хоҳишини ҳазил тариқасида бўлса-да, шундай ошқор қилганди:

– Менинг бекамнинг ишлари кўпайиб кетган, унинг устига касал, у дам олиши керак, яқин орада унга бир дастёр олиб бермоқчиман.

“Яқин ора”, албатта, Ҳожар тирик экан, ҳеч қачон етиб келмасди, чунки Мирзонаби айтарди-қўярди. Аммо ажабланарли жойи шунда эдики, бемор хотин доим унга шундай жавоб қиларди:

– Нима бўлганда ҳам сизнинг танангиз ҳам Сайид Мироннинг танасига тегиб ўтган. Лекин Ҳожар бундай кунни кўргунча етиб бормади.

Шундай қилиб, Холукарам Хуршиднинг айвонидан Сайид Мироннинг олдига қайтиб, Хумонинг аянчли ҳиқиллаб йиғлаётган овозини эшитди. Сайид Мирон азбаройи жаҳдан сигаретани лабига қўндирди, меҳмон унга гугурт ёкиб тутди ва ўзи ҳам сигарета тутатаётиб, деди:

– Илоё кўзи кўр бўлсин! Аёл киши фақат ҳажга бориши вожиб бўлгандагина эрининг рухсатисиз уйдан ташқарига чиқиши мумкинлигини у билмайди! Очликдан ўлиб кетсин! Эрининг рухсатисиз уйдан ташқарига чиққан аёлнинг кўйган ҳар бир қадами унга жаҳаннамнинг бир эшигини очади, деб кимдир айтганди. Дарвоқе, Машҳадий, бу гапни менга ўзингиз айтувдингиз, шекилли?

Бир иш билан ташқарига чиқиб кетаётган Оху ўзича деди:

– Йўқ, у очидан ўлмайди. Жаноби олийларининг хотирлари жам бўлсин, агар керак бўлса сени ва оч ака-укаларингни ҳам тўйғазади. Бу маккорнинг йиғиси, бечоралик йиғиси эмас!

Тушлик ва ундан кейинги чой пайтида Хумо ва унинг талоқ бўлгани ҳақида миқ этишмади. Холукарам ўзларининг Холиса қишлоқларидаги хирмон кўтаришдаги аҳволдан гапирди. Уларнинг кўйлари тоғдан қайтган олдинги йилларнинг акси ўлароқ улардан “ўтлоқ ҳақи” ҳам олишган эди.



Ўша атрофлардаги қишлоқ эгаларининг бундай бемисл пасткашлиги йил учун хосиятли эмасди. Агар дув-дув гап бўлаётган Равонсар тўғони қурилса, ўша ерлардаги деҳқончиликка таъсир қилмай қолмасди. Қишлоқ оқсоқоли дўсти учун бироз нўхат олиб келиш нияти бўлганини, аммо шошгани, бунинг устига Хумо масаласида ташвишга тушганидан бу ишни келаси сафарга қолдирганини айтди. Аммо унга бир халтачада “таҳворэ” тамакиси олиб келганини айтиб, ўрнидан турди ва уни хуржиндан олиб унга берди. Сайид Мирон урушдан гап очиб, Олмония давлати Лахистонга хужум қилганини айтди. Буғдой ва бошқа жуда кўп нарсаларнинг нархи кўтарилиб кетган, шаҳарда бозорлари пайдо бўлганди. Қариялар хавотирда. Жаҳон уруши яқинлашиб келмоқда эди. Сайид Мирон биринчи жаҳон уруши тажрибасидан қаҳатчилик, талончилик ва одамларнинг арзимас нарсалар учун бекорга ўлдирилиб юборилганларини шаҳарда ўз кўзи билан кўргани учун бундай деди:

– Давлатлар ўртасида уруш чиқишидан худо асрасин, акс ҳолда бу мамлакат ва унинг халқидан ном-нишон қолмайди. Бошқалар бизни ейишларидан олдин биз ўзимизни ўзимиз еб тугатамиз. Халқ норози, юрт эзилган, шундай тўс-тўполон ва ғалаёнлар кўтариладики, чеки-поёни бўлмайди. Бошқа давлатларда биздаги каби қабилалар йўқ, аммо қабилалар билан давлат ўртасидаги муносабатлар яхши эмас.

Бу суҳбат узоқ чўзилди. Пешиндан кейинги соя аста-секин ҳовуз лабига яқинлашиб келарди. Номларини мактабга ёздирган болалар ўша куниёқ мактабга кетишди. Ҳовли тушдан кейинги уйку ва сукунатга чўмди. Оху кечки овқатга уннаш учун ошхонага кетди, бундан фойдаланиб, Холукарам орадаги жимликни бузиб, дўстона ва холис оҳангда сўради:

– Машҳадий, талоқ қилганингиз ростми?

Сайид Мирон сигарета кутисини олиб, худди биринчи марта кўриб тургандек унинг орқасидаги расмга қаради. Қошлари яна чимирилди, хижолат тортиб деди:

– Оқсоқол, у ўзининг номуносиб хатти-ҳаракати билан мени шунга мажбур этди.

– Аслида бунга эътирозим йўқ. Аммо, биласизми, Машҳадий, бу ишингиз одамлар кўзига унинг айбини катта қилиб юборади. Ҳозир шу ҳақда ўйлаб тургандим, одамлар бирга ўнни кўшиб, шунақанги кўпиртиришадими, бу сизнинг ўзингизнинг обрўйингизга ҳам яхши бўлмаслиги аниқ. Оғзи бўш одамлар, ҳа, демак у гуноҳ қилган эканки, эри уни кечирмабди, дейишади. Ваҳоланки, ўзингиз ҳам, мен ҳам Хумо нима бўлганда ҳам бузуқ эмаслигини биламиз. Бир куни ўзингиз, у нодон, насиҳатга муҳтож, деб яхши айтгандингиз. Машҳадий, агар сиз аён гуноҳи учун унинг қонини тўкканингизда ҳам отаси ўрнидаги мен чурқ этиб оғиз очмаган бўлардим. Аксинча, қўлингиздаги пичокни олиб, ўз чўнтагимга яширган бўлардим. Аммо сиз шундай талоқ қилгансизки, мен уни ўзим билан қишлоққа олиб кетолмайман. Машҳадий, бадномлик ёмонликнинг ўзидан ҳам ёмон. Агар Хумонинг гуноҳи бўлса, уни ўлдилинг, аммо талоқ қилманг!

Сайид Мирон жим қолди. Ҳақиқатан унинг ўзи ҳам илгари шундай фикрдан узоқ бўлмай, ҳатто олди-кетини ҳам ўйлаб кўрганди. Жаҳл устида маҳкамага боришга бординг, аммо хотинингни талоқ қилдим деб бошқаларга айтишга не ҳожат эди? Бир неча дақиқадан сўнг Хуршиднинг хонаси яқинига келиб, баланд овозда деди:

– Бориб унга айт, энди ҳиқиллаб йиғлашидан фойда йўқ, амакисининг

ўғли бу кеча бу ерда қолади, у билан Чағосафидга кетиш тараддудини кўрсин.

Сайид Мирон ховуз лабида таҳорат олди-да, яна Хуршиднинг олдига қайтди:

– Аввалги фикримдан қайтдим. Намозимни ўқиб бўлганимда катта хонага келсин-да, жиҳозлардан ўзига керакли ҳаммасини олсин.

Хонадан Ҳумонинг йиғи аралаш овози эшитилди:

– Амакимнинг ўғли ўлди, Чағосафидни ҳам сув олиб кетди. Ҳаммаларини сув олиб кетди. Менинг на амаким бор, на чағосафидлик бирор одамни танийман.

Сайид Мирон унинг гапига қулмай туролмади. Айвон зинасидан юқорига кўтарилди. Бу гапларни айтаётган одамнинг ўзини ҳозирги кайфиятда кўришни жуда истарди. Зоҳирий жаҳл билан деди:

– Аввал йўқмиди ёки энди йўқми?

– Аввал йўқ эди. Хонамнинг калитини беринг, бўла қолинг! Ҳа, ҳа, ҳа!...

Сайид Мирон хона эшиги олдида пайдо бўлди. Ҳумо тиззасига тиралган кўлига бошини қўйиб ўтирарди. Сайид Мирон кўзининг чети билан унга қаради. Чехраси ёқимли ва маъноли, ёноқлари кўз ёшидан ҳўл эди. Йиғлаган кўйи боши ва бўйнини ҳаракатга келтириб деди:

– Охири ўз ишини қилди. Аммо у маза қилишни ўйлайди, мен ҳеч қачон сиздан воз кечмайман. Ҳа, ҳа, ҳа!...

Хонанинг бир бурчагида ўзи чой қуйиб, ўзи ичиб ўтирган Хуршид Ҳумонинг соддалик билан айтган гапларидан кўра кўпроқ болаларча йиғлашидан кула бошлади. Ҳақиқатан ҳам икки кундошнинг қони бир қозонда қайнамаслиги рост эди. Истеҳзо билан Сайид Миронга деди:

– То тирик эканман, Машҳадий, сизнинг қулингизман. Ҳозир энди ёлвораётган экан, гуноҳидан ўтинг. Энди у сизнинг ижозатингизсиз ва розилигингизсиз бош яланг ёки энги калта қўйлак билан уйдан ташқарига чиқиш у ёқда турсин, ҳатто сув ҳам ичмаслигига мана шу оппоқ сочларимни гаровга қўяман.

Ҳумо йиғи аралаш кулди ва кичиккина бошини ноз билан этагига яширди. Қўшни аёл улар учун қайтадан самоварга олов солди. Сайид Мирон ғазабнок эди, аммо ғолибона ва мағрур ҳолда Ҳумо билан кечирган олти йиллик ҳаётида биринчи марта ёш хотинидан ранжиб шикоят қилган ва бу шикояти талаб тусини олган эди. У тарафда Оху ҳали-вери шундай ўзгариш содир бўлишидан ҳаяжонда эди. Ўзини қўйгани жой тополмай ҳовлидан хонага кирар, хонадан ховлига чиқарди. Шунинг баробарида ўзини мазлуманинг даллоли қилиб олган Хуршиднинг ишларидан жаҳли чиқмоқда эди. Азбаройи ғазабланганидан уни чақириб олиб эри ва Холукарам нималар ҳақида гаплашаётганини сўраб-суриштиролмади. Маҳди ҳовлида Муҳаммад Ҳусайн билан ўйнардди, Оху кўз имоси билан уни ўз олдига чақирди ва ёлғондан пўписа қилиб унга деди:

– Бу бола билан ўйнама демаганмидим?! Агар бошинг ёрилгудек бўлса, унда айб менда бўлмайдди, билиб қўй! Кел, сенда ишим бор. Бурнингни бир четга қоқиб ташла, кўркма, Худо яна беради! Кулоқ сол, даданг ва Холукарам Хуршид хонимнинг хонасига Ҳумонинг олдига кетишди. Сен ҳам чой ичиш баҳонасида у ерга бориб ўтир, улар нима дейишаётганини яхшилаб эшитиб ол, кейин келиб менга айтиб бер. Нима деганимни тушундингми? Мен бу ерда айвонда ўтираман.

Кейин ўтирган жойидан қўшни томонга қараб деди:

– Хуршид хоним, бизнинг Маҳдимиз пешинги чойини ичмаганди, агар

чай дамлаган бўлсангиз, унга ҳам бирор пиёла беринг. Бор, болажоним, ҳамма гапни яхшилаб эшитиб ол.

Маҳди кетди ва ярим соатлардан кейин қайтиб келди. Қора ва тийрак кўзлари кўп гапларни билиб келганидан дарак берарди. Оху кўрқув ва умид билан уни ёнига ўтказди, қўлини унинг елкасига қўйиб, “гапир” дегандек им қокди. Бола чайналиб деди:

– Отам бир марта тишим оғрияпти, деди. Шунда Холукарам, уни илдизи билан суғуриб ташлаш керак, деди. Яна бир марта бармоғи билан бундай қилиб гилам устига чизиб, мен ва акамнинг жонига қасам ичди.

– Нима деб қасам ичди?

– Қасам ичиб айтдики... қасам ичиб айтдики... эсимдан чиқиб қолди...

– Эй, ўлиб кет, ношуд! Бир соат ўтириб келиб топган гапинг шу бўлдимми? Ахир отангнинг ҳамма тиши ясама тиш-ку, нимасини олдиради?!

Маҳдининг кўзлари ёшга тўлди.

– Майли, зарари йўқ. Мен фақат Хумони яна уйга олиб келармикан ёки йўқми, шуни билмоқчийдим. Уларнинг ҳамма гапларидан нимани тушундинг? Яхшилаб ўйлаб кўр, бирор нарса яна эсингга тушиб қолар. Сен ва акамнинг жонига қасам ичганида нима деди?

– Гилам устига чизик чизиб, Холукарамга, оёғингни шу чизикдан у томонга қўймаслигинг керак, деди.

– Яхши, тушундим, Холукарамга айтмаган. Хумо қаерда ўтирган эди?

– Хумо Холукарамнинг орқасида ўтирган эди. Дадам гапираётганида у нукул бошини буриб, чодирининг панасидан ойнага қарарди. Бир марта лабларига бўёқ сурди. Кейинги сафар қош-кўзларини тузатди. Мен бу томондан унга қараб тургандим, ўзининг юзларини чимчилаб қизарттирди.

Оху сувга тушган латгадек шалпайиб қолди. Унинг уйи томига ин курган бойўғли энди қирғийга айланиб, ўткир панжаларини унинг юрагига ботиради. Охири Оху Маҳдини гап пойлаш учун яна Хуршиднинг хонасига юбормоқчи эди, бироқ шу паллада иккала эркак бир соат олдингидан бутунлай бошқача кайфиятда у ердан чиқишди. Сайид Мирон намоз ўқигани катта хонага кетди. Холукарам бир неча дақиқа мақсадсиз ховлида турди-да, кейин қаерга кетаётганини айтмасдан даҳлиз бурилишида кўздан ғойиб бўлди. У кетгач, Хумо худди ҳеч нарса рўй бермагандек, атайин ғоз юрганча ховлини қоқ ўртасидан кесиб ўтди ва катта хонага кирди. У ерда Сайид Мирон ўзининг қадимий язд жойнамози устида эндигина қиблага қараб намозга турганди. Хумо бегоналарча, елкасини эшик тавақасига тираб деди:

– Ўх-хў, одамлар намозхон бўлиб кетибдими? Қачондан бери?

Бундан илгари бир қанча вақт дангасалик туфайли, касаллик ёки бошқа баҳоналар билан намоз ўқимай қўйган Сайид Мирон Мирзонабининг уйига бориб Хожарнинг аза маросимларини ўтказиш учун бир неча кун у ерда қолганидан кейин жаҳаннам оташлари ва жаннат эшикларини эслаб қолганди. Бу намоз Хумони талоқ қилганидан кейин ўзига яраша бир каффорат эди. Чунки руҳни синдирувчи иккиланишдан қутилганидан кейин ўз болалари билан тинч ва беташвиш ҳаёт кечиришни қайтадан бошлай олиши унга аён бўлганди. Ташаҳхудни ўқиб бўлгач, чўккалаб ўтирганча бармоқлари билан санаб дуо ўқиркан, бошини халақит бераётган одам томонга бурди. Оппоқ кийинган Хумо хонага кириб, бир ёнга бурилганча ўриндикка суяниб турарди. Эрнинг нигоҳи унинг келишган ва узун сонлари бўйлаб юқорига кўтарилди, ботиқ қорни ва бўртиқ сийнаси устидан ўтиб, илоҳий меҳр ёғилиб турган оппоқ ва гўзал чехрасига бориб тақалди. Унга яхшилаб тикилиб олгач, деди:

– Мен намозни тарк этмагандим, сен мени намоз ўқишдан қолдиргандинг!

Уйкуси келаётгандек унинг ковоқлари оғирлашиб борарди, гўё. Кўзларини қалин шаҳват ва эҳтирос пардаси қошлаб олганди. Ҳатто бундан олдинроқ ҳам кўшни хонасига кирган пайтида шундай ҳолат юз берган эди. Сонларининг шакли янада яхшироқ кўринсин деб Ҳумо қийшайиброқ ўтирди ва кишини ҳаяжонга солувчи бир ҳолатда жағини очмасдан унга қараб оғзини қийшайтирди:

– Йи-йи-йи-йи!

Ошиқ эркак ўтирган еридан лочин мисол у томон сакради ва иккала биллагидан маҳкам ушлади:

– Падарлаънаги! Афсуски, сени яхши кўраман!

– Йи-йи-йи-йи!

Эркакнинг кўксида ловуллаб турган душманлик ва шаҳват ҳисси унинг чехрасига шундай ифода бағишлагандики, уни ҳам ўпгиси, ҳам ургиси келарди. Ҳумо ўзини унинг чангалидан бўшатишга уринди.

– Мен энди сизнинг хотинингиз эмасман. Нима дейсиз?!

Сайид Мирон чанқоқ бўса билан унинг оғзини муҳрлади. Ҳумо ух тортиб, лабларини артди:

– Мендан кўлингизни тортинг. Сиз ҳали жойнамозинингизни йиғиштирганингиз ҳам йўқ, сен мени намоздан қолдирдинг, деётган сизмидингиз? Мени талоқ қилмаганмидингиз? Мен ҳозир сиз учун ҳаром эмасманми?

– Мен сени талоқ қилганман. Тўғри. Аммо ҳозир шилқимлик қиляпман.

– Бекорга шилқимлик қиляпсиз. Мени тинч кўйинг. Уфф, бу қандай бемаънилик!

Бир неча кунлик жудолик мобайнида бу ошиқи беқарорнинг тоқати тоқ бўлган эди. Гарчи уни талоқ қилган ва энди ўзи ҳам қандай орқага қайтаришни билмай юрган Сайид Мирон юрагининг тубига қараганида усиз ҳаёт кечиролмаслигини аниқ ҳис этганди. Начора, унга ўрганиб қолганди. Шунга қарамай, бир куни келиб гирибонидан тутган аёл чангалидан кутулишга қилган қарорини асло ўзгартирмаган эди. Қизик, бу аҳди қарорни кейинроқ амалга ошириб бўлмайдими? Нега энди, Холукарам айтгандек, унинг пешонасига шармандалик тамғасини босиб ҳайдаб юбориши керак?! Бу гўзал кўғирчоққа инъом қилгани бундан кўра ёқимлироқ тухфаси йўқми?!

Ошиқ ва маъшукнинг тилларида ва дилларида ишқдан бошқа ҳеч нарса қолмаган эди. Висол шаробидан масту мустағриқ бу икки жисм бир-бирларининг вужудига шундай сингиб кетган эдики, шу пайтда дунёни сув босса, тўпикларига чиқмасди. Тақводорлар шоҳлик суруридан кам эмас деб ҳисоблайдиган биринчи никоҳ кечаси бу икки ошиқ учун яна бир карра ҳар доимгидан ҳам ёқимлироқ ва ширинроқ тарзда такрорланган эди. Улар ўзларини ёт кўзлардан холи деб билган гўшада ёқимли ишқ лаззатларидан телбаларча баҳраманд бўлмоқда эдилар. Аммо улар хонага кирган пайтдаёқ яна бир тирик жон ҳам арвоҳдай зинадан кўтарилгани ва ўзини эшик тавақаси панасига олганидан ғофил эдилар. Улар икковининг гапларини кулоқларини динг қилиб эшитган Оху энди эшикнинг кичик бир тирқишидан уларнинг ҳар бир ҳаракатини кўриб турарди. Ниҳоят, жуда-жуда нозик ва ҳассос лаҳза етиб келганда унинг сабри поёнига етди. Мана шу сахнадан кейин учинчи сахна ҳам бўлиши мумкин эдимики, у кўришни истаса? Ўзини билдириб қўйиши мумкинлигини ўйлаб ўтирмай, ғайри табиий тарзда эшикнинг ёпиқ тавақаси олдидан юриб ўтди-да, айвондан чиқиб кета туриб паст овозда ўзича ғудранди:

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

– Кўсага сокол бир кунда битиб қолмайди. Кўз кичик бўлгани билан катта нарсаларни кўра олади.

### Ўн олтинчи боб

Оху гўё тақдирга бутунлай тан бергандек, ўзининг хафақон табиатига қарши ўлароқ бундан кейин на эри, на Ҳумо, ҳеч бирига эътибор бермасликка ва уларни мутлақо ўз ҳолларига қўйишга азми қарор қилди. Тўғри-да, тўрт кунлик умрни нуқул ташвиш ва хафагарчилик билан беҳуда ўтказиш шартмиди? Бу ғам-ташвишларнинг охири кўринай демайди, унинг кўлларини боғлаб қўйган. Тинмай Ҳумо ҳақида ўйлайвериш уни охири бир дарди бедавога дучор қилиши, ҳатто йиқитиши ҳам ҳеч гап эмас. Ўлмай юришни ва болаларининг орзу-ҳавасини ўз кўзи билан кўришни хоҳламайдими?

Эртаси куни Клара мактабдан қайтаётганида ранги-рўйи бироз ўчган эди. Ташвишли ва ғайриоддий тарзда хона бурчагида ўзини онасининг бағрига ташлаб, бошини онаси унинг меҳр тўла кўксига қўйди:

– Уҳ, онажон!

Оху хавотирга тушди:

– Ҳа, қизалоғим, сенга нима бўлди? Имтиҳондан йиқилдингми?

Клара узун ўрилган сочлари билан юзини тўсиб уятдан қизарган юзини яширмақчи бўлди. На йиғлашини, на кулишини билмай, деди:

– Йўқ, имтиҳондан йиқилмадим, бугун натижаларни эълон қилишди. Мен ўтибман. Уҳ, онажон, нима десам экан, бир киши орқамдан юрибди. Ўша ўтган жума куни Суробга кетаётганимизда извошимизни тўхтатиб, извошчига дўқ қилган одам. Фақат билишимча, бошқа кийим кийиб олганди, ярамас, пасткаш! Имтиҳон натижаларини олиб, мактабдан ташқарига чиққандан кейин мен Меҳри Шодиён билан бирга келаётган эдим. Кўчада дугонам гулли қоғоз сотиб олмоқчи бўлди. У кўчанинг нарёғида ёзув куроллари дўкони рўпарасида турган эди. Биз керакли нарсаларни олиб кўчага чиққанимизда ановининг кетимиздан келаётганини ҳис қилдим. Худди биз ўзимизни ёмон қизлардай тутгандек ёки унинг дугонам Меҳри билан эски танишлиги бордек, бизни беҳаёларча таъкиб қилиб келса. Ҳеч нарсани тушунолмаётган роса бошим қотди. Хонақоҳ кўчаси бошида Меҳридан ажралиб, ўзимизнинг кўчамизга етиб келгунча умуман орқамга қарамадим. Агар дугонамнинг кетидан кетган бўлса, ўзларининг ишлари бор экан-да, дердим. Аммо бошимни буриб қарасам, у орқамдан келаётибди, ўзимни йўқотиб, юрагим тарс ёрилаёзди. Ўша ердан уйимизгача югуриб келдим. Мараз! Журъатим етганда, тош билан уриб, бошини ёрган бўлардим.

Қизининг гапларини диққат билан эшитиб, Оху ёшига муносиб вазминлик билан кулимсираб деди:

– Парво қилма, қизим. Агар у яна учраса, юзингни ўгириб ол. Ўзингни билмасликка солиб, мактабга бориб қайтишдан бошқа ҳеч нима билан иши йўқ одамдай қилиб кўрсат. Бунақа ёшларнинг енгилтаклиги орқасидан баъзида шундай катта жанжаллар келиб чиқадики, нодон қизлар бахтсиз бўлиб, бутун оиланинг бузилиб кетиши ҳеч гап эмас.

Оху қизининг тим-қора кўзларидан ўпди ва бошига қўлини қўйди. Кларанинг гул-гул очилган чехраси ва хўб етилган сарвдек қад-қомати ҳар қандай ёш кўнглини ўзига мафтун этмай қолмасди. Афсус, одамларнинг кўнглида нима борлигини ҳеч ким билмайди, ташқи кўринишига қараб баҳо бериб бўлмайди, аёлларни ҳимоя қила олмайдиган бизнинг жамиятда



оила куриш бир кимор бўлиб, кўпинча охири вой бўлиб тугайди. Мана шу нарса Охунинг бошига ҳам тушган эди.

Эртасига ҳам ҳалиги йигит мактаб қизлари дарсдан чиқиб тушликка кетадиган соатда “тасодифан” Кларанинг йўлида пайдо бўлди. Клара бир тўда Шохдўхт мактаби қизлари билан кўчадан шоду хандон кетиб борарди. Онаси айтгандек, йигитга кўзи тушиши билан ўзини кўрмаганга солди. Барибир юзи бирдан қизариб кетди ва буни дугоналари сезмай қолмадилар. Малларанг, баланд бўйли ва ҳаракатлари чаққон йигит ҳам ундаги бу ўзгаришни муҳаббатига берилган бир жавоб деб ҳисоблаб, ўзида йўқ шод бўлди ва табассум қилди. Ниҳоят қизлар бир-бирларидан ажралиб, битта-битта ёки иккита-иккита бўлиб ҳар тарафга тарқаб кетишди. Бир ўзи қолган Клара хавотир билан қадамни тезлатди, йигит ҳам. У гапни нимадан бошлашни ва умуман нима дейишни билмай тарадудланарди. Аммо хаёлида қиз билан суҳбатлашар, саволларига турли жавоблар оларди, аммо хаёл – хаёл-да! Клара бу сафар ўзини анча ҳушёр тутмоқда эди. Уйга етгунча бир маромда юриб бордигина эмас, ҳатто ҳаяжонни енгиб, ўзини имкони борича вазмин ва бепарво кўрсатишга ҳаракат қилди. Шунга қарамай, эшик остонасида турган Оху унга кўзи тушиши биланок қизининг аҳволи руҳиясини дарҳол ҳис этди. “Ишқилиб охири бахайр бўлсин-да”, – дилидан ўтказди она ва юраги ғаш тортди. Енгилтак йигитларнинг бундай қилиқлари Кермоншоҳдек шаҳарда бўй етган қизлар учун иснод келтирарди. Фақат енгилтак, бепарво қизларгина ўз шаънлари билан ўйнашишга йўл кўйишлари мумкин. Оху, гарчи лозим бўлмаса-да, бу гапни Сайид Миронга етказишни кўнглига тугиб қўйди. Бир йўлини топиб, аллақандай сурбет йигитчанинг қилиқларига чек қўймаса бўлмасди. Ўзининг бахтли бўлмагани етмай, қизи ҳам аросатда қолсинми? – у қандай пасткаш ва худбин йигит ўн гулидан бир гули очилмаган қизнинг орзу-умидлари ва бахтини ўзининг ҳою-хаваслари учун эрмак қилишга журъат етаяпти?! Гарчи ҳали жиддий бир ташвишга сабаб бўладиган ҳеч бир ноҳўя иш рўй бермаган бўлса-да, аллақандай кўчабезорининг бу ҳаракатидан шундай дарғазаб бўлдики, аламидан гўштни эзадиган ёғоч тўқмоқ билан беозор мушукнинг бошига бир солди. Бечора жонивор аянчли миёвлаганча ертўлага қочиб яширинди. Шунда Оху ўринсиз қилган ишидан пушаймон бўлиб, жониворга ичи ачиди. Шу воқеадан кейин кўп ўтмай икки нотаниш аёл келиб улар уйининг чириган эшигини тақиллатди. Булар ҳалиги йигитнинг яқин қариндошлари эди. Ўзларининг гапларига қараганда, ўша кўчадан ўтиб кетаётиб, бирор соат дам олгани ва чарчоқларини ёзгани учун киришган экан.

Улардан бири гавдали ва семиз, оқила аёл бўлиб, ҳақиқатан ҳам чарчаганича бор эди. Ўтириши билан елпиғич сўради ва “Соҳиб Жам” гузаридан келишганини айтиб, йўлнинг узоқлигидан нолиди. Бу “шилқим” йигитнинг аммаси Меҳрибону эди. Ёнидагиси ундан кўра ёшроқ бўлиб, сепкил тўла юзларига упа сурган, эгнига костюм-юбка кийган, қўлида сумка тутган. Умуман, кўриниши замонавий бўлса-да, тақлид ва сунъийликка зўр бермаганди. Уй эгаси билан танишиш ёки фикр билдиришларини кутиб ўтирмасдан гапни илиб кетди:

– Аммажон, йўл узоқ бўлса ҳам извош эшикларининг тагигача келаркан. Тўғриси айтсам, бормаган жойим қолмади. Танлаб-танлаб тозисига йўлиқди, деган гап бор. Бирининг бурни калта, унисининг кўзи кичкина, учинчиси бесавод, тўртинчисининг қадам олиши бежо ва ҳоказо, ва ҳоказо. Беайб парвадигор. Биттасини кўр-да, шу билан ишни битир – менинг айтадиган гапим шу.

Меҳрибону тоқатсизланиб, аммо босиқ оҳангда деди:

– Ўзи кўриб, маъкуллабди. Биз ҳам, майли, шу қизни ҳам бориб кўрайлик-чи, дедик. Бу дейман, (Ҳумога қараб) сизга ўхшаган хушқомат, оёқ-кўли биллурдек аёлни қаердадир кўрганман. Жуда ганиш кўринаяспиз. Шошманг-чи, хоним, сиз олти-етти йил олдин чодир ташлаш маросимида эрингиз билан шаҳар ҳокимияти биносида бўлмаганмидингиз?

Гап бундай бўлганди. Ҳумонинг йўлбошчилигида улар бошқалардан ҳашамдорроқ бўлган унинг хонасига киришди. Оху шошиб ул-бул олиб келгани бозорга кетди. Сандик устидан елпиғични қидираётган Ҳумо аёлнинг гапидан чеҳраси ёришиб, деди:

– Бўлса бордир. Аммо мен сизни у ерда кўрганганимни эслолмаяпман. Қизик.

– Мен извошчилар тоифаси ва улгуржифурушлар вакили акам билан боргандим у ерга. Менинг жойим шундоқ сизнинг рўпарангизда эди, анча гаплашиб, кулишдик. Хизматкор аёл чой кўйилган патнисни Козим баққолга тутганида у стаканни ликобчасиз олганини, хотини биқинига туртгач, стаканни кўйиб, ликобчани олгани, ҳамма ичаги узилгудай кулганини эсдан чиқардингизми?

Ҳумо кулди ва аёлларнинг ёшроғи, йигитнинг опаси Ширин деди:

– Бу кишини эслай олмаётганингиз тўғри, аммам у пайтларда ҳозиргидек семиз бўлмаганлар.

Хонанинг атрофи, эшик ва тоқчалардаги безак ва буюмларга зимдан кўз югуртириб чиқаркан, амма унинг гапига қўшимча қилди:

– Бугунгидек бақалоқ эмасдилар, дегин. Семизлик ҳам яхши эмас. Кошкийди, шунча бефойда гўшт ўрнига Худо бир озгина ортиқча пул бергандайди.

Ҳумо деди:

– Бу нима деганингиз, сиз тўласиз, аммо тўлалик сизга ярашиб турибди. Эрим мана шу ҳамма шолчалар ўрнига яхлит битта гилам олмоқчи. Аммо ҳозирча олмай турибмиз, чунки аввал янги уйимизни куриб битирмоқчимиз, бу эски уйда колмоқчи эмасмиз. Чилим чекасизларми?

Тез орада Оху ҳам келиб, меҳмонларга қўшилди ва улар мезбонларнинг кундош эканини билишгач, ҳазил-хузул гаплар билан, кулишишди. Меҳмонлар одоб ва назокат билан чилим келтирган ва ҳеч гапдан хабари йўқ Кларани кўриб, қилдан қийиқ топадиган харидор назари билан унга синчиклаб қараб, ўзларича баҳо беришди. Бир соатча у ёқ-бу ёқдан гаплашиб, чой, мева ва ширинликлардан еб-ичиб ўтиришди-да, кейин овмин қилиб, туриб кетишди. Бу дўстона дийдорлашув кейинги кунларда ҳам янада кўпроқ илиқлик билан такрорланди ва энди бахт уларнинг эшигини қоқаётгани равшан бўла бошлади. Қизи бор оналарнинг ҳаётидаги ташвишли ва айни пайтда ёқимли лаҳзалардан бири орзуманд Оху учун ҳам етиб келганди. Ҳар жиҳатдан куёв деган номга муносиб ёш йигитни ўзи ҳам кўрган ва бошқаларга ҳам маъкул бўлган эди. Аммо ҳали бу ҳақда жиддий тарздаги суҳбатлар бошланганича йўқ эди. Охунинг ҳали умид учкунлари бутунлай сўниб битмаган эди. Кундуз кунлари гоҳида бирров унинг хонасига кириб ўтадиган эри нима учундир бир муддат Ҳумо билан иши бўлмай туриши кераклигини Охуга уқдирган эди. Қўшнилари орасида тарқалган миш-мишларга қарши ўлароқ, Ҳумони қайтариб олиб келмаган ва бундай қилиш нияти ҳам бўлмаган. Сайид Мирон очиқ-ойдин шундай деганди:

– Кўявер, бир неча кун ўтсин, бу ҳақдаги гап-сўзлар тинсин, уни кет-

казиб юбориш қийин иш эмас. Махри ва нафақасини тўла-тўқис бердим. Маҳкама харажатларини тўлаш қолди, холос. Қаердан бўлмасин бунга пул топишим керак. Оху, шу кунларда яна мушкул аҳволга тушиб қолдим. Холукарамнинг айтишича, унинг бу йилги ҳосили бошқаларникидан ёмон эмасмиш, балки бу одамдан қарзларимни ундириб оларман. Хотиринг жам бўлсин, мен сўзимдан қилча қайтганим йўқ. Акрамнинг эри кўчада менга шундай деганида, уни талоқ қилмагунимча тинч ухлай олмайман, деб қасам ичганман. Бу аёлнинг қадами менга хосиятли эмас, уни кетказиб юбормасам бўлмайди.

Оху сўради:

– Уни талоқ қилдим, ҳамма нарса тугади, демаганмидингиз?

– Ҳаммаси тугаган, аммо маҳкама харажатларини тўлаб, уларнинг дафтарига имзо чекмагунимча талоқ мукамал бўлмайди. Оху, болаларимнинг бўлмаса-да, ўз жоним ҳаққи қасам ичаман, мана шу одамдан қарзимни ундиришим биланоқ уни бир дақиқа ҳам уйда ушлаб ўтирмайман. Сен бошқача ўйлагансан. Мен олти йилдан бери уни талоқ қилмоқчи бўлиб келаман.

Сайид Мирон бу борада хотинига бор ҳақиқатни айтмоқда эди, албатта. На уни алдаш нияти бор эди, на ўзини. Ҳумони ҳайдаб юбориш ҳақидаги илгариги қароридан қайтмагани рост эди. Фақат энди бу аёлнинг унинг уйида бўлиши шаръан ҳаром бўлгани учун никоҳ ва талоқ ҳақидаги шаръий қоидаларни унча яхши билмайдиган катта хотинига Ҳумо энди унга қонуний хотин бўлолмаслигини очиқ-ойдин айтишни истамаётганди. Бу ҳақда унинг айтган гаплари коса тагида нимкоса қабилида эди. Оху ҳам ўйланиб қолди: у нима ҳам дея оларди? Бу ердаги нозик жиҳатлардан бири шу эдики, Ҳумонинг кетиши учун пул керак бўлса, у пулнинг юзига қараб ўтирмасди. Неча йиллардан бери шиппак тўқиб сотиб ва рўзғордан оз-оздан тежаб, арзимас маблағни жамғариб қўйганди. Унинг барча жамғармаси икки юз туман атрофида бўлиб, ярмини дугонаси Жавоҳир хонимнинг эрига бериб қўйган, у пулни дастмоя қилиб, савдо-сотик билан шуғулланар ва фойданинг бир қисмини Охуга берарди. Қолган ярмини ҳам у ер-бу ерга гаровга бериб қўйиб, фойдасини олиб турарди. Уларнинг уйи остонасида совчилар пайдо бўлган кундан бошлаб Оху иложи борича тезроқ пулларни қайтиб олиб, қизи учун керакли нарсаларни тўплаш фикрига тушиб қолганди. Агар Худо насиб этиб Ҳумонинг наҳс босган сояси бу ердан даф бўлса эди, бир хийла ишлатиб, ҳозирча Ҳумоника ҳисобланган, аммо Клара учун кўпроқ зарур бўлган тикув машинаси ва бошқа баъзи муҳим нарсаларни ўзиники қилиб олиши эҳтимолдан узоқ эмасди. Айниқса Ҳумонинг тикув машинаси Охунинг кўзини ўйнатарди. Бир куни эри қайроқ тошни олгани унинг хонасига келиб, яна Ҳумо ва маҳкамага бориш ҳақида гап очилганида, Оху деди:

– Бунинг ўйлаб ўтирадиган жойи бор эканми? Агар Холукарамдан пул ёки буғдой ундириб оламан, деб ўйлаётган бўлсангиз, адашасиз. Буни ҳам уларнинг боболарининг кир кулоҳи хурмати садақа қилиб, ўзингиз ва бизларни хотиржам қилинг.

Хона деворига суяниб, тўрт букилиб ўтирган Сайид Мирон ҳафсаласи пир бўлганча деди:

– Шу кунларда хотини билан шаҳарга келишини айтиб юборибди. Афтидан, Товуснинг яна мазаси қочган бўлса керак. Мен Ҳумога ҳамма гапни унга очиқ-ойдин айтгин, дегандим. Ортиқча уятчанлик ҳам яхшиликка олиб бормади. Агар пули бўлмаганида мен ҳам ҳеч нима демасдим. Чўнтагида бир мириси йўқ Хонбобо ё Барохослардан эмас-ку. Бир томондан

кишлоқнинг оқсоқоли. Икки жойда мулки бор. Ўзининг гапига қараганда, уйда кунига тўрт ман ундан нон ёпишаркан, менинг пулимни еб кетишига сабаб йўқ. Худди шу хусусда ҳатто Ҳумо билан уришиб қолдик.

– Ҳа, мен кеча кечқурунги гапдан тушунгандим. Агар қарздорга индамай юраверсанг, ўзингни қарздор қилиб қўяди, худди шуларга ўхшаб.

Оху бу гапларни айта-айта сандиқ тепасига борди ва кийимлар устидан бир даста буклаб тахланган пулни олиб, эри томон келди:

– Агар Товус Ҳумо билан уришган бўлса, бу ерга келиб нима қилади? Агар мен учун келаётган бўлса, мен хонамнинг эшигини қулфлаб оламанда, уларга қорамни кўрсатмайман. Бу пулларни сиз учун бир ердан олдим, ишларингизни ҳал қилишга етадимиз? Қайтаришни ўйлаб ҳам сиқилманг, мен ўзим ишлаб оз-оздан тўлайман.

Эр пешонасини тириштириб, хиёл табассум қилди. Пулни олди-да, найча қилиб ўраб, қўлида ушлаб турди ва сўради:

– Бу ерда қанча бор?

– Юз туман, агар яна керак бўлса, топиб бераман.

Сайид Мирон гўё хотини олдида хижолат чекаётгандек бошини эгиб олганди. Гилам устидан бир ипни олиб, хаёлга чўмганча унга тикилди ва бироздан кейин иккиланиб сўради:

– Ҳумонинг ишини тўғрилаш учун унча кўп пул керакмас, аммо ундан бошқа ўзим қиладиган зарур харажатларим бор. Агар қолган маблағ ҳам икки-уч кун ичида қўлимга тушишини билсам, шу бугун кечқуруноқ ишни бир ёқлик қилган бўлардим. Одам ҳар ишда эҳтиёткор бўлиши керак. Қариндошлари воқеадан хабар топгач, хойнаҳой, унинг аҳволи ҳақида ҳам ўйлаб бирор қарорга келишар? Оқсоқол ва Товуснинг совуқ турқини бу ерда кўрмасимдан олдин ундан кутулишим керак.

– Ҳа, нима қилиб бўлса ҳам жанжал чиқишининг олдини олишингиз керак. Сиз содда, кўнгилчан одамсиз, ҳар нарсага дарров ишона қоласиз. Эл олдида уятли бўлиб қолмай десангиз, сиз ҳам олдинги эри қилган ишни қилинг, талоғини беринг. Биз тезроқ олдимизда турган хайрли ишга тайёргарлик кўрайлик. Мен кўпроқ мана шунга шошаяпман. Ҳумонинг талоғини бериш эмас, балки қизингиз масаласини кўпроқ ўйлашимиз керак. Совчилар келаётганидан хабарингиз бордир?

Сайид Мирон ўша-ўша бошини қуйи солганча жавоб берди:

– Ҳа, Ҳумо ҳаммасини менга айтиб берди. Мен унинг отаси улгуржифуруш Ганжихонни танийман (йигитнинг номини айтишга уялди). У билан салом-алигимиз бор. Ёмон одам эмас. Ўз замонида бу вилоятнинг зўравонларидан бири эди. Ака-укаларидан бири маршрута ва истибдод ўртасидаги тўполонларда Ҳожи Наълбанд томонидан ўлдирилган эди. Тажрибали ва ҳурматли одам. Ашуро кунларида уч кунгача ҳар куни минг кишининг харажатини кўтаради. Улгуржифурушликдан ташқари асли касби бўлган кўнчилик ва ёғ билан ҳам шуғулланади, шаҳарда ишлаб турган яна бир нечта извоши бор. Аммо ҳали бу ҳақда гап очишмаяпти, шекилли?

– Ҳали гап очилганича йўқ, аммо яқин кунларда келиб қолишса керак. Мен йигитни фақат бир марта узокдан кўрдим. Бундан ташқари унинг ахлоқ-одоби, юриш-туришини суриштирдим. Ёшлиги ва ёлғиз ўғиллиги туфайли пайдо бўлган баъзи одатларини ҳисобга олмасак, ёмон йигит эмас, дейишяпти. Ҳарбий хизматни ўтаган экан. Отасининг ёлғиз ўғил фарзанди экан. Бугун-эрта шундай отанинг ўрнини босиб, унинг ишини давом эттириши керак бўлган одамдан ёмонлик кутмаса бўлади, одамлар орасида ўз обрўсини сақлашга мажбур. Бунинг устига, айтишларича, ота

касбидаги ишларга жудаям пухта эмиш. Уларга ҳа ё йўқ деб жавоб беришга сизнинг олдингиздан ўтмоқчийдим. Бугун тушдан кейин совчилар яна келишса керак.

Сайид Мирон оталарча совуққонлик билан деди:

– Мен нима дердим. Айтишади-ку, ўғлингни истаган пайтингда уйлантир, қизингни эса сўраган заҳоти эрга бер, деб. Қиз ва йигит – сўйилмаган қовун, яхши чиқадими, ёмон чиқадими, буни олдиндан ҳеч ким айтиб беролмайди. Агар совчилик қилишаётган бўлса, Қуръон билан маслаҳатлаш, ҳамма нарса ҳамирдан қил суғургандек ҳал бўлади-қўяди.

Оху эрининг қарши бўлмаслигини ўзи олдиндан сезганди. Қуръон билан маслаҳат қилиш ҳам қандай яхши жавоб бўлди! Сайид Мирон чиқиб кетаркан, Оху анчадан бери бузилиб, ишламай қўйган соатни печка устидан олди-да, устага олиб борсангиз деб эрининг қўлига тутқазди. Шундан кейин хонанинг тоқчаларидаги чангларни артиб, аллақандай қўшиқни хиргойи қилганча, нарсаларни тартибга сола бошлади.

Шу пайт мактабдан қайтаётган Бижан зина олдида туриб, Холукарам ва хотини уйга келишаётганини хабар қилди. Бу хабар Ҳумонинг қулоғига етмасдан олдин йўлақдан отнинг туёқ овозлари қулоққа чалинди. Уша заҳоти қишлоқ оксоқоли ва у билагидан ушлаб, отдан тушириб қўйган бемор хотин ҳовли саҳнида пайдо бўлди. Беморнинг чарчаган юзини чанг босган эди. Уларнинг кетидан бир неча дақиқа ўтиб-ўтмай Товуснинг ҳамшираси бўлган ва айни пайтда ўзининг ҳам кўзи оғриган бошқа бир оёқяланг курд аёл қўлларини кўзига босиб кириб келди. Оху айвонда туриб ҳайрат билан уларни томоша қиларди. Оғзидан эса қуйидаги сўзлар учиб чиқмоқда эди:

– Ё наузанбиллоҳ! Оғримаган бошингга ҳали бундоқ балолар қараб турган эканми!.. Ё наузанбиллоҳ!..

Кейин одамгарчилик ва одоб юзасидан олдинга қараб юрди ва келган меҳмонларни хушмуомалалик билан қарши олди. Инсон бирор ишга қўл уришга хоҳиши, ирода ва журъати бўлмаса, кичик бир баҳона ҳам уни аҳдидан қайтишига сабаб бўлади, Сайид Мироннинг Ҳумони қўйиши масаласи ҳам шундан бошқа нарса эмасди. Мана бу меҳмонлар келиб, у ўз қарорини амалга оширишга шошилмади. Ҳар нима бўлганда ҳам бу унинг олийжаноб ва меҳмоннавоз табиатига ёт эди. Бундан ташқари, баъзида ўйлаб қолар ва туриб-туриб юриш-туриши сал ўзгарган ёш аёлнинг аҳволига юраги ачишиб кетарди. Мана шу кунларнинг бирида Сайид Мирон бир марта Ганжихон билан тасодифан учрашиб қолди. Бирга қаҳвахонага боришди ва у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Ганжихон уйдагиларни олиб, ҳаммалари бирор жойга бориб айланиб келишни таклиф қилди. Охунинг ўша маҳалладаги Оғобўзўрг деган чолга тўйни ният қилиб очдирган фоли тўғри чиққандай эди. Бир куни эрта тонгда икки оила энг яхши отлар қўшилган учта извошда афсонавий Нилуфар қўли томон шоду хандон йўлга тушишди. Оху, Клара ва ҳақиқатан ширин, нозанин аёл бўлган ва тинмай аёлларни кулдириб кетаётган Меҳрибону янгироқ извошга ўтириб, ҳаммадан олдин йўлга тушишди. Тўй оқшоми тасаввурлари ҳамманинг кўз ўнгиде ва айниқса бахтиёр қиз учун мана шундай қувноқ бошланган эди. Барча бу тантаналар фақат унинг учун бўлаётганини ўйлаганида негадир қовоқлари осилиб, дили хира тортиб кетаверарди. У тўр ёқали оқ блузка ва бурмали юбка кийган, сочларини ғумбарак қилиб орқасига ташлаб олганди. Ҳаракатларидан бир ҳаёли қизга хос одоб ва тортинчоқлик намоён эди. Ҳумонинг баъзи имо-ишоралари ва ҳазилларини ҳисобга олмаганда, бу барча ҳаракатларнинг сабабини ҳалигача ҳеч ким Кларага жўяли қилиб



тушунтириб қўймаган эди. Фақат онаси бироз юриш-туриши ва гапларига эҳтиёт бўлишни тайинлаганди. У ҳақиқатан ҳам тўй ҳаяжонларини ёндирувчи ишқ даражасида дилдан ҳис қилаётганмиди? Ўзини бирмунча бепарво тутишидан бундай хулоса чиқариб бўлмасди. Шунга қарамай, Ҳумо ҳазиллашиб, Клара кечалари юзини куёвнинг уйи томонга қаратиб ётади, дерди. Ҳумо, Ширин ва куёвнинг отасининг хотини ўртадаги извошда, Ганжихон, Сайид Мирон ва куёв Олмос орқадаги извошга ўтиришганди. Ҳаммаси бўлиб етти нафардан иборат иккала оила болалари учта извошга бўлинишган эди. Шу тақлиф туфайли масала энди жиддий паллага кирган пайтда Сайид Мирон ҳаётга энди жиддий қарамаса бўлмаслигини ўйлай бошлаганди. Агар ҳақиқатан Ҳумонинг ковушини тўғрилаб қўймоқчи бўлса, миясини олди-қочди фикрлардан тозалаши керак. Ганжихонга ўхшаган одамлар соғлом фикр ва тиниқ ақл эгаси бўлганлари учун жамиятда ўз ўринларини мустаҳкамлаб олгандилар, у эса тезда ўзини йўқотиб қўйган ва мол-давлатини худди кўчадан супуриб олгандек, уч йилдан камроқ вақт ичида бутунлай ҳавога совурганди. Одамлар бир-бирини яхши танийдиган, омади чопган ё қайтганларнинг сабабини икир-чикиригача биладиган ўша кичик шаҳарчада шундай “валломатлар” бор эдики, ҳатто Қоруннинг бойлигини назар-писанд қилмасдилар, шунга қарамай, бир динор учун ўзларини томдан ташлашга тайёр эдилар.

“Бобожон”дан ўтишгач, отларга дам бериш учун извошларни тўхтатишди. Ҳали бир соатдан ортиқроқ йўл бор эди. Офтоб тиккага келиб, ҳаво исиб кетган эди. Извошчилар хўжайиннинг ўғли кўрсатмасига биноан офтоб ичкарига тушиб аёлларга азоб бермасин учун извош соябонларини яна ҳам пастроқ туширишди. Олдиндаги извошнинг жуфти билан чиқишолмаётган оқ отини орқадаги тўриқ билан алмаштиришди. Йўловчилар ҳовузда юзларини чайиб олишди. Болалар ўз хунарларини кўрсатиш учун қарши соҳилдаги тошбақаларга қараб сув сепа кетишди. Нилуфар кўли томон учиб кетаётган бир гала ёввойи ўрдаклар ҳовузга кўниб дам олмоқчи бўлди, аммо одамларни кўриб, орқага бурилди-да, ға-ғалаганча учиб кетди. Икки оила қайтадан йўлга тушаётганда куёв йўловчилар қулай жойлашишдимийўқми, деб ҳар бир извошни бирма-бир кўздан кечириб чиқди. Бемалол кетиш учун бошидаги чодирини ўз ҳолига ташлаб қўйган Ҳумо юзининг ярмини беркитди ва ҳазиллашиб унга деди:

– Хўш, жаноб Олмосхон, аҳволингиз қалай? Бугун бир шаҳардан ташқарига йўловчи олай дебсиз-да? Ишқилиб, извошингизнинг гупчаги бакувватми?

Бу сўзлар билан у бўйнидаги марварид маржони ва кўлидаги тилла соат тасмасини унга кўз-кўз қилиш учун чодирини очиб ёпди. У кумушдай оппоқ кўкрагини кўпроқ намоён қилиш учун олди очиқ қўйлагини киймагандан афсусланди. Даштнинг куткули шамоли, табиий шароитларининг ҳадисини олган Ҳумо олифталарча оёқларини олдинги ўриндикқа тираб, думалок, шаҳват уйғотувчи сонларини бериё кўз-кўз қилиб ўтирарди. Юзига тортган чодирини атайлаб яна қўйиб юборди. Ҳар бир хужайрасидан гўзаллик сутдек тошиб турган оппоқ қулоқлари ва бўйни “келинглар, мени бўсага ғарқ қилинглар”, деётгандек эди гўё. Ҳайратга тушганча рўпарасида бакрайиб жавобсиз туриб қолган йигитга яна бир бор савол назари билан қаради, қошларини кибрларча, аммо олийжаноблик билан тепага кўтарди ва такрорлади:

– Ҳа, мен сиздан катта муаммони сўрадиммики, жим қолдингиз? Агар извошнинг пружинаси синиб қолади, деб ўйласангиз қаерда хоҳласангиз тушиб қолишга тайёрмиз.

Хаддан ташқари қизариб кетган йигит тиззалари титраб дудукланиб деди:

– Ҳақиқатан ҳам синиши мумкин, аммо ҳаёт фақат ҳисоб-китобдан иборат эмас, Ҳумо хоним.

– Ҳа, бу борада мен бутунлай сизни қўллайман. Кўнгилхушлик ва дам олишнинг ҳам ўз ўрни бор.

Пиёладек йирик сеҳрли кўзлари билан Ҳумо йигитни бахтга чўмилтирди. Унга гўё, эй йигит, мен сенинг мақсадингни яхши тушунам, олдинда бизни бахтиёр кунлар кутмоқда, дерди. Ўша ўзининг ўйноқи ва шубҳали оҳангида давом этди:

– Тунов кунги извошга чиққим келувди-я! Ўша извошчи менинг эрим бўлиши керак. Биз гапни бир жойга қўйиб бўлганмиз. Фақат менинг унга битта шартим қолган, мени отлари ёнига сомон ўринга ётқизса ётқизсин, аммо кўлидаги камчи ҳақида менинг олдимда оғиз очмасин. Мени урсалар ҳам гул булоғи билан урсинлар.

Ҳумонинг бу қизиқчиликлардан мақсади қанақа бўлишидан қатъи назар ҳамроҳ аёллар билан суҳбатни бошлаш эди. Извош ўтиб кетгач, йигитнинг гапларини уларга таржима қилиб берди:

– Ҳа, ҳаёт нуқул ҳисоб-китобдан иборат эмас. Ишқнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Нилуфар кўлига етганимизда Ганжихонга тезроқ енгларни шимариб, ишларни тугатишни ва йигитни орзусига етказишни тавсия қиламан.

Аммо бошқа томондан Ҳумонинг гапларини тўғри тушунмаган Олмос ўз билганича таъбир қилди. Рухсорининг рангу тароватига ақл лол қоладиган аёлнинг нозу ғамзали нигоҳи у каби ўзига ишонган ва кеккайган ёш йигит у ёқда турсин, ҳатто кўпни кўрган қариларни ҳам чалғитиб қўярди. Катта-катта қадамлар билан ўз извоши томон бораркан, у дилидан шундай ўйларни кечирди:

– Мен бошлашим ўрнига унинг ўзи бошлади. Аёллар ҳамма нарсани тез тушунишади. Рус ароғи жуда кучли-да. Бир одамни одамгарчиликдан чиқариш учун бир қултуми етарли. Бу гўзаллик паҳлавони осмондаги юлдуз эмаски, қўл етмаса. Агар унинг юрагида ишқнинг саркаш савдоларидан бир зарра бўлса, мен ҳечам иккиланмай дафъатанок оёғига тиз чўқардим. Олти йилдан бери ҳар гал кўрганимда ўзини қўйинг, ҳатто ити ҳам менга қайрилиб қарамади.

Йигит қўллларини бир-бирига ишқади. Муштларини қисди. Анча пайтлардан бери хаёлини эгаллаб олган ва мана энди ҳақиқатга айланиши яқин бўлган ҳаяжонли фикрдан вужуди титраб кетди.

Манзилга етиб, извошлардан тушишаётганда бу ерларни яхши билган Ҳумо дарҳол ҳаммага қайнамаган сувни ичмасликни, унинг ўрнига чанқаганда чой ичишни тавсия қилди. Кўлнинг суви ўзигача етиб келган кўм-кўк тепаликларни, пуштиранг чўқкиларни чиройли ва ёқимли тарзда ўзида акс эттириб, томошабинга ўтганларнинг фахрли ишлари, Хусравларнинг базмлари, дунёнинг бевафоликларидан ҳикоя қиларди. Афшор Парвизнинг кўлидаги тилла “ойнайи жаҳон” косаси мана шу кўлга тушиб кетганини ҳамма билар эди. Иккала оила извошларни извошчилар билан бирга кўлнинг жанубий томонидаги қаҳвахона яқинида қолдиришди ва ўзлари сувнинг шимолий қирғоғида, анҳорлар кўлдан кўпириб оқадиган жойда жойлашишди. Тепаларида дарахт куюқ соя ташлаб турарди. Хурсандчилик куни эди ва табиийки, янги танишган икки оиланинг ҳар бир аъзоси бу кунни яхши ўтказарди. Баҳром бошдан хушни, юракдан оромни ўғирловчи қўшиғини бепоён дала ва даштлар узра янграгиш учун яна бир

кулай фурсатга эга бўлган эди. Куёв Клара ва бошқалар хузурида ўзини одобли, юмшоқ табиатли ва имкони борича ёқимли қилиб кўрсатишга ҳаракат қиларди. Ташқи кўринишида уни арзигулик куёв деган номга нолайиқ қилиб кўрсатадиган бирон-бир нуқсон кўринмасди, фақат баъзи-баъзида кўйлагининг ёқаси торлик қилаётгандек боши ва бўйнини бир томонга сал силтаб кўярди. Оху аввалига бунга аҳамият бермади, аммо бир неча марта кўз кири билан уни қузатгач, ичида афсусланди, агар бўлажак куёвидаги бу кичик нуқсон йўқотилмаса, охири хайрли бўлмайди. Клара ўқимишли ва ҳусндор бўлиши устига оғир-вазмин ҳам эди. Мулойимлигини таърифлашга сўз етмайди. Агар уни гапиришга ва кувнашга ундашмаганида балки кечгача ҳам мана шундай бошқаларни томоша қилиб бир ерда ўтираверган бўларди. Нима бўлганда ҳам у Охунинг қизи эди ва онасига бир жиҳати билан ўхшаши лозим эди. Тушдан кейин Ганжихон ва Сайид Мирон – оилаларнинг иккита бошлиғи кўл этагидаги тегирмонларни кўришни баҳона қилиб, аслида суҳбатни бошлаш учун бирор соатга жамоадан ажрашишди. Йигит ва қиз Хумонинг таклифи, Меҳрибонунинг ундови ва Охунинг ижозати билан бирга қайиққа чиқиш учун ўринларидан туришди, кийимларидаги чанг ва тиканларни қоқишди. Аёллар ҳижоб қалъасида бўлган у замонларда уйланмоқчи бўлган эркак учун қизнинг юзига фақат бир марта қараш ҳалол, дейишарди. Эркакларнинг мезонида эса аёл гўзал чехраси ва булбулдек овози билан ўзининг софлигини намоён этар эди. Бундай синов ўзидан келиб чиқувчи барча тўсиқларга қарамай, жамиятдаги энг мақбул усул ҳисобланарди. Чунки вазифаси рўзғор тутишдан иборат бўлган аёл ярим жория ҳисобланади, ҳаял ўтмай эрининг тўрт девори ичидаги шароитга мослашади. Аммо ҳозирги замонда шароит тақозоси туфайли эркаклар зиммаларидаги вазифа оғирлигидан унинг бир қисмини аёллар елкаларига ортишларига тўғри келмаяптимики? Ҳар бир эркак бир иш учун яралгани каби аёллар шундай шарофатга эга эмасмилар? Модомики шундай экан, ошиқларга йўл-йўриқ кўрсатиб, уларни ўз ҳолига қўйиб қўйиш нафақат зарарли эмас, балки зарур ҳамдир. Оддий бир янгиликка талаб асосида ҳар иккала оила аёллари миясида айланиб юрган бу фикрларни изҳор этилмасида, кўзларидан уқиб олиш мумкин эди. Бу сайрда ҳамроҳлик қилишга Хумо ҳам ўз ихтиёри билан қўшилди. Бу пайтгача кун давомида болалар икки-уч марта тушиб айланиб келган қайиқ эшаклар ўрнига аркон ва кўл ёрдамида сузмокда эди. Аслида бу қайиқ бутун сув сатҳини қоплаб олган шифобахш нилуфар гулларини териш учун қўйилган эди. Қарши томондаги қаҳвахонада ўтирган гул эгаси ҳар бир дам олувчидан оладиган ўн шоҳи унга қўшимча даромад келтирарди, аммо бу ҳам фақат шундай кунлардагина насиб этар эди. Шундай қилиб, кўл устидаги сайр тезда тугай қолди. Кларадан кейин қайиққа ўтириш навбати Хумога келди. Тортинчоқ Клара-нинг аксича, Хумо қайиққа ўтираётди, кўрккан каби чинқириб юборди ва яйраб кулди. Кўлини йигитга бериб, яна тортиб олди, ҳамманинг диққатини ўзига тортиб, ҳадик ила қайиқ ичига оёқ қўйди. У бир гапириб ўн кулар, бу ҳолатини бошқаларга ҳам юқтирарди. Қайтиб, соҳилга оёқ қўйганида юзи бутунлай ўзгарган эди. Олмос унга сув юзидан узиб берган бир нечта гул ҳам қўлида йўқ эди. Қайиққа ўтираётганида унинг учун ортикча бўлган нафис гулли чодирини унинг чехрасини бутунлай беркитиб турарди. Гўё жазирама иссиқда ўз тенгдошлари орасида ўйнаб-қулиш ва кувнашга берилиб кетиб, тўсатдан қимматбаҳо қизлик гавҳарини йўқотганини тушуниб қолган бўйи киздек чехрасидан паришонлик ва иситма таралар, йиғлаб юборгудек бир ҳолда эди. Овози титроқ ва ҳаяжонли, нигоҳи вазмин ва

ғазабли эди. Шунга қарамай, сунъий бир табассум билан ўзини ҳеч нарса бўлмагандек қилиб кўрсатишга уринарди. Меҳрибону ва Ширин унинг бу ҳолатини одатда парча булут соясидек тезда ўтиб кетадиган аёлларга ҳос ногўҳоний ҳолатга йўйишди ва у ҳақда ўйлаб ҳам ўтиришмади. Оху дарҳол йигит олдида у ўз енгилтаклиги муқофотини олганини тушунди. Аммо бу ишлардан Хумонинг мақсади нима эди? Онасини бахтиқаро қилгани етмай, энди навбат бокира қизига қолдими?!

Ўша куни қандай яхши бошланган бўлса, шундай қувноқлик билан туғади. Йўловчилар юлдузлар чиқар пайтида шаҳарга етиб келишди. Извош Суробий оиласини Алихонлур кўчасининг бошигача олиб бориб қўйди. Оху нима гаплар бўлганини билиш учун катта хонага, эрининг олдида борди. Сайид Мирон бир неча лаҳза унга сукут билан тикилиб турди ва ниҳоят кўзларидаги ташвишли ишора билан қизини кетишга тайёрлаши кераклигини унга тушунтирди. Оху кўрқинчли шодликдан юраги шув этиб кетди ва Хумо ўша ерда бўлгани учун ортиқча суриштириб ўтирмади. Бунинг учун кўпроқ ва қулайроқ вақт зарур эди. Уларнинг ўша кунги учрашувдан тушунганлари шу бўлдики, кўп сонли тарқоқ шохлардан иборат ва катта эмас, балки кўпроқ бир-бирлари билан жипслашган қариндошлар гуруҳидан иборат куёв оиласи бу тўйдан янги ҳаётнинг бошланиши сифатида фойдаланмоқчи эдилар. Хумо уйқуга ётиш олдида ташвишли оҳангда гап қотди:

– Сизга бир гапни айтмоқчиман, агар қизингизнинг бахтли бўлишини истасангиз, бу никоҳдан воз кечинг!

Эр ҳайрат билан унга боқди:

– Нега ундай дейсан, тушунмаяпман? Ахир сен бу масалада Охудан ҳам кўпроқ шошаётгандинг-ку, нимага тўсатдан фикринг ўзгариб қолди?! Энди иш шу ерга етиб келганда-я?! Бугунги ишларга юз тумандан кам пул сарфлашмаган, деб ўйламайман. Ганжихон мен билан суҳбатлашди ва афтидан жуда шошяпти. Худо хоҳласа, никоҳ маросими куни “Оламшикан” карвонсаройини сотиб олишмоқчи эканликларини айтди. Бу мулкни бутунлайича қизинг никоҳ қоғозига ёздирмоқчи.

– Ва ҳойнаҳой, сиз ҳам албатта йигирма минг туман унга қўшишингиз керак бўлади. Маҳр берилмаган пулдир, аммо жиҳоз албатта қилиниши шарт. Бу йигит Охунинг қизига яхши эр бўлмайди.

– Нима учун? Сабаби нима?

– Сабабини айтолмайман. Ҳамма нарсани айтишим шартми? Бугун сиз бизнинг олдимиздан кетганингизда мен, Клара ва у қайиқда сайр қилдик. Мен бу йигит биринчи учрашувдаёқ шунақа иш қиладиган, шунчалик аҳмоқ ва уятсиз эканини билмасдим – вой! Худо, уни эсласам юрагим титраб кетаяпти! Йўқ, Суробий, айтишга тилим бормайди, сиз ҳам эшитмай қўя қолинг. Фақат билиб қўйингки, бундай феълли йигитдан ҳеч қачон вафоли эр чиқмайди. Ажабланманг, онасиз ўсган бир отбоқарнинг ўғли ундан яхшироқ. Қизингизни дабдаба билан олиб кетишади, хорлик ва зорликда ҳайдаб юборишади, хуллас, менинг ҳолимга солишади. Билганим шу бўлдики, бу ҳаёсизнинг қизингизга эмас, хотинингизга ишқи тушиб қолган экан. Бу воқеа бирга Тепачолга борганимиз ва уни кўчада кўрган кунимиздан бошланган эди. Биринчи марта ўзимни ўзим ёмон кўриб кетаяпман. Ҳа, извошда унинг кўзи менга тушиб қолди ва извошчи билан гаплашиш баҳонасида извошни бир неча дақиқа кўчада бесабаб тўхтатиб турди. Бугун қаерга борсам, у ҳам ўша ерга борганига эътибор қилмадингизми? Ҳа, у мана шунақа бир ишратпараст одам! У қизингизнинг сира тенги эмас. Сизу

биз ўйлаган йигит билан унинг орасида осмон билан ерча фарқ бор. Минг уринмай, ҳатто мен ҳам унинг дилида қизингизга меҳр уйғота олмайман. У шаҳватпараст йигит, вассалом. Менинг сизга айтадиган гапим шу, бу никоҳнинг оқибати яхшилик билан тугамайди.

Сайид Мирон ўйга толди ва Ҳумо бироздан сўнг сўзида давом этди:

– Яна айтаман, мени ўзидан кўрқиб шундай қиляпти, деб ўйламанг. Онам менга яхшигина тарбия берганлар вақтида, дуч келган гулга кўнадиган булбул қилиб қўймаганлар. Ўзидан хотири жам бўлган одам бундай майда чивинларнинг нимасидан кўрқади? Мен кўпроқ мана шу бегуноҳ қизингизнинг келажагини ўйлайман. Тўғри, мен Охуга ёмонлик қилдим, аммо қизига ёмонлик соғинмайман. Уларга рад жавоби беринг, деб оёқ тираб туриб ҳам олмайман. Балки йигитнинг ақли кириб, яхши эр бўлиб кетиши ҳам мумкиндир. Фақат бир илтимосим шуки, бу гаплар иккаламизнинг ўртамизда қолсин. Оху мени шу ишга сабабчи бўлган, дейишини, мени қарғаб, лаънат ўқишини хохламайман.

Лабини тишлаб ўтирган Сайид Мирон ниҳоят тилга кирди:

– Йўқ, у ҳеч нарса билмаслиги керак. Мен биринчи кунданок бу йигитни ёқтирмагандим. Аракхўр, олифта, енгилтак бола. Шаҳар безорилари билан ўртоқлиги бор. Мирзонабининг укаси уни жуда яхши билади. Пул ва бойлик уни бузган, қисқаси, эллик ёшга тўлганда ҳам тўғри йўлга кира олмайдиган кишилар тоифасидан. Эртага отасига на менинг уйимда эрга тегишга лойиқ қиз бор, на сенинг уйингда уйланишга лойиқ йигит бор, деб хабар юбораман. Вассалом, нома тамом.

Уч кундан кейин Сайид Мирон совчиларга нега рад жавоби берганидан хабар топганида Охунинг ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Эрининг шу кунгача бу никоҳга ҳеч қандай эътирози йўқ эди. Агар эътирози бўлганда уларнинг Суробдаги Нилуфар кўлига меҳмонга таклифларини қабул қилиши асло мумкин бўлмасди. Бу бир назокат ва қоидадан ташқари иш бўлиб, уни ҳеч қандай ном билан атаб бўлмасди. Аммо ўтган ишга қайғурмади. Айниқса, бутун ўша вақт давомида ҳамма нарсага эътиборсизлик билан қараётган Кларанинг ўзи кўпроқ дарсларини тугатишни ўйларди. Унинг кизи харидори топилмайдиган мол эмаслиги аниқ эди. Балки бўлиб ўтган иш унинг учун яхшиликкадир. Чунки Оғабўзўрг унга очган фол ўртача чикқан эди. Бунинг устига куёв ўзларининг юртларидан бўлишини, жондан азиз қизларини шаҳарма-шаҳар саргардон қилиб қўймасликларини кўпроқ ўйлар эдилар.

*Форс тилидан  
Миродил ОБИДОВ  
таржимаси*

*(Давоми бор)*





Расул ҲАМЗАТОВ

## БУЮК ТУЙҒУ

(Буюк авар шоири таваллудининг 90  
йиллигига)

Бир адабий журналда менинг янги достоним – “Оналарни асранг” чоп этилди ва достон асосида тайёрланган эшиттириш радиода эфирга узатилди. Бу достон ҳали бирор тўпلامимга кирмагани, уни алоҳида китоб ҳолида нашр этиш учун эндигина тайёрлаётганим. Адабиётшунослар тақриз ёзиб, матбуотда эълон қилишмагани. Ҳали кенг китобхонлар оммаси достон билан танишиш имкониятига эга бўлмагани. Шунга қарамай, журнал тахририятига, радио кўмитасига ва менинг ўзимга достон ҳақида жуда кўплаб мактублар келгани чиндан ҳайратга солди.

Шеър-достонларни биринчи йил ёзаётганим йўқ, лекин илгари ҳеч қачон кенг китобхонлар оммаси ижодимга бунчалар эътибор берганини кўрмаганим. Достон турли ёшдаги, турли миллат кишилари, турли касбдаги, ҳатто ўзлари мактубларида иқроор бўлишича илгари шеър ўқимаган, аввал менинг номимни эшитмаганлар ўртасида ҳам катта кизиқиш уйғотди.

Ҳа, “Дўстларни асранг”, “Севги ҳақида китоб”, “Менинг Доғистоним” асарларим, “Турналар” кўшиғим машҳур бўлганда ҳам китобхонлардан бу қадар кўп мактуб олмаганим. Шу боис уларнинг кизиқиши сабабини бир қадар тушундим. Ўзим эса “Оналарни асранг” достонига камтарин ижод йўлимнинг навбатдаги бир босқичи сифатида қарайман.

1953 йилда адабиёт газетасида “Отам билан суҳбат” достони чоп этилганди. Мени шоир отам – устозим вафоти ларзага солганди. Аввал шеър, кейин достон ёздим. Қайсидир маънода бу достон ижодимнинг навбатдаги босқичи, шу билан бирга ижодимда деярли дастурий асар бўлганди. Нега “деярли дастурий асар” дедим, чунки мен бу дастурга кўпинча амал қила олмадим. Низом ва дастурлар ҳамма вақт қалб ҳаяжони, кайфияти ва изтиробларига мос тушавермас экан. Аммо шу достонимдан кейин мендай ёш ижодкорга вояга етган кишига қарагандай қарашди, мендай она тилда ижод қилиб, бошқа тилда ўзига йўл излаётган шеър тўқувчини сийлов тариқасида шоир деб атай бошлашди.

“Отам билан суҳбат” достонимни ўқиб чиққан Александр Фадеев менга шундай мактуб ёзганди: “Бу достоннинг муваффақияти шундаки, унда бизнинг шеърятимиз манбаларига оид катта фикрлар чинакамига шеърда ифода этилган. Сиз бу достонингизда отангизнинг тирик руҳи билан суҳбатлаша олгансиз”. Достон ҳақида Самад Вурғун ҳам ўз фикрини билдирди, тақриз, тахлилий, танқидий мақолалар ёзишди. Уни қайта-қайта нашр қилишди. Аммо у достон

“Оналарни асранг” достони каби ўқувчилар ўртасида шундай катта қизиқиш билан ўқилмагани, бу қадар кўп мактублар олмаганим.

Кўпчилик мендан бу дoston чоп этилган журнални топишда ёрдам беришимни сўрашади. Радио кўмитаси дostonга бағишланган эшиттиришни такрорлаш сўралган мактублар олди. Ҳузуримга саволлар билан қанча ёш адабиётшунослар ва “адабиётхўрлар” келишди. “Оналарни асранг” достони эълон қилингандан кейин менинг ҳамюртларим – ота-онаси ҳалок бўлиб етим қолган қанча фарзандлар эшигимни қоқишди. Ўқувчилар бу дostonимни адабий воқеа сифатида эмас, ҳаётий воқеа сифатида қабул қилишди. Мен жуда ҳурмат қиладиган Виктор Шкловский таъбири билан айтганда, дostonдаги воқелик ҳаёт ҳақиқатининг ифодаси эмас, балки ҳаёт ҳақиқатининг ўзидир.

Ўзим бу дoston ҳақида ўйлаганимда, унда илгари бошлаган ғояларимни давом эттирдим ва айрим киёмига етмаган жиҳатларини тўлдирдим деб ўйлайман. Албатта, бу дoston илгари ёзганларимнинг такрори ёки давоми деганим эмас. Дoston кўлёмаси Доғистон Ёзувчилар уюшмасининг авар адабиёти бўлимида муҳокама қилинганда кўпчилик унинг шакли ва услубига эътироз билдирди. Сўзма-сўз таржимасини узоқ йиллардан бери шеърларимни таржима қилиб келаётган Яковь Козловскийга бердим. У кўлёмани қайтарар экан, дostonнинг адабий қурилиши бўш эканлигини айтди. Таржимон кўпдан бундай узун дostonларга кўл урмаётганини, ҳозир ўзининг шеърларини тартиблаш билан машғул эканини кўшимча қилди. Шунда мен дostonни ҳам шоира, ҳам Давид Қуғултинов шеърларининг моҳир таржимони сифатида ҳурмат қиладиган Юлия Нейманга кўрсатдим. У дoston ёққанини айтди ва тезда таржимасини тугаллади.

Дostonни нуфузли журналга олиб бордим. Бош муҳаррири мени хафа қилиб қўймаслик учун таржимадан қоникмаганини рўқач қилди. Бошқа журналда дostonнинг ҳажми катталигини, ундан парча бериш мумкинлигини айтишди. Мен яна учинчи уринишни амалга оширдим – дostonни илгари менинг асарларимни чоп етмаган “Знамя” журнаliga бердим. Уларга дoston ёқди ва тез орада деярли тўлалигича чоп этишди.

Ҳа, дoston дунё юзини кўриш учун осон йўлни босиб ўтмади. Ўзим ҳам дostonни осонгина ёзган эмасман. Дostonни ёзар эканман, тез-тез отамнинг сўзларини ёдга олдим. “Ижодкорнинг маҳорати шундаки, – дер эдим отам, – ҳамма билган воқеаларни мухтасар ифодалайди, кўпчилик билмаган воқеаларни батафсил баён қилади. Бу мураккаб ва ижодкорлик талаб қиладиган қийин иш”.

Отам тоғликлар орасида таниқли киши эди. У эллик йилдан ортиқ вақт давомида “Ўзи ва замони” ҳақида ёзди, шу тарика ўзига кенг йўл очди. Таъкидлашим керак, отам ҳақида жуда кўп ёзишган. Онам эса овулдан нарига чиқмаган, оддий, меҳрибон тоғлик аёл эди. У ёзишни билмасди, демакки, ўзи ҳақида ҳеч нарса ёзмаган, онам ҳақида ҳам ҳеч ким ҳеч нарса ёзмагани. Лекин отам ҳар доим онамдан миннатдор бўларди. Ҳатто шуҳрат чўққисида бўлган пайтида таваллуд тўйини нишонлаётганда онамга ҳурматини изҳор этиш мақсадида “Хотинимнинг шикоят” деб номланган шеър ҳам ёзгани.

*...Шуҳрат чўққисида турибди магрур,  
У билан фахрланар ҳар битта юртдош.  
Аммо бўлармиди шунчалар машҳур,  
Агар мен ёнида бўлмасам йўлдош.*

*Ижод қилиш учун чоғланган замон,  
Дарҳол тутар эдим хома, сиёҳдон.  
Сўнг жимлик сақлай деб уйнинг ичида,  
Ҳаттоки юрардим оёқ учида.*

*Бугун тўйи, тонгдан тинмайди йўқлов,  
Табриқка келганнинг кети узилмас.*

*Мен ҳам ёш эмасман ва лекин бирров  
Табриклаш ҳеч кимнинг эсига келмас.*

Ҳа, онамни табриклаш ҳеч кимнинг эсига келмасди. У доим ҳаммадан четда, юзлаб оддий тоғлик аёллар каби ошхонада куйманарди. Ахир, унинг қиладиган ишлари, ташвишлари кўп эди. Онам тоғлар куйчиси, машхур кишининг умр йўлдоши эди, унинг хонадони узоқ-яқиндаги овул ва шаҳарлардан келган меҳмонлар билан доим тўла бўларди. Тўртта ўғли вояга етган сайин уларнинг ҳам ўқишдаги, ишдаги дўстлари меҳмонга кела бошлашди. Шу тарика кексайган, хасталанган онамнинг кундалик ташвишлари йил сайин ошиб борди. Лекин ҳеч қачон у бундан шикоят қилмасди. Бир куни уйимизга бир гуруҳ дўстларим келиб, тунаб қолишди. Отам шунда: “Онангни аясанг бўларди”, деди. Тасодифан бу гапни эшитиб қолган онам отамдан ранжиди.

Онам Иккинчи жаҳон урушида икки ўғлидан – менинг икки акамдан айрилди, туну кун хаста ётган отам ёнида парвона бўлди... Отам кўз юмар экан, менга васият қилди: “Онангни асра”. Мен бу мавзуда шеър ёздим. Онам вафот этганда, изтироб билан дoston ёзишга киришдим. Такрорлайман: дostonни узоқ ва қийналиб ёздим. Онамнинг ҳаётида эсда қоладиган воқеа юз бермагани. Аммо она бари бир она, мен унинг ўғлиман ва онам олдида хамиша ўзимни қарздор ҳисоблайман. Мен онамнинг қабртошига шеърый гулчамбар қўйишим керак эди. Бу ҳақда Сергей Есенин шундай ёзганди: “Одам ташқи таъсир ва ички сезгисидан хосил бўлган ҳаяжонни бошқаларга сўз, товуш ва ҳаракати билан етказди”. Изтироблар кўз олдимда онам тимсолини гавдалантирди, аввалига у менинг ички ва шахсий туйғум эди. Энди у ташқарига чикди ва ҳаммага тегишли бўлди.

Мен онам ҳақида, унинг лаҳзалик қувончлари ва бошига тушган оғир мусибатлари, қисқа ёшлиги ва эрта сочи оқаргани тўғрисида ёздим. Мен унинг мотам кунлари кўк-қора рангга бўялган рўмоли тўғрисида ёздим. Кейин оналарнинг аллалари ҳақида, уларнинг бешиқдан қабргача айтган кўшиқлари тўғрисида ёздим. Ким онаси айтган аллани унутса, она тилини ҳам унутади, – дер эди отам. Ўзим эса дунёдаги учта кўшиқ ҳақида кўп гапирганман.

*Одамзод яратган учта кўшиқ бор,  
Уларда жо шодлик ва гамли палла.  
Улар бир-бирини қилишмас такрор,  
Биринчиси – она куйлаган алла!*

*Иккинчисини ҳам оналар айтар,  
Ўғлин сўнги йўлга қузатган пайтлар,  
Унинг фигонидан титрар бўшлиқлар...  
Учинчиси – қолган барча кўшиқлар.*

Мен тўққизта тош ҳақида ёздим, онам уларга қараб келажаким ҳақида сўзларди. Ҳар бир тошга ном қўйганди: меҳр, шодлик, ишонч, умид, ташвиш, хавф ва ҳоказо. Кейин оналарни ёдлаб бонг урувчи қўнғироқлар ҳақида ёздим. Мен онамнинг вафот этгани тўғрисидаги хабарни Хиросимада бўлган пайтимда эшитдим. Шу боис жудолик жуда оғир ботди, изтиробга солди ва шундай дамда узокда эканлигим алам қилди. Илгари онам менинг бошимда алла, кўшиқлар айтарди. Энди мен онамга шеърлар ўқияпман, аммо уларни онам эшитмайди.

*Оналар ўғлини тупроққа берса,  
Багрини ўртайди фарзанди доғи.  
Онаси қабрининг пойида турса,  
Ўғилни бўзлатар виждон қийноғи.*

Ҳа, онам ўзига бағишлаб ёзилган кечиккан шеърларимни эшитмайди. Юзлаб мактублар орасида юқори ташкилотга жўнатилган битта заҳарханда арзнома ҳам

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

бор эди. Уни китобхон эмас, ўз юртдошим, ёзувчи “катта акам” ёзганди. У сира тушуна олмабди: шундай улугвор ишлар амалга оширилаётган замонда қандай қилиб ўз онаси ҳақида ёзиш мумкин, ўзи онаси халқ ва Ватан олдида қандай хизматлар кўрсатган ва ҳоказо.

Дунёда хизмат кўрсатган ва хизмат кўрсатмаган, яхши ва ёмон одамлар бор, лекин дунёда хизмат кўрсатмаган она йўқ ва улар ҳамиша фарзандлари учун яхши, муқаддас. Ҳикматда таъкидлангандай: “Аёллар кўп, она ягона”. Бу ҳақда тўхталишга ҳожат йўқ, қайсики, бу ҳақда ўқувчилар ўз мактубларида ёзишяпти. Улар асарнинг адабий қурилиши, мавзуи, мундарижаси, шакли, услуби, тили, бадиий тимсоллари ҳақида эмас, ўқигандан кейин олган таассуротлари, дoston уйғотган ҳис-туйғулар тўғрисида ёзишяпти. Улар ўзининг онаси ва яқинларининг оналари тўғрисида ёзишяпти ва менинг оналар ҳақидаги фикрларимни давом эттиришяпти. Яширмайман, айрим мактубларни ўқиганда улар дostonни ўқиганда ҳаяжонлангандан кам ҳаяжонланмадим. Ҳа, “онадан бошқа она йўқ”, унинг тимсоли барчамизни бирлаштиради.

Матбуотимиз ота ва ўғиллар тўғрисида кўп ёзишади, лекин улар ўртасидаги муносабат муаммосига кам тўхталишади. Оналар ва болалар тўғрисида эса кам ёзилган, демакки, улар ўртасидаги муносабатлар муаммоси қаламга олинмаган. Гўё бунга ҳожат йўқдай, лекин Некрасов очиқ-ойдин шундай таъкидлайди:

*Бу дунёда кўндир сохта меҳрибон,  
Сохта мулозамат ва сохта йўлдош.  
Ва лекин билдимки, она ҳеч қачон  
Беҳуда тўқмайди кўзларидан ёш.*

Бу муаммо ҳали ҳануз учрайди, ҳали унинг ечими топилмаган. Бу ҳақда китобхонлар ёзишмоқда, шу боис мен асар ҳақида эмас, ана шу масалага тўхталмоқчиман. Бу масалани ўзим кўтараётганим йўқ, уни китобхонлар олдимга қўймоқда, мен уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қаламга олдим. Мен фақат ўз онам ҳақида эмас, жаҳондаги меҳрибонлик тимсоли бўлган оналарнинг ҳар бири ва ҳаммаси ҳақида фикр юритмоқчиман, токи ҳеч ким онаси тириклигида бефарқ ёки эътиборсиз бўлиб, кейин виждон азобида қийналиб, унинг қабрига мунғайиб боқмасин.

Мактублар ҳар хил. Уларнинг мазмуни дostonимни тўлдиради ва воқеаларни мантиқан давом эттиради. Келган мактубларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси – дostonдан олган таассуротлар ҳақидаги мактублар. Иккинчиси – она ва болалар чекаётган изтироблар, уларнинг дил ноалари, шикоятлари. Учинчиси – ўқувчиларнинг атрофдаги ота-болалар муносабатларига билдирган катъий фикрлари.

Бу уч гуруҳ мактублардан алоҳида-алоҳида учта китоб қилса бўлади: таассуротлар китоби, шикоятлар китоби ва тақлиф-истаклар китоби. Улар қизиқ, шу билан бирга ибрат олса бўладиган ҳаётий ҳақиқатлар.

Она ва болаларнинг юракни ҳаяжонга солувчи бу мактубларини ўз вақтида дostonимни таржима қилмасдан қайтиб берган Яковь Козловскийга кўрсатдим. У мактубларни кўздан кечирар экан: “Бу мавзу учун”, деди. Мен-ку биламан, камтарлик одамни безайди, лекин ҳақиқат барибир афзал. Ханжар кимнинг кўлида эканлигига қараб ё одамни ўлимдан кутқаради, ё ўлдиради. Мавзу ҳам шундай, унга қандай ёндашишга боғлиқ. Бундан ташқари ўзингни дунёга келтирган онангни мавзу деб аташ яхши эмас. Чунки она меҳр-муҳаббат кўрсатиш керак бўлган улуг зот, катта тақдир эгаси, илҳом манбаи. Биргина “Она” деган сўзни эшитишимиз билан сергак тортамыз, қалбимизга нур ва меҳр инади.

*Руслар “мама” дейди, гуржилар “нана”,  
Аварлар мулойим “баба” дейишар...*

Мен Валентина Терешкова коинот парвозидан қайтиб келгандан кейин унинг иштирокида ўтган бир матбуот анжуманини кўп эслайман. Узок савол-жавоб бўлди, шунда хорижлик журналист кутилмаган савол берди: Сиз учун энг қадрли инсон ким? Валентина жуда қисқа, аниқ ва гўзал сўзда жавоб берди – Мама (Она). Барча унинг жавоби тўғрилигини тасдиқлаш мақсадида тин олди. Ўша кезде мен Валентинанинг коинотдаги қаҳрамонона парвозидан кўра шундай жавоб берганидан кўпроқ хурсанд бўлдим.

Тоғлик эркак севган аёлининг айтган барча шартларини сўзсиз бажаради, фақат онасини унутишни сўраса, буни бажаришни ўзига иснод деб билади. Болаларини Ватанга, халққа мерос қолдириб, қанча оналар ҳаётдан кўз юмишди.

Одамлар ҳар хил бўлади: яхши ва ёмон, кучли ва кучсиз, ҳалол ва ҳоказо. Қўшиқлар ҳам ҳар хил. Лекин ҳамиша оналар гўзал, улар куйлаган аллалар гўзал. Ёмон кимса ҳақида гап кетганда, унга онаси бешиги узра алла айтмаган, деб қўйишади. Шундай бир воқеа эсимда, тоғликлар бир қўшиқчи олдига келиб, ундан бирор нарса куйлаб беришини сўрашади. Қўшиқчи бугун куйлолмаслигини айтади, шунда тоғликлар ундан ниманидир сўзлаб беришини илтимос қилишади. Ўйга чўмган қўшиқчи бирдан уларга дейди: “Яхшиси, мен сизларга онам ҳақида куйлайман”. Албатта, бу унутилмас таассурот қолдириди.

Мен бевақт вафот этган ёш шоир Ражабов ҳақида ёзганман. У жуда ёш ва касал эди, қатта асарлар яратишга улгурмади. Лекин у қанча касал бўлмасин, қанча касалхонада ётмасин, оналар ҳақида шундай бир қўшиқ яратди. Бу қўшиқни тинглаган минглаб оналар ва болалар унга саломатлик тилаш учун касалхонага келишди. Ўзим ҳам уни кўриш учун бир неча бор борганман. Агар одамлар меҳри касалликни тузатишга қодир бўлсайди, албатта у соғайиб кетарди. Она – энг яхши табиб, лекин у ҳам фарзандини сақлаб қола олмади.

Шунинг учун она зарур жиҳатларини ўрганиш билан чекланадиган асар мавзуси эмас. Она – бу фикру хаёлда яшайдиган, унинг қувонч-ташвишларига шерик бўладиган, ҳамиша меҳру муҳаббат кўрсатадиган улуғ зот. Бу буюк туйғу ҳақида Некрасов шундай ёзганди:

*Она – буюк туйғу, қалбнинг махзани,  
То тирик эканмиз – дилда сақлаймиз.  
Севамиз отани, сингил, завжани,  
Ғамли кун онани маъюс йўқлаймиз.*

Ҳа, бу буюк туйғу тўғрисида ўқувчилар ўз мактубларида ёзишмоқда. Улар оналар олдидаги қарзни узиб бўлмаслигини такрор-такрор эслашмоқда, ажойиб ўғилларни тарбия қилган оналар, ўзгаларнинг болаларини асраб олиб, оналик меҳрини берган меҳридарё аёллар ҳақида ҳикоя қилишмоқда, оналарнинг руҳи ўзларини ҳамиша қўллаб-қувватлаб келаётгани тўғрисида фикрларини билдиришмоқда. Кўпчилик ўз оналари ҳақида ёзишиб, туғилган кунига достонимдан жўнатишимни сўрашади. Ёлғиз ўғли ҳалок бўлган она, барча ўғилларидан айрилган оналар... Ва лекин улар ҳамон умид билан ўғилларини кутишаётгани тўғрисида ёзишган. Оналаридан айрилган ўғиллар тўғрисида ҳам мактублар бор. Мактубларда онаси хотираси олдида хижолатда эканини, виждон азобида қийналаётганини, онаси тирик вақтида фарзандлик бурчини бажармагани тўғрисида ёзилган армонлар ҳам бор. Онаси сўнгги кунда ёнида бўлмаган фарзандларнинг ўкинч-надоматга тўла мактубларини ҳам ўқидим. Шу ўринда Александр Твардовскийнинг шеърини эслайман:

*Ажал йўқлаб келмасдан бурун,  
Оналарга айтаммиз видо –  
Ўзимиз-қу ҳали ўспирин,  
Ҳали эшик очмаган дунё.  
Ўгли учун ҳолбуки шу вақт*



*Пайтоқ тўқир меҳрибон қўллар.  
Ўғли эса бўлар бетоқат,  
Гўё уни кутмоқда йўллар.  
Бошга бешак тушади фироқ,  
Ва лекин бу бўлар кейинроқ...*

Турли ўлкалардан оналарга бўлган меҳр, оналарнинг фарзандларига бўлган меҳр тўғрисида юзлаб мактублар олдим ва мен сўз билан ифодалаб бўлмайдиган бу меҳр одамларни бирлаштиришини чуқурроқ англаб етдим. Шу боис бу мавзу қанчалик шахсий бўлмасин ва қайси тилда ёзилмасин, умуминсониятга тегишли бўлар экан. Барча оналар битта миллатга мансуб ва улар бирдай юксак ҳурматга лойиқ. Бу мактублар – онаси барҳаётларнинг қувончлари ва онаси вафот этганларнинг чексиз қайғуси.

Иккинчи гуруҳ мактубларни изтироб чекмасдан ўқиш мумкин эмас, чунки улар оналарнинг кўз ёшларига бефарқ қарайдиган кимсалар ҳақида. Афсуски, бундай кимсалар орамизда оз эмас. Бу мактублар унутилган ва ўз ҳолига ташлаб қўйилган оналарнинг қалб нидоларига, қайғуларига тўла. Мушфиқ она бир қанча ўғилни вояга етказди, улар эса мамлакатнинг турли бурчакларида истиқомат қилишади. Аммо ҳеч қайсиси онаси ҳолидан хабар олмайди, мактуб ҳам ёзмайди, моддий ёрдам бериш ҳақида эса ўйлаб ҳам кўрмайди. Оналар эса уларни кутмоқда... Фарзандлари томонидан унутилган она сира фарзандларини унута олмайди, бундай хусусият табиат томонидан уларга берилмаган.

Бир она ўғлини кута-кута чидай олмай, охир ўзи шаҳарга борибди. Аммо у ерда кекса кампирни мамнуният билан кутиб олишмабди, она кечаю кундуз кўз ёш тўкибди. Ўзи дунёга келтирган ўғли бегоналардан баттар муомала қилибди, шаҳардаги хонадони она учун зиндон бўлибди. Она бечора қайси юз билан кишлоғига қайтади, ўғли ҳақида одамларга нима дейди? Онанинг оғир аҳволидан хабар топган кўшнилари уни қарамоғига олишибди. Барибир она она-да, кишлоғига бу ерда бахтиёр яшаётгани, жуда яхши ўғил ўстиргани тўғрисида мактублар ёза бошлабди.

Менга ўғли номидан ўзига мактуб ёзиб, уларни кўшниларига мақтаниб кўрсатиб юрадиган оналар тўғрисида ҳам ёзишган. Ўғли эса онасини, унинг дунёда борлигини батамом унутган.

Кексайиш, кексалик – қувонадиган ҳодиса эмас. Афсуски, шундай болалар борки, ўзларининг қилиқлари билан минг ташвишда юрган, кексайган онасини изтиробга солади. Давлат берган имтиёзлардан фойдаланиб, оналарини ойлаб шиғохоналарда, сиҳатгоҳларда сақлашади. Албатта, уларнинг соғлигини тиклаш учун эмас, кўздан нари қилиш учун. Бундай ўғил ва қизлар ўзларига ҳаёт бағишлаган оналарига оғир юкка, кераксиз буюмга қарагандай қарашади. Улар ҳақида ёзилган мактубларда қалб нидоси ва азоби, ҳайронлик ва дуоибад, меҳру муҳаббат ва ҳақиқатнинг қарор топиши кераклиги тўғрисида фикрлар айтилган. Айримлар бу масалани ижтимоий муаммо дейишади, шахсан мен буни одам деган юксак мақомга эга зот учун иснод деб ҳисоблайман.

Учинчи гуруҳ мактубларда таклиф-истаклар битилган, биз улар ҳақида жиддий ўйлаб кўришимиз керак. Биз болаларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаймиз. Аммо биз онапарварлик ҳақида кам ёзамиз, ёзганларимиз эса юзаки. Гўё бу туйғу фарзандларда ўз-ўзидан пайдо бўлаверади. Ва лекин кимки онасини унутса, у кимса Ватанга ҳам ҳеч иккиланмай хиёнат қилиши мумкин.

Шубҳасиз, дунёда фарзанди бошида алла айтмаган она йўқ. Аммо онасига шеър бағишламаган шоирлар бор. Улар онаси дунёдан кўз юмгандан кейин марсия бағишлайди. Бошқалари азобли кунлардагина оналарини эсга олишади. Некрасов-гача бўлган рус шеърлятида оналар ҳақида ёзилган шеърларни учратиш қийин. Авар мумтоз шеърлятида ҳам оналар ҳақидаги бирон мисра топмадим. Бошқа халқларда ҳам аҳвол шу. Бунинг сабаби битта деб ўйлайман. Мен уни ўзимнинг аварлик салафларимга бағишлаб ёзган шеъримда ифодалашга ҳаракат қилдим.

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

*Маҳмуд, Элдарилав, азиз отажон,  
Шеърларингиз ўқиб бўламан ҳайрон.  
Улар ҳикматларга бўлса ҳам тўлиқ,  
Нега она ҳақда бирор-бир сўз йўқ.*

*Маҳмуд дер: сен уни кўрсанг бир бора,  
Бундай савол бермас эдинг ҳеч қачон.  
Ишқ ўқи юрагим этганда пора,  
Онам кўз олдимда бўлди намоён.*

*Элдарилав гапни эттирар давом,  
Таърифлаш қийиндир бундайин дамни.  
Мен ҳам Меседони кўргач бўлдим ром,  
Унутдим оламни, ҳатто онамни.*

*Лекин Чохдаги тўй ёдимда ҳамон,  
Заҳарли қадаҳни билмай ичган он,  
Онамни эсладим, чиқар чоғда жон  
Онам кўз олдимда бўлди намоён.*

*– Отажон, Догистон қўйнида яшаб,  
Нега битмагансиз онага ашғор?  
– Онам мени эрта кетганди ташлаб,  
На юзин, на меҳрин эслолмам зинҳор...*

Пушкин ҳам, Лермонтов ҳам онаси меҳрини ҳис қилишмаган: уларни оналари дунёга келтирган, холос. Шу боис Пушкин онаси ҳақида эмас, энагаси тўғрисида машҳур шеър ёзган... Албатта, рус адабиётида оналарга бағишланган ажойиб асарлар бор. Некрасов, Блок, Есенин, Твардовский ва бошқа шоирлар бу мавзуда оналарнинг бадий тимсолларини яратишган. Оналар ҳақидаги қўшиқни ҳозирги замон шоирлари ҳам куйлашяпти. Менимча, бундай шеър ва дostonларни тўплаб, китоб ҳолида чоп этса айни муддао бўларди.

Дунё кезиб кўплаб байрамларда қатнашганман. Мени улар орасида Кубада нишонланган оналар байрами, оналар куни жуда ҳаяжонга солди. Гаванадан Сантяго шаҳрига боришим керак эди. Эрталаб шофёр келиб, йўлда албатта онаси ҳузурда 2-3 соат бўлиши кераклигини айтди: “Бугун оналар куни”. Улар серфарзанд оила экан. Барча фарзандлари онаси ҳузурга табриклаш ва миннатдорлик билдириш учун келишди. Худди шундай бутун мамлакатда фарзандлар оналари ҳузурда тўпланишди. Бошқалари оналари қабртоши устига гул қўйиш учун боришди.

Бизда хотин-қизлар байрами бор, болалар йилини ҳам нишонладик, шунингдек, шахтёрлар, балиқчилар ва бошқа касб эгаларининг куни бор. Бу албатта яхши. Агар биз ота-оналар куни дейилган яна бир эзгу байрамни нишонласак яхши бўларди.

Ўқувчилар мактубларини ўқиб, улардан олган таассуротларим асосида ёзган мақоламни бир шеърим билан яқунлашни истайман.

*Ханжарлар сопига ёзинг, одамлар,  
Фарзандлар исмини, шунда қай куни  
Жиззакилик қилиб тутсангиз ханжар,  
Улар эсга солар буюк туйғуни.  
Милтиқлар устига чизинг, одамлар,  
Оналар расмини, шунда қай куни  
Кимдир ўқ узишга чоғланса агар,  
Мунис сурат йўлдан қайтарар уни.*

*Рус тилидан  
Асрор МҶМИН таржимаси*



*МИХАИЛ БАХТИН*

## **РОМАНДА ЗАМОН ВА ХРОНОТОП ШАКЛЛАРИ<sup>1</sup>**

*Тарихий поэтикага доир очерклар*

### **II. АПУЛЕЙ ВА ПЕТРОНИЙ**

Энди антик романнинг шартли равишда “авантюро-маиший роман” деб номлаганимиз иккинчи типини ўрганишга киришамиз.

Ушбу типга, қатъий равишда, фақат икки асар: Петронийнинг (бизгача нисбатан катта бўлмаган парчалари етиб келган) “Сатирикон”и ва Апулейнинг (тўлиқ етиб келган) “Олтин эшак”и киради. Аммо ушбу типнинг муҳим унсурлари бошқа жанрларда, хусусан, сатираларда (шунингдек, эллин диатриблари – аччиқ кинояларида), бундан ташқари, илк христианлик давридаги авлиёлар ҳаётига оид (васвасаларга тўлиб-тошган гуноҳкорлар ҳаёти, сўнгра инқироз ва инсоннинг тозариши тарзидаги) адабиётларда акс этган.

Антик романнинг бу типига доир романлар таҳлилида Апулейнинг “Олтин эшак” асарини асос қилиб оламиз. Сўнгра айни типнинг бизгача етиб келган бошқа намуналарига ҳам тўхталамиз.

Иккинчи тип романларда, биринчи навбатда, авантюро замоннинг маиший замон билан қоришуви кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам уни шартли равишда “авантюро-маиший роман” деб атаيمиз. Аммо бу замонлар аро механик бирикув ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бундай қоришувда авантюро замон ҳам, маиший замон ҳам айни роман намоён этган янги хронотоп заминада том маънода шаклини ўзгартиради. Шу боис бу ўринда авантюро замоннинг юнон романига хос замондан кескин фарқланувчи, маиший замонга айнан мос, янги типи пайдо бўлади.

“Олтин эшак” сюжети сира ҳам икки сюжетнинг реал ҳаётий чегараси аро замонсиз қоришма бўла олмайди. Аксинча, айнан қаҳрамон (Люций)нинг ҳаёт йўли энг зарур лаҳзаларда ушбу роман сюжети сифатида намоён бўлади. Лекин ушбу ҳаёт йўли тасвирида, айни романга хос з а м о н моҳиятини белгиловчи муҳим икки жиҳат бор.

Булар: 1) Люцийнинг ҳаёт йўли, “метаморфозалар” қобиғига ўраб берилгани; 2) ҳ а ё т й ў л и н и н г айнан э л к е з а р л и к й ў л и экани – Люцийнинг эшак образидаги ж а ҳ о н г а ш т а л и г и д и р.

Метаморфоза қобиғидаги ҳаёт йўли романда Люций ҳаётига доир асосий сюжет сифатида берилганидек, Амур ва Психея ҳақидаги қўшимча новелла ҳам асосий сюжетни англаш учун муҳим ёндош вариант ўлароқ намоён бўлади.

М е т а м о р ф о з а (эврилиш) – асосан инсоний эврилиш – ўзликни англаш (асосан, инсоннинг ўз-ўзини англаши) билан биргаликда ибтидоий фольклор хазинасига оиддир. Эврилиш, ўзни англаш ибтидоий фольклордаги одам образи билан теран ва мустаҳкам боғланишга эга. Айниқса, бундай боғланиш халқ эртакларида аниқ сақланиб қолган. Э р т а к д а г и о д а м о б р а з и – эртакка хос барча ранг-барангликлари билан – доимо э в р и л и ш в а ў з н и а н г л а ш (ўз навбатида, ҳар хилликни эмас, балки ушбу мотив конкретлигини таъминловчи бўлак сифатидаги) мотивига қурилади. Эврилиш – ўзни англаш мотивлари бир

<sup>1</sup>Давоми. Боши ўтган сонда.

одамдан бутун инсоният дунёсига, табиатга, инсоннинг ўзи томонидан бунёд этилган нарсаларга ўтади. Инсон образида ўзни англаш ва эврилишларни очиб ташлайдиган халқ эртақларига хос замон ҳақида биз кейинроқ, Рабле муносабати билан тўхталамиз.

Антик заминдаги метаморфоза ғояси узоқ ва машаққатли тараққиёт йўлини босиб ўтган. Мазкур йўлнинг тармоқларидан бири юнон фалсафаси ҳисобланади. Бу ерда эврилиш ғояси ўзни англаш ғояси билан биргаликда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ушбу ғояларнинг асосий моҳияти акс этган м и ф о л о г и к к о б и к Демокрит ва Аристофанга қадар сақланиб қолган (ҳатто уларда ҳам тўла йўқолиб кетмаган).

Бошқа тармоқ – метаморфоза ғоясининг культлашган тараққиёт шакли антик, кўпроқ элевсин мистерияларида кўринади. Антик мистериялар ўзларининг кейинги тараққиёт даврларида муттасил равишда шарқ культлари, метаморфозаларнинг хос шакллари таъсирига кўпроқ берилганлар. Тараққиётнинг ушбу қаторида илк христианча культ шакли ҳам туради. Шунингдек, бунга эраимизнинг I-II асрларида ҳаддан зиёд кўп тарқалган, турли фирибгарлар томонидан қўлланиб, даврнинг маиший ҳаётдан мустаҳкам ўрин эгаллаган метаморфозанинг дағал магик шакллари ҳам туташади.

Учинчи тармоқ – эврилиш мотивларининг халқ ижодиётига хос кейинги ҳаётидир. Фольклорнинг ушбу намунаси, албатта, бизгача етиб келмаган. Аммо унинг адабиётга таъсири – асарларда акс этиши бизга маълум (масалан, Апулейнинг Амур ва Психея ҳақидаги новелласи).

Нихоят, тўртинчи тармоқ – метаморфоза ғоясининг бевосита адабиёт таркибидаги тараққиётидир. Бу ўринда биз учун муҳими ҳам шу.

Ўз-ўзидан англашиладики, метаморфоза ғоясининг адабиётдаги тараққиёти унинг биз қайд этиб ўтган йўли таъсиридан холи бўлмаган ҳолда рўй беради. Бу ўринда элевсин мистериялари аънаналарининг юнон трагедияларига таъсирини кўрсатиш кифоя. Албатта, фалсафадаги эврилиш шакллариининг адабиётга таъсири ҳам кишида эътироз уйғотмайди, фольклорнинг таъсири ҳақида эса юқорида тўхталиб ўтилди.

Шу билан бирга, миф қобиғидаги метаморфоза негизда эгри чизикли, сакровчанлик хусусиятига эга, тугунли, бинобарин, з а м о ннинг моҳиятан к е н г л и г и г а доир тараққиёт ғояси ётади. Лекин ушбу ғоя таркиби ўта мураккаб. Чунки турли-туман типларнинг замон кенгликлари айнан шундан келиб чиқади.

Агар биз метаморфозага оид мифологик ғояларининг бадий акс эттирилишини Гесиод (“Меҳнат ва кунлар” ва “Теогония” асарлари) мисолида кузатадиган бўлсак, унда асосий генеологик қатор, яъни асрлар ва авлодлар алмашинуви (олтин, кумуш, мис, троя ва темир даври деб номланган беш асрга доир мифлар), табиат метаморфозасига хос бетакрор теогония, дон туркум метаморфозалари, узум новдаларига доир туркум метаморфоза қаторлари тажассумини кўрамиз. Шу билан бирга, Гесиодда дехқончилик жараёнига доир туркум ҳам “деҳқон-метаморфозаси” тарзида ифода этилади. Ҳалича биз Гесиод м е т а м о р ф о з а л а р ининг мифологик бош феноменига хос барча замон кўринишлари ҳақида сўзлаб улгурмадик. Буларга хос умумийлик мутлоқ фарқли, бир-бирига ўхшамаган шакллар (ёки образлар ёхуд ҳар иккисининг алмашиб туриши (ёки бир-бирига эргашishi) да намоён бўлади. Худди шундай, теогоник жараёнда Хронос эраси Зевс эраси билан, асрлар асрлар билан (олтин, кумуш ва ҳ.к.), авлодлар эса авлодлар билан, фасллар фасллар билан алмашади.

Турли эралар, авлодлар, фасллар, турли дехқончилик мавсумлари образлари ўзаро чуқур фарқланишга эга. Бироқ бундай фарқланишларнинг барчасида теогоник, тарихий, табиий, дехқончилик жараёнларига хос уйғунлик сақланади.

Гесиоддаги метаморфоза тушунчаси классик мистериядаги фалсафий тизимга мос келади. У кенг қамровли. Ундаги “метаморфоза” сўзи бир нарсдан бошқа

<sup>1</sup> Гераклитда эврилиш ғояси ва элеатларда (элеатлар – эраимиздан аввалги VI-V асрларда пайдо бўлган қадим юнон фалсафий мактаби – платонизмнинг илк манбаларидан бири – У.Ж.) эса ўзликни англаш ғояси устунлик қилади. Илк унсур асосидаги эврилиш Фалес, Анаксимандр ва Анаксименда кўринади.

нарсага эврилиш тарзидаги (магияга туташувчи), рим-эллин даврида мавжуд, мўъжиза маъносида ишлатилмайди. Ушбу сўзнинг ўзи, қайд этилган маъносига кўра, метаморфоза ғоясининг кейинги шаклланиш босқичларида пайдо бўлган.

Ушбу босқичга Овидийнинг “Метаморфозалар”и тўғри келади. Бунда метаморфоза деярли ягона чегараланган хусусий метаморфозага дўнади ва ташқи мўъжизавий эврилиш табиатига эга бўлади. Тасвир ғояси, хаосдан космоснинг яратилишию Цезарнинг юлдузга айланишигача бўлган космогоник ва тарихий жараёнлар метаморфоза камров доирасининг марказида қолади. Лекин ушбу ғоя ўзаро ёрқин метаморфозалар билан боғланмаган, аниқроқ айтганда, ботинан фарқ килувчи, турли хил мифологик ва адабий мерос намуналарини қайта ишлаш йўли билан амалга оширилади. Ҳар бир метаморфоза ўзига хос ёпиқ поэтик бирлик демакдир. Метаморфозаларнинг мифологик қобиғи бу ўринда улкан ва муҳим замон қаторларини уйғунлаштиришга қодир эмас. Бунда замон механик тарзда бир қаторга тахланувчи маҳдуд вақт бирликларига парчаланиб кетади. Антик замон қаторларидаги мифологик бирликнинг парчаланишини Овидийнинг “Фауста” аса-рида кузатиш мумкин (рим-эллин давридаги замонни ҳис қилишда ушбу асарнинг ўрни жуда муҳим).

Апулейда эса метаморфоза янада чегараланган, тўғридан-тўғри магик моҳият касб этади. Анъанадаги бепоёнлик ва қувватдан унда деярли ҳеч нарса қолмаган. Бунда метаморфоза космик ва тарихий бутунликдан айро ягона инсон қисмати ни идрок этиш шакли бўлиб қолган. Аммо, фольклор анъаналарининг бевосита таъсири боис, метаморфоза ғояси хали-ҳамон бир бутун инсон тақдирини, айниқса, ундаги кескин бурилиш нуқталарини тўлалигича қамраб олиш салоҳиятини ўзида сақлаб қола олади. Унинг роман жанри учун муҳимлиги ҳам шунда.

Люцийнинг эшакка айланиши ва мистерик покланишдан кейин яна ўзига эврилиши ҳақидаги соф специфик метаморфозага келадиган бўлсак, ҳозир бундай чуқур таҳлилнинг ўрни эмас. Бундай таҳлил бизнинг вазифамизга кирмайди. Қолаверса, эшак метаморфозасининг генезиси, токи Апулейнинг тўла талқинига эга бўлмагунимизча, ўта мураккаб. Бизнинг мавзу йўналишимиз учун бунинг аҳамияти у қадар муҳим эмас. Биз учун муҳими иккинчи тип роман қурилишида айни метаморфоза функциясини тушуниш, холос.

Ушбу метаморфоза негизда инсон ҳаёти, унга хос инқироз паллалари, бурилиш нуқталарини тасвирлаш типини барпо этилади: одам қандай ўзгаради. Бир одам ҳаётининг турли босқичларига хос нисбатан ва тубдан фарқ килувчи образлари тасвир этилади. Бу ерда том маънода барпо бўлиш эмас, балки инқироз ва ундан кейинги қайта шаклланиш бор.

Шу жойда апулейча сюжетнинг юнон романлари сюжетидан кескин фарқланиши маълум бўлади. Апулей томонидан тасвир этилган воқеа қаҳрамон ҳаётини, инчинун, унинг бор умр йўлини тайин этади. Албатта, унинг болалиги, қарилик даври ва ўлими тўлалигича тасвир этилмайди. Шунинг учун ҳам бу жойда қаҳрамоннинг тўлиқ биографияси йўқ. Инқироз типига фақат қаҳрамон характери белгилувчи бир-икки ҳолат, ҳаётининг аҳамиятли нуқталари тасвир этилади, холос. Шунга кўра, романда бир одамнинг инқироз жараёни ва инқироз орти ҳолатларини акс эттирувчи икки ёки уч хил образи берилади. Апулей асосий сюжет чизиғида Люцийнинг учта образини беради: эшакка айланмасдан олдинги Люций, Люций – эшак ва мистерик покланган, тубдан янгиланган Люций. Асардаги параллел сюжетда Психеянинг икки образи берилади – изтироблар воситасида поклангунга қадар ва ундан кейин. Бу ўринда тадрижий эврилиш йўли қаҳрамоннинг парчаланмас, шу билан бирга, ўзига хос уч образи тимсолида акс этади.

Шу типга оид илк христианлик даври инқироз қиссаларида ҳам инсон одатда икки образда акс этади: инқироз ва эврилиш жараёнидаги ҳамда инқироз ва эврилишни бошдан ўтказган одам – эврилишга қадар гуноҳкор образи, эврилишдан кейинги покланган тақводор образи. Баъзан, қаҳрамон ҳаётнинг поқловчи изтироб, ботиний кураш, таркидунёчиликни акс эттирувчи қисмлари махсус ажратилган ҳолларда, уч образ ҳам берилади (Люцийнинг мувофиқ тарзда эшак образида келиши).

Айтилганлардан маълумки, ушбу роман типини том маънода биографиялик



замонга сингишмайди. Бу роман инсоннинг бутун ҳаёт йўлига нисбатан мутолқ ўзгача, фақат маҳсусларнинг акс эттиради. Лекин айтилаётган инсоннинг хос образини белгилаганидек, унинг кейинги ҳаётини ҳам характерлайди. Алалхусус, энг узоқ умр, ўзининг биографик йўсини, машғулоти, машаққатлари билан қайта туғилишдан кейин ҳам давом этади ва у роман дунёсидан ташқарида туради. Худди шундай Люций ҳам уч босқич аро ўтиб, ўзининг воиз ва қохинга хос биографик ҳаёт йўлига қайтади.

Иккинчи тип авантюра замонининг ўзига хослиги шу билан белгиланади. Бу юнон романининг исиз замони эмас. Аксинча, у инсон ва унинг бутун ҳаётида чуқур, ўчмас из қолдиради. Аммо шунга қарамадан, бу айнан авантюра замон: бу фавқулодий, тасодифларда туғилувчи, тасодифий айнизамонлилик ва тасодифий айризамонлилик билан характерланувчи ўзгача воқеалар замонидир.

Аммо бу ўринда тасодиф мантики ўзгача – у фақат олий мантикка бўйсунмади. Ҳақиқатан ҳам, сеҳргарнинг хизматкори Фотида қушга айлантирадиган малҳам солинган қутича ўрнига тасодифан эшакка айлантирадиган қутичани олади ва Люцийга беради. Тасодифни қарангки, аксига олиб, худди шу дамда (эшакдан) одамга айланиш учун ишлатиладиган атиргул ҳам уйдан топилмайди. Айнан шу кеча бу уйга қароқчилар тасодифан ҳужум қилади ва эшакни олиб кетади. Эшак билан содир бўладиган барча кейинги саргузаштлардан тортиб хўжаларининг ўзгаришигача бўлган воқеаларда тасодиф ҳокимлиги давом этади. Айнан тасодиф эшакнинг одамга айланишига қайта-қайта тўсқинлик қилади. Лекин тасодиф ҳокимлиги ва унга хос ташаббускорликнинг чегараси бор, у муайян худуддагина ҳаракат қила олади. Аслида Люцийни сеҳрнинг хавфли йўлига дучор қилган тасодиф эмас, балки шахват (нафс) ва ўспиринга хос энгилтаклик, “ўринсиз қизиқиш” дир. Айбдор унинг ўзи. Ноўрин қизиқишлари боис у тасодиф ўйинчоғига айланиб қолади. Бинобарин, асосий ташаббус қаҳрамон шайхсияти ва унинг ҳаракатлари га тегишли. Дарҳақиқат, бундай ташаббус қилмиш хосияти эмас, қидирмиши дир (бу ўта муҳим). Бу гуноҳ, янглишиши, хатога олиб борувчи ташаббус дир (христианча қисса вариантларида – гуноҳ). Бундай йўлдан оздирувчи ташаббус ёш, энгилтак, тийиксиз, лаззатпараст, қизиқувчан қаҳрамоннинг илк образига мувофиқ келади. У ўзини тасодиф ҳукмига топшириб қўяди. Шундай қилиб, авантюра йўналишининг биринчи қисми тасодиф билан эмас, балки қаҳрамон ва унинг характери билан белгиланади.

Аммо сўнги авантюра йўналишининг тугалланмаси тасодиф билан белгиланмайди. Люцийни маъбуда Изида қутқаради. Унга қайтиб одамга эврилиш учун нима қилиш лозимлигини айтади. Бу ерда маъбуда Изида (юнон романларидагидек) “бахтли тасодиф”нинг синоними бўлиб келмайди, балки Люцийнинг раҳнамоси сифатида уни покланиш маросимларини тўла-тўқис ижро этишга ундайди, тўғри йўл сари бошлайди. Таъкидлаш жоизки, Апулейдаги туш ва сезги талқинлари юнон романларига нисбатан ўзгачароқ моҳият касб этади. Юнон романларидаги туш ва сезги инсон тақдир зарбаларига бардошли бўлиши чора излаши, “изтиробларини энгилроқ ўтказишлари” (Ахилл Татий) учун эмас, уларга маъбудлар ҳукмидан хабар беришга хизмат қилган. Шу боис ҳам ушбу воситалар қаҳрамонларни рағбатлантира олмаган. Апулейда эса аксинча. Унда туш ва сезги ҳаётларини ўзгартириш учун нима қилиш, қандай қарорга келиш хусусида йўл кўрсатади. Демакки, уларни аниқ ҳаракатга, фаолликка ундайди.

Шундай қилиб, авантюранинг биринчи ва сўнги қисмлари занжири тасодиф ҳукмига бўйсунмайди. Оқибатда барча узвлар табиати ўзгаради, таъсирчанлиги ошади, натижада қаҳрамон ва унинг ҳаётида эврилиш рўй беради. Қаҳрамон бошидан кечирган саргузаштлар унинг инсонийлигини шунчаки тасдиқлаб қолмайди, балки покланиб қайта туғилган янги образини тақдим этади. Шу тариқа турли саргузаштларни бошқарувчи тасодифнинг ўзи ҳам янгича англанади.

Айтилаётган маънода Изида қохинининг Люций қайта одамга айлангандаги нутқи диққатга сазовор: “Мана, Люций, тақдир бапто қилган шунча бахтсизликлардан кейин, сўнгсиз изтиробларга чидаб, ниҳоят, саодат меҳробига қадам қўйдинг. Кечмишларинг, дучор бўлган қийинчиликларинг беҳуда кетмади. Не-

гаки сен ёшлик шўхликлари боис ш а ҳ в а т қ у л и г а айланган эдинг. Ноўрин кизиқишларинг сени м у қ а р р а р ж а з о г а етаклади. Аммо беҳисоб хавф-хатарлар билан “сийлаган” кўр қисмат алал-оқибат сени чин ҳало-ват томон йўллаганини ўзи ҳам сезмай қолди. Энди у битигини қайтадан ёзсин, ўзига бошқа қурбон топсин. Ўз ҳаётини улуғ маъбудамизга бахш этган кимса борки, унинг ҳаётида ҳалоқатли тасодифларга ўрин йўқ. Сени ёввойи қароқчиларга, кулликка, машаққатли сафарларга, ўлимнинг кундалик хавфига дучор этган тақдир бундан қандай манфаат кутган экан? Энди сен ўзгача – ё р қ и н бир тақдир марҳаматига эришдингки, унинг нури ҳатто маъбудларни-да нурафшон қилгай (“Олтин эшак”, иккинчи китоб).”

Бу ерда Люцийни тасодиф (“кўр тақдир”) ҳукмига ташлаган г у н о ҳ л а р и аниқ баён этилади. Шунингдек, бу ўринда “кўр қисмат”, “ҳалоқатли тасодиф”га “ёркин тақдир”, яъни Люцийга раҳнамолик қилган маъбуда кескин тарзда қаршилантирилади. Ниҳоят, ушбу жойда, бир томондан, Люцийнинг гуноҳлари боисгина ҳукм юритган “кўр қисмат”, иккинчи томондан, маъбуда раҳнамолигидаги “ёркин тақдир” моҳияти чуқур ёритилади. Бу, моҳиятан, “муқаррар ҳалоқат”дан “асл саодат”га томон чўзилган йўл, Люцийни “олиб келганини ўзи ҳам сезмай қолган “кўр қисмат” ҳақидаги фикр йўлидир. Демак, бутун саргузашт йўли ж а з о в а п о к л а н и ш жараёни ўлароқ англанади.

Параллел сюжетдаги (Амур ва Психея ҳақидаги новелла) саргузашт-эртақ таркиби ҳам худди шундай қурилган. Дастлабки қисмда, айнан, Психеянинг гуноҳга ботиши, охиргисида эса маъбудлар раҳнамолиги келади. Саргузаштнинг ўзи ва Психеянинг эртақлардагидек синовдан ўтиши бевосита жазо ва покланиш тарзида тушуниланган. Тасодиф – “кўр қисмат”нинг аҳамияти бу ўринда бир оз чегараланган ва тобелантирилган.

Шундай қилиб, тасодифларга тўла саргузашт йўли том маънода, гуноҳ – жазо – покланиш – саодатга эришишдек кенг қамровли англаш йўлига бўйинсундирилган. Ушбу йўл эндиликда саргузашт мантиқи билан эмас, тамомила бошқача усулда бошқарилади. Бу ўта фаол йўл ва, биринчи навбатда, айнан метаморфозани англатади. Айни ҳолат қаҳрамон образларининг алмашинувидир, яъни: энгилтак, маишатга мойил – Люций, эшак – Люций ва изтироблар оловида покланган, қўнғил ҳаловатига эришган Люций. Қолаверса, ушбу йўлга юнон саргузашт адабиётида бўлмаган аниқ шакл ва зарурат даражаси хос. Бунда жазо мунтазам равишда гуноҳкорни таъқиб қилади, қўлланган жазо эса покланиш ва ҳаловат ортидан боради. Шунингдек, айни зарурат инсоний характер касб этадики, бу механик эмас, айнан инсоний заруратдир. Чунки гуноҳкорлик даражасини инсоннинг табиати белгилайди, жазо эса ўнгловчи, покловчи куч сифатидаги заруратдир. Ушбу йўлнинг асосини и н с о н и й м а с ъ у л и я т ташкил этади. Ниҳоят, ягона одамнинг алмашилиб турувчи образлари ушбу йўлнинг инсоний аҳамиятини оширади.

Ушбу йўналишдаги юнон авантюра замонидagi адабиёт устулиги айнан шунда кўринади. Бунда мифологик асосдаги метаморфозалар замоннинг нисбатан муҳим ва реал жиҳатларини ўзлаштиришгача бориб етади. Бу ўринда у шунчаки техник вазифани бажарувчи, шунчаки йўлларнинг қайтарилуви, кунлар, соатлар, лаҳзаларнинг ботиний жойлаштирилиши эмас. Ушбу замон йўли том маънода т а к р о р л а н м а с б у т у н л и к д и р. Шунга боғлиқ ҳолда юнон авантюра замонига хос мавҳумлик йўқолади. Қарама-қарши равишда ушбу янги замон йўли аниқ баённи талаб этади.

Бундай ижобий ҳолатлар каторида аниқ чегараланишлар ҳам мавжуд. Бундаги одам ҳам, худди юнон романидаги сингари, ф а й р и р а с м и й в а ё л ғ и з. Шу боис гуноҳкорлик, покланиш ва ҳаловат топиш жараёнлари ғайрирасмий-индивидуал моҳият касб этади. Бу я г о н а одамнинг ш а х с и й к е ч м и ш и. Бу одам фаол ижодкорлик ҳукукидан маҳрум. Фаолият хато ва гуноҳ томон ўйламай босилган қадам оқибатида пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам ушбу йўл моҳияти инсон ва унинг қисмати билан чегараланади. Ушбу замон йўли, худди юнон романларидагидек, атрофга бирор из қолдирмайди. Шунга мос равишда инсон тақдири ва дунё ўртасида муносабат з о ҳ и р и й моҳият касб этади. Инсон ду-

неда мустақил равишда метаморфоза жараёнини яшаб ўтади, ўзгаради, аммо дунё қандай бўлса шундайлигича қолаверади. Аини сабабдан метаморфоза хусусий ва ижодий табиатдан холи бўлади.

Худди шунинг учун романнинг асосий замон қатори, юкорида қайд этганимиздек, такрорланмас бутунлик табиатига эга бўлишига қарамасдан, маҳдуд ва ихоталанган, шунингдек, тарихий замонга хослаштирилмаган (яъни такрорланмас тарихий замон қатори ишга туширилмаган, шу боис аини замон қатори ҳалигача роман учун бегона).

Ушбу романга хос муҳим авантюра замон шундай. Аммо бу роман таркибида ҳали маиший замон ҳам мавжуд. Хўш, бу замон қандай хусусиятларга эга, биз томонимиздан асосий авантюра замон сифатида тавсифланган роман бирлиги билан қай йўсинда боғланади.

Бу романнинг бош хусусияти, аввало, инсоннинг умр сўқмоғи (ҳаётининг муҳим бурилиш нуқталари) ва унинг реал йўл-макон бўйлаб кечирган дарбадар сафари аро муштаракликда кўринади. Бу ўринда “ҳаёт йўли” метафораси амал қилади. Ушбу йўл туғилиб ўсган, кадрдон мамлакат бўйлаб ўтади. Унда ҳеч қандай ёт-бегона, ғайритабиий нарсалар бўлмайди. Унда аини жанр тарихида улкан аҳамият касб этадиган, ўзига хос роман хронотопи бунёд этилади. Унинг асоси эса фольклорда. Ҳаёт йўли метафорасининг амал қилишига доир турли вариациялар фольклорнинг турли кўринишларида катта роль ўйнайди. Истисносиз айтиш мумкинки, фольклордаги йўл ҳеч қачон шунчаки йўл бўлмайди, балки ҳар доим ё бир бутун ҳаёт йўлини, ёки ҳаёт йўлининг муайян қисмини ифодалаб келади. Ундаги йўл танлаш – ҳаёт йўлини танлашдир. Чорраҳа – доимо фольклор одами ҳаётининг бурилиш нуқтаси. Туғилган уйдан йўлга чиқиш ва яна ватанга қайтиш, одатда умрнинг ё ш г а о и д босқичларини; (йўлга чикқан ўспирин эркак бўлиб қайтади) йўлда учраган аломатлар эса – тақдир аломатларини билдиради ва ҳ.к. Шунинг учун романдаги йўл хронотопи ўта аниқ, чегараланган фольклор мотивларини ўзига сингдиради.

Инсоннинг маконлар аро кўчиб юриши, у бошидан кечирган саргардонлик, биз юнон романларида кузатганимиздек, макон ва замон аниқлигини белгилаш (яқинлик-узоклик, айнизамонлилик-айризамонлилик)да ўзининг абстракт-техник табиатини йўқотади. Макон аниқлик касб этади, бир қадар салмоқдорроқ замон билан тўйинади. Макон реал ҳаётини мазмун билан тўлиб-тошади, қаҳрамон ва унинг тақдирига жиддий тарзда боғланади. Аини хронотоп шу қадар бойки, эндиликда у хийла аниқлашади ва учрашув, айрилик, тўқнашув, қочқинлик сингари хронотоп ҳолатларини юзага келтиради.

Йўл хронотопига хос бундай аниқлик ўзида ҳ а ё т кенгликларини ёйишга имкон беради. Шунга қарамасдан бундай ҳаёт йўлнинг ўзидан эмас, таъбир жоиз бўлса, унинг четидан, ёнгинасидан жой олади. Бош қаҳрамоннинг ўзи, унинг ҳаётидаги муҳим бурилиш нуқталари – бу ҳ а ё т н и н г и ч и д а бў л м а й д и. Қаҳрамон фақат уни кузатади, баъзи ҳолларда эса бегона куч сифатида унга бос-тириб қиради. Баъзан турмуш никобини кийса ҳам, аслида тўла маънода турмуш кишисига айлана олмайди.

Қаҳрамоннинг ў з и гуноҳ – таъқиб – тозариш – бахтиёрлик сингари йўналишларда м у т л о қ н о м а и ш и й ҳодисаларни бошдан кечиради. Люцийда худди шундай. Аммо таъқиб ва тозариш, яъни айнан метаморфоза жараёнида Люций энг тубан маиший ҳаёт сахнасига тушишга, унда қул, ҳаттоки эшак сингари энг ҳақоратли ролларни ўйнашга мажбур. Заҳматқаш эшак сифатида у тубан турмуш қайнаган жойларга тушади: сарбонларнинг хизматини қилади, тегирмончи қўлида тош атрофидан айланади, поллизчи, аскар, ошпаз ва новвой қўлида хўрланади. У доимий калтакларга бардош беради, сарбон ва новвойнинг хотини сингари мак-коралар таъқибига дучор бўлади. Лекин у бундай ҳақир хизматларнинг барчасини Люций сифатида эмас, эшак сифатида бажаради. Роман сўнггида эса у эшак терисини ташлайди ва тантанали маросимда яна олий, номаиший ҳаёт муҳитига қайтади. Шу билан бирга Люцийнинг маиший ҳаётда бўлиши – унинг ёлғондакам ўлими (туғишганлари уни ўлган деб ҳисоблашади), бу ҳаётни тарк этиши эса

қайта тирилишидир. Зотан, Люцийнинг қадим фольклорга хос метаморфозаси – бу, ўлим, бунинг ботиний кўриниши эса қайта тирилишни билдиради. Бу ўринда маиший турмуш ички моҳиятига кўра қабрга далолат. (“Олтин эшак”нинг барча сюжет мотивларига доир мифологик эквивалентлар топилиши мумкин).

Қаҳрамон ва маиший турмуш муносабатининг бу тарзда қўйилиши иккинчи тип антик романларнинг ниҳоятда муҳим хусусиятидир. Айни хусусият иккинчи типнинг кейинги тарихида (вариантлашган ҳолатда, албатта) тўла сақланиб келади. Унда бош қаҳрамон доимо маиший турмушга дахлдор бўлмайди: у ҳар сафар маиший ҳаёт сарҳадларини ўзга дунё одами ўлароқ босиб ўтади. Гоҳ у маиший турмуш никобини тез-тез алмаштириб турадиган, аммо унда муайян ўринга эга бўлмаган, турмуш ўйинини ўйнайдиган, уни сира ҳам жиддий қабул қилмайдиган айёр ёки аристократ либосидаги дайди актёр ёхуд ўзининг аслида ким эканини билмайдиган аслзода (“асранди”). Маиший турмуш – бу қаҳрамон ҳар доим ундан озод бўлишга интиладиган, ҳеч қачон юракдан қабул қила олмайдиган ҳаётга хос энг тубан муҳит. Зотан, қаҳрамон ғайриоддий, номаиший ҳаёт йўлини танлаган. Маиший турмуш эса бундай ҳаёт йўлидаги кичик бир сўқмоқ, холос.

Турмушнинг тубан муҳитида энг паст ролни ўйнаган Люций бу муҳитга ботинан боғлиқ бўлмагани боис унинг ўта сирли пучмоқларигача ташқаридан туриб кузата олади. Бу унинг учун имконият, одамларни ўрганиш ва англаш т а ж р и б а с и д и р. “Мен, – дейди Люций, – ўзимнинг эшак қиёфасида юрган кунларимни миннатдорлик билан эслайман. Чунки эшак териси остида қисмат н и н г б е қ а р о р л и к л а р и г а ч и да б, донога айланмаган бўлмасам ҳам, к а т т а т а ж р и б а г а эга бўлдим”.

Маиший турмуш сир-асрорларини кузатиш учун эшакнинг вазияти ўта қулай. Зотан, эшакнинг олдида ўзини ошқор қилишга ҳеч ким уялмайди. “Азоб-уқубатга тўла ҳаётимда мен учун ягона таскин, ўзимдаги туғма қизиқувчанликни қондириш учун бирдан-бир имконият бор эди: м е н и н г б о р - й ў қ л и г и м н и н а з а р г а и л м а г а н одамлар олдимда оғзиларига келганини гапирар, к ў н г и л л а р и т у с а г а н и ш н и қ и л а р э д и л а р” (9-китоб).

Шу билан бирга, эшакнинг қулоғи ҳам айни маънода муҳим аҳамият касб этади. “Гарчи мени қуш ўрнига эшакка айлантирган Фотидадан хафа бўлсам-да, бу қайғули эврилишнинг бир жиҳати менга ёқар эди. Чунки мен у з у н в а б а - ҳ а й б а т қ у л о қ л а р и м б и л а н я қ и н а т р о ф, ҳаҳо анча йироқ м а с о ф а л а р д а г и в о к е л а р н и х а м я х ш и и л ғ а р э д и м” (9-китоб).

Шунингдек, роман марказида ёлғиз эшакнинг қўйилиши – ўта муҳим, улкан аҳамиятга эга жиҳатдир.

Люций кузатадиган ва ўрганадиган маиший турмуш м у т л о қ х у с у с и й, м у т л о қ ғ а й р и р а с м и й д и р. Унда моҳият эътибори билан р а с м и й нарса йўқ. Ундаги бор воқелик – махдуд одамларнинг х у с у с и й и ш л а р и. Улар расмий хор иштирокида “дунёга” кўрина олмайдилар. Улар майдонда расман ҳаракат қилгувчилар (халқ) ҳисобига кирмайдилар. Расмийлик хусусиятини улар фақат бир ўринда, жинойтчига айланганларидагина оладилар. Ж и н о я т қ о р л и к – бу ғайрирасмий турмушнинг м а ж б у р а н расмийлашувидир. Бошқа пайтларда бу турмуш – кўрпа ичидаги синоатлар (“маккора хотинлар” хиёнати, заифамижоз эркаклар ва ҳ.к.), текин даромад, майда оилавий можаролардан иборат бўлади.

Моҳиятига кўра бундай ғайрирасмий турмуш ўзини доимий таъкиб этадиган, муҳокама қиладиган, баҳолайдиган “учинчи одам” учун заррача имконият бермайди. У тўрт девор орасида, икки жуфт кўз гувоҳлигида содир бўлади. Илло, расмий ҳаётнинг бирор ижтимоий аҳамиятга молик воқеаси моҳиятан расмийлашувни талаб этади. Томошабин, судья, баҳоловчини тақозо этади. Ҳар бир воқеа ичида уларга ўрин бор – у воқеликнинг ҳозир у н о з и р (муҳим) иштирокчиси. Расмий одам доимо ҳаёт қозонида қайнайди, фаолият кўрсатади. Унинг турмушидаги ҳар лаҳза моҳиятига кўра расмийлашувга имкон беради. Расмий одам, ўз табиатига кўра, о ч и қ - о й д и н, к ў р и л а д и г а н, э ш и т и л а д и г а н д и р. Расмий ҳаёт ўз-ўзини турли-туман шаклларда намоён қилиш ва ўз-ўзига ҳисоб бериш имкониятига эга бўлади (шунингдек, адабиётда ҳам). Шунинг учун ҳам, бу ўринда турмушнинг



айни жиҳатини махсус мушоҳада қилувчи, тингловчи “учинчи” одам – уни аён этувчи шаклни олиб кириш муаммоси туғилмайди. Антик мумтоз адабиёти – расмий ҳаёт, расмий инсонни талқин этувчи адабиёт бўлгани учун ҳам – “учинчи одам” муаммоси нима эканини билмаган.

Қачонки адабиётга (эллинизм даврида) норасмий одам ва норасмий турмуш кириб келганида, айна муаммога муқаррар тарзда эҳтиёж туғилди. Шу тарика адабиётнинг расмий шакли билан унинг норасмий мазмуни ўртасида зиддият юзага келди. Норасмий жанрлар устида ишлаш жараёни бошланди. Антик заминда эса ушбу жараён тугалланмай қолди.

Ушбу муаммо, айниқса, эпик шакллар (“катта эпос”)га нисбатан долзарблик касб этди. Айнан антик роман ҳам муаммонинг тугалланиш жараёнида майдонга келди.

Расмий турмуш тарзидан фарқли ўларок, роман таркибига кирган бу хароба норасмий ҳаёт, табиатан сирли роқдир. Уни, моҳиятан, фақат томоша қилиш ва тинглаш мумкин. Норасмий турмушни тасвирловчи адабиёт, мазмунига кўра, “ким қандай яшаётганини” кузатиш ва тинглаш адабиётидир. Бундай турмуш тарзини фақат фаол суд жараёнлари тарзида тасвирлаш ёки романга бевосита суд жараёни (қидирув ва тергов шакллари)ни олиб кириш, норасмий турмушга эса – жиноий ҳаракатларни боғлаш билангина фош этиш мумкин. Ёки шартли равишда (яримсирли шаклда), гувоҳлар кўрсатмаси, жиноятчилар иқрори, судга оид ҳужжатлар, далилий ашёлар, терговчи фаразлари воситасида очилади. Ниҳоят, норасмий маиший ҳаёт доирасида ишлаб чиқиладиган ўзни танитмаслик, шахсий мактуб, махфий кундалик, икромнома сингари норасмий ахборот шакллари билан ҳам фойдаланилиши мумкин.

Биз юнон романи норасмий одамнинг хусусий ҳаётига доир бу муаммони қандай тасвир йўли билан ҳал қилганини кўрдик. Унда зоҳирий ва ноадекват (ўхшаш бўлмаган), фақат юнон авантюризм замони, ундаги тасвирнинг мутлоқ мавҳумот доирасига мос (айни пайтда аллақачон ўлик-тириклик асарини йўқотган) расмий-риторик шакллар норасмий ҳаёт мундарижасига нисбатан қўлланган. Бундан ташқари, юнон романи худди шу риторик асосга таяниб, ўзи учун муҳим жиноят жараёнини ҳам киритган. Баъзан юнон романи маиший шакллардан, хусусан, мактубдан ҳам унумли фойдаланган.

Роман тарихининг кейинги босқичларида жиноят жараёни, унга бевосита ва билвосита алоқадор суд-жиноят категориялари улкан ташкилий аҳамият касб этган. Айнан роман мундарижасида унга боғлиқ жиноий ишлар аниқ моҳиятга эга бўлган. Романнинг турли шакл ва хиллари суд-жиноят категорияларининг турли вариантларидан фойдаланади. Бу ўринда бир томондан (қидирув, жиноят излари ва воқеаларнинг шу из бўйлаб аниқланишига доир) авантюризм-детектив романи, бошқа томондан Достоевский романлари (“Жиноят ва жазо” ва “Оға-ини Карамазовлар”)ни тилга олиш кифоя.

Суд-жиноят категорияларидан фойдаланишнинг турли усул ва йўллари – ғайрирасмий ҳаётни расмийлаштиришдаги махсус шакл сифатида роман тарихига хос қизиқарли, шу билан бирга, муҳим муаммодир.

Жиноят моменти Апулейнинг “Олтин эшак” асарида катта роль ўйнайди. Баъзи бир кўшимча (олтинчи, еттинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи) новеллалар тўғридан-тўғри жиноий иш ҳақидаги ҳикоя тарзида қурилган. Аммо Апулей учун муҳими жиноят материали эмас. Уни кўпроқ инсон табиатини ялонғоч ҳолатда кўрсатувчи, яъни ғайрирасмий турмушнинг эшитиш, мўралаш мумкин бўлган маиший сир-асрорлари қизиқтиради.

Худди шу – ғайрирасмий ҳаёт пардаси ортига мўралаш ва ундаги сир-асрорларни эшитиб олиш учун Люций-эшакнинг вазияти мутлоқ қулайлик туғдиради. Шунинг учун ҳам бу вазият анъанага айланган. Романнинг кейинги тарихида ҳам унинг турли-туман вариацияларига дуч келаемиз. Уларда эшак метаморфозасидан қаҳрамонинг хусусий турмушга мўралаш, тинглаш имкониятига эга бўлган, айнан “учинчи одам” сифатидаги специфик моҳияти сақланиб қолади. Асли ич-ичидан маиший турмушга боғлиқ бўлмаган айёр ва авантюрист (таваккалчи)нинг



ўрни ҳам шундай. Улар маиший турмушда махсус ўринларига эга бўлмайдилар. Айни пайтда улар шу ҳаётни босиб ўтишга, унинг механикасини, барча сирли пучмоқларини ўрганишга мажбурлар. Шунингдек, соҳибларини тез-тез алмаштириб турадиган х и з м а т к о р ҳам, асосан, шу вазифани бажаради. Х и з м а т к о р – соҳибнинг хусусий турмушидаги абадий “учинчи одам”. Х и з м а т к о р – хусусий ҳаётнинг ҳақли равишдаги гувоҳи. Одамларнинг хизматкор олдидаги ҳаё сақлаши уларнинг эшак олдида ҳаё сақлашидан у қадар фарқ қилмайди. Шу боис у хусусий турмушнинг барча қоронғуликларини кузатишга маҳкум. Авантюроманинг иккинчи типи (яъни авантюроманиш турмушда) да, шунинг учун ҳам у эшак ўрнини эгаллади. “Ласарильо”дан тортиб то “Жиль Блаз”га қадар бўлган айёрона роман хизматкор вазиятидан кенг фойдаланиб келди. Айёрона романинг ушбу (соф) классик типиди “Олтин эшак”нинг бошқа ҳолат ва мотивлари ҳам яшашда давом этади (аввало, уларда айнан ўша хронотоп сақланиб қолади). Маиший-авантюроманинг мураккаб шаклида соф ҳолатда бўлмаган хизматкор типиди иккинчи планга тушиб қолади, аммо шунга қарамадан, ўз аҳамиятини йўқотмайди. Шунингдек, бошқа роман типларида (ҳатто бошқа жанрларда) ҳам хизматкор сиймоси муҳим аҳамият касб этади (Д. Дидронинг “Жак фаталист”, Бомаршеннинг драматик трилогияларига қаранг.). Хизматкор – бу адабиётни хусусий турмуш қалбасига тўсиқсиз олиб кирган нуқтаи назар тимсолидир.

Романда хизматкорнинг (вазифа жиҳатидан) ўхшашини фоҳишалар ва куртизанкалар бажаради. Улар ҳам хусусий тумуш пардаси оша мўралаш ва “деворнинг кулоғи” ўлароқ интим олам сир-асрорларини тинглаш учун жуда қулай вазиятларда. Худди шунингдек, иккинчи даражали шахс бўлган қ ў ш м а ч и ҳам романда муҳим ўринга эга. У одатда ҳикоянавис сифатида кўринади. “Олтин эшак”да ҳам худди шундай. Унинг тўққизинчи улама новелласи қўшмачи тилидан ҳикоя қилинади. Бу ўринда Сорелнинг хусусий турмуш икир-чикирларини реалистик тасвирлашда Бальзакдан қолишмайдиган “Фарансион”идаги кекса қўшмачининг ҳикояси ёдга тушади (худди шунинг мукамал даражадаги ўхшашини Золяда ҳам бор).

Ниҳоят, юқорида айтганимиздек, романдаги бундай ўхшаш функцияни умуман (кенг маънодаги) а в а н т ю р и с т, баъзи ўринларда “т а ш л а н д и қ (сохта оксуяк)” бажаради. Ҳаётдаги муқим ўрнини ҳалича топмаган, аммо турмушда (“шахсан ўз” манфаати нуқтаи назаридан) омад, мавқе, бойлик ва шон-шухрат илинжида юрган авантюрист ва ташландиқ ўзгаларнинг маиший турмушини ўрганишга, ундаги сирли механизмни очишга, махфий кулбаларга мўралашга ва сир тутилмиш гаплардан воқиф бўлишга уринади. Улар ўз йўлларини одатда (хизматкорлар, фоҳишалар, қўшмачилар билан тўқнашиш ва улар орқали бу “ҳаёт қандайлиги”ни билиш учун) энг қуйи поғонадан бошлашади. Кейинроқ (асосан куртизанкалар воситасида) юқорига интилишади ва хусусий турмушнинг чўққисига чиқишади. Баъзида эса шу йўлда ҳалокатга учрашади ёки охиригача тубан авантюрист (хароба дунёсининг авантюристи) бўлиб қолишади. Уларнинг хусусий ҳаёт даражаларини бир бутун кўрсатиш учун қулайлиги шунда. Шунинг учун ҳам авантюрист ва ташландиқ ҳолати мураккаб маиший роман типиди курилишини белгилайди. Сорелнинг Фрасиони (шу номдаги романига қаранг) кенг маънодаги авантюрист (ташландиқ эмас, албатта) ҳисобланади. Скарроннинг (XVII аср) “Комик роман”и қахрамонлари ҳам авантюрист даражасига қўйилган. Дефонинг (“Капитан Сингльтон”, “Полковник Жек” сингари) маълум маънода айёрона романлари қахрамонлари ҳам – авантюристлар. Ташландиқ илк бор Маривонинг “Ташландиқ-деҳқон” асарида пайдо бўлди. Смоллетнинг қахрамонлари ҳам авантюристлардир. Дидронинг жиан – Рамоси эшак, айёр, дайди, хизматкор, авантюрист, ташландиқ ва артистни ниҳоятда кенг ва тўлиқ ҳолатда ўзида гавдалантиради ва мужассамлаштиради. У х у с у с и й т у р м у ш д а г и “у ч и н ч и о д а м”нинг теран ф а л с а ф и й қудратини намоён қилади. Бу – хусусий турмушни ипидан-игнасигача биладиган, фақат у билан нафас оладиган, айни пайтда, мутлоқ шу олам кишиси бўлмагани боис, унинг барча ўйинларини яланғоч ҳолатда юқоридан кўра оладиган одамнинг фалсафасидир.

Улуғ француз реалистлари Стендаль ва Бальзакнинг мураккаб синтетик романларида авантюрист ва ташландиқ ўзининг ташкил этувчилик моҳиятини тўла ҳолатда сақлайди. Хусусий турмушга хос барча бошқа “учинчилар” – куртизанкалар, фоҳишалар, қўшмачилар, хизматкорлар, нотариуслар, судхўр ва врачлар уларнинг романларида иккинчи планда ҳаракат қиладилар. Инглиз классик реализми – Диккенс ва Теккерийда – авантюрист-ташландиқнинг ўрни у қадар катта эмас. Бу ўринда улар (Теккерийнинг “Қуруқлар ярмаркаси”даги Ребекка Шарп бундан мустасно) иккинчи даражада туришади.

Қайд этишим жоизки, таҳлил этилган барча кўринишларда қайсидир даража ва шаклда метаморфоза ҳолати сақланади, яъни айёр томонидан никоб(рол)нинг ўзгартирилиши, қашшоқнинг бойваччага айланиб қолиши, бошпанасиз дайдининг давлатманд оқсуякка эврилиши, қароқчи-ўғрининг комил носаронинг тавба қулоҳини кийиши ва ҳ.к.

Хусусий турмуш оламига мўралаш, ундаги гап-сўзларни ўғирлаш учун роман айёр, хизматкор, авантюрист, қўшмачи образларидан ташқари, баъзи ҳолларда ўзининг закийларча топилганлиги ва нозиклиги билан кишини ҳайратга соладиган, баъзан эса муҳимлиги у қадар англамаган яна кўплаб қўшимча усулларни ҳам ихтиро этди. Масалан, Лессажнинг оқсоқ жини (“Оқсоқ жин” романи) “учинчи”га ўрин берилмайдиган ҳолатларда уларнинг томини кўчириб, хусусий турмуш сирларини очади. Смоллетнинг “Перигрин Пикл”ида қаҳрамон кар сохта инглиз – Кедеоледор билан танишади. У бор жойда ҳамма ҳеч нарсдан уялмай (худди Люций-эшакнинг олдида гапирганларидек), оғзига келганини гапираверади. Кунлардан бир кун маълум бўладики, у сираям кар эмас экан, фақат хусусий турмуш махфий сирларини билиб олиш учун ботил никобини кийиб олган экан, холос.

Люцийнинг хусусий турмушни кузатишдаги фавқулудда вазифаси шундай. Ҳўш, унда мазкур ғайрирасмий турмуш тарзи қандай замон воситасида ёритилади?

“Олтин эшак” ва антик авантюр-маиший романидаги маиший замон мутлако даврий эмас. Такрорланувчи ҳолатлар, ўхшашлик (кўриниш)ларнинг мавсумий қайтарилиши унда умуман илгари сурилмайди. Антик адабиёт табиий ва мифологик вақт билан чирмашиб кетган идеаллаштирилган деҳқонча замон доираси(цикли)ни билар эди, холос (унинг асосий тараккиёт босқичлари Гесиод, Феокрит, Вергилийларда кўринади).

Бундай циклик замондан романга хос маиший замон кескин фаркланади. У, биринчи навбатда, табиат (шунингдек, табиий-мифологик вақтдан ҳам)дан мутлоқ узилган. Маиший пландаги бундай табиатдан ажралиш ҳолати ҳатто романда махсус таъкидланади. Табиат мотивлари Апулейда фақат гуноҳ – покланиш – фароғат мотивларидагина кўринади (мисол тариқасида Люцийнинг одамга айланиш саҳнасининг денгиз соҳилида юз берганини кўрсатиш мумкин). Бу ҳаёт – куёш нур сочмайдиган, юлдузли осмони йўқ жаҳаннам, қабрдан иборат. Бундаги ҳаёт шунинг учун ҳам ҳақиқий турмушнинг зидди ўлароқ берилади. Унинг марказида ахлоксизлик, демакки, уруғ, оила, фарзанд, авлодлар алмашинуви каби тушунчалардан холи, нафсоний ҳаракатлар туради. Бундаги ҳаёт ўйин-кулги, маишат(приап, гр. priapos)<sup>1</sup> дан иборат. Ундаги мантик эса ахлоксизликдир. Аммо бу жинсий ўйинлар ядросини (хиёнат, фаҳш йўлидаги қотиллик ва ҳ.к.дан иборат) ҳаёт ўраб олган. Шу билан бирга, бу турмушга хос – зўравонлик, ўғирлик, турли фирибгарликлар, ур-калтак сингари бошқа ҳолатлар ҳам кўзда тутилади.

Хусусий турмуш маишати гирдобда замон ўзининг мустақиллиги ва бутунлигидан жудо бўлади. У маиший эпизоднинг алоҳида бўлаклари ўлароқ майдалаб ташланган. Алоҳида эпизодлар эса ихоталанган ва тугал ҳолатга келтирилган, аммо улар ўзини етарли даражада ҳимоялай олади. Маиший олам сочиб ташлангани боис ҳам жиддий алоқалардан узилиб қолган. У ўзининг махсус қонуниятлари ва зарурийлиги билан ягона замон қаторини тўлдиради. Шунинг учун ҳам маиший эпизодларнинг замон парчалари романнинг асосий таянч чизиғи – гуноҳ, жазо, покланиш ва фароғат (айнан жазо ва покланиш паллалари) – билан гўёки пер-

<sup>1</sup> Приап (гр. priapos) – қадим юнон мифологиясига кўра боғдорчилик, чорвачилик (қўй-эчкилар), яйловлар маъбудиди, виночилик ва балиқчилик ҳомийси (– У.Ж.).

пендикуляр ҳолатда жойлаштирилган. Маиший замон ушбу асосий замон йўли билан параллел эмас ва у билан қоришиб кетмайди. Аммо унинг баъзи бўлаклари асосий замон йўлига перпендикуляр жойлашган бўлиб, уни тўғри чизиқ бўйлаб кесиб ўтади.

Маиший замон ўзининг бу қадар парчаланишлари ва натураллигига қарамасдан, тамомила турғун эмас. У бир бутун ҳолатда Люцийнинг жазоланиши ва покланиши ўлароқ тушунилади. Ўзининг алоҳида ҳолат-эпизодларида у Люций учун инсоний табиатни очишда т а ж р и б а бўлиб хизмат қилади. Апулейда маиший замоннинг ўзи т у р ғ у н ҳолатда. Шунинг учун ҳам унда шаклланиш жараёни, я г о н а маиший замон йўқ. Аммо унда ижтимоий р а н г - б а р а н г л и к о ч и б б е р и л а д и. Бундай хилма-хилликда бугун ҳам ижтимоий з и д д и я т очилган эмас, аммо Апулей асари қисман буларни ҳам ўз ичига олади. Агар бу зиддият очилганида дунё ҳаракатга келган, келажакка туртки олган ва тарихийлик касб этган бўларди. Бироқ антик заминда, маълум маънода Апулейда ҳам бу жараён тугалланмай қолган.

Петронийда, тўғриси, бу жараён бир қадар илгарироқ силжиган. Унинг асарлари дунёсида ижтимоий ранг-баранглик деярли зиддиятли тус олади. Шунга алоқадор равишда унинг оламида тарихий замоннинг куртаклари – давр аломатларининг изи кўринади. Шунга қарамасдан, Петронийда ҳам, ушбу жараён буткул тугалланмайди.

Айтиб ўтганимиздек, Петронийнинг “Сатирикон”и авантюр-маиший роман типига кирилади. Аммо бу ерда авантюр ва маиший замон ниҳоятда зичлашади (шунинг учун ҳам “Сатирикон” айёрона романнинг европа типига яқин). Ундаги қахрамонлар (Энколпия ва бошқ.)нинг дарбадарлиги ва саргузаштлар асосида аниқ метаморфоза гуноҳ, қасос, покланиш сингари махсус ҳолатлар турмайди. Тўғри, бунда юқоридаги вазифани унинг ўхшаши (аналоги) бажаради. Бу маъбуд Приапнинг хира, пародиялашган мотивлардаги таъкиби (Одиссей ва Энейнинг эпик сабабиятга доир дарбадарлигига пародия)дан иборат. Аммо қахрамонларнинг ҳаётга нисбатан позицияси худди Люций – эшакниқидек. Улар ҳам маиший ҳаёт муҳитини тенг бўлиб кесиб ўтишса-да, ботинан унга ҳеч бир алоқалари йўқ. Булар – хусусий ҳаёт сирларига маҳрамлик талабида бўлганлар, унинг барча бойликларидан умидвор одамлар, яъни айғокчи, фирибгар ва ҳаромхўрлардир. Бу ўринда улар янада маишатпарастроқ. Бироқ, яна бир бор таъкидлаймизки, бу оламдаги ижтимоий ранг-барангликда маиший ҳаёт тарихий замоннинг омонат изига дучор бўлади. Тримальяхион зиёфати тасвирида ва айнан унинг образида давр аломатлари очиладики, бу айнан маиший эпизодларни қамраб олувчи ва бирлаштирувчи з а м о н и й я х л и т л и к дегани.

Авантюр-маиший типнинг (христиан авлиёлари ҳақидаги) ривойий намуналарида метаморфоза ҳолати бош планга чиқади (гуноҳкорона турмуш – инқироз – покланиш – табарруклик). Авантюр-маиший план гуноҳкорона турмушни фош қилиш ёки изтиробли тазарру шаклида берилган. Ушбу (охирги дейиш мумкин бўлган) шакл антик романнинг учинчи шакли билан туташади.

### III. АНТИК БИОГРАФИЯ ВА АВТОБИОГРАФИЯ

Антик романнинг учинчи типига ўтишдан олдин бир ўта муҳим эслатмани қайд этиб ўтишимиз лозим. Учинчи тип деганда биз б и о г р а ф и к р о м а н - н и назарда тутамиз. Аммо шундай катта биографик асарни мавжуд терминологиямиздан фойдаланиб, р о м а н деб аташимизга қарамасдан, бу шундай романки, уни антик замин вужудга келтиргани йўқ. Айни пайтда антиклик қатор муҳим, ўзига хос автобиографик ва биографик шакллари ишлаб чиқдики, улар нафақат европа биографик ва автобиографик асарларига, балки бутун европа романчилиги тараққиётига улкан таъсир кўрсатди. Мазкур антик шакллар асосида б и о г р а ф и к замоннинг янги типи, ў з х а ё т й ў л и н и босиб ўтадиган, янгича қурилган инсон образи спецификаси ётади. Айнан янги замон типи ва янгича инсон образи нуқтаи назардан антик биография ва автобиография шакллари ҳақида қисқа шарҳ

берамиз. Шунга боғлиқ равишда шарҳимиз материалнинг тўлиқлиги ва уни кенг қамраб олишга йўналтирилмайди. Биз фақат материалнинг олдимизга қўйган вазифага бевосита алоқадор бўлганларинигина ажратиб оламиз.

Антик мумтоз заминда туғилган автобиографиянинг икки муҳим типига тўхталамиз.

Биринчи типни шартли равишда платонча тип деб номлаймиз. Бу даставвал Платоннинг “Сукрот раддияси (апалогия)”, “Федон” асарларида бир қадар равшанроқ ифода этилган. Инсон ўз-ўзини автобиографик англашига доир бу тип мифологик метаморфозанинг қатъий шакллари билан боғлиқ. Унинг моҳиятида “асл илми излаётган одамнинг ҳаёт йўли” – хронотопи ётади. Бу изланувчининг ҳаёти аниқ чегараланган даврлар ва поғоналарга бўлинади. Йўл манманга хос беадаблилик, изтиробли иккиланишлар, ўзни ва шу орқали асл маърифатни англаш орқали ўтади (математика ва мусиқа).

Илк платонча, рим-эллин заминдаги, изланувчиликка доир йўл қолипи фавкулдда мураккаб ҳолатларни намоён этади: изланувчи қатор фалсафа мактаблари оралаб синондан ўтиши ва йўлнинг маълум вақт оралиқларида бўлинишини ўз асарлари негизда белгилаши. Ушбу муҳим аҳамиятга молик, мураккаб қолипга биз ҳали яна қайтамиз.

Платонча қолипда инкироз ҳолати ҳам, айниш ҳолати ҳам мавжуд (башоратчи-коҳиннинг сўзлари Сукрот ҳаёт йўлининг бурилиш нуктаси сифатида). Изланувчи йўлининг хос табиати руҳнинг гоё моҳиятига мушоҳада йўли билан киришдек ўхшаш қолипга қиёсан очилади (“Базм”, “Федр” ва бошқ.). Бу ўринда айни қолипнинг мифологик ва мистик (ўрта аср христиан драмаси) култли асоси очиқ-равшан майдонга чиқади. Бундан, биз юкорида айтиб ўтган, “тарихий истифода” билан туғишганлик масаласи ҳам ойдинлашади. Сукрот йўли, у “Апалогия”да ёритганидек, ўша метаморфозанинг расмий-риторик ифодасидир. Бу ўринда реал биографик замон айни метаморфозанинг идеал ва ҳатто, абстракт замони билан деярли қоришиб кетган. Сукрот образининг моҳияти айнан ушбу идеал-биографик қолипда очилмайди.

Иккинчи юнон типни – риторик автобиография ва биография.

Мазкур тип асосида, қадим “йиғи-йўқлов”(тренос)нинг ўрнини эгаллаган, фуқароларнинг тобут тепасидаги хотирлаш нутқлари – “энкомион”<sup>1</sup> ётади. Худди шу энкомион шакли биринчи антик автобиография шаклини тайин этган – Исократнинг ҳимоя нутқи.

Бу мумтоз тип ҳақида сўзлаганда, биринчи навбатда, қуйидагиларга эътибор қаратиш жоиз. Автобиография ва биографиянинг ушбу мумтоз шакллари конкрет ижтимоий-сиёсий воқеалар, уларнинг очиқ эълон этилишидан холи, адабий-китобий характердаги асарлар эмас эди. Аксинча, уларнинг ўзи ушбу воқеа-ҳодисаларда конкретлашади. Улар бирор сиёсий-фуқаролик ҳодисасининг оғзаки тарздаги расман мадҳ этилиши ёки одамларнинг ўзи ҳақидаги расмий ҳисоботи эди. Шунинг учун бу ўринда наинки уларнинг ботиний хронотопи балки энг аввал, ўша зоҳирий реал хронотоп, тасвир этилган хос ёки умум ҳаёти воқелиги, амалда юз берадиган, сиёсий-фуқароликка доир ҳодисаларнинг расман намоёиш этилиши ёки ҳисоботи муҳимроқ. Фақат, хос ёки умумҳаёти очиладиган (расмийлашадиган), реал хронотоп шароитидагина инсон образи ва ҳаётининг чегаралари белгиланади, аниқ манзараси берилади.

Бу реал хронотоп – майдон. Мумтоз антик заминдаги одамнинг ҳаёти, автобиографик (ва биографик) тарзда ўзини англаши, айнан шу майдонда намоён бўлди ва шаклланди.

Пушкин театр санъати “майдонда туғилган” деганида “оддий халқ”ни, бозорни, муваққат томошахоналарни, қовоқхоналарни, демакки, XVII – XVIII ва ундан кейинги асрлардаги Европа шаҳарларини назарда тутган эди. Шунингдек, у расмий ҳокимият, расмий жамият (яъни ҳуқуқи чекланмаган табақалар), уларнинг расмий фанлари ва санъатларининг айнан шу майдонда эканига ишора қилган эди.

<sup>1</sup> Энкомион – қадим юнон ижтимоий муҳитида марҳумлар хотираси ҳақида сўзланган, бадиийлашган нутқ шакли, (– У.Ж.)



Ҳолбуки, антик майдон – бу олий суд, барча илмлар, санъатларни қамраб олган ҳокимиятнинг ўзи – халқ ҳам унинг ўзида. Бу давлатдан тортиб адолатгача барча олий инстанциялар аниқ намоёиш этиладиган ва жамланадиган, ошқора борлиқдан иборат ғаройиб хронотоп эди. Ва бу аниқ, шунингдек, камровдор хронотопта фуқаронинг бутун ҳаётига кўз ташланади, расмий-фуқаролик назорати ўтказилади.

Буткул тушунарлики, бундай биографик одамда (одам образида) қатъиян ўзига қаратилган ҳеч қандай ғайрирасмий ҳиссиёт, хусусий сирлар бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Бу ерда одам ҳар томонлама очиқ, тамомила ташқарида. Ҳеч нарса унинг “фақат бир ўзига” қаратилмаган. Бирор нарса расмий ҳокимият назорати ва ҳисоботиға молик эмас. Бу ўринда ҳамма-ҳамма нарса, бошдан-охир расмий ҳолатда бўлган.

Ўз-ўзидан аёнки, бундай шароитда бегона ёки хусусий ҳаётга – автобиографик ва биографик нуқтаи назардан – бўлган ёндашув ўзаро ҳеч қандай қатъий фарққа эга бўлиши мумкин эмас. Кейинчалик, инсоннинг расмий бутунлигига путур етган эллин-рим даврида, Тацит, Плутарх ҳамда баъзи бошқа воизлар инсон ўз-ўзини шарафлаши мумкинми, деган ижтимоий масала кўйганлар. Бу масала ижобий ҳал қилинган. Плутарх Гомердан бошланган материаллар (қаҳрамонлар ўз-ўзини шарафлаган ўринлар)ни талқин қилиш асносида ўзни шарафлаш мумкинлиги ҳақидаги қарашни жорий қилади ва бу қайси шаклда амалга оширилиши, қандай ҳолларда салбий оқибатлардан қочиш мумкинлиги хусусида кўрсатмалар беради. Иккинчи даражали воизлардан бири Аристид ҳам кўламдор материаллар асосида шундай фикрга келади: яъни ўзни мағрурона шарафлаш – соф эллинча чизги ва бу мумкин бўлган, тўғри ишдир.

Умуман, бундай масаланинг майдонга чиқиши характерли ҳолат. Ахир ўзни шарафлаш ягона инсон ҳаётига биографик ва автобиографик ёндашувнинг кўзга яққол ташланадиган шакли, холос. Шунинг учун ўзни шарафлаш масаласида кўйилган махсус савол бундан каттароқ, умумийроқ саволга олиб келади. Ўз ҳаётига бу тарзда ёндашувнинг мумкинлиги ўзга ҳаётига ҳам (ўз-ўзига ёки бегонага) шундай ёндашиш имконини беради. Масаланинг бу тарзда кўйилиши р а с м и й мумтоз одам деган я х л и т л и к парчалангани, биографик ва автобиографик шаклларнинг қатъий дифференциацияга учраганидан далолат беради.

Лекин, инсоннинг ўз-ўзини англаш йўлидаги ҳаракати бошланган, юнон майдони муҳотида бундай дифференциация ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Ботин одами – “одам ўзи учун” (мен ўзим учун) тушунчаси ва ўз-ўзига махсус ёндашув ҳали йўқ эди. Инсон ва ўзни англаш аро яхлитлик соф расмий тарзда бўлганди. Инсон, қатъий ҳолатда, айна сўз ташида эди.

Бундай зохирийлик мумтоз санъат ва адабиётдаги инсон образининг муҳим хусусиятидир. У турли-туман, ранг-баранг образларда намоён бўлади. Шу ўринда унинг ҳаммага маълум бир кўриниши ҳақида сўз юритамиз.

Адабиётдаги юнон кишиси – Гомердаёқ – ҳаддан ташқари тийиксиз, жаҳлдор тарзда тасвирланади. Гомер қаҳрамонлари ўз ҳиссиётларини ўта кескин ва баралла ифода этадилар. Айниқса уларнинг тез-тез, дод солиб йиғлашлари, оҳ-воҳ чекишлари кишини ҳайрон қолдиради. Ахилл ва Приам билан бўладиган машҳур саҳнада, Ахилл ўз чодирда туриб шу қадар хўнграб йиғлайдики, унинг фарёди бутун юнон лагери бўйлаб ёйилади. Бу сахнани ҳар ким ҳар хил тушунтиради. Кимдир уни жўн (примитив) психологияга хос ҳолат деса, бошқа биров адабий каноннинг шартлилиги билан изоҳлайди. Яна бировлар Гомер тилининг ўзига хослиги, ҳиссиётнинг турли босқичларининг хилма-хил зохирий поғоналарда берилиши ёки ҳиссиётларни тасвир этишдаги нисбий умумлаштириш тарзида тушунтирадилар (масалан, XVIII аср кишилари, яъни маърифатчилари ҳам, тез-тез ва бажонидил йиғлаб турганлар). Аммо гап шундаки, антик қаҳрамон образида бу ягона чизик бўлмаган, у образдаги бошқа чизиклар билан уйғунлашган ва одатда тахмин қилинганлардан кўра қатъийроқ асосга эга бўлган. Бу чизик расмий одамнинг, биз юқорида сўз юритган, мутлоқ шаффофлигидир.

Мумтоз давр юнон кишиси учун ҳар қандай воқелик о ш к о р а ва ж а р а н г д о р бўлган. У (моҳиятига кўра) кўринмас ва соқов воқелик нималигини билмай-



ди. Бу воқеликнинг барча турларига, айниқса, инсон деган воқеликка бевосита алоқадор бўлган. Соқов ботиний ҳаёт, тилсиз изтироб, гунг тафаккур юнон учун тамомила бегона эди. Буларнинг ҳаммаси – қайсики, ботин ҳаёти, фақат очиқ-ошкор, ўз жаранги ва ўз қиёфаси билангина мазмун касб этган. Масалан, Платон фикрлашни инсоннинг ўз-ўзи билан мулоқоти деб тушунган (“Теэтет”, “Софист”). Том маънодаги ички соқов тафаккур тушунчаси фақат мистика заминиди пайдо бўлган (бу тушунча илдизлари Шарққа бориб такалади). Бундай ҳолатда Платон тушунган ўз-ўзи билан мулоқот, сира ҳам (бегонага муносабатдан фарқли тарзда) ўз-ўзига махсус муносабатни талаб қилмайди. Ўз-ўзи билан мулоқот босқичма-босқич ўзга билан муносабатга ўтади. Бу ўринда қатъий чегаранинг бўлиши ҳаёлга ҳам келмайди.

Инсоннинг ўзи эса ҳеч қандай соқов ва кўринмас ядрога эга эмас. У том маънода кўринмас ва соқов (эшитмас) эмас, унинг бутун борлиғи зоҳир. Шунингдек, бирор соқов ва кўринмас муҳит йўқки, инсон унга мансуб бўлса ёки шу орқали таърифланса (платонча ғоя ҳукмронлиғи – тўла маънода, ошқора ва баланд овозга эга эди). Мумтоз юнон дунёқараши, айниқса, инсон ҳаётининг соқов ва кўринмас бўлган марказига дахл қилишдан йироқ эди. Классик одам ва унинг ҳаётига доир кенг тасвир шу билан белгиланади.

Фақат эллин ва рим даврига келиб, бутун бошли муҳит воқелиғи, инсон ҳамда унинг барча соқов кўрсаткичлари, қатъий тарздаги пинҳонлиги да кўчиш жараёни юз берди. Бу жараён ҳатто антик заминда ҳам тўла ниҳояланмади. Ажабки, ҳатто хушбахт Августиннинг “Тазарру”сини ҳам “ўзи ҳақида”ги асар деб ҳисоблаш мумкин эмас. Уни фақат баланд овозда ўқиш керакки, шакл-шамойилида у, европа кишиси илк бор ўзини англаган юнон майдонлари руҳини сақлаб қолган.

Юнон кишисининг мутлоқ очиқ-ошкорлиғи ҳақида сўз кетар экан, бу ўринда фақат шахсий нуқтаи назаримизни илгари сурамиз, албатта. Юнон кишиси бундай зоҳирий ва ботиний (соқов ва кўринмас) бўлиниш ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмаган. Инсон образиди “ботинийлик” юнон кишиси учун биз тушунадиган “зоҳирийлик” билан бир қаторда турган. Яъни нима очик-ошкор бўлса, юноннинг ўзи ва бошқалар учун ҳам шундай бўлган. Шунга алоқадор равишда инсон образининг барча кўринишлари бирхиллик касб этган.

Бироқ инсоннинг бу тарздаги буткул очиқ-ошкорлиғи кимсасиз заминда (“юлдузли осмон остидаги яланғоч ерда”) эмас, балки жонли инсонлар жамоасида, “халқда” бўлган. Шунинг учун инсоннинг асл моҳиятини акс эттирган “зоҳир” қандайдир (“жаҳон саҳросидек”) бегона ва совуқ бўлмаган. Аксинча, унда халқ меҳри жўш уриб турган. Зоҳирий бўлмоқ – бошқалар учун, жамоат учун, ўз халқи учун очиқ-ошкор бўлмоқ дегани. Инсон, халқ медиумида<sup>1</sup>, ўз стихиялари билан зоҳирда эди. Шунинг учун ҳам инсоннинг бундай зоҳиран ягона ошқора бутунлиғи расмий табиатга эга эди.

Мумтоз санъат ва адабиётдаги инсон образининг такрорланмас хусусияти шу билан белгиланади. Барча моддийлик ва зоҳирийлик унда жонлантирилган, жаддалаштирилган. Бизнинг нуқтаи назаримиздаги барча ботиний ва руҳий ҳолатлар моддийлашган ва зоҳирга айланттирилган. Худди гит<sup>2</sup> табиати (бунинг учун “илк феномен” бўлиб хизмат қилган образ)га ўхшаб, у “на пўстлоқ, на мағизга эга”, унда на зоҳирийлик, на ботинийлик бор. Унинг кейинги даврлардаги инсон образидан кескин фарқ қиладиган жиҳати шунда.

Кейинги даврларда инсон дахлдор бўлган ушбу соқов ва кўринмас муҳит унинг образини бузиб кўрсатган. Соқовлик ва кўринмаслик унинг ботинигача кирган. Улар билан бирга ёлғизлик ҳам кириб келган. Хусусий ва чегараланган инсон – “инсон ўзи учун” – расман ўзининг ибтидоси бўлган ягоналиғи ва бутунлигини йўқотган. Бундай ўзини англаши халқона майдон хронотопини йўқотиб бўлгач,

<sup>1</sup> Медиум [< лат. medius ўртадаги] – спиритлар (марҳумлар руҳи билан гаплашиш мумкинлигига ишонувчилар) тасаввурига кура арвоҳлар ва халқ ўртасида воситачилик қилиш имкониятига эга шахслар (– У.Ж.).

<sup>2</sup> Гит [англ. heat] – икки нарса – икки спортчи ёки икки пойгачи отнинг финишга томон бир тан бўлиб етиб келишини билдиради (– У.Ж.).

худди шундай реал, бирбутун, бўлинмас хронотопни топа олмади. Шу боис у парчаланди, бўлиниб кетди, мавҳумликда баркамолликка дўнди. Норасмий одам ва унинг норасмий ҳаётида умуман расмийчиликдан холи бўлган (жинсий доира ва ҳ.к. сингари) ёки фақат сирли кулбага хос кўплаб доиралар ва объектлар пайдо бўлди. Инсон образи серқатлам ва кўп таркиблилик касб этди. Унинг маъзи билан пўсти ажралди.

Биз тадқиқотнинг кейинги қисмларида жаҳон адабиётининг инсонни янгича, антик давр образ стилизациясига таянмаган ҳолда ёритишдаги энг қамровдор уриниш Рабледа бўлганини кўрсатамиз.

Бошқа бир уриниш, антик даврга хос тамомила бошқа асосдаги яхлитлик ва ёритилганликнинг қайта тирилиши Гёте томонидан амалга оширилган.

Юнон энкомиони ва илк автобиографиясига қайтамиз. Биз тономимиздан ишлаб чиқилган антик ўзни англашнинг муҳимлиги, биографик ва автобиографик ёндашув, ёлғизлик, унга алоқадор равишда расмийлик билан белгиланишида кўринади. Аммо энкомиондаги инсон образи ҳаддан ташқари фавқулудий ва эгилувчан ҳолда тасвирланади. Шаклланиш ҳолатлари эса унда деярли йўқ ҳисоби. Энкомионнинг бошланиш нуқтаси – белгиланган ҳаёт шаклининг идеал образи – лашкарбошининг, шохнинг, сиёсий арбобнинг белгиланган мавкеи. Ушбу идеал шакл – кейинги вазиятда талаблар уйғунлигини тақдим этади: лашкарбоши қандай бўлиши керак, унинг ўзига хос фазилатлари нимада. Мадҳ этилаётган шахснинг бу каби барча хусусиятлари ва фазилатлари унинг ҳаёти тавсифи давомида очилади. Марҳум идеали ва образи қоришиб кетади. Мадҳ этилаётган қаҳрамон образи эгилувчан ва одатда у ҳаётининг қамолот босқичларида берилади.

Энкомионда ишлаб чиқилган биографик қолипларда, химоя нутқи шаклида, илк автобиография вужудга келди. Хусусан, Исократнинг (айниқса, итальян ва инглиз гуманистлари орқали) жаҳон адабиётига кучли таъсир кўрсатган автобиографияси. Бу – ўз ҳаёт йўли ҳақидаги расмий апологетик<sup>1</sup> ҳисоботдир. Ўз образини шакллантириш принциплари худди энкомиондаги марҳум образини шакллантириш принципларига ўхшайди. Унинг асосига воизнинг идеали қўйилади. Воизлик фаолиятининг ўзи Исократ томонидан ҳаётининг фаолиятнинг олий шакли сифатида шарафланади. Исократнинг бундай профессионал ўзни англаши мутлоқ конкрет табиатга эга. У ўзининг моддий аҳолини тавсифлайди, воиз сифатида топадиган маоши ҳақида сўз юритади. (Бизнинг назаримизда) бу унсулар том маънода норасмий, (яна бизнинг нуқтаи назаримизга кўра) тор касбий доирада ва бу унсулар ижтимоий-давлатчиликка доир. Ниҳоят, бу ердаги фалсафий ғоялар ягона қаторда туради ва ўзаро чатишиб кетган. Бу унсуларнинг барчаси мутлоқ бир хиллик сифатида қабул қилинади ва инсоннинг ягона, бирбутун пластик образига қўшилиб кетади. Бу ўринда инсоннинг ўз-ўзини англаши шахсиятига хос шундай ҳолатларга таянадики, у том маънода зоҳирийлик касб этади, ўзига қандай кўринса, бошқаларга ҳам шундай кўринади. Фақат ўзни англаш ўз таянчлари, бутунлигини қидиради, дейлик, у бошқа – шахсий-интим, “ўзликка хос”, такрорланмас индивидуал ҳолатлар нима эканини билмайди.

Бундай автобиографиянинг махсус норматив-педагогик табиати худди шу жойдан бошланади. Унинг сўнгида тўғридан-тўғри тарбияга йўналтирилган идеал таклиф этилади. Барча автобиографик материаллар эса норматив-педагогик нуқтаи назардан ёритилади.

Аммо унутмаслик жоизки, ушбу илк автобиографиянинг майдонга келиши юнон расмий кишининг (у худди эпос ва трагедияда очилганидек) парчаланиш даврига тўғри келади. Ушбу асарнинг бир қадар шаклий-риторик эканлиги ва мавҳум табиати шундан.

Рим автобиографиялари ва мемуарлари эса бошқа реал хронотопдан таркиб топади. Улар учун ҳаётининг замин бўлиб рим о и л а с и хизмат қилган. Бу ўринда автобиография – оиланинг ўз-ўзини англаш ҳужжати. Аммо ушбу оилавий за-

<sup>1</sup> Апологетика [ гр. apologetikos химоявий] – 1) бичиб-тўқилган химоя нутқи, объектив баҳо ўрнига мадҳ этиш; 2) диний қарашларнинг ҳаққоний эканлиги асосланган илоҳиётга доир бир бўлим (– У.Ж.).

минда автобиографик ўзни англаш норасмий, шахсий-интим қиёфа касб этмайди. У теран расмий табиатини сақлайди.

Рим оиласи (оқсуяклар) – бу буржуа оиласи эмас, балки барча шахсий-интим-ликларнинг рамзидир. Рим оиласи шундай оилаки, у давлат билан том маънода қўшилиб кетади. Чунки Рим оила бошлиқларига давлат ҳокимиятининг маълум унсурлари ишониб топширилган эди. Муҳим аҳамиятга молик оилага доир (уруғчилик) диний инончлар, давлатга оид инончларнинг изчил давоми бўлиб хизмат қилган. Аждодлар миллий идеалнинг намунаси эдилар. Ўзни англаш уруғ ва аждодларнинг аниқ хотирасига, айна пайтда авлодларга йўналтирилган эди. Оила-уруғчилик анъаналари отадан ўғилга мерос тарзида ўтиши лозим эди. Ҳар бир оила уруғ силсиласига доир ёзма ҳужжатлар архивига эга бўлади. Автобиография оила-уруғчилик анъаналарининг биридан бошқасига ўтиш тартибига кўра ёзилади ва архивга қўйилади. Бу эса автобиографик ўзни англашни **р а с м и й-т а р и х и й** в а **д а в л а т г а** оид бўлишига олиб келади.

Автобиографиянинг бундай Римга хос тарихий ўзни англаш жараёни уни ҳаётда, айнан майдонда мавжуд замондошлари ҳақида сўз юритадиган юнон автобиографияларидан фарқлаб туради. Римга хос ўзни англаш, биринчи навбатда, ўзини ўтмиш уруғлари ва ижтимоий ҳаётга ҳали кириб келмаган авлодлари занжиридаги бир ҳалқа каби сезади. Шунинг учун ҳам у кўп ҳам қайишқоқ эмас, аммо шунга яраша замон унсурлари билан тўлиб тошган.

Рим автобиографияси (шунингдек, биографияси)нинг бошқа бир ўзига хос жиҳати – *prodigia*, яъни унинг талқиндаги аломатларнинг ўрнида кўринади. Бу ўринда у (XVII аср романларидагидек) зохирий сюжет чизиги эмас, аммо шунга қарамадан автобиографик материални англаш ва шакллантиришда жуда муҳим тамойил вазифасини бажаради. Худди шундай муҳим, соф рим автобиографиясига хос “бахт” тушунчаси, у билан мустаҳкам боғланишга эга.

Инсоннинг тақдир аломатлари сифатида намоён бўладиган ташаббускорлиги, унинг бутун ҳаётида бўлгани каби, шахсий-индивидуал, расмий-давлатчилик фаолияти сифатида ҳам *prodigia*га бориб қуйилади. *Prodigia* – барча давлатга хос ташаббускорлик ва ҳодисаларнинг бошида турадиган муҳим ҳолат. Ҳокимият эса аломатларни синаб кўрмасдан туриб бир қадам ҳам ташламайди.

*Prodigia* – давлатнинг унга бахт ёки бахтсизлик ҳақида хабар берадиган тақдир кўрсаткичлари. Худди шу жойдан, тақдир давлат тақдир билан мустаҳкам боғлиқ диктатор ёки лашкарбоши шахсиятига ўтилади ва буларнинг ҳаммаси шахс тақдирига бориб қўшилади. Шу тариха саодатли қўл (Сулла), бахтли юлдуз (Цезар) диктатори пайдо бўлади. Бахт категорияси, бу заминда муҳим ҳаётий аҳамият касб этади. У шахс ва унинг ҳаёти шаклини олади (“ўз юлдузига ишониш”). Бундай бошланма Сулла автобиографиясида унинг ўзини англашини кўрсатади. Аммо, тақдор айтадигани, бунда Сулла ёки Цезарнинг саодаги: шахсий ва давлат саодати бирикиб кетади. Бу, энг камида, хусусий, норасмий бахтдир. Илло, бундай саодат фаолиятда, ҳукумат доирасидаги ташаббускорликда ва урушларда мазмун касб этади. У мутлақо фаолиятдан, ижоддан, меҳнатдан ва уларнинг расмий-ҳокимиятдаги мазмунидан айро эмас. Шу тариха, бу ердаги бахт-саодат тушунчаси XVII аср охири фалсафаси ва эстетикаси (Юнг, Гаман, Гердер сингари шиддаткор генийлар) да шундай тушунилгани каби, бизнинг тасаввуримиздаги “қобилият”, “хиссиёт” ва “гениаллик”ни ҳам қамраб олади. Кейинги асрларда ушбу бахт категорияси бир қадар парчаланиб, хусусийлашиб кетди. Барча ижодий ва расмий-давлатчиликка хос ҳолатлар бахт категориясида воз кечдилар. Эндиликда у норасмий-хусусий, ижодга хос бўлмаган нуқтага айланди.

Ушбу римга хос махсус чизгилар билан бир қаторда юнон-эллин автобиографик анъаналари ҳам ҳаракатланади. Рим заминидаги қадим марсия (*naenia* – ҳарбийлар, лашкарбошилар ўлимига бағишланган йиғи)лар ҳам марҳумлар тобути устида сўзланадиган – “лаудация” нутқлари билан қўшилиб кетган эди. Бу ўринда юнон-эллин риторик қолипи ҳукмронлик қилади.

“Шахсий қўлёзма” ишлар рим-эллин заминидаги муҳим автобиографик шакл тарзида намоён бўлади. Айтиб ўтганимиздек, худди шу шаклга платонча илм из-

ловчи қолипнинг жиддий таъсири бўлган. Аммо бу ўринда унинг учун тамомила бошқа, объектив таянч топилган. Шахсий асарлар каталоги берилади, уларнинг мавзулари ёритилади, уларнинг ўқувчи олдидаги муваффақиятлари кўрсатилади, улар (Цицерон, Гален ва бошқ.)га автобиографик шарҳлар берилади. Қатор хусусий асарлар ўз ҳаётидаги замон йўлини англаш учун реал ва мустаҳкам асос беради. Хусусий асарларга кетма-кет равишда биографик замоннинг чуқур изи қолади, у объективлашади. Шу билан бир қаторда, бундай ўзни англаш жараёни “кимнингдир” олдида эмас, аниқ ўқувчилар оммаси учун очиб берилади. Автобиография айнан шулар учун шакллантирилади. Автобиография, ўзлик ва хусусий ҳаётнинг ғужлашуви, бу ўринда, расмийликнинг ўта кичик даражадаги мутлоқ янги типига молик бўлади. Ушбу автобиографик типга олийжаноб Августиннинг “Retractationes” (“Воз кечиси ҳақидаги хужжат”)и ҳам қиради. Янги даврда бу қаторга кўплаб гуманистлар (масалан, Чосернинг) асарларини киритиш лозим. Аммо ундан кейинги даврларда бу тип фақат ижодий биографияларнинг ўта муҳим жиҳатига айланиб қолди (масалан, Гётеда).

Инсоннинг расман ўзини англаши деб номлаш мумкин бўлган антик автобиографик шакллар шундан иборат.

Энди қисқача рим-эллин давридаги биографик шаклларга тўхталамиз. Бу ўринда, ҳаммасидан аввал, антик биографларга Аристотелнинг ўтказган таъсирини қайд этиш жоиз. Айнан энтелехия га доир илмлар, сўнгги нишонлар ҳақида бўлганидек, тараққиётнинг биринчи сабабидир. Бундай аристотелча нишоннинг ибтидо билан айнанлиги биографик замон хоссаларига у қадар муҳим таъсир кўрсата олмаган. Характер мукамаллиги тугал тараққиёт ибтидоси эканлиги худди шу жойдан бошланади. Шу жойдан асл характер ташкилланиши, ўзига хос “характер инверсия (алмашинуви)си” амалга ошади. Инсоннинг бутун ёшлик даври камолотга томон йўл сифатида талқин этилади. Фаолиятнинг машхур унсури фақатгина иштиёқ кураши, жазава ҳамда олижанобликка интилиш, уни абадиятга бахш этмоқдир. Бундай кураш ва машқ характернинг ўзига хослигини мустаҳкамлайди, холос, аммо бирор янгилик кашф этмайди. Асос бўлиб тугал инсоннинг барқарор камолоти қолади.

Айни асосда антик биографиянинг икки типи ётади.

Биринчи типни энергетик тарзида номлаш мумкин. Унинг моҳиятида энергияни аристотелча тушуниш ётади. Инсоннинг том маънодаги мавжудлиги ва моҳияти вазият эмас, балки ҳаракат, ҳаракатдаги куч (“энергия”)дир. Ушбу “энергия” қарор ва ифодаларда характернинг келиб чиқишидир. Бундай ҳаракатлар давомида инсоннинг сўзи ва бошқа ифода йўсинлари фақат (бегона, “учинчи” учун) зохирий кўриниш сифатида эмас, балки характернинг қандайдир ботиний мазмунига кўра, бундай кўринишлар ёнида, яъни гоҳ улар билан, гоҳ уларсиз намоён бўлади. Характер ўзининг зохирийлиги, ифодавийлиги, комиллиги ва эшитилиш даражаси билан бир қаторда бўлишига қарамасдан, тўлгин ҳаракат, тугал мавжудликка эриша олмайди. Ҳаракат нақадар тугал бўлса, мавжудлик ҳам шунчалик тўлиқ бўлади.

Шунинг учун инсон ҳаёти (биос) ва характерини акс эттириш инсонга хос табиат (фазилат ва нуқсонлар)ни таҳлилий тасвирлаш, бу хусусиятларни унинг барқарор образига тиркаш йўли билан эмас, балки қилган ишлари, сўзлаётган сўзи, фаолияти, киёфасида намоён бўладиган аломатларни тасвирлаш йўли билан амалга оширилиши керак.

Биографиянинг бундай, жаҳон адабиёти (нафақат биографик асарлар)га улкан таъсир кўрсатган энергетик типни Плутарх томонидан тақдим этилган.

Плутархнинг биографик замони специфик хусусиятга эга. Бу шундай замонки, унда инсоннинг шаклланиши ва ўсиш жараёнлари эмас, балки х а р а к т е р и о ч и л а д и<sup>2</sup>. Тўғри, бундай очиш, характернинг бу каби “намойиш”и унда йўқ. Аммо “энтелехия” сифатида у олдиндан белгилаб қўйилган ва фақат муай-

<sup>1</sup> Энтелехия [гр. entelecheia] – Аристотел фалсафаси ва схоластика (тажрибага асосланмаган) илмида – покизалик, аниқ мақсаднинг ҳаракатдаги куч эканлиги, фаол ибтидо, имкониятни ҳаракатга айлантурувчи восита сифатида талқин қилинади (–У.Ж.).

<sup>2</sup> Замон – феноменаль, характер моҳияти эса замондан ташқарида. Характернинг субстанциаллиги замон билан берилмайди.



ян йўналишдагина очилиши мумкин. Характер майдонга келадиган тарихий воқеликнинг ўзи фақат муҳит ёки характернинг шаклланиши – унинг ҳаракатлари, сўзлаши учун баҳона бўлиб хизмат қилади, холос. Аммо характерни белгиловчи таъсир кўрсатишдан, уни шакллантириш, вужудга келтиришдан мутлақо холи. У фақат характерни фаоллаштириши мумкин. Тарихий воқелик бор-йўғи инсон характерини очиш учун сахна, бошқа ҳеч нарса эмас.

Тарихий воқеликдан ажратиб бўлмайдиган биографик замон воқеликка нисбатан қайтарилмасдир. Бироқ характерга нисбатан бундай замон қайтарилувчан: характернинг у ёки бу чизиғи ўз-ўзича сал аввалроқ ёки сал кейинроқ пайдо бўлиши мумкин. Характер хусусиятларининг ўзи хронологиядан холи, улар замон аро майдонга келади. Характер ўзича ўсмайди, ўзгармайди. У бор-йўғи т ў л и - ш а д и: илк парчаларда номукамал, очилмаган характер охирида т ў л а очилади ва мукаммаллашади. Шунингдек, характернинг очилиш йўли унинг тарихий воқеликка ёндош ҳолатда ўзгаришига, қайта шаклланишига эмас, балки фақат унинг т у г а л л а н и ш и г а, демакки, аввалданок чизги берилган бошланган шу шаклни тўлғазишга олиб боради. Плутарх биографик типи шундай.

Биографиянинг иккинчи типини аналитик деб номлаш мумкин. Унинг асосига бутун биографик материал тақсимланадиган муайян рукнли қолиплар қўйилади. Яъни ижтимоий ҳаёт, оила турмуши, урушдаги ҳолатлар, дўстлар билан муносабатлар, аждодлар ҳикматларни муносиб тарзда хотирлаш, яхши фазилатлар, қусур-нуқсонлар, зоҳирий қиёфа, *habitus*<sup>1</sup> ва бошқалар. Характернинг хилма-хил чизгилари ва ўзига хос қирралари қаҳрамон ҳаётининг т у р л и з а м о н л а р и д а рўй берган воқеалар, тасодифлар кўрсатилган рукнларга тақсимланади. Чизги учун ўша шахс ҳаётдан далил сифатида бир-икки мисол келтирилади.

Шу тарика, биографик замон қатори, бу ўринда парчаланган бўлади: бир рубрика остига ҳаётнинг т у р л и з а м о н л а р и г а хос ҳолатлар жамланади. Бу ўринда бош бошқарувчи ҳам характер б у т у н л и г и бўлади. Бунда бутунликка оид бирор қисмининг пайдо бўлишига замон ва тартибнинг у қадар аҳамияти йўқ. Чунки илк чизгилар (характернинг илк намоён бўлиши)нинг ўзиёқ ушбу бутунликнинг мустақкам ташки кўринишини белгилайди. Бошқа барча нарсалар ё замон замоний (биринчи тип биографияда), ёки тизимли тартибда (иккинчи типда) ушбу ташки кўринишнинг ичига жойлашади. Иккинчи антик типдаги биографиянинг бош вақили Светоний эди. Агар Плутарх адабиётга, айниқса, драмага (чунки биографиянинг энергетик типини моҳиятан драматикдир) улкан таъсир кўрсатган бўлса, Светоний тор биографик жанрга (инчинун, ўрта асрлардаги) бундан ҳам кўпроқ таъсир кўрсата олди. (Бундай рукнли биография типини ҳатто бизнинг замонамизгача ҳам сақланиб келади: инсон сифатида, ёзувчи сифатида, оила бошлиғи сифатида, мутафаккир сифатида ва ҳ.к.).

Шу пайтгача тилга олинган барча автобиографик ва биографик шакллар (инсонга ёндашув нуқтаи назаридан ушбу шакллар ўртасида қатъий фарқ бўлмаган) моҳиятан расмий характерга эга. Энди биз автобиографик шаклларнинг инсонни расман акс эттиришидаги парчаланишлар, ёлғизликда ўзини англаётган норасмий одам ва унинг норасмий турмушида кўзга ташланадиган ўринларга дахл қилишимиз керак бўлади. Антик замин автобиографияси соҳасида инсон ва унинг ҳаётини хусусийлаштиришнинг илк жараёнларинигина кузатамиз. Шу боис ҳам, ё л ғ и з л и к д а ў з и н и а н г л а ш н и н г янги автобиографик ифодаси бу ерда ҳали ишлаб чиқилмаган эди. Бор-йўғи мавжуд расмий-риторик шаклларнинг махсус модификация (шакл ўзгартириш – У.Ж.)си яратилган эди. Бу ўринда, асосан, модификациянинг уч кўринишини кузатамиз.

Биринчи модификация – бу ўзини ва ўз ҳаётини сатирик-ироник ёки юмористик сатиралар, диатриб<sup>2</sup>ларда ифодалаш. Горадий, Овидий, Проперцийларнинг ҳаммага маълум, ўз ичига расмий-қаҳрамонлик шакллардаги пародияларни қамраб олган шеърлий ироник автобиографиялари ва тавсифномаларини махсус қайд

<sup>1</sup> *Хабитус* [лат. *habitus* ташки қиёфа] – инсон, ҳайвонлар, ўсимликлар, кристалларнинг ташки қиёфаси (– У.Ж.).

<sup>2</sup> *Диатриб* [гр. *diatribe* машғулот, нутқ тайёрлаш, нутқ] – муайян шахсга қаратилган кескин, аччиқ, айбситувчи, таъна-маломатга бой нутқ (– У.Ж.).



этамиз. Бу ўринда хусусий ва норасмийлик (ўзининг ижобий ифода шаклини топмасдан) ирония ва юмор шаклига ўраб берилади.

Ўзининг муҳим тарихий акс-садосига эга бўлган иккинчи модификация Цицероннинг Аттикага хатлари мисолида намоён бўлади.

Расмий-риторик шакллар инсон образи бутунлигини ўлдирди, расмий-шартлилик шаклига кирди, қахрамон яшаш ва шарафлаш (хусусан, ўзни шарафлаш) сийка, ясама тус олди. Бундан ташқари, мавжуд расмий-риторик жанрлар, моҳиятан, ҳам энига, ҳам бўйига қараб тўхтовсиз ўсиб бораётган ва бунга сари ўз-ўзига ўралашиб қолаётган норасмий турмуш ифодасига ўрин бермади. Бундай шароитда маҳдудлик шакллар, биринчи навбатда, дўстлик мактублари катта аҳамият касб эта бошлайди. Ошиқона-дўстлик вазиятларида (шартли равишда албатта) инсоннинг янгича, норасмий-маҳдуд тарзда ўзини англаши кўзга ташланади. Омад, бахт, мукофотга лойиқ иш кўрсатиш сингари биографик ҳаётнинг ўзни англашга доир қатор категориялари ва шакллари ўзининг расмий-давлатчилик аҳамиятини йўқотиб, норасмий хусусий планга ўтади. Ушбу расмий-хусусий дунёга жалб қилиш табиати моҳиятан ўзгара бошлайди. Мутлоқ норасмий, ёлғиз ва ҳаракатсиз одамнинг “пейзаж”и, яъни табиатни кўриш, (кўриш предмети), камровлаш (фон, шарт-шароит) доираси дунёга келади. Бундай табиат чўпонлар ҳаётига доир идиллиялардан ёки дехқонлар ҳаёти тасвирланадиган георгикалардан кескин фарқ қилади. Бу ўринда эпос ва трагедия табиати ҳақида эса гапирмасам ҳам бўлади. Норасмий одамнинг маҳдуд дунёсига табиат тасвир бўлаклари ўлароқ қиради. Сайр соатлари, дам олиш кунлари табиат манзараси тасодикий нигоҳ ташлаш асносида очилади. Ушбу тасвир бўлаклари маданий римский норасмий ҳаётининг қалқима бутунлигига чирмашиб кетади. Аммо худди эпос ва трагедиядагидек у билан бир тан-бир жон бўлиб кета олмайди, азим, улуғвор, мустақил табиатнинг ажралмас бўлагига айланмайди (масалан, “Занжирбанд Прометей”даги табиатдек). Ушбу тасвирий бўлақлар бор-йўғи сўзда ифодаланган маҳдуд пейзаж шаклида алоҳида думалоқланган бўлиши мумкин. Ушбу янги норасмий-маҳдуд оламчада ўхшаш шаклларнинг алмашинуви ўзгача категорияларни яшаб ўтади. Норасмий ҳаётнинг инсон баъзи ўзини уйидагидек сезадиган, баъзи ҳолатларда эса норасмий тарзда ўзлигини англайдиган минглаб майда-чўдалари мазмун касб эта бошлайди. Инсон образи эпик норасмий маконга томон сурила бошлайди. Эндиликда у ўзининг деярли хонаки-интим, ўзгармас келишимли ҳайбатини ва бирбутун ошқорна расмийлигини йўқотади.

Аттикага хатларда худди шундай. Аммо шунга қарамасдан, ҳали-ҳамон унда шартли ва қарахтлашган кўплаб расмий-риториклик билан тириклик ва муҳимлик ёнма-ён юради. Бу ерда гўёки норасмий одамнинг келажакка оид парчалари билан қадим инсон образининг расмий-риторик бутунлиги муҳрланган (қавшарланган).

Сўнгги, учинчи модификацияни шартли равишда автобиографиянинг стоикча<sup>1</sup> типи деб аташ мумкин. Бунга, биринчи навбатда “консоляция” (тасалли) деб аталадиган типни киритиш лозим. Ушбу консоляциялар тасалли берувчи файласуф аёл билан мулоқот шаклида қурилган. Биринчи навбатда, Цицероннинг мархума кизига атаб ёзган, аммо бизгача етиб келмаган “*Consolatio*” сани тилга олиш жоиз. Худди шу қаторга унинг “*Hortensius*”и ҳам қиради. Кейинги даврларда бундай консоляцияларни Августин, Бозций ва ниҳоят, Петраркада учратамиз.

Яна учинчи модификацияга Сенеканинг хатларини, Марк Аврелийнинг (“Ўзимга”) автобиографик китобини, ниҳоят, Августиннинг “Тазарру” ва бошқа биографик асарларини киритиш керак.

Тилга олинган барча асарлар учун ўз-ўзига янгича муносабат шаклининг пайдо бўлиши характерлидир. Бундай янгича муносабат, ҳаммасидан аълороқ тарзда, Августиннинг “*Soliloquia*” терминида намоён бўлган. Бунинг маъноси “Ёлғиз одамнинг ўз-ўзи билан мулоқоти”дир. Консоляциялардаги файласуф аёл билан мулоқотлар ҳам шундай ёлғиз мулоқотларга қиради, албатта. Бу ўз-ўзига, ўз “мен”ига нисбатан гувоҳларсиз, у ким бўлишидан қатъи назар, “учинчи”га

<sup>1</sup> Стоик [гр. *stoikos*] – 1) стоикчиликка эргашувчи; 2) ҳаёт синовларини қатъият ва мардонавор ўтайдиган одам (– У.Ж.).

жавоб ҳуқуқини бермайдиган, янгича муносабатдир. Ёлғиз одамнинг ўзини англаши бу ўринда ўз-ўзига мутлоқ ғоявий, демакки, фалсафий доиралардан, олий суд босқичларидан таянч қидиради. Бу ўринда, масалан, Марк Аврелийда, ҳатто “Биров” билан кураш ҳам ўзи учун жой топа олади. “Биров”нинг, қайсики биз ўз-ўзимизга баҳо сифатида санайдиган, бизга бўлган нуктаи назари, манманлик ва куруқ шуҳратпарастлик ёки ранж-аламнинг манбаи ўлароқ намоён бўлади. У бизнинг ўзимизни англашимиз ва ўз-ўзимизга баҳо беришимизни лойқалантиради (қийинлаштиради); ундан қутулиш лозим.

Учинчи модификациянинг бошқа бир хусусияти интим-хусусий ҳаёт воқелиги вазнининг кескин ўсишидир. Бундай воқеалар муайян одамнинг улкан моҳиятга эга шахсий ҳаётида ўта тубан аҳамият касб этади. Бошқалар учун эса деярли ижтимоий-сиёсий моҳиятга эга бўлмайди. Масалан, қизнинг ўлими (Цицеронинг “Consolatio”си). Бундай ҳодисалар доирасида инсон ўзини мутлақ ёлғиз сезади. Аммо расмий аҳамиятга эга ҳодисаларда ҳам хусусий томон палласи оғирлаша бошлайди. Шунга алоқадор равишда барча эзгуликларнинг фонийлиги, инсоннинг ўлимга маҳкумлиги масалалари кескин тарзда юзага чиқади. Умуман, шахс ўлими мавзуси ўзининг турли-туман вариациялари билан инсоннинг автобиографик тарзда ўзини англашида муҳим роль ўйнашни бошлайди. Расман ўзни англашда эса унинг роли деярли нолга олиб келинган эди. Бундай янгича ҳолатларга қарамасдан, учинчи модификация ҳам сезиларли равишда расмий-риториклигича қолади. Ўрта асрларда шаклланиб, кейинчалик Европа романида ниҳоятда катта роль ўйнаган ўша асл ёлғиз одам ҳалича бу ўринда йўқ. Ёлғизлик, бу ўринда ҳали ўта нисбий ва содда ҳолатда мавжуд. Шу билан бирга ўзни англаш, маълум маънода қарахтлашганига қарамай, бу ерда етарли даражада мустаҳкам расмий таянчга ҳам эга. “Бировнинг нуктаи назари”ни (қайғу ҳисси билан курашда) рад этган Марк Аврелий ҳам расмий қадр-қиммат ҳисси билан тўлиб-тошади ва тақдирга, одамларга, ўз фазилагларига мағрурона миннатдорчилик изҳор этади. Шунингдек, учинчи модификациянинг биографик шакли ҳам расмий-риторик характерга эга. Ҳатто Августиннинг “Тазарру”си ҳам баланд овоздаги декламацияни талаб этади.

Антик автобиография ва биографиянинг асосий шакллари шундай. Улар европа адабиётида айни шакл ривожига катта таъсир кўрсатганидек, роман тараққиёти учун ҳам улкан аҳамият касб этади.

*Рус тилидан  
Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ  
таржимаси*



## АДАБИЁТ – ҲАҚИҚАТНИНГ БАДИЙ АКСИ

*Адабиёт ҳақида бир-бирига ўхшамаган ҳар хил фикрлар барча даврларда бўлган. Уни баҳолашда шахсий фикрнинг кўпроқ ўрин олиши ҳам адабиётнинг ҳолислиги билан боғлиқ. Эътиборингизга тақдим қилинаётган суҳбатда адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Қуанишбой Урозимбетов ва таниқли ижодкор, Қорақалпоғистон*

*халқ шоираси Гулистон Матёқубовалар адабиётга оид турли хил муаммолар атрофида сўз юритишади.*

**Қ.Ўрозимбетов.** Агар қарши бўлмасангиз, Сизга Гулистон опа, деб мурожаат қилсам, суҳбатимиз самимий бўлади деб ўйлайман. Сиз билан адабиёт ҳақида суҳбатлашиш иштиёқи пайдо бўлганидан бери анча вақт кечди. Тўғриси айтсам, бунга “Қорақалпоқ адабиёти” газетасини нашр қилишни ўзингиз бошлаб, меҳнат қилиб, дунёга келтиришдаги заҳматларингиз тўртки бўлди. Бундай газетанинг зарурати аллақачон пайдо бўлган бўлса ҳам, уни чиқаришга ҳеч ким, ҳаттоки шу адабиётнинг жонқуяриман, устуниман деб юрганлар ҳам ҳали бел боғлаб майдонга чиқмаган эди. Агар сир бўлмаса, тўғриси айтинг, бу газетани нашр қилишга ўзингизда қандай журъат ёки зарурат сездингиз? Газетанинг келажаги қандай бўлади деб ўйлайсиз? Бугунги кунда газета учун обуна уюштириш ёки уни киоска орқали сотиб олишни ташкил қилиш ҳам албатта осон иш эмас-да...

**Г.Матёқубова.** Ўрта аср Шарқининг буюк алломаларидан бири Жалолоддин Румий “Сўз – либос. Маъно – унда яширин асрор” деган экан. Яъни, сўзлашмоқ – суҳбатлашмоқ, сўзлар моҳиятига етиб бормоқ учун Сиз танлаган услуб маъқул деб ўйлайман. Айниқса адабиёт ҳақида суҳбатлашмоқчи бўлсак. Зеро адабиёт – инсон ички олами, руҳиятни акс эттирувчи кўнгил кўзгуси, кўздаги ва қалбдаги маъноларнинг акс-садосидир. Мана йиллар йилларга улашиб бормоқда. Мустақил давронимиз бошланганига ҳам йигирма икки йил бўлди. Уша йили дунёга келган болалар бугун балоғат ёшида. Биз тамомила янги жамият барпо этдик. Эндиликда дунё давлатлари Ўзбекистон билан қонуний равишда ҳисоблаша бошладилар. Айниқса, Қорақалпоғистонимизнинг кейинги йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, халқимиз турмуш фаровонлигининг ошиши, қишлоқларимиз қиёфаси ўзгариб бораётганлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Бугунги кунда бутун дунёнинг ривожланган мамлакатлари каби, Қорақалпоғистонимизда ҳам ўз кийим фабрикаларимиз, ўз ипак газламаларимиз, соф чармдан тикилган пойафзалларимиз ва бошқа кўплаб озиқ-овқат, саннат маҳсулотларимиз пайдо бўлмоқда. Устурт текисликларидан топилаётган газ, нефть конлари ҳали бу юртнинг келажаги яна ҳам зўр бўлишидан дарак бермоқда. Биз ижод аҳли эса бу ютуқлар ҳақида тўлиб-тошиб ёзишимиз, янги асарлар яратиш, халқимизга тақдим қилишимиз керак.

Менинг миллатим ўзбек. Лекин менинг етти авлод ота-боболаримнинг ҳам, менинг ҳам киндик қоним шу тупроққа тўқилган. Шу юртда туғилганим эса менинг бахтим. Қорақалпоқ халқининг бой оғзаки ижоди билан ошно бўлиб ўсдик. Адабиётга шу халқнинг бой маънавий меросларини ўқиб кириб келдик. Қорақалпоқ

миллати ва халқини адабиёт орқали дунёга танитган Тўлепберган оға ва Ибройим оғалардан кейин улар каби улуғ ижодкорлар яна пайдо бўлишига ишонаман. Токи, улар қорақалпоқ халқининг оғзаки ижодини, XIX-XX аср адабиёти намояндалари тўғрисидаги асарларни таҳлил қилсинлар, XXI аср ва янги ҳаётнинг дostonларини, қисса ва романларини яратсинлар. Ижодкорман деб, қўлига қоғоз-қалам олган айрим ёш йигит-қизларимиз юзаки, сохта сўзлар билан эмас, балки қалбларида Ватанига ҳақиқий меҳр туяб, ундаги улуғворлик, яратувчилик моҳиятини юрак-юракдан ҳис этиб, жонидан ўтказиб, юксак савиядаги, улуғ асарлар яратишларини истайман.

Адабиётшунос олимларимиз бу соҳада албатта қорақалпоқ халқи мумтоз адабиётининг дунё адабиётида тутган ўрни, мустақиллик даври тўғрисида илмий асарлар, рисоалар, мақолалар яратмоқдалар. Бу жараёни янада жиддий давом эттириш адабиётимиз ривожига сув билан ҳаводек зарур.

“Қорақалпоқ адабиёти” газетаси тўғрисидаги фикрларингиз балки тўғридир. “Бу газетанинг зарурлиги аллақачон пайдо бўлган бўлса ҳам уни чиқаришга ҳеч ким, ҳаттоки шу адабиётнинг жонқуяриман, устуниман деганлар ҳам бел боғлаб чикмагани ҳақ” деяпсиз. Лекин ижод аҳлининг руҳи шу газетадан қувват олиши ҳам бор гап. ... Мен яқинда ўтган асрнинг 60-йилларида авайлаб-асраб келаётган бир дафтаримни кўлёмалар ичидан топиб, аста varaқладим.

Дафтарда пала-партиш, турли мавзуларда ёзилган шеърлар бор эди. Уларга кўз югуртириб, ўша болалик, ўсмирлик йилларидаги ҳолатга тушдим. Шамолдай тез келувчи орзулар, умидлар... Атрофимда эса ҳеч ким менинг бундай ҳолатларимни англамас, тушунмас эди. Менга фақат китоблар устоз эди...

Шуларни эслаб, бугунги кунда ўша менинг ёшимдаги ўсмирларнинг кунора “Қорақалпоғистон тонги” газетаси таҳририятига олиб келаётган шеърлари, ҳикоялари тўғрисида ўйладим. Албатта, уларнинг барчасини таҳлил қилишга, газетада ёритишга имконият йўқ... Газета ҳам адабиёт газетаси эмас.

Бизнинг давримиз ёшларига бугунги мустақиллик йилларидагидек билим ва ижод эшиклари очилиб, кенг имкониятлар яратиб берилмаган эди. Агар бугунги кунда шу имкониятларга қўшимча, фақат адабиётга хизмат қилувчи бир нашр яратилса, ёш истеъодлар учун ҳам минбар, ҳам устоз пайдо бўларди, деб ўйладим.

Бу ниятим мақсадга айлангач эса, қорақалпоқ халқининг бой халқ оғзаки ижоди тўғрисида фикр юритдим. Тўғри, бу бой мерос 100 жылдлик тўпламларда жамланаётганлиги маълум. Лекин дostonлардаги фалсафа, моҳият таҳлили ҳали кам ўрганилган. Адабиётшунослар эътиборини шу масалага қаратиб, чуқур таҳлиллар орқали халқ оғзаки ижоди, дostonчилик, уларнинг пайдо бўлиши ва мангулик умри, улардаги образлар, воқеа ва ҳодисалар ҳақида ёзилса мақсадга мувофиқ бўларди. Қолаверса, бугунги қорақалпоқ адабиёти қай зайдла пайдо бўлди. Йиллар давомида турли нашрларда хилма-хил услубда кўпгина олим-адабиётшунослар томонидан қаламга олинган бу тарих давр ва сиёсат домига тушиб, асл ҳақиқатини йўқотиб, турлича талқин қилиниб келганлиги ҳақ гап эмасми?

Ўтган аср бошларида қорақалпоқ халқининг маънавий ҳаётида жуда оғир йиллар бўлди. Ўз халқининг онг-тафаккури бой бўлиши, ёшлари таълим олиб, баркамол инсонлар бўлишини орзу қилиб қорақалпоқ алифбосига асос солган атоқли адиби (Сайфулғабит Мажидов) қораланиб, ўлимга маҳкум қилинди. Бердак ва унинг замондошлари мероси “буржуа адабиёти” деб қораланди. Бахши-жировлар куйлаган дostonлар ҳам эскилик қолдиғи деб ўрганиш, таҳлил қилиш маън қилиб қўйилди. Қорақалпоқ халқининг қадрият ва урф-одатларини ҳам бидъатга йўйишди...

Бундай мулоҳазаларни яна ва яна давом эттиравериш мумкин. Мен эса агар фақат Қорақалпоқ адабиётига хизмат қилувчи замонавий газета пайдо бўлса, бу тарихнинг янгиланишига хизмат қилиши шак-шубҳасиз, деган фикрга келган эдим ўшанда.

Яна бир ниятим қорақалпоқ адабиётининг ўзига хослигини сақлаб қолишга замин яратиш эди. Бошқа миллат вакилларига ҳам тегишли бўлган бундай ўзига хослик йўқолиб кетмаслиги керак, бунинг учун эса ҳамма ҳаракат қилиши лозим.

Мен адабиётшунос олим эмасман, лекин юкоридаги фикрларимни тўлиқтириб айтишим мумкинки, ҳар қандай миллий адабиётга албатта ўзга адабиёт намояндаларининг бадиий маҳорати ва услублари кириб келиши керак. Мана шундай



эзгу мақсадли фикрлар "Қорақалпоқ адабиёти" газетасининг 4 тилда – қорақалпоқ, ўзбек, рус, инглиз тилларида чиқишига сабаб бўлди.

**Қ.Урозимбетов:** Раҳмат! Сизнинг бу эзгу ниятингиз ва ишларингизда муваффақиятлар тилайман. Сиз ўз сўзингизда қай бир адабиёт бўлмасин, унга ташқи таъсир бўлишини айтдингиз. Албатта, шундай. Дунё адабиётнинг ривожланиш тарихида ташқи таъсирсиз ёки ўзлаштиришсиз алоҳида бир тарзда ривожланган биронта ҳам адабиёт йўқ. Боиси шуки, бадиий адабиётнинг ривожланиш тарихига назар ташласак, бундай алоқаларни жуда кўплаб учратамиз. Ҳар хил географик кенгликда яшайдиган халқларнинг фольклорида, адабиётида бирдек кўчма сюжетларнинг учрашини, қадимий грек мифларининг жаҳон халқлари адабиётларининг аксариятига таъсир қилишини шу нуқтаи назардан изоҳлаш ҳам мумкин.

Адабиётга ташқи таъсир деганда биз сўз юритилаётган адабиётнинг бошқа адабиётлардан ўрганишини, ўзлаштиришини тушунаемиз. Таъсир этиш эса адабий ижодга бошқа нуқтаи назарларнинг, ғояларнинг, бадиий тамойилларнинг таъсиридир. Ўзлаштириш эса ижодкор томонидан баъзи сюжетларни, мотивларни, текст (матний) фрагментларни фойдаланиш (бир ҳолатларда – пассив, иккинчи ҳолатларда ижодий фаоллик билан). Бу йўналишда муайян олимларнинг фикрлари бор. "Ташқаридан ижобий таъсир ва ўзлаштириш ҳар хил, аксарият ҳолатларда бир-бирига ўхшамаган адабиётлар ўртасида мустаҳкам ижодий алоқа ўрнатади", деган эди ҳозирги рус адабиётшунослик илмининг энг кўзга кўринган вакили, академик Е.Хализев. "Халқ орасида адабий алоқалар (ўзининг таъсирчан кўринишларида) адабиётларнинг ривожланишини таъминлай туриб, уларнинг миллий хусусиятини ривожлантиради" дейди атоқли ўзбек адабиётшуноси Наим Каримов.

Лекин ташқи адабий таъсир ҳар доим ҳам ижобий кечавермайди. айниқса, катта халқлар адабиётининг кичик халқ адабиётига таъсири ўша халқнинг тарихий-сиёсий ривожланишининг муайян бир қисмида жуда кучли бўлса, кичик адабиётга ўзининг кўпгина миллий удумларидан айрилиб қолиш хавфи туғади. Буни яқин ўтмишдаги Совет давридаги миллий адабиётларга рус адабиётининг таъсиридан кўрдик.

Бундай ҳолатлар ўзбек адабиётида ҳам ўрин олган эди. Шуни ҳам айтиш керак, ўзбек шоирлари бу йилларда рус ва жаҳон шеърояти даргалари тажрибасидан фойдаланар экан, оддий тақлид қилиш ҳолатлари ҳам учраб турди. Айниқса, В.В.Маяковскийнинг новатор шеърояти сирларини етук тушунмасдан, "зинали" шеър шаклини ўзбек шеъроятига механик тарзда кўчириш ҳолатлари ҳам кўринди. Лекин кейинроқ ўзбек шоирлари ҳам, қорақалпоқ шоирлари ҳам бундай адабий таъсирнинг оқибатини тўғри тушунди ва бу йўлдан қайтди.

Энди, адабий таъсир масаласини шу ерда тўхтатиб, умуман адабиёт ҳақида фикрлашасак. Адабиётни агар кенг майдонга ўхшатиш зарур бўлса, мен уни чексиз океанга тенглаштирган бўлар эдим. Чунки адабиёт инсон руҳиятига таъсир этувчи куч сифатида ҳам, дунё ва жамият муаммоларини ўз ичига олиш даражаси бўйича ҳам, кўнгилга таъсир этувчи санъат асарлари, барча ахборот соҳаларининг тармоқларидан ҳам ўзиб кетди. Инсонда фақат ақл ва ўйлаш эмас балки кўнги (юрак) бор экан, у ўзидаги барча образ ва дунёни ва шу образ орқали тушунишга бўлган заруратни барибир адабиёт орқали топади. Биз ўзимизни шундай сирли дунёни билишга ёки бўлмаса уни яна ҳам безашга бел боғлаган (албатта бир миллий адабиёт вакиллари сифатида) ижодкорлар деб ҳисобласак, унинг бугунги ҳолати ҳақида фикр юритиб, бу ҳақда бошқаларни ҳам қизиқтириши мумкин бўлган фикрларимизни ўртага ташласак...

**Г.Матёкубова.** "Барчамизга аёнки, XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфқлар очиш билан бирга, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятнинг эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда". Бу сўзлар Президентимизнинг "Адабиётга эътибор, келажакка, маънавиятга эътибор" рисоласидан олинган бўлиб, у Сизнинг саволингизга адабиёт соҳасида даврга хизмат қилувчи аниқ жавоб бўлади, деб ўйлайман.

Чунки Адабиёт маънавиятнинг ажралмас қисми, у инсонларни турли қабих ха-



толлардан, ёвузликлардан, хиёнат ва ёлгонлардан асраб туради. У шундай қудратли ва улуғвор кучки, ундаги эзулик, яхшилик, олийжаноблик, меҳр-оқибат, самимий дўстлик сингари туйғулар инсонни баркамоллик сари етаклайди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ҳар бир ижодкорга нафақат давр, балки умуминсоний кадрият, инсон кўнгил оламининг сир-синаотларини ҳам тўла очиб, ижод қилишига имконият яратиб берилди. Шу билан бирга давлатимиз раҳбари "...Шуни айтиш жоизки, аксарият ёзувчиларимиз совет даврининг тарбиясини олган, узок йиллар ҳукмрон мафкура руҳида ижод қилган. Лекин яна бир ҳақиқат ҳам борки, уларнинг кўпчилиги коммунистик тузум ғояларини сўзда маъқулласа ҳам, аслида, ич-ичидан уларни қабул қилмаган. Негаки, коммунистик тузум инсоннинг, бинобарин, миллат ва халқнинг эркин ва озод яшашига, миллий тафаккур, диний кадриятларга қарши бўлганини ижод аҳли ҳаммадан кўра чуқурроқ англаган"лигини кўрсатиб бериб, ҳар бир ижодкорга меҳр ва ишонч кўзи билан қарагани, халқнинг қадим анъаналаридан тортиб, ҳар бир истеъдод соҳибига нисбатан юксак эътирофда бўлганида кўриниб туради.

...Давр шиддаткор куч билан олға интилмоқда. Баъзан вақт фикримиз ва ўйимиздан ҳам тез ҳаракат қилаётгандек туюлади. Биз ижодкорлар даврдан орқада қолмаслик учун сиз айтганингиздек, интернет тармоғи орқалими, электрон кутубхоналардан фойдаланибми, вақтли матбуот нашрларидами, китоб чиқарибми, радио телевидениедами, ижод қилишдан тўхтамаслигимиз, лозим, деб ўйлайман. Саволингизга тўлик ва аниқ жавоб берган бўлсам, мен хурсандман.

Адабиёт – умрининг мазмуни, китоб – ҳаётининг ҳамроҳи, дўсти, сирдоши, маслаҳатчиси бўлган бир инсон сифатидаги кузатишларимдан биламанки, мен ўқиган китобларнинг барчасидаги образлар билан тенг фикрлай олдим. Европа ва Шарқ адабиётида Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Жалолиддин Румий, Нажмиддин Кубро, Шекспир, Гёте, Л.Толстой, А.Пушкин, М.Лермонтов, С.Есенин, А.Ахматова, М.Цветаева, А.Блок, Лорка асарларидаги ҳикматлардан куч олдим, туйғуларидан эса қувват. Бу рўйхатни кўп давом эттиришим, уларнинг асарларидан парча келтиришим мумкин. Лекин биламанки, булар тўғрисида адабиётшунослик фанида кўп ва ҳўп айтилган.

Сухбатимизни қорақалпоқ адабиётига буришни истайман. Қорақалпоқ адабиёти ҳам мен юқорида тилга олган адабиётлардан, XIX-XX аср ўзбек адабиёти анъаналаридан қувват олиб ўсди, ривожланди. Лекин унинг алоҳида миллийлиги, умуминсоний адабиётга қўшган ҳиссаси бой халқ оғзаки ижодидаги образларнинг абадийлиги билан ажралиб туради.

Асарларнинг миллий бадийлиги, таъсир кучи бошқа тилларга ўгирилганда йўқолиб кетиши тўғрисидаги фикрларингизга қўшиламан. Лекин бу ерда таржимоннинг истеъдоди, идроки ва тафаккури катта роль ўйнайди.

Мен адабиётдан ўз англаганларим нуктаи назаридан айта оламанки, Қорақалпоқ адабиёти ҳам ўз пайдо бўлиш макон ва замонига қарамасдан умуминсоний адабиётга муносиб ҳисса қўшиб улгурган. А.Бегимов, А.Шамуротов, Н.Жапақов, Ж.Аймурзаев, Х.Сейтов, С.Нурумбетов, Т.Жумамуротов, И.Юсупов, Т.Қаипбергенов, Т.Магмуротов, Ш.Сейитов, Т.Қобулов ва бошқалар қолдирган адабий, маънавий мерос ўз халқи билан бирга умуминсоний маънавият ва адабиётга ҳам хизмат қилаверади. Фақат биз бугунги кун талаблари даражасида бу адибларнинг асарларини дунё жамоатчилигига танитиш учун электрон кутубхоналарга жойлаштиришимиз, алоҳида сайтлар яратишимиз ва интернет орқали Қорақалпоқ адабиётини бутун жаҳон китобсеварларига тақдим қила билишимиз керак бўлади.

Маълумки, XXI аср инсоният ҳаётига ўзининг турли офатлари билан таҳдид қилмоқда. Бу зилзилалар, сунамилар, курғоқчилик, сув танқислиги, террор, гиёҳвандлик, одам савдоси ва ҳоказо. Хабарингиз бор, Японияда рўй берган сунами офатлари бу халқнинг бошига ёғдирган турли талафотларига бутун дунё қайғурди. Яқинда шоир Кенгесбой Каримов яратган "Ярадор сақуралар" достони ушбу мавзуга бағишланади.

Мен истар эдимки, Қорақалпоқ адабиётшунос адиблари Қорақалпоқ адабиётини тарихий бадий феномен сифатида ҳам, маданий, афсонавий халқ оғзаки ижоди сифатида ҳам, диний-маърифий йўналиш сифатида ҳам янги замон ва макон нуктаи-назардан кенгроқ таҳлил қилишлари керак бўлади.

Айниқса, Қорақалпоқ адабиётида сўздан фойдаланиш санъати миллий

ўзгачалиги сир-асрорлари ҳам ўрганилишини кутиб турибди. Шу ҳудудда яшаб бошқа туркий тилларда ижод қилаётган ёзувчи, шоирлар ижоди ҳам шундай тадқиқотларга муҳтож. Чунки буларнинг ҳаммаси бошқа тилда ёзилса ҳам, яхлит Қорақалпоқ адабиётини ташкил қилади. Шундай эмасми?

**Қ.Ўрозимбетов:** Сиз адабиётда умуминсонийлик ва миллийлик масаласининг туб-тубига шунчалик шўнғиб кетиб фикр билдирдингиз, тегишли мисоллар келтирдиз. Бунинг учун раҳмат. Лекин мен масalani сал бошқачарок йўналишда қўймоқчи эдим. Глобаллашув жараёни иқтисодий муносабатлар, бозор муносабати, илм, технология, ишлаб чиқаришда катта фойда келтирди. Илм – майли, Ўзбекистонда яратиладими, Россияда ёки Америкада яратиладими – у дунё илми деб номланади, умумий инсоният учун хизмат қилади.

Бадиий адабиётнинг вазифаси эса, менимча, сал бошқачарок. У қайси бир халқнинг вакили томонидан ёзилса, ўша халқнинг маънавий дунёсини акс эттириб, ўша халқ вакиллариининг маънавий озуқасига айланади. Лекин бу билан Ўзбекистонда ўзбеклар ёки Россияда фақат русларгина ўша давлатнинг ёхуд халқнинг адабиёти вакили бўлиши керак, деган фикр келиб чиқмайди. Ўша Ватанда яшовчи ҳар қандай миллат ёки халқ вакили ўша халқнинг адабиёт вакилиман деган номга эга бўлиши мумкин. Бу далил-исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Сиз мисол тариқасида келтирган шоир Кенгесбой Каримовнинг достонини қорақалпоқ шоирининг япон халқининг фожеасига ҳамдардлиги деб баҳолаш мумкин. Бу адабиётдаги инсонпарварликнинг (гуманизмнинг) ҳақиқий намунасидир. Мен айтмоқчиманки, қайси бир шоир бўлмасин, биринчи навбатда шеърни ўзининг халқига, ўз ўқувчиларига мослаб деймизми, бағишлаб деймизми, ёзади. Қолаверса, шоир асарини бошқа тилга таржима қилиш – бу жуда машаққатли иш. Қанчалик мохир таржимон бўлгани билан асарнинг дастлабки асл нусхадаги маъзани, бадиий жарангдорлигини тўла сақлаб қола олмайди. Яқинда Сизнинг ўзбек тилида ва қорақалпоқ тилида чоп қилинган шеърларингизни ўқиб, бир қизиқ ҳолатга дуч келдим. Бу икки тил бир-бирига яқин бўлгани билан биридан иккинчисига таржима қилиш жараёнида дастлабки табиий сифатларнинг бузилиши кузатилади.

**Г.Матёқубова:** Маънавиятимиз қадимий авлодлар ҳикматларидан куч олиб, маънавий ҳаётимиз янгилади, адабиётга нисбатан дунёқарашимиз ўзгариб, адабий дидимиз юксаланаётган ҳозирги кунда, сиз ўзингиз шеърятнинг савияси, аҳволи қай даражада деб ўйлайсиз?

**Қ.Ўрозимбетов:** Бошқа халқлар адабиёти сингари қорақалпоқ адабиёти ҳам шеърят асосида пайдо бўлди ва ривожланди. XX асргача адабиётимизни шеърый асарлар ташкил қилди. Шундай экан, адабиётимизда барча даврларда ҳам шеърят етакчилиқ қилди. Ажиниёз, Бердак, Аббаз Дабилов, Тиловберган Жумамуратов, Ибройим Юсупов, Шаўдирбой Сейтов, Тенгелбой Сарсенбоев, Жийенбой Избосканов сингари ўнлаб шоирлар қорақалпоқ миллий шеърятини бойитди, турлантди.

Унинг бугунги кундаги ҳолатига келсак, шеърят яратилаёпти, лекин, афсуски, юқорида биз таъкидлаб ўтган истеъдодлардек ярқ этганлари кам. Шоирларнинг шу номга муносибларининг энг ёшлари, менинг билишимча, С.Ибрагимов, Б.Генжемуродов, Ф.Мирзабоева, М.Жуманазарова билан кифояланиб турибди. Уларнинг ҳам ёши 50 дан ошиб кетди. Шундай экан, истеъдодларнинг ўсиб шаклланишига биз барчамиз жон куйдиришимиз зарур.

Сизнинг ижодингиз ҳақида шу биргина суҳбат мобайнида баҳо бериш қийин. Шундай бўлса ҳам баъзи кузатишларим билан фикрларимни билдириб ўтсам дейман. Сиз суҳбатимиз давомида менга мактабдаги ўқувчилик даврингиздаги шеърларингиз киритилган дафтар берган эдингиз. Дафтар эскириб, кўп бетлари йиртилиб қолган. Шундай бўлса ҳам бетларини кураб “Она” деган шеърингизни ўқидим. Шеър 1963 йили 19 июнда ёзилган экан. Ундан парча келтириб ўтай:

*Онамиз бизни безаган гулдек,  
Онамиз бизни безаган ҳурдек,  
Бизга атаб оқ нонлар ёнади она,  
Колхозда ипак қурт боқади она,  
Халқига хизматкор бўлган ҳам она,  
Фарзандга фидокор бўлган ҳам она...*

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

159

Шоирлик тажрибаси эса кейинроқ шаклланади. Дарвоқе, Сизнинг “Қайтмоқ учун кетмоқдаман” (“Қарақалпақстан”, 2004) номли китобингизда Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсуповнинг 1976-йили, яъни ёш шоира вақтингизда Сизга йўллаган хати берилган экан. Ўшанда Ибройим оға Сизга “шеърларингизда кўтаринки кайфият кўпроқ, дард етишмайди” деган огоҳлантириш билдирган. Назаримда, олдиндан кўрадиган шоир Сизни шоирликка қайраш учун шундай ёзган бўлса керак. Кейинги шеърларингизда дард кўпроқ. Лирик қаҳрамонларингиз инсон ва табиат дардини ҳам, жамият дардини ҳам ўзларининг юрагига яқин олади, бу дард ўқиган ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Сиз 20 дан зиёд шеърый тўпламларингизни чоп қилдирдингиз. Уларнинг ичида шеърят ҳам, наср ҳам бор. Сўнгги даврда матбуотда эълон қилаётган публицистик мақолаларингиз Сизнинг ижодда катта тажриба тўплаганингиздан, дунёқарашингиз, сиёсий дунёнгиз яна ҳам кенгайганидан дарак беради. Лекин барибир Сизнинг шоира бўлиб қолишингизни тилар эдим.

**Г.Матёкубова:** Раҳмат! Мен буни ўзим ҳам истайман. Биласиз, шоирлик бу касб эмас. Лекин баъзи ҳолларда жамият таракқиёти, атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, янгилаиш ва халқнинг бунёдкор меҳнатларини журналист сифатида қаламга олмасликнинг иложи йўқ. Қолаверса журналист ҳам давр руҳи билан тенг яшаб, тенг фикрлаб, ҳамнафас бўлади экан. Баъзан журналист сифатида ҳаёт ҳақида фикр юритиб, шундай бир саволлар атрофида бош қотиради киши. Шу саволни айна сизга бериш пайти келди, деб ўйлайман. Яъни, ҳаётда яхшилик-ёмонлик, муҳаббат-нафрат, садоқат-хиёнат, гўзаллик-худбинлик бирга яшайди. Сиз адабиётда, шеърятда баъзан учраб турадиган бундай мавзуларни қандай тарзда қабул қиласиз?

**К.Ўрозимбетов:** Агар шеърятда бунақанги бир-бирига зид тушунчалар бир асарда берилса, унда шоир бадиийликнинг антитеза усулидан фойдаланган бўлади. Шоир бундай тушунчаларни моҳирона ва ўз ўрнида қўлланса асар сўзсиз муваффақият қозонади. Бунга мисолни адабиётимиздан кўплаб келтириш мумкин. Т.Матмуродовнинг бир тўртлиги бор:

*Мен ҳайрон қоламан, не учун тоғлар  
Бийик бўлган сайин совуқ бўлади.  
Мен ҳайрон қоламан, баъзи одамлар  
Бийик бўлган сайин суюқ бўлади.*

Сиз айтган тушунчалар шундай бадиий деталь сифатида фойдаланилса, у фикр жозибадорлигини кучайтиради, асар бадиийлигини орттиради.

**Г.Матёкубова:** Лекин мен кенгроқ жавоб олмоқчи эдим. Энди саволимни бошқароқ қилиб бераман. Танқидчи сифатида, ёзувчиларнинг Сизга муносабати қандай, уларнинг баъзи гап-сўзларидан хафа бўлмайсизми?

**К.Ўрозимбетов:** Агар мен бадиий асарга баҳо бериб, кимнингдир кўнглига тегсам ҳам жавоб тариқасида мени қандайдир сўзлар билан (албатта, аксарият ҳолларда бундай гап-сўзлар бошқаларга айтилади) ранжитмоқчи бўлса, мен ундан хафа бўлмайман. Негаки, мен бадиий асарга танқидий фикр айтсам, ҳеч қачон унинг муаллифи билан шахсий муносабатим ўртага қўйилмайди. Танқид одатда асарнинг яна ҳам теранлашуви учун ёзилади. муаллиф буни бугун тушунмаса, эртага, албатта, тушунади. Адабиётга тасодифий келиб қолганлар буни тушунмайди ва уларга тушунтириб ўтиришнинг зарурати йўқ.

Мени ранжитадиган бошқа нарса: асарларининг бадиий савияси паст, лекин китоб чоп қилган, баъзи асарларини матбуотда эълон қилган муаллифлар мендан асарлари ҳақида мақтов сўз, яхши баҳо эшитгиси келишини ҳис қиламан. Ана, шундай пайтда жуда қийналиб қолади киши.

**Г.Матёкубова:** Адабиёт ҳақидаги сухбат ижодкорнинг кўнгили тубида яширин ётган ҳолатлари ёки саволлари, ёки мулоҳазаларини ўртага чиқариб, тўкиб ташлашга ундайверар экан.

Ўртага бир савол ташлашдан олдин адабиётшуносликка (менинг назаримда бу услуб яқин 15-20 йилда пайдо бўлгандек) янгидан кириб келган бир усул тўғрисида сиз билан фикрлашмоқчи эдим. Балки бундай усул ўзингиз ҳам бир неча марта дуч келгандирсиз.

Маълумки ҳар қандай ижодкор, назмдами ёки насрдами бадиий асар яратса, шу асар тўғрисида адабиётшунос олимларнинг фикрларини билгиси келади. Баъзи ҳолларда ҳамкалам дўстлари “Дўстим, қойил, қисса зўр чиқибди” ёки “Шеърингдаги янги фикр фалсафасига қойил қолдим” деб фикр билдирсалар, бу фикр шу ижод маҳсулига берилган тўлақонли баҳо бўлмаса ҳам, қайсидир маънода ижодкорга янги бир руҳ бағишлайди. Сиз адабиётшунос олим сифатида ҳар бир ёзилган янги асарни эътибордан қочирмайсиз. Мен ўзим республика матбуотида сизнинг янги асарларга ёзган адабий мақолаларингизни тез-тез ўқиб тураман.

Лекин... Фикримни қандай баён қилишни ҳам билмаяпман. Хуллас, сўзни қатта бир таниқли ёзувчи ҳузурида бўлган суҳбатдан бошлайман.

Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган йиғилишда мустақилликнинг илк йилларидаги янги номлар – ёш шоир, ёзувчилар тўғрисида гап кетди. Уларнинг ижодини матбуотда эълон қилиш, китоблар чоп қилишда қўллаб-қувватлаш, айниқса, адабиётшунослар, таниқли ёзувчилар уларга оқ йўл тилаб, тақризлар ёзиб бериш зарурлиги тўғрисида айтилди. Мен тилга олаётган таниқли ёзувчининг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида энди шеърятга кириб келаётган ижодкор тўғрисидаги кўламлигина адабий мақоласи чоп қилинган эди. Ундаги тиниқ фикрлар, сатрма-сатр қилинган таҳлиллар, ижобий ечимлар истеъдод эгасини шеърятнинг энг юқори чўққиларга чиқариб қўйган эди.

– Раҳмат сизга, бир ёш ижодкорнинг адабиётга кириб келишини нақадар юксак баҳолар, самийи тилаклар билан кутиб олибсиз. Лекин нега 15-20 йиллаб ижод қилаётган шоирларимиз ижодига бундай таҳлиллар билан баҳо бермагансиз, – деб сўрадим.

У қулди.

– Бу янги усул, уни мен ёздадим, ўзи ёздими, ёки кимгадир ёздириб келдими, мен имзо чекиб бердим, холос, – деди хотиржамлик билан. – Умуман бу янги усул, менга маъқул. Агар сиз ҳам ўз ижодингиз ҳақида шундай фикр эшитишни ёки билдиришимни истасангиз, ўзингиз ҳақингизда ёзиб келинг, мен албатта имзо қўйиб бераман. Менинг имзом барча нашрларга ўтади, – деди у ишонч билан.

Мен сал довдираб қолдим. Чунки бундай қилиш менинг назаримда, адабиётга, ижодкорга, ижодий жараёнларга бўлган хиёнатдай эди. Нима бўлганда ҳам мен шундай, деб ўйладим. Бу фикрларимни овоз чиқариб айтмасам ҳам, руҳим жуда азобланди. Тўғриси ўша ижоди қаламга олинди, осмону-қўкка чиқариб мақталган ижодкорга ачиндим.

Сиздан адабиётшуносликдаги мана шундай усул тўғрисида сўрамоқчи эдим. Сизнинг фаолиятингизда ҳам қайсидир ижодкор ўзи ҳақида адабий мақола ёзиб, имзо қўйиб беришни сўраганми? Умуман сизнинг бундай усул муносабатингиз қандай?

**Қ.Ўрозимбетов:** Сиз адабиётнинг энг касал, оғрикли нуқтаси ҳақида фикр юритмоқдасиз. Бу касаллик охир-оқибат адабиётни ўлдириши ҳам мумкин. Шунинг учун сиз бу масалани кўндаланг қўйиш орқали мазкур касални ҳам даволаб, ҳам олдини олмоқдасиз деб ўйлайман. Даволаганингиз-касалликка чалинганлар ҳам, ҳаттоки, сиз тилга олиб ўтган таниқли ёзувчи ҳам бу усулдан воз кечар, ушбу касалликни юқтириш арафасида юрганлар эса бу йўлдан воз кечар деб умид қиламан.

Халқимизда “иссиқ сув гупчакка ҳам ёқади” деган гап бор. Шу сингари, мақтов сўз эшитишга кўплар мойил, буни инкор этиш қийин. Агар у мақтовга лойиқ бўлса, мақтов кимлар томонидандир холисона айтилса, бунинг нимаси ёмон? Албатта, ўринли. Сиз юқорида келтириб ўтган мақтов, балки мақталганингиз ҳам, мақтаганингиз ҳам кўнглига хотиржамлик инъом этар. Ишонинг, бу вақтинчалик жараён. Кейинроқ у ижодкор ижоддан воз кечиш қўя қолмаса, унинг асарлари кимлар томонидандир таҳлил ва танқид қилинади. Ана шунда агар уларда озгина виждон бўлса афсусланади, ўз ишларининг ноўрин эканлигини тушуниб етади...

Бу “янги усул” адабиётшуносликка қанчалик ёт бўлса ҳам, афсуски, муайян даражада сал бошқача шаклда жой олиб улгурди. Унинг янги шакли бу бировлар учун иккинчи бировларнинг тадқиқот ёзиб беришидир. Мазкур усулнинг ўзбек адабиётшунослик илмида учраши ҳақида ўз вақтида таниқли адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул, қорақалпоқ адабиётшунослигида ҳам жой олаётганлиги ҳақида профессор Каримбой Қурамбоев ачинаиб фикр юргизган, мақола ёзган эди. Асли-



да ҳеч ким бошқаларга иш ёздириб, адабиётшунос олим бўла олмайди. Лекин у кимсаларга илм керак эмас, диплом керак. Фан номзоди ёки фан доктори деган мақомни берувчи диплом керак. Масаланинг аянчли томони ҳам шунда.

Энди, бадиий адабиёт йўналишида ҳам шундай ҳаракатлар бор эканини пайқаб қоламиз. Яқинда икки ёш муаллифнинг китоблари қўлимга тушди. Муаллифлар мактаб ёшидаги ўспиринлар экан. Уларнинг асарларини ўқиб қарасам, ҳаётдан анча тажриба тўплаб, ундан зарбага учраган кекса кишиларнинг фикрларини кўрдим. Қофия, ўлчам сингари шеърнинг техник томонлари ҳам ўз жойида. Ёш болаларга хос соддалик, бегуборлик йўқ. Ҳаётдан кўнгли совиган, ўқувчига ақл айтишга мойил лирик қаҳрамонларни учратасиз. Тўғри, ҳамиша ҳам лирик қаҳрамондан муаллифнинг ўзини кўра олмаслигининг мумкин, бироқ шоирлик “мени” – бу лирик қаҳрамон эканлигини эсласак, лирик қаҳрамоннинг шоирдан олислаб кетолмаслиги тушунарли бўлади. Шундай экан, бу болалик давридаги оппоқ кўкракларга доғ тушириб, уларни “шоир” қилишга ҳаракат этаётганлар қанақанги яхши мақсадларни кўзламасин, уларнинг бундай “ғамхўрликларини” оқлаш мумкин эмас. Мактаб ёшида кўплаб шеърлар “ёзиб”, ҳаттоки, тўпламлар чоп қилиб, улғайгандан сўнг эса адабиётнинг атрофига ҳам йўламай кетган “шоирлар”ни биламиз. Шунда буни “ўзини-ўзи алдаш” деб тушунамизми, билмадим...

**Г.Матёкубова:** Сухбатимизга “Адабиёт – ҳақиқатнинг бадиий акси” деб сарлавҳа қўйиб бошлаган эдик. Ҳозирги жавобингиздан фикрлар эса буни инкор қилгандай бўлаяпти. Чунки адабиёт “ўзини алдаш”, “андиша”, “мусулмонлик” деган тушунчаларни кўтармайди. Чунки адабиётда руҳ бирламчи. Инсон руҳий оламидек чексизликни коинотга, галактикага тенглаштирган бўлардим. Нима ўзи у инсон руҳи? Руҳ – аслида моддият эмас, ёки адабиёт сингари ҳам нафис, ҳам кўриниб турмайди. Айтайлик адабиётни ҳам еб-ичиб, кучиб, ўпиб бўлмайди. Яъни адабиёт ҳам руҳ каби йўқ бўлиб кетмайди, у мангу, унинг олдида на чегара, на вақт, на ҳукмронлик ва на бўйсунуш бор. Лекин, биламизки, тирик руҳ моддиятни бойитиб туради. Моддият эса руҳсиз жонсиз-ўлик ҳисобланади. Инсон ҳам агар ўз руҳидан айрилган бўлса у манкурт, фақат моддиятга боғланган, қизиқишлари сўнган, атрофдаги ҳамма нарсага бепарво яъни руҳи ўлган, маънавиятсиз моддиятга айланади. Ахир инсон фақат еб ичиш, мол-дунё тўплаш учунгина яшамайди-ку? Шу ўринда ишонч билан айтиш мумкинки, бу борада инсонга адабиёт ёрдамга келади. Инсон пайдо бўлгандан бери ўтган миллион-миллион йиллар давомида инсоният ўз руҳини адабиёт, санъат билан бойитиб, адабиёт билан озиклантириб келган. Илк адабиёт ҳали одамзод ёзиш, ўқишни билмаган даврларда ҳам халқ оғзаки ижоди сифатида пайдо бўлиши фикримизнинг ёрқин далили бўла олади.

Рухий бой асар ўқиган инсон ўзида энгил бир тозариш, янгиланишни ҳис қилади. Унинг кўз олдида майли бир неча дақиқа бўлса ҳам олам кўринишлари ўзгаради. У ўзи яшаб турган мухитдан бошқа бир оламга бемалол ўта олади. Унинг тафаккури кенгайиб, онги ёришиб, кайфияти кўтарилади, олам ва одамни тушуниши баробарида фикрлари янгилана боради. Айниқса табиат ва инсон кўнгли сир-синаотларини очиб берадиган асарларни ўқиганда, инсон ўзининг нечун яратилгани, нега яшаётгани, қандай яшаётганига сирдан разм сола олади. Асар қаҳрамонларининг тақдирига қайғуриб, ўз ҳаёт йўли – тақдирига тиник ақл билан қарай бошлайди, ўзига бўлган ишончи ортади. Рухиятини бойитиб, бу борада кўпроқ изланган киши албатта “Мен кимман?”, “нега яшайман” каби саволларга жавоб топади.

Бизнинг аждодларимиз буюк алломаларимиз бу борада оламшумул ютуқларга эриша олган. Шарқ фалсафаси, адабиёт олами инсониятга ана шундай руҳий қувват бериб келмоқда.

**Қ. Ҳозимбетов:** Инсон маънавияти адабиётнинг бош масаласидир. Уни яратиш ижодкорнинг истеъдодига, мохирлигига боғлиқ бўлса, бадиий асардан инсон руҳий ҳолатини англай олиш ўқувчининг адабиётни билиш даражасига боғлиқ бўлади.

Поэтик сўзнинг инсон руҳиятига таъсир қилиш кучи ҳақида адабиётшунослар таъкидлаб ўтган. Шу боис ҳам қадимий Шарқда ва юнонларда тиббиёт, тарих, фалсафага оид асарларни шеърӣ шаклда ёзганлар. Бу билан муаллифлар ўз фикрининг таъсирчанлигини орттирмоқда, ёд олинишини осонлаштирмоқчи бўлган. Поэтик сўз чиройли, тантанавор кўринади. Устига устак, у инсонга завқ



бағишлайди, сўздаги хиссиётни, таъсирчанликни орттиради, маънавий заруратни қондиради, Аристотел айтганидек, ғоянинг ўқувчи онгига сингиб боришига ёрдамлашади.

Ўзбек адабиётини ёшлигимиздан ўқиб, ўрганиб келмоқдамиз. Шуни таъкидлашим керакки, инсон руҳий оламини қаҳрамон психологизми орқали ясада ўзбек адабиёти жуда катта тажрибага, мактабга эга. Биз Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”ини илк бор ўқиганимиздаёқ кўнглимизда Отабек билан Қумушнинг саодатли висолига тилакдош бўлганмиз. Унинг кундоши томонидан заҳарланганлигига қаттиқ қайғуриб, йиғлаганмиз. Романда ўзбек халқининг бой миллий урф-одати, ўзбекона психологизм шундай яққол берилади, уни шу халқнинг бадиий паспорти деб аташ мумкин. Отабекнинг отасининг “Бу хонадондан ҳеч ким хафа бўлиб кетмаслиги керак” деган таниш иборасини эслаб кўринг... Буни миллий маънавиятни яратишнинг намунаси сифатида кўрсатиш мумкин. Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Шукр Холмирзаев, Тоғай Мурод сингари ўнлаб ўзбек прозаиклари инсон руҳий дунёсини яратишни ўзбек ҳаёти, ўзбек маънавий дунёси базасида амалга оширди, уларнинг асарлари ҳали талай асрлар мобайнида инсониятга хизмат қилади. Бундан ташқари тарих бўйича ҳам, замонимиз ҳақида ҳам ёзилган жуда кўпгина асарларда инсон маънавияти, руҳий кечинмалари акс эттирилди, агар уларнинг барчасини қатор кўйиб бир масштабда қараш мумкин бўлганида, шу халқнинг мураккаб миллий киёфаси яратилган бўларди. Лекин буни амалга ошириш қийин, биргина сухбат мобайнида у асарларнинг барчасини кўрсатиб ўтишнинг ўзи мушкул.

Адабиётни кузатиб борувчи бир ўқувчи сифатида шуни айтишим мумкин, сўнги йиллардаги дунё адабиётдаги глобаллашув жараёнининг таъсири ўзбек адабиётини ҳам четлаб ўтмади. Дунё адабиётининг энг сара намуналари ўзбек тилига таржима қилинмоқда. Бу яхши, албатта. Бироқ... Қаҳрамон образларини яратишда (қаҳрамон психологизми, қаҳрамоннинг нутқ тили в.х.) ҳаётги воқеаларни келтириб чиқаришда ўзбекона руҳ сезилмаётгандек туюлади. Персонажларнинг нутқ тили ўзбекча бўлгани билан унда ўзбекона андиша сезилмайди. Бу ҳолат қорақалпоқ адабиётида ҳам мавжуд.

“Мустақиллик адабиётга нима берди?” деган савол кўп маротаба такрорланади. Лекин унга жавоб беришда бир хиллик йўқ. Мен ҳам унга оригинал жавоб бераман деган фикрдан йироқман. Лекин шуни таъкидлашим керак, Мустақилликни ўзбек адабиёти вакиллари бутун ўзбек халқи сингари катта ғурур, кўтаринки кайфият билан кутиб олди. Ушбу кўтаринкилик уларнинг ижодига ҳам ўтди. Сир эмас, мустақилликнинг дастлабки йилларида, айниқса шеърятда ижтимоий тузумдаги ўзгаришларни юзаки мактовлар, декларацион кўриниш кўпроқ намоён бўлди. Ҳозирги давр ўзбек шеърятини эса ҳаётни теран уққан, уни бадиий образларга кўчиришда мазмун ва шакл жиҳатдан изланувчанликка эга, фалсафий-интеллектуал шеърятдир. Инсон ҳис-туйғулари, руҳий ҳолати турлича киёфада, усулларда ва шаклларда етказилмоқда. Лирик қаҳрамоннинг ҳаракат қила олиш объекти кенгайиб, моҳияти мураккаблашиб бормоқда.

Ўзбек шеърятига хос бўлган аруз, бармоқ вазнларидан ташқари эркин шеър, насрий шеър сингари шеър турлари кенг ривожланмоқда. Бунақанги шеър шакллар шоирларнинг дунёни янгича тушунишга интилиш жараёни бўлиш билан бирга ҳозирги ҳаётнинг ривожланиш суръатига, кишиларнинг фикрлаш динамикасига ва ҳаёт тарзига ҳам мос келаётганини унутмаслигимиз керак. Бундай шакл жиҳатдан изланишлар қорақалпоқ шеърятини ҳам кўзга ташланмоқда.



## ХИВА РЎЁСИ

Қуёш нурларини беркитиб бўлмаганидек, ҳақиқатнинг чироғини ҳам сўндириб бўлмас.

Аз-ЗАМАХШАРИЙ

### Таржимондан

1995 йил августининг бошларида Хива шаҳрида хизмат сафарига эдим. Бомдод намозини машҳур Оллоқулихон қурдирган карвонсарой қаршисидаги масжидда жамоага қўшилиб

ўқидим. Дуои фотиҳадан сўнг ўтирган жойимда масжиднинг ичини бир чеккадан кўздан кечира бошладим. Кўҳна бинонинг қурилиши услуби негадир кўпроқ овропа-ча иморатларни эслатарди: деворлари ўта қалин бўлиб, хонаҳо ичига бир неча юз киши ситса-да, бирорта устун ўрнатилмаган ва улкан қадимий қандил илиб қўйилган эди. Намозхонлар тарқалгандан сўнг ташқарига чиқиб, масжиднинг ташқи қисмига разм солдим. Бинонинг олдида баланд айвон, тўртта қарамон дарахтидан қилинган жим-жимадор ўймакор нақшлар билан безатилган устун ўрнатилган. Масжиднинг биқинида шаҳарнинг кўркига кўрк қўшиб сервиқор минора бўй чўзиб турибди. Масжид пештоқидаги ёзувни ўқийман: “Саид Ниёз шоликор” жоме масжиди, 1835 йили қурилган...” Менинг ҳар бир нарсани диққат билан кузатаётганимни сезган масжид имом-хатиби Раҳматулла маъноли боқиб, бирор саволингиз борми, дегандек бўлди.

– “Саид Ниёз шоликор” масжиди деб аталишининг боиси нимада?

– Саид Ниёз деган бир улуг зотнинг, Оллоҳ у кишини ўз раҳматиға олган бўлсин, маблағига қурилган экан.

– Исмидаги шоликор қўшимчаси-чи?

– Нақл қилишларича, у киши деҳқонлардан шоли олиб, гуруч қилиб сотаркан. Савдогарчилик қиларкан. Тахминан 1830 йилларда бўлса керак, Оренбургдан бошқа моллар билан бирга қора сақич ҳам олиб келган. Ўшанда Хивадан Оренбургга туя карвонлари қирқ икки кун деганда етиб бораркан. Сақич яхлит қонда бўлиб, майдалаб сотиларкан. Бир қондаги сақичнинг ичидан олтин чиқибди. Дарров олтинларни беркитиб, Оренбургга нома йўллабди: “Эй, биродари азиз, менга сақич, деб берганингиз олтин экан, буни қайтариб олишингизни илтимос қиламан”. У ердан эса: “Мен Сиз муҳтарамға, Оллоҳнинг шоҳидлиги ва ҳамроҳларингиз гувоҳлигида сақич сотганман, ҳеч қанақа олтиндан хабарим йўқ, шунинг учун мени маъзур тутасиз...” деган жавоб келибди. Шундан сўнг Саид Ниёз Оллоқулихонга (1825-1842 йиллар хон бўлган) учрабди.

– Охиратим куйиб кетмаса, деб қўрқаман. Менга сақич деб сотганлари олтин бўлиб чиқди, шуни хонлик хазинасига қабул қилишиға ижозат бериб, мени ниҳоятда оғир таъшишидан халос этсангиз, – деб арз айтибди.

Хон шу ерда ҳозир бўлган Муҳаммад Юсуф меҳтарға (1803-1839 йиллар меҳтар, яъни бош вазир бўлиб, Авазбий, Элтузар, Муҳаммад Раҳим I ва Оллоқулихонлар даврида хонликнинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётида катта мавқега эга бўлган) савол назари билан қарабди. Меҳтар,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

хазиначига жавоб бер, дегандай бўлибди. Хазиначи, бир қондаги олтинга, бир Саид Ниёзга қараб олиб:

– Мени кечирасиз-ку, хон олий жаноблари, бу олтин қандай йўл билан топилгани бизга қоронғу бўлса, келинг, бир халта олтин деб хонлик хазинасини булғамайлик, – деб жавоб берибди.

Шундан сўнг Саид Ниёз кўзда ёши билан қопни кўтариб чиқиб кетибди. Уч кундан сўнг хон уни чақиртириб: “Менинг уйқумда шу нарса аён бўлдики, бу олтинлар сен учун ҳалол экан, агар хоҳласанг масжид қуришинг мумкин, яна ўзинг биласан”, – дебди, Шундай қилиб ана шу масжид битиб қолган экан.

– Садаганг кетай, инбу мечит қурилишида дим кўп одам қатнашган, – деб улаб кетди мутавалли Совур ота.

Хоннинг махсус фармони чиққан. Қурилиши бўладиган майдонда олти хонадон яшаётган экан. Саид Ниёз жой эгалари билан учрашиб, уларни рози қилиб, жойини сотиб олмоқчи бўлган. Улардан бири ёлғиз турадиган Бекажон момо экан.

– Она, уйингизни нархини айтсангиз, мен сизни рози қилсам, – деган Саид Ниёз.

– Болажоним, дунё тургунча тургайсан, завол кўрмагайсан, бахтинг ётмагай. Менга бир чақанг керакмиди, фақат бандаликни бажо келтиргач, мени шу ерга дафн этсанг бас, – деб жавоб берган кампир (Саид Ниёз ва Бекажон момо масжид ичига дафн этилган). Уй эгаларидан бири маишхур Ялманбой экан, у Саид Ниёзнинг: “Жойингизни нархини айтинг”, – деган саволига: – Ёшулли, ўзингни мендан ҳам бой деб санайсанми? Эртага келсанг жойини бўшатиб қўйган бўлман, олтинингни масжидга ишлат, деган экан.

Қурилиши бошиланишида тумонат одам йиғилибди. Шунда оқсоқоллардан бири халойиққа мурожаат қилибди:

– Ким ўн икки ёшдан намозга ўтган бўлиб, фарз амалларини бирор марта ҳам қазо қилмаган бўлса, биринчи гиштни қўйиб берсин.

Буни қарангки, Саид Ниёздан бошқа ҳеч кимса ўтолмаган экан.

Мезбонлар ҳикояси менга шу қадар таъсир қилдики, ҳанузгача унутолмайман. Носоз тузум даврида бизга зарarli мақсадда ўтмишидаги хонлар ва бойлар олтин-жавоҳир деб бир-бирларининг кўзларини ўйишган, ўлдиришган, уларда ҳеч қандай муқаддас нарсанинг ўзи йўқ эди, деб бизни ишонтирмоқчи бўлиб келишганидан ўқиндим. Балки бу ривоят одамлар томонидан тўқилган афсонадир, лекин айтувчилар уни шундай ишонч билан ҳикоя қилиб берардиларки, у ҳеч ёлгонга ўхшамасди.

Шу воқеани эшитгандан сўнг менинг тинчим йўқолди. Тошкентга қайтиб келганимдан бошлаб, бир неча кун Алишер Навоий номидаги кутубхонага қатнаб, Хива тарихи, айниқса, Оллоқулихон даврига тегишли адабиётлар билан танишдим. Уларнинг аксарияти XIX асрда, рус тилида ёзилган бўлиб, уларда ўша даврдаги мустамлакачилик, шовинистик руҳ яққол сезилиб турарди.

Адабиётлар ҳам ҳар хил савия ва мақсадда ёзилган бўлиб, уларда ички маданияти ўзларидан анча бой, қадим-қадимдан умум-башариятнинг маданий ҳаётининг ҳар томонлама ривожига ўта салмоқли ҳисса қўша олган ота-боболаримизни уялмай-нетмай “ярим ёввойи” деб ёзишади. Лекин ўқиганларимдан ўзим учун жумбоқ бўлиб келган кўп саволларга жавоб топгандай бўлдим. Ўтмишдошларимизнинг давлат тузилиши (1825 йилдаёқ Хивада Олий Кенгаш тузилган бўлиб, барча масалалар аҳамияти ва салмоғига қараб аҳолининг турли табақа вакиллари иштирокида кўриларкан), халқ хўжалигининг юритилиши, деҳқончилик ва сунъий сугориш иншоотларининг барпо этилиши, гўзалликда тенги йўқ шаҳарларнинг қурилиши, адабиёт ва санъатда бетакрор ижод қилинганлиги кўксимни тоғ қилди. Қизиги шундаки, буларнинг ҳаммасини ўша бизни босиб олган халқнинг вакиллари ёзиб қолдирган адабиётлардан билиб олдим.

Хива тарихи билан қизиқиб юрганлигимни кутубхонанинг деярли барча ходимлари тез кунда билиб олишди ва қўлларидан келганича мени қизиқтирган мавзуга тегишли китоб, журнал ёки газета топиб беришди. “Савдогар Аброси-

мовнинг Хивага қилган сафари тўғрисида ҳикояси ” нинг топиллиши ҳам шундай бўлди. Бу – сафар хотиралари бўлиб, 1873 йилда Россия Академиясининг Санкт-Петербургда нашр этилган “Ежегодник” (Йилнома) да чоп этилган экан.

Янглишимасам, шанба куни эди. Эрталаб кутубхонага кириб келганимда, кутубхоначи қизлардан бири:

– Мана буни бир кўрмайсизми? – деб қўлимга тутқазди.

Турган жойимда икки-уч варагини ўқиб қўйдим. Йўл таассуротлари XIX асрнинг ўрталарида чоп этилган бўлса-да, тили ўта раво ва тушунарли эди.

Маълум бўлишича, муаллиф йигирма ёшларда бўлиб, ўзбек ва қирғиз (ўша пайтларда Россияда қозоқларни қирғиз деб аташган) тилларини яхши билган.

Муаллиф ўзининг ёши ва Россиянинг Оренбурги губерниясидан эканлигини ёзса-да, ўзининг исми, қайси йили сафар қилгани ва Хиванинг қайси хони билан мулоқотда бўлганлигини ёзмайди. Ҳикоя 1873 йилда чоп этилган бўлса-да, унда баён этилган баъзи воқеаларга қараб, дастлаб бу тожирнинг сафари 1840-1842 йилларга тўғри келса керак, деган хулосага келдим. Бунга далил сифатида Абросимов хон билан қилган суҳбатларидан бирида, у: “Эшитишимча, рус асирларини озод қилиб юборганим учун подшоҳ (Николай I демоқчи) менга эмас, нимагадир Англияга миннатдорчилик билдирибди”, – дейди.

С.В Жуковский 1915 йилда чоп этилган китобида “1840 йилнинг ёзида Хива элчиси Отаниёз Хўжа 418 асир билан, уларнинг ичидан зобит Аитов ҳам бор эди, Оренбургга етиб келди, уларнинг кетларидан ватанларига қайтишини ихтиёр этган 5 рус фуқароси ва 2 қалмоқ янги элчи бошчилигида тузилган махсус карвон билан жўнатилди”, деб ёзса, атоқли олим Б.Маннонов (Тарих сохтакорлари, Тошкент, “Фан”, 1983 йил): “Англиялик капитан Ричмонд Шекспирнинг Хивага келган вақти ана шу асирларининг ўз юртига жўнатиладиган пайтига тўғри келади. У бу ерда ўз зиммасига топширилган маълум вазифаларни бажаргач, Россия орқали қайтиш ниятини билдиради. Хон унга озод қилинган асирлар карвонига қўшилиб, Хива вакиллари қаторида Оренбургга етиб олишга рухсат беради. Бу тасодифдан ҳовлиқиб қолган Шекспир ўзини Хивадаги рус асирларини озод қилган яккаю ягона қаҳрамон сифатида реклама қилишига тушиб кетади”, – деб ёзади.

Бундан ташқари, Абросимов ўз ҳикоясида россиялик савдогар З. тўғрисида ёзади. М.Иванининг ёзишича (“Описания зимнего похода в Хиву в 1839-1840”, СПб, 1874), Оллоқулихон даврида савдогар Зайчиков 60 минг сўмлик мол юборган.

Абросимов ёш бўлишига қарамай, сафар чоғидаги ҳар бир нарса ва воқеани ўта синчковлик билан ўрганиб, ўқувчи учун қизиқарли ва тушунарли содда халқ тилида ҳикоя қилади. Бу ҳикояда ўша даврдаги ижтимоий ва сиёсий ҳаёт, турк қавмига мансуб ўзбек, қозоқ ва туркманларнинг урф-одатлари, яшаи тарзлари, ҳайвонот дунёси ва бошиқа нарсалар тўғрисида қизиқарли маълумотлар берилган.

Абросимов хотиралари яна шуниси билан қимматлики, у кўрган нарсаларини борича қаламга олади. У йўлма-йўл ва Хивада учратган, у билан мулоқотда бўлган одамлар ҳақида, уларнинг миллати ва эътиқодидан қатъий назар, катта меҳр билан ёзади.

Омонуллоҳ Мутал,  
таржимон

## ХИВА РЎЁСИ

Савдогар Абросимовнинг Хивага қилган сафари  
тўғрисидаги хотиралари

Мен Хивада тижорат билан шуғулланиш мақсадида, ундан 900 чақирим узоқда жойлашган Долгий оролидан ўн бешта туяга ҳар хил моллар ортиб йўлга тушдим. Ўзимга ҳамроҳ қилиб оролдан бирше уруғининг оқсоқоли Калманбет Шатикаевни йўл бошловчи, яна тўрт нафар қирғизни хизматкор қилиб ёлладим. Бу хизматкорларнинг қиладиган ишлари – кўноқ жойларида туяларга дам бе-

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

166



риш, суғориш ва яхши яйловларга кўйиб ўтлатишдан иборат эди. Улардан бири туяларни чўлда узокларга кетиб қолмасликларини кузатиши ва қирғизларнинг хужумларидан огоҳ бўлиб туриши, бошқалари эса юкларни бир жойга туширишлари ва тун бўйи кўриқлашлари керак эди. Икки киши ўтовларни юк туширилган жой яқинида тикиб, кечки овқатни тайёрлаш билан банд бўларди. Қирғизлар бу юмушларни бутун йўл давомида бажариб боришарди. Қирғизларнинг ейдиган таомлари фақат гўжадан иборат бўлиб, унинг тайёрланиши жуда осон эди: қайнатилган сувга жавдар ёрмаси солиниб аралаштирилади ва мазаси чиқсин деб озгина думба ёғи кўшилади. Оқсокол иккаламиз учун ҳар куни чой билан кўй гўштидан тайёрланган қовурдоқ тайёрланарди. Бундан ташқари, суви қочган буғдой нони, сорочин тариғи (гуруч) ва ғамлаб олинган турли хил озиқ-овқатларимиз бўларди.

Одатда йўлимда учраган оқсоколларни бирга овқатланишга ва чойга таклиф этардим, ўз ўрнида уларнинг меҳмони ҳам бўлардим. Улар билан қилинадиган суҳбат мавзулари одатда Хива, Хива хони ва тижорат тўғрисида бўларди.

Мана, ниҳоят, Каспий денгизи қирғоқларидан узоклашиб, менга мутлақо ёт бўлмиш ўрдалиқлар диёрига қараб йўл олдим. Кечга бориб Тошқудук атрофига жойлашган Адай туркманлари овулига етиб келдик. Бу овулнинг бош оқсоқоли Даспай мард ва салобатли киши эди. У ҳамюртлари орасида довюрақлиги билан донг таратган, илгари Каспий денгизининг машхур қароқчиси бўлган экан. Андрей исмлиқ бир рус қочоқ аскарлари ёрдамида рус балиқчиларини асир олар экан. Андрей Чобик деган оқсоқолнинг уйида яшаб, қароқчилик қилиб, унинг ҳаддан ташқари бойиб кетишига сабабчи бўлган экан. У Чобикникида 12 йилдан ортиқ яшаб, унинг ўз ўғлидай бўлиб кетган, уларнинг тилларида гаплаша олар эди. Чобик уни ўзининг яқин қариндошларидан бирига уйлантирмоқчи бўлиб қалинини ҳам тўлаб кўйган эди. Лекин худди шу вақтда хон барча асирларни озод этди ва бундан буён русларни асир олишни таъқиқлаб қўйди. Хон Чобикдан ҳам қароқчи Андрейни Россияга топширишни талаб қилди. Лекин Чобик хоннинг буйруғини бажаришдан бўйин товлади ва ўзи ёки болалари Андрейни тутиб беролмасликлари, агар хон истаса, хоҳлаган одамига бу ишни топшириб, уни ўз номидан рус бошлиқларига топшириши мумкинлигини билдирди. Бунга сабаб, Чобик Андрейни ўғил қилиб, ислом динига ўтказган, уни суннат қилганларида нафақат ўзи, уруғ-аймоқлари ҳам Андрейни русларга тутиб бермасликка қасамёд қилган эдилар. Ўз ўрнида Андрей ҳам Худони ўртага қўйиб, Каспий денгизиде рус кемаларига хужум қилинган пайтларда Чобикқа хиёнат қилмасликка қасам ичган эди. У ўрдалиқларни ўзининг садоқатига янада қаттиқроқ ишонтириш мақсадида бир рус асирининг бошини кесиб, унинг қонини ичган эди. Лекин Чобик қариндошларининг тазйиқи туфайли, охири Андрейни русларга топширишга мажбур бўлади, бу эса Андрей учун мутлақо кутилмаган ҳол эди.

Ново-Александровск истехкомининг комендантлари полковник И.Н.Лихошерстов старшина Чурунбой Костибоевни Чобикнинг овулига бу қароқчини тезлик билан топшириш талаби билан юборади. Кези келганда айтиб ўтиш керакки, Чурунбой ўта чаққон ва келишган йигит бўлиб, соф рус тилида гаплашадиган ва яхшигина маълумотга эга киши эди. У Чобикқа ташрифининг сабабини тушунтириб, Андрейни топширишни талаб қилди, лекин Чобик бунга рози бўлмади. Охири ўзининг иниси Дўсчон – иззат-икромга сазовор бўлган, қароқчиларни ёқтирмайдиган ва босқинчилик мақсадида қилинадиган хужумларга қаттиқ қарши турган инсон – уни бунга кўндира олди. Чобик кадрдон дўстини химоя қила олмаслигига ақли етиб, Андрейни ҳибсга олишларига рухсат берди. Андрейнинг кулбасига тўппа-тўғри бостириб киришга ҳеч ким ботинолмади, чунки у тиш-тирноғича қуролланган эди. Унинг ўзи кулбасидан чиқишини кутишди. Ҳеч нарсадан шубҳаланмаган Андрей кулбасидан чиқиб оғилхонага қараб юрди. Ажабланарлиси шундаки, ҳеч бўлмаганда қилич ёки ханжарсиз бир қадам босмайдиган одам бу гал беқурол эди. Пистирмада турганлар унинг кулбадан узоклашишини кутишди. Сўнгра унда шубҳа уйғотмаслик учун Чурунбой иккита қирғиз билан унинг ёнига борди. Унга етиб олишгач, гапга солишди, шу пайтда бир қирғиз Андрейнинг орқасидан ўтиб,



қўлини қайирди ва зудлик билан орқасига боғлашди. Андрей кичкириб, Чобик ва унинг болаларини ёрдамга чақирди, лекин у алданган эди. Чурунбой уни овулга олиб келганида у янада қаттиқроқ кичкириб, Чобикдан ҳимоя қилишни ўтиниб сўрай бошлади.

Чурунбой Андрейни туяга мингаштириб боғлаганига қадар Чобик ўз кулбасида писиб ўтирди. Кейин видолашув учун барча аҳли аёл ва бола-чақалари билан чиқди. Шунда Андрей уларнинг тилида тутилиб бўлса-да, таъна ва маломат тошларини ота бошлади. Чобик ўзини тута олмай хўнграб йиғлаб юборди, хотинлари ва болалари эса шундай ўкириб йиғлашардики, уларнинг фарёди кўшни овулларга ҳам эшитилди.

Жудолик ҳаммаси учун жуда оғир эди. Бу видолашув онларида Андрей Чобикқа қарата шундай деди: “Сен ким туфайли машхур бўлдинг, мен туфайли эмасми? Овулинг атрофида ўтлаб юрган шунча молни ким туфайли қўлга киритдинг?” Сўнг у бирорта кийим беришларини сўради. Чобик дарров устидаги шойи чопонини ечиб узатаркан: “Мана сенга, Андрей, менинг чопоним, аниқроғи отангнинг чопони, кийиб одош қил, мени унутма, мен сени ҳар доим эслаб юраман”, – деди. Андрей унга қўпол жавоб қилди: “Сен менинг отам эмассан, Худодан қайтган бандасан. Сен ўз қасамингга хиёнат қилдинг, Худони ҳам, Муҳаммад пайғамбарни ҳам алдадинг”. Шундан сўнг уни олиб кетишди.

Чобик ҳали ҳам ҳаёт, лекин унинг қўл-оёғи шол бўлиб қолган; катта хотини едириб-ичиради. Қирғизлар рус асирларини қийнагани учун Оллох унга кўрсатиб қўйган, дейишаркан.

Даспай қандай қилиб қароқчилик қилганлари ва Каспий денгизида русларни асир олганларини ҳикоя қилиб берди. Унинг бошига қуйидаги бахтсизлик тушган экан:

“Кучли пўртана турди. Бор лангарларимиз узилиб, оким кемамизни Дарбанд томонга оқизиб кетди. 15 кунча қаерда сузиб юрганимизни ҳам билмасдик. Мен билан ҳаммаси бўлиб 4 нафар рус асири ва 30 нафар қирғиз бор эди. Мен бу қирғизлар билан кема юкхонасига тушиб ўтирардим, шу ҳолда Дарбанд атрофига бориб қолдик ва бу ерда эрониларнинг кемаларига дуч келдик. Эронилар кемада 4 нафар русни кўргач, бу кема қирғизларники деб гумон қилмадилар. Уларнинг саволларига Дарбанд ёки бирорта бошқа шаҳарга хазина олиб кетяпмиз, деб жавоб берардик. Ўзимиз томонга қайтишдан умидимни батамом узган эдим, лекин бахтимизга шамол йўналишини ўзгартириб, шимоли-шарқ томонга, Сариктош йўналишида сузиб кетдик.

Йўлда Қулали оролининг чап томонида турган катта кемага дуч келдик. Унинг атрофида учта қайиқ турарди. Унга тунда яқинлашдик. Аслида кемага ҳужум қилиш ниятим йўқ эди, лекин қирғизларим “ҳужум қилиш керак”, деб туриб олишди, уларнинг гапи билан кемага сездирмай яқинлашдик-да, йигирматамиз ҳужумга ўтдик. Қолганлар ёнбошда кутиб турди. Бироқ рус халқи табиатан сезгир бўлади. Улар бизни кечкуруноқ сезган бўлишса керак. Кеманинг гир атрофига тўр ва қармоқлар ташлаб қўйилган эди. Кемага ташланганларнинг кимнинг қўли, кимнинг бўйни бу тўрларга илашиб қолган эди. Кеманинг тепа қисмидаги шовқинни эшитган руслар писиб ётган жойларидан чиқиб, бизникиларни ура кетишди. Аҳволимиз танглигини кўриб, ёрдам бериш мақсадида ўзимни кемага урдим, лекин оёғим пастдаги тўрга ўралиб қолди. Руслар бизникилардан тўрт кишини ўлдиришди, қолганлар бир амаллаб қочиб қолдик. Ўшанда мен қаттиқ жароҳатландим, ҳануз орқа елкам оғрийди, бошим ҳам ёрилган эди (у менга бошини кўрсатди, ҳақиқатдан, у чала битган яралардан иборат эди). Бировларнинг гапига кириш шундай бўлади, дея давом этди у, агар ўз ақлим билан иш кўрганимда ҳеч кимдан ажралмаган бўлардим, ўзим ҳали саломат юрардим”.

Шу орада кечки овқат тайёр бўлди. Биз учун қўй гўштидан тайёрланган осиеликлар таоми – палов пиширилган эди. Рус кваси ва пиво ўрнига айрон тортилди. Овқатдан сўнг мен билан Калманбет унинг кулбасида тунашга қолдик. Тагимизга намаз, унинг устидан гилам тўшалган эди. Тунни шу алпозда ўтказиб, тонгда яна йўлга тушдик.

Икки кундан сўнг, карвонимиз билан тобиш уруғига тегишли овулга кириб келдик. Бу овул Қиёт тоғининг ёнбағридаги Туя суви деб аталувчи кудук яқинида эди. Овул катта эмас, бор-йўғи учта кулбадан иборат эди. Шу ерда тунадик, лекин эса қоладиган бирорта нарса кўрмадим. Жойлашиши пасттекислик, чорва учун ем-хашак мўл эди. Овулнинг эгаси қария бўлиб, мени меҳрибонлик билан кутиб олди, пойимга қўй сўйдириб, ундан турли таомлар тайёрлатиб барчамизни меҳмон қилди. Қилаётган сафарим сабабини сўраб, Хивага кетаётганлигимни билгач, оқ йўл тилаб қолди.

Бу қариянинг 12 яшар ўғли бўлиб, болакай касалманд эди. Отаси мендан бу дарддан фориғ бўлиш йўллари билиш-билмаслигимни сўради, мен ҳеч нарса билмаслигимни айтдим. Бироқ йўлбошловчимиз таоботдан хабардор бўлиб, бу борада анча машхур ҳам эди. Боланинг деярлик бутун баданини яра-чақа босганди.

Йўлбошловчи икки хил муолажани тавсия этди: биринчиси – ярани ўт билан куйдириш. Иккинчиси эса, атрофдаги инларда учрайдиган окқуйруқ куённи тутиб, унинг ёғини эритиб, ярага ҳар куни бир маҳал суриш эди.

Учинчи тунни Татар кудуғи деб номланувчи жойда ўтказдик. Унча катта бўлмаган овулга кириб келганимизда, унинг аҳолиси ўтовларини бошқа жойга кўчириш билан банд эди. Наматларни силкитиб қоқишар, хивич билан уриб чангини чиқазишарди. Бу ерда учта аёл ва бўйи етган қиз бор эди: қиз бошига ўралган қирмизи шол рўмоли билан ажралиб турарди, аёллар эса бошларини оқ шойи рўмол ва 6 аршин келадиган қалин сурп билан ўраб олишганди.

Туяларимиз улардан тахминан юз қадамча келадиган масофада тўхтади. Мен бу қандай овул эканлигини билмоқчи бўлиб аёллар олдига бордим-да, ўтовлари янги жойда мустақкам бўлишларини, ўзларига эса бахт тиладим, улар эса менга эзгу тилакларим учун миннатдорчилик билдиришди. Эркаклари қаердалигини сўраган эдим, қабристонга ёдгорлик ўрнатиш учун кетишганини айтишди. Бу ёдгорликлар тошлардан узун ва тик қилиб ўрнатилади, ҳар қандай киши уни ўрнатиб кета олмайди. Ёдгорликлар турли бўёқлар билан бўялиб, гоҳида ораларига ойнак ҳам ўрнатилади. Ойнакли ёдгорликлар одатда қизлар қабрлари устига ўрнатилади. Йигитларникига эса марҳумнинг довжорақлиги ва мағрурлиги рамзи сифатида қуроллар - милтик, қилич, ханжар тасвири туширилади. Ёдгорликлар ясашиш санъати ва тошнинг сифатига қараб ўн сўмдан эллик сўмгача нархда сотилади. Аёлларнинг суҳбатини олдим: улар қувнок ва сергап эди, исми мени сўраб, кимлигимни билишгач, эрларидан мен ҳақимда эшитганликларини, эрлари мендан улар учун рўмол сотиб олганликларини айтиб, рўмолларини кўрсатишди. Кейин чанқок босди бирор нарса сўраганимда, бир қиз дарров катта идишда сут узатди. Идишнинг оғирлигидан бир амаллаб икки қўллаб ушлаб турдим. Идиш тоза эмас, жавдаридан қилинган хамир қолдиқлари ва намат қиллари ёпишганлигидан кўнглим бўлмай, кўп ичолмасдан, идишни эгасига қайтариб бердим. Унинг ўзи ҳам ёқимсизгина эди.

Мен ҳуштаъм ичимлик учун миннатдорчилик билдирдим, аммо идиш қўлимни бир оз ифлос қилганини айтдим. Қиз хохолаб кулиб юборди, лекин онаси идишни артиб бермагани учун қизига яхшигина танбех берди. Кўп вақт ўтмай эркаклар: Бердиниёз исмлики қария икки ўғли билан келди. Мен улар билан аввалдан таниш эдим. Кўришиб бўлгач, қария мендан қаерга кетаётганимни сўради. Мен бахтимни синаш, шунингдек, хон ва у ерлик одамларни кўриш мақсадида Хивага йўл олганимни айтдим. Чол менга оқ йўл тилаб, ёдорлик тошларини қандай қилиб ўрнатганларини ҳикоя қилиб берди. У билан хайрлашгандан сўнг йўлга тушдик.

Бир неча кун юриб Қоратовга етиб келдик. Гир атрофини кўплаб туя, от, қорамол ва қўйлар ўраб олган овулга кириб келганимизда кун алламаҳал бўлиб қолган эди. Чорвасини қўриқлаб юрган чўпонлар кимлигимизни суриштиришди. Уларга ўткинчи савдогар эканлигимизни айтдик. Биз ҳақимизда овулга хабар етказганларида, у ердан ипак матодан чопон кийган басавлат учта қирғиз келди. Шарқона одат бўйича меҳмонларга гилам поёндоз тўшашларини буюрдим, улар

чордона куриб ўтиришди. Оқсоқол кимлигимиз ва қаерга кетаётганлигимизни сўради. Мен русман, Хивага савдо қилгани кетаяпман, деб жавоб бердим.

Шунда улардан бири менга орқага қайтиб кетишимни маслаҳат берди, чунки хон кўпдан бери ўзига рус тилмоч излаётганини ҳамма билишини, шу сабабдан ҳам у мени қўйиб юбормаслигини айтди. Қолган иккитаси эса унинг гумони ноўринлигини таъкидлашиб, хон мени азиз меҳмон сифатида қабул қилишини айтишди. Бу мавзу уларнинг ораларида баҳс туғилишига сабаб бўлди. Мен орада самовар қўйишларини буюрдим. Ой нури ёғдусида соф ҳаводан баҳраманд бўлиб, гиламда чордона қурганча анча гурунглашдик, меҳмонларим тўхтовсиз тамаки хидлаб кумуш тамакидонни бир-бирига узатишарди. Нега чорвани овулга бунча яқин олиб келдинглар, деган саволимга, бу атрофда кашқир кўп бўлиб, тез-тез подаларга хужум қилиб туришини айтишди. Чойдан сўнг улар биз билан ҳайрлашиб кетишди. Эрталабдан сафаримизни давом этдирдик. Савдо яхши йўлга қўйилганлиги сабаб, бутун йўл давомида бир неча хиваликлар карвонини учратдик.

Тумантов этакларига етиб келганимизда Ўлжабой исмлиқ бир эски танишимникида тунадим. У илгари Ново-Александровский истехкомига борган эди. Мени унинг ўзи ва аҳли аёллари меҳрибонлик билан кутиб олишди. У мени гўдаклигимдан билар, лекин кўришмаганимизга анча бўлган эди. Ўлжабойнинг овулида бир кеча-кундуз қолиб кетдим, унинг ёрдамида шу ерлик қирғизлардан қарзларимни ундириб олдим. Суюнчисига унга чақмонлик мовут, аёлларига эса ўн тўрт аршиндан қўйлақлик чит ҳадя қилдим. Ўлжабой менга Хива хони билан учрашганимда ўзимни қандай тутишим кераклиги ва у ерда қандай муомала қилишимни ипидан игнасиғача ўргатди. У менга иложи борича одобли, эҳтиромли ва ҳалол бўлишимни, шунингдек, берилган саволларга қисқа жавоб беришимни маслаҳат берди. Хивага келган кунимданок, унинг ўғитларига тўлалиғича риоя қилдим, шу туфайли хон билан олиб борган барча ишларим муваффақиятли бўлди. Сарой амалдорлари, бекар ва оқсоқоллар эса мени жуда яхши кўриб қолишди.

Амударёга яқинлашиб қолганимизда, ундан унча узоқ бўлмаган туркман овулида тунашга тўғри келди. Унинг пастроғида кумлоқ ерда хиваликлар овули ҳам бор эди. Бу ердан уларнинг катта йўли ўтган, қарвонлар ва Хивага чорва ҳайдаб кетаётганлар тўхтовсиз ўтиб турарди. Бу ерларда тез-тез ўғирликлар содир этилади, қорамол ва туяларни олиб қочишади. Ҳар тугул биз тинч, эсон-омон ўтиб олдик, фақат отимнинг жуда силласи қуриди. Кўпинча уни етаклаб юришимга тўғри келди, чунки оёқ ости юриб бўлмайдиган даражада қалин кумлик эди. Айниқса туялар кўп қийналди. Бу ерда Хивадан қирғизлар билан савдо қилиш учун кетаётган, ёши қайтиб қолган бир хиваликни учратдим. Ундан Хива ва хон тўғрисида кўп нарса эшитдим. Бу маълумотлар мен учун ўта зарур эди.

Шу тарика Амударё соҳилига етиб келдик. У кенгликларга ёйилиб тез оқар, лекин унча чуқур эмас, суви хуштаъм эди. Дарё соҳилида унча катта бўлмаган икита кулба, уларнинг яқинида эса йўловчиларни дарёдан ўтказиб қўйувчи иккита сол ва бир неча қайиқ бор эди. Олдин ўзимизни, кейин туяларни ўтказиб қўйишди. Дарёнинг у соҳилида бир неча ертўла бўлиб, уларда қайиқчилар ва кира ҳақи ундирувчи мулозимлар яшашарди. Ўтказиб қўйилган ҳар бир от ёки туя учун 50 тийиндан, киши бошига эса 5 тийин миқдорида кира ҳақи тўланарди. Шундай қилиб мен ўзим ва қарвонимга кира ҳақи тўлаш учун бошлиғига учрашим керак эди. Туяларимни олиб ўтгунларича бошлиқ билан соҳил бўйлаб сайр қилдик ва кўп нарсалар тўғрисида гаплашиб олишга улгурдик. У менга Россия тўғрисида саволлар берарди, мен эса Хива тўғрисида сўрардим. У тўхтовсиз чилим чекар ва менга ҳам манзират қилар эди. Соҳил бўйида айрон ва қимиз сотадиган дўкончалар бор экан. Биз айрон ичмоқчи бўлдик. Унинг ярим литри беш тийин экан. Айрон солинган идиш сополдан бўлиб, энг юқори малакали хитой усталарининг иши эди. Бундай идишларнинг донаси бизнинг Россияда бир сўмдан камига сотилмайди. Шу пайтда дўкончага нотаниш,

кўринишидан басавлат ва серғайрат, катта қора соқолли, хиваликларнинг қимматбаҳо либосини кийиб олган суворий кириб келди. У одан тушиб, уни дўконча эшигига боғлади. Ичкарига кираркан, рус тилида: “Эй, Худойим-е, бу ерларга ҳам рус савдогарлари келадиган бўлибди-я!”, деди. Мен унга ҳайрат ва кўркув аралаш қарадим. У рус тилида гапирмай қўйди, хиваликлар тилида гаплашдик. У мендан кимлигим ва қандай қилиб бундай ўта машаққатли сафарга чиқишга қарор қилганимни сўради. Кейин дўкончадан чиқиб анча вақт Амударё соҳили бўйлаб сайр қилдик. Ундан кимлиги ва қаерданлигини сўраганимда, самимият билан ўзи тўғрисида гапириб берди. У асли Пенза губерниясидан бўлиб, Чембарский уездидаги катта бир ер эгасининг ховлисида хизматкор экан. Хўжайини уни қандайдир гуноҳи учун аскарликка бериб ва у Астрахандаги денгиз қўшинларининг қирқ бешинчи кемасида боцман бўлиб хизмат қилган экан. Денгизда сафардалиги пайтида қароқчиларга дуч келишибди. Барча кема аъзолари, шу жумладан, кема сардори ҳам асирга олинди. У бу ерларга шу тариқа келиб қолган экан. Бафуржа гаплашишга вақт етишмас эди, лекин мен ундан кўпроқ Хива тўғрисида билиб олишга ҳаракат қилдим. У менга хон хузуридаги Карле исмли амалдорни топишимни тавсия қилди. Боцманнинг исми-фамилияси Сергей Иванов бўлиб, Хива шаҳрида яшар экан. Расталарга жойлашиб олганимиздан сўнг бизни ўзи топишга ваъда берди. Сергей Иванов билан ҳайрлашиб, юкларимизни карвонга ортиб, мулозим бошчилигида йўлга тушдик. Мулозим бизга хонликка бож тўлашда бирон-бир молимизни беркитиб қўймаслигимизни назорат қилиб туриш учун бириктирилган эди.

Бу ерларда менга ҳамма нарса ғаройиб ва ваҳимали туюлиб, кўнгилсиз таассурот қолдирди. Хивага яқинлашганимиз сари мени юк босаверди.

3 октябрнинг эрта тонгида узоқдан Хива кўринди. Шаҳристон сатҳи пастликда бунёд этилгани учун ҳам Хиванинг ташқи кўриниши кўзга унчалик чиройли бўлиб кўринмасди. Баланд масжидлар ва катта иморатлар кам эди. Бунинг устига, ҳар бир уй атрофидаги боғлар шаҳар кўркини тўсиб турарди. Шаҳар ичида улкан боғ бўлиб, у ерда турли анвойи мевалар, жумладан нашвати, нок, олхўри, узум, олибухоро, жийда ва хоказолар битарди. Шаҳарга киришдан олдин кенг кўчадан юрдик, сўнгра эса иккита туя ёнма-ён турса аранг сиғадиган тор кўчадан бир амаллаб ўтиб, бозор олдидан чиқдик. Рўпарада тошдан ўта чиройли қилиб бунёд этилган савдо растаси жойлашган эди. Биз тўғримизда хонга хабар беришди. Бу орада хиваликлар карвонимни ўраб олишди. Улар рус савдогарларини кўриш иштиёқида эдилар. Кўплари мендан ҳар хил нарсалар тўғрисида сўрашди. Сал вақт ўтмай мени саройга олиб кетиш учун хоннинг мулозими етиб келди ва мен рус миллий либосларимни кийиб олишимни буюрди. Унинг амрини бажо этиб, саройга қараб йўл олдик.

Сарой бозорнинг шундоққина ёнида бўлиб, у тошдан икки қават қилиб қурилган экан. Унинг олд қисми, жимжимадор пиллапояси ва фил суягидан қопланган эшиги ўта нафис нақшлар билан безатилган эди. Пиллапоядан тепага чиқиб, у ерда бир оз кутиб турдик. Хон бухороликларни қабул қилаётган экан. Улар чиқиб кетганларидан сўнг мен билан бир арманига хон қабулхонасига киришга рухсат беришди. Рус урф-одатига риоя қилган ҳолда саломлашимини буюришди. Хон хузурига кирганда эгилиб таъзим қила бошладик. Хон тилмочдан бу нимани аңлатади, деб сўради. Тилмоч рус одатига кўра эҳтиром кўрсатаётганимни айтди. Хон жавобни эшитиб қулиб қўйди ва қайси йўл билан келганимизни сўради. Яна у фуқаролари томонидан бизга ҳеч қандай зиён-заҳмат етказилмаганлиги билан қизиқди. Мен унга йўқ, деб жавоб бердим. Бутун суҳбатимиз тилмоч орқали бўлди. У ўз фикрини рус тилида яхши ифода эта оларди, лекин хиваликлар тилида ғалати ва тушунарсиз гапирарди. Шунинг учун ҳам хон баъзи жумлаларни икки, ҳатто уч марталаб қайтариб сўрашга мажбур бўларди. Ўрнимдан туриб, хондан менга Хивада савдо қилишимга рухсат беришини сўрадим. У очиқ чехра билан розилигини билдирди, мени биринчи қатордаги дўконлардан бирига олиб боришларини буюрди ва ҳар бир сўмлик сотадиган молим учун 10 тийин миқдорида солиқ тўлашим, шунингдек, ёнимдаги



бор рус пулини хиваликлар пулига алмаштириб олишим шартлигини тушунтирди. Ҳар қандай сиқув ва зулмлардан ҳимоя қилишини илтимос қилганимда, у қулиб, хавотириб ўринсизлигини айтди. Бу ерда ҳеч ким мени хафа қилмаслигини, аксинча, унинг фуқаролари мени ҳурмат қилишини уқтирди.

Шундан сўнг, менга дўкон ажратиб бериш ва ёнимдаги рус пулларини қабул қилиб олиш учун махсус мулозим тайинланди. Бу ишлар тезда битди. Мулозим мендан пулни қабул қилиб олгани тўғрисида тилхат ёзиб берди. Машваратнинг охиригача хон қалин гилам устида чордона қуриб ўтирар, рўпарасида чилим турар, атрофида учта мулозим бор эди. Қабулхонада гиламдан бошқа ҳеч қандай жиҳоз йўқ, фақат шифтга нақш берилган эди. Сергей Иванов тавсия этган амалдорни қидириб топдим. У билан тезда тил топишдик.

Дўконга эга бўлгач, молларимни саралаб, пештахта тоқчаларига тартиб билан тера бошладим. У ерликлар менинг тимсолимда гўё бир ноёб нарсани кўргандай бўлишарди, ёнимга келишиб, мени гапга солишарди, Чамамда, жуда қисқа вақт ичида бутун Хива мусофир рус савдогари тўғрисида хабар топди. Кўплари мол харид қилиш учун эмас, балки фақат мени кўриш учунгина келишарди. Мен ҳаммаларига бирдек эҳтиром кўрсатишга ҳаракат қилардим, шу йўл билан танишларим сонини кўпайтирардим. Уларнинг барчаси мени яхши кўриб қолди. Лекин, гапнинг очиғи, бора-бора хиваликлар мени безор қилиб юборишди: кўпинча бозорда юрадиган бўлсам, улар; ана, рус савдогари келяпти, деб бир-бирига мени бармоғи билан кўрсатишарди. Шу сабабли бошқалардан яққол ажралиб турмаслик учун, хиваликлар кийимини кийиб олдим.

Хива бозорларида ҳамма нарса бизнинг Русияга нисбатан анча арзон эди. Бир қадоқ қўй гўшти 5 тийин, белуга балиғи 2-3 тийин, чўрак (товада пиширилган катта оби нон) 5 тийин. Бунинг устига, нон шундай каттаки, бир донаси одамни кун бўйи тўқ тутади. Балиқ уруғи уларда деярли истеъмол қилинмайди, чунки уни биздай тотли қилиб тайёрлашни билишмайди. Еган тақдирда ҳам балиққа қўшиб пиширишади. Қизил балиқ елка гўшти ва елимини кулчанон ёки ўрама шаклида тайёрлаб ипга ўтказишади. Бир қадоқ елим баҳоси катта қўй нархида, яъни 5 ёки 6 сўм туради, бир ботмон буғдой, яъни бизнингча 1 пуду 10 қадоқ – 80 тийин туради. Сорочинский тариғи (гуруч)нинг нархи ҳам унча қиммат эмас – 1 ботмони 1 сўм ёки 1 сўм 20 тийин. Қовун, тарвуз ва турли хўл мевалар бу ерларда кўплаб етиштирилади ва жуда арзон сотилади. Турар жойларга келсак, ҳавас қиладиган даражада эмас: бинолар ёмон қурилган, кўчалар тор ва ифлос, ҳар жой-ҳар жойда ахлат ва гўнг уюб ташланган.

Мен бу ерда кўплаб таниш-билиш орттирдим, талай бообрў амалдорларникида меҳмон бўлдим. Уларнинг ҳаммаси мени самимият билан кутиб олишди. Асосан мол гўшти кабоби, жувоз мойида тайёрланган майизлик қўй гўштидан палов ва турли хўл мевалар билан зиёфат қилишарди. Ҳар доим чилим бўлади. Аёллари эркак меҳмонларга кўринмайди.

Шундай қилиб, аста-секин Хива ҳаётига ҳам кўника бошладим. Лекин савдо ишларим олдинига унчалик юришмади. Бунинг устига, уларнинг молини сотиб олиш учун маблағим ҳам йўқ эди. Хон томонидан алмаштириш мақсадида олиб кўйилган пулим ёвазига ҳали ўзларининг пулини беришмаган эди. Тўрт кундан сўнг ўзим хоннинг олдига боришга аҳд қилдим, саройга яқинлашганимда мулозимлардан бири нима юмуш билан келганлигимни сўради. Мен хонга илтимосим бор, дедим, лекин қандай илтимос эканини айтмадим.

Хонага кирганимда хон ёлғиз чилим чекиб ўтирарди. Ҳозир бошқа либосда, яъни хиваликлар кийимида бўлсам-да, хон мени кўриб қаниди ва очиқ чехра билан, “Ҳа, ўрус савдогари”, деб кутиб олди. Мен унга хиваликлар одатича таъзим қилдим, унга ёқиш учун ўзимни иложи борича хокисор тутишга ҳаракат қилдим. Хон маҳаллий тилда гаплашишни қаерда ўрганганлигимни сўради. Ўн беш йилдан бери қирғиз ва хиваликлар орасида яшашимни айтдим. Ёшимни сўраган эди, йигирма ёшдан, деб жавоб бердим. Беш ёшимдан оиламиз билан Оренбургга келиб қолганимиз, ўша пайтдан бери доимо қирғиз ва хиваликлар орасида эканимни қўшиб қўйдим. Хон тилни яхши ўзлаштирганим учун мактаб қўйди, лекин



ёзувни ўрганишга ҳаракат қилмаганимни маъқулламади. Кейин нима юмуш билан келганимни сўради. Мен пул учун келганимни очик айтолмадим. Бир қирғиз мендан ўтгиз олтита қўй қарз бўлиб, пулини бермаётганини айтдим, холос. Хон бунга жавобан, “агар қарздоринг инкор этса, унинг ростдан ҳам қарздор эканини қандай қилиб исбот қила оласан?” – деди. Мен унга жавобан, ҳамма хизматкорларим унинг мендан мол олганини кўрганини, йўлбошловчимиз бўлган оқсоқол ҳам гувоҳ бўла олишини айтдим.

Хон мулозимини оқсоқолга юбориб, ундан ростдан ҳам қирғиз мендан қарз олган-олмаганлигини аниқлатди. Оқсоқол гапимнинг тўғрилигини тасдиқлаб, қирғиз қайси пайтда қарз олганини ҳам аниқ қилиб айтиб берди.

Хон қарздорга одам юборишни буюрди. У мулозим билан кириб келганида мен танмай қолдим: хоннинг ўқрайиб қарашидан қаттиқ кўркиб, ранги буткул оқариб кетган эди. У хоннинг “Бундан қарздормисан?” – деган саволига, қарзи борлигини тан олиб жавоб берди. У инкор этиши ҳам мумкин эди, лекин бу ерда ҳозир бўлган муллага кўзи тушгач, қасам ичиришлари мумкинлигига ақли етди шекилли, бундай қилмади. Хон нима учун қарзингни узмаяпсан, деб сўраганида, ҳозирча имконияти йўқлигини билдирди. Шунда хон бир мулозимга унинг қариндошлариникига боришни ва улар бунинг қарзини тўлаши шартлигини буюрди.

Мулозим кетди. Қўйларни қабул қилиб олиш учун оқсоқолимизни унга кўшиб юбордим, ўзим эса хондан топширган пулимни қайтиб беришини сўраш мақсадида қолдим. Лекин хон менга ҳар хил саволлар берар эдики, иш юзасидан гап очишга ботинолмасдим. У бизнинг подшоҳларимиз, уларнинг тўйлари ҳамда улар нега чет эллардан уйланишлари, қизларини ҳам четга узатишлари тўғрисида сўради. Мен бу тўғрида билганимча айтиб бердим. Кейин у дин тўғрисида гапира бошлади. Руслар рўзасининг моҳияти нимада эканини ва қайси вақтларда ибодат қилишимизни сўради. Мен бизда эргалаб тонгги ибодат, пешинда тушки ибодат, кейин эса кечки ибодат қилинади, деб жавоб бердим. Хоннинг “Русияда аёлларнинг очик юз билан юриши, эркаклар билан бемалол мулоқотда бўлиши ва улар билан черковларда бирга ибодат қилишлари адолатданми?” – деган саволларига жавоб берганимда, олдинига ажабланиб ҳайрон бўлди, кейин эса бундай одатларимиздан кулди. Русияни ўз кўзи билан кўриш, у ердаги аҳоли турмуш тарзини ўрганиш истаги борлигини айтди. Лекин Русияга қай тарзда бориши мумкинлигини билмаслигини кўшиб қўйди. Агар хон сифатида борса, рус подшоҳи уни олиб қолиши мумкин, чунки ҳали ўзаро алоқалар ўрнатилмаган. Унга маълум бўлишича, рус асирларини озод қилиб юборгани учун подшоҳ унга эмас, нимагадир Англияга миннатдорлик билдирибди. Савдогар мақомида борса, бу ўз фуқаролари олдида шармандалик ҳисобланади. Бунинг устига, рус ҳукумати билиб қолса, хон савдо билан ҳам шуғулланаркан, деган гап тарқалиши мумкин.

Хива хони билан Россия ва русларнинг урф-одатлари тўғрисида суҳбатлашиб ўтирганимизда, мулозим кириб, тушлик тайёр эканини айтди. Мен ўрнимдан туриб кетишга ҳозирландим, лекин хон мени тўхтатиб, уйланган-уйланмаганим билан кизиқди, жиянларидан ёки хивалик қизлардан бирига уйланишни таклиф этди, шу йўл билан Хивада турғун бўлиб қолишга фикрим қандай эканини сўради. Унинг менга бўлган эътибори учун миннатдорлик билдирдим... Имкониятдан фойдаланиб, маблагдан қийналиб қолганлигимни билдирдим ва пулимни қайтариб беришларини сўрадим...

Мен хон билан хайрлашиб дўконимга кетдим. Бу ерда мени хиваликлар ўраб олишди. Улар хоннинг ҳузурда узоқ қолиб кетишим сабабини сўрашди, Уларга қисқа қилиб ҳар хил нарсалар тўғрисида суҳбат қурганимизни айтдим. Бир мунча муддатдан сўнг хон юборган мулозим билан оқсоқолимиз қайтиб келишди. Улар дўконимга қирғизнинг қариндошларидан ундирилган қўйларни ҳайдаб келишган эди. Мулозим менга қўйларни санаб топширганидан сўнг, уларга белги тамғасини босиб чўпонимга жўнатмоқчи бўлдим. Лекин қарздор кишининг қариндошлари бунга эътироз билдириб, улар қариндошлари учун қарзни узишга мажбур эмасликлари ҳамда кимга қарз берган бўлсам, ўшанинг ўзидан ундириб олишим кераклигини айтишди.

Қирғизлар кўйларини қайтариб олишга хонни кўндиришга умид қилишиб, унинг хузурига боришни таклиф этишди. Мен розилик билдирдим ва мулозим бошчилигида йўлга тушдик. Бу пайтда хон туяларини чўктириб юборгани учун бухороликлардан ҳақ ундириб олаётган эди. Улар билан орани очик қилиб бўлганидан сўнг биз ҳам кирдик. Қирғизларнинг таклифини тинглаб хоннинг жаҳли чиқиб кетди, гапни қисқа қилиб, кўйларни қайтариб беришга рухсат беради ва ҳаммани қувиб солди.

Орадан анча вақт ўтгач, мулозим дўконимга пулимни олиб келди ва мендан қанча мол олиб келганимни сўради. Ҳаммаси бўлиб беш минг сўмлик, деб жавоб бердим. У хон томонидан ҳар бир сўмлик мол учун ўн тийин миқдорида бож тўланиши белгиланганини айтиб, беш юз сўмни санаб олди ва шу ондаёқ пулларни саройга олиб кетди.

Орадан кўп ўтмай дўконимга боцман Сергей Иванов келиб, мени ўз уйига таклиф қилди. Мен бу таклифни бажону дил қабул қилдим. Сергей Хиванинг бозоридан узоқ бўлмаган жойда, Бухорога чиқиш йўлида яшар экан. Унинг уйида кўплаб санам (икона) ва диний китобларни кўриб, ниҳоятда ажабландим, Мен ундан, хон бу ерда христианларга ўз динига эътиқод қилишига рухсат берадими, деб сўрадим. Сергей менга, илгари бу ерларда рус асирлари кўп бўлиб, шахсан хоннинг рухсати билан улар шу хонадонда йиғилишиб, ибодат қилишганини, шунинг учун ҳам бу китоб ва тасвирларни Оренбургдан ёздириб олдирганини айтди.

Меҳмондорчилик анча вақтгача чўзилиб кетди. Шунда унинг нима билан шуғулланишини сўрадим. У хоннинг топшириғига биноан тўпчиларга кўмондонлик қилиши, аскарларга таълим бериши, эрон асирларга ҳарбийча юриш ва курул билан муомала қилишни ўргатишини айтди. Зиёфат учун минатдорчилик билдириб, уйимга қайтдим.

Хивада Сергей билан тез-тез кўришиб турардик. Бир куни у билан яшаш тарзи бизникига ўхшаб кетадиган бир амалдорникида меҳмон бўлдик. У хотинларини биздан яширмади. Мен улар билан анча суҳбатлашдим. Улар мендан рус аёлларининг ҳаёти ва юриш-туришлари тўғрисида қизиқиб суриштиришди. Мен уларга аёлларимиз қандай қилиб кўча-кўйларда эркин юриши, меҳмондорчиликларга бориши ҳамда куннинг хоҳлаган пайтида юзларини яширмаган ҳолда, эркаклар билан учрашишлари ва суҳбатлашишлари мумкинлигини ҳикоя қилиб бердим. Уларни тўй маросимларимиз ҳам ниҳоятда қизиқтирди. Ҳамма тафсилотлари билан гапириб бердим ва бизларда битта хотиндан бошқага уйланиш мумкин эмаслигини ҳам айтиб ўтдим. Бу одатимизни улар жуда мақташди. Бу аёллар шойи кўйлак кийиб олган, кўкракларини дур ва қимматбаҳо тошлардан ясалган тақинчоқлар безаб турар эди. Бошларида ичига пахта қавилган ипакдан қалпоқча бўлиб, у ҳам дур ва қимматбаҳо тошлар билан қопланган эди. Катта хотинининг ўн икки яшар кизи бўлиб, у бешикдаги укасини тебратиб, ўзи тўқиган аллани айтиб ўтирарди. Аллани узоқ тингладим, кўшиқ тугагандан сўнг қизчани эркалатиб, мақтаб қўйдим. У қизалоқларга хос уятчанлик билан қизариб кетди. Алланинг сўзлари тахминан шундай эди:

*Йиғламагин, йиғлама, аллаё алла,  
Йиғлаб бағрим тиглама, аллаё алла.  
Отам келиб сўяр қўй, аллаё алла,  
Бошланади катта тўй, аллаё алла.  
Отам сенга той берар, аллаё алла,  
Момам келиб мой берар, аллаё алла.  
Овунарсан шунда сен, аллаё алла...*

Мезбон ва ёш уй бекаларига меҳмондорчилик учун раҳмат айтиб, уйга қайтдим.

Хивада яшаётганимга қирқ кун бўлиб қолган эди. Бу вақт ичида хон хотинларидан бирининг туғилган кунини нишонлайдиган бўлди. Бу тантанага мени ҳам таклиф этишди.

Боғда кигиздан улкан чодир тикилган бўлиб, унинг ўртасида сахнага ўхшаш нарса ўрнатилган эди. Мен у ерга оренбурглик савдогар З. ҳамкорлигида бордим. Унинг тижорат ишлари юришмай, бозори касодга учраб қолган эди.

Чодирга кирган пайтимизда хон тўрда ўтирарди. Унинг ёнида – аъёнлар. Бизни хоннинг қарши томонига ўтиришга таклиф этишди. Бу ерда машшоқлар ва етмиштача меҳмон бор эди. Томошалар бошланди: сахнада биринчи бўлиб раққоса кўғирчоқ пайдо бўлди. Ундан сўнг икки хивалик миллий рақс ижро этиб, бор маҳоратларини намойиш этгач, бир бола баланд қилиб тортилган дорда ўйин кўрсатди. Бу томошалар тугагач хивалик ҳофиз саз чалиб, боскинчи эрониларни мағлуб этган қахрамон ватандошлари тўғрисида дoston қуйлаб берди. Хоннинг буйруғига биноан, ҳар хил ҳайвонлар келтирилди ва сахнада ёввойи отлар, архарлар, тулкилар, ёввойи мушуклар, кўнғир айиқ ва ҳоказолар намойиш этилди. Хоннинг ўзи уларнинг ҳар бири тўғрисида гапириб берди. Сўнг кечки овқатга турли хил таомлар тортилди. Энг сўнггида чилим келтирилди. Зиёфатдан сўнг хонга миннатдорлик билдириб, дўконларимизга қайтдик.

Орадан бир неча кун ўтгач, охирги молларимни хиваликларнинг шойи ва оддий матодан тикилган чопонларига айирбош қилиб, уларни йўл бўйи қирғиз чўлларида сотиб кетишни чамалаб, Хивадан қайтишга тараддуд кўра бошладим.

Қайтиш ниятим борлигини билдириш учун хоннинг даргоҳига бориб, уни топа олмадим. У қайсидир бир амалдорнинг овулига кетган бўлиб, айтишларича, бир ҳафтасиз қайтмас экан. Хонни кутмасдан кетмоқчи ҳам бўлдим, лекин аъёнлар бундай қилишимга изн бермадилар. Шунда ҳукмдорнинг менга нисбатан ҳеч қандай ёмон нияти йўқмикин, деб хавотирга тушиб қолдим.

Хон келиши биланоқ унинг хузурига бордим. У қайтишимга рухсат берди. Россияга борганимдан сўнг ундан хафа бўлмаслигимни сўради ва “менимча, Сизга мен ёки фуқароларим томонидан ҳеч қандай озор етказилмади шекилли, биз томонларга яхши ниятлар билан келишни истаган барча савдо аҳлига етказингки, менадан улар ёмонлик кўрмайдилар”, – деб кўшиб кўйди. Мени шунда турғун бўлиб қолишга ундаб қилган таклифига, ота-онам ҳаёт ва уларнинг ёлғизи эканимни айтдим. Хон уларни моддий томондан қўллаб туриши мумкинлигини билдирди. У ўзида хизмат қиладиган рус асирларининг ҳар бирига йилига ўттиз, қирқ ва эллик тилло маош тўларди. Хон билан ҳайрлашиб, Сергейникига бордим. У “йўлга”, деб, йўқ дейишимга қарамай, кўп миқдорда хўл мева ва чўрақлар берди ва бизни Хивадан чиқишда таниш бўлиб қолган амалдорлар билан кузатиб кўйди. Ҳайрлашаётган онларимизда Сергей қуйилиб келаётган кўз ёшларини тиёлмади, Ўзим ҳам Хива, у ердаги кадрдонлар билан шу алфозда эзилиб ҳайрлашдим.

Хивадалик давримда менга у ердаги арғумоқлар жуда ёқиб қолган эди. Уларнинг асосий емиши жўхори бўлиб, отларга нисбатан камтомоқ ва тўрт кунлик йўлни озикланмасдан босиши мумкин. Улар фақат минишга мослашган бўлиб, бўйи басти катта отдай, ингичка, тик қомагли, ияқдор, енгил. Жўхоридан ташқари майса ва сули билан ҳам боқишади, лекин сули таркибида одатда кўп чиқинди бўлгани учун жуда тўйимли ҳисобланмайди. Бир пуд жўхори арғумоқнинг ўн кунлик емиши бўлиб, унинг баҳоси етмиш тийин. Арғумоқларни Хивага туркманлар етказиб туришади ва уларни фақат туркман ясаган эгарлар билан минадилар, қирғиз ёки бизнинг казак эгарлари тўғри келмайди. Арғумоқ тез югурганда худди куёнга ўхшаб бор гавдаси билан чўзилади ва бизнинг энг чопағон рус отларидан-да анча тез югуради. Улар ювош ва ақлли бўлиб, дарёлардан дадил сузиб ўтади. Вафодор ҳамда уюрларда қўлга тез ўрганади. Бу ерларда арғумоқ учун юз сўм ва ундан ҳам ортиқ ҳақ тўланади.

\* \* \*

Хивадан қайтишимда яна Амударёдан кечиб ўтдим. Бу ердаги оксокол менадан Хива менга ёққан-ёқмаганини ва хон мен билан қандай муносабатда бўлганини сўради. Унга хоннинг кўрсатган илтифотлари учун ғоятда миннатдор эканимни айтдим ва умуман ҳаммалари шундай қабул қилдиларки, бундан ортиғи бўлмайди, деб жавоб бердим.

Шу пайтда бир қирғизнинг ғайриоддий иштаҳасини кўришга муяссар бўлдим. Бир хивалик сотиш учун бир челақ қимиз олиб келиб, эллик тийин нарх кўйди. Қирғиз киши унга яқинлашиб келиб, кел, баҳслашамиз, агар челагингни бир кўтаришда ичолсам, сенга ҳақ тўламайман, ичолмасам, айтганингни икки барабар қилиб бераман, деди. Бунча қимизни бир кўтаришда ичиб бўлмаслигига ақли

етган хивалик, шартга рози бўлиб, челақни қирғизга тутказди. У эса челақнинг икки қулоғидан кўтариб ича бошлади ва тўхтамасдан ичиб бўш челақни эгасига қайтариб берди. Бу қалтис ҳазилдан жажли чиқиб кетган хивалик қирғизни, нега сенинг меш қорнинг ёрилиб кетмайди, деб ҳақоратлаб кетди. Тан оламанки, бу воқеа мени ҳайратга солди: ахир шунча миқдордаги суюқликни ичиш учун қандай қорин бўлиши керак?!

Амударёдан ҳам кечиб ўтдик. Худди Хивага кетаётганимиздаги каби бора-боргунча овулларда тўхтаб ўтдик.

Бир овулда тунаганимизда, мезбоннинг ўн яшар ўғли бемор бўлиб ётарди. Боланинг отаси касалнинг сабабини ҳикоя қилиб берди. “Бундан беш кун илгари, тунда ҳаммаимиз ётганимизда, кулбамизга бўри кириб қолибди. У ухлаб ётган ўғлимга яқинлашиб уни искай бошлаган; ўғлим уйғониб кетиб, хонада кимдир юрганини айтиб мени чақира бошлади. Олдиниға, бу нима бўлиши мумкин деб, англолмай, ўзим ҳам қўриқиб кетдим. Кейин кўзининг ёнишидан бўри эканини билдим. Кўлимга қилич олиб унга серпадим. Бахтимга қарши, нишонга теккизолмай, ўғлимнинг бошига тушириб олдим. Зарбам унинг бошини жароҳатлади. Аламига бўрига етиб олиб, уни қиймалаб ташладим. Энди ўғлимга қандай шифо қилишни билмай бошим қотган. Гарчи оқсоқол қандайдир дориларни тавсия этган бўлса-да, унинг тузалиб кетишига ишонмайман”.

Бир қатга ва бадавлат овулда ноқулай об-ҳаво сабабли икки кун қолиб кетишимизга тўғри келди. Даҳшатли момақалдиروق ва чакмоқ чақиб, қаттиқ сел ёғиши натижасида теварак атрофда чуқур кўлмақлар пайдо бўлди. Пастликлардаги кўплаб қирғиз ўтовларини сув оқизиб кетди. Тошқин натижасида талай қорамол нобуд бўлди. Чўпонлар водийдан қўйларни олиб ўтаётганда, шитоб билан оқиб келган сув уларни чуқур жарлик домига тортиб кетди. Буни кўрган хўжайин ва унинг бўйи етган қизи уларни қутқариш учун ёрдамга ташланишади, лекин ҳаракатлари зое кетиб, қўйларига қўшилиб ўзлари ҳам сув ўрамасида ҳалок бўладилар. Бу сел кўп бахтсизликлар келтирди. Биз овулнинг тепалик қисмида тўхтаганимиз учун беэиён бўлдик.

Биз “Муалла” уруғининг овулига етиб келдик. Унда олтмиштacha қирғиз кулбаси бор эди. Бу овул аҳолиси қаттиқ қуролланган эди. Қуролланганларнинг сони юзгача бўлиб, уларнинг йўлбошчиси Раҳимберди оқсоқол экан. Уларнинг биринчи саволи: “Қаердан келяпсан?” бўлди. Уларга Хивада бўлганимни батафсил ҳикоя қилиб бердим ва ўз навбатида, бунчалик қуролланганликларининг сабабини сўрадим. Унинг айтишича, бундан бир йилча муқаддам Адай қирғизлари бу уруғнинг бир кишисини ўлдириб қўйгани сабабли, икки ўртасида адоват туғилган. Муалла уруғининг оқсоқоллари ўлдирилган биродарлари хунига Адай қирғизларидан мингта қўй талаб қилганлар, лекин улар бунга рози бўлмаган. Шундан сўнг икки юзга яқин муалла йиғилиб, оқсоқол бошчилигида Адай қирғизларининг икки юзгача қўйини, яна туя ва отларини ҳайдаб келишган. Адай қирғизлари ўз ўрнида буларга ҳужум қилиб, ундан ҳам кўп қорамолни олиб кетиш тарадудидан экан. Шунинг учун мулалар Раҳимберди оқсоқол бошчилигида қуролланиб, сергак бўлиб турган экан. Чунки адайлар қадимдан теварак атрофдаги чўлларда энг довюрак қароқчи сифатида танилган бўлиб, бир пайтлар Каспий денгизида русларни ҳам асир олиш билан шуғулланган экан!

Кейинги тунда Дўсчон оқсоқолнинг овулида тўхтадик. Унинг иниси Зобик билан бироз танишлигимиз бор эди. Зобикнинг ўтовига келганимда, у мени туғишган укасидай кутиб олди ва мен учун турли тансиқ таомлар тайёрлашни буюрди. Хизматкорларимга самоварни олиб келишни буюрдим ва биргаликда чой ичиб, овқатландик. Сухбат чоғида у қизиқиб Хива, хон ва менинг у ерда қандай яшаганим, тижоратим тўғрисида сўради. Сухбатимиз сўнгида у менга қирқ сўм кумуш пул бериб, кейинги гал келишимда Астрахандан марварид олиб келишимни илтимос қилди, сўнг дам олиш учун уйига кириб кетди. Биз эса ўз чодиримизга қайтдик.

Шундан бир неча кун ўтгандан сўнг чўлда ўтлаб юрган сурув-сурув қўйларга дуч келдик. Менинг, “бу қўйлар кимники?” деган саволимга чўпонлар, Қорасоч Султонпошшаники (бегойимники), деб жавоб бердилар. Улардан овулнинг



қаердалигини билиб олиб, йўлимизни у томонга бурдик, чунки Султонпошшани анчадан бери танирдим.

Султонпошшанинг ёши анча жойга бориб қолган бўлиб, мени ҳар доим ўзимнинг ўғлим, дерди. Бунинг боиси, унинг Илёс исмли ўғли менга жуда ўхшар эди. Бегойим бизни хурсандчилик билан кутиб оларкан, у мен билан дийдор кўришишдан умидини узганлигини айтди, чунки барча Хива сафаридан қайтаётганлар хон мени у ердан қўйиб юбормаслигини ва ўзининг саройида яшашга мажбур қилиши мумкинлигини айтган экан-да. У кизини Чимал уруғининг баобрў оқсоқолларидан бирининг ўғлига узатаётган экан. Қайлик учун алоҳида тикилган ўтовда унинг кўплаб дугоналари йиғилишган эди. Келин билан илгаридан таниш бўлганим учун унинг ёнига кирдим. Саломлашиб бўлгач, сидқидилдан барча орзулари бекаму кўст рўёбга чиқишини тиладим. У менга миннатдорчилик изҳор қилди. Қиз бекиёс гўзал эди. У билан олтига киз ўтирарди. Барчасининг эғнида қимматбаҳо шойи матодан қўйлак бўлиб, бошларига қирмизи шол рўмол ташлаб олишган эди. Уларни суҳбатга тортиш мақсадида рус тўйлари ҳақида хикоя қилиб бердим ҳамда кизлардан ҳар хил нарсалар тўғрисида сўрадим. Олдинига улар мандан уялишди, лекин бироз ўтгандан кейин дадилроқ бўлишиб, ҳатто севги ҳақидаги ҳар хил қўшиқлардан қўйлаб беришди. Одатга кўра, қўшиқ айтиб берганлари учун кизларга ҳадя улашиб чиқишим керак эди, шунинг учун ҳам рўмол бериб, уларни хурсанд қилдим. Овулнинг урф-одати бўйича, куёв қайлиғини олиб кетгани келганда, унинг бор қариндош-уруғларини қуюқ меҳмон қилиши ва ўзининг ҳолига қараб ҳадялар улашиб чиқиши керак экан. Агар ҳадя кўнгилдагидек бўлмаса, келинни бермасликлари ҳам мумкин экан. Никоҳни мулла ўқийди. Куёв келин билан бирга унинг бир қанча қариндошини олиб ўз овулига йўл олади ва ўзининг уруғларини ҳам таклиф этиб, катта зиёфат беради. Меҳмонлар келинга ҳадялар беришади: ким от, сигир қўй, гилам, қисқаси, ким нимани хоҳласа, шуни совға қилиши мумкин. Бу базм оқшомида келиннинг юзи ёпик бўлади. Ерликларнинг удумларига биноан, келин тушадиган уйга халат ёки қўйлак устига пиширилган думба ёғ ташлаб бир итни киргизиб юборишади. Агар ит меҳмонлар кўз олдида ёғни еб тугатса, икки ёшнинг бахтли ҳаёт кечирishi белгиси бўлади, агар емаса, бу – яхшилик аломати эмас.

Сўнгра келиннинг қариндошлари унинг сепини олиб келишади. Бойваччаларнинг сепи бир ўтов, бир ёки икки туя, бир неча қўй, қозон, тоғора, кўрпа ва, шунингдек, хўжалик учун керакли жамики майда-чуйдалардан иборат бўлади. Куёв келин учун қалин тўлайди.

Бир куни олти ўтовдан иборат овулга етиб келганимизда, шу ерда тунашга тўғри келди. Унинг эгаси кулчар, яъни ғаллакор экан. У ёзда буғдой, жўхори, тарик, қовун ва тарвуз етиштираркан. Мен уникида ўтирганимда, бир келишган йигит кириб келди. Эғнида яшил мовут билан қопланган қизил тулки терисидан тикилган пўстин, бошида қизил духоба қопланган ва гир атрофига зар уқа тикилган тулки терисидан қулоқчин, пўстинининг остидан шойи чопони кўриниб турибди. У мезбоннинг қайниси бўлиб, қайлиғиникига кетаётган экан. Биз билан саломлашиб олгач, ўтириб Астробод атрофларида қандай қилиб туркманлар билан биргаликда Эрон овулларини талаганликлари ва одамларни асир олганликларини хикоя қилиб берди. Эрони эркаклари Хива хонига жўнатишар, хон улардан навкар тайёрлар экан, эрони кизларга эса туркман йигитлари ва, шунингдек, қирғизлар уйланишаркан. Бу овулдан кетишимда кулчар менга қўй ҳадя қилди. Йўл бўйи қирғизларга чопон сотиб кетдим. Чопонларни ҳамма жойда таллашиб-тортишиб олишди.

Йўлда қандайдир тоғлик ва тепаликлардан ўтишга тўғри келиб қолди. Мен карвондан қолиб кетдим ва атрофида бир неча қўй ўтлаб юрган қудуққа кўзим тушди. Қудуққа яқинлашарканман, қулоғимга русча қўшиқ чалиниб, мени ниҳоятда ҳайратлантирди. Атрофда ҳеч кимса кўринмасди. Қўшиқ айтган одамни кўп кидирдим, лекин фақат бир қирғиз аёлни учратдим. У менинг, ким бу ерда русча қўшиқ айтди, деган саволимга, билмайман, деб жавоб берди, аммо менинг рус эканлигимни билгач қўшиқни ўзи қуйлаганини айтди ва ўзи ҳам рус экани, ўн беш



йилдан бери қирғизлар орасида яшаётганини гапириб берди. Унинг ҳикоясидан Оренбург губернияси, Краснохолмск станицалик казак қизи эканини билиб олдим. Олти ёшлик пайтида акалари билан ўт ўришда бўлганида қирғизлар ҳужум қилиб, кўпчилик қатори асир олишган экан. Ёши ўн бешга тўлганида, бир қирғизга эрга беришган экан. Турмуш курганига ўн йил тўлибди. Фарзандлари бор экан. Юр, Ватанингга олиб кетаман, деб қилган даъватимга, болаларини кўзи қиймай, рад жавобини берди, ҳамда она тилини унутиб юборгани, лекин эри таъқиб этса-да, христиан динига эътиқод қилиб, имконият даражасида ибодат қилишини кўшимча қилди. У билан хайрлашганимда туяларим анча илгарилаб кетган эди, мен улар томон шошиб йўл олдим.

Кейин қария Эсондавлат оқсоқол бўлган жуда катта овулга етиб келдик. Оқсоқол мендан кўпроқ Астрахан ва Оренбург тўғрисида суриштирди, гап орасида рус шаҳарларига саёҳат қилиш истаги борлигини кистириб ўтди. Оренбург шаҳрида бўлганида, у ерга валиахд шахзода, ҳозирда эса муваффақият билан Императорлик қилаётган подшоҳимиз Александр Николаевич ташриф буюрганини ва унинг зиёфатида қатнашганлигини мақтаниб гапирди. Оқсоқолнинг тўнғич ўғли мендан доим кўтариб юрадиган ёмғирпўшимни ҳадя қилишимни сўради. Мен чурқ этмай, унга сўраган нарсасини бердим. У менга сидқидилдан миннатдорлик изҳор қилди. Лекин отаси шу арзимаган икки сўмлик нарса деб, беадабгарчилик қилгани учун ўғлини қойиб берди ва менга ўзи етиштирган зотдор тойчоқларидан бирини тортиқ қилди. Бу қария ёшлик даврларида кўп бора босқинчилик юришларига борган эди, бу ишлар унинг учун кўнгулхуши бўлиб, кўплаб қирғиз ва туркманларни енгганини билиб олдим. У, шунингдек, Каспий денгизидаги саргузаштларини ҳам ҳикоя қилиб берди. У кўплаб русларни асир олиб, ҳар хил баҳода сотган экан.

Чўлларда йўлимизни давом эттирар эканмиз, унча катта бўлмаган овулга дуч келдик. Биз билан ҳамроҳ бўлиб кетаётган оқсоқол айрон ичишга таклиф этди, мен таклифни қабул қилдим. Овулга яқинлашганимизда итлар ҳужумига дуч келдик. Мен атайлаб, ўзимнинг кимлигимни яшириш мақсадида бошдан-оёқ қирғиз қизлари қиядиган қирмизи халатга бурканиб олган эдим. Овулга кириб келганимизда йўлимизга бир қирғиз пешвоз чиқди. Биз отдан тушмадик, у кулбамга кириб, деб зўрлади. Оқсоқолимиз, гўё мен унинг қизи ва қаергадир меҳмонга кетаётганимизни айтди. Аёллар қийимида эканим ва юзим ёпиқ бўлгани туфайли ёлгон гапиришга тўғри келди, Оқсоқол ичишга бирон нарса беришни сўради. Бир қизча иккита идишда айрон олиб келиб, бирини менга, иккинчисини оқсоқолга узатганида, бошимдаги ёпинчикни олдим, Қизалоқ менинг эркак эканимни кўриб, онаси томон қичқирганча югуриб кетди. Ҳамма хахолаб қулиб юборди.

Кейин туркман элчиси Отаназар ташриф буюрган бир каттагина овулда бўлдик. Элчи кўримсиз, аммо эпчил одам эди. У хондан қилич ва олтин узук ҳадя олган, аҳоли ўртасида ўзининг ақллилиги билан машхур бўлган эди. У ўзаро келишмовчиликда бўлган қирғизлар билан тинчлик ўрнатиш мақсадида туркманлардан вакил бўлиб келган эди. Бунга ишонтириш учун бир-бирларидан тортиб олинган асир ва молларни айирбош қилди. Элчи билан эронилар ўртасидаги жанглар тўғрисида кўп суҳбатлашдим. У менга бажону дил ҳикоя қилиб берди.

Чўллардан ўтаётиб, кўплаб ёввойи ҳайвонларни кўришга муяссар бўлдим. Ёввойи отлар, тоғ эчкилари (архарлар), сайгоқлар, бўрилар, тулкилар, бўрсикларни қирғизлар милтиқ ёки қопкон билан овлар эканлар.

Улкан жийда дарахти ўсган овулга етиб келдик. Бу дарахтни муқаддас билиб, унга сажда қилишар экан. Ерликларнинг эътиқодлари бўйича, ногиронлар бундан шифо топар эмиш. Уни авлиё дарахт деб билишар, у масжид ўрнини ҳам босар экан. Кўз олдимда барча қирғизлар, ҳатто, бизнинг оқсоқол ҳам шу дарахтга бориб ибодат қилишди. Уларнинг урф-одатларини кўриш мақсадида бир гал мен ҳам бордим. Ибодат давомида ўтганлар руҳини йўқлаб тиловат ҳам қилинар экан.

Шундан сўнг қумуш устаси бўлган бир қирғиз заргарнинг овулида тунашга тўғри келди. У қумушдан ҳар хил нарсалар ясар экан. Мен бу ерда бир ёш мулла билан учрашдим. У менга такво, Мухаммад, Одам Ато ва Момо Ҳаво, Юсуф

пайғамбар, унинг акалари томонидан сотиб юборилиши тўғрисида ҳикоя қилиб берди. Бу мулланинг шогирдлари кўп бўлиб, ўзи ўта ўқимишли одам эди. Яна бир овулга етиб келганимизда, у ерда фақат аёллар қолган бўлиб, юз ёшлик бир чолдан бошқа барча эркак ўч олиш учун бошқа овулга кетган экан. Қария кўйнинг курагида яхшигина фол очар экан, менга ҳам баъзи нарсаларни башорат қилиб берди.

Шундай қилиб, Хивадан қайтишимда қирғиз чўлларида саёҳат қилиб юрдим ва уларнинг овулларида савдо қилдим.

Бир овулда чодиримизга оқсоқолнинг қизи онаси билан кириб келди. Қиз жуда гўзал бўлиб, ораста кийинган, кўринишидан довурак ва муомалада дадил эди. У мендан яхши шол рўмол сўради. Мен ҳар хил рўмолларни кўрсатдим, лекин унга ҳеч қайсиси ёқмади – биронтасиниям танламади. Шундан сўнг у устимдан кулиб, рўмолларимни ерга уриб кўшиқ куйлади. Кўшиғининг маъноси тахминан шундай эди: “Эй, сен, рус одами, энг бўлмағур савдогарсан, бизнинг ерларда юриб ёмон мол сотасан, халқни алдаб ўз юртингга кетиб қоласан”.

Унинг бундай номаъқул муомаласини бежавоб қолдиргим келмай, мен ҳам кўшиқ билан жавоб бердим: “Тўғри айтасан, сен айтгандек ёмон савдогарман, яхши рўмолларим қолмади, сабаби, уларни Хивада чиройлик қизларга сотдим, сен ўзингга яхши шол рўмол сўрадинг, менимча, у сенга ярашмайди, чунки бўйнинг қозоннинг қурумидек қора”.

Бу ерда ҳозир бўлган қирғизлар ха-холаб кулиб юборишди. Унинг ўзи ҳам кулиб, “Эҳ, ёмон ўрус”, – деди.

Қирғизларнинг орасида кўрганларимдан энг эса қоладигани, уларнинг сентябрь ойида нишонлаган Қурбон хайити эди. Бу байрамда бою камбағал кўй сўйиб, ундан таом тайёрлайди, бир-бириникига меҳмонга боради, ўтовдан-ўтовга ўтиб, ҳамма ерда бир-бирини кўй гўшти билан сийлайди, чўлларда сайиллар ўтказиб, турли хил миллий ўйинлар ўйнайдилар.

Қирғизлар жуда аҳил яшайди ва бир-бирини томирим, деб атайди. Уларнинг дўстлиги шу қадар кучлики, дўст учун ҳатто ўлимга ҳам боришга тайёр.

Уларнинг тирикчилиги асосан чорвачилик билан боғлиқ, лекин ғалла ҳам етиштиришади. Яна қайиқлари бўлиб, денгиз ва оқар сувларга бориб, балиқ ови билан ҳам шуғулланишади. Балиқни тепадан туриб санчки билан уриб олишади. Ҳар бир қайиққа беш ёки олти кишидан ўтиришиб, овга чиқишади. Балиқни еб, ундан олинадиган елимни бизга ёки Хивага олиб бориб сотишади. Бундан ташқари денгизда ҳар хил қушларни овлашади. Уларнинг семирган пайтини-да яхши билишади. Овланадиган қушлар: қизил оққуш, қизил ғоз, ёввойи ўрдақлар, қашқалдоқлар.

Илгариги даврларда балиқчиларимиз қирғизлардан тез-тез талафот кўриб туришарди. Улар нафақат таланарди, балки асирга ҳам олинарди. Энди эса, бу онда-сондагина содир бўлиб туради. Бу иш уларнинг нонини ёки ортиқча кийимини тортиб олиш мақсадида қилинади. Юқорида номлари келтирилган Адай қирғизлари қадимдан қароқчиликда машҳур бўлишган.

*Рус тилидан Омонуллоҳ  
Мутал таржимаси*



## “ҚОБИЛИЯТ – БУ ЧЕКСИЗ БАРДОШ”

Буюк француз ёзувчиси Ги де Мопассан 1850 йил 5 августда Турвил-сюр-Аркес (ҳозирги Куйи Сена)даги Миромесниль қасрида дунёга келган. Ўз даврида Гюстав Флобер ва Эмиль Золялар билан ижодий алоқада бўлган Ги де Мопассан француз адабиёти сахнасида “Ҳаёт” (1883), “Азизим” (1885), “Пьер ва Жан” (1887-1888) романлари ҳамда “Дундик” (1880), “Лойхўрак тўғрисида эртақлар” (1883), “Орла” (1887) сингари бир-биридан сермазмун новеллалари орқали француз адабиётида ўз “сўзи”га эга бўлди. Адиб асарларининг энг муҳим жиҳати реалистик руҳ билан суғорилганлиги эди.

Мопассаннинг оиласи XIX аср ўрталарида Лорендан кўчиб келиб, Куйи Сенада жойлашадилар. Отаси Гюстав де Мопассан 1846 йилда олий табақа вакиласи ҳисобланмиш Лора де Пуатвин билан оила қуради. Улар никоҳидан икки ўғил дунёга келади. Лора келажакда иккала ўғлининг ҳаётида ўз ижобий таъсирини кўрсатган буюк ёзувчи Гюстав Флобер билан дўстлик ришталарини боғлаган эди. Лора адабиёт олаmidан яхши хабардор аёл бўлиб, классика, хусусан, Шекспир ижодига меҳри ўзгача эди. 1854 йилда оила Гавр яқинидаги Блан де Гренвиль-Имовиль қалъасига жойлашадилар. 1856 йил Гининг укаси Эрве дунёга келади. Онаси Лора 1860 йилда енгил ҳаётнинг ортидан кувадиган эри Гюстав билан ажрим имзолайди ва иккала ўғлига ёлғиз ўзи гамхўрлик қилади.

Болалигининг қолган йилларини Этретадаги денгиз қишлоғида қад рост-



лаган “Вергилар” панционида ўтказди ва айнан ўзи яшаган агроф-мухит сабаб табиатга муҳаббат руҳида ўсади.

Бўлажак адиб 1869 йили адабиёт йўналишида бакалаврликни тамомлаб, онаси ҳамда Флобернинг маслаҳатига кўра, ҳуқуқ соҳасида ўқиш учун Парижга жўнаб кетади. Аммо тўсатдан бошланган франко-пруссия уруши унинг режаларини тубдан ўзгаришига сабаб бўлади. 1870 йилда армияга кўнгилли бўлиб ёзилган адиб хизматни ҳарбий бўлим таъминотида бошлаб, кейинчалик артиллерия сафига ўтади ва норманд кўшинининг германларга қарши ҳаракатида қатнашади. Урушдан кейин хизматни тугатиш учун ўрнига одам ёллаб, Нормандияни тарк этади.

Мопассан ўн йил давомида Парижда Денгиз флотига ва Халқ таълими вазирлигида хизматчи вазифасида ишлайди. У азобли кечаларини тинимсиз адабий изланишлар билан ўтказди. 1875 йил февраль ойида ўзининг биринчи эртаги “Кесилган қўл”ни Жозеф Прунье тахаллуси остида “Альманах” журналида нашр қилдиради.

Шу вақт оралиғида соғлиғидан ташвишланган адиб тиббий кўриқдан ўтади. Тахлил натижалари даҳшатли касаллик – захми кўрсатарди. Бу касаллик адибнинг ўлимига қадар вужудини кемирган.

У буюк ёзувчи Флобер раҳнамолиги ҳамда ҳимояси остида адабиёт ва журналистикага кириб келади. Ижодий фаолиятини “Галлия”, “Париж Садоси”, “Жиль Бла”, “Фигаро” газеталарида мақолалар эълон қилиш билан бошлайди. Кейинчалик бўш вақтларида романлар ва новеллалар ёзади. Флобернинг кўмаги остида 1879 йили биринчи китоби “Қадимги даврлар тарихи”нинг алоҳида 100 саҳифасини нашр қилдиради.

Мопассан Эмиль Золя билан алоқа ўрнатган вақтда, яъни 1880 йили натуралист ёзувчилар уюшмаси тўпламида ўзининг илк новелласи “Дундик” билан қатнашади ва бу асар тезда муваффақият

қозонади. Флобернинг фикрича, бу новелла “ўлмас шох асар” дея баҳоланади. Аммо худди ўша йили Флобернинг кутилмаганда ғойиб бўлиши сабаб ёш адиб ўз тақдири қаршисида ёлғиз қолади.

1880-1890 йиллар оралиғидаги 10 йиллик адиб ҳаётидаги энг сермахсул давр бўлди: бу давр мобайнида адиб 6 та роман, 300 дан ортик новелла ва кўплаб саргузашт ҳикояларни нашр қилдиради.

1881 йил адиб ўзининг илк новеллалар тўпламини “Телье уйи” номи остида нашр қилдирди ва яқин икки йил ичида унинг иккинчи нашри ҳам чоп этилди. 1883 йилда Мопассан 1877 йилда бошлаган “Ҳаёт” романини ёзиб тугатди. Бу роман бир йилда 25 минг нусхада сотувга чиқарилади. Роман тўғрисида Лев Толстой шундай ёзади: “Бу роман француз адабиётидаги “Хўрланганлар” романидан кейин иккинчи шох асардир”.

1884 йил октябр ойда адиб “Азизим” номли машҳур романини ёзиб тугатади. У шунгача яратган барча новеллаларидаги ранг-баранг кузатишларини айнан “Азизим” романида жамлаган. Бу асар тўғрисида Мопассаннинг ўзи шундай дейди: “Азизим – бу мен!” 1887-1888 йиллар оралиғида ёзувчи навбатдаги “Пьер ва Жан” романини яратади.

Мопассан соғлиги заифлигига қарамай, Жазоир, Италия, Англия, Сицилия бўйлаб узок муддатли саёҳатлар қилади, газеталар учун янгидан-янги репортажлар тайёрлайди. Талвасали ҳаёти давомида вужудини секин-аста камраб олаётган касалликни унутиш учун кенгликларга эҳтиёж сезади.

Сўнгги йиллар тамомила ёлғиз ҳаётга берилади. У бора-бора ўзини ҳам жисмонан, ҳам рухан ёмон ҳис қилар, маслаҳатлар, муолажаларга қарамадан ахволи энгиллашмасди. Шу сабабданми, адиб энг сўнгги кучини ҳам асар ёзишга сарфлади. 1889 йилда “Куч” номли асар нашрдан чикди. Шу йил май ойда адиб “Бизнинг қалб” номли сўнгги асарини ёзишга киришади. Киборлар жамиятининг ахлоқий масалалари ақс этган бу асар 1890 йил май ва июнь ойларида “Икки дунё” журналида нашр қилинди. Орадан бир ой ўтиб, 1890 йилнинг август ойда “Бегона қалб” номли асар устида иш бошлайди.

1891 йилда эса “Ангилус” номли яна бир асарни ёзишга киришади. Аммо ҳар икки асарни ҳам тугата олмайди. 31 декабрда доктор Казалисга ёзилган хат Мопассаннинг энг сўнгги видолашув хати бўлиб қолди.

1891 йилда Мопассан ўзининг адабиётдаги фаолияти тўғрисида Жозе Мария де Эридияга шундай ёзган эди: “Мен адабиётга яшиндек кириб келдим ва уни момақалдироқ сингари тарк этаман”.

Мопассан “Қобилият бу чексиз бардош демақдир” деб ёзган эди. Адиб яратган асарларнинг мавзулари ҳаётидаги кечмишлари, ранг-баранг тажрибалар билан чамбарчас боғлиқ. Мопассаннинг она юрти Нормандия ўзининг такрорланмас манзараси билан унинг асарларида муҳим ўрин тутади (“Ҳаёт”даги кишлок, денгиз, шаҳар кўринишлари ва унинг аҳолиси – деҳқонлар, заминдорлар ёхуд кичик зодагонлар). Аммо Нормандия ёзувчи асарларида тасвирланган ягона жой эмас, хусусан, Париж ҳам “Азизим” романида воқеалар ривожининг марказида туради. Бундан ташқари, 1870 йилдаги уруш ва германларнинг босиб олиши бошқа бир муҳим мавзу бўлиб, адиб ундан “Дўндик”, “Фифи хоним”, “Икки дўст”, “Милон ота”, “Жинни” асарларида фойдаланади. Асарларига инсонпарварлик руҳини сингдиришда, асосан тақдир қурбони бўлган (“Ҳаёт”, “Митти Рок”, “Мис Арс” асарларида, хўрланган (“Дўндик”, “Фифи хоним”, “Телье уйи”да) аёллар ҳамда оила ва фарзандлар (“Пьер ва Жан”, “Далаларда”, “Бола”, “Оила”) образлари муҳим ўрин тутади.

Мопассан асарларида руҳий тушқунлик, унинг ортидан муқаррар келадиغان руҳият таназзули ва ниҳоят, ўлим тушунчалари кенг талқин этилади.

Бу бевосита ёзувчининг ўз руҳий ҳолати ва касаллиги билан изоҳланса, ажаб эмас. Бироқ Мопассан XIX аср француз ҳаётининг турфа манзараларини шундай аниқ ва тиниқ тасвирлайдики, мазкур жиҳат уни дунёнинг буюк ревлаист адиблари қаторида санашга асос беради. Дарҳақиқат, Ги де Мопассан ижоди ҳамон қалбларни тўлқинлантириб келаётган безавол ижоддир.

*Маҳмадиёр АСАДОВ  
тайёрлади*





## “ОЧЛИК” ДАН МАШҲУРЛИККА

Кнут Педерсон 1859 йил 4 августда Норвегиянинг Лом туманида қишлоқ тикувчиси Педер Педерсон хонадонида дунёга келади. Оила камбағаллик ва қийинчилик туфайли мамлакатнинг энг шимолий нуқтаси Хамарага кўчиб ўтганида Кнут 3 ёшда эди. Унинг ота-онаси тоғасига тегишли Хамсунд фермасини ижарага олиб ишлай бошлайди.

Бироқ оила оғир аҳволга тушиб, тоғадан қарз бўлиб қолади. Тўққиз ёшли Кнут фермада мол боқиб тоғасига хизмат қилишга мажбур бўлади. Мурғак бола учун азобли кунлар бошланади. Ниҳоятда баджаҳл ва қаттиққўл тоға художўй бўлишига қарамай, кичкинагина хатони ҳам кечирмас, раҳмшафқат унга бегона эди. Хамсун 15 ёшга тўлганида бағритош тоғасининг таҳқирларига чидай олмай, уйдан қочиб кетади ва мустақил ҳаётни бошлайди.

Кнутнинг ўсмирлик йиллари дарбадарликда ўтади, сон-саноксиз саргузаштларни бошидан кечиради: дастлаб этикдўзга шогирд тушади, бир вақтнинг ўзида мактабда савод чиқаради. Кўп ўтмай этикдўз устандан қочиб, кемага хизматкорликка ёлланади. У сотувчи, аравақаш, гўлаҳ бўлиб ишлайди, газетага кичик-кичик мақолалар ёзиб кун кечиради. У эришган энг олий “мансаб” – қишлоқ полиция нозирига котиблик эди. Ўша пайтларда у ўзининг илк ҳикояларини ёза бошлайди. Танқид ва кўнглига тегадиган гап-сўзлардан қўрққани боис Кнут бу машғулотини сир тутар эди. Айнан шу сабр-тоқат ёш ёзувчининг маҳоратини сайқаллаган бўлса ажаб эмас.

Хамсун тош терувчи бўлиб ишлаган даври ҳақида шундай ёзган: “Тош ташиш, кўчаларга териб чиқиш – ёмон иш эмас, энг муҳими, ҳалол иш. Бироқ меҳнатдан дағаллашиб кетган кўлларда қалам ушлолмай қоласан”. Кнут ўзининг қаламини нисбатан эрта ва ишонч билан кўлга олади. “Ғалати одам” қиссасини ёзиб чоп эттирганида у 18 ёшда эди. Орадан бир йил ўтиб “Учрашув” деб номланган катта балладасини нашрдан чиқаради. Бу икки китоб ўқувчилар эътибори ва меҳрини қозонади. Шундан сўнг Хамсун бутунлай ўзини бадиий ижодга бағишлайди. Истеъдодига қизиқиб қолган бадавлат бир савдогардан тузуккина моддий ёрдам олгач, севги мавзусидаги “Фрида” номли қиссасини кўлтиғига кистириб, ёруғ орзулар оғушида Копенгагенга – ўша давр Скандинавия маънавий ҳаётининг марказига жўнайди. Афсуски, Кнут янги қиссасини қайси ноширга таклиф этмасин, барчаси рад этади. Чўнтагидаги пуллар қордай эриб тугайди. Охири Хамсун ўз ватанига қайтишга мажбур бўлади. Таниқли норвег драматурги Бернсонни излаб топиб, унга “Фрида” қиссасини беради. Машҳур адиб кўлёмани очар экан, бир жумлага норози нигоҳ билан кўз тикади: “Йигит йиғлади”. Қиссанинг бир неча бетини варақлаб, яна назар солади, сўнг тўнғиллайди: “Эҳ, йигит ҳалиям йиғлапти-ку!” Кекса драматург қаршисида ҳаяжонланиб турган ёш ёзувчига актёрлик билан шуғулланишни маслаҳат беради. Хамсун “Фрида” муваффақиятсиз чиққанини тушуниб этади, узоқ иккиланишлардан сўнг асарини ёқиб юборади... Аммо иродаси синмайди.

Кнут адабий меҳнат эвазига кун кўришга ҳаракат қилади. Унда-бунда газеталарда эълон қилинаётган мақолалари, қайдлари учун кўлига тегадиган қалам ҳақи тирикчилик аравасини тортишга жуда камлик қилади. Хамсун йўқчилик гирдобига тушиб қолади. Алалоқибат, кўпгина замондошлари қатори нажот йўли сифатида муҳожирликни танлашга мажбур бўлади. 1882 йилда кемада ўтёқар бўлиб Америкага сузиб кетади. Хамсун уммон орти ўлкасида сарсон-саргардонликда ҳаёт кечиради, фермада ёлланма ишчи, чўчкабоқар, идора хизматчиси, дўконда



мол сотувчи бўлиб ишлайди. Висконсин штатида оғир жисмоний ишларга дучор бўлади, кейин Миннесотага ўтиб, рухонийга котиблик қилади.

Яшаш учун кечган аёвсиз курашлар эса бора-бора унинг тинкасини куритади. Хамсуннинг томоғидан қон кетадиган бўлиб қолади, шифокорлар унда сил касаллиги бошланганини айтишади. У 1884 йили ватанига қайтади. Она тупроғига қадами етгач, дард ҳам вужудини тарк этади.

Кнут ёзишдан бир кун ҳам тўхтамайди. Унинг фикрлари ва туйғулари, тили, бадий ифода услуби шакллана боради. Газеталардаги мақола ва очеркларининг довуғидан илҳомланган Хамсун адабий фаолиятини қайта тиклашга киришади. Кўп китоб ўқийди. Европа адабий жараёнини изчил кузатиб боради. У ҳатто Флобер, Золя, Ибсен ҳақида оммавий маърузалар билан чиқишлар қилади. Кнут жўшқин ва кизиқарли нутки ҳамда кескин адабий қарашлари билан ўз тингловчиларини ҳайратга солар эди. Ўша йиллари Ницше китобларининг мутолааси ёш ёзувчининг тафаккурини ларзага солади. Яна аввалги ҳолат такрорланади: Хамсуннинг бошига мискинлик қуши кўнади. 1886 йили чорасизликдан яна Америкага, бу гал газета фельетончиси сифатида жўнаб кетади. Чикагода киракаш извошда чигта сотувчи, йирик фермада хизматчи бўлиб ишлайди, сўнгра Америкада чиқадиган муҳожир норвег нашрлари билан ҳамкорликни йўлга кўяди. Америкада у бошидан кечирган, шохид бўлган воқеалар, тақдирлар, қиёфалар кейинчалик “Закхей”, “Саргардон кунларда”, “Аёллар ғалабаси” каби новеллаларида ўз аксини топади. Қаҳр ва шиддат билан ёзилган, оташин ҳис-туйғуларга тўлиб-тошган бу асарларда фермаларда қора терга ботиб меҳнат қилишга маҳқум, тенгсизлик қурбони бўлган ёлланма ишчиларнинг оғир ҳаёти, дарбадар оломоннинг “бўри қонунлари”, катта шаҳарлардаги инсоний муносабатларнинг шафқатсизларча топталаётгани ҳикоя қилинади.

Уммон ортида кўрган-кечирганларининг жамланмаси сифатида “Америка маънавий ҳаёти” номли ўткир сатирик очерклар тўплами дунёга келади. Хамсун демократия саждагоҳи ҳисобланган улғувор мамлакатнинг

ижтимоий ва маънавий қиёфасини ҳеч қандай саробсиз кўра олади. У Америка журналистикаси, санъати, адабиёти, театрини чуқур таҳлил қилади ҳамда уларнинг риекор, разил қиёфаларини фош қилади, сиёсий ва диний қарашлардаги иккиюзламачилик, ўз-ўзини баландпарвоз оҳангларда мақташ, бошқа миллат вакилларига чексиз нафрат сингари мавжуд иллатларни очиб ташлайди. Америка жамиятида “хамма тенг” деган чўпчакнамо ҳақиқатнинг устидан истехзо билан кулади. Хамсун ғарб либерал журналистикаси ёрқин рангларда тасвирлаган “озодлик диёри” аслида “сураг” дагидан анчайин бошқача эканини кўрсатиб беради. Ўша давр америка адабиётини дидсизлик, ҳаётий ҳақиқатдан йироқлик, манманлик ва эрксизлик намунаси сифатида кескин танқид қилади. Ҳатто Уитменнинг шеърияти ҳам унинг кинояли эътирозларидан четда қолмайди.

Ёш ёзувчи ўзининг адабий фаолиятдан умидсизланиб, яна Европага, бу сафар Копенгагенга қайтиб келади. Газетада сонма-сон эълон қилинаётган “Америка маънавий ҳаёти” мажмуасидаги очерклари катта қизиқишга сабаб бўлади. Бироқ ҳеч қайси ношир уни китоб қилиб чоп этишга хайрихоҳлик билдирмайди. Оч-наҳор, хорлик ва зорликда ўтаётган азобли кунлар бир томондан 30 яшар Кнутнинг мадорини қуритаётган, ҳолдан тойдираётган бўлса, бошқа томондан шу кўргиликлар янги “Очлик” романи учун мавзу бўлади. Хамсун дастлабки боблар кўлёмасини кўтариб “Ny Jord” деб номланган ҳафталик газетанинг бош муҳаррири Эдвард Брандес хузурига келади. Муҳаррир кўлёмадан ҳам, муаллифнинг афтода аҳволидан ҳам ғоят таъсирланади. Матбуотда ёзувчининг зўр бериб, астойдил ишлаётган янги бадий асаридан парчалар пайдо бўла бошлайди.

Роман парчалари фавқулодда шовшув қозонади. Бутун Копенгаген адабий муҳити ҳайратда: Хамсун деганлари ким бўлди? У қаерда яшайди?.. Бозор йўлакларида фақирона ҳаёт кечирадиган новча, бироқ юзида қон йўқ, эти суягига ёпишган бу ориқ одамнинг зиёратчилари бирданига кўпайиб қолади. Шу кундан эътиборан худди эртақлардаги

каби Хамсуннинг ҳаёти шон-шуҳрат ва фаровонлик нурларига қўмила бошлайди. Кечаги “дайди” кутилмаганда машҳурлик тожининг соҳиби, бадавлат меҳмонхоналарнинг азиз меҳмонига айланади. Дарров “Америка маънавий ҳаёти”ни нашр этадиган хомийлар ҳам пайдо бўлади. 1890 йилда Хамсуннинг “Очлик” романи алоҳида китоб ҳолида чоп этилгач эса Европа адабиётига ўз овозига эга навқирон ва забардаст бир иктидор соҳиби кириб келгани тан олинади. Ўша йилдан бошлаб адиб ҳар йили биттадан эмас, иккитадан роман нашр этадиган бўлади.

Хамсун ўзи ҳис қилмаган, ўзи кўрмаган нарсалар ҳақида кам ёзган. Лекин унинг қайсидир китобини бошидан то охирига қадар автобиографик асар деб ажратиб кўрсатиш керак бўлса, бу, шубҳасиз, “Очлик” романидир. Асар қаҳрамони – кишлоки бир йигит ўзининг улғў ёзувчи бўлиш қобилиятини сезиб, енгил ҳаётдан воз кечади, муҳтожликда қолса ҳам ижод қилишдан қайтмайди. Хамсуннинг қаҳрамони нафақат очликдан, балки мулоқотнинг йўқлигидан, ўзини ифода этиш имконсизлигидан изтироб чекади. Психологик проза жанрида “Очлик” жаҳон мумтоз адабиёти дурдоналари қаторидан жой олган.

Танқидчи Алрик Густафсон мазкур асарнинг бош қаҳрамонини Достоевский қаҳрамонларига ўхшатади. Хамсун буюк рус ёзувчиси ижодидан таъсирланган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Зеро, Кнут Хамсуннинг набираси Лейф Хамсун “Московский комсомолец” газетасига берган интервьюсида: “Бобомнинг ижодхонасида доимо иккита портрет осилган турарди. Бири – Гётенинг, иккинчиси – Достоевскийнинг портрети”, деб айтиб ўтади.

Хамсуннинг кейинги даврдаги ижодида муҳаббат мавзуси пайдо бўлади. Хамсун самимий ва бироз маъво бўёқларда тасвирлаган севги – табиат мисоли беғубор бўлиб, қаҳрамонларининг қалби туйғу ва эхтиросларга шу қадар бойки, ўқувчини бениҳоя лол қолдиради. “Пан”, “Виктория”, “Мистериялар”, “Тентак” каби шоҳ асарларида айнан шундай бетакрор хусусиятлар мужассам. Бошқа романи ва ҳикояларида ҳам ёзувчи турли воқеалар, хатти-ҳаракатлар орқали

қаҳрамонларининг руҳиятини муҳаббат деб аталмиш жавҳар билан безайди.

Хамсуннинг 1895-1898 йилларда яратган драматик трилогиясига “Салтанат дарвозаси олдида”, “Ҳаёт драматси”, “Кечки шафак” пьесалари киради. Танқидчилар бу асарлар адибнинг романлари каби муваффақиятли чиқмаган деган хулосага келишади.

Ижод осмонида кенг кулоч очиб парвоз қилаётган Хамсун шеърлар ҳам ёзар, ўзига манзур бўлмаганидан уларни ёқиб юборар эди. Кейинчалик ўзига маъқул шеърый тизмаларини йиғиб, “Ёввойи хор” номли тўплам тайёрлайди. Булар насрий асарлари сингари яхши баҳо олади.

Хамсун учун Инсон – ҳамиша бегона шаҳарлар бўйлаб кезиб юрадиган дайди. Бу ҳақда ўзининг машҳур эътирофи ҳам бор: “Биз ҳаммамиз – Ер юзидаги дайдилармиз”. Адиб назарида, инсон тақдирдан фақат бир нарса – дунёда мавжудлиги учун миннатдор бўлмоғи керак. Бизнинг қайғу ва мусибатларимиз учун ҳаётнинг ўзи энг катта мукофот. Хамсуннинг кўпгина романи, хусусан, “Аср фарзандлари”, “Сегелфос шаҳри” асарларида шу тўғрида ҳикоя қилинади. Шунингдек, бу романида ижодкорнинг унутилган қадриятларга янгича муносабати акс этган.

Кнутнинг бадиий асарларида борган сари сиёсий тушунчалардан четда туришга интилиш сезилар, олди-сотди ва манфаатпарастликка қарши эътироз оҳанги кучайиб борар эди. Биринчи жаҳон уруши адибни жамиятда бегона одамга айлантириб қўяди. 1917 йилда нашр этилган “Ер шарбасти” романи ана шундай кайфиятда битилган. Унда асрий аънаналарга ва ерга меҳрини сақлаб қолган, қадимий қадриятларни унутиб юбормаган Исак ва Ингер исмли норвег деҳқонлари ҳақида ҳикоя қилинади. 1920 йилда Кнут Хамсун айнан “Ер шарбасти”дек монументал асари учун (Нобель қўмитаси эътирофи) адабиёт бўйича Нобель мукофотида сазовор бўлади.

“Ер шарбасти” нашр этилганидан бир йил ўтгач, ёзувчи Жанубий Норвегиядан мулк сотиб олади ва бадиий ижод билан жисмоний меҳнатни бирлаштиради. Тўрт йил ичида 2 та романини чоп эттиради: “Қудук олдидаги аёллар” – унда замонавий дунёнинг ёлғон

ақидалари билан заҳарланган, денгиз ёқасидаги мўъжазгина бир қишлоқ аҳолисининг кирилиб кетиши баён этилади; “Сўнгги боб” романи – қишлоқ санаторияси ҳақида ғамгин асар.

Қадим Скандинавия шухратини тиклаш орзуси Хамсунни нацистлар ғояларини очиқ-ойдин қўллашга олиб келди, 1934 йилда фашизм руҳида бир неча мақола ёзади. Бундан адибнинг минглаб мухлислари норози бўлиб, эътиқодини ўзгартиргани учун уни қоралай бошладилар. Китоблари тўғрисидаги нафрат ва лаънатларга тўлиб-тошган адабий тақризлар таъсирида руҳий тушкунликка берилган Хамсун маълум муддат психоанализ усули билан даволанади. Шунга қарамай, ўша йиллари у “Дайдилар”, “Август” ва “Ҳаёт давом этади” романларидан иборат трилогияни ёзиб тугатади. Ёзувчининг охириги “Халқа туташади” номли романи 1936 йилда нашрдан чиқади. Унда орзулари рўёбсиз қолишга маҳкум этилган бир одамнинг мақсадсиз ҳаёти тасвирланади.


Фашизм ғоялари таъсирига тушиб қолган Кнут Хамсун ҳатто 1943 йили Германияга бориб, Геббелс ва Гитлер билан учрашади. Орадан маълум фурсат ўтгач, 1945 йилнинг кузида Ослодаги руҳий хасталар шифохонасига ётқизилади. Тўрт ой даволангач, қариялар уйига ўтказилади. 1947 йили 88 ёшли кекса Хамсун устидан суд бўлади, душманга хайрихоҳликда айбланиб, 425 минг крон (ўша давр

курси бўйича тахминан 80 минг доллар) жарима солинади. Ёзувчи 1949 йили, 90 ёшида “Ўт босган сўқмоқлар” номли китоб ёзиб, суд жараёнларини ҳикоя қилади. Китоб Хамсуннинг айбларини оқламаса-да, ўз ижодига бўлган кизиқишни қайта жонлантиради. Унинг асарлари яна дунёнинг турли мамлакатларида кетма-кет чоп этила бошлади.

Кнут Хамсуннинг шахсий ҳаёти бир қадар тўқис кечган десак бўлади. У 1898 йили Берглют Бех исмли аёл билан оила куради, ундан қиз фарзанд кўради. Орадан саккиз йил ўтгач, эрхотин ажрашишади. 1908 йилда эса Хамсун ўзидан 22 ёш кичик бўлган актриса Мария Андерсенга уйланади. Оилада икки қиз ва икки ўғил дунёга келади. Ёзувчи Мария билан умрининг сўнгги куни – 1952 йил 19 февралигача бирга ҳаёт кечиради.

Ғоявий қарашларидаги қарама-қаршиликлардан қатъи назар Кнут Хамсун дунё адабиётига ўзининг улкан ҳиссасини қўшди. У ҳақда А.Блок, А.Куприн, К.Паустовскийлар мақолалар ва эсселар битишган. “Ер юзида Кнут Хамсун бўлиб яшаш – чинакам қаҳрамонлик”, дея ёзган эди Максим Горький. Дарҳақиқат, шунча укубатларга дош бериб, шунча синовларни енгиб ўтиб, Хамсун ўзининг курашчан ҳаёти билан инсон иродаси нималарга қодир эканлигини исботлаб кетди.

*Иброҳим АЗИЗ  
тайёрлади*



## НЕГА ЁНДИМ, НЕГА ЧЕКИНГУМ?

Инсон учун дорулфанодаги илохий тортиқлардан бири – бу дўст. Кимдир ўз муҳибига етишади, кимдир умри давомида уни излаб ўтади. Томпсон эса бошқалардан фарқли ўларок, жуда эрта абадий дўстликка мушарраф бўлди. Аҳамиятлиси шуки, унинг дўсти тилсиз-забонсиз-у, аммо бошқалардан кўра кўпроқ тиллаша олади. Кўнгил тубидаги ҳеч кимга айтолмайдиган сирларини унгагина ишонади, демакки, диллаша олади. Йиллар давомида икки дўстнинг садоқати сайқалланиб, бир-бирининг кашшофига айланиб борди. Улар Томпсон ва Табиат эди.

Эрнест Сетон Томпсон 1860 йилнинг 14 августида Англиянинг Дарем графлиги Саут-Шилдс шахрида дунёга келди. Томпсоннинг оиласи 6 ёшлигида Канадага кўчиб келади. Отаси фермер бўлиб, оила аъзоларининг барчаси унга ёрдамлашар эди. Томпсон эса кўп вақтини акаси билан уйлари яқинидаги ўрмонда ўтказарди. Жониворлар, қушлар, ҳиндулар ва шикор – мана булар уни ўз болалиги ҳамда адабиёт билан боғловчи кўприк. Табиат унга нафақат ёзиш илҳомини, балки мўйқалам сеҳрини ҳам инъом этганди. Томпсоннинг қалами бир мавзуга доимо содиқ – Табиат: ёзгани ҳам, чизгани ҳам шу. Жавонидаги китобларнинг ташки кўринишигина эмас, мазмун-моҳияти ҳам ҳайвонот оламини ўзида мужассам этганди.

Эрнест жуда иктидорли бола бўлган. У 6 ёшида газетанинг бирин-

чи саҳифасига кўзи тушгану унда чоп этилган қушлар ва ҳайвонлар расмларини қирқиб йиға бошлаган. Қобилиятли болакай боз устига ўта ўжар ва қатъиятли ҳам эди. Кўнгли тусоған ишни қилмағунича қўймасди. Бир куни китоб дўконида “Канада қушлари” номли асарни кўриб қолиб, роса хархаша қилади. Табиийки, уни на нархи қизиқтирар, на ота-онасининг юпатишлари қулоғига қирарди. Уч долларни йиғиш учун у куёнларини сотади, қўшнининг дарахтини бутаб беради, бир англияликка ҳашаротлар коллекциясини пуллайти, етмаган центларини акасидан ўғирлайди: ахир, ишқи тушган китобни олиши керак-ку!

1876 йилга қадар бўлажак ёзувчи Лондон, Париж, Нью-Йорк шаҳарларидаги санъат коллежида таҳсил олади ва ниҳоят, 19 ёшида Торонтода ўқишини тамомлади. Бу вақт давомида ўзининг ҳайвонот оламига муҳаббатини юмор орқали гўзал бўёқларда ифодалашга ҳаракат қилди; қахрамонларининг феъл-атвори, кайфияти, инсоният билан муносабати – барибари қоғозларга кўчди. Сетон-Томпсоннинг адабий қахрамонлари бир-бирини такрорламас ва муаллиф уларни борича яхши кўрарди. У ўрмону тоғлар, қиру даштлар ҳаётини бўй-басти билан, ҳатто даҳшату шафқатсизликлари билан ёзишдан ҳайқмасди. Кўп ўтмай улар кўплаб ҳикояларга, кейин қисса ва романларга мавзу бўлди. Сетон-Томпсоннинг илк адабий асари 1883 йилда “Ўтлоқ ҳаёти” номи остида чоп этилади. “Ёввойи ҳайвонлар, сизни қанчалар биламан” (1898), “Ов остидаги ҳаёт” (1901), шунингдек, “Ёввойи ҳайвонлар ҳаёти” номли 8 жилдлик китоби (1925-1927) унга Канада ва Америкада оламшумул муваффақият келтиради. Бадиий асарлари, қахрамонлари учун рангтасвир ишини ҳам ўзи бажарар, бунинг учун 1890 йилдан 1896 йилга қадар Парижда тасвирий санъат бўйича сабоқ олган эди.

Ўз она юртига қайтгач, Грейс Галлатин исмли маҳаллий қиз билан оила куради. Саккиз йил деганда орзиқиб кутганлари ва улар турмушидаги ягона фарзанд – Ани Ситон дунёга келади. Қизалок ўзи билан бирга эр-хотин ўртасига илиқлик, ҳаёт қувончларини



гўзалликларини олиб келади. У ҳам отаси йўлидан бориб, кейинчалик тарихий ва биографик асарлар ёза бошлайди, кўплаб китоблари бестселлерга айланади. Ҳаётларининг ўттиз тўққиз йилини бирга ўтказган Грейс ва Эрнест муносабатлари охир-окибат ажрим билан якун топади. Орадан кўп вақт ўтмай, Томпсон кўнглидаги аёлини қайта учратади. Жулии М.Батри ҳам адабиёт соҳасида фаолият юритар, ижодга ошно аёл эди. Улар турмуши давомида фарзандли бўлишмади, 1938 йилда эса етти ёшли Бьюлу Ди исмли кизалокни асраб олишади.

Бекарор Томпсон бир жойда муқим турмас, гоҳ ўрмонда, гоҳ Шимолий Америка чўлларида кўним топарди. Бирок ҳеч қачон қатта шаҳарларда узок яшолмаган: Канада ва Американинг овчилари, фермерлари, хиндулари ва энг асосийси жониворлари уни қаерда бўлмасин ўзига оҳанрабодек тортарди. Канада маъмурияти “давлат табиатшуноси” лавозимида лойиқ топиши Томпсонга ҳайвонот оламини чуқур ўрганиши учун катта имконият яратди. Кўрган-кечирганлари, саёҳатлари натижасида “Ёввойи ҳайвонлар ҳаёти” номли 8 томдан иборат 40га яқин китоб нашр эттирди. Бир неча асарларини хиндулар ва эскимослар турмуш тарзи, халқ оғзаки ижоди, урф-одатлари, маросимларига бағишлади. Хиндулар ҳамда ёввойи ҳайвонлар – табиатнинг бу икки инъоми муштарак ҳолда ажойиб ва қизиқарли автобиографик асар – “Ёввойи одамчалар”нинг дунёга келишига сабаб бўлди. Эрнестнинг, шунингдек, “Кемирувчилар тарихи” (1900), “Қайин пўстлоғи” (1902), “Ўрмон ҳақида китоб” (1912) асарлари китобхонлар эътиборига ҳавола этилади.

1906 йили унинг ҳаётида ўзгаришлар рўй берди: бой-скаутлар ҳаракати асосчиси лорд Баден-Пауэлл билан танишди. У билан ҳамкорликда табиат ҳамда ҳаёт мувофиқлигини илгари сурувчи ғояни тарғиб қилди. Бу ҳаракат бутун умри, фаолиятининг ажралмас бўлагига айланди. Сетон-Томпсон ўзини мурабий сифатида ҳам намоён эта олди. “Пионеринг” таълим тизими асосчиси сифатида унинг номи ҳануз ёдга олина-

ди. Мазкур тизим Ф.Купернинг машҳур “Пионерлар” романи асосига қурилган бўлиб, у ёввойи табиатни ўрганиш учун турли ноодатий усулларни ўзида жамлаганди. Жумладан, маскировка (яшириниш), тактик ўйинлар, саёҳат, кўчат ўтказиш, боғлар яратиш каби амалий машғулотлар назариётчи мураббийлар услубидан фарқ қилар ва яхши самара берарди. Адиб зоологияга оид қатор асарлар ҳам ёзди. Илм-фанга қўшган ҳиссаси учун АҚШ илмий тадқиқотлар институти томонидан “Элиот” олтин медали билан тақдирланди. У биргина нарсадан қўрқарди: у ҳам бўлса, ёввойи ҳайвонлар бемақсад ва беҳуда қириб юборилса нима бўлади?! Мана шу ташвиш уни тинимсиз ижод қилиш, илмий асарлар ёзишга ундарди. Жониворларни муҳофаза қилиш, табиатни асраб-авайлаш, унинг кадр-қимматини ёшларга тушунтириш учун Канадада “Ўрмончилик Иттифоқи”ни ташкил этади.

1908 йили АҚШда унинг илғор тажрибалари бесўроқ оммалаштира бошланди. Бундан икки йил аввал эса ишониб юрган дўсти, генерал Баден-Пауэлл Томпсоннинг ғояларини ўғирлаб, ўз муаллифлигида китоб чиқарганди. “Болалар учун скаутинг” номли асарга кўзи тушди-ю дўсти исмини кўриб, Томпсоннинг ранги доқодай оқариб кетди. Бу икки ҳолат уни умуман бошқа одамга айлантириб юборди: ҳукуматдан аламзада, дўстининг бу ишини эса хиёнат деб билган Эрнест энди ҳеч кимга ишонмас, одамларга қўшилмас эди. Шундан сўнг, жамоат ишларига аралашмай, одамлардан қочадиган, ташаббускорлик кўрсатмайдиган бўлиб қолди. Унинг энди болалар билан машғулот олиб боришга ҳам, ўз маблағига кичик табиат кўрикхоналари ташкил этишга ҳам ҳафсаласи қолмаганди...

Бутун умрини табиатни қуйлашга, унинг очилмаган сир-асрорларини кашф этишга бағишлаган, айни вақтда ёзувчи, рассом, мураббий сифатида машҳур бўлган табиат жонқуяри Эрнест Сетон-Томпсон 1946 йилнинг 23 октябрида Нью-Мексико штатининг Санта-Фе шаҳрида ёруғ дунёни тарк этди.

*Севара АЛИЖОНОВА  
тайёрлади*

<sup>1</sup> XX аср бошларида дастлаб Англияда, сўнг бошқа баъзи буржуа давлатларда тузилган ҳарбий-сиёсий характердаги болалар ташкилотлари.





## ДАҲШАТЛИ ФИЛЬМЛАР ҚИРОЛИ

Жаҳон кинематографиясининг энг машхур сиймоларидан бири бўлган бу ижодкор шахси, ҳаёти, унинг яратган асарларидаги мураккаблик, сирлилик ва мавҳумлик кишини беихтиёр мулоҳазага чорлайди. Унинг асарларини ўқиб, фильмларини кўрар экансиз, муаллифнинг мазкур фикрлари қалбингизни ларзага солади: “Мутолаа давомида қачонлардир содир этишни истаб, лекин журъат килолмаганингиз жиноятни бошдан кечирасиз. Шундай экан, ўқувчим, китобни очинг ва исталган саҳифани ўқинг! Даҳшат туйғуси ҳаммамизга этади”.

Аслида инсон ҳаёт ва ўлим оралиғида яшайди. Мана шу икки эшик орасида ўзини англашга, руҳий манзилни топишга интилади. Шу жиҳатдан қараганда, Хичкокнинг асарлари қалбингизни туб-тубига кириб бориб, сизни сўроқ қилади, ўзингиз англамаган юксакликларга олиб чиқади. Бунда бахт ва бахтсизликнинг, ҳаёт ва ўлимнинг энг ёруғ, ёркин рангларини кўрасиз. У ўз китобларининг бирини “Мени мафтун қилган ўлим”, кейинги тўпламини эса қутилмаган тарзда “Иблис ҳақида гаплашамиз” ёки “Улим халтаси” деб номлайди. У бир умр қалбни тугёнга солувчи ҳодисалар, туйғулар, инсон қисматидаги фожиаларга эътибор қаратиб, ўз асарларида шуларни муҳрлаган.

Альфред Хичкок дунё киносининг

энг машхур режиссёрларидан бири эди. У 1920-1970 йиллар давомида 50 дан ортик фильмлар яратди.

Мухлислар уни Альфред Жозеф Хичкок, Хич – сирлилик, мавҳумлик даҳоси, жаноб Альфред Хичкок сифатида танийдилар.

Серкирра ижод соҳиби 1899 йил 13 августда Лондоннинг шарқий чеккасидаги Лейтонстойнда дунёга келди. Хичкокнинг аждодлари на адабиётдан ва на санъатдан хабардор одамлар эди. Бобоси ўз имзосини бир амаллаб қўйган бўлса, бувиси умрида қўлига қалам ушламаганди. Лекин шунга қарамай, Хичкокнинг бобоси унинг отаси Уилямга нисбатан жуда қаттиққўл эди. Уилям оила кургач, фарзандларини ҳам шундай қаттиққўллик билан тарбиялади. Кичкинтойлар, акаси Уилям, опаси Айлн ва Хичкоклар ҳар тун ўринга ётишдан олдин кундузги гуноҳларини авф этишни сўраб, ибодат қилишарди. Альфред Хичкок шу сабабданми, мурғакликдан бошлаб юрагининг бир четида айбдорлик хиссини туйиб яшарди. У болалигида индамас, хуркак бўлиб ўсди. На бир дўст орттирди, на кўча чангитиб ўйнади. Кун бўйи уйга қамалиб олиб китоб ўқирди. Хичкок эндигина 5 ёшга тўлганида, дарс сабоқларини яхши ўзлаштиришини истаган отаси уни ариза билан маҳаллий полиция маҳкамасига жўнатади. Аризани ўқиган хизматдаги полиция офицери ёш, мурғак Хичкокни дарҳол бир неча дақиқага қамқоҳонага қамаб кўяди. Афсуски, бу қайғули натижага олиб келади. Гарчи отаси бу хатти-ҳаракати билан унга инсонлар ёмон қилмишлари учун жазоланишларини уқтирмакчи бўлса ҳам, бу қаттиққўллик гўдакда ўзининг даҳшатли асоратини колдирганди. Кейинчалик у бу ҳақда ўйлаганда, бутун вужудини қалтироқ, кўркинч босарди. Оқибатда у бутун ҳаёти давомида полицияни эшитганда ваҳималанадиган бўлиб қолади. Кейинчалик айрим фильмларининг сюжетида ҳам бу ваҳима бутун даҳшати билан акс этади. Онаси Эмма Жейн Хичкок ҳам эридан қолишмайдиган ўта ўжар ва қайсар аёл эди.

Хичкок ёлғиз қолди дегунча расм чизишга ва харитада қизиқарли ўйинлар ўйлаб топишга муккасидан кетарди. 1910

йилдан бошлаб у кўнгилисизликлар содир бўлиб турадиган қаттиққўл, маккор иккиюзламачилар ва уларнинг бадхулқ, безори кўча болаларининг ваҳшати билан тўлган муқаддас Игнатиус коллежига қатнай бошлади. Бу ерда у маърузаларни қолдирмай тинглар, бўш қолди дегунча Шекспир, Диккенс, Скотт асарларини ўқирди. Кейинчалик бу рўйхат Уайлт, Байрон, Честертонлар номи билан тўлдирилди. Бироқ Хичкокнинг тафаккурида катта бурилиш ясаган муаллиф Эдгар Аллан По бўлди. Мистификация ва даҳшатли жараёнларни пародия қилиш устаси бўлган Понинг асарларини бир умр ёд бўлиш даражасида ўрганиб чиқди. “Аминманки, По жаҳон адабиётида алоҳида ўринга эга. Унда икки шахс – романтик ва реал туйғулар вакили яшайди”, дея эътироф этганди у. Хичкокнинг ўзи ҳам мисоли икки ўт орасида яшарди. Дунёсининг бир тарафида иблислар, бошқасида эса меҳр фаришталари ҳукмронлик қиларди.

Билимга чанқоқ бўлган ва интилишдан сираям тўхтамайдиган Альфред 1913-15 йилларда Поплердаги Лондон графлик кенгашининг инженерлик маҳорати ва кемачилик санъати мактабида чизмачиликдан таҳсил олади. Уни тамомлагач, 1915 йилда дастлабки фаолиятини электр кабел ишлаб чиқарувчи Хенлей телеграф компаниясида баҳоловчи вазифасидан бошлайди. Бу қизиқувчан ижодкорни кино олами ўзининг сеҳрли бағрига чорлай бошлади. Ишдан бўш пайтлари Хичкок кино сеансларини қолдирмай томоша қилади. У кино санъатига оид газета, китобларни мутолаа қилади, шу билан бирга ўз иқтидорини чархлаш учун Лондон университетидеда чизмачиликдан сабоқ олади.

Тиниб-тинчимайдиган, тиришқоқ Хичкок тез орада атрофдагиларнинг ишончини қозона бошлайди ва ишига бўлган қатъияти, мулойимлиги, ўткир фахму фаросати, қобилиятини намоён қилади. У ҳамкасбларининг карикатураларини чизар, охири даҳшатли, кўрқинчли, фожеали яқун топадиган ҳикоялар ёзар ва уларга Хич номи билан имзо қўярди.

Хенлейнинг ижтимоий уюшма журнали “Хенлей” бўлажак санъ-

аткорнинг расмлари ва ҳикояларини нашр эта бошлади. Натижада Хичкокнинг реклама бўлимидаги обрўси ортди. У журнал саҳифаларидаги рекламаларни суратлар билан безатувчи дизайнер бўлиб ишлаётганидан бахтиёр эди.

1919 йилда Хичкок газеталарнинг бирида кино санъатига оид хабарни ўқиб қолади. Унда Буюк Лондон яқинидаги Ислингтонда машҳур “Парамонт” деб номланган Голливуд компанияси томонидан янги студия қурилаётгани ёзилганди. Янги маҳаллий студия бунёд этилаётганлиги уни беҳад қувонтириб юборади. Мазкур студия ҳомийлигидан умидвор бўлган Хичкок ўзининг биринчи пантомимали сюжетини кашф этади. Йигитдаги қатъият, дадиллиқни кўрган Ислингтон студияси унинг тасвирларини босиб чиқаришдан ташқари, студиянинг тасвирлар бўйича дизайнери этиб ёллайди. Студия бир неча ой ичида 20 ёшли Хичкокка тўлиқ штатли лавозим таклиф қилади. Шундай қилиб, у беқарор кино оламига Хенлейдаги барқарор фаолияти билан кириб келади. Мустаҳкам ирода, ўзига бўлган ишонч ва янги лойиҳалар яратиш истаги Хичкокнинг киносценарист, режиссёр ёрдамчиси, моҳир дизайнер бўлиб шаклланишига ёрдам беради. Бу ерда Хичкок фильм монтажини бошқараётган Алмани Ревиллени учратади. “Ҳар доим хотинингга айт” (1923 йил) комедияси намойиш этилаётган бир вақтда фильм режиссёри тўсатдан касал бўлиб қолади. Ҳаёт синовларини чапдастлик билан енгиб, ҳеч қачон таслим бўлмайдиган, иродали ижодкор бунга аралашиб, фильмни маҳорат билан ниҳоясига етказди. У 1925 йилда ўзининг ҳам Италияда, ҳам Германияда намойиш этиладиган илк режиссёрлик иши бўлмиш “Оромгоҳ – 1926 йил” фильмни яратишга киришади. Режиссёр гўзал ва доно Алманини ўзига ёрдамчи сифатида ишга олади. Фильмни суратга олиш давомида улар ўртасида муҳаббат юзага келиб, севишганлар 1926 йил 12 февралда турмуш қурадилар. Алмани нафақат рафика, балки унга ҳаёти давомида яхши дўст ва ёрдамчи бўлиб қолди. У Хичкокнинг кўплаб фильмларига сценарийлар ёзар ва у билан фикрдош эди. Хичкоклар оиласи изланишдан,

янгидан-янги филмлар яратишдан сира тўхтамасди. Улар иш кунлари Лондондаги квартираларида яшаб, дам олиш кунларини “Шемли Грин” даги дала ҳовлиларида ўтказишарди. 1928 йилда ширингина қизалоқ – Патрисия туғилди.

30-йиллар давомида Хичкок суратдан сурат ярата бошлади. Ва Мак Гуфин атамасини кашф қилди. Айни шу йилларда Хичкок кино санъати ривожини юксак босқичга кўтарди, довруқ қозонди. Шу вақтда машҳур режиссёр Дэвид Селзник уни Голливуд дунёсига олиб кирди. Хичкок ўзининг янги продюссери билан ҳамкорликда ишлай бошлади.

У “Жудаям кўп нарсани биладиган одам” (1934 йил), (“Сирли агент” (1936 йил), “39 қадам” – (1935 йил), “Қўпоровчилик” – (1936 йил), “Ёш ва бегуноҳ” – (1937 йил), “Йўқолган хоним” – (1936 йил) фильмларини сурагга олади ва улар катта муваффақият қозонади.

Хичкок ўз фильмларида томошабинни ҳайратга солишда сирлилик, мавҳумликдан фойдаланишни афзал кўрарди. Ажабланарлиси шундаки, режиссёр томошабинга кўрқинчли, дахшатли зарбалар билан “тажовуз” қиларди. Диккат билан юрак ҳовучлаб, ҳаяжонланиб кутаётган томошабинга кутилмаган, фавқуллода лавҳалар тақдим этарди.

Режиссёр гоҳ тўсатдан автобус ҳайдаётган, ё бино ёнидан ўтиб кетаётган, гоҳ ҳовли ичида, гоҳ расмда пайдо бўлиб қолган ҳолатларда намоён бўларди. Бу ўта шиддатли тасвирлар Хичкок номининг рамзий ёрлиги эди.

Жими Стюарт билан биргаликда “Жудаям кўп нарсани биладиган одам” фильмида бош ролни ижро этган Дорис Дей фахр билан шундай дейди: “Хичкок жуда ажойиб, буюк режиссёр

ва ҳақиқий дўст. Менга у билан ишлаш гоҳ мароқли эди”.

1955 йилда Хичкок Англияга – уйига қайтгач, “Шемлей продакшинс” да иш бошлади. Ва телевиденида “Альфред Хичкок” муаллифлик кўрсатувини ташкил қилди. Бу машҳур телешоу 1955 йилдан то 1965 йилга қадар давом этди. Хичкокнинг бу кўрсатуви мамлакат кино санъати ва кинодраматургиясининг ривожига катта ҳисса қўшди.

Унинг энг машҳур, дахшатли ва кўрқинчли, шов-шувли “Телба” фильми 1960 йили экран юзини кўради. Психоанализ таълимоти отаси Зигмунд Фрейд фалсафаси асосига қурилган бу фильм Хичкокка оламшумул шуҳрат ва катта моддий имкониятлар олиб келади. “Парамаунт” компанияси фильмга 800000 доллар сарфлаган бўлса, кино экранларга чикқач, 40 миллион доллар даромад келтиради. 1979 йили Америка кино институти Беверли Хилтон меҳмонхонасида Хичкок шарафига ўтказилган тантанали маросимда унга “Бутун ҳаёти давомидаги фаолияти учун” мукофотини топширади. Ўшанда у ниҳоятда ғамгин, ўзини ёмон ҳис қилган, ҳатто тадбир бошланишида “ўз видолашув маросими” да катнашишни хоҳламаётганлигини айтганди.

Альфред 1980 йили шон-шуҳрат чўккисига кўтарилди. Унга Англия кироличаси томонидан рицарлик унвони берилди. Анъанага мувофиқ мазкур мукофотга сазовор бўлганлар уни Лондонда қабул қилиб олишарди. Лекин Хичкокнинг соғлиги ёмонлашгани сабабли унга Британия консули генерал Томас Эстон мукофотни топшириш учун студияга келади.

Хичкок 1980 йили 29 апрель тонгида Калифорния штати, Бел Эйрдаги уйида уйкусида жон таслим қилди.

*Моҳинур СИДДИҚОВА  
тайёрлади*



## “САҲНАМ, САҲНАДОШЛАРИМ” НИНГ МУАЛЛИФИ

Одатда, маълум ва машҳур актёрлар ҳақида ёзишганда ё сўйлашганда, “у ўзига хос санъаткор эди” деб таърифлашади.

Аслида эса, бу сўзлар “бошқаларга ўхшамайдиган”, “такрорланмас” деган маъноларни ҳам англатадики, бу сифатни ҳамма актёрларга нисбатан қўллаб бўлмайди. Аммо, биз куйида сўз юритишга чоғланаётган санъаткор – Амин Турдиев бундай таърифта ҳар томонлама муносиб саҳна усталаридан бири эди десак, муболаға бўлмас.

Амин Турдиев 1910 йилнинг 10 августида Тошкент шаҳрида туғилди.

Актёр ижодининг юлдузли онларида бу ном тилга олинishi билан, томошабинларнинг кўз олдига “Оғрик тишлар” спектаклидаги Заргаров, “Кутлуг қон”даги Тантибойвачча, “Гамлет”даги Кассио, “Бой ила хизматчи”даги Солихбой, “Алишер Навоий”даги Хусайн Бойқаро, “Имон”даги Санжаров, “Олтин девор”даги Абдусалом сингари турфа образлар намоён бўларди. Зеро, у театр санъати мухлисларининг сеvimли актёрларидан бири эди.

Ўз даврида унинг иштирокидаги “Стадионда учрашамиз” (Раис), “Бой ила хизматчи (Қодирқул мингбоши)”, “Фуркат” (Бек) сингари бадиий фильмлар тез-тез ойнайи жаҳонда намоиш этилар, Амин Турдиевнинг “Ўзига хос” залворли овози ҳар ҳафта “Табассум” радиожурнали орқали эфирда янгради. Зеро, ана шу халқ орасида доврўф қозонган ҳажвий радиожурналнинг асосчиларидан ва биринчи бошловчиларидан эди.

У ҳали ёшлигидаёқ шоир Ғафур Ғулом раҳбарлик қилган “Урфон” мактаби қошидаги драма тўғарагига қатнашиб, шу ерда саҳналаштирилган Абдулла Қодирийнинг “Бахтсиз куёв” спектаклда Куёв ролини ижро этган. Актёрлик фаолиятини Ҳамза номли театр қошидаги ишчи – сайёр труппасида бошлаган, ўтган асрнинг ўтгизинчи йиллари аввалида эса асосий труппага ўтган. В.Ян ва Чўлпоннинг “Хужум” пьесаси асосидаги спектаклда Эшон, Ғ.Зафарийнинг “Ҳалима” асарида Ҳаммо, Фитратнинг “Арслон” асарида Дехқон сингари катта-кичик роллар ижро этган. Кейинчалик Самарқанд ва Наманган вилоят театрларида бадиий раҳбар, Андижон вилоят театрида бош режиссёр, республика ёш томошабинлар театрида бадиий раҳбар вазифаларида ҳам ишлаган. Айни чоғда унда режиссёрлик касбига қизиқиш пайдо бўлган. Уз вақтида таникли рус актёри Лев Свердлин (“Насриддин Бухорода” бадиий фильмида Насриддин Афанди ролини ижро этган)га ёрдамчи бўлиб ишлаган, Н.Ладигин, И.Берсенов, Е.Амонтов, Ж.Обидов, Н.Алиева сингари режиссёрлар билан ҳамкорлик қилган. И.Султоннинг “Бургутнинг парвози”, Уйғуннинг “Она”, “Қалтис ҳазил”, “Навбахор”, М.Лермонтовнинг “Маскарад”, Туйғуннинг “Муҳаббат”, Ака-ука Турларнинг “Дераза ортида элчихона”, И.Ўктамовнинг “Кечирилмас гуноҳ”, М.Аблиевнинг “Шамсикамар” сингари асарларини саҳналаштирган. Ўзи ҳам Иккинчи жаҳон уруши йилларида М.Шайхзоданин “Жалолиддин” драмасида Чингизхон образини яратган.

Театршунослар кўпинча “Амин Турдиевнинг маҳорати салбий ва характерли образлар талқинида намоён бўлган”, дейишади. Агар бунинг ёнига “Амин Турдиев ўз қаҳрамонларининг ташки қиёфасига, хатти-ҳаракатларига, юриш-туришига, айникса, нутқига катта эътибор берарди”, деган фикрни ҳам қўшсак, унинг истеъдодли актёр эканлиги яққол намоён бўлади. Бу ўринда унинг ҳозирги Миллий академик драма театри саҳнасида ижро этган “Алишер Навоий” драмасидаги Хусайн Бойқаро ёки “Оғрик тишлар” комедиясидаги Заргаров ролларини эслаб ўтмоқ жоиз. Шуниси диққатга сазоворки, бири бирига ўхшамаган ана шундай образларда унинг актёр сифатида ўз қаҳрамонларини чуқур психологик,



драматик ва ҳажвий бўёқларда ифода-лаганига шоҳид бўламиз.

Шу маънода уни ҳам Шуқур Бурхон, Олим Хўжаев, Ғани Аъзамов, Наби Раҳимов, Ҳамидулла Наримонов, Замира Ҳидоятлова, Марям Ёқубова, Қудрат Хўжаев сингари ўзбек миллий театр санъатининг тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюқ санъаткорлардан бири эди дейиш мумкин. У эндиликда ўзбек миллий театри тарихида “Улуғларнинг бири” бўлиб қолди.

Замондошларининг хотирлашлари-ча, Амин Турдиев сиртдан қанчалар серсават ва жиддий кўринса-да, ҳаётда тили бурро, ўта хозиржавоб, ниҳоятда ҳазил-хузулга ўч инсон бўлган экан.

Воқеан, Амин Турдиев қай бир йили оиласи билан дам олгани Кавказга борган ва кунлардан бир куни эр-хотин Тошкентни соғиниб озгинагина мошкичири пиширган экан. Энди овқатланамиз деб туришганда, қутилмаганда машхур актёрни зиёрат қилгани бир неча чет эллик санъаткорлар меҳмон бўлиб келишибди. Турган гап, ўртада ноқулай вазият пайдо бўлган. “Овқатни ўртага тортайлик” дейишса, ҳаммага етмайди. Бош қотибди ва шунда Амин Турдиев уддабуронлик билан мошкичирини олиб чиқибди. Бир буханка нонни парраклаб кесиб, уларнинг устига мошкичирини суртиб, лаганга чиройли қилиб териб олиб кирибди, уни меҳмонларга “Ўзбекча икра” деб мактабди. Чет эллик меҳмонлар эса мошкичири суртилган нон бўлақларни еб кўриб, ҳайрон қолишган ва бу ажойиб, тансиқ таом учун мезбонга миннатдорчилик билдиришган экан.

Амин Турдиев ҳаётда ана шунақа эпчил, топқир киши бўлиш билан бирга, айни чоғда ички маданияти ниҳоятда кучли, сахнада ўзига ҳам, бошқаларга ҳам ўта талабчан санъаткорлардан бўлган.

Айтишларича, Амин Турдиев 1951 йили режиссёрлар Етим Бобожонов

ва Александр Гинзбург томонидан сахналаштирилган “Жон тинчлик аскар” деган спектаклда бош қаҳрамон Жон Робертсон ролини киймига етказиб ижро этган ва бу образи янада тўлақонли, ишончли чиқиши учун ҳатто асардаги инглизча қўшиқни ҳам сахнада айтиб ҳаммани ҳайратга солган экан.

Яна бир диққатга молик томони, Амин Турдиев ўзбек актёрлари орасида биринчилардан бўлиб миллий театр санъатимиз ва унинг улкан намояндалари ҳақида китоб ёзиб қолдирган бўлиб, у “Саҳнам, сахнадошларим” деб номланади ва бу асар ҳозирда “бестселлер” китоблар сирасига киради.

Ўзбекистон радиосининг “Радиотеатр” бўлимида ишлаб юрган кезларим Амин Турдиев билан бир неча бор учрашган, суҳбатлашишга муяссар бўлган эдим. Ушанда у “актёр” (роль ижро этувчи) киму, “артист” (юксак маҳоратга эга санъаткор) кимлиги, улар ўртасидаги фарқ, “роль” нимаю, “образ” нималиги ҳақида ниҳоятда қизиқарли гаплар айтиб берган, “Актёр ўз ҳаёти, ижоди давомида юзта роль ўйнаши мумкин, аммо улар орасидан биттаси ёки иккитаси образ даражасига кўтарилади ёхуд кўтарила олмайди”, деган ва бунга мисол тариқасида Ш.Бурхоннинг Шох Эдип, О.Хўжаевнинг Алишер Навоий, Ғ.Аъзамовнинг Уста Мўмин, З.Садриеванинг Фармонбиби сингари машхур роллари чинакам образ намуналари эканлигини чиройли таҳлил қилиб берганди.

Амин Турдиев ана шундай, том маънода сахна санъатининг билимдони ҳамда фидойиси эди ва замондошлар, санъат мухлислари хотирасида шундай бўлиб қолади.

Ўзбекистон халқ артисти Амин Турдиев 1978 йилнинг 13 мартида Тошкентда вафот этган.

*Эркин УСМОНОВ*





## МАНГУЛИК МАНЗИЛИ

*Ҳар бир овоз соҳиби, ҳар бир истеъдод эгасининг Худо томонидан белгилаб берилган маълум бир вақт манзили бор. Ундан бир қадам ҳам нари ўтиб бўлмайди.*

*Муслим МАГОМАЕВ*

Жаҳон мусиқа санъати ва маданияти ҳақида сўз кетганда биз кўплаб ноёб овоз соҳиблари, композиторлар, мохир чолғучилар, эстрада хонандалари, опера жанрининг ижрочилари номларини фахр билан тилга оламиз. Табиийки, уларнинг жаҳон маданияти ва санъатида тутган ўрни, қолдирган маданий мероси, тақдири, кечмишлари, орзу-ўйлари, интилишлари, кўйинг-чи, руҳий олами билан боғлиқ неки бўлса, барчаси ҳақида билгимиз келади. Бироқ инсонни билиш, уни англаш жуда мураккаб. Айниқса, уни яқиндан танимасанг, суҳбатидан бахраманд бўлмасанг... бундай пайтда у ҳақида ёзиб қолдирилган баъзи маълумотларгагина таянасан, холос.

Ўз даврининг машҳур опера хонандаси Муслим Магомаев шуҳрат қозонган пайтларда биз анча ёш бўлганмиз. Биздан ёши катталар у ҳақида ёниб-жўшиб гапиришар, бола бўлганимиз боис, уларнинг фикрлари бизга унчалик қизиқ эмасди. Йиллар ўтиб, мусиқа олами, кўшиқчилик санъати, бу санъат бўстонида ўчмас из қолдирган санъаткорлар ҳаёти ҳақида қоғоз қоралашга эҳтиёж сезилганда, гарчи ўзимиз кўрмаган ва билмаган бўлсак-да, машҳур кишилар ижоди

турфа хил олами билан оҳанграбодек ўзига тортаверар экан.

1942 йилнинг 17 августида Боку шаҳрида Магомет (русча ифодаси, асли Муҳаммад) ва Ойша Магомаевлар хонадонида дунёга келган гўдакка Муслим деб исм кўйишди. Бу оила санъаткорлар оиласи бўлиб, Муслимнинг отаси рассом, онаси эса – театр актрисаси эди. Унинг ота томонидан бобоси Абдул Муслим Муҳаммад машҳур композитор, Озарбайжон филармониясида ишлар, миллий мусиқа санъатининг атоқли намояндаларидан бири эди. Ёш Муслим болалигиданок санъатнинг хайратангиз дунёсига ошно бўлиб вояга етди. Ўша пайтлардаёқ Карузо, Руффо, Шаляпин каби буюк опера ижрочилари санъати намуналарини тинглаб камол топди.

Халқда “сут билан қирган, жон билан чиқади”, “суяк суради”, “қонида бор”, деган нақл ва иборалар бежиз айтилмас экан. Зеро, Муслим Магомаев қонида ота-боболарининг қони оқар, у ўз ҳаётини, қисматини санъатсиз тасаввур эта олмасди. Унинг отаси иккинчи жаҳон урушида ғалабага икки кун қолганда Берлин остоналарида ҳалок бўлган, онаси асосан Вишний Волочёк шаҳридаги театрда хизмат қилар, шу боис Муслимнинг тарбияси билан асосан амакиси Жамом Магомаев шуғулланар эди. Ёш Муслим консерватория қошида очилган мусиқа мактабида ўқиб юрган кезларидаёқ Боку Консерваториясининг профессори, виолончел сози мутахассиси В.Ц.Аншелевичнинг назарига тушади. У Муслимга мусиқа назариясидан сабоқ бериш билан бирга овоз созлашни, уни тўғри ишлата билиш сир-асрорларини қунт билан ўргатади. “Севилья сартароши” асаридаги Фигаро партиясини ижро эта бошлаганида Муслим Магомаев эндигина 15 ёшга тўлган ўспирин йигит эди. Ўшанда Боку шаҳридаги денгизчилар маданият уйида бўлган концертда Муслим ҳам иштирок этади. Бу унинг саҳнадаги илк чиқиши эди.

Муслим Магомаев мусиқа мактабинини тугатгач, Боку консерваториясининг вокал бўлимига ўқишга киради ва уни 1968 йилда тугатади. Унинг овози тиниқ, ёрқин, ўта жарангдор ва шира-

ли эди. Масалан, рус халқ кўшиқлари, Ф.И.Шаляпиннинг “Питер бўйлаб” номли машҳур кўшиғи унинг ижросида юқори пардаларда жарангларди. Шунингдек, Ш. Гунонинг “Фауст” операсидан Мефистофель ариясини куйлаб, нафақат хонандалик, балки актёрлик маҳоратини ҳам тўла намоён этолди. “Соррентога қайтиш”, “Сўзланг, кизларжон”, “Гранада” ва бошқа бир қатор кўшиқлар ижроси эса унинг овози техник жиҳатдан мукамал ва имкониётлари чексизлигини кўрсатди. Муслим Магомаев актёрлик санъатини ҳам яхши эгаллаганди. Ю.Энтиннинг мультфильмидаги Сишка ва Атаманша сингари қаҳрамонларга ва В.Ливановнинг “Бремен мусикачилари” фильмидаги қаҳрамонларга у фавкулудда юксак маҳорат ила овоз берди. Шунингдек, актёрларга хос ўқтам ташқи киёфага, ўзига хос мимикага эга ижодкор эди. Башанг, кўрмак, адл ва алп қомаги, теран нигоҳлари билан томошабинларни ўзига мафтун этарди.

1962 йили Кремль саройида Озарбайжон санъати кунларида якуний концерт томошаси бўлиб ўтади. Муслим Магомаевнинг ана шу томошадаги иштироки унинг бутун дунёга машҳур бўлиб кетишига сабаб бўлди десак, муболаға эмас. 1963 йилнинг 10 ноябрида П.И.Чайковский номидаги концерт залида унинг илк яккахон концерт дастури намойиш этилиб, мухлислар эътиборини қозонди. Шу йилдан бошлаб Озарбайжон опера ва балет театрининг солисти сифатида фаолият олиб боради. 1964–1965 йиллар орасида у ўз маҳоратини ва тажрибасини орттириш мақсадида Миландаги Ла Скала театрига қараб йўл олади. Ўша кезлари ниҳоятда машҳур бўлган “Соғинч”, “Севилья саргароши” асарларидаги кўшиқларни юксак даражада маҳорат билан ижро этади. 1966–1969 йилларда Париж шаҳридаги машҳур “Олимпия” театрида гастрол сафарини катта муваффақият билан ўтказади. Унинг ёрқин истеъдодини пайқаган “Олимпия” театрининг раҳбари Брюно Кокатрикс у билан бир йилга шартнома тузиш таклифини ўртага ташлайди. Аммо Муслим Магомаев давлат миқёсида ўтказиладиган байрам тадбирларида иштирок этиши ва бошқа

мулоҳазаларга кўра бу таклифни рад этади.

1969 йилда Сопот шаҳрида ўтказилган фестивалда у биринчи мукофотга лойиқ топилади. Унинг кўпмиллион нусхада “Олтин диск” грампластинкаси сотувга чиқарилади. Муслим Магомаевга хос кенг диапазонли баритон овоз энди бутун дунё бўйлаб тарала бошлайди. Кўпминг кишилик стадионларда ўтадиган концертлар, изи узилмас гастрол сафарлари, телевидение ва радиодаги мунтазам чиқишлар унинг номини янада машҳур қилиб юборади.

1970-йиллар санъаткорнинг ижоди авж олган давр бўлди. Унинг концерт репертуаридан 600 дан ортиқ асарлар ўрин олган эди. Шунингдек, “Низомий”, “Муслим Магомаев куйлайди”, “Нотадаги Москва” фильмларида суратга тушади. 20 дан зиёд кўшиқларга, ўнлаб бадний фильм ва сахна асарларига куйлар басталайди. Эътиборли жиҳати шундаки, у қайси халқ тилида куйламасин, рус, итальян, олмон, озарбайжон тилларида кўшиқлар айтмасин, улардаги охангдорлик ва колоритни, жозибани, миллий хусусиятларни яхши англаб, ижрога сингдириб юборарди. Шу билан бирга нутқининг равонлиги, сўзларни дона-дона талаффуз қилиши, сахнада ўзини тута билиш маданияти билан у жаҳон томошабинларининг меҳрини қозона олган эди. Муслим Магомаев умрининг сўнгги йилларини Москвада ўтказади. Катта опера ва балет театрининг машҳур хонандаси Тамара Синявскаяга уйланади. Мусиқадан ташқари, болалигиданок шуғулланиб келган машғулоти – сурат чизиш, ҳайкалчалар ясашга берилади. 2007 йилда энг сўнгги “Хайр, Боку” (С.Есенин шеъри) кўшиғини ёзади.

2008 йилнинг 25 октябри. Атоқли опера хонандаси, ёрқин овоз сохиби, бетакрор ижодкор Муслим Магомаев ўзи “Худо томонидан белгилаб берилган маълум бир вақт манзили бор”, дея эътироф этганидек, юрак хасталиги туфайли 66 ёшида сўнгги манзил сари юз тутади.

*Матлуба ТЕМУР қизи  
тайёрлади*



## РОМАНЛАРГА АЙЛАНГАН ХОТИРАЛАР

Херта Мюллер Германиянинг нуфузли Генрих фон Клайст мукофоти (1994), Европа Иттифоқининг “Аристейон” мукофоти (1995), Халқаро IMPAS Дублин адабий мукофоти (1998), Франц Кафка номидаги (1999), Йозеф Бройбахт (2003), Конрад Аденауэр (2004) номидаги мукофотлар ва ниҳоят Халқаро Нобель (2009) мукофоти совриндори, Германия тил ва адабиёт академияси аъзоси (1995), шеърлари, романлари, хикоя ва эсселари хитой, япон, инглиз, швед, поляк, рус, француз, испан сингари дунёнинг йигирмадан зиёд тилларига ўтирилган.

Жаҳон адабий жамоатчилигининг бу қадар эътирофларига сазовор бўлган бу ёзувчи аёл ким экан деб бир ўзбек китобхони сифатида қизиқиб қолишингиз табиий. Чунки ҳали унинг бирор асари ўзбек тилига таржима қилинмаган.

Херта Мюллер 1953 йил 17 августда Руминия ғарбидаги Банат худудининг Ницкидорф қишлоғида таваллуд топган. Беш юз хонадон истиқомат қиладиган бу қишлоқда бир неча аср олдин бўлиб ўтган Австрия-Венгрия урушидан сўнг қолиб кетган немисларнинг авлодлари яшарди. Хертанинг бобоси фермер, отаси юк машинаси ҳайдовчиси бўлган. Иккинчи жаҳон уруши даврида қишлоқнинг асосий қисми нацистлар тарафида бўлиб, Хертанинг отаси ҳам ССда хизмат қилган. Совет кўшинлари томонидан Руминия эгаллангач, Хертанинг онаси Катарина 19 ёшида Украинага, меҳнат лагерига сургун қилинган. Беш йилдан сўнг қайтиб келгач, мажбурият юзасидан

Мюллер билан никоҳга рози бўлган. У кизига доим: “Агар уруш бўлмаганда ҳеч қачон отангга турмушга чиқмаган бўлар эдим”, деб таъкидлар эди. Херта мактабни тугатганида онаси унинг тикувчи бўлишини хоҳлаб, гимназияда ўқишига қаршилиқ қилади, чунки у гимназия китоб ўқитиб одамларни бузади деб ҳисобларди.

Херта нафақат гимназияда, балки Тимишоардаги университетда ҳам ўқиди, немис ва румин тиллари, адабиёти бўйича мутахассис бўлди. Талабалик даврида немисзабон адабиётчи ёшларнинг “Банат акция гуруҳи” деб номланган норасмий тўғарагига аъзо бўлади. Бу тўғарак фаоллари орасида унинг бўлажак турмуш ўртоғи, ёзувчи Рихард Вагнер ҳам бор эди. Ушбу гуруҳ мавжуд социалистик тузимга фитна уюштиришда айбланади ва 1975 йилда тақиқланади. Херта Мюллернинг рус тилига таржимонларидан бири Марк Белорусецнинг ёзишча, гуруҳ аъзолари Мандельштам ва Цветаевани ғоявий маслакдошлари сифатида севиб ўқишган.

1977-1979 йилларда Х.Мюллер “Технометалл” трактор заводида таржимонлик қилади. ГДР, Австрия, Швециядан келадиган дастгоҳлар ва техник жиҳозлар йўриқномаларининг таржимаси билан машғул бўлади. Уша пайтда Руминия раҳбари бўлган Н.Чаушескунинг махфий полицияси – секуритате уни ҳамкорлик қилишга ёлламоқчи бўлади. Херта рад этади ва уни душманлар рўйхатига киритиб, ишдан бўшатишади. Узоқ йиллар давом этган таъқиб ва таҳдидлар бошланади. Бу даврдаги руҳий террор ҳақида Херта Мюллернинг ўзи шундай хотирлайди:

– Биз йўқ пайтимизда махфий полиция уйимизга кирар, ўзининг шу ерда бўлганини билдириб атайлаб излар қолдириб кетарди – сигарет колдиклари, ағдарилган стуллар, девордан кўчириб олинган фотографиялар... Энг даҳшатлиси – полда ётган тулки терисини марҳумникига ўхшатиб оёққўлини чалиштириб кетишарди. Тимишоарда мен ўзимни хавфсиз сезадиган бирор жой йўқ эди. Тунда ўрнимда ётиб лифтнинг қўтарилаётган овозини эшитсам, мени олиб кетишга келишяпти деб ухламай чиқардим. Олиб кетишган пайтлари эса уйга қайтиб келаманми-йўқми, билмасдим.

Секуритате Ҳертани руҳан синдириш учун у ҳақда турли хил тухматлар таркатади, жосус деб эълон қилади. Ҳерта тишини тишига босишга, мутгасил сукут саклашга, кўркувда яшашга кўникади. Махфий полиция агентлари ўзларининг бу таҳдид ва сиқувлари билан катта бир ёзувчини дунёга келтираётганликларини билмас эдилар.

Шундай қилиб Ҳерта Мюллер қалам ва қоғозга мурожаат қила бошлади. У овозини чиқариб эркин гапира оладиган даргоҳ – адабиёт дунёси бўлиб қолди.

1979 йили Х.Мюллер “Тубанликлар” номли 14 миниатюра ва қиссадан иборат насрий асари қўлёзмасини ниҳоясига етказди. Асарнинг қайчиланган ва “таҳрир қилинган” нусхаси 1982 йилда Бухарестда нашр этилади. Унда унутилган ва умидсиз Ницелдорф кишлоғининг ҳаёти сюрреалистик нигоҳ ила тасвирланади. Нашрдан кўнгли тўлмаган адиба китобнинг асл нусхасини махфий равишда Германияга юборди ва у 1984 йилда тўла ҳолича чоп этилади. Жамоатчилик ва танқидчилик томонидан илиқ кутиб олинади. Она кишлоғида эса уйдаги жанжални кўчага олиб чиққани учун унинг юзига тупуришади. Секуритате ҳам ғазаб отига минади. Ҳерта Мюллер устидан тўпланган маълумотларда бу китоб ҳақида “Бирорта ҳам некбин образ йўқ, бирорта ҳам ижобий жумла йўқ” – деб ёзишади. “Тубанликлар” Германияда чоп этилгач, Ҳертага Руминиядан чиқишни тақиқлаб қўйишди, сўнгра китоб мукофотлар билан тақдирланганини кўриб, тақиқ бекор қилинади ва улар таъқибнинг бошқа усулларига ўтишади.

Ҳерта Мюллер боғчада тарбиячи бўлиб ишлайди, немис тилидан хусусий дарс бериб тирикчилик қилади. Ниҳоят, турмуш ўртоғи Р.Вагнер билан биргаликда 1987 йили Германияга доимий яшаш учун муҳожир сифатида чиқиб кетишга мажбур бўлади.

1989 йили Чаушеску режими таназзулга юз тутиб, диктатор шошилинич тарзда рафиқаси билан биргаликда қатл қилинади.

Шунга қарамасдан, орадан 20 йил ўтиб, Руминияга ташриф буюрган адибага уни кузатишлар давом этаётганлиги, у ҳали ҳам махфий хизматлар эътиборида эканлиги аён бўлади.

Нобель мукофотини олиш арафасида Ҳерта Мюллер махфий полиция томони-

дан ўзи ҳақида тўпланган маълумотларни кўришга муяссар бўлади. Таъқиблар ва кузатувларнинг ҳисоботлари, телефонда сўзлашганларининг протоколлари, яқинлари, танишлари ҳақидаги маълумотномалар жамланган уч жилд – 914 саҳифалик хуфияномада даҳшатли таййиклар ва сўроқлар ҳақида ҳеч гап йўқ эди.

Европа Ҳерта Мюллерни германиялик деб ҳисобламайди, аммо немисзабон ёзувчи деб эътироф этади. Авлодлари ва она тили немис бўлишига қарамай, у ҳам ўзини Германияда муҳожир деб билади. Гарчи у Руминиядан кетган бўлса ҳам, бу мамлакатни тарк этолмади. Руминия булутлари, дарахтлари, итлару чорва моллари билан, партиянинг малайлари, исёнчилари, маккажўхори далалари, Тимишоардаги асфалт кўчалари, шваблар кишлоғининг ўзига хос немисча тили билан унинг китобларида яшаб қолди.

Ҳерта Мюллер ёзувчилик билан отасининг ўлиmidан сўнг шуғуллана бошлаганди. “Мен ортга қайтишим ва болалигимни, отам, онамни, кишлоғимизни қайта яратишим лозим эди”, – деганди у. Унинг асарлари ана шу замин ва тузум туғдирган руҳий оғриқлар ҳақида, ёлгон ва сотқинликлар ичра кечган кунлар ҳақида, инсон шаъни, ор-номусининг ўз маъносини йўқотиши ҳақида, кўркув ва диктатура фикр ва тафаккурни ўлдириши ҳақида. “Балки бошқа нарсалар ҳақида ҳам ёзишни истаган бўлармидим, аммо менга танлаш имкониятини қолдиришмади”, – дейди Ҳерта Мюллер.

Дарҳақиқат, уруш, диктатура, қатағонлар ичидан ўтган ёзувчилар мавзуни эмас, мавзулар уларни танлайди. Ҳерта Нобель маърузасида:

– Адабиёт ўтмишдаги ёвузликларни ўзгартира олмайди, аммо руҳий кадриятлар таназзулга юз тутган пайтда бизнинг ичимизда, атрофимизда нималар юз бергани ҳақидаги ҳақиқатларни тил воситасида излаши, аён этиши мумкин, – деган эди.

“Тубанликлар” дан сўнг унинг “Вазмин танго” (1984), “Оёқланг февраль” (1987) номли насрий тўпламлари нашр этилади. Маънавий таназзулга юз тутган Румин кишлоғининг бола нигоҳи ила тасвири, камсонли немислар турмушининг сатирик манзаралари, сиёсий ривоятлар, сюрреалистик ҳикоя ва эс-



селардан иборат бу тўпламларда асосан ўз бошидан кечирган ҳаёт лавҳалари акс этиб туради.

Шундан сўнг бирин-кетин унинг романлари эълон қилина бошлайди. Уларнинг ичида адабий мукофотга сазовор бўлганларидан бири “Улик пашшани судраган чумоли” романидир. Бу романдаги лупа орқали тасвирланган ҳаёт парчасида давлат террори таъсирида истикболнинг йўққа чиқарилиши хавфи акс эттирилади.

“Бир оёқлаб саёҳат” (1989) романида 30 ёшли немис-румун муҳожир кизи Ирен дуч келган муаммолар орқали сиёсий фикр ва ғояларнинг қандай қилиб шахсий ғояларга эврилиши тасвирланган.

“Тулки ўшанда ҳам овчи эди” (1992) романида эса юқорида тилга олинган тўпламларидаги Румин кишлоғи одамларининг рухий-маънавий ҳаётининг янги қирраларига дуч келасиз.

Ҳерта Мюллернинг номини жаҳонга машҳур қилган “Юракдаги махлук” (1996) романи дунёга келгунча ўтган тўққиз йил мобайнида унинг олтинта китоби нашр қилинган эди. Романда Чаушеску ҳукмронлик қилган йиллардаги этник ёш немисларнинг – бир қиз ва уч ўспириннинг ҳаёти акс эттирилган. Юлия Штутинга “Трансилвания фахри” мақоласида шундай ёзади: “Мюллер бу романида дахшатли бир иқтибосни ёрита олган: диктатурадан ҳўрланган, ҳуқуқсиз румин немислари Гитлерга бекиёс муҳаббат билан бошқа диктатурани орзу қилиб тасалли топадилар”. Роман рамзларга бой, бир қараганда оёғи осмонда жумлалар билан ёзилгандай туюлади, аммо сирли ва шоирона тили мафтун қилади.

1997 йилда ёзиб тугаллаган “Бугун ўзимни учратмасам яхши эди” романида эса жамиятдан ажралган, тузум ва атрофдагиларнинг рисоладагидай яшаш меъёрларига сиғмайдиган шахснинг ички дунёсини, ҳиссиётларини тасвирлайди.

“Нафас аргимчоқлари” (2009) Ҳерта Мюллер ижодининг чўққиси, Нобель мукофотига сазовор бўлган асар. Романда 1945 йилда СССРга сургун қилинган ўсмир немис йигитининг ҳаёти қаламга олинади. Асарни Ҳерта Мюллер яқин дўсти, юртдоши, шоир Оскар Пастиор билан ҳаммуаллифликда ёзишни режалаштирган эди. У 2001

йилдан бошлаб Оскарнинг Донбассдаги меҳнат лагерида ўтказган беш йиллик ҳаёти ҳақидаги хотираларини ёзиб ола бошлайди. 1945 йилда совет кўшинлари Руминияни эгаллагач, Сталин буйруғи билан 17 ёшдан 45 ёшгача бўлган румин немислари текин ишчи кучи сифатида СССРга жўнатилади, уларнинг сафида 18 ёшли Оскар ҳам бўлган. Бир йил давомида Ҳерта Оскарнинг хотираларини ёзиб олади, сўнгра улар бирга Украинага келишади, Оскар ишлаган цемент заводини бориб кўришади. Аммо 2006 йилда Оскар тўсатдан вафот этади ва Ҳерта Мюллернинг романи бир ўзи ёзишдан бошқа иложи қолмайди. Нобель мукофоти маърузасида Ҳерта Мюллер Оскарнинг номини миннатдорчилик билан тўққиз марта тилга олади. Буни қарангки, 2010 йилда ҳатто Оскарнинг ҳам 1961-68 йиллар давомида секуритатенинг махфий хабарчиси бўлганлиги фош бўлади. Журналистлар бу воқеани немис маданий ҳаётидаги бомба портлашига қиёслашади, 1999 йилда Нобель мукофотини олган ёзувчи Гюнтер Грасснинг бир пайтлар СС аъзоси бўлганлиги маълум бўлиб қолганлиги воқеаси билан тенглаштиришади.

– Бу янгиликни тарсаки егандай қабул қилдим, – дейди Ҳерта Мюллер. – Барибир мен учун иккита Оскар бор – бири мен билган, бири – мен билмаган Оскар.

Айни пайтда Ҳерта Мюллер Берлинда яшайди, университетларда адабий ижод маҳорати ҳақида маърузалар ўқийди, мақола, эссе ва ҳикоялари мунтазам чоп этилади. Унинг ёзувчилик маҳорати ҳақидаги “Кўзгудаги шайтон” маърузалар мажмуаси, “Очлик ва ипак”, “Қаҳва тутган рангпар жаноблар” сингари қатор китоблари кўп тилларга таржима қилинган.

Ҳерта Мюллер замонавий немис адабиётига улкан ҳисса қўшган ижодкор сифатида кадрланади. Унинг Нобель мукофотига сазовор бўлиши ўша вақтда дунё адабий жамоатчилигини бироз хайрон қолдирган бўлса-да, у ҳайъат аъзоларининг “ҳамма нарсадан бебахра кишилар ҳаётининг насрдаги ифодаси ва бадиияти учун” деган таърифига муносиб эканлигини ўз асарлари билан исботлади.

*Биби Робиъа САИДОВА  
тайёрлади*





## ХАЛҚ АНЪАНАЛАРИГА СОДИҚ САНЪАТҚОР

*ёхуд эстрада маликаси*

Кўшиқчилик санъати ҳар бир миллатни бошқаларга таништириш борасида муҳим ва таъсирчан восита эканлигини яхши биламиз. Бу оддий ҳақиқатни машҳур санъаткор София Ротару фаолияти ҳам тасдиқлайди.

У 1947 йилнинг 7 августида Украина Республикаси Черновци вилоятининг Маршинци қишлоғида – кўшиқсевар юртда дунёга келган. Қишлоқда унинг отаси Иккинчи жаҳон уруши ногирони Михаил Федорович ҳамда онаси Александра Ивановна Ротарулар овозига тенг келадиган овоз топилмас эди. Барча тadbирлар уларнинг ижросидаги молдав халқ кўшиқлари билан шуқудли базмга айланарди. Бу болажон оилада Софиядан ташқари беш бола ўсиб улғайишди. Софиянинг опаси Зина болалигида тиф касалига чалиниб, тўрт ёшида кўзи ожиз бўлиб қолади. Аммо бу қизалоқ қалб “кўзи” билан мусиқани теран ҳис қиларди. Зина ёш Софиянинг қалбида халқ куй-кўшиқларига бўлган меҳр-мухаббатни тарбиялади, унинг ҳақиқий устозига айланди. Зина радиода кўшиқ эшитиб, рус тилини ҳам ўрганар, укалари, сингилларига ҳам ўргатарди. “Унинг қувваи ҳофизаси, мусиқий хотирасига қойил қолганмиз!”, деб эслайди София. Уйда улар фақат молдав тилида сўзлашар, аммо рус, украин, булғор тиллари ҳам бу оилага бегона эмасди.

Хонадон аъзолари ўта меҳнатсевар

эдилар. Хусусан, ёзда ҳамма дала юмушлари билан банд бўлар, София барча ишларда онасига ёрдам берарди. Эрта тонгда бозорга кўкат, полиз маҳсулотлари олиб чиқиб сотар ва уйга нон билан қайтиб келарди. София дала ишларида ҳам кўмакдош эди. Кенг ва бепоён, тароватли чаманзорларда қишлоқ аёлларининг кўшиқлари баралла янграрди. “Менинг кўшиқчи ва, албатта, шахс сифатида шаклланишимда қишлоқдош аёлларнинг роли ниҳоятда катта бўлган, улардан мен ҳаётнинг маъносини, самимийлик, бағрикенглик, сабр-қаноат каби фазилатларни ўрганман”, дейди у.

Умрининг бундай кечинмалари, жараёнлари Софиянинг ҳақиқий халқ кўшиқчиси бўлиб камол топишида ўз таъсирини кўрсатди. София биринчи синфдан бошлаб мактаб, кейинчалик черков хорларида қатнаша бошлади. Уни черковга боргани учун болалар пионер ташкилотидан ҳайдамоқчи бўлишади. Софиянинг театр, драматургияга ҳам қизиқиши катта эди. У мактабдаги ягона баянни олиб, оғилхонага кириб, кечалари то шам тугагунча ўзининг севган молдав кўшиқларини ижро этарди. Қишлоғига биринчи марта профессионал артистлар ташриф буюрганида отаси ўз қизалоғини улар билан таништириб, “бу менинг қизим, у, албатта, санъаткор бўлади”, деган эди. София спортни ҳам яхши кўрар, ҳатто энгил атлетика бўйича, спартакиадаларда ҳам ғолиб бўлганди.

У 1962 йили туманда ўтказилган бадий жамоалар танловида ғолиб чиқади. Ҳамшаҳарлари унга “Буковина булбули” деб ном беришди. Овози сеҳрли ёш кўшиқчи 1963 йили Черновцида ғолиб чиқиб, Киевга йўл олади ва республика микёсидаги халқ ижодкорлари фестивалида ҳам биринчи ўринни эгаллайди. Шунда Халқ артисти Дмитрий Гнатюк Софияни катта сахнага чорлайди. Лекин София бундай “имтиёз”дан воз кечиб, оилавий ҳаётни устун қўяди. Ажойиб санъаткор А.Евдокименко билан ҳаётини боғлайди. Ҳали университетни тугатмаган Анатолий ва Софиялар ота-онаси билан икки хонали квартирада яшашар, ташвишлари оилани тебратиш гами эди.

1970 йил тўртинчи августда унинг ўғли Руслан дунёга келади.

София Ротару ижро этган ҳар бир кўшиқнинг номи ҳам, ижро усули ҳам

ўзига хос. Уларда халқона рух, софлик ва аллақандай тароват мужжасам. Хусусан, “Червона рута”, “Лаванда”, “Смуглянка”, “Водограй”, “Черемшина”, “Лебединую верность”, кўшиқлари бугунги кунда мумтоз кўшиқлар даражасидаги асарлар деб эътироф этилган. “Червона рута”нинг муаллифи, машхур шоир ва бастакор Владимир Ивасюк айнан Софиянинг жамоли, ҳаракати, самимийлиги, интеллектига мос кўшиқлар яратган. София бу борада энг аввало, ўзининг бахтидан мамнун эди. Уларнинг ижодий ҳамкорлиги Украинанинг кўпмиллатли санъатида феномен бўлиб қолди. Ўз навбатида Ивасюк кўшиқларининг омалашувида Софиянинг хизматини эътироф этиб, бастакорнинг отаси, украин ёзувчиси М. Ивасюк шундай ёзган эди: “Биз бу молдав кизи Сонянинг олдида таъзим қиламиз. Чунки у ўғлимнинг кўшиқларини жаҳонга танитди”.

1971 йил “Укртелефильм” режиссёри Роман Алексеев тоғли бегубор киз ва донецклик ўғлон ҳақида “Червона рута” номли мусикий фильмни сурагга олади. Уларнинг Черновци филармониясидаги ансамбли ҳам шу ном билан суҳрат қозонади. Дарвоқе, рута Карпат тоғларида ўсадиган ўсимлик бўлиб, унинг гули фақат тунда очилади, ривоятларга кўра, унинг гуллаганини кўрган кизнинг бахти очилармиш.

Аслида, София ҳам шу кўшиғи туйфайли машхур бўлди, ном қозонди. Ушбу кўшиқ оддий инсонлар, ёшу қарилардан тортиб, давлат ва ҳукумат раҳбарларининг-да севимли кўшиғига айланди. Энди у дунё мусиқа санъатида ўз услуби ва овозига эга профессионал хонанда сифатида танилди. 1972 йил Польшада, 1973 йили Булғорияда, 1974 йилда Германияда, 1975 йили собиқ Югославияда бўлиб ўтган халқаро фестивалларда қатнашиб, совриндор бўлиб қайтди. Унинг Евгений Дога, Арно Бабажян, Юрий Саульский, Евгений Мартинов, Владимир Матецкий, Владимир Ивасюк, Игорь Крутой каби атоқли композиторлар билан ижодий ҳамкорлиги санъат осмонида завқу шавқ билан парвоз қилишига қанот бағишлади.

София Ротару ҳам бошқа минглаб ижодкорлар, зиёлилар сингари собиқ Шўро мафкураси сиёсатида тўлиқ мослаша олмагани учун кўп азиятлар чеккан санъаткор. Концертларидан бирида “Душманлар жонажон уйимни ёқиб ташлашди” (“Враги сожгли


родную хату”) кўшиғи учун Маданият вазирлиги комиссияси дастурни бекор қилиб, комсомолга бағишланган “Я, ты, он, она-вместе целая страна” номли кўшиқни ижро этишини қатъий талаб қилишган. Шу боисдан у интервьюларидан бирида “бугунги эркинлик, мустикалликни ҳеч нарсага алмашмайман” деб таъкидлаган эди.

Кетма-кет концерт тадбирларидан сўнг Софиянинг ўпкаси қаттиқ шамоллайди. Уни Сеченов номидаги институт шифохонасида даволанаётган чоғида ҳам ҳукумат концертига мажбуран олиб келишади, ҳарорати баланд, қаттиқ шамоллаган ҳолатда кўшиқ ижро этади. “Кўриб турибсизлар-ку, овозим чиқмаяпти” дея қилган илтижосига қарамасдан, концерт ташкилотчиси унга қарата “бу – ҳукуматнинг хоҳиши, сен бугун ярим овоз билан кўшиқ айтмасанг бўлмайди”, деб буйруқ беради.

София Ротару халқ йўлидаги кўшиқларнинг моҳир ижрочиси. Унинг ижросидаги кўшиқлар ўз даврида ҳам, бугунги кунда ҳам миллионлаб мухлислар қалбидан жой олган десак муболаға бўлмас. У Америка, Европа, Осиё ва Австралидаги гастролларида молдов, рус, украин, румин, булгор тилларида кўшиқлар куйлаб халқчил, байналмилалчи санъаткор эканлигини хамиша исботлаб келган. Санъаткор собиқ СССР, Украина, Молдова халқ артисти, “Украина Қаҳрамони” фахрий унвонларига, Россиянинг бир қатор орденларига сазовор бўлган. София инсон сифатида жуда оддий, кўшиқлари каби самимий. Ана шу оддийлиги унинг буюклигидан дарак бериб туради. София Ротару Ўзбекистонни, унинг халқини ҳам суяди, ҳурмат қилади, шу билан бирга ўзбекистонлик мухлислар ҳам унинг санъатини, сержило овозини, кўшиқларини севиб тинглашади.

У журналист Лариса Панченко билан бўлган суҳбатда шундай деган эди: “Қайси бир санъаткор мен ўз орзуимга етдим, ҳамма нарсага эришдим, дея ўзига баҳо бера, у сахнани тарк этиши керак. Мен ҳали энг асосий кўшиғимни ижро этганим йўқ”. Демак, биз санъат оламининг булбулидан ҳали кўп фарахбахш хонишу тароналар тухфасини кутиб қоламиз.

*Шоҳаҳҳор САЛИМОВ  
тайёрлади*



## ЁНИБ ЯШАГАН МУСАВВИР

Рўзи Чориев – XX аср Ўзбекистон тасвирий санъатидаги юлдузли номлардан бири. Унинг ижодий тақдири ўз халки, мамлакати билан чамбарчас боғланиб кетган. Рассомдан мерос бўлиб нафақат ўзига хос бадиий услуб, бетакрор усул, балки олам ва одам ҳақидаги бетакрор фикрлар, қарашлар ҳам қолди. Рўзи Чориев шундай серкирра рассомки, унинг ижодида маҳаллий, миллий ва умумбашарий маънавий кадриятлар бир-бири билан чатишиб кетган. Шунчаки сўзлар эмас, балки мусаввир яшаган ва ижод қилган воқелик ижодининг том маънодаги мазмуни, меҳвори саналади. Шу ўринда Рўзи Чориев ижодининг яна бир жиҳатини айтиб ўтмоқ жоиз. Гап шундаки, ҳаётлик вақтида у бир сония ҳам рассом бўлмасдан яшаган эмас. Ҳатто ташқаридан қараб ҳам билмаган одамлар кўркам соқоли, доим кийиб юрадиган беретидан унинг рассом эканига иқрор бўлар эдилар. Ҳамкасб мусаввирлар ўз дўстларининг ишлари ҳақида самимий ва ғоят рамзли тарзда: “Зўр!” деб кўйишини тез-тез ёдга оладилар. У кўрғазмаларнинг очилиш маросимларида кўшиқ айтишдан ҳам ўзини тиёлмасди, чунки кўрган-кечирганларидан азбаройи ҳаяжонланиб, юрагига сиғдиролмасди ва таассуротлари кўшиқ бўлиб отилиб чиқарди. Ижодий фаолиятда эса у ҳар доим, фақат ва фақат инсон бўлиб қолаверарди. Буни биз ноёб истеъдод соҳибининг деярли барча асарларида чуқур ҳис этамиз. У ҳаётни ва одамларни севарди: севинишнинг уддасидан чиқарди ва теварак-атрофида рўй бераётган

## МУҚОВАМИЗДА...

воқеа-ходисаларни кўрар, моҳиятини теран ҳис қила оларди.

Рўзи Чориевнинг ижодий тақдири ўзининг ноёб анъанавий маданиятига эга гўзал, кўхна ва навқирон Сурхондарё билан боғлиқ. У 1931 йилнинг 28 августда шу вилоятдаги Пашкурт деган тоғ бағридаги қишлоқда дунёга келди. Болалик чоғларидаёқ у тоғлар фусункорлигию дала-даштлар жозибadorлигини, у ерда истикомат қилувчи одамларнинг улуғвор ва кенг қалбини ўз қалбига жо этар, вужудига сингдириб борарди. Либослардаги ёрқин ранглар уйғунлиги, ранг-баранг хунармандлик буюмлари, анъанавий кўшиқ ва рақсларнинг алоҳида оҳангдорлиги, қишлоқдошлари тимсолида намоён бўлувчи урф-одат ва расм-русумлар ранг-баранглиги – булар барчаси бўлажак рассом кўз ўнгида иккинчи, сир-синаотларга тўла дунё бўлиб гавдаланарди. Рассомнинг болалик пайтидаги тасаввурлари ўткинчи ҳолга айланмади, аксинча, улар инсон ва рассом сифатида унинг дунёқаршига мустаҳкам асос, негиз бўлиб қолди. Сурхондарё анъанавий маданияти ҳар доим рассом ижодига илҳом ва озуқа бериб келди, унинг сувратларидаги безак ечимида, рамзу тимсолларда ўз ифодасини топди, шу боисдан ҳам мусаввир асарларидаги қуёш нури жилваларининг ёрқин бўёқлари жилосидан томошабин дили беихтиёр равшан тортади.

Аввал-бошданоқ ёш Рўзининг романтикага мойил ижодий табиати кейинчалик пойтахт – Тошкентда камол топди. Унга рассомликни Худо юқтирган, шундан бошқа касбу хунарга унда на ҳавас ва на иштиёқ бор эди. Шу интилиш уни Республика бадиий билим юртига етаклаб келди, ўқишга кирди ва уни 1959 йилда битирди ҳам. Бадиий билим юрти Рўзининг кўз ўнгида тасвирий санъатнинг гўзал оламини намоён этди, айнан шу нарса рассом орзусидаги ва мудом интилиб келган мақсад эди. У тасаввуридаги бу жилвагар оламини, шахсий фикр ва туйғуларини бўёқлар ҳамда бўз матолар ёрдамида қайта гавдалантира олишини англади.

Рўзи Чориевнинг ижодкор сифатида шаклланишида И.Е.Репин номидаги Рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик институти катта роль

ўйнади. У ерда бўлажак рассом Ю.Непринцев устахонасида таълим олди. Реалистик ифода асосларини англаш ва ривожлантиришда бу илм даргоҳининг аҳамияти катта эди. Рўзи жаҳон тасвирий санъат дурдоналари билан танишиш, абадият ва гўзаллик билан юзма-юз келиш имкониятига эга бўлди. Академик бадиий йўналиш Рўзи Чориевда катта кизиқиш уйғотди. У бу йўналишни моҳирона эгаллади, тажрибали, кўпни кўрган муаллимлар унинг жонига оро кирди. Шунингдек, у мазкур йўналиш таркибига экспрессия, ҳаракат, сезгилар тароватини олиб кирди. Ҳали талабалик вақтларидаёқ унинг ишлари тенгдошлариникидан яққол ажралиб турарди. Рўзидаги собитлик, табиийлик уларда ҳадеганда кўзга ташланавермасди. Мусаввир чизган портретларда қахрамонлар яшар, ўйлар, ижод қилар, ҳис этар эди. Санъатга ниманидир олиб кириш Рўзи Чориевга Аллоҳ томонидан ато этилган фазилат, ҳислат эди. Унинг шахсиятини бундан бошқача тасаввур этиб ҳам бўлмасди.

Рассомнинг 1960 йиллардаги дастлабки мустақил ишларидан шу нарса яққол кўринадики, Ўзбекистон тасвирий санъатига ўз дунёси, рамзлари ва сюжетлари, услуб ва мўйқалами билан ўзига хос санъаткор кириб келди. Рўзи Чориев турли жанрларда: портрет, пейзаж, натюрмортда фаол ва баракали ижод қилди. Балки биз бугунги кунда рассом ишларига оз-моз кўникиб қолгандирмиз, аммо 1960 йилларда Рўзи Чориев ўз рангтавир асарларига олиб кирган сезги эркинлиги ўша йиллар санъатида ҳис этилган катта ўзгаришлар ифодаси бўлиб қолди. Бу даврда санъат 1930-50 йиллар “соцреализми”нинг сийқаси чиққан меъёрий эстетикасидан ҳалос бўлган эди. Мазкур санъат ўзи учун миллий, европа санъати ва кенгрок олиб қараганда, жаҳон санъатининг бой ва ранг-баранг анъаналарини инкишоф этди.

Рўзи Чориев бағрикенг инсон эди, юрагида эзгуликдан ўзга нарса йўқ эди, ҳаёт йўлида унга ким дуч келган бўлса, ҳаммасини сиғдира оладиган кўнгил дунёси бор эди. Рассом сифатида ҳам у доим бирон-бир янгилик ўйлаб топиш пайида бўларди, турли бадиий анъаналарни эринмай тадқиқ қилар ва ўзлаштирарди. Нима бўлганда ҳам Рўзи Чориев тасвирий санъатда

ўз йўлини танлади – бу реалистик йўналиш услубий англаш сифатида Шарқ санъатини безакчилик билан сингдириб юбориш йўли эди. Санъатда безакчилик ҳақида жуда кўп гаплар айтилган ва ёзилган. Шарқ санъатида, жумладан, Ўзбекистон санъати тарихида безакчилик шунчаки колорит ёрқинлигида ифодаланиб қолмаган, балки халқнинг, дунёнинг ҳаёт манбаи деб қарашини ҳам акс эттирган. У жўнгина расмий-пластик тушунча эмас, балки энг аввало, мазмундор дунёқарашга эга чуқур назария ҳамдир.

Рассом чизган портретлар хусусида тўхталмай ўтиб бўлмайди. Улар қатор ёрқин, бетакрор образлар силсиласидан иборат бўлиб, қахрамонлари эса оддий меҳнатқашлар, катта ва ўрта ёшдаги эркаклар, аёллардир. Улар ёнгинамизда, ўзимиз билан бақамти яшаб турган замондошларимиздир. Шу билан бирга ҳар бир образ – бу бетакрор индивидуаллик, бой ички оламдир. Ҳар бир портрет ечимида жўшқинлиқнинг муайян улуши бор, аммо асосийси, рассомнинг ўзи чизаётган инсонга нисбатан муҳаббат туйғуси мана мен деб туради.

Бир неча йилдирки, Рўзи Чориев орамизда йўқ... Аммо унинг дил кўри, шижоати, эзгулиги, инсоний поклиги билан йўғрилган сувратлари биз билан қолди. Уларни Давлат санъат музейида, Бадиий кўргазмалар дирекциясида, Тасвирий санъат саройида, хусусий жамламаларда топиш ва томоша қилиш мумкин. Мусаввирнинг кўшлаб ҳазиломуз гаплари эл ичида ҳикмат ва латифаларга айланган: “Ўзингизни аллақандай майда-чуйдаларга уриб, овора бўлманг – бу дунёда фақат ишлаш, ишлаш ва ишлаш керак”. Бу ҳаётий таомилга Рўзи Чориев энг аввало ўзи амал қилди. Унинг миллий тасвирий санъатдаги хизматлари муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадиий академиясининг академиги, Давлат мукофоти совриндори бўлди.

Рўзи Чориев ёниб яшади, ёниб ижод қилди, дўстлари, ҳамкасблари, шогирдлари, уни таниган ва билган барча учун муносиб ибрат, ёрқин хотира бўлиб қолди. Атоқли мусаввир 2004 йилнинг 18 сентябрида дунёдан кўз юмди.

*Камола ОҚИЛОВА,  
санъатишунослик  
фанлари доктори*



## ТАРИХДА БУ КУН ...

## МЕНГА ЛАЛИ БИР ЖАҲОНУ, МЕНГА СОЛОМОН БИР ЖАҲОН

Кўхна тамаддун бешиги ҳисобланган, Шарқ фалсафаси, бетакрор санъати ва бой маънавий меросини ўзида мужассам этган, асрлар мобайнида дунё аҳлини ҳайрат ва ҳаяжонга солиб келаётган Самарқанд август ойининг

сўнги кунлари катта шодиёна оғушида. Кўчалар, хиёбонлар, сайлгоҳларда байрамона шукуҳ, кўтаринки кайфият хорижликлару ватандошларимизнинг руҳиятини-да чулғаб олган. Шаҳарнинг илм-фан, маданият, санъат ва дин маркази сифатида мозийдан садо бериб турувчи муаззам Регистон майдони шу кунлар Шарқ тароналари билан тўла. Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ташкил этилиб, 1997 йилдан буён ҳар икки йилда мунтазам ўтказиб келинаётган “Шарқ тароналари” халқаро фестивали дунё халқларининг миллий мусиқа санъати ва қўшиқчилиги анъаналарини асраб-авайлаш, ривожлантириш, тили, маданияти, урф-одатлари турлича миллат ва элатларни санъат воситасида бирлаштириш, уларни гўзаллик, нафосат ҳамда эзуликка даъват этишга хизмат қилаётир. Шу боис ҳам фестивалга қизиқиш йил сайин ортиб, иштирокчилар сафи кенгаймоқда. 1997-йилги илк намойишда 31 мамлакат вакиллари ўз миллий санъатини улуғлаган бўлсалар, бу йилги тўққизинчи анжуманда ер юзининг деярли барча қитъасидаги 52 га яқин давлатдан мусиқа ва санъат намояндалари қатнашмоқда.

Шарқ халқлари мусиқа санъатида азалдан амалий билимлар, малакалар назарий илмлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Шу боисдан мусиқа амалиётида устувор бўлган ижодкорлик соҳаси доим илмий жиҳатдан идрокланиб, махсус рисолаларда тавсиф этиб борилган. Зеро, таникли композитор ва мусиқашунос, академик Б.Асафьев таъбири билан айтганда, “мусиқа ҳеч қачон у ҳақидаги фикрдан холи яшаши ва ривожланиши мумкин эмас”. Ушбу азалий анъаналарни давом эттирган ҳолда ҳукуратимиз томонидан “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали таъсис этилиб, унинг доирасида илмий-назарий конференция ўтказилиши лозимлиги белгилаб қўйилган эди. Натижада илмий анжуман ҳам фестивал каби 1997 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир маротаба ўтказиб келинмоқда. Таъкидлаш жоизки, мазкур конференция ўз ишини фестивалнинг асосий ғоялари билан узвий боғланган ҳолда олиб боради. Чунончи, илмий конференция мавзуи фестивал Низомида кўрсатилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда танланади. Бунда энг аввало Шарқ халқлари, шу жумладан, Ўзбекистон мусиқа санъатининг турли жабҳалари ва унинг ривожланиш тамойиллари ҳамда бугунги кунда ўз ечимини кутаётган ўта долзарб муаммолар мувоҳаса қилинади. Хусусан,





шу пайтга қадар ўтказилган илмий анжуманларда “Жаҳон халқлари мусиқа маданиятининг муштараклиги муаммолари” (1997), “Шарқ халқлари мусиқа маданияти мероси” (2001), “Шарқ халқлари мумтоз мусиқаси” (1999, 2005), “Шарқ халқлари фольклор анъаналари” (2003), “Ўзбекистон мусиқа маданиятининг жаҳон цивилизациясидаги ўрни” (2009) ва ниҳоят, “Шарқ халқлари мусиқий маданиятининг изланишидаги бош манбалари ва уларнинг аҳамияти” (2011) каби мавзуларда турли китъалардан келган мутахассис олимлар ўз маърузалари билан иштирок этдилар. Янада муҳими эса шундаки, илмий-назарий конференциялар пировардида “халқ анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш”, “халқаро ижодий ҳамкорликни янада кенгайтириш” каби фестивалдан кўзланган бош ғоялар ўзининг илмий асосини топиб бормоқда.

Дунё саҳнасида буюк “маком санъати” билан умумэтирофга сазовор бўлаётган Ўзбекистон Маҳмуд Шерозий, Абу Наср Форобий, Султон Муҳаммад Удий, Хожа Муҳаммад Кавкабий, Урмавий каби забардаст ўғлонлари билан ҳам жаҳон маданияти ва санъатида бекиёс ўрин тутати. Ҳар галги фестиваль нафақат янги овозларни кашф қилади, айти чоғда миллат фахр-ифтихорига айланган халқ куйлари, халқ ҳофизларининг ижодини ҳам ёдга олади.

– Ўзбекистонга 2003 йилдан буён ташриф буюраман ва ҳар гал келганимда янгидан-янги ўзгаришларни кўраман. Булар Ўзбекистоннинг қудратини, халқинингнинг салоҳиятини билдиради. Сизнинг бой тарихингиз маънавий меросингиз юксак эканлигини кўрсатади. “Шарқ тароналари” халқаро мусиқий фестивалида мен бунга иқрор бўлганман. Ўзбек санъати қадим санъат, “Шарқ тароналари” фестивалида тараннум этилаётган куй-қўшиқларингиз буни тасдиқлаб турибди. Мен фестивалда қатнашгач, бу санъат форумининг аҳамияти қанчалик юксак даражада эканлигини ҳис этдим. Бу фестиваль дунё халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшмоқда. Дунё мамлакатлари санъаткорларининг ўзаро тажриба алмашишлари учун катта имконият яратмоқда, – дейди Ли Минг, Тайван фольклор фестивали ассоциацияси Бош котиби.

Ҳар галги фестивалга таниқли хонандалар, санъат арбобларию нуфузли меҳмонларнинг ташриф буюриши таомилга айланиб улгурди. Жумладан, 2011 йилги анжуман фахрий меҳмони италиялик машхур хонанда Аль Бано Карризи бўлган бўлса, мазкур йилда ЮНЕСКО бош директори Ирина Бокова бошчилигида дунё мусиқа оламининг қатор арбоблари ташриф буюрди.

Ҳақиқий истеъдодни тан олиш ҳам мардлик, аслида. Соломон Гогашвили (Грузия), Лали Бегназарова (Туркменистон)нинг ижодини қадрлаймиз, тан берамиз. Бироқ, фестивалнинг турли йиллардаги кўрикларида ғолибу совриндор бўлган Муножот Йўлчиева, Дилнура Қодиржонова, “Сато” гуруҳи, Матлуба Дадабоева каби санъаткорларимизни ёдга олганда, фахр ҳисларини туйганда, беихтиёр “Менга Лали бир жаҳону, менга Соломон бир жаҳон...” дегинг келади.

Неча асрлар олдин “Буюк ипак йўли” орқали Шарқу Ғарб халқларини бир-бири билан боғлаган Самарқанд шаҳри бугун мусиқа садолари орқали ўша маънавий робиталарни тикламоқда. Тарихнинг қайта туғилиши шу бўлса, не ажаб!

*Севара АЛИЖОНОВА  
тайёрлади*



## УЛАР ҲАМ ШУ ОЙДА ТУҒИЛГАН ЭДИЛАР...

### 5 АВГУСТ

1941 йил, **Ўткир Хошимов**, Ўзбекистон халқ ёзувчиси. Адибнинг дастлаб “Пўлат чавандоз” очерклар тўплами, “Чўл ҳавоси” йирик насрий асари, “Одамлар нима деркин”, “Қалбингга қулоқ сол” киссалари чоп этилган. “Баҳор қайтмайди”, “Дунёнинг ишлари” киссалари унга катта шуҳрат келтирди. “Нур борки, соя бор”, “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар” каби романлари ўзбек адабиётида муҳим ўрин тутди. Ижодкор “Хазон бўлган баҳор”, “Инсон садоқати”, “Тўйлар муборак”, “Виждон дориси”, “Қатағон” каби бир қатор драма, комедия, киносценарийлар муаллифи.

### 8 АВГУСТ

1912 йил, **Чингиз Аҳмаров**, Ўзбекистон халқ rassоми. У ўз ижодида Шарқ анъаналарини давом эттириб, миллий мусаввирлик мактабини яратган. Дастлаб Навоий театри фойесига Навоий “Хамса”си мавзулари асосида маҳобатли деворий расмлар ишлаган. Қозон опера ва балет театри, Навоий номидаги Адабиёт музейи, Беруний номидаги Шарқшунослик институти биноси, Алишер Навоий номли метро бекатининг деворий суратларини ишлаган. “Қиз портрети”, “Бола портрети”, “Акам портрети”,

## ТАҚВИМ

“Муқаррама Турғунбоева”, rassом Р.Темуров, шоира Зулфия, Ҳалима Носирова, “Ёш Навоий” портретлари муаллифи.

### 12 АВГУСТ

1866 йил, **Хасинто Бенавенте-и-Мартинес**, испаниялик драматург. Унинг илк китоби “Фантастика театри” деб номланган. “Аёллардан мактублар” романи, “Бегона уй” деб номланган илк пьесаси муваффақият қозонмаган бўлса-да, “Машҳур кишилар” драмаси омад олиб келган. Драматургнинг “Губернатор”, “Малика Беби”, “Манфаатлар ўйини”, “Эҳтиросга чидамли қиз”, “Муҳаббатимиз сабоқлари” пьесалари машҳур. Драматург ижодий фаолияти давомида 170 дан ортиқ сахна асари ёзган. 1922 йилда унга “Испани драматининг шонли анъаналарини юксак маҳорат билан давом эттиргани учун” Нобель мукофоти берилган.

### 14 АВГУСТ

1867 йил, **Джон Голсуорси**, инглиз ёзувчиси, драматурги. Унинг дастлабки асарлари – “Тўрт шамол” ҳикоялар тўплами, “Жослин”, “Вилла Рубейн” романлари янги романтик йўналиш таъсирида ёзилган. Адиб “Фарисейлар ороли”, “Қўрғон”, “Чорбоғ”, “Қардошлик”, “Пагриций”, “Фрилендлар” романлари, шунингдек, “Жой”, “Кураш”, “Адолат”, пьесаларини ёзган. У “Форсайтлар ҳақида қисса” йирик эпопеяси ва “Замонавий комедия”, “Бобнинг якуни” трилогиялари муаллифи ҳамдир.

### 14 АВГУСТ

1930 йил, **Яйра Абдуллаева**, Ўзбекистон халқ артисти. Санъаткор А.Қаҳҳорнинг “Шоҳи сўзана” асарида Ҳафиза, Уйғун ва И.Султоннинг “А.Навоий” асарида Гули, А.Островскийнинг

“Момақалдирик” асарида Катерина, Ҳамзанинг “Бой ила хизматчи” асарида Гулбахор, И.Султоннинг “Номаълум киши” асарида Турғуной, Т.Тўланинг “Нодирабегим” асарида Нодирабегим, У.Шекспирнинг “Қирол Лир” асарида Регана, Ф.Шиллернинг “Мария Стюарт” асарида Мария Стюарт, М.Каорунинг “Ўғирланган умр” асарида Кей ва бошқа кўплаб ролларни маҳорат билан ижро этган.

## 15 АВГУСТ

1771 йил, **Вальтер Скотт**, инглиз ёзувчиси, тарихий роман жанрининг асосчиси. “Иван окшоми” романтик балладаси унинг илк асаридир. Адиб шотланд халқ балладаларини тўплаб, 3 жилдли “Шотланд кўшиқлари” тўпамини яратган. Романлари орасида “Пуританлар”, “Роб Рой” асарлари алоҳида ўрин тутди. Айниқса, “Уэверли” романи унга катта шухрат келтирган. “Тумор”, “Граф Роберт Парижли”, “Айвенго”, “Перт гўзали”, “Сент – Ронан сойлари”, “Наполеон Бонапарт ҳаёти”, “Шотландия тарихи”, “Лорд Байроннинг ўлими” сингари асарлари машҳурдир.

## 18 АВГУСТ

1750 йил, **Антонио Сальери**, венециялик композитор, дирижёр ва педагог. У ҳаёти давомида 40 дан ортиқ опера ва бошқа турли жанрларда кўплаб мусиқий асарлар ёзган. Унинг “Данаидлар”, “Трофоний ғори”, “Ўқимишли аёл”, “Армида”, “Венеция кўрғазмаси”, “Ўғирланган ковға”, “Шавкатли Европа” опералари хануз Ла скала театрида намоиш этиб келинмоқда. Бастакорнинг “Катилина”, “Рақам”, “Мўри тозаловчи”, “Беғуноҳ ишқ”, “Хубилай, буюк татар хони”, “Тескари дунё” каби бир қатор опералари дунёнинг кўплаб давлатларида севиб саҳналаштирилган.

## 19 АВГУСТ

1780 йил, **Пьер Жан Беранжье**, француз шоири. У аввал классицизм

услубида, кейинчалик халқ кўшиқлари йўлида ижод этган. “Ахлоқий кўшиқлар”, “Кўшиқлар”, “Нашр этилмаган кўшиқлар” шеърий тўпламлар муаллифи. “Қирол Ивето”, “Капуцинлар”, “Паноҳ фариштаси”, “Наваурра шаҳзодаси” ҳажвий шеърларида Наполеон тузумини ҳажв остига олган.

## 20 АВГУСТ

1901 йил, **Салваторе Квазидомо**, италян шоири. Унинг “Сув ва замин”, “Эквалипт ва бошқа шеърлар”, “Эрато ва Апполион”, “Шеърлар” китоблари чоп этилган. Бундан ташқари “Тун”, “Кундан кун”, “Қалбаки ва ҳақиқий барглар” шеърий тўпламлари, “Шеърият ҳақидаги мулоҳазалар”, “Шоир ва ёзувчи” эсселари муаллифи. Унинг охириги шеърий тўплами “Бериш ва эга бўлиш” номи билан аталади. 1959 йилда “давримизнинг фожиавий тажрибаларини мумтоз даражада жонли ёритиб бера олган лирик поэзияси учун” у Нобель мукофотида сазовор бўлган.

1847 йил, **Болеслав Прус**, польшалик ёзувчи. Унинг болаларга бағишланган “Етимлар қисмати”, “Қайтувчи тўлқин” хикоялари, “Михалко”, “Сарой ва кулба”, “Катюша”, “Мозийдан садо”, “Туноҳкор болалик”, “Хато” киссалари ёш китобхонларга таниш. Адиб шунингдек, “Анелка”, “Кўғирчок”, “Таянч”, “Фиръавн”, “Болалар”, “Озод аёллар”, “Асир кўнгил” романлари билан шухрат қозонган.

1932 йил, **Василий Павлович Аксёнов**, рус ёзувчиси ва драматурги. У “Ҳамкасблар”, “Юлдузли чипта”, “Марокаш апельсини”, “Дўстим, фурсат етди”, “Афсус, биз билан бирга эмассиз”, “Менинг бобом – хайкал” сингари киссалар муаллифи. Шунингдек, “Бизнинг олтин темир йўл”, “Куйинди”, “Қрим ороли”, “Москва киссалари” каби романлари ҳам машҳур.

## 22 АВГУСТ

1845 йил, **Абай Қўнонбоев**, буюк қозоқ шоири, файласуфи, маърифатпарвари, қозоқ романтик ёзма адабиётининг асосчиси. У рус ва жаҳон шеърляти намуналарини қозоқ тилига ўғирган. Унинг кўплаб панд-насихат мавзусидаги шеърлари қозоқ ва, умуман, Шарқ адабиёти дурдоналаридан саналади.

## 24 АВГУСТ

1844 йил, **Илья Ефимович Репин**, рус рассоми, XIX аср реалистик санъатининг йирик намояндаси. Мусаввир ўзининг кўп қиррали фаолиятида портрет, тарихий картиналар, офорт, литография, кичик расмлар жанрларида ижод қилди. Унинг “Бурлақлар Волга бўйида”, “Тавбадан бош тортиш”, “Кутмагандилар”, “Запорожьеликлар турк султониға хат ёзишмоқда”, “Малика Софья”, “Иван Грозний ва унинг ўғли Иван” каби тарихий асарлари машхур. Шунингдек, “В. Стасов”, “М. П. Мусоргский”, “Л. Н. Толстой”, “И. П. Павлов” сингари атокли кишилар портретларини яратган.

## 28 АВГУСТ

1749 йил, **Йоханн Вольфганг Гёте**, немис адиби, мутафаккири. Унинг “Гец фон Берлихинген”, “Клавиго”, “Стелла”, “Ифигения

Тавридада”, “Эгмонт”, “Торквато Тассо” каби драмалари, “Фауст” трагедияси, “Вилхелм Мейстернинг тахсил йиллари”, “Ёш Вертернинг изтироблари” романлари машхур. Булардан ташқари “Олмон муҳожирлари билан суҳбатлар”, “Рейнеке Лис”, “Ҳерманн ва Доротея”, “Францияға ҳарбий юриш”, “Майнц камали”, “Ҳазина изловчи”, “Афсунгар шоғирди”, “Тангри ва раққоса”, “Афсона” сингари турли жанрдаги бошқа асарлари ҳам бор.

## 29 АВГУСТ

1862 йил, **Морис Метерлинк**, белгиялик драматург ва ҳикоянавис. Адибнинг “Беғуноҳларнинг ўлдирилиши” ҳикояси, “Иссиқхоналар” шеърӣ тўплами, “Малика Мален” эртақ-пьесаси босилиб чиққан. “Таклиф этилмаган аёл”, “Кўрлар”, “Етти малика”, “Пелиас ва Мелисандра”, кўғирчоқ театрлари учун эса “Оловуддин ва Паломид”, “Ана, ичкарида”, “Тентажилнинг ўлими” сингари пьесаларни ёзган. Адибнинг “Шикастанафслар хазинаси”, “Донолик ва тақдир”, “Асаларилар ҳаёти” каби бир қатор эссе ва трактатлари ҳам маълум. Унинг “Кўк қуш” пьесаси машхур асарларидан саналади. 1911 йилда Нобель мукофоти билан тақдирланган.


*М. МАҲКАМОВА  
тайёрлади*





## дУТЛОВ


*Мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллиги муносабати билан бир қанча юртдошларимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлдилар. Тақдирланганлар орасида “Жаҳон адабиёти” журнали бўлим мудири, таниқли таржимон ва шоир Музаффар Аҳмад ҳам бор. У Ватан мустақиллигини мустаҳкамлашдаги ҳамда ёрқин истеъдоди ва ижоди, ҳалол хизмати ва адабиёт ривожидagi хизматлари учун “Дўстлик” ордени билан мукофотланди. Биз ижодий жамоамиз ва журналхонлар номидан ҳамкасбимизни юксак мукофот билан табриклаймиз.*


## RESUME

 This year we celebrate 22 nd anniversary of the independence of our country. This short date gave many opportunities not only in socio-economical way, but also in spiritual-enlightenment. For the reason at this issue of magazine dedicated the literature and the art of our republic and it was included a creative of different nation which living there, readers can read poems about our motherland and other themes which are translated from Russian into Uzbek.

 So, you can read several stories “Flight”, “The husk road” by talented writer Muhammad Sharif and continuation of “Demons” by F.Dostoevskiy.

 Uygun was a master poet who had grand portion for development literature and playwrighting of XX century in Uzbek literature. In “Heritage of master translations” heading his translations of world poets works are published.

 The conversation between Quanishboy Urazimbetov, the doctor of philology sciences, professor and Gulistan Matyoqubova, a famous poetess of Karakalpakistan is about literary environment, past and today of the literature.

 In the heading “Culture and art of the world” is talked about the authors of sign, eternal music, overthrow the world – Guy de Maupassant, Alfred Hitchcock, Knut Hamsun, Muslim Magomayev, Elise Muller, Sofia Rotaru and Ruzi Choriev.



**Бош муҳаррир:**

Шухрат РИЗАЕВ

**Таҳрир ҳайъати:**

Усмон ҚЎЧҚОР

(бош муҳаррир ўринбосари)

Юлдуз ҲОШИМОВА

(масъул котиб)

Амир ФАЙЗУЛЛА

Тоҳир ҚАҲҲОР

Назира ЖЎРАЕВА

Музаффар АҲМАД

Матлуба МАҲКАМОВА

Дилдора АЛИЕВА

Алимурад ТОЖИЕВ

# Жаҳон АДАБИЁТИ

2013 йил август сони

Навбатчи муҳаррир А.ТОЖИЕВ  
Техник муҳаррир З.ФОЗИЛОВА  
Мусаххих Д.АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи М.АЛИЕВА

**Жаҳон адабиёти, 2013**

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189

Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

**Таҳририят манзили:**

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.

Сайт: [www.jahonadabiyoti.uz](http://www.jahonadabiyoti.uz)

E-mail: [jahonadabiyoti@list.ru](mailto:jahonadabiyoti@list.ru)

Босишга рухсат этилди 30.08.2013 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.

Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.

Жами 1825 нусха. \_\_\_\_\_ рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.  
“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот  
ва ахборот агентлигининг “Ўқитувчи” НМИУда чоп этилди.

100206, Ўзбекистон, Тошкент ш. Янгишаҳар кўчаси, 1.

© **Жаҳон адабиёти, 2013 й.**